ШАРҚ ЮЛДУЗИ | ŞARK YÜLDÜZI

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

5-6'1993

62-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
(Танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири)

Тоҳир МАЛИК
(Масъул котиб)

Мурод МАНСУР
(Наср бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудири)

Асқар ҲАЙДАРОВ
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасан Тўфон,
Татаристон халқ шоири

Ғафур Ғуломга

Ҳамон соғинаман саҳро қўйнида
Бўстондай яшнаган гўзал элингни.
Мен Одиссей каби толиққан эдим,
Тақдир сен томонга бурди йўлимни.

Билардим: далалар, чўллар ортида
Бир мунис, меҳрибон дўстим борлигин.
Кўрмаган эсам-да, эшитган эдим,
Туғишган эрлигин — дилга ёрлигин.

Гарчи бошқа-бошқа бувиларимиз,
Боболаримиз ҳам бошқа-бошқадир;
Балки биз туфайли эл бўлгай улар,
Дўстлик ва иноқлик биздан бошланур.

Туркистоннинг буюк ўғлонларини
Олдига ёзибсан, чорлаб, дастурхон.
Бобур, Умар Хайём, Навоий билан
Мени ҳам қадрлаб айладинг меҳмон.

Дастурхон бошида Бобур ўлтирар,
Гоҳ севинч, гоҳ ўкинч бағрини ёқиб,
Шоҳ бўлса ҳам олис юртини қўмсаб —
Шу соғинч ҳақида рубоий ўқиб.

Овидий эшитса қарши бўлмасди,
Марҳамат қиларди бундай мажлисга.
Ишонган бўларди шоирлар қадри
Римда тубан бўлса, юксакдир бизда.

Шу тўкин дастурхон атрофида ҳам
Мунофиқ иблиснинг шотири юрар.
Гулгун қадаҳдаги «Узум қизи»нинг
Кайфи аро биздан сир гулин терар.

Бизнинг бу дўстликдан иллат излайди,
Тинмай уринади бир айб топарга.
Тополса топгани, тополмаса ҳам
Барибир йўл топар ёрлиқ тоқарга.

Шунда иккимиз ҳам Навоий қўлин,
Эркаловчи қўли тафтин кўрамиз.
Ҳар қандай иблисга парво қилмасдан,
Қондош-қардош бўлиб яшай берамиз.

Унга бунда ўрин йўқлигин сезиб,
Иблис жўнаб қолар келган инига.
Қадаҳ кўтарайлик қардошлар каби
Халқларимиз тинчлик, омонлигига.

Ойнома саҳифаларида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодига оид хотиралар билан танишасиз.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Қодиржон ИБРОҲИМОВ, Ҳуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурод МУҲАММАД ДЎСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА, Эркин САМАНДАР, Жуманазар САЛАЕВ, Ҳайриддин СУЛТОНОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобохон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ.

© «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» № 5—6, 1993 ЙИЛ.

www.ziyouz.com kutubxonasi



КИМ ҲАҚИҚИЙ САВДОГАР?

«Савдони тўғри юритинг, зеро у баракадир». (Қуръони каримдан).

Ҳозир жамиятимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаяпти, секин-аста мулкни хусусийлаштириб, шахснинг моддий манфаатдорлигига эрк бериб, истеъмол бозорини тўлдириш учун кураш олиб бориляпти. Бу иш оғир иқтисодий тақчиллик, қимматчилик шароитида амалга оширилаётганлиги учун ҳам катта қийинчиликларни юзага келтиряпти.

Жамиятимиздаги ҳалол, софдил кишиларни айниқса турмушимизда чайқовчилик катта миқёс олаётганлиги ташвишлантирмоқда. Ҳар бир ҳуқуқий давлатда шахснинг тўла эрки таъминланган ҳолда, меҳнаткашларнинг кенг қатламлари манфаатларига зид ҳодисаларнинг олдини оладиган қонунлар бўлиши керак. Бизда ҳақиқатда шундайми? Агар шундай бўлса, ҳаётимизда чайқовчилик, ўғрилик, қаллоблик каби иллатлар нега тобора томир ёймоқда? Бугунги ҳаётимизда соғлом бозор муносабатлари қарор топишини таъминлаш учун нималар қилиш керак? «Шарқ юлдузи» ойномаси таҳририяти жумҳурият прокуратураси ходимлари билан биргаликда ўтказган давра суҳбатида ана шу масалалар атрофида фикр алмашилди. Ойнома бўлим мудири **Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ** *бошлаб берган бу суҳбатда ёзувчи, жумҳурият прокуратураси бўлим мудири* **Файзулла ҚИЛИЧЕВ**, *жумҳурият прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи* **Вали ҚОСИМОВ**, *жумҳурият прокуратураси тергов бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари* **Обиддин АЛИБОЕВ**, *Тошкент юридик институти жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири, доцент* **Юсуф РУСТАМБОЕВ**, *шу институт доценти* **Сергей ЗАКУТСКИЙ**, *Тошкент солиқ бошқармаси бошлиғи* **Пошшо ИМОМҚУЛИЕВ**, *жумҳурият адлия вазирлиги бош мутахассиси* **Носир АБДУРАҲМОНОВ** *ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

Қуйида шу давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

- **Саидазимбойнинг хайрли иши.**
- **Чайқовчи — мустабид тузум вакили.**
- **Кичик «корхона»лардаги катта қаллобликлар.**
- **Шароит янгича, қонунларимиз эса эскича.**
- **Нархлар нега осмонда!**
- **Қаттиққўллик — ўтиш даврининг зарур сиёсати.**

* * *

А. Эгамназаров. Савдонинг ижтимоий вазифаси тайёр буюмнинг ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтишига кўмаклашишдан, бу ўтишга кетадиган вақтни, моддий харажатларни камайтиришдан иборат.

Савдо ходиминнинг ишлаб чиқарувчи билан харидор ўртасида воситачи эканлигидан келиб чиқиб, ундан эпчил, ширинсухан, хушмуомала бўлиш, одамларга тез мослаша олиш каби фазилатлар талаб қилинган. Савдогарлик қадимдан энг олижаноб касблардан бўлган. Улар ҳожатбарор,

www.ziyouz.com kutubxonasi

турмуш мўл-кўллиги, фаровонлигини таъминловчи, халқлар ўртасида дўстона алоқаларни йўлга қўювчи, бир элдан иккинчи элга маданият элтувчи кишилар саналишган.

Ҳатто Муҳаммад пайғамбар ҳам йигитлик даврларида тижорат ишлари билан шуғулланган. Севимли рафиқаларидан Ҳадича ойимни тижоратчилик қилиб юриб топганлар.

Қуръони каримда «Савдони тўғри юритинг, зеро у баракадир!» дейилган. Савдогар меҳнати ҳақида Алишер Навоий ҳам жуда яхши гаплар айтган. Шоир Фурқат яхши тижоратчи ҳам эди. У шу касби туфайли кўпгина юртларда бўлган, замонасининг атоқли кишилари билан танишиб, дўстлашган.

Россияда яшаб ўтган ака-ука савдогар Елисеевларни эслайлик. Бу савдогарларнинг чет эллардан олиб келиб сотадиган моллари 1917 йилга қадар Россия ташқи савдосининг салмоқли қисмини ташкил этган. Улар Москвада, Парижда, Санкт-Петербургда, Одессада қурдирган, ноёб меъморчилик обидалари саналадиган бинолар ҳозир ҳам халққа хизмат қилиб келяпти.

Ёки ўтган асрда Тошкентда яшаб ўтган машҳур савдогар Саидазимбойни эслайлик. Бу одам Оврупа турмуш тарзи, маданиятини ўзбек ҳаётига биринчилардан бўлиб олиб кирган кишилардан саналади. Тошкентда биринчи телеграф Саидазимбойнинг уйида қурилган. Унинг ўғиллари тижорат ишлари билан шуғулланиб Париж, Лондон шаҳарларигача боришган.

Лекин 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ички ва ташқи савдо давлат монополиясига айлантирилди. Бошқача изоҳлаганда, давлатнинг ўзи энг катта чайқовчи бўлиб қолди. Деҳқоннинг пахтаси, пилласини, чорвадорнинг қоракўлини арзимас пулга сотиб олиб, халқаро бозорда каттакатта нархларда сота бошлади. Ёки чет элдан арзимас нархда сотиб олинган буюмларни ички бозорда «осмон баравар» нархда пуллай бошлади.

Савдо ходимларининг ўз меҳнатларидан дуруст манфаатдор эмасликлари харидор эҳтиёжига лоқайд, қўрс, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган савдо ходимлари тоифасини юзага келтирди. Сотувчи харидорга ширинсуханлик қилиш ўрнига, аксинча, асли ўзи моддий бойлик яратувчи бўлган хоридор сотувчига ялинадиган, қимматли вақтларини магазинма-магазин юриб нарса қидириб, катта навбатларда туриб ўтказадиган бўлиб қолди.

Жамиятда айнан мана шундай нохуш ҳолат юзага келганлиги қайта қуришни тақозо этди. Барча соҳаларда, шу жумладан савдода ҳам хусусийлаштириш бошланди, эркин олди-сотдига йўл берилди. Лекин бу жараён, ўзингизга аёнки, жуда оғир кечяпти.

Ҳозирги замонда фаровонликнинг муҳим омили интеграциядир. Ғарбий Оврўпа кўпдан бери интеграция томон боряпти. Сиёсатчилар ва иқтисодчилар келажакда мустақил миллий давлатлар уюшмаси — Оврўпа Қўшма Штатлари пайдо бўлиши эҳтимоли борлигини айтишмоқда.

Бизда етмиш йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ даврда ягона иқтисодий организм сифатида ривожланиб келган собиқ СССРни ташкил этган давлатларда эса, маълум маънода бунинг акси бўлди. Барча иттифоқдош жумҳуриятлар ўз мустақиллигини эълон қилиб, ўн йиллар мобайнида давом этиб келган иқтисодий алоқалар узилиб қолди. Маълум жиҳатдан табиий бўлган бу жараён бир қатор халқларни, ҳеч муболағасиз, катаклизмга олиб келди.

Биз шундай шароитда бозор иқтисодиёти ва демократия томон бораяпмиз. Қайта қуриш жараёнида савдо соҳасида ҳам катта қийинчиликлар юзага келяпти. Бу қийинчиликларни савдони хусусийлаштиришда, ишбилармонликни ривожлантиришда кузатиш мумкин.

Бир томондан ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, иккинчи томондан эҳтиёжнинг ўсиб бориши савдода ҳаром пулни кўпайтириб, бу соҳани бебилиска пулга ружу қўйганларнинг севимли ишига айлантирмоқда. Бундай шароитда ҳалол пул билан ҳаром пулнинг, чинакам ишбилармонлик, савдогарчилик билан олибсотарликнинг фарқига бормаслик, бебилиска пулга интилаётганларнинг йўлини тўсмаслик жамиятни янги ижтимоий тангликларга дучор қилиши мумкин.

Бу эса савдодаги маънавият масаласини олдинги ўринга олиб чиқади. Шубҳасиз, савдо соҳасидаги қаллобликларга, жиноятларга қарши курашиш керак. Лекин бунда, менимча, жамият мураккаб ўзгаришлар жараёнини бошдан кечираётганлигини ўйлаб иш қилишимиз, бошқача айтганда, «олтин тухум» бериши мумкин бўлган товуқни ўлдириб қўймаслигимиз керак.

Умуман, бозор ва демократияни Оловуддиннинг сеҳрли таёқчаси сифатида қараш у қадар тўғри эмасга ўхшайди. Ҳар бир халқнинг турмуш даражаси унинг истеъдоди ва меҳнатсеварлигига ҳам боғлиқ бўлса керак. Масалан, Ҳиндистонда демократия ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам бор, лекин мамлакат ривожланмаган. Худди шу сингари, бир қатор Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётида турғунлик ҳолати кузатиляпти. Хитой эса коммунистик тартибни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти томон боряпти. Бу мамлакат 80-йиллар бошида катта иқтисодий сакраш қилди.

Умуман догмаларга, эскирган таълимотларга ёпишиб олиш, ижтимоий ҳаётни диалектик идрок этмаслик бизни ҳозирги сиёсий ва иқтисодий таназзулга олиб келди. Эндиликда шу хатони такрорламаслик, ҳаёт тақозо этаётган ишларни ўз вақтида қилишга ўрганишимиз керак.

Ф. Қиличев. Назаримда, биз тадбиркорлик билан чайқовчиликнинг фарқини аралаштириб юбордик. Жамиятимиз ўтган ўн йилликлар давомида хусусий мулкчиликни қоралаб келди. Қонунларимиз ҳам асосий йўналишини ана шунга қаратган эди. Лўнда қилиб айтганда, социализм таянчи ҳисобланган собиқ СССРда тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли ман этилган, шахсий манфаатини ўйлаган, мулки кўпайиши учун жон куйдирган кишилар қувғинга олинарди. Ақлли, ишбилармон, тадбиркор одамлар ҳар қанча маҳорати бўлса умумдавлат манфаатига сарфлаши шарт эди. Ўз топиш-тутишини яхшилашга уриниш маънавий жиҳатдан зарарли деб ҳисобланиб, текширтекшир, тергов ва қувғинларга рўбарў этилар, ҳатто қамалиб, мулклари мусодара қилиниши билан тугарди. Бундай муносабатнинг «охири вой»лигини ҳаёт кўрсатди. «Ўртоқ»ларнинг «ўрта»даги мулки «олҳа-ол!» хилида таланиб, жаҳон давлатларидан борган сайин ортда қола бошладик.

Ниҳоят... тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, бозор иқтисодиётига ўтишдан ўзга йўл йўқлиги тан олинди. Шунда бирданига «қани бошланг, кимнинг қўлидан нима келса, шуни қилсин!» деган шиорни ўртага ташладик. Одамларнинг эса аксари магазин, омборхона, савдодаги пештахталарда ётган саноат молларига ёпирилдилар. Бирпасда ҳаммаёқ шипшийдам қилиниб, қўли етиб қолганларнинг уйи, ертўласи, ҳатто молхонаси ҳам омборхонага айлантирилди. Энди улар бир «думалаб» «тадбиркорлар»га айланишган эди-да!

Хўш, энди нима қилиш керак? Йўли битта: Ғамлаб олган саноат молларини фойдасига пуллаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунинг учун эса «ғамлаган» молини «топилмас матоҳ»га айлантириш керак. Шундан сўнг ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол бозорига келиб тушаётган шу тур ва хилдаги молларни имкони борича йиғиб олиб, аҳоли эҳтиёжида тақчиллик бунёд этиш режалаштирилди. Ана шунда аҳоли «мол»ингни сен хоҳлаган нархда олишга мажбур бўлади. Лекин... давлат савдоси рақобатда бўлиб туриши «ишга» барибир халақит беряпти-да. Нима қилиш керак? Ҳа, ишлаб чиқарувчи билан тил бириктириш керак. Токи, саноат маҳсулоти корхонадан магазинга эмас, балки катта омборга айланиб кетган уйига келиб тушишига эришиш керак. Ахир одамлар бошқа ердан тополмаган нарсасини сўраб келаверади, сен эса истаган баҳонгда сотаверасан. Ана «ишбилармонлик!»

Аслида давлат тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб беришда мамлакат иқтисодиётини бойитиш, истеъмол бозорини тўлдиришни мақсад қилиб қўйган эди. Амалда эса акси бўлиб чиқди. Айрим олғирлар иқисодиётга заррача фойда бермасдан бойиб кетди. Истеъмол бозори эса борган сайин қашшоқлашиб бораяпти. Нархлар тиккасига ўсиб, аҳоли кенг қатламининг турмуш тарзи ёмонлашиб кетди. Бундай ҳол юз беришининг асосий сабабларини қаердан қидириш мумкин, туб илдизини қандай қуритиш мумкин?

Бош сабаблардан бири шундаки, илгари мавжуд бўлган қонун-қоидалар — амалдаги ҳуқуқий механизмни тадбиркорлик, ишбилармонлик, бозор муносабатига ўтиш шароитига тайёрламасдан, мосламасдан туриб, бу ишга кенг йўл очиб юборилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, назорат маҳкамалари, молия хизмати, маҳаллий ҳокимиятлар ҳуқуқий жиҳатдан қуроллантирилмаганлиги сабабли ишни нимадан бошлашни ҳам, нимада тугатишни ҳам билмай қолишди. Чайқовчилик билан тадбиркорликни ажратолмай ора йўлда қийналишди.

Оқибати шу бўлдики, чайқовчиликка қарши курашни йилдан-йилга кучайтириб бораётган ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар бу ишни ташлаб қўйдилар. Ўтган 1992 йилда деярли ҳамма нарса чайқовга чиқиб кетгани ҳеч ким учун сир бўлмаган ҳолда, чайқовчилик билан кураш кескин камайиб кетди. Бу жиноятни содир этувчиларни ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш 3,8 фоизга, яъни қарийб уч юзтага қисқарди.

Олибсотарларни ушлаш Самарқанд вилоятида 15,4 фоизга, Сирдарёда 17 фоизга, Жиззах вилоятида 32 фоизга, Навоий вилоятида 22,1 фоизга, Хоразмда 47 фоизга қисқарди. Қани айтинг-чи, бу ҳудудларда чайқовчилик камайганига ишонасизми? Менимча, бунга ишонтириб бўлмаса керак.

Иккинчи сабаб, назаримда, мавжуд товар ва истеъмол моллари ҳажми ва ўлчови баҳоланмасдан туриб савдони эркин қўйиб юбориш мумкин эмас эди. Одатда бундай «бағрикенглик» омборхоналар ва пештахталар маҳсулот мўллигидан ёрилай деб турган жойда раво кўрилади. Товар эскириб, чириб, сифатини йўқотмаслиги, қайси буюм қаерда эҳтиёжталаб эканлиги, сотувда туриб қолмаслиги учун қилинади. Аҳоли қўлида тўпланиб қолган пулни товар муолажаси орқали йиғиб олиб, керакли тадбирларга фойдани кўзлаб сарфлаш — ҳаракатга келтириш учун амалга оширилади. Бизда эса аҳолига сотиш ва эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган товар ҳамда маҳсулот жамғармаси шундай ҳам тақчил бўлиб турган эди. Ишбилармонларимиз четдан мол келтиради, истеъмол бозори бойийди деган мақсадда эркин савдога ўтилган эди. Аммо четдан саноат моллари келтиришни мақсад қилган «ишбилармон»ларимиз аслида нима қилишди? Улар аввало ўзимизда топилиб турган саноат молларини ёппасига сотиб олиб, четга ташиб кета бошлашди. Ана шу саноат молларини тақчил қилиб қўйди.

А. Эгамназаров. 80-йилларнинг бошида Тошкент чинни заводида бўлиб, корхона директори Абдурауф Иброҳимов билан суҳбатлашганим эсимда. У, жумҳурият аҳолисини чинни пиёла, коса, лаган, ликопчалар билан таъминлаш масаласи ҳал бўлди. Фақат чойнакка бўлган эҳтиёжни бироз қондиролмай турибмиз, сабаби, бу буюмни тайёрлаш жараёни бироз мураккаб. Лекин яқин вақт ичида бу масала ҳам ҳал бўлади, деган эди. Шундан бери бу корхона ҳам, жумҳуриятимиздаги бошқа чинни заводлари ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирганлари йўқ. Аммо магазин пештахталарида оддий пиёла ва косалар ҳам йўқ бўлиб қолди. Биллур, металл буюмлар, уйрўзғорда ишлатиладиган электр буюмлар ҳам магазин пештахталаридан йўқолди. Бу буюмларнинг асосий қисми чет элга кетаётганлигини кўпчилик кўриб-билиб турибди.

Ф. Қиличев. Жуда тўғри. Чайқовчилар четдан келтирган молларини эса тақчиллик, эҳтиёж роса «таранг» ҳолга келишини пойлаб туриб, 100—200 баравар нархда аҳолига пуллашади. Қўлида тўплана бошлаган мўмай пулни эса, яна ўша, ўзи жамғарган моллар билан рақобатлашиб, нархини туширишга хизмат қилувчи «тўғон»ни йўқ қилишга ишлата бошлашди. Бундай моллар омбор, магазин ва ҳатто тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришдан хуфёна ташиб кетила бошлади.

Учинчи сабаб, шахсий кузатишимча, қонунлар ва бошқа меъёрий қоидаларнинг ўзгариши, яъни ҳуқуқий ислоҳот янгиланиши жуда секинлик билан амалга ошмоқда, ҳаёт жараёнидан орқада қолмоқда. Молия ва солиқ идоралари ҳалигача ташкилий масалаларни ҳал этиш билан ўралашиб ётибди. Бу орада магазинга келган мол ундан 10 қадам нарига олиб чиқилиб «коммерция» нархида бемалол сотилмоқда. Улардан бу молларни қаердан олдинг, деб сўрайдиган топилмаяпти. Ўзимизнинг корхоналарда чиқарилган ароқ, сақич, сигаретлар қайси қонунга биноан катта-кичик «ишбилармон»лар қўлига тушиб, ҳар бир чорраҳада қиммат нархда сотилмоқда? Буни тартибга солиш учун халқимиз яна қанча кутиши керак? Нега магазин мудирининг «қайнотаси» бармоғини совуқ сувга урмасдан туриб, у ерга келган саноат маҳсулотини кўтарасига олиб чиқиши ва ҳам нархидан, ҳам тарозидан уриб пуллаши, таралла-бедод қилиб, жарақ-жарақ пул санаб, ҳузур-ҳаловатда яшаши керак? Ахир бу тадбиркорлик ҳам, ишбилармонлик ҳам эмас, нақд ўғирлик, фирибгарлик ва зараркунандалик-ку! Яқинда бир хабарни ўқиб қолдим. Навоий вилоятида савдо базаси ва тармоқларида ўрнашиб олганлардан бир гуруҳи қўлга олинган, уларнинг оила аъзолари ва қариндошларидан 10—15 тасининг қўлида хусусий тижорат билан шуғулланиш учун рухсатномаси бор экан. Улардан бирортаси тадбиркорлик ёки бирор иш бажариш учун бармоғига бармоғини ҳам урмаган бўлиб чиқди. Лекин ўз дўконлари, омборхоналари бўлиб, унда қарийб 10 миллион сўмлик саноат моллари сақланган. Сандиқларидан саноқсиз пул топилди, уйлари жиҳозга тўлиб кетган экан. Буларнинг ҳаммаси «ҳомий»ларидан улгуржисига олинган мол эканлиги аниқланди. Айни пайтда магазинда ярим миллион сўмлик ҳам мол йўқ эди.

Ҳозир тергов кетаётганлиги сабабли уларнинг исм-шарифларини айтиш мумкин эмас. Лекин бундайлар қаерда йўқ дейсиз? Бундайларни бозор ўртасида суд қилиш керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

В. Қосимов. Муҳокама қилинаётган масала ғоят долзарб. Унинг долзарблиги шундаки, савдода ҳозир юзага келган вазият нафақат меҳнаткашлар манфаатига, балки ҳуқуқий давлат тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жумҳуриятимиз манфаатларига ҳам зиддир.

Жумҳурият прокуратураси умумий назорат бошқармаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли манфаатларини қўриқлаш учун курашиб, шу соҳада президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб борянти.

Жумҳуриятимиз ҳукумати 1991 йилда қабул қилган қарорга биноан бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига норма билан бериладиган бўлди. Баъзи нопок шахслар бу қарордан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланяптилар. Жумҳурият прокуратураси умумий назорат бошқармаси бу борада анчагина маълумотларга эга.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар савдо бошқармаси бошлиғи Содиқов шаҳар аҳолисига талон бўйича тарқатилиши керак бўлган 4 минг килограмм шакарни Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги бир чайқовчига пуллаб юборган. Оқибатда 118 минг сўм нақд фойда кўрган.

Содиқов ва унинг ҳамтовоқларининг иши судга оширилиб, озодликдан маҳрум қилиндилар. Энди улар етказган моддий ва маънавий зиённи қандай қоплаш мумкин?

Текширишлар мана шундай салбий ҳодисалар Қашқадарё вилоятида ҳам тарқалганлигини кўрсатяпти. Қарши шаҳар озиқ-овқат акционерлик жамияти савдо ташкилотлари ўтган йилнинг биринчи чорагида 36 минг кишини шакар, 47 минг кишини гуруч, 8 минг кишини ун билан таъминламаганлар. 43 тонна ун, 27 тонна шакар, 6800 килограмм пахта мойи, 2600 килограмм гуруч чеккага бериб юборилган. Бу ишлардан савдо ходимлари манфаатдор бўлмаса шундай қилишармиди? Ўз қўли остидаги савдо тармоқларида ғайри-қонуний ишларга йўл қўйганлиги учун Қарши шаҳар озиқ-овқат савдоси уюшмаси бошлиғи И. Бозоров лавозимидан бўшатилди. Шунингдек, норма билан тақсимланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш қоидалари бажарилишини таъмин этмаганликлари учун Қамаши тумани матлубот жамияти раиси М. Чориев, Шаҳрисабз тумани матлубот жамияти раиси Ш. Кудратов ҳам ўз вазифаларидан четлаштирилдилар.

Қамаши тумани матлубот жамиятига қарашли озиқ-овқат магазини мудири Эргаш Ўрунов ўн тонна шакарни чайқовчиларга сотиб юборган. У ҳибсга олинди.

Тошкент шаҳри Сирғали тумани озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ташкилотига қарашли уруш ногиронлари ва фахрийларига хизмат қиладиган магазин мудири О. Г. Панфилова норма билан берилиши лозим бўлган 60 килограмм шакарни қонунсиз равишда чайқовчиларга сотиб, 2500 сўм фойда олганлиги фош этилди ва тегишли жазога тортилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумҳуриятда ноёб моллар, тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари билан олибсотарлик авжга минмоқда, нормалаштирилган маҳсулотлар чайқовчилар қўлига ўтиб, айрим нопок кимсаларнинг шахсий бойлик орттириш манбаига айланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан жумҳурият бош прокурори чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида жумҳурият Бош вазирига таклифлар киритди. Шундан кейин Бош вазир жумҳуриятда чайқовчиликка қарши курашни, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига норма билан берилишини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берди.

А. Эгамназаров. Утган йили жумҳуриятда қанча чайқовчи ушланди?

В. Қосимов. 3500 га яқин олибсотарлик жиноятлари аниқланиб, айбдорлар тегишли жазоларини олдилар.

Ф. Қиличев. Буни етарли деб бўлмайди. Якшанба Тошкент отчопарига борсангиз, бир куннинг ўзида 20 минг чайқовчини ушлаш мумкин.

А. Эгамназаров. Жумҳуриятда ҳозир чайқовчиликнинг ёйилиш миқёси жуда кенг. Кишилар қонунга зид олди-сотди билан фақат бозорда эмас, маҳаллаларда, ўз иш жойларида, боғча ва шифохоналарда ҳам шуғулланишяпти.

Ф. Қиличев. Яқинда менинг бир қўшним ўғли ўқийдиган мактабга ота-оналар мажлисига борган экан. Боласининг муаллими уни чеккага тортиб, чиройли чет эл кўйлакларидан бор, олмайсизми, дебди.

А. Эгамназаров. Бўлиши мумкин. Лекин ҳалол кишиларни давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тижорат дўконларида оширилган нарх билан сотилаётгани қаттиқ ғазаблантиряпти.

В. Қосимов. Куни-кеча Хоразмдан ахборот олдик. У ерда тижорат дўконларида сотилаётган чет эл спиртли ичимликлари текширилганда уларнинг таркиби стандарт нормаларига тўғри келмаслиги, айримлари оддий спиртга водопровод суви қўшиб тайёрланганлиги маълум бўлди. Бундай шароитда тижорат дўконларидан озиқ-овқат маҳсулотларини «осмонўпар» нархда сотиб олиш ҳамёнга зиён бўлишдан ташқари, инсон саломатлигини ҳам хавф остига қўяди.

Куни-кеча жумҳурият Вазирлар маҳкамаси яна бир кўрсатма берди. Унда давлат корхоналарида ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни тижорат дўконларида сотиш ман қилинган.

А. Эгамназаров. Восил Қамбарович, жумҳуриятимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтгач, кўпгина кичик корхоналар очила бошлади. Бу корхоналар ўзлари маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини тўлдиришлари керак. Мазкур корхоналар аслида ҳам шундай қиляптиларми, уларнинг фаолиятида қонунга зид хатти-ҳаракатлар учрамаяптими?

В. Қосимов. Жумҳуриятимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлагач, кичик хусусий корхоналар ёмғирдан кейин чиққан қўзиқоринда кўпая бошлади, десак муболаға бўлмайди. Лекин кўп ўтмай маълум бўлдики, бу корхона эгаларининг асл мақсади аксарият ҳолларда истеъмол бозорини тўлдириш эмас, балки меҳнаткашларнинг нонини «туя қилиб», моддий бойлик орттириш экан. Маъмурий ташкилотларга бу ҳақда кўплаб сигналлар кела бошлади. Шундан кейин жумҳурият Вазирлар маҳкамаси 1992 йил декабрь ойида кичик корхоналарни қайтадан рўйхатдан ўтказиш ҳақида кўрсатма берди. Ҳозир бу вазифа амалга оширилянти, ҳали иш ниҳоясига етгани йўқ. Аммо бир ярим ойлик текшириш натижаларининг ўзида жумҳуриятда ғайриқонуний фаолият билан шуғулланаётган 1500 корхона аниқланди.

1992 йилда лицензия олган кичик корхоналарнинг 20 фоизи фойдали иш билан, қолган 80 фоизи олди-сотди билан шуғулланган. Бундан эса халққа бир тийинлик ҳам фойда йўқ.

Энди яна бир масала. Айрим корхоналарга давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарган

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳсулотининг 30 фоизини ўз ихтиёри билан сотиш ҳуқуқи берилган. Бундан кутилган мақсад меҳнат жамоасининг янада унумли ишлаши учун манфаатдорликни кучайтиришдан, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, техника тараққиётига эришишдан иборат.

Афсуски, ҳозир давлат бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олиб бериб қўйган бу имтиёздан нотўғри фойдаланаётган корхоналар учраб турибди. Жумладан, Тошкент шампан заводи ана шундай корхоналардандир. Ўзингизга маълум, янги йил арафасида бир шиша шампан виноси минг-бир ярим минг сўмга чиқиб кетди. Бунинг сабаблари суриштирилганда маълум бўлдики, шампан заводи ўзининг 30 та мижози буюртмасини бажарган-у, лекин Тошкент буюртмасини бажармабди. Аниқланишича, корхона Тошкентга аталган маҳсулотларини чеккага чиқариб юборган экан. Ҳозир молия ходимларидан иборат комиссия завод фаолиятини атрофлича тафтиш қиляпти.

Ф. Қиличев. Режага қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи, масалан, Тошкент вино комбинати ёки Денов ёг-мой комбинати каби корхоналарда салмоқли миқдорни ташкил этиши мумкин. Бу эса катта чайқовчиликка замин ҳозир бўляпти, деган сўздир. Бизда шуни тартибга солиб турадиган механизм борми?

В. Қосимов. Корхонанинг ўз ихтиёрига берилган маҳсулот келишилган баҳода сотилиши мумкин. Аммо бу ҳақда солиқ идоралари огоҳ қилинишлари керак. Афсуски, ҳозир ҳамма жойда шундай деб бўлмайди. 1992 йилда молия идоралари ўтказган текширишда корхоналар 1 миллиард сўм даромадни солиқдан яширганликлари маълум бўлди.

Кейинги пайтда умуман жумҳуриятда молиявий қонун-қоидаларни бузиш ҳоллари кўпаймоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ўтказилган 10 мингдан зиёд текширишлар натижасида амалдаги қонунларга зид бўлган 3500 дан ортиқ аниқланган ҳуқуқий актлар юзасидан тегишли жойларга эътирозномалар юборилиб, давлат, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонунларнинг устиворлиги таъминланди. Қонун бузилишини бартараф этишни, уларни келтириб чиқарган сабабларни тугатиш, шарт-шароитга барҳам беришни талаб этиб, прокурорлар ташкилот ва корхоналар раҳбарлари номига 2200 дан кўпроқ амрномалар ва 7000 га яқин тақдимномалар киритдилар.

Қонун бузилишига йўл қўйган ёки қонун талабларини лозим даражада бажармаган айбдор шахсларни тегишли жавобгарлик ва чорага тортиш масаласи ҳар қачонгидан жиддийроқ қўйилиб келинди. Жами бўлиб назорат тартибида ўтказилган текширишлар натижасида 20 минг қонунбузувчиларга нисбатан прокурорлик таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилди.

Шулардан 5 мингдан кўпроқ ҳуқуқбузар интизомий, 4700 киши моддий ва 1300 дан кўпроқ қонунбузар маъмурий чораларга тортилдилар. Қонунларни бузилиши мазмунига қараб 462 айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Жумҳурият ҳали бозор иқтисодиёти шароитларига мосланган қонунларига эга эмас. Шунга қарамасдан жумҳурият прокуратураси ходимлари И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» китобида белгиланган йўл-йўриқларга таяниб, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга ҳаракат қиляпти.

Ю. Рустамбоев. Ҳар қандай ҳодисани яхши билиш учун унинг сабабларини аниқлаш керак. Аввало бир саволга жавоб излайлик: нега, қаёққа қарасак жиноятчилик, бу ҳақда мана ҳозир ҳам кескин гаплар айтилди-ю, лекин бу соҳада суд орқали ўтаётган ишлар кам? Бунинг асосий сабаблари эски хўжалик тизимлари барбод бўлганлигида, хўжалик алоқалари узилиб, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетганлигидадир. Мана, бир мисол. Собиқ Иттифоқ металл ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда турарди. Яқин йилларгача ҳам бизда энг хор нарса металл ҳисобланарди. Ҳозир эса оддий мих ҳам магазиндан топилмай, чайқовда бир сиқими фалон пулдан сотиляпти. Айтмоқчиманки, чайқовчилик тақчиллик оқибатида юзага келади. Тақчиллик тугатилмас экан, чайқовчилик давом этаверади.

Лекин табиий ҳодиса экан, деб ҳозирги ўтиш даврида унга қарши курашмаслик ҳам салбий оқибатларга — норозиликка ва бу ерда ўртоқлар айтиб ўтганидек, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин.

Чайқовчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун ҳуқуқ ташкилотлари ишини яхшилаш керак. Бунинг учун эса улар аввало бугунги кун талабларига жавоб берадиган қонунлар билан қуролланган, бошқа барча шарт-шароитларга ҳам эга бўлишлари керак. Ҳозир эса уларни бундай имкониятларга эгалар, деб бўлмайди. Жумҳуриятимизда собиқ Иттифоқ мавжудлигида қабул қилинган қонунларга ҳамон амал қилиняпти. Янги қонунлар кодекси қабул қилинганича йўқ. Ҳозирги қонунлар бугунги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди.

Чайқовчиликка қарши курашдаги иккинчи бир оғир томони жиноятни исботлаш, манбаини аниқлашнинг қийинлигидир. Айтайлик, иқтисодий жиноятларга қарши курашувчи милиция ходими кўчада сигарет сотаётган лўлини ушлади. У табиийки, бу сигаретни маълум бир савдо ходимидан олган бўлади. Унинг чайқовда баланд нархда сотилишидан ҳар иккиси ҳам манфаатдор. Шундай бўлгач, лўли сигаретни қайси сотувчидан олганини икки дунёда ҳам айтмайди. «Ўтган ҳафта Чорсу бозорида бир нотаниш кишидан олган эдим, пул зарур бўлиб қолиб сотяпман», дейди. Шундан кейин унинг чайқовчилигини исботлаб кўринг-чи.

Ҳозир янги жиноят кодексини қабул қилишга тайёргарлик кетаяпти. Шу мақсадда махсус комиссия тузилган. Бу комиссияга мен, Сергей Григорьевич ҳам аъзомиз. Бу кодексни қабул қилишда, янги, ўзгарган шароитларни ҳисобга олган ҳолда чайқовчилик ҳақидаги моддани яхшилаб ўйлаб кўриш керак бўлади.

Вали ака айрим корхоналарда режага қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш чайқовчиликка сабаб бўлаётганлигини айтиб ўтдилар. Менимча, корхоналар ўз ихтиёрига берилган маҳсулотни истаган баҳосида сотиши керак, бусиз бозор иқтисодиёти бўлмайди. Давлат эса бундан солиқ олиш тартибини тўғри йўлга қўйиш орқали фойда кўради. Олинган солиқ эса бюджетга ўтказилади. Бу эса нафақахўрлар, талабалар, шифокорлар, ўқитувчилар, ногиронларга бериладиган пул демакдир.

Россиянинг жиноят қонун кодексида чайқовчилик ҳақидаги модда олиб ташланган эди. Яқинда бу модда яна киритилди. Наинки, бозорни маҳсулот билан тўлдириб ташламагунча чайқовчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақидаги моддани жиноят кодексидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ эмаслигини турмуш кўрсатяпти.

Мана, ҳозир аҳоли сотувчиларнинг қўполлиги, харидорни алдаш, маҳсулотни эни-бўйидан уриб қолиш ҳоллари ҳақида кўп гапиради. Бу аслида казарма социализми юзага келтирган иллатлардир. Тўла хусусийлаштириш қарор топиб, бозорга маҳсулот тўлдириб ташланса, бу иллатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Қўпол, инсофсиз сотувчининг маҳсулотини харидор олмайди.

А. Эгамназаров. Оврўпада ҳаммадан ўзиб кетган юз нафар бой орасида 42 та немис фамилияси бор. Уларнинг кўзга кўринган вакили 60 яшар Эриван Хоубдир. У бадавлат кишилар рўйхатида иккинчи ўринда туради. Хауб фақат ўтган йилнинг ўзида 930 та савдо тармоғини очибди. Унинг дўконларида мижозга кўрсатиладиган энг яхши муносабат — қонунга риоя этишдир. Айтишларича, табиатига кўра анча хасис бўлган бу миллиардернинг ўзи тез-тез харидорлар тўдасига қўшилиб, тасарруфидаги дўконларни пинҳоний равишда айланар экан. Сотувчилар ва кассирларнинг хушмуомаласи қанчалик самимийлигига ишонч ҳосил қилиш керак-да, ахир! Агар бирор корҳолни сезгудек бўлса, тезда жиддий хулоса чиқаришдан асло тап тортмас экан.

Ю. Рустамбоев. Илгари нима олиб сотилса ҳам чайқовчилик саналарди. Энди эса бу тушунчани ўзгартириш, воситачиликка имконият яратиш керак. Воситачи солиқ инспекциясига солиғини тўласин-да, воситачилигини қиларверсин. Бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ.

Бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин бойлар пайдо бўлади. Чет элда бир магазинга кирсангиз, бир хил костюм 50 доллар, нариги магазинда 30 доллар бўлади. Бу одамларни таажжублантирмайди, ҳар ким хоҳлаганини олади.

Энг муҳими, жамиятда яхши қонунлар, самарали назорат бўлиши керак. Ҳозир эса бизда назорат кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бир туманда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашадиган 5—6 нафар милиция ходими бор. 300—400 минг аҳоли яшайдиган, ҳар кўчасида ўнлаб савдо нуқталари бўлган туманда бу куч билан иқтисодий жиноятчиликка қарши қандай самарали кураш олиб бориш мумкин?

Ёки терговчиларнинг ишини олайлик. Уларнинг қўлига 15—20 тадан иш бериб, қисқа муддатда тезроқ ниҳоясига етказиш талаб этилади. Терговчи бечора кечасию кундузи қоғозга кўмилиб ўтириб ишлайди. Бундай шароитда тергов ишларининг юқори сифатли бўлиши тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Ф. Қиличев. Бу ерда айтилаётган гаплар назарий жиҳатдан тўғри. Менимча, масаланинг бошқа бир томонини ҳам унутмаслик керакка ўхшайди. Ҳозир биз ўз турмушимизга жорий этаётган нарсалар Ғарбдаги тараққий этган мамлакатлардан олинаяпти. Улар эса бундай ишлаб чиқариш муносабатларига юз йиллаб давом этган тараққиёт натижасида эришганлар. Биз катта моддий имкониятлари бўлган, лекин қолоқ мамлакатмиз. Шунинг учун ўтиш жараёни оғриқсиз бўлиши учун «тезлик»ни секин-секин ошириш мақсадга мувофиқмикин, деб ўйлайман. Акс ҳолда камбағаллик билан бойлик ўртасидаги фарқ кескин бўлиб кетиши мумкин.

А. Эгамназаров. Жумҳуриятда ишсизлар миқдори кескин ортиб бораётганлиги ҳам турли жиноятлар, жумладан чайқовчилик авж олаётганлигининг сабабларидан биридир. Бозорга борсангиз, давангирдай-давангирдай йигитлар гўдаклар иштони ёки чет элда ишлаб чиқарилган сақич сотиб ўтирганлигини кўриш мумкин. Жумҳуриятда бу йил ўрта мактабни битирадиган ёшлардан айримлари ўқишни давом эттириш имкониятига ҳам, ишга жойлашиш имкониятига ҳам эга бўлмайдилар.

Тўғри, ҳозир жумҳуриятимизда янги иш ўринлари ҳосил қилиш учун ортиқча маблағ бўлмаслиги мумкин. Лекин назаримда четдан қарз олмасак, ички муаммоларимизни ўз имкониятларимиз билан ҳал этишимиз қийин.

Ҳозирги дунёнинг тараққий этган мамлакатлари ҳисобланган Олмония, Япония ёки жадал тараққиёт йўлига тушиб олган Туркияни олайлик. Бу мамлакатларнинг дастлабки иккиси урушдан кейинги йилларда, Туркия 60—70-йилларда оғир иқтисодий ва сиёсий таназзулни бошдан кечирган. Ўша даврларда Японияда парламент мажлислари муштлашга айланиб кетган ҳоллар ҳам бўлган. Фақат тўғри иқтисодий ислоҳот ҳамда ташқаридан берилган қарз туфайлигина улар тараққиёт йўлига тушиб олдилар.

Яқинда Оврўпа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак Аттали Парижда чиқадиган «Фигаро» рўзномаси мухбири билан суҳбатда собиқ СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳот ҳақида гапириб шундай деди:

— Шарқий Оврўпа мамлакатларида ислоҳот секин суръатлар билан бораётгани йўқ, балки бу ислоҳотларни амалга ошириш учун Ғарбнинг ёрдами кутилганидан секин суръатлар билан бериляпти.

Шарқий Оврўпа мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни тез ўтади, деб ҳисоблаш мумкин эмас эди: Ғарб юз йиллар мобайнида босиб ўтган йўлни бир неча йилда босиб ўтиш мумкин эмас. Лекин ҳозирча Ғарб мамлакатлари ҳукуматларининг ёрдами кўпинча эски қарзлар бўйича тўловларни ҳисобдан чиқариб ташлашдан ёки кечиктиришдан иборат бўляпти. Буни янги демократия мамлакатларига аниқ ёрдам дейиш қийин.

Оврўпа тикланиш ва тараққиёт банки президентининг фикрича, барча Оврўпа мамлакатлари муаммоларининг ҳал этилиши қитъада ягона бозорнинг юзага келишига ёрдам берган бўлур эди. Бу, унинг фикрича, Ғарбдаги иқтисодий пасайишнинг олдини олар ва Шарқий Оврўпа мамлакатлари иқтисодий имкониятларини очарди.

Иқтисодий ислоҳот жараёнларини жадаллаштириш учун нима қилиш керак? Ж. Атталининг фикрича, солиқ системасини ташкил этиш керак ва бозор иқтисодиётини тартибга солиб турадиган структурани (тизимни) яратиш керак. Ушбу давлат ташкилотларисиз фақат «чайқов бозори» пайдо бўлиши мумкин. Бозорсиз бошқарув тизимларининг пайдо бўлиши эса бюрократия демакдир.

С. Закутский. Савдо инсоннят тараққиётининг муҳим омили саналади. Маданиятли жамиятда савдосиз ҳаёт йўқ. Яъни маданиятли жамиятда савдо ҳам юксак маданиятли бўлиши керак. Савдо билан махсус ихтисослашган ташкилотлар шуғулланиши, уларнинг фаолияти рағбатлантириб борилиши лозим.

Бизда эса ҳозир «ёввойи» савдо гуллаяпти. Унга батамом эрк бериб юборилса, жамиятдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма яхши нарсаларни босиб, янчиб, оёқости қилиб кетади. Жамият тараққиётини олға силжитмай, аксинча, икки-уч аср орқага итқитиб ташлаши мумкин.

Маданиятли савдо нима? У истеъмол бозорини тўлғазиб, халқ фаровонлигига хизмат қилади, ўзи ҳам маълум миқдорда фойда кўради.

Масалан, далаларда қулупнай пишган пайтни эслайлик. Бу кунларда қишлоқ кишисининг иши қайнайди: бир томонда қулупнай пишади, уни тез териб олмаса сув бўлиб, оқиб кетади. Иккинчи томонда ипак қурти даҳага кирган бўлади, яна сигир-бузоқ ташвиши бор, жамоа хўжалиги даласига бормаса ҳам бўлмайди. Шундай шароитда шаҳардан воситачи-савдогар бориб, деҳқон билан келишиб, қулупнайни пайкали билан харид қилса-да, маълум фоиз фойда эвазига бозорга келтириб сотса, бунинг нимаси ёмон? Бундай савдодан жамият ҳам, деҳқон ҳам, савдогарнинг ўзи ҳам наф кўради.

Ҳозир эса бизда бундай бўлмаяпти. Деҳқон қулупнайини ўзи теради, ўзи саҳарда ширин уйқусидан кечиб бозорга олиб келади. Бозорга етиб келишининг ҳам ўзи бўлмайди: шофёрга яхшигина йўл ҳақи тўлашдан ташқари, йўлдаги қизил шапкали «чўтал»чиларни ҳам рози қилиши керак.

Бозорда эса деҳқон учун жой ҳам, тарози ҳам, оқ халат ҳам топилмайди. Шундан кейин у маҳсулотни арзон баҳода кунда-шунда олибсотарларга бериб кетишга мажбур бўлади. Буни маданиятли савдо эмас, ёввойи — текинхўрларча савдо дейилади.

Россиянинг 1917 йил Октябрь тўнтаришигача бўлган жиноят кодексида чайқовчилик ибораси бўлган эмас. Бу янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида пайдо бўлган. Шу даврда қабул қилинган жиноят кодексида «савдо ходимларининг тил бириктириб, маҳсулотни яшириб, вақти билан оширилган нархда сотиши чайқовчиликдир», деб белгиланган. Ўша даврларда мамлакатда чайқовчилик жуда ёмон тус олган эди. Давлат ҳам чайқовчиларни қаттиқ жазолаган. Мол-мулклари мусодара қилиниб, қаттиқ режимдаги қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, уларни афв этиш мумкин бўлмаган.

Жумҳуриятда ҳозир ҳам чайқовчиликда НЭП даврини эслатадиган вазият юзага келяпти. Лекин қонунларимиз жуда бўш, шу кун талабига жавоб бермайди.

Чайқовчиликка қарши қандай курашиш керак? Бу саволга бир хил жавоб бериб бўлмайди. Собиқ ОБХСС ходимлари, биз қўл-оёғимиз билан боғланганмиз, чайқовчиликнинг манбаини аниқлаш қийин, дейишади. Чайқовчи эса давлат дўконидан олинган маҳсулотни оширилган нархда сотиб, ўзининг ва сотувчининг чўнтагини қаппайтиради. Магазинда маҳсулот турмаслиги аҳолининг давлатдан норозилигини кучайтиради.

Россиянинг янги жиноят кодексида белгиланган давлат баҳосидаги нарсаларни олиб сотиш чайқовчилик ҳисобланади. Ўйлайманки, биз жумҳуриятнинг янги жиноят кодексини қабул қилаётганимизда ОБХСС ходимлари ишини бирмунча осонлаштириш ҳақида ўйлашимиз керак. Айни пайтда шахс манфаатлари ҳам оёқости бўлмаслиги лозим. Эҳтимол, бу масалада жамоатчиликка мурожаат қилиш зарур бўлар. Энг муҳими, чайқовчиликка қарши қонуний кураш олиб бориш лозим.

Савдогар лицензия олсин-да, хоҳласа Сурияга, хоҳласа Малайзияга борсин, истаган нарсасини келтириб, фойдасига сотсин. Кўраётган фойдасини яширмай, белгиланган солиқни тўласин. Бундай савдогарликдан жамият ҳам, шахснинг ўзи ҳам фойда кўради.

Н. Абдураҳмонов. Маҳсулотни белгиланган давлат нархидан ортиққа сотган одам чайқовчи сифатида ушланадиган бўлса, бир одам жазоланади, унинг ортида турган гуруҳ эса қолиб кетади.

Ф. Қиличев. Маҳсулотни давлат белгилаган нархдан қимматга сотганлар ушланса яхши-да, манбаасини суриштириб ўтирмаймиз. ОБХСС ходимларининг иши осонлашади.

О. Алибоев. Менимча, чайқовчиликка қарши манбаасини аниқламай курашиш у қадар тўғри бўлмайди, бундай ишдан Вишинский сиёсатининг ҳиди келади. Ҳозир бу соҳада амалда қандай вазият? Чайқовчилар қўлига ўтиб кетаётган молларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдан ўғирланган маҳсулотлар. Тошкент тамаки фабрикасидан бир неча тонна тамаки ўғирланиб, чайқовчиларга бериб юборилганлиги аниқланди. Самарқанд чой фабрикасидан ҳам чой ўғирлангани факти маълум бўлди. Бу ерда чойнинг таркибига бошқа ўсимликлар аралаштирилиб, ортиқчаси сотилар экан. Еки бошқа бир мисол. Бир одам бундан ўн йил аввал 30 тийиндан бир қути чой олган. Энди зарур бўлиб қолиб, уни бозорга олиб чиқиб донасини 30 сўмдан сотса, бу одамни чайқовчиликда айблаш тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам чайқовчиликнинг манбаасини аниқлаш зарур.

Юридик шахс чайқовчилик қилса, буларнинг айби қандай аниқланади, қандай жазоланади? Янги шароитда бу ҳақда ҳам қайта ўйлаб кўриш керак, ҳозир бундай ҳодисалар тез-тез учраяпти. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Иттифоқ» кичик корхонаси ва хўжалик ҳисобидаги «Бирюса» бошқармасининг ходимлари чайқовчилик мақсадида жиноий тил бириктиришиб, сохта ҳужжатлар тайёрлаб, ўзларига ишонилган корхонадан 11.200 килограмм, умумий қиммати 840.000 сўмлик мис қуймаларини ўғирлашган. Ҳеч ерда ишламайдиган В. исмли бир шахс орқали сохта ҳужжатлар тайёрланиб, мавжуд мис қуймасининг 5025 килограммини жумҳуриятдан ташқарига чиқариб юбормоқчи бўлганда, аниқроқ қилиб айтганда, Болтиқбўйи жумҳуриятларидан бирига жўнатаётганларида жумҳурият Давлат Божхона қўмитаси ходимлари томонидан ушландилар. Бу гуруҳ ўзининг бу ҳаракати билан Ўзбекистон жумҳурияти Жиноят кодексининг 119[1]-моддасида кўзда тутилган жиноятни амалга оширдилар, яъни алоҳида катта ҳажмдаги давлат мулкини ўғирладилар.

Ўрта Чирчиқ тумани матлубот жамиятининг икки ходими ўзаро жиноий тил бириктириб, лавозимларини суиистеъмол қилиб, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашиб, яхна ичимликлар, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун аталган шакарни бегона шахсларга сотиб юборишган. Яъни бу ерда ҳақиқий баҳоси 180.000 сўм бўлган 10 тонна шакарни қозоғистонлик бир шахсга 520.000 сўмга пуллаб юборишган.

Ушбу мисолларни мен шунинг учун ҳам келтирдимки, биз юридик шахс аралашиб, амалга оширилган олди-сотдиларга ҳам юзаки қарамаслигимиз керак. Бунда ҳам кўплаб жиноят қилиш ҳоллари учрайди.

Чайқовчилик коммунистик тузум «меваси». Хусусий мулкчилик жамиятида савдогар бўлади, лекин чайқовчи бўлмайди. Шундай экан, ҳозирги жиноят кодексида чайқовчилик ҳақидаги модда нима учун зарур? Чунки биз хусусий давлат тузишга, бозор иқтисодиётига ўтишга ҳаракат қила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

яп миз. Аммо ҳали мақсадимизга етганимиз йўқ, фақат йўналиш олаяпмиз. Бундай шароитда чайқовчилик ҳақидаги моддани жиноят кодексидан чиқариб ташлаб, унга эрк бериш, президент амалга ошираётган йўлни шубҳа остида қолдиради.

Чайқовчилик ҳақидаги ҳозирги қонунчиликда камчиликлар бор. Масалан, унда давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олиб сотиш чайқовчилик саналади, лекин сабзавот маҳсулотларига бунинг даҳли йўқ. Киши тўрт сотих жойга йўлига сабзи экиб қўйиб, жамоа хўжалигининг тонналаб сабзисини арзонга олиб, қиммат баҳода сотиб юбориши мумкин-ку, нега бунда кишилар жазоланмаслиги керак?

Чайқовчилик ҳақидаги ҳозирги қонунда олди-сотди қилинган нарсадан кўрилган фойда энг кам маошнинг беш баравари миқдорида бўлса, кичик ҳажмдаги чайқовчилик, энг кам маошдан 25 баравар ортиқ бўлса, катта ҳажмдаги чайқовчилик саналади. Менимча, бу ҳақда ҳам ўйлаш керак.

Ф. Қиличев. Бунда чайқовчининг оғир жазодан ўзини муҳофаза қилиши учун имкон бор. Олган маҳсулотини яшириб қўяди-да, катта миқдорда пулламай, ўн минг-ўн минг сўмлик қилиб пуллайверади.

О. Алибоев. Ҳозирги пайтда маҳсулотлар нархи турли жумҳуриятларда турличалиги ҳам чайқовчилик учун яхши имконият яратаяпти. Масалан, бизда шакарнинг нархи Қозоғистон ва Россиядагидан бир неча баравар арзон. Худди шу нарса биздаги шакарнинг ташқарига чиқиб кетишига сабаб бўляпти. Яқинда Тошкент вилоятидаги лимонад цехида катта миқдордаги шакар Қозоғистонга қиммат баҳода сотилганлиги маълум бўлди. Ёки ўсимлик ёғини олайлик. Бу маҳсулотнинг нархи бошқа жумҳуриятларда биздагидан юқори эканлиги ҳам унинг ташқарига чиқиб кетишига сабаб бўляпти. Жумладан, Наманган вилоятида одамларга талон билан берилиши керак бўлган 300 тонна ёғ Қирғизистонга сотиб юборилганлиги маълум бўлди.

Тушунмаган кишилар нега ҳукумат нархни бу қадар ошириб юборяпти, деб ўйлаши мумкин. Асли бундан кутилган мақсад чайқовчиликнинг олдини олишдан, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз халқимизга етиб боришини таъминлашдан иборат.

Россия жумҳурияти раҳбарлари бузғунчилик қилиб, бозорга ҳисобсиз пул ташлаётганликлари ҳам жумҳуриятимиз иқтисодиётини қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Тўғри, божхона ишини ҳам яхшилаш керак, бу соҳада камчиликлар йўқ, деб бўлмайди.

Ҳуқуқ ташкилотлари фаолиятида ҳам камчиликлар бор. Ички ишлар ходимлари ўз ҳудудларидаги вазиятни яхши билмайдилар, чайқовчиликка қарши изчил кураш олиб бормайдилар. Аввало, юқорида айтилганидек, чайқовчиликнинг манбааси аниқланмайди. Аниқланган тақдирда ҳам жиноятчилар муносиб жазосини олмайди.

Масалан, Чилонзор туманида Наталия Генриховна Лендала деган аёл бешта курткани сотаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади. Лекин унга қарши чора кўрилмайди. Натижада Лендала Янгийўлдан 265 шиша винони олиб келиб сотаётганида яна қўлга тушади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

А. Абдураҳмонов. Маркс бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтаётганда дастлабки капитал ифлос йўллар билан ҳосил қилинади, деган. Яъни жамиятда табақаланиш шу асосда юз беради. Энг муҳими, бу жараённи оғриқсиз ўтказиш керак. Бу биринчи навбатда раҳбарларга ва ҳуқуқшуносларга боғлиқ. Биз шу вазифани уддаласаккина янги шароитда иқтисодимизни йўлга қўйиб оламиз, акс ҳолда халққа жабр қиламиз.

Менинг фикримча, чайқовчилик Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар томонидан ўтказилган тадбиркорликни чеклаш ва мулкни шахсдан бегоналаштириш сиёсатининг мевасидир. Узоқ вақт мобайнида «фуқаролар тадбиркорлиги», «хусусий тадбиркорлик» каби тушунчалар Жиноят кодексидагина қўллаб келинди. Воситачилик, савдо-тижорат фаолияти ҳаром ва жиноят ҳисобланар эди.

Инсоннят томонидан кашф этилган ва минглаб йиллар давомида унга хизмат қилиб келган савдо-тижорат фаолиятини чеклаб қўйиш, кишиларнинг моддий манфаатларини давлат манфаатлари билан қарама-қарши қўйиш, уларни инкор этиш ҳамда тан олмаслик объектив ҳолда ишлаб чиқариладиган ҳамма маҳсулотлар ва саноат молларининг доимий равишдаги танқислигига олиб келди. Танқислик эса чайқовчиликнинг асосий сабаби, ўқ томиридир.

Демак, танқисликни йўқотмасдан туриб чайқовчиликка қарши кураш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, бу кураш беҳуда бўлиб, кўзланган натижани ва самарани бермайди. Фақатгина кескин маъмурий чеклаш чоралари кўрилса, уларнинг натижасида чайқовчиликнинг кўринишлари, усуллари (метод) ўзгаради, холос, чайқовчилик эса тобора оммавий тус олаверади.

Бу фикрдан чайқовчиликка қарши курашиш керак эмас экан-да, олибсотарлар оддий фуқароларни бундан кейин ҳам зулукдай сўраверишсин экан-да, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, чайқовчиликка қарши асосан иқтисодий йўл билан ва қолаверса, маъмурий чеклаш йўли билан, уларни оқилона уйғунлаштирган ҳолда кураш олиб боришимиз керак.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон давлати бу соҳада ўзининг илк қадамларини қўя бошлади, яъни совет давлати томонидан умумхалқ мулки деб эълон қилинган, аслида эса ҳеч кимники бўлмаган, шу сабабли ҳам ҳеч қандай жон куйдирмай вақтинчалик раҳбарлар томонидан ўта нўноқлик билан хўжалик юритиш орқасида фойда ўрнига зарар келтираётган корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида қонун, фойда келтирмай давлат ҳисобидан кун кўраётган қишлоқдаги жамоа хўжалиги ерларини ижарага бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, маҳаллий корхоналар, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу ишнинг вақтинчалик механизмлари ҳам ишлаб чиқилди.

Маҳсулот чиқаришдаги монополияни йўқотиш, иқтисодий рақобатни вужудга келтириш ва шу йўл билан 75 йил мобайнида унутилаёзган ва ҳамма нарса мўл бўлган бозор иқтисодига ўтиш учун ёш давлатимиз қатор қонунлар ва актлар қабул қилди. Мисол учун корхоналар, чет эл инвестициялари, биржалар, қўшма корхоналар, аудиторлар хизмати, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақида қонунлар, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида эса қарорлар қабул қилинди. Бу иш давом этмоқда ва уй-жой фондини хусусийлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш, товар белгиси, корхоналар синиши ҳақидаги қонун лойиҳалари, божхона мажмуаси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси мулкни ҳақиқий эгаларига топшириш ва шу йўл билан арзончилик ва мўл-кўлчиликни таъминлашга қаратилгандир.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, бу ишларни дарҳол, қисқа муддатда амалга ошириб бўлмайди, балки ақл-заковат билан, аста-секин (эволюция), босқичма-босқич, халқни оғир аҳволга солиб қўймай амалга ошириш керак.

Бунинг учун тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик зарур. Шундай қила олсак чайқовчилик сингари қабоҳатдан халқимиз яқин йилларда қутулган бўларди. Бу юқорида айтганимиздек, чайқовчиликка қарши курашнинг асосини ташкил этувчи иқтисодий йўлдир.

Шу билан бирга биз чайқовчиликка қарши курашда маъмурий чеклаш чораларини ҳам қўллашимиз шарт. Айниқса, бу чоралар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инкор этиб бўлмайдиган зарур чора бўлиб қолаверади. Сабаб, бу даврда ривожланган бозор муносабатлари ҳали таркиб топмаганлиги, асосий ишлаб чиқариш корхоналари давлатники эканлиги, корхоналар монополиясининг мавжудлиги ҳамда ўтиш давридаги иқтисодий танглик орттирилган маблағни ишлаб чиқаришга сарфлашдан кўра савдо-сотиқ ва воситачиликка сарфлашни фойдалироқ қилиб қўяди.

Бу эса маълум бир гуруҳдаги кишиларни осон даромад олиш йўлига бошлайди. Улар ҳақиқий савдо-тижорат йўлидан, яъни ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш ёки халқ учун зарур саноат молларини энг арзон бўлган мамлакатлардан олиб келиб, инсоф билан сотиш ўрнига чайқовчилик йўлига, яъни давлат корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ва давлат баҳоси қўйилган маҳсулотларни қонунсиз йўл билан сотиб оладилар-да, фуқароларга жуда қиммат баҳода сотадилар. Қисқаси, жамиятдаги иқтисодий танглик ва халқнинг кулфати ҳамда қашшоқланиши ҳисобига бойимоқчи бўладилар.

Менинг фикримча, Қонун бундай ғаламисларга нисбатан шафқатсиз бўлмоғи даркор. Жумҳуриятимизнинг давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг давлат нархидан юқори ва давлат савдо шохобчаларидан ташқарида сотилиши ман этилиши керак.

Бугунги кунда ҳаракатда бўлган қонунчилик бозор иқтисодига ўтиш даврида вужудга келаётган талабларга жавоб бермаяпти. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари томонидан ҳаракатдаги қонунчиликка бир қанча зарур ўзгартишлар киритиш таклифлари билан Олий мажлисга чиқилди. Бу ўзгартишлар яқин кунларда қабул қилинади ва улар жамиятимиз, фуқароларимиз манфаатларини чайқовчилар ва бошқа ҳуқуқбузарлардан қатъий равишда ҳимоя қила олади, деб умид қиламиз.

Яна бир гап. Янги ташкил этилаётган кичик корхоналарга лицензия беришда кўп хатоликлар бўляпти. Сабаби, бу иш ишониб топширилган кишилар ҳуқуқ илмидан дуруст хабардор бўлмаган кишилар.

Ф. Қиличев. Кеча агрономлик қилиб юрган одамни туманга ҳоким этиб сайлашади. Шундай қилиб, туманда янги очиладиган корхоналарга рухсат бериш унинг тасарруфига ўтади. Бу одам қонунчилик ҳақида юзаки тасаввурга ҳам эга бўлмайди. Қарабсизки, «Аршинмололон» фильмида «бир каллак қанд, бир чойнак чой, уч сўм пулу бир хотин», дейилганидек, янги корхонага лицензия тайёр бўлади.

Агар ҳозир жумҳуриятимизда лицензия олиб ишлаётган корхоналар текширилса, туман ҳокимлари ярмининг ишидан ишкал топилади, десам муболаға қилмаган бўларман. Давлат корхонасида тайёрланган пепсиколани икки баравар баҳода сотилиши ҳам мана шундан бошланади. Биз қонунга зид ишларга йўл қўйиб қонуний (юридик) чайқовчиларни кўпайтириб юборяпмиз.

Ҳар бир янги ташкил этилган корхонанинг устави бўлади. Бу уставни ҳуқуқ илмидан хабардор бўлган раҳбар кўрмасидан туриб, қандай қилиб ҳуқуқнинг устиворлигини таъминлаш мумкин?

Жумҳурият прокуратурасига туман ҳокимлари тез-тез қўнғироқ қилиб, жуда оддий нарсаларни изоҳлаб беришни илтимос қиладилар. Бу аҳволда ҳуқуқий давлат ташкил этишни чўзиб юборамиз-ку.

А. Эгамназаров. Суҳбатимиз тижорат ва чайқовчилик ҳақида борар экан, ёдимга кекса бир кишидан эшитган ҳикоя тушди. 1917 йилдаги октябрь тўнтаришигача Тошкентда Валихўжа деган читфуруш бой ўтган экан. Айтишларича, бу одам узоқ умр кўриб, 1940 йилда вафот этган, дафн маросимига бениҳоя кўп одам тўпланган. Марҳумни қабристонга элтиб, дафн этишгандан сўнг, кишилар унинг тобути атрофига ўралган сурпни табаррук билиб, бир парчадан бўлашиб олишган экан.

Хўш, Валихўжа бойнинг халқ орасида бу қадар ҳурмат топганлигининг боиси нимада? У аввало мурувватли, одамларга яхшилик қилишни истайдиган, етим-есирларнинг бошини силаган одам бўлган. Бундан ҳам муҳими эса, у инсофли савдогар бўлган. Валихўжа баззоз ўз чит дўконларида аксарият ҳолларда бир сўмлик маҳсулот устига бир тийин фойда қўйиб сотар экан.

Яна бир ҳикоят. Ўтмишда бир савдогар бўлган экан. У анчагина умр кўриб, қазоси етибди. Ўлими яқинлиги ўзига аён бўлиб қолгач, ўғлини ёнига чақириб васият қилибди. У оёғидаги эски пайпоқни кўрсатиб, «мени мана шу пайпоқ билан кўминглар», дебди. Кейин ўғлига тўрт букланган бир хат тутқазиб, «бу хатни мени дафн этиб келгач ўқигин», дебди.

Шундан сўнг кўп ўтмай савдогар вафот этибди. Уни дафн этиш чоғида ўғли отасининг васиятини ўйлаб иккиланибди: «Қариган одам ўлим талвасасида гапирди-қўйди-да, ҳеч замонда одамни оёғида пайпоғи билан ҳам кўмадими», дебди-да, отасининг оёғидаги пайпоқни ечиб олибди.

Отасини дафн этиб қайтиб келиб, қолдирган мактубини очиб ўқиса, мактубда шундай сўзлар ёзилган экан: «Ўғлим, ана кўрдингми, киши ўлгач, ўзи билан бирга, ҳатто эски пайпоқни ҳам олиб кета олмайди. Шундай бўлгач, бу дунёда кишининг ҳар бир ишда инсофли бўлгани яхши».

Мен бу икки ҳикояни нега келтирдим? Чунки бизнинг ҳозирги тижоратчиларимизда инсоф қолмаяпти. Юқорида давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни оширилган нархда сотиш ҳоллари ҳақида гапирилди. Бу — масаланинг бир томони. Лекин чет элдан келтирилаётган буюмлар баҳоси астрономик рақамларни ташкил этаётганлиги ҳам кишиларни таажжублантиряпти.

Яқинда Чорсудаги бир тижорат дўконига кирсам, чет элда тайёрланган аёллар жемпери илиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилибди, нархи 56 минг сўм! Дўконга мен билан кетма-кет кирган, деҳқонлиги ташқи кўринишидан билиниб турган ўрта ёшлардаги одам сотувчидан:

— 56 минг сўмга шу жемпернинг ўзини берасизларми ёки ёнига бирор нарса ҳам қўшиб берасизларми?— деб сўради.

— Жемпернинг ўзини оласиз!— деди сотувчининг энсаси қотиб.

— Вой-бў, қишлоқда бу пулга кичикроқ тўй қилса бўлади-ку.

Мана шунақа гаплар.

Ф. Қиличев. Халқда ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл, деган нақл бор. Айтганингиздай, кишиларимизда инсоф ҳам қолмаяпти-да.

О. Алибоев. Суҳбатимиз бошида Қуръон сўзларидан келтирилди. Қуръонда таъкидланишича, тижоратчи кўраётган фойдасини одамлардан яширмаслиги, бунчадан олганман, мана бунчадан сотяпман, деб айтиши керак экан. Бу бизнинг бугунги қонун-қоидаларимизга ҳам тўғри келади. Аслида ундай бўлмаяпти. Тижоратчи ҳалиги 56 минг сўмлик жемперни 1,5—2 минг сўмга олган бўлиши мумкин. Бу ерга олиб келгач, солиқ инспекциясига 40 минг сўмга олдим, деб ёлғон декларация беради. Қарабсизки, дўконда унинг нархи 56 минг сўмга чиқиб кетади.

Шу ўринда савдода ахборот ва рекламанинг аҳамияти беқиёс катта эканлигини унутмаслик керак. Бунда иложи бўлса элнихоналар хизматидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Савдога бевосита дахли бор ташкилотлар, солиқ идораларини қайси буюмнинг ўртача нархи қайси мамлакатда қанча эканлиги тўғрисидаги ахборот билан мунтазам таъминлаб турилиши керак.

Ф. Қиличев. Бир жемпернинг 56 минг сўмга чиқиб кетишида ўзимиз ҳам айбдормиз. Чунки нархни харидор белгилайди. Бир жемпер 56 минг сўмга чиққан экан, демак, уни олаётганлар ҳам бўлса керак-да. Иккинчидан, жемпер нархи пастга тушиши учун ўзимизда сифатли жемперлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз, кейин уни яширмай, давлат дўконларида эркин сотишимиз керак. Савдодаги қолдиғи ярим миллион сўмликни ташкил этмаган магазин мудири қариндошининг уйидан 7 миллион сўмлик саноат маҳсулоти чиққанидан кейин, албатта давлат магазини пештахталарида мол турмайди, тижорат дўконидаги жемпернинг нархи эса 56 минг сўмдан пастга тушмайди.

Хўш, жамиятимизда шундай иллатлар тўлиб-тошиб ётган экан, одамлар нега томошабин бўлиб турибди? Молия инспекторлари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, депутатлар қаёққа қараб туришибди?

Янги йил арафасида Бешёғочда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Магазинда ҳам, ундан сал нарироқдаги тижорат дўконида ҳам мандарин сотилди. Тижорат дўконидаги мандарин сифатлироқ, давлат магазинига келган маҳсулотдан саралаб олинганлиги шундоқ билиниб турибди, нархларида эса 30 сўм фарқ бор. Бир маҳал тижорат дўкони олдида навбатда турган одамлар орасидаги бир йигит сотувчидан: «Нега давлат магазинидаги мандарин билан сизнинг дўконда сотилаётган мандарин деярли бир хилу нархи икки хил?» деб сўради. Сотувчи индамади. Йигитга навбатда турганлар дашном беришди: «Нархи маъқул бўлмаётган бўлса, магазиндан бориб ола қолинг, қонунчилик қиламан деб одамларнинг вақтини олманг, йигит!..»

Мана сизга кишиларимизнинг фуқаролик позицияси! Бир юлғичнинг халқ ҳамёнига тушаётган ҳаром қўлини кўпчилик бўлиб қайириб ташлаш, таъзирини бериб қўйиш ўрнига, икки килограмм мандаринни барвақтроқ уйга олиб боришни афзал биламиз. Ахир, ҳар бир давлатнинг кучи фуқароларининг онглилик даражаси билан белгиланади-ку. Бу аҳволда биз қандай қилиб ҳуқуқий давлат қурамиз?

Яна 56 минг сўмлик жемпер масаласига қайтайлик. У бу жемперни чет элдан 1,5—2 минг сўмга олиб келади-да, Обиддин Алибоевич айтганидек, биздаги солиқ идораларига 40 минг сўмга олдим, деб оғзаки декларация беради. Шунга асосан ундан солиқ олинади. Бу солиқ миқдори худди фоҳиша бир кечада ўн минг сўм ишлаб, миршаб қўлига тушгач, 200 сўм жарима тўлаб қутулиб кетишини эслатади.

А. Эгамназаров. Соғлом бозор иқтисодиёти шароитида савдогар кўрадиган фойда ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган қийматнинг бир қисмини ташкил этади. Бу фойда даражасини эса истеъмол бозоридаги рақобат тартибга солиб туради. Биз ҳозир эса касал иқтисодиёт, истеъмол молларининг тақчиллиги шароитида яшаяпмиз. Саноат корхоналарининг 90 фоизи давлат мулки саналади, улар ҳали аҳолини етарли истеъмол буюмлари билан таъминлашга қодир эмаслар. Бундай шароитда тижорат дўконларининг бениҳоя катта фойда кўриши табиий ҳодисадир.

А. Алибоев. Бундай аҳволга йўл қўймаслик учун солиқ идоралари ишини такомиллаштириш керак. Тижоратчининг фойдаси ортиб борган сари, ундан олинадиган солиқ ҳам ўсиб бориши лозим. Бизда эса ҳозир шундай бўлмаяпти. Фақат тижоратчилардан эмас, ким нима иш қилиб фойда кўрса, ҳаммасидан солиқ ундирилиши керак. Яқинда бир одам Москвада карта ўйнаб, 200 минг сўм ютган экан. Ўша заҳоти солиқ идораси ходими пайдо бўлиб, ундан салмоқли миқдорда солиқ ундирибди.

А. Эгамназаров. Кейинги йилларда Москва матбуотида Швеция социализми ҳақида анча мақолалар ёзилди. Аслида Оврўпанинг энг ривожланган мамлакатларидан бўлган бу юртда биз билган социализм йўқ. Швеция капиталистик мамлакат, у ерда хусусий мулк ҳукмрон. Лекин бу юртда оддий инсонни ижтимоий ҳимоялаш бўйича жуда кўп ишлар қилинган, камбағаллик билан бойлик ўртасидаги фарқ иложи борича қисқартирилган. Швецияда энг бой одам энг «камбағал» одамдан атиги икки баравар бой саналади. Бунга нимани ҳисобига эришилди? Ижтимоий масалаларга биринчи даражали аҳамият бериш ва солиқ сиёсатини тўғри юргазиш ҳисобига.

О. Алибоев. Ғарбда солиқ инспекцияси энг катта идора саналади. У ерда катта амалдордан, полициядан қўрқмасликлари мумкин, лекин солиқ инспекцияси билан ҳар қандай вазиятда ҳам ҳисоблашадилар. Илғор капиталистик мамлакатларда қонунни бузадиган корхоналар ҳақида маълумот йиғадиган махсус банк бор. Агар бирон-бир ишбилармон янги корхона ёки савдо дўкони очадиган бўлса, шу банкдан рухсатнома олиши керак. Мабодо, у молия қоидасини бирон марта бузган бўлса, янги корхона очиши учун рухсат берилмайди.

П. Имомқулиев. Жумҳурият ҳукумати бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, солиқ ташкилотлари ишини такомиллаштиришга катта аҳамият бераяпти. Буни шунда ҳам билса бўлади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, илгари давлат даромадларига солиқ йиғиш билан шуғулланадиган молия ходимлари жумҳурият молия вазирлиги қошидаги давлат даромадлари бошқармасига бирлашган эдилар. Эндиликда, мана бир ярим йилдирки, бу бошқарма молия вазирлигидан ажраб чиқиб, жумҳурият Вазирлар маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармасига, яъни вазирлик даражасидаги маҳкамага айлантирилди. Бу Бош бошқарма бошлиғи Ш. К. Гатауллин бир пайтнинг ўзида президентнинг солиқ масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳам саналади.

Давлат солиқ Бош бошқармаси ташкил этилиши муносабати билан унда ишлайдиган ходимлар миқдори ҳам ўртача тўрт бараварга кўпайди.

Масалан, Тошкент шаҳар солиқ бошқармасини олайлик. У илгари шаҳар молия бошқармасининг бўлими бўлган чоғида 300 ходими бор эди. Ҳозир эса бошқармамиз ходимлари миқдори 1200 нафарга етказилди. Бошқармада махсус назорат бўлими ҳам ташкил этилди. Бу бўлим ходимлари солиқчилар устидан тушган шикоятларни текширишади, ёнларида қурол олиб юришади. Яна солиқчиларни муҳофаза қиладиган махсус гуруҳ ҳам тузиляпти.

Ўтган йили бошқармамиз ходимлари шаҳардаги 16 минг корхона ва ташкилотдан 3,5 мингини текшириб, 1 миллиард сўм қўшимча даромадни аниқлашди. Бундан ташқари, якка тартибда фаолият кўрсатиб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланган 3,5 минг фуқародан 700 минг сўм жарима ундирилди.

Бу ерда кичик корхона очиб, истеъмол бозорини тўлдириш ўрнига олди-сотди билан шуғулланаётган шахслар кўплиги ҳақида айтиб ўтилди. Бундай кишиларга биз ҳам дуч келамиз. Лекин уларга нисбатан чора кўролмаймиз. Сабаби, бундай корхоналарнинг устави жуда усталик билан тузилади: «Корхона олди-сотди билан ҳам шуғулланади», деб илова қилиб қўйилади. Нимани олиб-сотиши эса кўрсатилмайди. Шундан кейин қарабсизки, корхона асосий иши қолиб, олди-сотди билан шуғуллана бошлайди.

Ҳалол савдогар билан чайқовчи ўртасида фарқ битта — қилаётган тижоратини давлатдан пинҳон тутмай, тегишли солиқни ўз вақтида тўлаб турган киши ҳалол савдогардир. Аксинча, бу ишини у-бу даражада яширадиганлар чайқовчилардир. Бу ерда айтилганидек, савдогарлар солиқ тўлаш орқали жамиятга фойда келтирадилар. У қанча кўп даромад қилса, жамият ҳам ундан шунча кўп наф кўради.

Чет элда қурол, наркотик моддалардан бўлак ҳамма нарсаларни бемалол олиб-сотавериш мумкин. Фақат дўконингизни давлат солиқ идораларида рўйхатдан ўтказиб, белгиланган солиқни тўласангиз, белгиланган тартибга риоя қилсангиз бас. Ҳозир эса бизда бу қоидаларга ҳамма ҳам риоя қилаётгани йўқ. Солиқ идоралари рўйхатидан ўтмай шахсий бойлик орттиришга ҳаракат қилаётган, рўйхатдан ўтган тақдирда ҳам даромадларини солиқ идоралари ходимларидан яшириш ҳоллари кўп.

Тижорат дўконларидаги нархлар астрономик рақамни ташкил этаётганлиги ҳақиқат. Бу масала билан жумҳурият Давлат нарх қўмитасидагилар шуғулланишлари керак. Тижоратчи дўконидаги молни шартнома баҳосидан 20 фоиз қимматга сотиши мумкин. Аслида эса улар ёлғон декларация бериб, истаган нархда сотишяпти.

Бу йилдан Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда чиқарган қарорига мувофиқ молия идораларининг оладиган даромадларини яширган корхона ва ташкилотлар, айрим шахсларга нисбатан кўриладиган жазо чоралари кучайтирилди. Масалан, агар корхона бўлажак даромадининг умумий ҳажмини камайтириб кўрсатса ёки солиқ солинмайдиган харажатларни ошириб кўрсатса, бу ишда айбдор бўлган шахсларга энг кам ойлик маошнинг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ишбилармонлик билан шуғулланувчи шахслар давлат томонидан белгиланган молия қоидаларини бузсалар, бундай шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш баравари миқдоригача жарима солинади. Агар молия қоидасини бузиш ҳоллари яна такрорланса, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача жарима тўлайдилар.

Солиқ идоралари хизматчиларининг солиқ ундириш билан боғлиқ талабини рад этганларга, иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача жарима солинади.

Солиққа доир маълумотларни атайлаб яшириб, камайтириб кўрсатиш ҳоллари такрорланса, айбдор шахсларни судга бериш мумкин. Суд эса уларни 2 йилга озодликдан маҳрум этиши ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима солиши мумкин. 1992 йилгача бу каби ишларда айбланганлар 100 сўмдан 1500 сўмгача бўлган миқдорда жарима тўлардилар. Кўриниб турибдики, жазо чоралари кучаймоқда, тартиб ҳам шунга яраша бўлса керак.

Тошкент солиқ бошқармаси ходимлари 1993 йилда давлат бюджетига 100 миллиард сўм тўплаб топширишлари керак. Ҳозирги ишнинг бориши ёмон эмас. Январь ойининг ўзида бюджетга 11 миллиард сўм топширдик.

О. Абдураҳмонов. Чайқовчилик ҳақидаги модданинг жиноят кодексида бўлишини президентимизнинг ўтиш давридаги қаттиққўл сиёсатининг бир белгиси сифатида қараш керак. Акс ҳолда ҳаётимизда парокандалик бошланиб кетиши мумкин. М. С. Горбачев қаттиққўл бўла олмаганлиги СССРнинг парчаланиши билан тугади. Тожикистондаги собиқ ҳукумат раҳбарларининг бўш сиёсати жумҳуриятдаги қора кучларнинг ҳаддиларидан ошиши ва фуқаролар уруши бошланиб, минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриши, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилиши билан тугади. Демак, ўтиш даврида қаттиққўллик керак. Чайқовчиликка қарши кураш эса шу йўлдаги муҳим ишлардандир. Бу иш амалга оширилмаса мамлакатда ижтимоий портлашларга замин ҳозирланиши мумкин.

Ф. Қиличев. Ҳозир биз бу ерда дастурхон тўкинлиги, турмуш фаровонлигига бевосита дахлдор бўлган кўп камчиликлар, ютуқлар ҳақида гурунглашдик. Ўйлайманки, кўча-кўйда, жамоат тўпланадиган жойларда, оилалардаги суҳбатларнинг тўқсон фоизи ҳам шу ҳақда бўляпти. Бу мавзуга у ёки бу даражада қизиқмайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Шундай экан, бу ерда айтилган фикрлар қуруқ гап бўлиб қолмаслиги, ҳаётга жорий этилиши учун ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз лозим. Биз атрофдаги воқеаларга беписанд ва лоқайд бўлмаган, ҳар бир ишда қонунчиликка риоя қилиниши учун курашган шароитимиздагина юртимизда тинчликни ва фаровон турмушни таъминлай оламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маъруф Жалил

СОҲИБҚИРОН

Амир Темур қиссаси

Кўринишлар

Қатнашувчилар

Амир Темур — бошда 25 ёшларда. Асар охирида 34 ёшда.
Амир Довуд —
Амир ики Темур —
Амир Тамука —
Амир Жоку —
Кайхусрав —
Амир Сайфиддин —
Амир Мусо —
Шер Баҳром —
} Темурнинг саркардалари.
Жаҳонгир —
Умаршайх —
} Темурнинг ўғиллари.
Аперди — Ҳусайннинг маслаҳатчиси.
Муборакшоҳ — туркман амирларидан.
Алибек — туркман. Моҳон (Марв) ҳокими.
Мубашшир — Темурнинг хос хизматкори.
Шамсиддин Кулол — Темурнинг биринчи пири.
Саид Барака — Темурнинг пирларидан.
Улжой Туркон бегим — Темурнинг хотини, Ҳусайннинг синглиси.
Қутлуғ Туркон бегим — Темурнинг катта опаси.
Ҳусайн — Балх ҳокими.
Дилшод бегим — унинг хотини.
Фарҳод —
Пўлот —
Малик —
} Ҳусайннинг амирлари.
Илёсхўжа — мўғул хони.
Ҳамид —
Бикижак —
Искандар —
} унинг амирлари.
Менгли Буға сулдус
Тўлан буға

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мавлонзода — мадраса талабаси, сарбадор.
Абу-Бакир — самарқандлик фуқаро, сарбадор.
Камончи.
Аҳмад.
Кампир.
Эргаш — кампирнинг ўғли.

Уламолар, соқчилар, навкарлар, чопарлар, қаландарлар, созандалар, раққосалар, ҳоким ва беклар.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқанд. Кўча. Дарвоза олдида одамлар тўпланган. Ҳамма ҳаяжонда. Кампир фарёд қилиб, йиғлаб гапирмоқда. Сочлари тўзиган.

Кампир. Вой, жигарим, жигарларим, мўғуллардан дод!
Улар келиб оёқ ости бўлди динимиз.
Ахлоқ, одоб, удумимиз топталди буткул.

Тамука. Юринг қани, Ики Темур. Яна мўғуллар
Алам етказганга ўхшар бир бечорага.

Ики Темур. Кунда шу ҳол. Босқин, талон, зўрлик, ҳақорат,
Ёв зулмидан элнинг бағри эзилиб кетди.

(Иккаласи тўпланган одамларга яқинлашади.)

Кампир. Мўғул келиб сигирингни етаклаб кетса,
Ё қизингни олиб кетса сочидан бураб,
Иложинг йўқ жазосини берайин десанг,
Ё шикоят қилай десанг тинглагувчи йўқ.

Тамука. *(ёнидагидан сўрайди).*
Не фалокат юз берибди?
Ики Темур. Нима гап экан?
Абубакир. Шўрли кампир. Фарёдидан тутун ўрлайди.
Кампир. Мардлик қани? Йигитларнинг ғурури қани?
Нега қони қайнамайди танда уларнинг?
Торобийни эшитгандим. Битта элакчи
Бухорода бутун элни кўтарган экан.
Наҳот энди шундай мардлар туғилмай қўйди?

Тамука. Қаранг, кампир қайғу, алам ўтида ёниб,
Мудраб ётган ҳамиятни қўзғатмоқдадир.
Токай кўриб оналарнинг кўз ёшларини,
Ўзимизни кўрмаганга оламиз, дўстлар.

(Кампир томон талпинади. Яқин боради. Ики Темур олдинга ўтади.)

Ики Темур. Нима бўлди? Айтинг, хола, гапиринг очиқ,
Балки биз ҳам ғамингизга шерик бўлармиз?
Мўғуллардан ўчингизни олармиз балки!

Кампир. Ўғлим омоч, бўйинтуруқ, ҳўкизлар билан
Саҳар туриб кетган эди экин экишга.
Унга тушлик элтиб бер деб овқат пишириб,
Келинимни юборгандим... Юбормай ўлай!..
Кечга яқин қўшниларми, қариндошларми,
Келинимнинг ўлигини олиб келишди.
Ўғлим қўш ҳайдаб турганда иккита мўғул —
Навкар келинимни отга ўнглаб олибди.
Ўғлим кўриб, хотинини қутқармоқ учун
Қувлаб бориб, гаврон билан туширган экан,
Бошқа мўғул гурзи билан ўғлимни уриб,
Тут танаси дарахтига боғлаб қўйибди.
Шунда унинг толеига битта паҳлавон
Пайдо бўлиб, мўғулларнинг додин берибди.
Ким бўлса ҳам, ўша йигит бало кўрмасин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Қилич тақкан савлатли йигит билан юзлари шилинган, бошида қон қотиб қолган, йиртиқ кўйлагига қон сачраган йигит — Эргаш киради.)

Ики Темур. Соҳибқирон, эсонмисиз! Бардам бормисиз?
Тамука. Сарсон бўлиб юрган эдик сизни ахтариб.

(Қуюқ кўришадилар, Кампир йиғлаб жароҳатли йигитни бағрига олади).

Кампир. Ўғилгинам, паҳлавоним! Бошинг омонми?
Тангрига минг қатла шукр, тирик экансан!

Эргаш. Соҳибқирон келмасалар агар бахтимга,
Бу дунёда бошқа дийдор кўришмас эдик.
Ор-номуснинг оловида ноилож куйиб,
Кўзим билан кўриб ёрим хўрланганини,
Боғлиқ турган дарахтимни қўпорай дердим,
Аммо кучим етмай: «Худо, жонимни олгин,
Жонимни ол, кўрмайин бу шармандаликни!» —
Деб ўзимни ҳар ён уриб юлқинар эдим.

Кампир. Болагинам, шўрлик болам! Хайрият кўрдим!

Эргаш. Қўлларимни чилвир қийди. Гарданим яра,
У тузалар, битиб кетар шилинган терим.
Аммо қалбда қолган яра. Номус яраси —
Тузалмайди қора ерга киргунимча то.
Қуллуқ қилинг, онажон, сиз Амир Темурга.

Кампир. Ўғлин омон кўрган она миннатдорлигин
Қай тил билан сизга изҳор айласам экан.
Бош урайин, келинг, болам, оёғингизга!

ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ЯНА БИР ЯНГИ АСАР

Кўҳна тарих шакли-шамойили жумлайи жаҳонни ҳуркитган жуда кўп олий ҳукмдорни кўрган. Ҳозир, айнан шу кунларда ҳам, бунақаларни учратиш мумкин. Лекин тарих китобларининг саҳифасида, инсон хотирасида улардан мингдан бирининг ҳам номи қолмади. Тариху ашъор битганлар, юксак иморатлар қуриб шаҳарларни обод этганлар, чўлга сув чиқариб, экинзорлар ва боғ-роғлар яратганлар, қўйингки элу юртини тўқ ва фаровон қилганларнинггина номи қолди, холос. Қолганлари бўлса бир ялт этиб ёндилару дақиқа ҳам ўтмай сўндилар — кетдилар. Бугунга келиб улардан ном-нишон қолмади.

Амир Темур ва унинг улуғ авлоди: Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Акбаршоҳ, шоҳ Жаҳон — ана ўша мингдан бирлар жумласига кирадилар. Чунки, улар эл-юрт хусусида сўзда эмас, балки амалда қайғурдилар, уни эъзозу мукаррам тутиб обод қилдилар, илм-фан ва маданият ривожига шахсан улуш қўшдилар, аҳли қалам билан аҳли ҳунарнинг бошини силадилар. Шунинг учун ҳам улар тарихнинг зарварақларига нақшландилар.

Лекин, афсуслар бўлсинким, соҳибқирон Темур ва унинг авлоди, уларнинг улкан тарихи бизнинг мамлакатимизда, ўша буюк инсонларнинг ота юртида, яхши ўрганилмади. Бу ҳам етмагандай, аксига олиб, уларни ноҳақ тошбўрон қилиб келдик. Биримиз уларни золим, босқинчи, дедик, бошқа биримиз уларнинг бўйнига «пантуркист», «панисломист» каби ёрлиқлар осдик. Нега бундай қилдик! Бунинг сабаби бор, албатта. Бу — шу кунларда ҳам, баъзи бировлар уларсиз букунимиз ҳам йўқ, келажагимиз ҳам бўлмайди, деб юрган Русиянинг қарийб 130 йилдан бери бизга нисбатан изчил ўтказиб келган мустамлакачилик ва улуғ давлатчилик сиёсатининг оқибати бўлди. Фожиа шундаки, ҳозиргача бизлар Темур ва темурийлар ҳақида қўлга илинадиган биронта дуруст китоб ёзолмадик. Ваҳоланки, ўзга мамлакатларда, масалан, тили ва дини бошқа бўлган Инглистонда, Фарангистонда, Испанияда, Олмония ва Америқо Қўшма Штатларида Амир Темур ҳақида катта-катта китоблар ёзилиб, чоп этилди. Олмониялик Ҳанс Роберт Рёмернинг «Темурийлар давлатининг маъмурий тузилиши» (Висбаден, 1952), инглиз олимаси Хилда Хукэмнинг «Жаҳонгир Темур» (Лондон, 1962), фарангистонлик шарқшунослар Люсьен Карэн билан Жан Поль Рокснинг 1978 ва 1991 йилларда Парижда чоп этилган «Тамерлан» номли китоблари, америкалик олимлар Беатрица Фортес Манзнинг «Темур давлатининг бошқарилиши ва маъмурий тузилиши» (Кембриж, 1989) ва Жон Видснинг «Темурийлар сулоласи» (Блюмингтон, 1990) китоблари шулар жумласидан. Оврўпада буюк Темур ҳақида саҳна асарлари ҳам яратилди, ҳазрати соҳибқироннинг олтиндан ҳайкалини қўйдилар.

Бизлар-чи!.. Уятга қолдик.

Лекин, яратганга минг бор шукрким, бизлар ҳам қуллик занжирини узиб, истиқлол йўлига қадам қўйдик. Ҳа, фақат бир қадам қўйдик, холос. Ҳақиқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Йиғлаб ўзини Амир Темур оёғига ташлайди. Соҳибқирон энгашган она елкаларидан ушлаб турғизади.)

Амир Темур. Туринг, она. Қуллуқ қилманг менга бош уриб.
Шукронани дуо қилиб тангрига айтинг.
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай туриб,
Хазон бўлган келинингиз ўлими учун
Таъзиямни қабул қилинг. Бандалик экан.

Кампир. Тангри сизнинг умрингизни зиёда қилсин.

Эргаш. Балогардон бўлдингиз сиз. Қулингизман мен!

Амир Темур. Сен қул эмас, золимлардан ўч олгувчисан.
Сени эмас, улар мени ўлдирмоқчийди,
Аммо, ёвуз ниятига етмади шумлар.
Хотинингга ёпишганни чопганим маҳал
Иккинчиси, қилич билан ташланди менга,
Аммо, боши танасидан узилиб шунда,
Ўроғлиқ хат ерга тушди билмадим, қайдан?!
Ўқиб кўрсам Туғлуқхоннинг фармони экан.
Ўз элимга ён босганим, эл тараф бўлиб,
Золимларнинг жазосини берганим учун —
Мени унда исёнкор деб эълон қилибди
Ва пинхона ўлдиришга берибди фармон.

Кампир. Илоё, сизга қасд қилган душман паст бўлсин,
Мартабангиз баланд бўлсин, баҳодир ўғлон.
Мен йигитлар кўзидаги порлагувчи ўт,

истиқлолга эришишимизга ҳали анча вақт бор. Бунинг учун ҳали кўп тўсиқларни енгиб ўтишимизга тўғри келади. Асосий тўсиқ демократ ниқобига кириб олиб, ҳукуматнинг барча муассасаларининг калитини қўлда тутиб турган партократиядир. У эски услубда, ўзи билган услубда иш тутаётибди. Лекин, шундай бўлса-да, кўз тегмасин, истиқлол йўли кўриниб қолди. Энди кўҳна ва бой тарихимизни, маданиятимизни, ҳавас қилса арзигудай анъаналаримизни ўрганишга, унутилаёзган қадриятларимизни тиклашга йўл очилди. Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳамда маданиятини ўрганишга ҳам имкон туғилди. Мана, биз тарихшунослар бир-икки йилдан бери енг шимариб ишга киришдик. Адибларимиз ҳам бекор ўлтиришганлари йўқ. Ҳазрати соҳибқироннинг машаққатли ҳаёти, сермазмун, кўпқирралик ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган назмий, насрий ва саҳна асарлари яратилмоқда.

Саҳна асарлари хусусида гапирадиган бўлсак, 1992 йили Қарши ҳамда пойтахтнинг Ҳамза театри саҳналарида намойиш қилинган Тўра Мирзо ва Асрор Самаднинг «Ҳазрати соҳибқирон» асарлари (Асрор Самаднинг асари XVI асрда ўтган инглиз драматурги Кристофер Марлонинг шу номли пьесаси асосида яратилган) республикамизнинг маданий ҳаётида эсда қоларлик воқеа бўлди.

Мана шуларга ўхшаш яна бир яхши саҳна асари яратилди. Бу асар истеъдодли шоир Маъруф Жалилнинг қаламига мансуб. Асар оддийгина «Соҳибқирон» деб номланган, лекин тарихимизнинг ўта долзарб даврига бағишланган. Унда ҳазрати соҳибқироннинг мамлакатимиз устига оғир кунлар келганда, юртимизга Мўғулистон хони Илёсхўжахон (1363—1365)нинг катта лашкари бостириб кириб, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетган бир пайтда, Мовароуннаҳр халқини ўзининг музаффар туғи остига бирлаштириб, эл-юрт тақдирини ўз қўлига олган соҳибқирон Темурнинг ҳокимият тепасига келиши (1370) арафасидаги ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилади.

Асар асл манбалар: Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, «Темур тузуклари», Руи Гонсалес де Клавихонинг машҳур «Кундаликлари», мутахассис олимларнинг ўзбек ва рус тилларида ёзилган асарлари материаллари асосида ёзилганлиги шундоққина сезилиб турибди. Демоқчиманки, асар текширилган ва ҳақиқий фактларга асосланиб ёзилган.

Асарнинг бадиий тарафи ҳақида бир нима дея олмайман. Бу гапни театршунослар ва мунаққидлар айтишар. Лекин унда тарихий воқелик тўғри акс эттирилган, деб айта оламиз. Унинг тили равон ва ўқувчининг ҳам, томошабиннинг ҳам эсида қоладиган асар.

Маъруф Жалилнинг мазкур асари, шак-шубҳасиз, халқимиз орзиқиб кутаётган яхши саҳна асари сифатида ўзбек драматургиясида ўз ўрнини эгаллашига ишонамиз. Шу боис, бу асарга оқ йўл тилаб қоламиз.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг мухбир аъзоси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалбидаги номус, ғурур сўндими девдим.
Йўқ, сўнмаган экан. Тангрим, ўзингга шукр!

Амир Темур. (Эргашга)

Кўп сиқилма. Пешонангда яхши кунлар кўп.
Уйингга бор, ука, энди. Бурчингни бажар,
Иншоолло, кўришурмиз яқин кунларда

Эргаш. Энди бирга бўлурман, сиз қайда бўлсангиз
Ёрим учун, номус учун қасос олурман.

(Она-бола кетишади. Мубашшир киради.)

Мубашшир. (Темурга)

Уламолар сизга фатво тайёрлашибди.
Пешин намози ўқилгач, Жоме мачитда
Уни сизга топширмоққа қарор бўлибди.
Бормоғингиз даркор экан. Кутишар экан.
Шунинг учун сизни излаб келмоқда эдим.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Жоме мачит ҳовлиси. Одам кўп. Ҳамма ҳаяжонда. Минбар ёнида Мавлонзода.

Мавлонзода. Вақф мулки шу чоққача даҳлсиз эди.
Ҳеч ким журъат этолмасди даҳл қилмоққа.
Илёсхўжа хон бўлдию қонун бузилди,
Имон инсоф, оёқ ости қилинди, ё раб!
Вақф мулкни бўлмас, ахир, суюрғол қилиб,
Талабалар, уламолар насибаси бу.

Абу Бакир. Улар тангри ғазабига дучор бўлгуси.
Нега қараб турибсиз, эй мусулмон аҳли?
Нега тангри таолога нола қилмайсиз?

Мавлонзода. Фарёд қилиш, кўз ёшлардан фойда йўқ энди,
Бош кўтармоқ даркор...

Абу Бакир. Яна қон тўкилсинми?
Тўйиб кетдик, уст-устига, қурбон беришдан.

Мавлонзода. Минг қиз бер, деб талаб қилмиш мўғуллар яна,
Бу дегани — мингта рўзғор жудо қизидан.
Қиз ўстириб, пок наслини давом эттириб,
Миллатининг савобини олиш ўрнига
Душманларга совға қилиб, қонини бузиб,
Миллат гуноҳига зомин бўлсинми бу эл?

Абу Бакир. Ё, тангрим, биз нечун қора кунларга қолдик!
Қайси гуноҳимиз учун бундай кўргилик?!

Мавлонзода. Бир чорасин топмоқ зарур.

Абу Бакир. Тангри мададкор...
У одилдир, ҳаммасидан воқиф эрур у.
(Амир Темур киради. Ҳамма унга қарайди.)
Амир Темур. Биродарлар, бошимизга оғир кун тушди,
Мен сизлардан оқ фотиҳа сўрайман бугун.
Мингта қизни талаб қилган сурбетлар билан
Вақф мулкин тортиб олган имонсизларнинг
Жазосини бердик. Етмиш саййид, уламо
Ҳибсга олинган экан, озод айладик.
Халос бўлдик деганимас бу ёвдан ҳали,
Биз тарқоқмиз, ёвлар иноқ. Фожиа шунда.
Бирлаштирмоқ даркор эрур бутун ўлкани.
Бизнинг ўзга мулкимиз йўқ Турон заминдан,
Ёғийларнинг бундан бўлак ўз ерлари бор.
Аммо улар мулкимиздан кетмоқчи эмас.

Мавлонзода. Мусулмонлар, ёвдан инсоф тиламоқ етар,
Биз тилайлик ўзимизга тангридан қудрат.
Кимда қудрат, имон бўлса майдонга чиқсин,
Амир Темур қанотига кирсин куч бўлиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Амир Сайфиддин киради.)

Амир Сайфиддин. Мусулмонлар, уламолар йўллади мени,
Қўлимда бир ҳужжат бордир сизга аталган.
Ҳозир шуни ўқиб берсам, тинглагаймисиз?

Ҳамма. Ўқинг, ўқинг.

Мавлонзода. Аммо айтинг, фармон эмасми?
Амир Сайфиддин. Фармон эмас, фатводир бу — фармондан ортиқ.
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Тўғри йўллик халифалар, тангри таоло уларнинг ҳаммасидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган амалларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун ислом аҳли, сипоҳи раият ёхуд уламою машойих бўлсин Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанати олий деб атасинлар ва уни тангрининг қудрати салтанат таҳтига лойиқ кўрсинлар. Мусулмонлар ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган мўғуллар тоифасини даф қилишда ва умуман, йўқотишда Амир Темурга ўз мол ва жонларини аямай ёрдам берсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсак, тангрининг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон ҳийласию макри йўлига кирган бўлайлик. Омин!

Ҳамма. Омин!
Амир Темур. Миннатдорман, қадрдонлар, минг бора қуллуқ.
Кўп йил бурун ёрлиқ берган эди Қозоғон,
Ёрлиғи бор менда Қутлуғ Темурхоннинг ҳам.
Аммо улар оддий қоғоз фатво олдида,
Бу элимнинг менга бўлган умид-ишончи.
Иншоолло, бу ишончни оқларман ҳалол,
Ўз элимни юксакларга олиб чиқарман,
Сўнгра қанча тошқин, қирғин замон ўтса ҳам,
Бизни асло унутолмас макри кўп дунё.

УЧИНЧИ ҚЎРИНИШ

Чўлда шинам хонақо. Ҳовлидаги кекса тут остида Саид Шамсиддин Кулол тасбеҳ ўгириб ўтирибди.
Қаландар киради.

Қаландар. Пирим, пирим! Сир фош бўлди. Сарой ёнида
«Е, дўст» айтиб юрган эдим атрофга боқиб,
Уч-тўрт отлиқ чиқиб ундан, бири Бухоро,
Бири Хўжанд, яна бири Тошкент томонга
От чоптириб, жўнаб кетди.
Шамсиддин Кулол. Биламан, ўғлон.
Тағин қандай синоатлар кўрдинг оламда?

Қаландар. Сизга кундай равшан барча синоат, тақсир.
Сиз огоҳсиз илми ҳикмат, илми ғойибдан.
Амир Темур бу тузоқдан қутулармикан?

Шамсиддин Кулол. Битта бундан эмас, бошқа тузоқлардан ҳам
Эсон-омон қутулади. Бундан ташқари,
Юртни халос қилар иблис исканжасидан.
Дин, шариат ривожи деб юришлар қилар,
Шон-шуҳратга бурканади оламда номи,
Лекин ҳордиқ, роҳат нима, кўролмайди у.
Искандардай доврўғ солиб ўтар дунёдан.
Искандар бир ўғил кўрган. Тақдири мубҳам.
Ўғиллари кўп бўлади Амир Темурнинг,
Билмам, улар тутармикан ота йўлини?
Анов китобни ол, бўтам. Кўк муқовали
Дафтар ёнида, токчада турган китобни.

(Қаландар олиб беради. Шамсиддин Кулол китобни оҳиста варақлайди. Зарур жойини топиб ўқий бошлайди. Амир Темур киради.)

Амир Темур. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шамсиддин Кулол. Ваалайкум ассалом ва баракатуллоҳ.

Амир Темур. Қўшинбоши, амирларга суянмоқчийдим,
Улар миллат тақдирига куюнар эди.
Ислом дини аҳкомлари поклиги учун
Жон куйдириб юрар эди кўплари, лекин,
Бугун эса дину миллат тақдири эмас,
Хоннинг ялоғ идишини афзал кўрдилар.

Шамсиддин Кулол. Қўй, ўксима, амир. Тақдир айтгани бўлар.
Бахтли юлдуз паноҳида туғилгансан, сен.
Бугун тақдир бундай ўйин кўрсатган бўлса,
Пешонада бори бу ҳам.

Амир Темур. Биламан, пирим.
Аммо, одамларнинг бундай беқарорлиги
Диёнатнинг сустлигими, қўрқоқликданми...
Кеча менга минг-минг одам тарафдор эди,
Бугун мана олтмиш одам келди ортимдан.
Нима қила олар эди олтмишта жангчи?!

Шамсиддин Кулол. Кўп куйинма ноумидлик исканжасида,
Боболаринг тажрибаси ёдингда бўлсин.
Бир замонлар Аҳмонийлар даҳал куч билан
Дунёни титратган эди мўғулдан баттар.
Ўшанда бир Широқ деган миллатдошимиз
Унинг лак-лак қўшинини саҳрога бошлаб,
Сувсизликда, жазирада ҳолдан тойдириб,
Пароканда қилганлигин, эшитганмисан?

Амир Темур. Эшитганман. Ишонаман Турон элига,
Яна шуни биламанки, бу эл сабрли,
Тақдирга тан берар, аммо қул бўлмас дердим.
Ғафлат босиб қуллигини унутиб қўйди,
Энди уни кўзин очиб, ҳолингга боқ деб,
Сеҳрли бир ойна бўлса, юзига тутсанг.
Нима қилсам? Ортиқ бунда кутиш бефойда.
Шунча кутдим. Бошқа ҳеч ким келмади излаб.
Бадахшонга борсам девдим. Шоҳлари билан
Ҳужум қилсам ёвга қарши иттифоқ тузиб.

Шамсиддин Кулол. Бу яхши гап. Аммо дину тилимиз битта,
Қони ҳам бир лафзи ҳалол Хоразмга бор.
Олтин Ўрда, Чиғатойга бўлинган у ҳам
Вақти келиб Туркистонга қўшилар бари.
Шу томонга борсанг, бўтам, ишинг ўнг келгай.
Бадахшондан кўра умид улардан катта.

Амир Темур. Қуллуқ, пирим. Йўл оламан Хоразм томон,
Унда кўмак сўрагайман Ҳусайн Сўфидан.

Шамсиддин Кулол. Умр қандай тез ўтганин сезмай қоласан,
Кечагина эди отанг Тарағай ботир
Келиб менга туш кўрганин сўзлаганлари,
Ўша тушдан унинг ўғил кўришлигини,
Элга сарвар бўлишлигин англаган эдим.
Кейин сени олиб келди оппоқ йўргакда,
Қулоғингга азон айтиб, от қўйган эдим.

Амир Темур. Эсимда бор, бир гал ўйнаб келган чоғимда,
Зикр тушиб турган эди бир тўп қаландар.
Зикрдан сўнг қулоғимни чўзиб, елкамга
Қаттиқ-қаттиқ уриб туриб, деган эдингиз:
«Сен жаҳонгир бўлажаксан, камол топ, ўғлон!»

Шамсиддин Кулол. Қўлинг ишда, дилинг ёрда, биламан, ўғлон,
Вафодор ёр ҳамроҳ эрур доим йўлингда.
Ҳар бир ишда мададкоринг бўлади содиқ,
Не тилагинг бўлса, барин беради тугал.

Амир Темур. Мўғуллардан озод қилсам Турон элини,
Самарқандни мамлакатга пойтахт тайинлаб,
Бир йиллик хирожин сизга назр қилурман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шамсиддин Кулол. Фикран сайр этиб ватан сарҳадларини
Огоҳ бўлсанг унинг орзу-умидларидан,
Назар солсанг ёр йўлида ҳар қадамингга,
Хилват ичра бўлсанг ҳатто анжуманда ҳам
Тилакларнинг ушалгуси, амин бўл, ўғлон.

Амир Темур. Ўтган кеча бир туш кўрдим, устод. Тушимда
Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам
Дедилар: «Сен авлодимдан етмиш кишини
Ёв бандидан озод қилдинг. Худо хоҳласа
Етмиш бўғин авлодларинг подшолик қилар».

Шамсиддин Кулол. Хайрли туш кўрмишдирсан. Муборак бўлсин,
Сабуктегин бир эчкини ўлимдан сақлаб,
Эришганди тожу тахтга, яратган қўллаб.
Сен пайғамбар авлодларин халос этгансан,
Ажаб эмас тушинг тезда ўнгидан келса.

Амир Темур. Иншоолло, қувват олдим суҳбатингиздин,
Даргоҳида омон бўлинг. Менга ижозат.

Шамсиддин Кулол. Пайғамбар ва чорёрларнинг руҳи қўлласин,
Жангда доим омад, зафар ёр бўлсин. Омин!

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Хоразм чўли. Сардоба. Атрофда чодирлар. Отлар ўтлаб юрибди. Чодирда Амир Темур билан Улжой Туркон бегим.

Амир Темур. Нима бўлди, Ҳусайндан дарак йўқ ҳануз,
Ёки чопар бир балога дучор бўлдими?
Ёки аканг мендан ҳануз аразлимикан?

Улжой Туркон бегим. Амирим, кўп диққат бўлманг, келиб қолишар.

Амир Темур. Мен бу ерга қўнганимга икки кун бўлди.
Йўлга чиққан бўлса ҳам гар чопар борган кун
Етиб келган бўлар эди аллақачонлар?!

Улжой Туркон бегим. Акам балки қўшин йиғиб келмоқчи бўлган,
Кўчага кўп мос келмайди уйнинг савдоси.

Амир Темур. Гапинг тўғри, лекин илғор бўлукни олиб,
Бўлар эди: етиб борсин орқамдан, деса.
Мендан унинг кўнгли қолган Туғлуқхон билан
Жанг қилганда қаватида бўлмаганимга.

Улжой Туркон бегим. Ҳадисларда «шубҳа—катта гуноҳ» дейилган,
Бегим, шубҳа-гумонлардан юксак турингиз.

Амир Темур. Гапинг тўғри, кўнглим нотинч, эҳтимол, шундан
Хаёлимга турфа гаплар келаётгандир.

Улжой Туркон бегим. Кўп сезгирсиз, ўзим бунга гувоҳ бўлганман,
Ажаб эмас хабар етиб турса ғойибдан.
Сиз одамни бир кўрганда, гапирмай туриб
Юрагида не гаплар бор, билиб оласиз.

Амир Темур. Кўнглим хира, нимагадир кўнглим безовта.

(Ташқаридан отлар дупури эшитилади. Ики Темур киради.)

Ики Темур. Соҳибқирон, амир Ҳусайн ташриф буюрмиш.

(Темур чодирдан чиқиб, амир Ҳусайн отининг жиловини ушлайди. Ҳусайн отдан тушиб, амир Темур билан қучоқлашиб кўришади.)

Амир Темур. Хуш келибсиз, йўлда чарчаб қолмадингизми?!

Амир Ҳусайн. Миннатдорман, амир, аммо кўп ташвиш чекдик,
Сизга мадад бермоқ учун кеч қолдикми деб.
Ортингиздан Илёсхўжа отлантирибди
Бикижакни беш минг отли навкари билан
Қириб ташла Темўрни деб ўша чўлларда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чопарингиз қайтгач, кўпам узоқ вақт ўтмай
Айғоқчилар шум хабарни топиб келдилар.

Улжой Туркон бегим. Ассалому алайкум. Эсонмисиз, ака,
Саломат бормисиз, янга? Хуш келибсизлар.
Амиримнинг кўнгиллари алағда эди.

Амир Темур. Қани, амир, ичкарига марҳамат қилинг,
Кошонамиз мунтазирдир қадамингизга.

(Кулишиб бирга-бирга ичкари ўтишади. Ўтириб фотиҳа ўқишади).

Амир Ҳусайн. Энди нима қилмоқчисиз? Фуқарони деб
Илёсдан ҳам воз кечибсиз. Амаллардан ҳам.

Амир Темур. Амал олиб, муттаҳамдай бошингни эгиб,
Ўз юртингда қарам бўлиб яшамоқ оғир.
Ўз тадбирим ҳамда тангри иродаси-ла
Бир мамлакат тузсам деган режам йўқ эмас.

(Ҳусайн киноялн жилмайиб хотини ва синглисига қарайди.)

Лашкар билан кўмак берса Хоразм хони,
Бир қанотим сиз бўлсангиз, амир Ҳусайн,
Туркистондан ҳайдагаймиз Илёсхўжани.

Амир Ҳусайн. Менга қандай марҳаматни раво кўргайсиз.

Амир Темур. Давлатимга баб-баробар бўласиз шерик.

Амир Ҳусайн. Ундан кўра Хоразмга ҳужум қилсак-чи?
Хоразмга юриш қилиб, уни эгаллаб,
Хазинани бойитсак, сўнг, қўшин тўпласак.
Ўшанда бас келиш мумкин Илёсхўжага.
(Амир Довуд киради.)

Амир Довуд. *(Амир Темурга)*
Узр, амир, кун ботардан тўзон ўрлайди.

Амир Темур. Кунботардан тўзон?
(Ўрнидан туриб, чодирдан чиқади.)

Дарҳақиқат, қуюқ тўзон...

(Амир Довудга)

Дарҳол отлан. Тез билиб кел нима гаплигин.

(Амир Довуд югуриб кетади. Ҳусайн ва унинг ёнида Дилшод бегим билан Улжой Туркон бегим навкарона кийиниб чиқишади.)

Амир Темур. Навкар бўлиб шайланибсиз, майдон талабсиз,
Аммо бизга қўйиб беринг қилич чопишни.
Сиз ичкари киринг, сира чодирдан чиқманг.
(Аёллар индамай чодирга кириб кетишади.)

Ики Темур, қабул қилинг ўн кишини сиз,
Содир полвон, сиз ҳам олинг ўнта навкарни.
Ўн навкарга сиз бошлиқсиз, амир Сулаймон,
Ўн навкарни, амир Жоку, сиз қабул қилинг.
Амир Ҳусайн, бошлайсиз ўз бўлугингизни.
Қолган навкар менинг билан бўлади бирга,
Жангга ўзим бошлагайман зарур бўлганда.

(Амир Довуд киради.)

Амир Довуд. Тўкал баҳодир келмоқда минг навкар билан.
Илёсхўжа мактуб йўллаб, фармон берибди:
«Темур йўлин кесиб чиқиб, кириб ташла», деб.

Амир Ҳусайн. Бунга мактуб йўллабди-да, йўлини кес, деб,
Орқангиздан Бикижакни отлантирибди.
Аҳвол чатоқ, айтинг, амир, нима қилгаймиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизда бори олтмиш навкар, менда бир бўлук.
Сичқон каби бўлмаймизми арслон олдида.

Амир Темур. *(Саросимада, лекин ўзини босиб)*

Биз сичқонмиз, лекин филни чўчитган сичқон.
Масал борки, фил сичқоннинг инини кўрса,
Қўрққанидан ин ёнидан кетолмас эмиш.

Амир Ҳусайн *(кулади).*
Баҳайбат фил қўрқар, қаранг, митти сичқондан.

(«Аллоҳу акбар» такбири, кейин «Урҳо-ур» сурони эшитилади. Қиличларнинг шарақлагани, инграш садолари. Амир Ҳусайн чиқиб кетади. Амир Темур тепаликда туриб кузатади.)

Амир Темур. Балли сенга, Амир Довуд. Аттанга-аттанг.
Оти ўққа учди. Тоғай пиёда қолди.
Ўҳ-ўҳ, Ики Темур ногоҳ отсиз қолдими?!
Амир Ҳусайн қани? Тўқал баҳодирнинг
Байроғини нишон қилиб қилич чопмоқда.
Байроқдорни чопди, ана байроқ қулади.
Нима? Тўхта, эҳтиёт бўл, қуршаб олишди.
Ҳозир-ҳозир, мен ёрдамга етиб бораман.

(Амир Темур бир қўлига найза, бирига қилич олиб чиқиб кетади. Қуршовда қолган Амир Ҳусайн ёнига кириб, қилич ва найза билан душманларни қийратади. Тўқал баҳодир кўп қурбон бериб чекинади.)

Амир Ҳусайн. Раҳмат сизга. Қутқардингиз мени ўлимдан,
Душман қуршаб олганини сезмай қолибман.
«Энди ўлдим» деб жонимдан умид узгандим,
Хайрият сиз—халоскорим етиб келдингиз.

Амир Темур. Бизни қириб ташламоқчи бўлган малъунлар
Мағлуб бўлиб қочиб кетди. Кўп одам ўлди.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Тонг оқариб келмоқда. Амир Темур чодири. Амир Ҳусайн ўз чодиридан чиқиб келади. Салом-аликдан сўнг...

Амир Ҳусайн. Энди, амир, Балхга қараб йўл олсак бизлар,
Мулкимизга бориб бирор тадбир ўйласак.
Куч кам эди, машваратни бой бердик бунда,
Нетмоқчисиз? Қоласизми ёки биз билан
Куч тўплашга Балхга томон юзланасизми?

Амир Темур. Шунда қолсам, машваратда тарқалиб кетган
Излаб юрган йигитларим топмоғи осон.
Самарқанддан, Кешдан ёрдам келиши лозим.

Амир Ҳусайн. Зарур бўлиб қолсам агар чопар жўнатинг.

Амир Темур. Маъқул. Маъқул, эҳтиёж бўлса...

Тамука. Соҳибқирон,
Омонмисиз, сизни излаб кезмаган чўлим,
Бош суқмаган бир сардоба қолмади чўлда.
Йўлда отлар, навкарларнинг тўп-тўп жасади
Қузғунларга ем бўлганин кўрганим заҳот,
Катта қирғин бўлганини англадим.

Амир Темур. Келинг.
Кешда қандай синоатлар? Дўстлар омонми?

Тамука. Шукр-шукр. Барча дўстлар дуо қилдилар,
Сизга зафар тиладилар ҳар бир қадамда.
Мачитларда элга фатво ўқиб берилди,
Келиб сизга қўшилгуси мўмин йигитлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур. Хушхабарчи баҳодир, кел, бағримга босай,
Айланайин асал томган тилингдан сенинг.
Бу риёкор жангдан кейин бағрим худди бир
Қуюн ўтган чўл сингари ғоратда эди.
Чўкиб кетган нажот излаб чиққан қайиғим,
Умид шамим ногаҳон ел ўчирган эди.
Барчасини сен қайтариб бергандай бўлдинг.
Юр, баҳодир, юр чодирга.

Амир Ҳусайн. Бизга ижозат.

Амир Темур. Бугун қолинг. Баҳам кўринг шодлигимизни.

Амир Ҳусайн. Бу насия хушхабардир. Тангри еткурса,
Нақди келса бирга байрам қилажакдурмиз.

Амир Темур. (Бу гапдан ноқулай аҳволга тушади. Лекин ўзини босиб.)

Аммо оёқ узангида бўлган маҳали
Ҳамма истар қувончингга шерик бўлишни.
Мағлубият намокобин бирга ичдингиз,
Амир, умид гулобин ҳам тотайлик бирга.

Амир Ҳусайн. Майли, сизлар суҳбат қуринг, яйранг, дўстларим,
Майли, кўкка парвоз қилиб, режалар тузинг.
Мен доимо сизлар билан қалбан биргаман.

Амир Темур. Дилшод бегим минсин Улжой Туркон отини,
Яна икки от қолдими? Келтиринг бизга.

(Ҳусайн билан Дилшод бегим отларга минади. Темур билан Улжой Туркон бегим отда уларни анча йўлгача кузатиб боради. Қолганлар сардоба ортигача кузатиб, хайрлашиб қайтишади.)

Тамука. Жангда фақат одам ўлмас, отлар ҳам ўлар,
Отсиз навкар—қанотсиз қуш. От топиш даркор.

Мубашшир. От топамиз. Туркманларда яхши отлар кўп.
Соҳибқирон айтсалар, бас. Сотиб оламиз.
Аммо менда бир таклиф бор, рози бўлсангиз,
Тамукавой битта дутор чертсалар, деган.

Ики Темур. Вайрон бўлган кўнгулларга малҳам бўларди.

Амир Довуд. Қани дутор, олиб чиқинг, мулло Мубашшир.

Тамука. Бу чўл дутор навосига қандай қараркан,
Соҳибқирон ранжимасми келиб қолсалар?

Мубашшир (дутор келтириб).

Қарғиш теккан чўлларнинг ҳам кўнгли юмшаса,
Зора, ногоҳ қирғин учун қилса илтифот.
Армон билан кетганларнинг арвоҳлари ҳам,
Бу биз учун мотам дея таскин топсалар.

(Тамука ғамгин куй бошлайди. Ҳамма бош эгиб тинглайди. Кўнгуллари юмшаб кўзларига ёш келади. Куй-куйга уланади. Темур оҳиста келиб ўз жойига ўтиради. Ҳеч ким сезмайди. Тамука бошини кўтариб Темурни кўради ва чалишдан тўхтайди.)

Амир Темур. Чалинг-чалинг, чалаверинг. Совимасин куй,
Шўхроғидан чалинг ёки ғамгинроғидан.
Ҳазрат Аҳмад Яссавийдан ҳикмат ҳам бўлсин,
Алпомишдан бирор юрак ўртовчи қўшиқ.

Тамука. (дуторни чертиб, ўйлаб туради. Сўнг қўшиқ бошлайди.)
Дийдор учун жонни қурбон қилмағунча,
Исмоилдек дийдор орзу қилманг, дўстлар.
Жондан кечиб тариқатга кирмағунча,
Ошиқ мен деб ёлғон даъво қилманг, дўстлар.
Ошиқ бўлиш улуғ ишдир, билсанг муни,
Меҳнат бирла синар эрмиш мавлон сени,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ранжу меҳнат бирла бўлсанг туну куни,
Маъшуқингдан кўнгул ўзга қилманг, дўстлар.
Манлик бирла тариқатга кирмадилар,
Жондин кечмай йўлга қадам қўймадилар,
Нафс ўлдирмай таслим фано ўлмадилар,
Хомтамалиғ бирла йўлга кирманг, дўстлар.
Ушбу ишқни йўли тилим бўлмак турур,
Мунда йиғлаб охиратда кулмак турур,
Ғул ранглари заъфарондек сўлмак турур,
Мундоқ бўлмай, ошиқман деб айтманг, дўстлар.

Ҳамма. Э, кўп яшанг, ёмонликни асло кўрмангиз.

Амир Темур. (Узоққа диққат билан тикилади. Ҳолати ўзгаради.)

Қаранг, тўзон. Ё раббий, бу не бўлди экан?

(Ҳамма ўрнидан туради. Темур қараган томонга қарайди. Қўллари қилич сопига югуради.)

Амир Довуд. Бикижакнинг қўшинимі? Нима қилурмиз?

Амир Темур. Саросима бўлманг, дўстлар. Нима бўлса ҳам,
Озчиликмиз. Кучимиз кам. Қочиш фойдасиз.

Тамука. Мумкин эмас Бикижакнинг бунда бўлмоғи,
Илёсхўжа ортингиздан юборган экан,
Амир Ҳамид уни йўлдан қайтарган эмиш,
Саройга яқин одамдан эшитдим аниқ.

Амир Темур. Бу ҳам улкан таскин, аммо келаётган ким?
Амир Ҳусайн кетган маҳал кўчсак бўларкан.

(Қилич яланғочлаган отлиқлар сардоба атрофини ўраб олади. Улжой Туркон бегим ва Амир Темур бошлиқ етти саркарда қилич яланғочлаб ўртада туради. Босиб келганлардан бирининг оти олға юлқинади, кишнаб юборади.)

Ики Темур. Худо ҳаққи, менинг отим бу, худди ўзи,
Вафодорим, қаранг таниб талпинганини.

Мубашшир. Биз келганда сардобада ётган йигит шу.
Шерикларин кўрмаяпман... Бошқалари йўқ.

(Атрофни ўраган навкарлар сафини ёриб ўртага Алибек киради.)

Алибек. Кимсиз? Бунда нима қилиб юрибсиз, айтинг?!

Амир Темур. Мен—Темурман, эшитган ҳам чиқарсиз балки.

Алибек. Қуролларни ерга ташланг.

Амир Темур. Ўзингиз кимсиз?

Алибек. Мен—Алибек. Моҳон элин ёлғиз ҳокими.

Амир Темур. Ҳожи Муҳаммад туркманни таниюрмисиз?

Алибек. *(Унинг гапига эътибор бермай, йигитларига ишора қилади.)*

Тутиб боғланг барчасининг қўл-оёғини.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Моҳон (Марв) шаҳри. Зиндон. Хашак тўшалган зиндонда Темур ёлғиз. Соқол, мўйлови ўсган. Эшикда тўртбурчак шаклида тешик бор. Маҳбус билан соқчи шу тешик орқали гаплашади.

Амир Темур. Зиндон банди бўлганимга олтмиш кун тўлди,
Олтмиш кунки, таним кана, бургаларга ем.
Олтмиш кунки, кўролмайман ёруғ дунёни,
Соқчилардан бўлак зотни учратолмайман.
Мен дунёдан бехабарман, дунё ҳам мендан,
Бу девордан ташқарида нелар кечмоқда?
Юртим мени кутар унда қачон келар деб,
Қачон келиб мени ёвдан халос қилар деб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен-чи, бунда бурга билан олишмоқдаман,
Кана билан олишаман. Эй ғаддор фалак,
Менга бунча кўргиликни раво кўрганинг
Недур? Кўкка кўтаришми, ерга уришми?

(Темур наърасига соқчи пайдо бўлади.)

Соқчи. Эсдан оғдирдими, дейман, зиндон азоби,
Деворларни титратгудай ўкирмоқдасиз,
Бу деворлар жуда қалин, жуда мустаҳкам,
Ўкиришу муштингизга парво қилмайди.

Амир Темур. Алибекка айтсанг эди менинг арзимни,
Балки бунда шунча узоқ ўтирмас эдим.
Айт-чи, ўзинг, қайси ҳоким, қайси ҳукмдор,
Гуноҳингни сўрамасдан зиндонга солар?!

Соқчи. Ҳоким бошлиқ, менинг эса йўриғим бўлак.

Амир Темур. Ҳеч бўлмаса бошлиғингни чақиргин, ахир,
Ахир, уни чақирмоққа сиғар-ку ҳаддинг.

Соқчи. Чақирмоққа ҳаддим сиғар, аммо бормайман,
Ундан сўкиш эшитмоққа ҳеч тоқатим йўқ.

Амир Темур. Нима, шунча жоҳилмидир бошлиғинг?

Соқчи. Ўҳҳу, Чак-чак заҳар силқиб турар заҳил юзидан,
Қамчисидан қон томади. Мисоли дажжол.
Анча бўлди қайларгадир йўқолган эди,
Кеча қайтиб келган эмиш. Ҳали кўрарсиз.
Баҳра олиб зиндонбоннинг марҳаматидан,
Пушаймон бўларсиз уни кўрганингизга.

Амир Темур. Шунақа де. Белингдаги қиличми, нима?
Соқчи. Қилич...

(кулимсирайди)

Отам раҳматлидан ёдгорлик қилич.

Амир Темур. Ўйинчоқми, дебман уни, чўпдан ясалган.

Соқчи. Шунча оғир бўладими ўйинчоқ қилич,
Исфаҳоннинг пўлатидан, ҳақиқий пўлат.

Амир Темур. Ишонмайман, қани ол-чи.

Соқчи. Йўқ, мумкин эмас.

Амир Темур. Соқчи бўлиб юрибсанми шу юрак билан?

Соқчи. Қўрқмайману, мумкин эмас қуролни бериш.

Амир Темур. Ёвга бериш мумкин эмас, мен эса маҳбус.

(Соқчи қиличини қиндан чиқариб, дамини кўради, ҳавода серпайди.)

Сопи нима, садаф, суяк... нимадан бўлган?

Соқчи. Суяк, суяк...

Амир Темур. Ёзувиям борга ўхшайди?!

Соқчи. Ҳа, бор. Унга отам номи ўйиб ёзилган,
Туғлуқхонми, Темурхонми топширган экан.
Амир Темур. Қани-қани, бир кўрай-чи, қани узат-чи.

Соқчи. Йў-ўқ. Отам менга берган чоғи насиҳат қилган
Ҳеч кимсага қуролингни ишонмагин деб.

Амир Темур. Мен бошимга ураманми темир қилични,
Ёзувини кўрмоқчиман. Отанг ким эди?

Соқчи. Навкар эди. Самарқандда хизмат қилганди.

Амир Темур. Тўхта-тўхта. Оти нима?

Соқчи. Ҳожи Муҳаммад...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур. Раҳматлини билар эдим. Менинг қўлимда
Ўнбошилик қилар эди. Катта бўлса ҳам...

Соқчи. Отамларни биларкансиз. Мени кечиринг,
Танимасни сийламас, деб шуни айтарлар.
Мана қилич, кўринг майли, гар керак бўлса,
Сизга буткул совға қилиб берайин, майли.

Амир Темур. *(Қилични олиб кўради. Сопидаги ёзувни ўқийди.)*

Буни ўзим совға қилган эдим отангга,
Абдуллога қарши жангда жасорат учун.
Ука, энди эшикни оч, ростини айтсам,
Ҳисоб-китоб қилмоқчиман Алибек билан.

Соқчи. Соқчилар кўп. Чиқиш қийин. Барибир сизни
Эсон-омон қўйворишмас амин бўлингиз.

Амир Темур. Қиличингни қайтараман ишим битган сўнг,
Сен ўзингга эҳтиёт бўл! «Қочди» деб бақир.

(Югуриб кетади.)

ЕТТИНЧИ ҚЎРИНИШ

Ҳоким саройи, Алибек тахтмоқанд курсига бориб ўтиради. Қўлидаги ўрама хатни очади.

Алибек. Акам нега хат ёзибди? Бир гапи бўлса,
Мени «кел» деб чақирарди ёки келарди.

(Хатни ўқийди.)

«Ўйламасдан зиндонбанди айлаб Темурни,
Номуносиб иш қилибсан, гуноҳ қилибсан.
Дарҳол уни озод этиб, кечирим сўра,
Кўнглуни ол совға-салом, яхши сўз билан».

(Ташқарида шовқин-сурон, қиличлар шарақлагани, кимларнингдир «оҳ» уриб йиқилгани эшитилади. Қўлида яланғоч қилич, ҳансираган Темур киради.)

Амир Темур. Суриштирмай қўл-оёғим боғлаттирганинг,
Икки ой умримни зое этганинг учун,
Зиндонда оч бурга билан қонхўр канага
Вужудимни емиш қилиб берганинг учун,
Мана энди олажакман қовоқ бошингни.

Алибек.

(Ўрнидан туриб кетади. Қўлидаги мактуб ерга тушади.)

Амир Темур эканингиз билмабман, узр,
Гуноҳимни ювмоқ учун берингиз имкон.

Амир Темур. Сени сардоба бошига бошлаб борганлар,
Айғоқчилар кимлигимни айтмаганмиди?!
Улар айтган, шунинг учун етиб боргансан,
Талон учун келган бу, деб ҳадик олгансан.

Алибек. Амир Темур беҳудага йўлга чиқмайди,
Биз томонга келибдими? Демак, бир гап бор.
Орқасидан навкарлари пайдо бўлади.
Унда ишим мушкуллашар, олдини олай,
Ўз мулкимни сақлай дедим қирғин, талондан.

Амир Темур. Қуршаб олдинг, кўрдингки, биз етти кишимиз,
Нима учун сўрамадинг мақсадимизни?
«Қўл, оёғин боғланг», дединг суриштирмасдан?

Алибек. Сизга мадад келишидан хавотир эдим.

Амир Темур. Тирноқча ҳам қадри йўқдир сенга инсоннинг,
Хўрлик нима, хорлик нима биласанми, сен?
Шунинг учун олажакман қовоқ бошингни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алибек. Узр, амир, товон тўлай гуноҳим учун.
Хизматингиз қилай токи ўла-ўлгунча.
Оту қурол-яроғ берай, хазина берай,
Тавба қилдим, тавба қилдим, қонимдан кечинг.

Амир Темур. Хўп, гуноҳинг кечираман, аввал жавоб бер,
Қани менинг ҳамроҳларим? Омонми улар?

Алибек. Омон-омон. Рухсат беринг. Чорлаб келайин.

Амир Темур. Шошма, ўғлон. Ҳали гапим тугагани йўқ.

(Ерда ётган хатни олади, ўқийди.)

«Ўйламасдан зиндон қилиб Амир Темурни,
Номуносиб иш қилибсан, гуноҳ қилибсан.
Дарҳол уни озод қилиб, кечирим сўра,
Кўнглуни ол, совға-салом, яхши сўз билан.
Оғанг Аббос Баҳодир».

Амир Темур.

(Ўйланиб туради, чеҳраси ёришади)
Амир Аббос туркман.
Ўша дўлоп Аббос туркман сенинг оғангми?
Абдуллога қарши жангда бирга бўлганмиз.
Фикри тийрак йигитдир у. Сен нега бундоқ?

(Кўнглу жойига тушиб, ҳовури пасайиб мулойим тортади.)

Буюр, дарров келтиришсин ҳамроҳларимни,
Оғангга ҳам одам юбор. Эски дўстимни
Кўриб кетай катта ишни бошлашдан аввал.
Яна бир гап: қулоғингга қуйилиб қолсин,
Жазолама ҳеч кимсани суриштирмасдан,
Гуноҳини билмай туриб зиндонга солма.

Алибек. Маъқул. Аммо, мен гумроҳни кечирдингизми?

Амир Темур. Оёғимдан қаттиқ чалдинг. Ишдан қолдирдинг.
Гуноҳингни англаб етдинг. Кечирдим, ўғлон.

(Муборакшоҳ киради.)

Муборакшоҳ. Амир Темур, қадрдоним, қайдан сўраймиз?
Олиб келди сизни қайси тақдир шамоли?
Алибек ҳам бизга бундоқ хабар бермабди.

(Алибек хижолат ичида салом бериб чиқаркан.)

Алибек. Ҳозир-ҳозир, мен келаман...

Амир Темур. Амир Муборак...

(Қучоқлашиб кўришадилар.)

Муборакшоҳ. Нима бўлди, амир, нега бу ҳолатдасиз?!

Амир Темур. Э-э, сўраманг. Ҳозиргина зиндондан чиқдим.

Муборакшоҳ. Сизни зиндонбанд этишга ким журъат қилди?

Амир Темур. Зарари йўқ. Балки ёшлар довдирлигидан,
Тақдиримнинг балки менга хиёнатидан.
Хулласкалом мўғулларнинг бебошлигига,
Бош кўтардим Илёсхўжа зулмига қарши.
Келаётсам Хоразмдан кўмак олгани,
Илёсхўжа хабар қилмиш Тўқал ботирга:
«Қўшин тортиб йўлига чиқ, кириб ташла», деб.
Тўқал мингта навкар билан ҳужум бошлади,
Олтмиш киши эди бизнинг бору йўғимиз.
Аммо бизнинг баҳодирлар қўрқиб қочмади,
Қоплон каби ташланишди душман устига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечга бориб уруш тинди. Бундоқ қарасам,
«Омонлик» деб қочаётир Тўқал баҳодир,
Атрофида эллик чоғли йигитлар билан.
Бизнинг эса жангга кирган олтмиш одамдан
Еттитамиз омон қолмиш. Дам олиш керак.
Юриб-юриб, силла қуриб сардоба топдик,
Ҳордиқ олиб ётган эдик чодиримизда
Алибек юз навкар билан ғафлатда босди.
Суриштирмай ташлаттирди сўнгра зиндонга,
Кана, бурга улфат бўлиб, олтмиш кун ётдим.
Мана энди халос бўлдим бир тадбир билан,
Ҳамроҳларим кўрганим йўқ ўшандан буён.

Муборакшоҳ. Афсус, афсус, яна афсус!

Амир Темур. На чора, қисмат!
Аббос баҳодир ҳам ногоҳ хабар топибди,
Ҳеч кимсага билдирмабди Алибек баттол.
Мана ўқинг, Аббос унга нелар ёзганин.
(Хатни узатади.)

Муборакшоҳ.
(ўқийди)

«Ўйламасдан зиндон қилиб Амир Темурни,
Номуносиб иш қилибсан...» Довдир бола-я.
Унунтганми банди зиндон қилгандан кейин.

Амир Темур. Билолмадим... Тавба қилиб, узрлар айтди.
Мен кечирдим. Ўтган ишга саловат, тамом.

(Алибек Улжой Туркон бегим, амир Ики Темур, Амир Довуд, амир Тамука, амир Жоку, Мубашшир билан киради. Қизғин кўришиб кетадилар.)

Алибек. Барчангиздан тавба қилиб, узр сўрайман,
Айғоқчилар хабар қилиб: «Юртни талашга
Дайдиб юрган қароқчилар келмоқда», деди.
Айбим шуки, сизни узоқ зиндонда ушлаб,
Мен фаромуш қилибдурман суриштирмоқни.
Амир Темур менга яхши сабоқ бердилар.

Амир Темур. Маслаҳат қил бундан буён аканг билан ҳам...

Алибек. Мен умрбод энди сизнинг асирингизман.

Амир Темур. Қуръонда фол очган эдим Шаҳрисабзда,
Шунда чиққан эди менга Юсуф сураси.
Оғалари алдаб бориб ҳазрат Юсуфни
Ғараз билан қудуқ ичра пинҳон этишиб,
Кўйлагини қаро қонга бўяшиб, сўнгра,
Фарёд қилиб уйларига боришган экан:
«Юсуф алайҳиссаломни бўри еди», деб.
Бу қиссани орамизда ҳамма билади.
Ҳазрат Юсуф минг балога гирифтор бўлиб,
Минг чиғириқдан ўтиб сўнгра султон бўлгани
Бу қиссани билганларга беш қўлдай аён.
Биз кечирган кўргилик ҳам шунга ўхшайди.

Алибек. Омин, муборак фолингиз ҳақиқат бўлсин,
Барчангизга биттадан от, сарпо берурман.
Кузатувчи беражакман йўлга сизларга.
Меҳмон қилай энди сизни айбимни ювиб,
Кўнгуллардан ғуборларни кеткизмоқ учун.

Амир Темур. Яхши-яхши. Аммо яна битта тилак бор:
Ҳожи Муҳаммад туркманни эшитганмисан?

Алибек. Ҳа, билардим, оғам билан навкарлик қилган,
Уруш аччиқ-чучугини кўришган баҳам.

Амир Темур. Унинг ўғли борлигидан огоҳмудурсан?

Алибек. Йўқ-йўқ, илло хабарим йўқ. Қаерда экан?

Амир Темур. Билиб қўйсанг ёмон бўлмас. Ҳожи Муҳаммад

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оғанг жангда оғир кўйга тушиб қолганда,
Бир неча бор тортиб олган ажал комидан.
Ҳожи жуда садоқатли, мард навкар эди.

Алибек. Эшитганман унинг дўстга содиқлигини.

Амир Темур. Шу одамнинг ўғли сенинг қўлингда экан,
Зиндонингда соқчи экан. Навкарликка ол.
Манглайини сила унинг, савоб истасанг.

Алибек. Бош устига. Шундай яхши одамнинг ўғли
Соқчи эканми зиндонда? Ташаккур сизга!
Оти нима экан унинг?

Амир Темур. Аҳмад Баҳодир...

Алибек. Ясовул, бор, дарҳол уни эргаштириб кел.

(Ясовул кетади.)

Муборакшоҳ. *(Амир Темурга)*
Эсим қурсин, амир, сизни саргардон бўлиб,
Сўроқлашиб юрган эмиш тўп-тўп навкарлар.

Амир Темур. Кимлар экан, Илёсхўжа навкарларими?
Ёки пирим нафас қилган мужоҳидларми?

Муборакшоҳ. Саид Ҳасан, Темурхўжа, Баҳром жалоир
Беш юз чоғли йигит билан чўлда кезармиш.
Сизга ҳамроҳ бўлмоқ экан улар нияти,
Хоразмнинг чўлларида кўрганлар айтди.

Амир Темур. Миннатдорман, сардор, сиздан хушхабар учун.

(Ясовул билан Аҳмад киради. Аҳмад ўзини ноқулай сезиб, ҳаммага салом беради.)

Кел, азамат, қисинма кўп. Бери кел, қани...
Қиличингни ўз қўлингга топширай омон,
Мард йигитнинг ор-номуси қиличидадир.

(Қилични беради.)

Қиличимни бермайди деб қўрққан эдинг сен,
Энди кўнглунг тинчидими? Балли, азамат.
Отасидай ҳалол экан. Мен бу қилични
Урушдаги жасорати, мардлиги учун
Бадахшонда Муҳаммадга сийлов қилгандим.

(Алибекка қараб)

Бу қилични танир эди оғанг кўрса ҳам.
Хуллас, энди бу йигитни оталиққа ол.

Алибек.

(Аҳмаднинг қўлидаги қилични олиб томоша қилади. Ёзувини ўқийди.)

Кўп ажойиб қилич экан. Табаррук қилич,
Сен ўнбоши бўлдинг, йигит, бугундан бошлаб,
Шунга лойиқ имтиёзга соҳибсан энди.
Бу хурсандлик шарафига базм қургаймиз,
Энди боққа, азизларим. Сен ҳам юр, йигит.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқанд. Илёсхўжа саройи. Тахтда Илёсхўжа. Пастда амир Ҳамид ва амир Бикижак. Чопар киради.

Илёсхўжа. Хўш, не хабар олиб келдинг олис эллардан?

Чопар. Сизга салом йўллаб қолди Тўқал баҳодир.

(Ўроғлик мактубни узатиб, таъзим қилади. Илёсхўжа мактубни очиб, амир Ҳамидга узатади.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илёсхўжа. Ўзингга тан унда нима еган, ичганинг,
Энди бизга хабар бер-чи, кўрганларингдан.

Чопар. Хатни олгач, минг кишилик бўлуги билан
Темир йўлин кесиб чиқди Тўқал баҳодир.
Чўлда роса қирғин бўлди. Темур енгилди.
Илёсхўжа. Тўқал уни ўлдирдими? Асир олдими?
Чопар. Намоз аср адо бўлгач, Тўқал навкари
Яна ҳужум қилган эди, ўқ ота-ота
Узоқлашиб қочиб кетди беш-олти одам.

Илёсхўжа. Минг одамга бас келдими Темур навкари,
Нима, шунча кўп эканми?

Чопар. Юз чоғли шекил,
Аммо унга қўшилибди амир Ҳусайн,
Икки юзми, уч юзтами навкари билан.

Илёсхўжа. У ҳам, демак, Темур билан яксон бўлибди.
Дерлар: «Яхши билан юрдинг, етдинг муродга,
Ёмон билан юрдинг, қолдинг уётга». Аммо
Ҳусайн ҳам оқил эмас, хомхаёл одам.
Эсингизда бўлса агар отам Туғлуқхон
Туркистонга лашкар тортиб, Хўжанд сувидан
Ўтиб, ёрлиғ юборганди кўп амирларга.
Темур шунда қўрқиб-писиб, юкиниб борган,
Ҳусайн эса амирларни йўлдан оздириб,
Қўшин тортган шундай кучли ҳоқонга қарши.
Ҳусайн ким? Бир вилоят ҳокими, холос,
Туғлуқ эса Мўғулистон, Жетанинг хони.
Отам бир пуф деган эди, Ҳусайн лашкари
Момиқ пардай тўзиб, ҳарён сочилиб кетди.

(Кулишади.)

Шундай бўлар Темурнинг ҳам охир қисмати.
(Хон имоси билан Ҳамид чопарни чиқариб юборади.)

Бикижак. Маъзур тутинг, аълоҳазрат, Темур хавфлироқ,
Ҳусайндан айёрроқ ва ботирроқдир у.
Гарчи Ҳусайн хон куёви, яқинроқ сизга,
Эл Темурга ишонади, эргашар кўпроқ.
Шунинг учун хавфлироқдир Темур биз учун.
Шунча лашкар қуршовидан омон чиқибди,
Ўлимга панд берибдими, шундан билингки,
У қандайдир исёнкор ё Ҳусайн эмас,
Оловиддин қумғонидан чиқиб кетган жин.

Амир Ҳамид. Темур дўстга садоқатли, жуда мард одам,
У бундайин маломатга муносиб эмас.
Мағлуб бўлди. Нима зарур маломат қилиб,
Қўйинг, хоннинг юрагига ваҳима солманг.

Бикижак. Мен ваҳима қилганим йўқ. Чора кўрмаса,
Темур жуда хатарлидир салтанат учун.

Илёсхўжа. Чопар гапин эшитдингиз. Шунча югуриб,
Тўплагани юзга яқин навкар бўлибди.
У ҳам тор-мор бўлиб кетди қайси чўлларда.
Пашшадан фил ясаманг-да сиз ҳам, Бикижак.

Бикижак. Давлатпаноҳ, биз уйдамас, бегона юртда,
Бунда ҳамма босқинчи деб ғайир боқади.
Биласиз-ку, мачитларда машварат қилар,
Бизнинг тутимдан норизо уламолар ҳам.
Шу сабабли мен илтимос қилардим сиздан,
Ҳар бир шаҳар, ҳар қалъага фармон юбориб,
«Темурга ён бермангиз», деб огоҳ этсангиз.
Илёсхўжа. Гапингизда жон бор. Шундай қилмасак бўлмас.
Аммо Темур, энди сира ўзига келмас.
Бикижак. Карвонларни талаб, баъзан қалъаларга ҳам
Ҳужум қилиб юрадиган қароқчилар кўп.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илёсхўжа. Темурда на мартаба бор, на бир хазина,
Мушук офтобга чиқмайди бекордан-бекор.
Айт-чи, ким ҳам эргашарди бундай одамга?!

Бикижак. Амир Ҳамид яхши билар Темур авлодин,
Оталари дўст бўлишган. Ўзлари ҳам дўст.
Мен ҳам унинг феълини кўп яхши биламан,
Бу гапларни шунинг учун гапирмоқдаман.
Бир зарбада синадиган чўп эмас Темур,
Сиз олдини олмасангиз агарда бугун,
Эрта бир кун бошингизга бало бўлгуси.

Амир Ҳамид. Гапни чўзиб юбордингиз, амир Бикижак,
Эзмалик ҳам эви билан бўлсин-да, ахир!

Бикижак. Салтанатнинг тақдирига куйинмайсизми?

Амир Ҳамид. Мен ҳам сиздан камроқ ташвиш қилмасам керак.

Бикижак. Киноянн қўйинг, амир, доим шунақа
Жиддий гапни гоҳ кулгига айлантирасиз,
Гоҳ бўласиз ё пичинг, ё киноя билан.
Амир Ҳамид. Гўё хоннинг ақли етмас сиз айтган гапга,
Гўёки хон бу гапларни ўйлаб кўрмаган.

Бикижак. Хон ўйлаган бўлишлари мумкин. Аминман,
Биздан кўра олисроқни кўради фикран.
Лекин фақат эсга солиб қўймоқчи эдим.

Илёсхўжа. Бўлди-бўлди. Ёш боладай жанжал қилманглар.
Энди бундоқ. Ҳар қалъага ёрлиқ жўнатинг.
Темурнинг ҳар қадамидан огоҳ бўлингиз,
Аниқлангиз унинг қайга кетганлигини!..

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Атроф чўл. Сардоба ёнида чодирлар. Ўртадаги чодирда амир Темур, Улжой Туркон бегим, амир Сайфиддин, амир Довуд, амир Жоку, Тамука, амир Муборакшоҳ ва бошқалар.

Муборакшоҳ. (Темурга)

Ўн кун бўлди бу манзилга қўнганимизга,
Юзлаб одам сафимизга келиб қўшилди.
Навкар бекор тураверса зерикканидан
Пароканда бўлиб тарқаб кетмоғи мумкин.

Амир Темур. Тушунаман, ўлжа керак айримларига,
Айримлари ўзин жангда кўрсатмоқ билан
Баҳодир деб ном чиқармоқ истайди элда.
Яна бир оз сабр қилсак. Излаб юрганлар
Топиб келса, сафларимиз яна тўларди.

Амир Довуд. Бирор мўғул хабар топса манзилимиздан,
Яна Тўқал Баҳодирга ўхшаган бири
Бошимизга қўшин тортиб келмаса дерман...
Амир Темур. Хавотиринг тўғри, амир. Не қилмоқ керак?
Бирор қалъани эгаллаб, унда куч йиғиб,
Сўнгра қўшин тортсак бўлар Илёсга қарши.

Амир Довуд. Маъқул, жуда маъқул фикр. Аммо ҳозирча
Кучимиз кам. Бир оз сабр қилсакми дерман.
Жойимизнинг ошкор бўлиб қолиш хавфи бор,
Кўрмоқ лозим эҳтиётлик чораларини.
Амир Темур. Соқчиларга таъкидлангиз, ҳушёр туришсин,
Ҳар бир ўтган йўловчига кўз-қулоқ бўлиб,
Чўлда кўп ҳам учрамайди йўловчи зоти,
Бу ер сайру саёҳатга муносиб жоймас.

Амир Довуд. Савол қилсак, дуч келганин тафтиш айласак,
Қаландарлар, дарвешларга малол келмасму?

Амир Темур. Шак-шубҳасиз, малол келур бекордан-бекор
Дуч келганни тутиб олиб тафтиш қилсангиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунинг учун бир тилсим сўз топмоқлик зарур,
Уни айтмоқ зарур жуда сирли ҳолларда.

Амир Довуд. *Масалан?*

Амир Темур. *Сизга мисол керак бўлса, майли,*
«Хуршид кўринмас», деб аста кўкка боқасиз.
Агарда у сиз излаган ҳамфикр бўлса,
Сизга дейди: «Ёр кўнгулда, қўл юмушдадир».
Шундан маълум. Сўнг мақсадга ўтавергайсиз.
Амир Довуд. *Буни дарҳол маълум этмоқ лозим Пирга ҳам.*

Амир Темур. *Шу сирли сўз сизларга ҳам маъқул бўлдиму?*

Ҳамма. *Маъқул-маъқул.*

Амир Темур. *Ундоқ бўлса маълум этгаймиз.*
Қаттиқ пинҳон тутиш лозим бегоналардан.
Тилни маҳкам тутмоқ учун қасам ичгаймиз.
«Қасам урсин, агарда мен ошкор қилсам» деб,
Мана, Қуръон. Амир Довуд, марҳамат, сиздан...

Амир Довуд. *(Қуръонни ўпади.)*

Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Улжой Туркон бегим. *(Қуръонни пешонасига теккизади.)*
Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Ики Темур. *(Қуръонни ўпади.)*
Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Амир Жоку. *(Қуръонни ўпади.)*

Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Тамука. *(Қуръонни ўпади.)*

Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Муборакшоҳ. *(Қуръонни ўпади.)*

Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!

Амир Темур. *Яна ким бор. Ҳа, Мубашшир... Қани, Мубашшир,*
Эшитдингми бунда не гап бўлганлигини?
Мубашшир. *Ҳа, эшитдим, соҳибқирон, қасам ичайми?*

Амир Темур. *Ҳаммангизга ишонаман, ҳурматим чексиз,*
Аммо тартиб ҳамма учун устувор бўлсин.

Мубашшир. *Қасам урсин, агарда мен ошкора қилсам!*

(Ҳамма жим. Сукунат чўкади.)

Амир Довуд. *Пир олдига ким боради?*

Амир Темур. *Ўзим бораман.*

Амир Довуд. *Бошқа биров борақолсин. Сизни танирлар,*
Биз эҳтиёт қилмоғимиз керак, амирим.

Амир Темур. *Энди бундоқ. Бу манзилдан кўтариламиз,*
Бухорога яқинроқ бир манзил топамиз.
Мен келгунча сизлар Байкент атрофларида
Тарқалишиб турасизлар шубҳа уйғотмай.
Бизни излаб юрганларни йўлда учратсам,
Тайинлайман сиз тўхтаган манзил жойини.
Камолани Бухорода, аммам қўлига
Қолдираман. Ўзим билан эллик йигитни
Бирга олиб кетажакман Самарқанд сари.
Хайр. Оллоҳ паноҳида омон бўлингиз!

(Ҳамма фотиҳа ўқийди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқанд. Тун. Дарвоза тақиллайди. Қутлуғ Туркон бегим чироқ кўтариб чиқади.

Қутлуғ Туркон бегим. Қоронғуда ким экан бу безовта қилган?
(Дарвозага яқинлашади.)

Кимсиз?

Амир Темур. (Ташқаридан овоз)
Опа, менман. Соғ-саломат бормисиз, очинг.

(Дарвоза очилади. Елкасида хуржун, белида кашкул, бошида кулоҳ қаландар киради).

Қутлуғ Туркон бегим. (Ўзини орқага олади. Чўчиган овозда.)

Қаландар, ҳой, нима керак сизга бу ерда,
Ярим тунда келадими безовта қилиб?...

Амир Темур. (Бошидан кулоҳини олади.)

Опажоним, наҳот мени танимадингиз?
Қутлуғ Туркон бегим. Вой, Темурбек! Бу сизмисиз? Паҳлавонгинам!
Бошдан ҳушим учиб кетди жандани кўриб,
Қаландарлар юрмасди, деб бундай бемаҳал.

Амир Темур. Очиқ юрмоққа, начора, иложим йўқдир,
Аҳволимдан огоҳдирсиз. Бунда не гаплар?

Қутлуғ Туркон бегим. Паҳлавоним, огоҳдирман аҳволингиздан,
Савоб ишлар қиламан деб шундай мартаба,
Шундай иззат-ҳурматлардан маҳрум бўлдингиз,
Бу ҳам оллоҳ каромати, на чора, иним.
Чойга қарай, чорпояга ўтиринг, келинг.

Амир Темур. Қўйинг, опа, чой ичганман, ўтиринг бирпас,
Бирпас кўриб роҳат қилай дийдорингизни.
Сизни кўрсам, онамларни кўргандай бўлиб,
Кўнглум ўсар, нимагадир йиғлагим келар.

Қутлуғ Туркон бегим. Мушкул ҳолга тушган одам кўнглу юмшариб,
Сал қувончдан кўзига ёш олавераркан.
Сизни қаттиқ соғинганда онам раҳматли
Мени кўрса, йиғлар эди, сиздан гапириб.

Амир Темур. Амир Довуд поччам сизга салом айтдилар,
Болаларни ўпиб қўйинг дедилар тағин.

Қутлуғ Туркон бегим. Тангрига минг қатла шукр. Рўзғоримиз тинч.
Амиримнинг тан-жонлари соғ бўлсин доим.
Хон негадир яна лашкар тўпламоқдамиш.
Амир Темур. Менга атаб тўпламоқда бу лашкарни хон.

Қутлуғ Туркон бегим. Нучук-нучук? Сипоҳсолар бўлдингизму ё,
Яна эски вазифага тикландингизму?
Амир Темур. Менга ушбу мартабани хон бергани йўқ.
(Дарвоза оҳиста тақиллайди.)
Қутлуғ Туркон бегим. Яна биров келди чоғи. Шу бемаҳалда
Дарвозани тақиллатган яна ким бўлди?

Амир Темур. Хабар олинг. Балки менинг дарвешларимдир.

Овоз. Хуршид кўринмасми, дейман... Хуршид кўринмас...
Қутлуғ Туркон бегим. Қайси Хуршид? Хуршид деган одам йўқ бунда.

Амир Темур. Кел, Тамука, ёр кўнгулда, қўл юмушдадир.
(Қутлуғ Туркон бегим ҳайрон бўлиб қарайди.)

Бу сирли сўз, Йўқ сиз учун аҳамияти.
Хўш, Тамука, нима кўрдинг, нима эшитдинг?

Тамука. Барча айтган ишингизни бажо келтирдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки мингта навкар кетди Бухоро сари.
Насиб бўлса, ишларимиз, ривож олмоқда.

(Яна дарвоза тақиллайди. Қутлуғ Туркон бегим яқин боради. Темур имо қилади.)

Қутлуғ Туркон бегим. Ки-им?

Овоз. Хуршид кўринмасми, дейман, Хуршид...

Амир Темур. Ики Темур, ёр кўнгулда, қўл юмушдадир.

(Дарвоза очилади. Ики Темур кириб, бошидан кулоҳини олади. Орқадан эргашиб кирган икки дарвеш унга ташланади. Қутлуғ Туркон бегим чинқириб юборади. Темур билан Тамука югуриб келади. Бир дарвеш қочади. Иккинчисини Темур бир мушт уриб йиқитади. Тамука қочганни қувиб кетди.)

Амир Темур. Қани тур-чи, башарангни бир кўриб қўяй.
Қаердансан, кимсан ўзинг, нетиб юрибсан?
Сўйла, номард, тилинг борми? Соқовмисан ё?
Гар қаландар бўлсанг, айт-чи, қай сулукдансан?
Ики Темур. Бу қаландар эмас, қаранг, соқоли ҳам йўқ.
Жосус эрур, тушиб келган менинг изимдан.
Қайси жойда бу шилимшиқ илашди экан?..

(Ўйланади.)

Гапир, қайда тушган эдинг менинг изимга?
Индамайсан. Ҳозир тилга киритгум сени.
(Қутлуғ Туркон бегимга қараб)

Молхонангиз қайда эди?

Асир. Тўхтанг, айтаман.
Бухородан йўлга чиққан кунингиздаёқ,
Самарқандга келган эди хабари етиб.

(Темур Ики Темурга қарайди. Ики Темур ҳайрон.)

Амир Темур. Қушмидики, айғоқчингиз учсаю келса.

Асир. Қуш эмасу ҳар қалъада учқур отлар бор.
Илёсхўжа шундай фармон жўнатган эди.

Амир Темур. Сен мўғулга ўхшамайсан. Уялмайсанму
Мўмин бўлиб ғайридинга хизмат қилмоққа?

Асир. Мен ким? Амир Темурманми, қаршилик қилсам?
Менинг номус-ор деганим қайга борарди?!
Хонда куч кўп. Мени битдай эзиб ташлайди.
Амир Темур. Ҳа, бир ўзинг бўлсанг, йигит, ҳеч иложинг йўқ,
Гар қўшилсанг навкаримга, қудратлидурсан.

Асир. Сиз кимдурсиз? Амир Темур навкариданму?

Ики Темур. Амир Темур билан суҳбат қураётирсан.

Асир. Соҳибқирон, мени афу этоласизми?
Хизмат қилай токи сизга ўла-ўлгунча.

Амир Темур. Айғоқчилик қилганингни соқит айласак,
Рости, сенинг кечиргулик гуноҳинг ҳам йўқ.
Ким эди у қочган йигит, сен билан келган?

Асир. Мўғул. Амир Бикижакнинг жосусларидан.

(Тамука қайтиб келади.)

Тамука. Қочиб кетди. Қоронғуда йўқотиб қўйдим.

Шу чоққача ҳаётимда кўрилмаган иш.

Амир Темур. Қандай бўлди! Жосусларнинг бошлиғи бўлиб,
Битта оддий айғоқчини тутолмасангиз?
Тамука. Гуноҳимни тан оламан. Рухсат этингиз,
Топиб келай ер остига кирган бўлса ҳам.

Асир. Унда дарҳол кетмоқ зарур шаҳардан чиқиб,
Улар етиб келмай туриб бало-қазодай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агарда у топиб олса шерикларини,
Е саройга бориб айтса сизни кўрганин —
Ағдар-тўнтар қилишади бутун гузарни,
Уйларга ўт қўйишади. Ишонинг, амир,
Улар ваҳший бўлиб кетган аввалгидан ҳам.

Амир Темур. Опамларни, демак, ёлғиз қолдириб бўлмас.
(Тамукага)

Тамука, сиз опамларни Кешда қолдириб,
Сўнгра бизнинг ортимиздан етиб борурсиз.
Биз ўзингиз билган жойда кутурмиз сизни.

Тамука. Маъқул, аммо, биз-ла келган йигитлар нетгай,
Бу ҳолатдан уларни гар огоҳ қилмасак?!

Амир Темур. Мубашширга маълум қилинг, у ҳозир Кешда.
Нима қилиш лозимлигин билади ўзи.

(Қутлуғ Туркон бегимга)

Опа, сиз ҳам болаларни уйғотинг тезроқ.
Тезроқ йўлга чиқиш керак.

(Опа уйга кириб кетади.)

Тамука, яна
Битта гапни айтиб қўяй. Агарда бизни
Келишилган манзилгоҳдан тополмасангиз,
Бахтарзамин ё Хуросон кетган бўламиз,
Лекин одам қолдирамиз сизни кутмоққа.

(Асир йигитга қараб)

Йигит, сен ҳам биз билан юр, истасанг агар.

Тамука. Рухсат беринг. Асир йигит биз билан қолсин,
Йўлда унинг зарур бўлур бизга кўмаги.

(Темур кулоҳ кийиб чиқиб кетади.)

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқанд. Хон саройи. Тахтда Илёсхўжа.
Ўнг ёнида амир Ҳамид. Бикижак киради.

Бикижак. Аълоҳазрат, «Темур синди, элни бузғувчи
Уламолар уни ўчди», деган эдингиз.
Кеча тунда Самарқандга келибди Темур.

Илёсхўжа. Нима? Темур Самарқандда? Балки бош эгиб,
Тавба қилиб келмоқчидир ҳузуримизга!

Бикижак. Ундоқ бўлса хирқа кийиб қаландар каби,
Жашкул осиб, кулоҳ кийиб тунда юрмасди.
Илёсхўжа. Жанда кийиб юрибдими? Шундоқ одам-а?

(Кулади. Қаҳқаҳа отиб, тиззасига уриб кулади.)
Амир... собиқ сипоҳсолар... жанда кийибди...
Ана энди топиб олмиш ўз қисматини...
Шундай қисмат кутар бизга исён қилганни.

Бикижак (кула-кула).

Тавба, тавба... Ношукрлик не кўйга солар,
Не кўйларга солар тангри нодон одамни.
Амир Ҳамид. Темур нодон одам эмас. Узоқни ўйлаб,
Пухта режа тузмай туриб бир иш қилмайди.

Илёсхўжа. Ҳа, Темурнинг режаси бор, бизга қоронғу.

Амир Ҳамид. Маъзур тутинг, аълоҳазрат, эътирозим бор,
Юртни биздан халос қилмоқ унинг режаси.

Бикижак. Салтанатни сиздан тортиб олмоқни ўйлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унга ҳурмат билдирмоқда баъзи амирлар,
Пароканда фикрлар бор қўшин ичида.

Илёсхўжа. Темур бўлса бу ҳолатнинг сабаби агар:
Дарҳол уни тутиш лозим, жазолаш зарур.
Регистонда олиш даркор унинг бошини.

(Бикижакка қараб)

Нега уни тутмадингиз, кўрган экансиз?

Бикижак. Кўзим билан кўрганим йўқ Темурни ўзим...
Билиб унинг Самарқандга келаётганин
Ҳисор, Кешга хуфяларни жалб қилган эдик.

Илёсхўжа. Нега уни тутмадингиз?

Бикижак. Имкон бўлмади,
Кўп қаландар орасида қай бири Темур
Эканлигин, аълоҳазрат, билмаган эдик.
Самарқандда опасининг уйига киргач,
Йигитларим таниб қўлга олмоқчи бўлган.
Аммо, Темур сезган экан.

Илёсхўжа. Қочиб кетдими?
Сизлар қараб қолдингизми оғзингиз очиб?
Нечун шунча мартабаю хазина бердим,
Нима қилай берган тузим оқламасангиз?
Ўша Темур барчангиздан афзалроқ экан.
Елғиз қўйинг! Боринг! Ўйланг! Ҳаромтомоқлар!

ЎН ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Сеистон вилояти. Тоғ этаги. Текислик. Нарироқда қалин дарахтзор бошланади. Амир Темур қалъадан черигини олиб чиқмоқда. Қарши томонда Сеистон волийси қўшин тортиб келмоқда. Темур ортидан келаётган қўшинга: «Тўхтанг», деб ишора қилади.

Амир Темур. Беш қалъани ёвдан олдик. Волий шод бўлиб,
Келаётир миннатдорлик изҳор этмоққа.
Балки бизнинг шаҳдимиздан чўчиган ёғий
Қолган икки қалъани ҳам ташлаб қочгандир.
Бундан хабар топган Волий олдинроқ бизни
Огоҳ қилмоқ истагандир. Жоку баҳодир!
Пешвоз чиқинг жаноб Волий истиқболига.

Амир Жоку, Сайфиддин ва бир неча навкарлар Волий истиқболига чиқади. Яқин бориб тўхтайди.

Амир Жоку. Келинг, Волий! Қалъаларни ёвдан тозалаб,
Сўнг бормоқчи эдик сизнинг ҳузурингизга.
Айтмоқ учун аҳдимизда турганимизни.

Волий. Қараб турсам қалъаларни бирма-бир олиб,
Вилоятдан ўзимни ҳам қувмоқчидирсиз.

Амир Жоку. Бундай хаёл бошингизга қаердан келди?

Волий. Ватанидан жудо бўлиб, дарбадар юрган,
Талон қилиб кун кечирган безорилардан
Нима кутиш мумкин? Шуни кечроқ тушундим.
Ўз мулкимни асраш, сизни бадарға қилиш,
Гар қаршилик кўрсатсангиз; қаттиқ жазолаш
Ниятида келдим. Қани, Темуринг чиқсин.

Амир Жоку. Биз ташаккур билдиргани келдингизми деб,
Хурсанд бўлиб турган эдик ташрифингиздан.
Гапингиздан тушундимки, хурсанд эмассиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Волий. Ўз жигаринг тожу тахтга кўз олайтириб,
Таҳдид солса қалъаларинг олиб, жонингга.
Қандай қилиб бегонага ишониш мумкин?!

Амир Жоку. Биз агарчи бегонамиз, инингиз каби
Иймон-эътиқодни ютган ғалча эмасмиз.

Волий. Ҳоким бўлмоқ истаса ҳам, ғаним бўлса ҳам,
Жигаримдир. Синаштадир. Бегона эмас.
Шунинг учун доноларни орага солиб,
Иним инсофга келтирдим.

Амир Жоку. Яраштингизми?
Ёдингизда бўлса сизга Амир Темур ҳам:
«Яхши ўйланг. Пушаймонга ўрин қолмасин.
Не бўлса ҳам жигарингиз. Насиҳат қилинг.
Зора хатосин тушунар, инсофга келар»,
Деган эди. Сиз бўлсангиз: «Ўзга чора йўқ.
Қалъаларим ундан олиб берсангиз», дея
Қаттиқ туриб олгандингиз, Охири мана,
Тил топдингиз рақибингиз — инингиз билан,
Бизни эса туширдингиз мушкул аҳволга.

Волий. Мақсадимни тушундингиз. Қўшинингизни
Олиб кетинг мулкимизнинг сарҳадларидан.

Амир Жоку. Эсингизда борми берган ваъдаларингиз?

Волий. Йўқ, мен ваъда бермаганман ҳеч бирингизга!

Амир Жоку. Имонингиз борми сизнинг? Йиғлаб келдингиз:
«Ёғий олиб қўйди қўлдан етти қалъамни
Шуни агар бир йўл қилиб олиб берсангиз,
Қўшинингиз олти ойлик озуқа билан,
Кийим-кечак, курол билан таъмин қилай», деб
Амир Темур ҳузурида ваъда қилдингиз.
Аҳволимиз тангроқ эди. Биз рози бўлдик.

Волий. Гапни чўзманг. Айтганим йўқ. Бегона юртда
Ўлиб кетиш ниятингиз бўлмаса, жўнанг.
Амир Жоку. Дўппи тор келганда йиғлаб, «ёрдам беринг», деб,
Иш битганда «Тошингизни теринг» экан-да.
Бебурд, иблис. Хизматимиз кўзингдан чиқсин.

Амир Жоку жаҳл билан отини буради. Ҳамроҳлари билан Темур ёнига қайтади. Воқеани айтади. Темур дарғазаб бўлиб, қиличини суғуради. Буни кузатиб турган Волий ҳамроҳлари билан дарахтзорга қараб қочади. Темур навкарлари сурон билан улар ортидан от қўяди.

Дарахтзорда пистирмада турган Волий ва инисининг қўшини камонлардан шафқатсиз ўқ ёғдиради. Кутилмаганда пистирмага дуч келган Темур навкарлари довдираб қолади. Лекин орқадан ҳайқириб келаётган сипоҳлар тўлқини уларни дадил бўлишга ундаб, олға суриб кетади. Душман сафлари бузилиб дарахтзорга сочилиб кетади.

Дарахтзор ўртасидан ўтган йўлда Волий ортидан қилич ялангочлаб, от қўйиб бораётган Темурнинг ўнг қўлига ўқ тегади. Қиличи тушиб кетади. Қўли шалвираб, осилиб қолади. Лекин Темур чап қўлидаги юганни силкиб, отни олға ундайди. Шу пайт ўнг оёғи сонига ўқ санчилади. Темур қалқиб, от мункиб кетади.

Амир Довуд бошлиқ сипоҳилар Темурни ўраб олишади.

Амир Довуд. Нима бўлди, соҳибқирон? Сизга не бўлди?!

ЎН УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Балх тоғлари. Арсиф дараси. Тепалик атрофида гуруҳ-гуруҳ навкарлар жойлашган. Тепалик устида от минган Темур. Олисларга боқиб турибди. Пастда ўтиб кетаётган отлиқ навкарларни кўриб, ўша томонга отини ҳайдайди. Яқинлашганда овоз беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур. *Йўл бўлсин, ҳой баҳодирлар?! Ким бўласизлар?!*

Навкар. *Амир Темур навкаримиз. Соҳибқиронни*
Тополмасдан сарсон бўлиб излаб юрибмиз.

Амир Темур. Тўхтанг, унинг навкаридан биридирман, мен.

(Навкарлардан бири от чоптириб кетади. Сардор ёнига бориб дейди: «Амир Темур ҳузурига олиб борадиган йўл бошловчини топдик». Сардор навкарга эргашади. Узоқдан Темурни таниб, отдан тушади. Чаққон келиб Темурнинг узангисига бош уради. Темур отдан тушади. Кўзлари ёшланиб уни бағрига босади.)

Навкар. *Амир Темур ўзи экан.*

Амир Темур. *Марҳабо, дўстлар!*
Туғлуқхўжа, кўриб бошим осмонга етди.
(Қучоқлашиб кўришади.)

Сизни кўриб кўнглум ўсди, амир Сайфиддин.
(Қучоқлашиб кўришади.)

Омонмисиз, қадрдоним Тўбак баҳодир?!
Энди сизни нима билан хурсанд қилайин?!
Ёғлигимни сизга туҳфа қиламан, амир.

(Туғлуқхўжага бош кийимини кийдиради. Белидан камарини ечиб, Амир Сайфиддин белига боғлайди.)

Чопонимни сиз тўзитинг кийиб, баҳодир.

(Тўнини ечиб Тўбак баҳодирга кийдиради. Улар таъсирланиб, миннатдорлик билдиришади.)

Амирлар. *Миннатдормиз, соҳибқирон, ҳимматингиздан.*
Амир Темур. *Мурод ҳосил бўладиган кун эрур жума,*
Оллоҳ таолога ҳамду санолар ўқиб,
Тун бўйи илтижо қилдим мадад бергин деб,
Тангри мана муродимни еткурди, дўстлар.

(Шер Баҳром киради.)

Шер Баҳром. *Соҳибқирон, қабул қилинг мени ҳам сафга,*
Кетиб қолган эдим сизга нонкўрлик қилиб.
Амир Темур. *Э, Шер Баҳром, келинг-келинг, марҳабо, дўстим,*
Хўш келдингиз даврамизга яхши соатда.
Шер Баҳром. *(Истиҳола қилиб, хижолат бўлиб)*

Ҳиндистонга кетган эдим бахтим синай деб,
Аммо толе менга уни раво кўрмади.

Амир Темур. *Кўнглунгизни чўктирмангиз хижолат бўлиб,*
Неки ўтмиш барчасидан соқит бўлингиз.
Агар худо насиб қилса, фурсати етиб
Бир кун бирга боражакмиз Ҳиндистонга ҳам.
Шер Баҳром. *Қуллуқ сизга, беқиёсдир марҳаматингиз.*

(Темур унинг елкасига қоқади. Бошқалар ҳам Шер Баҳромга яхши сўзлар айтади. Шер Баҳром Темурнинг оқсаётганини кўриб, оёқларига диққат билан тикилиб қарайди. Темур буни сезиб.)

Амир Темур. *Ҳа, Шер Баҳром, бизга ўша маккор Волийдан,*
Ҳам Сеистон жангидан шу ёдгорлик қолди.
Шер Баҳром. *Бир ўқ билан урган экан икки қуённи,*
Билмаганмиз, у бунчалик доғули экан.
Аммо бунинг жазосини олади бир кун.
«Ал-қасос ул миналҳақ»дир.

Амир Темур. *Шубҳасиз, лекин*
Ҳозир ундан муҳимроқ бир масала бордур.

Амир Сайфиддин. *Қулоғимиз сизда, амир, не жумбоқ экан?*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Темур. Ҳисобласам қўшин сонин, ҳаммаси бўлиб
Уч юз ўн учга етибди. Бўлажак катта
Қўшиннинг бу пойдевори, суянчиғидир.
Ҳар бирини фаросати, тадбиркорлиги,
Ҳамда қилич чопишини ҳисобга олиб,
Бошлиқ қилиб тайинлаймиз вақти келганда.
Юз кишини тайинласак ўнбоши қилиб,
Юз кишини кўтаргаймиз юзбошиликка,
Сўнг мингбоши бўлар яна тағин юзтаси.
Қолган ўн уч кишининг ҳам вазифаси бор,
Бир нечаси вазир бўлар. Ундан ташқари
Сипоҳсолар, девонбеги, турфа ҳокимлик.
Хўш, шу режа маъқулмидир сизга, амирлар.

Амирлар. Маъқул-маъқул, ғоят маъқул.

Амир Темур. Гар маъқул бўлса,
Унда яна бир таклиф бор рози бўлсангиз.

Туғлуқхўжа Сўзланг, амир, айтаберинг.

Амир Темур. Энди гап бундоқ...
Кучимиз бор. Уч юз ўн уч навкаримиз бор.
Ҳужум қилиб қўлга олсак бирор қалъани.

Амир Сайфиддин. Дуруст.

Туғлуқхўжа. Дуруст.

Шер Баҳром. Мен розиман...

Амир Довуд. Менга ҳам маъқул.

Амир Темур. Юклар билан озиқ-овқат заҳирамизни
Сақлаш учун мустаҳкам бир қароргоҳ зарур.

Шер Баҳром. Аложу қалъаси бунга кўп муносиб жой,
Ҳам мустаҳкам, ҳам унчалик олисда эмас.

Амир Темур. Маъқул, аммо... бағоятда мустаҳкам қалъа.

Шер Баҳром. Бу қалъанинг соҳибига яқинлигим бор,
Балки бизга эл бўлади бориб гаплашсам.

Амир Сайфиддин. Унда бориб бир гаплашиб келинг, баҳодир.
Амир Темур. Майли, боринг, у бўлмаса кенгашиб туриб,
Ҳал қилурмиз. Ортингиздан борурмиз биз ҳам.
(Шер Баҳром чиқиб кетади.)

ЎН ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Аложу қалъаси. Бек хонаси. Менгли Буға сулдуз қилич осилган камарини белига боғ-ламоқда. Шер Баҳром киради.

Шер Баҳром. Менгли сулдуз, омонмисан? Аҳволлар нечук?

Менгли Буға. Хуш келибсан, дейди полвон, омон бормисан?
Эшитгандим Ҳиндистонга кетган деб сени,
Қачон келдинг? Уйдагилар, жамоат жамми?!
(Қучоқлашиб кўришадилар.)

Шер Баҳром. Эски дўстим, бир кўрай деб келдим қошингга.
Менгли Буға. Хуш келибсан. Йигитларинг бирга келдими?

Шер Баҳром. Ростин айтсам, Амир Темур қошидан келдим,
Элчи бўлиб келдим, жўра...

Менгли Буға. Қанақа элчи?
Ўлай агар мақсадингни англаган бўлсам?!

Шер Баҳром. Нимасига тушунмайсан? Амир Темурга
Катта ишни бошлаш учун бир қалъа зарур.

Менгли Буға. Топширмоғим даркормидур қалъани унга?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шер Баҳром. Балли. Амир шунинг учун мени жўнатди.
«Менгли Буға гап уққувчи доно, баҳодир,
Мард, довюрак йигит, бизга эл бўлсин», деди.

Менгли Буға. Элчиликнинг ҳавосини олибсан, жўра,
Аммо бу қалъани менга ишонч билдириб,
Илёсхўжа топширгандир, сизга топширсам,
Хон олдида нима деган одам бўламан?
Сен дўстимсан. Шунинг учун хафа қилмайман.

Шер Баҳром. Ундоқ бўлса, менга рухсат. Яхши қол, жўра,
Лекин юзинг қаро бўлур Темур олдида.

(Соқчи киради.)

Соқчи. Жаноби бек, бекитайми дарвозаларни,
Қўшин тортиб келаётир олисда кимдир.

Менгли Буға. Қай томондан келаётир?

Соқчи. Кунботар ёқдан.

(Менгли Буға билан соқчи чиқиб кетади. Бирпасдан кейин қайтиб киради.)

Менгли Буға. Амир Темур келаётир. Қамал қилади.
Барибир қалъани тортиб олади мендан.
Илёсхўжа олисдадир. Кўмак беролмас,
Кетиш даркор, кетиш зарур имкон борида.
Қалъани ўз қўлим билан топширолмайман.

(Чиқиб кетади. Кўп ўтмасдан Амир Темур билан Шер Баҳром киради.)

Амир Темур. Менгли Буға сулдуз қани?

Шер Баҳром. Қочди.
Амир Темур. Воажаб
Мен эл бўлсин, деган эдим. Ўлдирмас эдим.

Шер Баҳром. Бу қалъани Илёсхўжа топширган экан,
Агар сизга эл тутиниб, қалъани берса,
Узоқ иш бўлармиш, мардлик ва мурувватдан.
Шундоқ сўйлаб турган чоғи сиз лашкар тортиб,
Келаётган хабарингиз эшитдию шарт,
Мардлик ҳамда мурувватни эсдан чиқариб,
Кунчиқар дарвозасидан чиқиб жўнади.
Аммо Дулон жовун қавми йигитларидан
Уч юз киши кетмай қолди. Майли десангиз,
Сиз кўтарган туғ остига бирлашар эмиш.

Амир Темур. Жуда маъқул. Қабул қилдим. Хурсанд қил бориб,
Ўзингга минг қатла шукр, тангрим! Оҳимни
Эшитганинг, муродимни берганинг учун!
Яна маълум қилки барча баҳодирларга,
Тангри берган бу зафарни байрам қилайлик,
Базми жамшид уюштириб иноқлик учун.
Тағин бир гап. Тамукага айтки тайинлаб,
Беш-олтита чаққон-чаққон йигит жўнатсин —
Бизни излаб юрганларга йўл кўрсатмоққа
Самарқандга, Бухоронинг атрофларига.

ЎН БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқанд. Хон саройи. Илёсхўжа, Бикижак, амир Ҳамид.

Илёсхўжа. Нима бўлди? Йўлга чиқсак қўшин тайёрми?
Амир Ҳамид. Сиз айтгандай бизнинг яқин атрофдагилар
Тошариқда тўпланмоқда. Хўжанд нариси
Хутталонда тўпланишга фармойиш олган.
Бикижак. Барча доруғалар черик берарми экан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илёсхўжа. Гар умиди бўлса бизнинг даргоҳимиздан
Фармонимни бажаргуси.

(Ясовул киради.)

Ясовул. Маъзур тутгайсиз.
Менгли Буға сулдуз келмиш хузурингизга.

Илёсхўжа. Майли, кирсин.
(Ясовул чиқади. Менгли Буға киради.)
Ҳутталонда тўпланмоққа
Фармон берган эдим. Бунда нетиб юрибсан?
Менгли Буға. Темур қўшин тортиб борди. Қалъани олди.
Фармонингиз етгани йўқ, менинг қўлимга.

Илёсхўжа. Нима? Уни Сеистонда бўлган чопқинда
Қўл, оёқдан жудо бўлди, деган эдилар.
От минолмас, энди қўлда қилич тутолмас,
У ногирон бўлди, деган гаплар ёлғонму?

Менгли Буға. Билолмадим. Мен ҳам шундоқ эшитган эдим.
Аммо отда ўтирибди бало-қазодай.

Илёсхўжа. Бу турк зоти бошга битган бало бўлди-ку.
Шундоқ мустаҳкам қалъани бериб қўйдингму?

Менгли Буға. Ногаҳонда босиб келди. Дарвозаларни
Беркитишга улгуролмай ғафлатда қолдик.

Илёсхўжа. Ҳа, Темур кўп моҳир йигит ҳарб майдонида.
Сенинг билан алоҳида гаплашаман сўнг,
Ҳозир эса фурсат қисқа. Отлан юришга.

(Менгли Буға чиқади.)

Темур унда Аложўни олибди тортиб,
Ҳусайн эса Бадахшонни поймол қилибди.
Лашкар тўплаб устимизга юрмоқчи эмиш.
Турон юртин тозалармиш мўғул зотидан,
Кўриб қўяй юртни қандай тозалашингни.

(Чиқиб кетишади.)

ЎН ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Кечик ёни. Темур камончиларга миннатдорчилик билдириб, қўшинини тартибга солади ва дарё бўйидаги тепаликка чиқади. Ёнида амир Довуд, амир Сайфиддин, Шер Баҳром, Тамука баҳодир, Ики Темур, амир Жоку ва бошқалар.

Амир Темур. Ҳув анави теракларнинг орқасида ҳам,
Демак, ўтиш қулай бўлган кечик бор экан.
Бикижакнинг навкарлари ўтиб олибди,
Мадад бўлиб келаётир манавиларга.

(Мўғул қўшини турган томонга ишора қилади. Мубашшир киради.)

Мубашшир. Қайноғангиз Ҳусайндан чопар келмишдир.

Амир Темур. Чақир тезроқ. Не хабарлар олиб келибди!

(Мубашшир чиқади. Чопар киради.)

Чопар. Дуо-салом юбордилар сизга ҳукмдор.
(Хат беради. Темур олиб ўқийди.)

Амир Темур. Ҳабар қилки, қайноғамиз амир Ҳусайнга,
Омон бўлсак, уч-тўрт кундан кейин, албатта,
Пулисангин ёнига биз етиб борурмиз.
Илёсхўжа ўша ерни қароргоҳ этмиш.
Аминманки, қайноғамиз четда қолмайди.

Чопар. Етказаман, жоним билан.

Амир Темур. Сенга ижозат.

(Чопар чиқади.)

Амир Ҳусайн бизга мадад ваъда қилибди.
Ваъдасига ишонаман. Вафодор йигит.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амир Довуд. Бобосининг мулки эди Мовароуннаҳр,
Тожу тахтдан жудо қилди Туғлуқхон уни.
Энди ўша ҳуқуқини тикламоқчидир,
Шунинг учун кирмоқчидир қанотингизга.

Амир Темур. Амир Довуд, шубҳа қилманг. Қайиноғамиз,
Қариндошлик юзасидан ёрдам бермоқчи.

Амир Довуд. Ранжимангиз, соҳибқирон, кўнгулга келган
Гапни айтдим. Гумоним йўқ Ҳусайнга ҳеч.

Амир Темур. Зарари йўқ. Кўнгулга не гаплар келмайди.
Ҳаёт бир кун ошкор қилар сир бўлса агар.

Амир Довуд. Соҳибқирон, қаранг улар сафланмоқдалар.

Амир Темур. Ундоқ бўлса, қани, дўстлар яқинроқ келинг.
Улар уч фавжга бўлибди қўшинларини.
Биз етти фавж тузажакмиз навкаримиздан.
Амир Жоку, Ҳировулни сиз бошқарасиз.
Шиқовулни қабул қилинг, амир Сайфиддин.
Чоповулга, Ики Темур, сиз бошлиқ бўлинг.
Тамука, сен қўлингга ол Илғор бўлукни.
Жавонғорга Муборакшоҳ бошчилик қилсин.
Амир Довуд қароргоҳда мен билан қолар,
Зарур бўлса боронғорни ўзим бошларман.
Етти зарба беражакмиз устма-устига.

(Саркардалар чиқиб кетади.)

Ҳировулнинг учта фавжи қулай жой танлаб,
Пистирмага туриб олсин. Ёғий қўзғалди.
Шиқовулнинг учта фавжи ҳужумга ўтсин.
Тайёр бўлсин Чоповулнинг барча фавжлари.

(Жанг бошланиб кетади. Душманнинг олдинги сафлари камон ўқига учади. Палахмон тошлари бир неча навкарни ер тишлатади. Шиқовул фавжи душманнинг олдинги фавжини сийраклатганда, Бикижак бош иккинчи фавж ҳужумга ўтади. Унга қарши Темурнинг амир Сайфиддин бошлиқ Шиқовул фавжлари майдонга тушади. Жанг қизиб турганда Ики Темур бошлиқ Чоповул фавжлари ҳужумга ўтиб, душманни довдиратиб қўяди. Шунда Искандар ўғлон бошлиқ мўғулларнинг учинчи фавжи майдонга от солади. Темур эса Тамука бошлиқ Илғор бўлук ортидан Муборакшоҳ бошлиқ Жавонғор қисмини жангга ташлайди. Душман енгилиб қоча бошлайди. Темур тепаликда туриб жангни кузатмоқда. Мубашшир киради.)

Мубашшир. Соҳибқирон, маъзур тутинг, шошилинч хабар.

Амир Темур. Қандай хабар, тезроқ гапир?

Мубашшир. Ҳайдар Андхудий,
Менгли Буға лашкар тортиб келаётганмиш.
Амир Темур. Нима? Искандар қайтариб қочган навкарин,
Икки Темур фавжларига ҳужум бошлади.
Вах, хайрият кўриб қолди Тамука шунқор,
Ики Темур навкарлари ёнига кирди.
Қандай лашкар? Келаётган кимнинг лашкари?

Мубашшир. Мўғулларга кўмак келди. Ҳайдар Андҳудий,
Менгли Буға бошлиқ мўғул навкари келди.

Амир Темур. Бу майдонда йигитларим қўллари баланд,
Чорасини топиш керак, токи мўғуллар
Бу ердаги шеригига қўшилолмасин.

(Қўйнидан Қуръонни олади. Кўзини юмиб, китобни очади. Овоз чиқариб ўқийди.)

«Қанчадан-қанча кичик гуруҳлар тангрининг изни
билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган».

(Кўнглу жойига тушиб, амир Довудга қарайди.)

Амир Довуд, сиз бу ерда эҳтиёт бўлинг,
Мен боронғор фавжларини жангга бошлайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Темур бошлиқ фавжлар ҳужумга ўтади. Биринчи ҳамладаёқ ёғий қўшини сиғилиб, тумтарақай бўлиб қочади. Тарқалиб кетади. Темур қайтиб келганда тепаликда амир Довуд ёнида амир Сайфиддин, амир Жоку, амир Ики Темур душман туғларини ушлаб турган бўлади. Туғларни Темур оёғи остига ташлайдилар. Амир Мусо билан амир Сайфиддин киради.)

Амир Сайфиддин. Соҳибқирон, зафар қутлуғ!

Амир Мусо. Муборак бўлсин!

Амир Темур. Ҳаммамизга фатҳу зафар муборак бўлсин.

(Тамука киради.)

Тамука. Майдон кездим. Анча-мунча аслзодалар
Тупроқ қучиб ётганини кўриб ўйладим:
Бошларини кесиб олиб, сизга кўрсатсам,
Соҳибқирон севинар деб. Аммо кесмадим.

Амир Темур. Ғоят яхши иш қилибсан. Ўлган одамни
Таҳқирламоқ гуноҳидан соқит бўлибсан.
Бунинг учун сийловларга лойиқсан, ўғлон.

(Амир Довудга қарайди.)

Қўлга тушган ўлжаларни тақсим қилинг сиз.
Баб-баравар бўлсин барча навкар улуши.
Саркардалар икки ҳисса ортиқроқ олсин.

Амир Довуд. Соҳибқирон, бир тилак бор, маъқул кўрсангиз
Айтар эдим.

Амир Темур. Сўранг амир, зафар кунида,
Кўнгул шодлик сурурига тўлиб турганда
Имкон қадар берадурмиз тилагингизни.

Амир Довуд. Маъзур тутинг, ҳеч нарсага муҳтож эмасман,
Базм қурсак, навкарлар бир яйраса, девдим.

Амир Темур. Ғоят маъқул тилак. Майли, розиман, амир.
Аммо бундан кўчиб ўтсак ярим оролга
Ўша ерда бехавотир базм бошласак...

(Тамукага ўгирилади.)

Тамука, сен йўлга чиқар уч-тўрт йигитни,
Илёсхўжа аҳволидан хабар келтирсин.

Охири кейинги сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдулла Сиёев

ЯССАВИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

РОМАН

II. Икки қалтис савол

Одамни қучоқлаб ўлдирса ҳам бўлади.

Шарқ ҳикмати

Бир ҳафтадирки, Шайх Исфижобда сокин бўлиб турибди. Бу жаннатмакон манзилдан сира кўнгил узиб кетгиси келмайди. Туғилган ерингнинг тупроғи зар, тикони гул, тахир суви болдай тотли бўлар экан. Шайх ўтган ҳафта ичида атроф-жавонибга сайрга чиқди, олис-ёвуқ овулларга борди. Оқсув бўйларида, Қорамурт, Кўкбулоқ кентларида эл-улус дастурхонидан туз тотди, азиз авлиёанбиёлар турбатини зиёрат қилди. Ҳазрат қайга борса, «кўнгли синиқ халойиқ» дардига қулоқ тутишни, қўлидан келмаса, тили билан уларнинг мушкулини осон этмак йўлини ахтарарди. Етти кун бадалида бомдоддан хуфтонгача хонақоҳдин зиёратчилар оёғи узилмади. Работдан келган чорикорлар, мадраса муллабаччалари, мозористон мужовирлари, мударрислар, тужжорлар, кент оқсоқоллари, қаландарлар, муҳтасиблар, Боласоғундан Урусия диёрига кетаётган сайёҳлар, кўчманчи морбозу соҳирлар, ё муслим, ё насроний бўлолмай аросатда қолган мажусийлар... хуллас, шу зангори осмон остида охиратнинг яроғини гоҳ топиб, гоҳ йўқотиб юрган кулли башар борки, барчаси Шайхул машойих даргоҳига интилар, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқарди. Етти иқлимда қутбул ақтоб, авлиёлар сарвари дея шуҳрат тожини кийган бу оппоқ бежирим соқолли, ўзи ҳам, либоси ҳам одми, аммо лафзи кескир, сухани рамзий, ҳукми қатъий валининг мажлисида тонг оттириб, кун боттириш умидида юрганлар сон мингта эди. Бир ҳафта давомида Шайх минглаб аҳли мўмин бирла суҳбат қурди, уларнинг юзлаб саволига жавоб берди, илоҳий ишқ, мушриклар, саҳобалар, аҳкоми ислом, ирода ва қудрат, ҳақ мустафо суннати, фарзи айн, фарзи кифоя, зуҳд ва тақво, дарвишлик фазлу камоли, хилвати шариат, хилвати тариқат, зикру самоъ шарҳини сўзлади. Амри маъруфдин, наҳйи мункардин ваъз айтиб, ҳукамо бирла авом халқни инсофга, тавфиққа чорлади.

---

[1] Охири. Бошланиши ўтган сонда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бас, энди сафари қариди, энди йўл тадоригини кўрмак керак. Сунбула видо айтмоқда, йўл олис, Самарқандгача мезон ҳам заволга етгай. Ҳали олдинда Қаффоли Шоший зиёрати, Чўли Малик заҳмати турибди. Унинг кўз ўнгида Самарқанддаги ғариб ҳужраси, Ғотифар мавзеси, қиёматли дўсти Абдулхолиқ Ғиждувоний суҳбатлари ва... тағин чўллар, биёбонлар, суронли шаҳарлар оша етиб борадиган манзили Маккаи шарафайн гавдаланди. Туш кўрди. Тушига Ҳизр алайҳиссалом кирди. Гўёки иккови икки оқ туяда Байтул муқаддас сари равон-равон кетиб борар эмишлар. Шу пайт дўсти Абдулхолиқ пайдо бўлди. У Шайх минган туянинг бурундуғидан тутди. «Дўстим, сизнинг қиблаингиз Туркистондадур. Дунёнинг тўрт тарафидан тўқсон тўққиз минг ғофилнинг басир кўзини очиб, кўнглига илоҳий ишқ нурин солдингиз, сизнинг жойи ростонингиз жаннатнинг тўридадур».

Хаёл уммонида ётиб Шайхнинг кўзи илинган экан, қаттиқ ёстиқдан илкис бош узди. Мойқоғоз ёпиштирилган патнисдек кичкина дарчага қараб қўйди. Ҳовлидан офтоб кетибди, намози дигар етибди. Ҳужранинг бурчагида Сулаймон ўтирибди. Тиззасида қоғоз, хомасини тишлаб олган. У ҳам хаёл уммонида ғарқ шекилли, Шайхнинг шарпасини пайқамади. Сулаймоннинг кўз ўнгидан бугунги мажлис кетмай қолди. Неча йилдирки, у Ҳазратнинг содиқ маҳрами, яқин йигирма йилдан буёғида унинг ортида соядек эргашиб юрибди. Аччиқчучукни бирга тотди, дўстини дўстим, рақибини рақибим деди. Юзлаб мажлисларда иштирок этди. Аммо бугунги мажлис жамики мубоҳасаю мунозараларнинг гултожи бўлди. Исфижобнинг энг улуғвор масжиди — Масжиди қорахонийга одам сиғмай кетди бугун. Жумаъ бўлгани учунми, музофотнинг барча пучмоғидан халойиқ тўпланган эди. Бомдод намозидан то пешингача — камида олти-етти соат бетўхтов ваъз, музокара, баҳс, масала талашув давом этди. Мажлисда Шайхга иродат қилганлар, албатта, кўп эди, аммо ҳарифлари ҳам етарли эди. Улар, асосан аркони дин, исломда шариат ҳукмидан ўзгани тан олмайдиган, Қуръон ўқиб маъно уқмайдиган, оятларда битилган ишораларга ақли етмайдиган ақл кўзи кўр уламо эди. Ҳазрат бундайларни мусҳаб тафсири билан, Исмоил ал-Бухорийдек мўътабар ва улуғ муҳаддисларнинг шарҳи билан мот қилди. Сулаймон ёқасини ушлади. Шайх наинки Қуръони мажидни, балки минглаб ҳикматлардан иборат Исо ат-Термизий, Байҳақий, Ибн Ҳиббон, Доримий, Насаий каби муҳаддис пирларининг иншоларини ҳам ёд билар эканлар! «Ё етти иқлим эгаси! Муштдек юрак порасига буткул олам илмини жам қилибсанми, дарҳақиқат, қудратингнй чегараси йўқ!»

Сулаймоннинг хотирига икки қалтис савол ва унинг жавоби гулмихдай маҳкам ёпишиб қолди. Мажлис авжига чиқиб, Султони орифиннинг ғанимлари таслим бўла бошлаган пайтда қайсиям бир қабристоннинг мужовири, қарт эшон Шайхга мурожаат қилди:

— Ҳазратим, каминани бир масъала қийнайдур. Аёндурки, Яссавийлик тариқати шариатни инкор этмайдур, билъакс анга таянадур, ва филжумла, Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига мутлоқ мўйин сунадур, туврими?

Шайх тасдиқлаб бош силкиди.

— Андоқ бўлса, жаноблари бир ҳикмат айтибдур, ул ерда «Пўсти имон — шариатдур, мағзи тариқ», демишсиз. Шариат дини исломнинг бир пуч пўчоғи, пўсти, тариқат эрса мағзидурму? Шариатсиз тариқат бўлғайму? Жаноблари Яссавийлик тариқатини олло таоло ва таборак сўзларига хилоф қилиб қўймадиларму, деб қўрқадурман.

Аҳли уламо, «Ана энди ҳолинг қийин бўлди, Шайх», дегандек Ҳазрат тарафга ғолибона қараб қўйди. Шайх одатига кўра, бир чимдим киноя аралаш жавоб қайтарди:

— Сиз, мавлоно мужовир, шариат ила тариқат орасинда ихтилоф топдим, деб суюнманг, билъакс, шу ёшқа етиб, нечук пўчоқ бирла мағизнинг фарқига бормадим, деб қўрқинг. Тиловоти Қуръондин мурод не? Муборак оятларни жоҳил қори янғлиқ валдираб ўқий бермакми ва ё маъно уқмоқму? Маъно уқмоқдур, албатта. Ибодатдин муддао недур? Шунчаки, ётиб-туриб сажда қилмоқми ва ё ҳақ васлига қовушмоқ хаёлиму? Иншооллоҳ, ҳақ дийдоридур.

Шайх дастурхондан анор олиб эшонга кўз-кўз қилди:

— Бу нима?

— Анор, тақсир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Анор. Буни қайдин билдингиз?

— Пўстлоғи айтиб турибди.

— Балли! Демак, сиз анорни пўстлоғига қараб танидингиз. Аммо ҳали моҳиятга етганингиз йўқ. Бунинг учун мана шу пўстлоқ ичинда пинҳон бўлган донани тотиб кўрмак лозимдур. Ана шундагина сиз анорнинг не эканлигини англагайсиз. Шариат бамисли исломнинг пўсти, сурати. Тариқат эса, донаси, сийрати. Анор пўстлоғини донасиз тасаввур этиб бўлмаганидек, шариатни ҳам тариқатсиз англаб бўлмас. Кўп нодон олим мана шу тимсол фарқига бормай лоф урадур. Ҳақ дийдори анор донасидек яширин, илло зоҳирда бир пўст мисоли, яъни шариат бўлиб жамол кўрсатгай. Ёлғиз шариат аҳкомига таяниб орзуга ноил ўлмоқ мушкулдир. Ҳақиқат эшигини қол илми эмас, ҳол илми[1] очқусидур. Пайғамбари мурсал жанобларининг васиятларини бир ёдга олинг. Неки эшитдим — бул шариатдур, қилган амалларим эрса, тариқатимдур, ҳақиқат — бул каминанинг руҳий ҳолатимдур, демиш расули оллоҳ. Оғочнинг кўрки шох-бутоғида, япроғида. Аммо сиз, эшон жаноблари дарахт соясида ҳаз этиб ўтирганингизда ўшал дарахтнинг нўхотдек данакдан кўкариб чиққанини хотирингиздан фаромуш этманг. Япроқ бирла бутоққа ҳаёт ато этиб турган илдиз мўътабардир. Тариқат — ана шу илдиз, шариат эса, япроқдир.

Эшон танбеҳ эшитган муллабаччадек тилини тишлади, «қуллуқ, таҳсир», деб қўлини кўксига босди.

Деворга қапишиб ўтирган малла тўнли бир киши қўл кўтариб изн сўради:

— Султоним, бир сўроғимиз бор эди. Беадаблик бўлса, маъзур тутинг. Фақирингиз масжидда имом-хатибдирмиз. Бизни ҳаргиз бир савол қийнайдур. Муфти жаноблaридин сўрадик, қалъаға келиб уламолар йиғинида ҳам ўшал сўроқни ўртаға ташладик, илло жувоби топилмади. Ул не савол десангиз, пирим, мана, жаннатда турлик-туман мевалар пишиб ётадур, оби кавсар тўлиб оқадур. Оллоҳи бокарам раҳматиға сазовор бўлғон мўминлар мевалардан тўйгунларича еб-ичиб, роҳат-фароғатда яшайдилар. Аммо емоқнинг қусмоғи ҳам бор дейдилар. Лак-лак инсон мудом еб-ичсаю... илоё, осий бандангни ўзинг кечиргил, қурсоғини бўшатгани бирор жойга бормаса? Ақлимиз ожиз, бул нечук ҳолдур, пирим? Мабодо биз тарапимиздин шаккоклик ўтган бўлса, майли, жувоб бермасангиз ҳам ризомиз. Масжид қавми бул жумбоқнинг ечимини иншооллоҳ, Шайхул машойих берсалар ажаб эмас, деб бизни вакил этиб юборди. Сўроғим беадаб бўлса, қайтиб олғайман, пирим...

Жамоа бир гувранди. «Шаккок!» деди кимдир товушини баланд қўйиб. Шайхга яқинроқ, тўрда дум-думолоқ бўлиб керилиб ўтирган Ашрафхон қози шеригини туртиб кўз қисди: «Бу сўроққа Мусо билан Исонинг ўзи тирилиб келса ҳам жувоб тополмас». Сулаймон таҳликага тушди. У неча йилдирки, Шайхнинг қабатида симоъ мажлисларида юрибди, аммо бундоқ кутилмаган, бир қарашда пардасиз, аслида инсонни икки дунё сир-синоатини билишга ундайдиган масала ўртага ташланганини эслай олмайди.

Шайх қўл кўтарди, дарҳол ғовур босилди.

— Билмаган нарсасини таққиқлаб охирига етмоқ беадаблик саналмайдур, билъакс, қалбаки адаб юзасидин сўрамай жоҳил бўлиб қолғон уётдур. Атрофингизга бир боқиб мушоҳада айланг. Худованди каримнинг қудратига қоим бўлғайсиз. Тўққиз фалак, етти иқлим, қуёш, ой, юлдуз, замин, ҳайвонот, наботот оламининг соҳиби не мўъжизот яратмиш. Икки тошни бир-бирига урсангиз олов пайдо бўлур, илло икки кесакнинг уришмоғидин ўт чиқмас. Нечун? Гавҳардек бир қатра бир неча ой ичинда инсон қиёфасига кирмиш. Бу не мўъжиза, биродарлар? Ёрқанотнинг кўзи кўр, аммо ул шабистонда адашмай йўл топиб учади. Бул ҳашаротнинг жасур парвозини кўриб ёқа ушлагайсиз. Анинг сиррин юз аллома бир бўлиб топқайму? Оллоҳ таоло бир оятида «Ўликдин тирик яратгаймен, тирикдин ўлик» дебдилар. Бесаранжом товуқ бағридин ўлик мояк тушгай, бул тошмояк парвардигор иноятн бирла доғи тирикка айланиб ёруғ дунё юзини кезгай. Ушмундоқ чуғз-чистонни ким ечгай? Хўш,

---

[1] Қол илми — ислом асослари ўргатиладиган мадраса илми.

Ҳол илми — сўфийлар таълимоти. Одатда ҳол илми орқали инсон ўзини руҳан кашф этади, ақл-идрок билан етолмаган тушунчаларга ҳис, туйғу орқали эришади, деб саналади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хатиб иним, сизнинг жонингизни куйдирган сўроққа камина ҳам сўроқ бирла жувоб айтсам.

Одамлар нафас олмай жим бўлиб қолдилар. Шайх ҳамиша ғамгин, ўйчан кўзларини хатибга тикиб давом этди:

— Ҳомила она қурсоғида тўққиз ой ётади. Тўққиз ой волидасининг вужудидан қувват олади, илло олган насибасини ҳеч қайга чиқариб ташламайдур. Бул нечук асрорки, баданга заррама-зарра узлуксиз ўтиб турган емиш гўдак жисмидин доҳил бўлмаса? Шул хусусда бир қур ўйлаб кўрганмисиз? Ўйлаган била одам боласининг ақли етгайму бу кашфиётга? Ўликларга жон киргизиб, жаннат боғларидин ўрин беришга қодир эгам ҳар ерда бандасининг ғамини ейди.

Шайхнинг босиқ, лекин ўктам ва эҳтиросли далилларидан мажлис аҳли қаноат ҳосил қилгандек эди. Хатиб чўккалаб таъзим бажо келтирди:

— Икки дунё раҳматиға сазовор ўлинг, пирим. Масжид қавми олдида юзимизни ёруғ қилдингиз, илоё, яратган эгамнинг ҳузурида юзингиз ёруғ бўлғай.

Мажлис ниҳоясига етди. Шайх билан Сулаймон ханоқоҳдаги ҳужраларига қайтдилар. Ҳазрат бир муддат ором олгани ёнбошлади. Сулаймон эшикни оҳиста ёпиб ҳовлига чиқди. Хилватроқ жой излаб, балхтут панасига бориб чўнқайди. Кўзларини юмди. Хаёлида тағин ҳозиргина адосига етган мажлис жонланди. У илтижо, умид, кек, ҳасад, синов, завқ ила ёнган қора кўзларни яна кўргандек бўлди. Боши ғувиллади, юраги гуп-гуп урди. Баайни илк бора пирининг олдида имтиҳон топширган кунидагидек, бадани қизиди. Сулаймон уйғоқ бўла туриб туш кўраётгандек эди. Мажлис аҳли гўё ерда, Шайх эса, шифтга яқин, катта оппоқ курсида ўтирган эмиш. Одамлар тепага қараб савол берар, Шайх ёнидан кафтдай қоғоз олиб бепарвогина пастга ташлар эмиш. Қоғоз пастга тушгач, одамлар баравар унга интилар, тез-тез ўқиб ўзаро баҳсга киришиб кетар эмиш. Башараси, соч-соқоли кўринмас бир соме тепага боқиб нимадир сўрар, Шайх жавоб ўрнига пардай енгил қоғоз ташлаб, қовоғини уйиб ўтираверармиш.

Куппа-кундуз, тушида эмас, ўнгида кўрган кароматини ўйлаб, у яна бироз ўтирди. «Бекорга қутбул-ақтоб демайдилар Ҳазратни. Икки дунёнинг илму ҳикматини сув қилиб ичиб юборганлар. Қанийди у кишидаги илмнинг ақалли юздин бири бизда ҳам бўлса. Оллоҳ таоло суйган бандасини зиёда қилиб яратар экан-да асли».

«Каромат» силсиласига берилиб, Сулаймоннинг хаёли олис ўтмишга учди. Самарқанддами, Бухородами, аниқ эсида йўқ. Бухоро шекилли... Ҳа. Ғиждувоннинг обод боғларидан бири эди. Шайх дўсти Абдулхолиқ хожаникига меҳмонга борган эди. Сулаймон у пайтлар ёш эди, овози энди дўриллаб, ўн беш-ўн олтиларга чиқаётган кезлари. Авжи баҳор, олма ғуж-ғуж гуллаган. Боғда одам қалин. Суҳбати мурид қизиб турибди. Боғ ораста, атроф сокин, қилт этган шабада йўқ. Бир вақт Шайх рўпарасига маҳзун қараб турди-да, «Қаранг, олма ҳам гул тўкмакда, энди навбат — мевага», деди оҳиста. Шу пайт олмазор секин чайқалди, сўнг дарахтлар тез-тез тебранди ва оқибатда дувиллаб гулларини тўкди. Мажлис аҳли лол бўлиб бир-бирига қараб қўйди. Сўнг гўё рақсга тушаётгандек, назокат ила у ён-бу ён муқом қилаётган навниҳоллардан кўз узолмай қолдилар. Шайх муртида илжайди: «Тавба, бу оғочларга не бўлди, биров унга тебран, дебдими?» Шу заҳоти олмазор чайқалишдан тўхтади.

Шайх кароматини Сулаймон илк бора ана шу Ғиждувон боғида кўриши эди. Аслида Ҳазрат ўзини ҳаминқадар эл назаридан олисроқ тутишга уринар, кароматларини ошкор этишдан кўра уларни пинҳон сақлашни афзал биларди. Шунинг учунми, Сулаймон пирининг ажиб бир амалидан ҳануз бенасиб. Сўфи Донишманд оғасининг гапига қараганда, Ҳазрат бир дафъа хуросонлик аллома билан баҳсга киришиб сув устига жойнамоз ёзибди ва икки ракаат намоз ўқибди. Шу-шу, хуросонлик уламо пирга қуллуқда эмиш...

Сулаймоннинг вужудини назм шавқи чулғади. Кўп йиллардан бери дилида ўтли армон яшайди. Ўсмирлик, балки бола ёшидан шафқатли отадек меҳр кўргазиб келаётган мураббийси, раҳнамоси Ҳазрати Султон шаънига бир мадҳия битмоқчи бўлади. Аввал, таърифотини келтиролмасам керак, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўчиди, сўнг — Шайхдан ҳайиқди. Шайх ўзини мақтаган кимсани ёқтирмасди. Умуман, Ҳазрат қалб тубидаги ҳисларингни ошкор этаверишни хуш кўрмайди. Буни Сулаймон ҳам хўб биладию... лекин не чора қилсун? Оғочдаги мева пишиб етилгач, уни шохида тутиб турмоқ даргумон экан. Сулаймон жиллақурса, ўзи учун, кўнгил эҳтиёжи учун бир шеър битгиси келади. Каъба сафаридаги дилхуш ва дилсиёҳ воқеалар, мулоқотлар, куффор билан, такаббур Рукниддин ила учрашув, зикр завқи, ва ниҳоят, бугунги уламолар мажлисидаги таассуротлар унинг азмини мустаҳкамлади. Шеър айтмакни жазм қилди. Балхтут тагида, жимжит гўшада, салқин ҳаво, сарин еллар қанотида муроқабага шўнғиди. Дилига тасбеҳдек тизилиб Шайхнинг тавсифи келаверди: икки жаҳон кўзгуси... Хизр бирла суҳбатлик авлиё... сонсиз мурид етаклаган машойихлар сарвари...

Сулаймон ҳамон хаёл суриб ўтирибди. Бирдан тартибсиз, хира каломларга жон кирди, сўнук ташбеҳлар жилваланиб ярқиради, Сулаймоннинг фарзандлик меҳри жўш уриб, тарқоқ сўзлар ишқий сатрларга эврилди. Эътиқод, эҳтиром туйғуси оловланиб, тиниқ, ўйноқи жилғалардек кўнгил бўстонини оби ҳаёт ила суғориб дилидан тилига кўчди, уйқаш, жарангдор сўзлар гавҳар сингари терилиб келаверди, келаверди...

Боқса Каъба кўринган, босса йўллар турилган,
«Лом»дек илми уйрилган Шайхим Аҳмад Яссавий.

Биринчи байт сувтушардек иккинчи оқимни бошлаб келди:

Асли эрур хонадон, билмас они кўп нодон,
Билур они Ҳақ Яздон Шайхим Аҳмад Яссавий.

Сулаймон шошиб қўйнига қўл солди. Кафтдек бир тахлам қоғоз олди, тўрт энлик тўмтоқ тошқалам чиқарди. Гўё дил-дилидан қуйилиб келаётган сўзлари эсидан чиқиб кетадигандек, қоғозни тиззасига қўйиб ажи-бужи ёза бошлади:

Ясси сувин ораси, ётар жигарпораси,
Машойихлар сараси Шайхим Аҳмад Яссавий.
Қарчиғайни қашлаган, шунқорлар чин ушлаган,
Сонсиз мурид бошлаган Шайхим Аҳмад Яссавий.

У қаламини тишлаб ўйланиб қолди. «Мурид» сўзи тариқатга туртки берди. Яна қоғоз бетида тош қалам йўрғалади:

Шариати ораста, тариқати пайваста,
Ҳақиқати шойиста Шайхим Аҳмад Яссавий.

Хўш, тариқати пайваста экан, сулуки туркий деб аталмиш бул тариқатга кимлар кирмади? Бу ёғи Болосоғун, бу ёғи Оқ Эдил бўйларидан Нишопургача, Ўзгандан Фаркату Қумкент, Қарқарагача муриду асҳоб бисёр эмасму? Бас, назм ҳам муносибга мутаносиб бўлғай:

Кун тувғондин ботарға, тарсо, жуҳуд, тоторға,
Қуллуқ қилиб соторға Шайхим Аҳмад Яссавий.
Ўн саккиз минг оламда, оти машҳур каломда,
Ўрни Доруссаломда Шайхим Аҳмад Яссавий.

Сулаймон кўрдики, мадҳияси чўзиладиган. Ахир ошиқ ўз ишқини айтиб адо қилғайму? Аммо назм қоидаси бордур, анга кўра, ибтидо бирла интиҳо ораси мусофирнинг йўлидек беҳудуд эмас, оят янглиқ мезонга эга бўлиши лозим эди. Кўп гап — эшакка юк, демишлар. Сулаймон мақтаъга ўтди:

Хизр бирла суҳбатлик, Илёс бирла улфатлик,
Ҳақ қошида ҳурматлик Шайхим Аҳмад Яссавий.
Туркистонға бороли, хизматида бўлоли,
Улуш берса ололи Шайхим Аҳмад Яссавий.

Энди унвон қолган эди. Сулаймон унвонга Бобо Мочин исмини ҳам қўшди. «Шайх койиса Бобоқул икковимиз тенг бўлишиб оламиз. Нонинг бутуни, калтакнинг ярми яхши».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобо Мочин ул Султон мурид бўлди бегумон,
Ҳакимхўжа Сулаймон Шайхим Аҳмад Яссавий.

Сулаймон қалб зикрига чўмган дарвишдек шеър шавқидан сармаст бўлиб анчагача ўтирди. Юрагининг ҳаприққани босилди, бадани совигандек бўлди. Алангланди. Балх тут сояси чўзилиб номози дигардан дарак бериб турарди. Ўрнидан турди. Ҳужра томон юрди. Эшикда қумғон кўтариб чиқаётган Шайхга дуч келди. Четланиб йўл берди. Кейин дарров ичкари кириб, чўян қумғонини олдию пирининг изидан эргашди.

12. Сори Салтуқнинг саломи

Ҳақдин инган шарбатни ичдик, алҳамдулиллоҳ,
Шул қудрат денгизида сечдик, алҳамдулиллоҳ,
Қуруқ эдик — ёш ўлдик, аёқ эдик — бош ўлдик,
Ҳаволандик — қуш ўлдик, учдик, алҳамдулиллоҳ!
Юнус Эмра

Хонақоҳ ҳовлисига оқшом қўнди. Танобий ҳовли бугун ҳам одатдагидек ораста, салқин, суҳбат учун дилкушо бир жой эди. Шайхга ҳамроҳ бўлиб Маккага кетаётганларнинг аксарияти мусофирхоналарда қўним топган, неча кундан бери зикри кабир илинжида юрган дарвишларнинг бир қисми яна Ўтрор билан Яссига қайтган, бир қисми «Ҳув!» деб Исфижоб кентларига бош олиб кетган эди. Хонақоҳда Шайхнинг доимий ҳамроҳлари Сулаймон, Бобо Мочин, хос надими Қутбиддин турибди. Ашрафхон қози эрталаб келиб номози шомда тағин мусофирхонага жўнайди. У ҳаминқадар ўзини Шайхга яқин тутишга уринар, ҳали олдинда, Самарқандда не воқеалар юз беришидан бехабар, ўзини Ҳазратнинг содиқ суҳбатдоши, ҳатто маслакдоши қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Шайх унинг мақсадини аллақачон пайқаган, аммо ўзини билиб-билмаганга солади, «Одам зоти борки, олдига суйкалиб келган итнинг ҳам бошини силайди, юраберсин, ёмон бўлса бошини ейди, яхши бўлса ошини», деб феълини кенг қилади.

Мана бугун ҳам кечлатиб аҳли суҳбат катта ёғоч сўрида жам бўлган. Қуроқ кўрпачаларда чордона қуриб дунёнинг ишларидан, бугунги мажлисдан, эрта ўтиб, бириси йўлга чиқажакларидан сўзлашадилар. Ашрафхон ҳози Шайхнинг кўнглини эритиб, гумонларини ҳайдаш учун тилёғламалик қилади:

— Султоним, бугунги мажлис асносини ўйласам, каллам шишадур. Кун бўйи ўйладим. Дарҳақиқат, мана бу сопол пиёладек мояк нечук қудрат бирла бургут шаклига кирадур? Мана бу нақш олманинг оқини оқ, қизилини қизил қилиб ким ранг бермиш? Ақлим лол. Камина бугунги суҳбатларидин баҳраманд бўлиб гўёки қайта бошдин мадраса таълимини олғондек бўлдим. Таассуфки, жанобларининг шарҳи баёнини бир закий котиб махсус дафтар қилиб ўтирмади-да. Толиби илмларга ўзлари айтмиш, дафтари соний бўлиб қолармиди...

Биров ўзини мақтаса, Шайхнинг қовоғи солиниб кетарди. Маддоҳ гўё уни шарафлаб, атайин йўлдан оздираётгандек бўлаверарди. Тўғри, Шайх риё билан сидқнинг фарқига аллақачон борадиган бўлган, дўст тилагини душман лутфидан чандон ажрата билади. Шу боис, қозининг тилёғламалиги унинг ғашини келтирди.

— Қози, сиз боғни кўриб, боғбонни ёдингиздан чиқордингиз,— деди қовоқ уйиб,— мадҳу сано кимга ярашмоғини хўб билурсиз, «Мутакаббурни Оллоҳ хуш кўрмагай», деган ҳадисдан ҳам хабарингиз бор, валекин...

— Шайхим, камина мажлиси орода ҳозир бўлғон сомелар дилидагини айтдим, холос...

— Гапингизга шак келтирмак имонингизга чанг солмоқ бирла баробардур. Сабр айлаб гапга қулоқ осинг. Ривоят борким, Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалари бирла суҳбат қуриб ўтирғон эканлар. Саҳобалар тўсатдан Ҳақ Мустафонинг фазлу камолидин сўз очиб, ул жанобни мақтай бошладилар. Пайғамбаримиз беҳуд бўлиб дедилар: «Эй умматларим, мен сизларга не ёмонлик қилдимки, мени бу даража улуғлаб мушкул ҳолга соласизлар?»

---

[1] Сечдик — танладик

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саҳобалар лолу ҳайрон бўлдилар. Расули Оллоҳ айтдилар; «Сизлар мени мақтаб, мадҳу сано айтсангиз, кўнглимга шайтони лаъин васваса соладир, эй Муҳаммад, сендин улуғ зот йўқ. Сен аълоларнинг аълоси эрурсан, умматларинг тупроқ, аларнинг устидан босиб юр, деб қулоғимга шивирлагай. Сўнгра менда кибру ҳаво пайдо бўлур. Ўзимни ўзғалардин баланд қўйишга ўтаман. Буни Оллоҳ хушламагай. Мен ҳам сизлар сингари Оллоҳнинг бандасиман», дедилар. Саҳобалар мулзам бўлди.

— Суханларига садаға бўлай расулимизнинг,— деди пишиллаб қози. Шайх негадир Сулаймонга қараб давом этди:

— Сиз менинг шаънимга мақтов сўйлаганингизда Ҳақ Мустафонинг ана шу суҳбатини эсладим. Сиз бир карра мақтаб қўйсангиз, менда улуғлик гумони пайдо бўлур. Иккинчи бора тағин хушомад сўз айтсангиз, иккиланаман, аммо кўпчилик бўлиб, сиз, қози, мана, Сулаймон, Исмоилхўжа баробар мақтовга ўтсангизлар, камина ҳам инонмай иложим йўқ. «Жамоат жам бўлиб бир оғиздан мадҳу сано айтиб турибди, эй Яссавий, аслида сен ростдан-да улуғ зот экансан», деган хаёлга бораман. Бу ҳол бирла сиз менга душман хизматин қилғон бўлмайсизму?

Сулаймоннинг чап кўкрагини ҳали ёзган шеъри иситиб турарди. У мадҳиясини тунда ҳафсала билан кўчирмоқчи, сўнг Шайхнинг кайфиятига қараб унга пешкаш қилмоқчи эди. «Энди ҳожати қолмади,— деди ичида,— қозикалоннинг бир оғиз ширин сўзига шунча маломат ёғилди, мабодо ўн байтлик бу шеърни ўқисам, Шайхнинг қаҳри келиши тайин. Кўрсатмайман».

Шайх пиёладаги чойдан симириб томоғини ҳўллади. Шу пайт ён эшикда бир мусофир кўринди. Бошида қова — учлик қизил қалпоқ, белида қўш белбоғ. У остона ҳатлаб уч-тўрт қадам босдию, атрофига алазарак боқиб тўхтади. Ниҳоят сўридаги кишиларни кўриб оҳиста яқин келди. Бош эгиб таъзим қилди:

— Аллоҳ дўнмиш манзилларингизи обод этсун, эфендилар! Ассалому алайкум!

Шайх алик олиб мусофирга тикилиб боқди. «Тили туркий, кўзлари шишадек кўм-кўк, румолига менгзайди. Сори Салтуқнинг кўзлари ҳам зангори эди».

— Келсинлар...

Мусофир арз айтди:

— Бан Румо элинан галмишам. Бана Хезрет Йесевий пийрим герак ўлмишдир.

Шайх қўли билан сўрига ишора қилди:

— Марҳамат, румолик биродар, бу ёққа чиқсинлар.

Меҳмон сўри четига омонат чордона қурди. Мезбоннинг дуосини кутмай кафти билан бетини силади.

— Бан бийр тужжорам. Тижорат ила Румодин Қашқар элина гечмишам. Банда бийр омонат хат вордир. Ўл хатни Хезрет Йесевий пийрга топширмоқни истаюрам.

— Ул нечук хат? Кимдан? — деди Шайх қизиқиб. Мусофир қўйнини титиб, хатчўп чиқарди. Мактуб шойи латтага ўралиб чамбарчас боғланган эди.

— Бу хатни биззи севгили Шайхимиз Сори Салтуқ эфендимиз битмишлар. Бана вериб демишлар, эй Човуш ўғлон, сан Қашқара кечсанг, Йеси қалъасинан ўтажаксан. Йесевий пиримни зиёрат эт ва бул омонатни ўз алина элтгинки, Сори Салтуқ одиндаки бийр муридинан деб онгласинлар, демиш. Бан Йесея галиб Шайхимни ахтармишам. Айтмишларки, пийр Макка азиматинда, ҳозир Исфижобда дўнмишлар. Йўхлаб бу ёна галдим.

Тужжор мактубни Шайхга узатди. Ҳазрат чарм ғилофни очди, сўнг ўрама шойини ёзиб, қоғозга етди. Хат бир варақдан иборат, йирик-йирик, настаълиқ ёзувида битилган эди. Шайх Сори Салтуқнинг дастхатини дарров таниди. Ичида ўқиди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Аввалоҳу салом ва дуолар бўлғай сиза, пийрим! Баъдаз калом, аллоҳ ёр, чаҳорёрлар мададкор ўлиб тувғон элимизга етиб галдик ва сиз буюрғон манзила дўндик. Белда-Шайхим инъом этмиш хизом[1] ва шамшир, дилимизда аҳкоми Йесевия, Румолида туркий сулук тузмиш пикринда жиҳод кўргизмамиш. Жанобларининг амру маъруфлари юрсак йўлимизи, дурсақ гўнглимизи ёруғ этмиш. Иншоолло, бир гуруҳ муслим жамоаси жаҳрия тариқатин қабул эдарга ризо бўлмишларким, бул мужда бирла

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳазратимни муборак этмишам. Пийр эфендим! Тонгла душ кўрмишам. Саҳар чоғи эрмиш. Гунашли бир боғ ичинда «Мен сани гўрмак истарам, ўғлим!» деб фақирингизни оғуша олмишсиз. Ман-да сиз ҳезретимнинг дийдорина тўймоқ истарам. Илоҳа, ўзинг муродима еткур, деб тенгрима ибодатлар қилдум. Ҳазратим Макка азимати этсалар, бан йўлини тилаб дурмишам, шоядки йўл устинда бийздек иродат аҳли табаррук суҳбатларина дохил ўлсак...

Иноятингиз нуридин баҳраманд ва шаҳодатингиздин аржуманд ўлмиш фарзандингиз Сори Салтуқ деб билмишсиз. Моҳи муҳаррамнинг биринжи жумъаси. Валлоҳу аълам биссавоб.»

Шайх мактубдан бош кўтарди.

— Барака топинг, тужжор афанди. Бизни деб кўп ранжу машаққат чекибсиз. Умрингиз зиёда бўлсин.

Шайхнинг дуосини тужжор, «Раҳмат, энди сизга рухсат», деган маънода тушунди. Бироқ унинг кетгиси йўқ эди.

— Шайхим, бан ўл хатни жувобини олмай гетмамишам. Салтуқ пийримни истаги-да шулдир.

Ҳазратнинг чеҳрасига хиёл табассум қалқди.

— Асл тужжор экансиз, афандим. Насядан нақдни афзал билар эканлар. Илло қарзга ҳам муҳлат берадилар. Сафарни қачон давом эттирмоқчилар?

— Аллоҳ дилегимизи верса чаҳоршанба гуни, шайхим.

— Маъқул. Унда эртага худди шу маҳалда жавоб тайёр бўлғай.

Тужжор қуллуқ қилиб ўрнидан турди.

Сори Салтуқнинг элчиси кетди, бироқ Шайхнинг кўз ўнгидан муриди Сорининг сиймоси кетмади. Салтуқ Румо фарзанди эди. Тўрт йил муқаддам Қайсари Румдан пойи-пиёда йўл босиб Яссига келди. Шайх остонасига бош уриб мурид бўлди. Одатда ёш солик камида минг кун турли-туман синовларга дучор этиларди. Биринчи йили у дарвишларга хизмат этмаги керак, Иккинчи йили маърифат босқичини ўтиб, тариқат сирларини эгаллайди. Учинчи йили дарвишлек хирқасини кийиб, ўзини сўфийликка тайёрлаши лозим бўлади. Ана шу мушкул синовларга бардош беролган муридгина Яссавий аҳкомларини тўла эгаллаб сўфий халифа мартабасига эришар эди.

Салтуқ Яссавий асосларидан то тариқат ҳукми, вожиби суннат, мустаҳабгача қунт билан ўрганди. Шайхга Салтуқнинг зеҳни, ихлоси, хусусан қайсарлиги маъқул тушди. Ўзи неча бор уни синовдан ўткарди. Бир ерда тоқат риштаси узилиб, сулукдан этак силтар, деб шубҳа қилди. Салтуқ бўш-баёв, гавдасини аранг кўтариб юрадиган беғам кимсани эслатарди. Шайх хато қилганига суюнди. Сори оғзи юмуқ ғунчага ҳам менгзарди. Ғунча туни бўйи интиқ бўлиб тонгни кутади. Субҳи содиқ келиб нам етгач, аста-секин кўз очади. Худди шунингдек, Сори ҳам уззукун хомуш, ўйчан юрар, самоъ мажлиси ёҳуд зикр бўлса, вужудида яширириб ётган ажиб бир қувват гупириб ташига интилар, бундай кезда ланж, беҳуд ва беғам Салтуқни оташмисол Қутбиддиндан фарқлаб бўлмас эди.

Бир йилдирки, Шайх Сори Салтуққа махсус ижоза берди ва Румоли элининг денгиз бўйидаги бир вилоятига шайх этиб тайинлади. Пири муршидлик арконига кўра, унга оқ туя инъом қилди, белига кумуш ғилофли шамшир боғлади, ёнига қирқ муридни чокар қилиб қўшиб берди. Мана, яратганнинг иноятти бирла Сори омон-эсон туққан элига етиб борибди. Яссавия деб аталмиш сулукнинг илк ниҳолини Румолига ҳам экибди. Шайх дилини шукр, умид, фахр туйғуси чулғади. Ичида Сорини дуо қилди, чеккан заҳматларига ризо бўлди.

Сулаймон билан Бобо Мочин Ҳазратнинг танҳоликни истаётганини сезиб, уни холи қолдирдилар. Шайх ҳужрасига қайтиб то ҳуфтонгача хаёл уммонига ғарқ бўлиб ўтирди. У Сори Салтуққа юборилажак жавобни ўйларди. Не дейди? Дуои хайр — вожиб. Насиҳатга ўрин йўқ. Оқилга бир васият кифоя. Нодоннинг қулоғидин ел сўқади, бамисли қамиш найча. Бу ёнидин пуфласанг, нафасинг у ёнидан чиқиб кетур.

Шайх жаҳрия тариқатининг жами суннатларини, хотирда яхши ўрнашсин дея саъж усулида битиб чиққан эди. Улусга айтадиган ваъзларини ҳам назмда ифода этмакни хуш кўрарди. «Эл оғзида ҳар неки матал борким, вазну қофия

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўмагида яратилмиш. Шул амал бирла ҳалойиқ ани тез фаҳмлаб, ёдда тутиб турур. Қуръони мажид мавзун бўлмаганида, муборак сураларни ёд айтмак не чоғлик мушкул бир юмуш бўлур эди?»

У Сори Салтуққа икки оғиз дуои салом ёзди. Сўнг олдига бир тахлам қоғоз ёйиб қўйди. Гўё оппоқ қоғозни сеҳрламоқчи бўлаётгандек, ундан кўз узмай тикилиб қолди...

Сулаймон хуфтон намозига қайтиб келганда Шайх ҳужрасида йўқ эди. У Сорига аталган мактубини битириб ҳовли айлангани чиқиб кетган эди.

Эрталаб нонуштадан кейин Ҳазрат Сулаймонга икки варақ қоғоз узатди:

— Бу мухтасар жавобимиздур. Муҳр босиб сўрғичланг. Мана бунисини кўчирсинлар. Аслини Сориға юборинг.

Сулаймон дуои салом хатига Яссавийнинг кичик муҳрини босди, жилдга солди. Сўнг бир четга ўтириб ўтган кечаси битилган шеърий мактубни кўчирмакка тушди. У «Бисмилло!» деб илкига қалам олдию чумоли изидек майда ва каштадек нозик ёзувга боқиб ундан кўз узолмай қолди. Шеър тўлқин уриб келаётган сувдек уни домига тортиб, тамом маҳлиё этиб қўйган эди:

Мендин салом дўстларга, талаб ёдин қўймасин,
Дийдор талаб қилсалар, ҳаргиз ғофил бўлмасин.
Ғофил топмас ҳақ йўлин, анда топмаслар ўрин,
Ичи-тоши куюбон саҳарларда ётмасин.
Ёди бирла бўлсалар, дийдор орзу қилсалар,
Ҳарчанд хорлиқ кўрсалар, кўнгил ўзга бўлмасин.
Ошиқларга дунёда хорлиқ-зорлиқ маломат,
Маломатсиз, меҳнатсиз ошиқман, деб айтмасин.
Шариатда тажриддир дунёсини тарк этмак,
Тарк этмайин дунёни ҳақни суйдим демасин.
Тариқатда тан-хонни тарк этмаки тажриддир,
Тарк этмайин тан-жонни тажрид бўлдим демасин.
Ҳақиқатда ҳаромдир бир худодин ўзгаси,
Андоқ бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасин.
Андоқ Расул Мустафо дунё молин суймади,
Уммат бўлса Расулга дунё молин суймасин.
Мискин Аҳмад Яссавий салом айди дўстларга
Ушбу сўзнинг маъносин толиб бўлса англасин.

Сулаймон беихтиёр хитоб қилди:

— Воҳ, воҳ! Валлоҳи аъзам! Бир ҳаз этдим, бир ҳаз этдим, етмиш икки бўғиним юмшади, пирим! Муборак бўлсин!

Шайх қовоқ солди:

— Ҳали-ҳануз кўчирмадиларми?

— Кўчиражакман, пирим. Аввал мана бу ерима кўчирдим,— у кўкрагига нуқиди,— энди қоғозга кўчиражакмиз.

Шайх Сулаймоннинг чечак излари қолган кенг чўтир бетига бир қараб қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Сулаймон шеърдан икки нусха кўчирди. Бирини ўзига атаб, қўйнига урди. У Шайхнинг махсус мунши вазифасини ҳам адо этар, Ҳазрат битган ҳикматларни, олис-яқин ерларга жўнатилажак мактубларни иншо этар, Шайхнинг катта ва кичик муҳрлари ҳам Сулаймонда сақланар эди.

Кечқурун мактубни олгани тужжор келди.

— Аллоҳ йўлимизи верса, бир ой ичинда орта чекинмамиш. Жавзоя қолмай Румолиға етиб боражақмиз.

— Андоқ бўлса сиз афандини Сори Салтуқ ёнинда кўргаймиз,— деди Шайх тужжорни хурсанд қилиш мақсадида.

— Иншоолло!— тужжор таъзим қилди,— ёродиғи парвардигор дилегимизи версин!

Сулаймон Салтуқнинг элчисини кузатиб чиқди.

— Қутбиддин кирсин,— деди Ҳазрат. Бир неча дақиқа ўтиб Қутбиддин остона ҳатлади. Қўл қовуштириб пир фармонига мунтазир бўлиб турди.

— Эртага пешиндан сўнг сизга ҳирқа кийдирмакни ният қилдик,— деди Шайх,— ҳозирлик кўринг, ўғлим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қутбиддиннинг юраги ўйноқлаб қинидан чиқиб кетгудек бўлди. У илдам бориб пирининг олдида тиз чўкди, этагини ўпди. Сўнг аста турди. Орқаси билан юриб эшикда ғойиб бўлди.

Шу топда дунёда Қутбиддинчалик бахтли кимса йўқ эди.

13. Яшил япроқ сўлдими!

Машҳур мутасаввуф Жунайд Бағдодийдан сўрадилар: «Сўфий ким!» У жавоб берди: «Сўфий улким, қалби Иброҳим қалбига ўхшаса, мўминликда Исмоилдек бўлса, мунғлиғда Довуддек, фақирликда Исодек, сабру қаноатда Айюбдек, муножотда Мусодек, самимийликда Муҳаммад алайҳиссаломдек бўлса». [1]

Қутбиддининг қувончи оламга сиғмасди. У дарвишларнинг қадим ҳикматини хўб билади: «Қўлдан кетган нарсангга зиёда куюнма ва қўлга кирган нарсангга ортиқча суюнма». Бул ҳикматни у муборак калималар қаторида кўнгил тўрига ёзиб қўйган. Унга бешак амал қилмоқни истайди. Аммо... не чораки, Ҳазратнинг бир оғиз сўзи бамисли насим бўлдию қалб тубида йиллар кулига кўмилиб ётган умид чўғини очиб юборди. Мана энди бу чўғ Қутбиддиннинг жисми-жонини ўртаб, кўкрагини куйдиради. Қутбиддин ўз ҳолатига шарҳ излади, тополмади. Эсига лоп этиб пири комилнинг бир сатри тушди: «Бул қафаснинг тўтиси парвоз этадир учкали!» Воажаб! Пири муршид бул сатрни айнан Қутбиддинга бағишлаб битгандек эди! У дарвишлар удумига риоя қилиб, ўзини нечоғлик қўлга олишга уринмасин, барибир ихтиёри иродасидан устун келар, вужудини бир ҳовуч нур тарк этмасди. Ахир севинмасинми! Мана, учинчи йилдирки, у шаҳзодалик бахти-тахтидан кечиб, дашти Қипчоқда, дарвишлар халқасида саргардон кезиб юрибди. Пир ундан марҳаматини дариғ тутмади. Ўзига маҳрами содиқ — надим қилиб олди. Каъба сафарига ҳам қўшди. Худо хоҳласа тағин пирнинг иноятларидан баҳраманд бўлай деб турибди. Оллоҳ насиб этса, эртага ҳирқат-ат табаррук кийиб, чин солиҳ мартабасига эришгай. Неча кундирки, Қутбиддинни бир хаёл қийнайди. У Самарқандда отасининг оёғига йиқилиб, шаккоклиги учун узр сўрамоқни ният қилиб қўйган эди. Қиблагоҳининг таънасини ҳозирданоқ кўнгли сезиб турибди. «Саройдин шаҳзода бўлиб чиқиб кетиб эдинг, жанда кийган қаландар бўлиб келибсан-да, ўғлим?» Худо хоҳласа, энди юзи ёруғ бўлади. Падари бузрукворининг ҳузурига ёш соликлар сардори, соҳиби дил рутбасида кириб борғай.

Таомилга кўра, дарвиш ғам-андуҳини ҳам, шодлигини ҳам маслакдошларидан яширмаслиги керак эди. Қутбиддин қувончини айтиб, юрагини бўшатгани ҳовли этагидаги қатор ҳужраларни кезиб чиқди. Аксига олиб ҳужралар бўм-бўш, дарвишлар бомдод номозидан сўнг қишлоғу овулларга саёҳатга чиқиб кетишган эди. Қутбиддин уч-тўрт ҳужрага бош суқди. Бир хонада гўшанишин бўлиб кимдир ўтирарди. Нимқоронғида унинг қорасигина кўзга илинар, бироқ ҳансираб нафас олиб тургани бўсағадан эшитилиб турарди. Қутбиддин ичкари ўтди. Кўзлари қоронғиликка ўрганди. Тўрда тунов кунги, нафси руҳиййа билан нафси ҳайвониййа фарқини сўраган дарвиш ғужанак бўлиб, калла осилтириб ўтирарди.

— Оллоҳ ёр бўлсин, биродар!— деб Қутбиддин аста дарвишнинг ёнига чўкди.

— Сизга-да офият тилайман,— деди дарвиш ва қаттиқ йўталди. Қутбиддиннинг унга раҳми келди. «Бечоранинг жони азобда қолибдур, табибга кўрсатмоқ даркор».

— Ҳамон бўғилганингиз кетмабдур, оға,— деди Қутбиддин,— мен айтган зикри авқот бирла машғул бўлмадингизму?

— Айтганингизни қилдим, биродар, илло баттар бўлдим. Сув терга тушиб ҳолим қурийдур. Бўш қоп тик турмас экан. Танда қувват бўлмагач, ўпкам

---

[1] Иброҳим, Исмоил, Довуд, Исо, Айюб, Мусо, Муҳаммад — Қуръони каримда исмлари зикр этилган йигирма саккиз пайғамбарнинг энг машҳурларидир. Уларнинг ҳаёт тарзи, ўз умматлари учун қилган яхшиликлари ва бу йўлда чеккан жафолари аҳли мўмин учун ибрат, олий бир ният, деб ҳисобланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шишиб ўрнимдин туролмай қолдим. Бугун икки ракаат номозни аранг адо этдим. Оллоҳ таоло омонатини олиб қўя қолса ҳам рози эдим.

Қутбиддиннинг нур инган кўксига бир ҳовуч кул сепилгандек бўлди. У бир неча сония ўйланиб турди-да, ирғиб турди.

— Юринг, оға, сизни тоза ҳавога олиб чиқай, бу кунжакда бир дардингиз ўн бўлғай.

Дарвиш истамай қўзғолди. Қутбиддинга соядек эргашди. Балхтут остига бориб чордона қурди.

— Сиз шу ерда ўтириб туринг,— деди Қутбиддин,— мен гузарга бориб бир дармондори излаб кўрай.

У Бобо Мочиндан рухсат сўраб хонақоҳдан чиқди. Жоме масжиди ёнида қатор дўконлар бор эди. Зироатчилик растасига қараб юрди. Бир табибни топиб арзи ҳол айтди. Унинг дарвишлар ҳалқасидан эканлигини эшитиб табиб дорисига ҳақ сўрамади. Аслида Қутбиддиннинг киссасида Бобо Мочин берган бир кумуш тангадан бўлак сариқ чақа ҳам йўқ эди.

Қутбиддин табиб берган дармондорини авайлаб енг ичига урди-да ҳаллослаб хонақоҳга қайтди. Бемор дарвиш ҳамон тут тагида ўтирар, саҳрода танҳо қолиб ташналикдан мадори қуриган йўловчидек, оғзини очиб тез-тез нафас оларди. Қутбиддин ичкарига кириб, сопол косада сув олиб чиқди.

— Оға, доридан ичсинлар. Кафтингизни очинг. Бу исириқ уруғи. Кунига уч маҳал носдек-носдек отиб юрасиз экан. Буниси — мўмиёи асил. Унга эҳтиёт бўлинг, кунига тариқдек икки маҳал ичсангиз бўлади,— Қутбиддин дарвишнинг этагига бир халтачада туйилган гиёҳ илдизларини қўйди,— буларнинг отини билолмадик. Эгаси айтдики, саҳар нонуштага, сўнг ётар чоғда ичсинлар деди. Олинг, оға, худо шифо бераман, деса ҳеч гап эмас. Бирор ҳафтада нафасингиз равонлашиб баданингизга қувват қайтгай.

Дарвиш дуо қилмоқчи бўлди, аммо хўрлиги келиб тили айланмади. У «қуллуқ» дегандек оғир-оғир калла чайқади, Қутбиддиннинг қўлини ушлаб қаттиқ сиқиб қўйди.

Кечқурун Қутбиддин дарвишдан хабар олгани тор ҳужрага борди. Дорининг таъсирими ё «ихлос-халос» деган руҳий неъмат натижасими, ҳар қалай беморнинг ранги-рўйи кундузгидан дурустроқ эди, нафас олиши ҳам енгиллашганга ўхшарди. Қутбиддин изига қайтди ва эртаги синов тадоригини кўра бошлади.

Яссавий тариқатини буткул эгаллаб, соҳиби дил ёки ориф бўлишликнинг уч босқичи бор эди. Биринчиси, сулук талабида бўлмиш ёш соликни жамоат кўз ўнгида муридликка қабул қилиш маросими. Иккинчиси, бир неча йил дарвишлар ҳалқасида юриб, астойдил зикру сано, тоат-ибодат билан машғул бўлган муридни солиҳ, яъни халифа мартабасига етказиш, унга Шайх қўлидан хирқа кийдириш. Бу мартаба эгалари тариқат аҳкомига кўра, тубанда зикр этилажак сифатларга мушарраф бўлишлари лозим. Зоҳирда — жанда тўну қиртишланган соч, ботинда — тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафс. Ўз нафсининг ҳокимига айланган дарвиш қаноат тахтини эгаллаб, маънавият мулкига султон бўлади. Бундай саодатманд кимсалар солиҳ ёки соҳиби дил деган унвонга мушарраф бўладилар. Солиҳ — ички олами саранжом, яхшиликка мойил, иймони бутун одамдир. Соҳиби дил — тариқатда етти мақомни эгаллаган, кўнгил кўзи огоҳ, дарди дили уйғоқ шахсдир. Учинчи мартаба — энг олий мақом, бу шайхлик, муқтадолик, орифлик рутбасидир. Тасаввуф тамалларига кўра, инсон кўксида бешта нуқта, беш нур бор: улар латифаи қалб, латифаи руҳ, латифаи сир, латифаи хафий (яширин), ва латифаи ахво, яъни бағоят махфий нур деб аталади. Бу нурларнинг ранги, жилоси турли хил. Сўфий умр бўйи ўша беш нур ишқида заҳмат чекиши керак. Бешинчи, сўнгги нурга сазовор кимса — аллома, авлиё, қутбул-ақтоб, яъни руҳий олам яктоси даражасига эришади. Латифаи ахвога етиб махфий сир билан ошно бўлган сўфийлар учун замон ёхуд маконнинг фарқи қолмайди, у қушлар, ҳайвонлар билан тиллашади, тирик ва ўлик жисмларнинг моҳиятини англайди, халойиқ кўзига кўринмас нарсаларни кўра билади, ўтган марҳумлар руҳи ила сўзлашади, келгуси тақдирни башорат қилади. Нури тажалли деб аталмиш бу нурга Шайхул-машойих каби камдан-кам кишиларгина муяссар бўларди.

Қутбиддин ҳозирча иккинчи босқич арафасида, ҳирқа кийиб соликлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

сафига қўшилиш олдида турарди. У туни билан тиловат қилиб, муножот айтди, ўзини ўзидан илгари ҳирқа кийиб, пир қўлидан яшил тамғали кулоҳ олган солиҳлар синовидан ўтказди. Вақт ўтган сари унинг ҳаяжони ортиб борарди. Эртаси куни у Бобо Мочиндан бир гап эшитди. Қутбиддинни пирнинг ўзлари синар эмишлар. Қутбиддиннинг қўл-оёғи бўшашиб, тахта бўлиб қолди. Бир томондан, бу улуғ бир бахт эди, иккинчи тарафдан, агар мутаваккил бўлиб синовдан ўтолмаса — ўлим билан тенг.

Қутбиддин то пешингача одамлардан четлашиб телбадек ўзи билан ўзи сўзлашиб юрди. Ўқтин-ўқтин ичида муножот айтади: «Ё арзи само эгаси! Зикриёдек туну кун зикринг ила бандмен. Ўзинг ёрлақағил! Хотирамни жам айла, юзимни ёруғ қил, таянганим ўзингсан...»

Ниҳоят, ҳув ўша мажлис бўлган танобий хонага бирин-сирин дарвишлар тўплана бошлади. Муридлар ҳазрат имомлигида пешин намозини адо этдилар. Сўнг зикрдагидек давра қурилди. Шайх ўртага келиб ўтирди. Ҳар доимгидек ўнг тарафда Сулаймон, чап ёнида Бобо Мочин, Исмоилхўжа, Қутбиддин истиҳола билан Шайхнинг рўпарасига тиз чўкди. Бошидан кулоҳини олди ва тақдирига тан берган маҳбусдек, калласини эгди. Синов чоғи Шайх гўёки соликни ёрлақаб, далда бермакчи бўлгандек, унинг бошига кафтини босиб турарди. Шайх Қутбиддиннинг бошига кафтини қўйди. Йигитнинг тоза қирилган тақир калласи иссиқ эди. Шайх Қутбиддиннинг босқондек гуп-гуп уриб турган дилига қулоқ тутиб роҳат қилаётгандек, бир неча дақиқа сукут сақлади. Ниҳоят, босиқ, андак мулойим товушда деди:

— Қани, тариқати шаҳристон асосларини айтинг-чи, ўғлим...

Яссавий тариқати бир неча фарз асосига қурилган бўлиб, улар муридлик шартлари, тариқат аҳкоми, вожиблари, суннатлари, мустаҳаблари, сулук одоби, шайхлик ва муқтадолик аркони деб аталарди. Қутбиддин илк саволнинг енгиллигидан суюнди. Бу фарзларни у беш қўлидай ёд билар, уларнинг шарҳини айтар, кечаси уйғотиб сўрасангиз ҳам адашмасди. Қутбиддин бийрон жавоб қайтарди:

— Тариқати шаҳристон, яъни Яссавий тариқати беш тамал бирла мустаҳкамдур. Улар жумласига тавҳид асос бўлган тасаввуф, шариатга ва Ҳақ Мустафо суннатига мутлоқ эътиқод, шариатга суянган тариқат, риёзат ва мушоҳада, хилват ва зикр кирадир.

— Дуруст.

Бобо Мочин Шайхдан изн сўраб савол берди:

— Хилват не?

Бу саволга ҳам Қутбиддиннинг жавоби тайёр эди.

— Хилватнинг ҳар ҳарфи бир ҳидоят, тақсир. Ҳе — холи бўлмоқ талаби, лом — лайлда, яъни тунлар, вов-вуслат, те- тўғри йўл ишқи.

— Маъқул,— деди Бобо Мочин. Шайх тарафдан сўроқ тушди:

— Тариқат аҳкомин айтинг.

— Тариқат аҳкоми олтидур. Маърифати ҳақ, саховоти мутлоқ, сидқи муҳаққақ, яқини мустағрақ, таваккули ризқи муаллақ, тафаккури мудаққақ.

— Яъниким?

— Яъни ҳақни танимоқ йўлида маърифатга интилмоқ, мутлоқ ва узлуксиз саховот кўргизмак, оллога садоқатни сақламоқ, соғлом кўнгил соҳиби бўлмоқ, етти иқлим эгаси улашган ризққа қаноат қилиб, теран тафаккур, мулоҳаза бирла руҳиятимизни покламоқ.

Қутбиддин энди ўзини бироз босиб олган, хаёлида вожиби тариқатни ўйлаб, оғиз жуфтлаб турарди. Бироқ Шайх унинг хаёлини сезиб тургандек, кутилмаганда тариқати одобдан сўраб қолди. Бу савол ҳам енгил эди, Қутбиддин ўзини йўқотмади.

— Одоб шартлари олтидур, пирим. Жамоат кўз ўнгида тиз букиб, тавозе бирла ўлтирмоқ, ўзини бировлардан паст тутмоқ, ва бильакс, ўзгаларни ўзидин баланд қўймоқ, шайхлар, азиз авлиёлар мажлисида сукут сақлаб турмоқ, беижозат сўз айтмаслик ва ниҳоят, пири комил рамзларини, кароматларини эсда тутмоқ, дилга жо этмоқ фарздур.

Шайх «маъқул» дегандек бош силкиди ва қовоқ солганча аста «Вожиб» деди. Бу тариқат вожибларини айтинг, дегани эди. Қутбиддин худди тиловат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиладигандек, кўзларини юмди. Савол мураккаб, асосан арабий иборатлар ила тазмин этилган, шарҳи ҳам мушкулроқ эди.

— Тариқат вожиблари ҳам олтидур, пирим. Аввало, талаби соҳиб камол ва қарруби зул-жалол. Сўнгра шавқи висоли ло-йузал, кейин хавфи мулки безавол фил-айёми вал-лай-йол, андин сўнг рижо фикулли аҳвол, кейин зикри алад-давом, ва ниҳоят, фикри тавассули хай-йу-мутаол.[1]

Қутбиддин мазкур вожиблар таърифини келтирмак учун оғиз очган эди, Шайх унинг гапини кесди:

— Тафсирга ҳожат йўқ, суннатга ўтинг, ўғлим.

Тариқат суннатлари ҳам олтита эди. Ёш солик жамоат бирла номоз ўқимоғи, саҳарлар бедор бўлмоғи, ибодатни зинҳор тарк этмаслиги, фикри-зикри билан ишқи илоҳийга боғланиб туриши, яхшилик ва ҳидоят йўлига етакловчи фозил кимсаларга сўзсиз итоат этиши лозим эди. Қутбиддин суннат шартларини тугатиб, мустаҳаб — меҳмон-мусофирлар билан бўладиган муомала йўриқларини айтди:

— Меҳмонни очиқ юз ва дилда севинч ила кузатмоқ жоиз бўлгани каби, эшикка келган мусофирни кулиб туриб, оллога шукр қилиб қабул этмак лозимдур. Меҳмон неча кун қошингизда бўлса ҳам уни ғанимат билинг. Унинг ғариблигини, сизникида мусофир эканлигини ёдидан чиқаринг. Меҳмон не тиласа, тилагини бажо келтиринг, унинг ҳожатини чиқаришдан чарчаманг...

Энди шайхлик ва муқтадолик аркони қолган эди. Қутбиддин бу фарзни чандон хуш кўрар, кўнглида гавҳардек сақлар эди. Мазкур аркон шартлари Қутбиддиннинг энг муқаддас орзусига муштарак бўлгани учунми, (у қачонлардир Шайхнинг қўлидан иршод олиб, шайхлик мартабасига муяссар бўлмоқни хаёл қиларди) ёинки аркон бандлари Яссавий ҳикматларидек содда, равон ва гўзал бўлгани учунми, ҳар қалай, уларни тилидан қўймас, юрса-турса, алҳамдудек ичида пичирлаб такрорлаб юрарди. Аркон фарзлари ҳам тариқатнинг ўзга аҳкомлари сингари олтита эди: илми дину яқин, яъни диний илмларга шаксиз инонмоқ; ҳилми мубину матин — ошкора ва устивор мулойимлик; сабри жамил, ёки бардошли, сабр эгаси бўлиш; ризои жалил ёҳуд улуғ бир хоҳиш ила Оллоҳ иродасига бўйсуниш; ихлос халил, яъни фақат ёлғиз Оллоҳгагина ихлос қўйиш; ва ниҳоят, қурби жазил — ўзини Оллоҳ таолога ниҳоятда яқин тутиш. Қутбиддин шавқ оташига чулғаниб, «...сабри жамил, ризои жалил, ихлоси халил...» дея кўнглидан ўткарди, ўзаро уйғун, нозик, жарангдор сўзлар тағин юрагини жўштириб, кўзларига ёш элтди. У интиқ бўлиб, Шайхдан тариқатнинг сўнгги босқичига ноил этадиган сўроқни кутди. Аммо Ҳазрат унинг бошидан оҳиста кафтини олди.

— Шайхлик ва муқтадолик арконин, Оллоҳ насиб этса, вақти-соати етганда сўрармиз.

Бу нася калом ила Ҳазрат Қутбиддинга нимаҳидир ваъда қилгандек эди. Қутбиддин чеккан заҳматларига ризо бўлди, қисматига шукрона келтирди. Ҳали Шайх унинг бошига кафтини босиб турганида фикри равшан, кўнгли тиниқ эди, энди Ҳазрат қўл узгач, мияси сўлқиллади, онги хира тортгандек, ўзини хийла ланж ҳис қила бошлади.

Синов маросимини кузатиб ўтириб, Сулаймоннинг кўнглига иштибоҳ, ғидир, оралади, ичида шайтони лаъин васваса қилди: «Ҳазратим нечук собиқ шаҳзодани бу қадар ёрлақайди? Ана, шайхлик ва муқтадолик ваъда қилдилар. Салкам ўттиз йил бўлди, этагидин илик узмай биз бунда юрибмиз. Энди расидаликдан чиққан бир муридга шунча марҳаматми?» Шоҳ, султон, деса, Сулаймоннинг елкаси тиришарди. Хусусан, Маҳмудхон султонни жини суймайди. Сулаймон хоразмлик. Султон Маҳмудхон эса, язнаси Султон Санжар иккивлон Хоразм элини икки оёқлаб босиб тургандек туюлаверади Сулаймонга. Қутбиддин эса, ана шу Маҳмудхоннинг ўғли, Санжарнинг туққан жияни. У Қутбиддинни чор атрофда калла осилтириб, ёш соликнинг дадил, бийрон

Мухтасар мазмуни: ҳақни истаб, унга етмоқ шавқи, умиди билан яшамоқ, туну кун нафсни тийишга интилиш, ҳадик ва қўрқув, узлуксиз умидворлик, муттасил зикр ва ҳусни мутлоқ — оллоҳ васлига етиб, у билан руҳан қовушмоқ фикрини қилмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жавобига маҳмур бўлиб ўтирган дарвишлар кўз олдида ўсал қилмоқчи бўлди. Шайхдан ижозат олиб савол ташлади:

— Аҳкомларни, фарзни хўб билар экансиз, иним. Ҳазратимнинг бир ҳикматлари бор. Хотирингизга солиб ўтай. Пирим:

Қул Хожа Аҳмад ҳақ сўзини сўзлаб ўтди,
Илмул-яқин шариатни кўзлаб ўтди,
Айнул-яқин тариқатдин бўзлаб ўтди,
Ҳаққул-яқин ҳақиқатдин айтдим мано,— дейдилар.

Бул ердаги «яқин»лардин муддао недур?

Сулаймон, «Ол энди бир сайранг-чи, кўрайлик», дегандек, муртида кулимсиради. Қутбиддин унинг қорамтир, кенг, чўтир бетига қараб ўйланиб қолди. «Ҳазратнинг бул ҳикматини ёд билурмен. Илло маънисига етмаган эканмиз-да? Нечук мағзини чақмадим? Илмул... Айнул... Ҳаққул... Хўш, яқин — бу бегумон, шубҳасиз, дегани. Айн-кўз, кўнгил кўзи... Бегумон илм, кўз бирла кўриш ва...»

Шу пайт Шайх Қутбиддиннинг билагини тутди. Гўёки мўъжиза рўй берди. Қутбиддиннинг шуури пир қўлидан бир имдод, руҳий мадад эмгандек бўлди. У хиёл иккиланиб, пастроқ товушда деди:

— Тақсир, бандаи ожиз тасаввуринда... илмул яқин, бу идрок билан, ақлий далиллар орқали етиладиган илмдур. Яъни мадраса таълими, қол илми. Шариати ҳаққа, иншоолло, таълим, тиловат, мутолаа йўли бирла эришгаймиз. Айнул яқин, бу сезги аъзолари ёрдамида эмас, уйғоқ дил, безовта қалб ва руҳий бир туйғу орқали етиладиган мартаба. Бу — тариқат йўлидур, тақсир. Сўнгги мақомга келсак,.. ҳаққул яқиндур. Илму урфондин қувват олиб, руҳоний олам сирларидан воқиф бўлиб, бу фоний дунёдин қўл чекиб... сўфий ҳаққул яқин мартабасина ёвуқлашади, субҳонака ва таоло даргоҳига бош қўяди.

Шайх маъноли йўталди. Сулаймон қизарди. Қутбиддин терлаб кетди. У Сулаймоннинг олдида мот бўлмаган эди.

Сулаймон мағлубиятга тан бергиси келмайди. У номига Қутбиддинни қутлаган бўлди.

— Офарин, иним! Ол энди, закий ақлингизни бир намоён этинг, иним. Пирим, «Риёзатни қаттиқ тортиб, қонлар ютиб ман дафтари соний сўзин очдим, мано!» дейдилар. Эсингизда-а?

Қутбиддин «ҳа» дегандек бош силкиди.

— Андоқ эрса, бул ерда «Дафтари соний» не ўзи?

Қутбиддиннинг кўнгли чўкиб кетди. У «дафтари соний»ни билмасди. Аслида буни билиш сўфийлик шартларига кирмасди ҳам. Сулаймоннинг иззатнафси туфайли туғилган мушкулотдан Қутбиддинни қутқариш учун Шайх деди:

— Фаросат — нисф каромат, Сулаймон. Шукр қилинг. Бу жаҳонда билгандин билмаганимиз бисёр. Иккиламчи, бул маросим Яссавий ҳикматларининг таҳлили эрмас. Ҳм, Бобоқул, сиз не демакчисиз?

Бобо Мочин мағрибу машриқда ўтган машҳур мутасаввуфлар хусусида сўроқ ташлади. Қутбиддин уларнинг шарҳи ҳоли, арзи дили тўғрисида кўп эшитган, Шиблий, Ғаззолий, Бағдодий, Мансури Халлож каби шайхулмашойихлар ҳаётидан ўнлаб ҳикоятларни ёд билади. Абубакр Шиблийнинг бир ҳикматини тумор қилиб бўйнига осиб олган, ҳар замон бошига мушкул иш тушганда пайпаслаб қўярди. Мазкур тумор биттагина калимадан иборат эди: «Тилайманки — тиламагайсан». Бу сўзларнинг маънисини Қутбиддин ўзича йўяди: тилагим шулки, бировдин бир нима сўрама, нафсингни ўлдириб, иродангга ҳоким бўл, шунда Оллоҳдин мадад тиламайдурсен, бу ўтар-кетар дунёда бировга тирноқча яхшилик қилган бўлсанг — рози бўл, илло бандасидан ҳам, холиқи оламдин ҳам мукофот тилама...

Шиблий фалсафасини Қутбиддин нечоғлик завқ ва зукколик билан қайнаб-тошиб талқин этгани Бобо Мочиннинг ҳавасини келтирди. Агар рўпарасида Шайхул аъзам бўлмаганида у симоъ мажлисидагидек «Во-о-оҳ!» деб сайха тортиб юборарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Синов бирор соат давом этди. Шайх маросимга нуқта қўймоқчи бўлди. Шу пайт Қутбиддин қўл кўтарди. Дарвишларгина эмас, гувоҳликка ўтаётган уламо ҳам ажабланди. Шайхдан рухсат олиб, Қутбиддин Сулаймон тарафга қаради:

— Муҳтарам мавлоно Сулаймон оғамизнинг сўроқларига муносиб жавоб тополмай фақирингиз музтар бўлдим. Агарчи бу жаҳонда биладиганимиздин билмайдиганимиз бисёр эркан, не илож деган хаёлдаман. Аммо бу ожиз банда билмаган нарсамни билиб Оллоҳ даргоҳина бормоқни афзал кўрурман. Жаноб мавлоно ранжу машаққат чекмасалар, фақирингизга ўшал дафтари сонийнинг не эканлигини айтиб берсалар, ҳақларига дуо қилар эдик...

Ҳазрат Қутбиддиннинг фаросатига ичида таҳсин айтди. Сулаймон андак бесаранжом бўлди. Негаки, дафтари соний устида хилофот бор эди. Шайхнинг бу иборасини ҳар ким ўзича талқин этарди. Мабодо, худо кўрсатмасин, шарҳи ғализ чиқса, бу шаҳзода уни оятдек ёдлаб олади ва ҳар ерда Яссавий ҳикматларига қўшиб, Сулаймон айтгандек қилиб изоҳлайди. Унда Сулаймоннинг обрўси неча пуллик бўлади?

Сулаймондан аввал Ҳазрат оғиз очди:

— Ҳозир фурсати эмас. Сўнгроқ Сулаймон сизга дафтари соний варақларини ўқиб бергай.

«Бу боладин «дафтари соний»ни сўраб не қилардинг, манглайи қора?!» деб Сулаймон ўзини койиди ичида. Сўнгра, «ҳирқа кияй деб турибсан, ношукур, адаб сақлаб ўтиравер-да вотвотдек валдирамай!» деб Қутбиддиндан гина қилган бўлди.

Шайхнинг ишораси билан Исмоилхўжа халифалик ашёларини келтирди. Ҳазрат «Фотиҳа» сурасини тиловат қилди. Сўнг Қутбиддин шаънига икки оғиз мақтов сўзи айтиб, фатво берди:

— Биз ёш мутасаввуфлардан бўлмиш муридимиз Қутбиддин Маҳмудхон ўғлини илми динда, ихлоси халилда, қурби жазилда имтиҳон қилиб, бул соликнинг сидқига, салоҳиятига, нуктадонлигига имон келтирдик. Уни халифа ҳамда асҳоб мартабасига лойиқ кўрдик. Илоё, бул муридимиз ҳақ йўлида чеккан заҳматларимизни оқласин, жумла мўмин кўнглига Оллоҳ фарзини, Ҳақ мустафо суннатларини солсин, инсонларни яхшиликка даъват этсин, имонга чорласин, илоё Оллоҳ таоло ёрлақаган исмингиз то қиёматгача йўлдошингиз бўлғай, сиздин рўшнолик топган кимса борки, ул икки дунё роҳатини кўрсин, омин, Оллоҳу акбар!

Ўнлаб қўллар фотиҳага кўтарилди. Шайх Исмоилхўжанинг қўлидан янги жун чопон олиб Қутбиддиннинг елкасига ташлади. Қутбиддин энгашиб Шайхнинг этагини, қўлини ўпди. Сўнг ирғиб туриб қўл қовуштирди, уч карра таъзим бажо келтирди. Шайх Қутбиддиннинг бошини эгиб кулоҳ кийдирди. Кулоҳнинг олд томонига яшил япроқ шаклида тамға босилган, япроқ ичида кўндалангига уч қатор оқ чизиқ тортилган эди. Бу Яссавий тариқатига мансуб сўфийлик рамзи эди. Яшил япроқли тамға чекилган кулоҳ юқорида зикр этганимиз уч мақомнинг камида иккитасини босиб ўтган халифа-шогирдларга бериларди.

Қутбиддин ўша куни сўфийлик ашёларининг барчасига эга бўлди: қайиш камар, ирғай асо, таслим тош. Халқадаги дарвишлар уни хирқат-ат табаррук ила муборакбод этдилар.

...Қутбиддин кун бўйи Сулаймоннинг оғзини пойлади: «Зора дафтари сонийнинг маънисини айтиб берса». Аммо Сулаймон, бери кел, деб имо ҳам қилмади. Қутбиддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. «Майли, бир куни пиримнинг ўзларидан сўраб оларман», деб ўзига тасалли берди.

Ҳуфтон номозини барвақт адо этиб, кўрпачага чўзилди. Бироқ кўзи илинмади. Эртага Самарқанд сари йўлга чиқадилар. Кўз олдидан киндик қони тўкилган она шаҳрининг шан кўчалари, азамат чинорлар, падари бузруквори, волидаи меҳрибони ўтди. Ота-онасини кўрмаганига икки йилдан ошди. Энаси қандоқ экан? Қутбиддиндан тириклай айрилиб, не кўйга тушди экан?

Қутбиддиннинг дийдаларидан икки қатра қайноқ ёш сизиб чиқиб юзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушди. Хўрлиги келди. Кўнгли ачишди. Рўпарасидан мунгли онасининг суврати кетмай қолди. Хаёлида онаси гўё унга қўл чўзиб, йиғлаб тургандек эди. Қутбиддин тўлғаниб шивирлади: «Энажон, сизни соғиндим, жуда-жуда соғиндим... Сизга қачон етаман, қачон дийдорингизга тўяжакман, энажон?!»

14. Арвоҳ — мададкор

Манзили Маҳмуд эмиш олий мақом,
Ул мақомни иста ҳақдин, вассалом...
Ҳақни билсанг, бу олам султонисан,
Билмасанг, ё дев ва ё шайтонисан.

Насимий.

Қорахонийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлмиш Султон Маҳмудхон Арслонхон ўғли ёз бўйи Сиёб соҳилидаги қароргоҳини тарк этмади. Мана, куз сепини йиғиштирмоқда. Ҳадемай қиличини судраб, қорли-қировли қиш келади. Тунлар салқин тортди. Илло Султон кўшкини шаҳристондаги маҳобатли саройга кўчиришни ўйламади ҳам. Бир кун, бир ҳафта бўлса-да, дала-тузни ғанимат билади. Ёввойи гуллар, эркин шамоллар оғушида, оқар сувлар ёнида бўлишни истайди. Бу — инжиқ кўнгил майли эмас, болалигидан қон-қонига сингиб кетган эҳтиёж. Эҳтимол, аждодларидан ўтиб, руҳига эш бўлган меросдир. Раҳматлик қиблагоҳи ҳам, қиш ичи демаса, наврўз келиб бойчечак очилгандан то ола қарға қағиллаб қор ёққунча чўлу биёбондан, қирлар, яйловлар бағридан, шарқироқ анҳорлару арчазор тоғлар қўйнидан бери келмасди. Маҳмудхон ҳам димиқ шаҳар ҳавосидан кенгликларни, юлдузли, ойли кечаларни афзал кўради. Филжумла, қалдирғоч келди, дегунча қароргоҳини Зарафшон дарёси бўйигами, Ургут тоғларигами, Обигарм чашмалари ёхуд Омонқўтон қирларигами кўчиради. Оқ ўтов тиктириб, кийикўти солинган хушбўй қимизни симириб ётади.

Маҳмудхон бу йил Самарқанд биқинидаги Обикўҳак мавзеига саропарда тиктирди. У кейинги уч-тўрт йил ичида қорахитойлару қорлуқлар билан олишавериб зада бўлган эди. Шу боис шаҳардан олислаб кетгиси келмади. Гавҳарим — Самарқанд кўз ўнгимда ярқираб турсин, дея Кўҳак қирида истироҳат этишга жазм қилди.

Ёзни дилхушлик билан ўтказди. Зарафшонда, шоҳона кемачаларда сайр этди. Мезон оёғида Ургут тоғларига айиқ овига чиқди. Қопқон қўйдириб, кичкина айиқ боласини туттирди. Унга ўзича Гўрбола деб ном қўйиб олди. Гўрхон — қорахитойлар хони эди, у Маҳмудхон билан унинг язнаси Санжари мозийни не-не азобларга гирифтор қилмади. Султон Маҳмудхон Гўрхонни бир беозор ҳайвонга тенглаб, гўёки қорахитой хонидан аламини олмоқчи эди. Маҳмудхон дўмбоққина, қўнғир айиқча рўпарасида соатлаб хаёл суриб ўтиради. Пўлат панжарадан олма чўзса, айиқча теҳкари ўгирилади, қафас четига бориб, калласини бутига тиқади-да, ётиб олади. Онда-сонда сув ичади холос. Она дийдоридан айрилганига мотам тутаётгандек уззу-кун ғингшиб, бир бурчакда кўзларини юмиб ётаверади.

Охири малика Ойтуғди Султоннинг ҳузурида тиз чўкиб, ҳайвоннинг савобини тилади: «Бегим, шул ўлжангизни бизга бахшида қилинг. Шўрликка раҳмим келадур, ахир бул ҳам меҳрга зор бир норасида. Гўдакка томоқдин бурун мулойим сўз лозимдур».

Султоннинг ғурури лат егандек бўлди. Илло, суюкли маликанинг гапини икки қилолмади. «Ўзи фарзандидин тириклай айрилиб қақшаб юрибдир, олса-олсин шул жониворни», деб айиқчани ҳадя этди. Мана, неча кундирки, «Гўрхон» бола Ойтуғди бонунинг хос чодири ёнида яшайди. Султон гоҳо собиқ асирини кўргани айланиб боради. Бир куни ажиб манзаранинг устидан чиқди. Малика чўрисифат бўлиб кийиниб олибди. Қўлида кумуш тобоқ. Қафас олдида чўнқайганча айиқ болага меҳр изҳор қилаётир: «Ма, сут ич, дўмбоғим... Кўзларинг мунча ҳам чиройли экан, полвон бола! Бамисли менинг ёлғизим Қутбиддиннинг қора кўзларига менгзайди. Ма, ича қол, ке, аразлама... Қорнинг тўқ бўлса, кучинг кетмайди, худо хоҳласа бир куни озод бўлғайсан. Қайта арчазорингга бориб онаизоринг бирла дийдорлашгайсан, қоракўз! Ма, ич, ича қол...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон бир ҳол бўлиб туриб қолди. Сўнг жоҳилият ичида маликанинг одми рўмоли аралаш сочидан чангаллади: «Ҳм, малика?! Пошшолиқни ўз илкингизга олдингизму? Биздин берухсат бир ҳайвонга озодлиқ ваъда қилиб турибдилар? Ичкари киринг».

Малика тобоқни қафас олдига қўйди. Султон бир тепиб тобоқни тўнтарди. Айиқбола ҳуркиб, қафаснинг бурчагига қочди.

Султон чодирга кириб парёстиққа ёнбошлади. Ойтуғди пастроққа чўнқайди. Анчагача иккаласидан садо чиқмади. Ойтуғди рўмолининг учи билан кўзларини артди. Боши қуйироқ эгилди.

— Сўлланг, маликам! — деди султон қаҳрланиб.

Малика рўмолини бошига танғиб боғлади. Хоннинг бетига тикка қаради:

— Уч кундирки, айиқболанинг онаси келиб уйқумни бузадир. Ҳар куни хуфтон чоғи ўкириб етиб келадир. Сойнинг у бетида туриб фарёд қиладир.

— Боланинг тутқунда эканлигини қайдин билибди?

Ойтуғди кулимсиради:

— Она-да, бегим. Онанинг юраги боласининг исини туяди. Тавба қилдим, неча кундирки, менинг ҳам кўнглим жизиллайди. Қутбиддинимни кўрадиганга ўхшайман. Иншоолло, шу яқин фурсатда ёлғизимнинг дийдорига тўйганман, деб умид қиламан...

Рафиқасининг «осий ўғил»ни тилга олгани Маҳмудхонга ёқмади.

— Ундай ўғил йўқ энди. У сиздин, биздин воз кечиб қаландар бўлиб кетган. Хўш, тунда уйқунгиз бузилаётган бўлса, айиқболани оттириб ташлайман.

Ойтуғдининг ранги бўзарди.

— Бегим, агарда бу норасида жонворни маҳв этсангиз, пушаймон бўлғайсиз. Унда маликангизга ҳам... видо айтинг...

Султон йигирма йиллик ёстиқдошидан бундоқ куфрона сўзни кутмагандек, бир лаҳза ажабланди. Сўнг аста бўксасини кўтариб чордона қурди.

— Муборак сўзларини такрорласинлар, маликам, — деди султон кафтини қулоғига қўйиб, — бу гўшаи бехабар не деганингизни тузук англамади чоғи...

Ойтуғди киприк қоқмай гапини қайтарди:

— Мабодо бегим бир бегуноҳ жонзотни жонидин жудо этсалар, суюкли маликасидин ҳам айрилган бўладилар. Сўзим — сўз.

Маҳмудхон Ойтуғдининг феъли хўб билади. У Султон Санжарга беҳад хизмат қилган шавкатли баҳодир Бўркиёруғ амирнинг эрка қизи эди. Ойтуғди чавандозликда, камон отишда йигитларнинг ҳавасини келтирса, назокатда, аёллик латофатию шакаргуфторликда бўйсира қизларнинг ҳасадини қўзғарди. Султон бир сафар унга жориядек муомала қилди. Ойтуғди индамади, ўғлини, канизакларини олиб Марвга кетиб қолди. Маҳмудхон орага язнаси Султон Санжарни қўйди. Ойтуғди, «Жаноб Маҳмудхонга айтинглар, аввал малика бирла жориянинг фарқига борсинлар, андин сўнг аҳли аёлини талаб этсинлар!» деди. Султоннинг ўзи бош солиб Марвга борди, Ойтуғди билан ёш Қутбиддинни узатиб қайтди. Шу-шу, рафиқасининг ройишига қарарди. Бугун тағин ўтган ишни унутди.

— Маликам, бундин чиқди, шаръий эрингизни азми-қароридин сизга бир ёввойи маҳлуқнинг жони азиз экан-да?

— Йўқ, бегим. Эринг — пиринг, демиш машойихлар. Магарки, ул зот пирим экан, муборак қўлларини беҳуда қонга бўямасинлар. Ҳали дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган бир жонворни қатл этиб, не муддао топқайсиз?

— Мен сизнинг тинчингизни ўйлайдирман.

— Қуллуқ, бегим. Менинг тинчимни ўйлайдирғон эрсангиз, анинг жонини менга бағишланг. Ахир бу айиқбаччани бизга ҳадя этдингиз. Ҳадя қайтариб олинурми?

Султон Ойтуғдининг мантиқли сўзлари олдида тағин таслим бўлди.

— Хўп, ана бағишладик, — деди мўйловини силаб, — не қилсангиз, ихтиёрингиз.

Ойтуғди ўрнидан туриб султонга таъзим қилди.

— Сиз бир норасида гўдакнинг ғамини еган бўлсангиз, Оллоҳ таоло Сизни даргоҳида ёрлақасин, бегим...

Кечаси Маҳмудхон қий-чувдан уйғониб кетди. Туя жунидан қавилган пардай енгил, иссиқ кўрпани тепиб ташлаб қаддини ростлади. Ҳозиргина

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрган тушини ўйлади. Юзига фотиҳа тортди, «Астағфируллоҳ» деб қўйди. Тепага қаради. Саропарда чанғарағидан кумуш ой шуъла тўкиб турарди. Шу пайт тағин ҳай-ҳайлаган товушлар эшитилди. Олисдан буқа наърасидек бўғиқ сас келди. Султон аста турди, қарс урди. Ҳеч ким кирмади. У эгнига жун чакмонини, оёғига тиллакори кавшини илди, бошига сувсар бўркини қўндирди. Ташқари чиқди. Эшик олдида икки соқчи калла осилтирганча донг қотиб ухлаб ўтирарди. Султон уларнинг биқинларида ётган найзаларини олиб улоқтириб юборди. Маликанинг чодири эллик қадамча нарида эди. Икки-уч кишининг қорасини кўриб шу тарафга юрди.

Сутдек ойдин. Чор атрофда канизаклар куймаланиб югуради. Ойболта кўтарган бесўнақай кимса сой томонга чопади. Ҳадеб, «Маликам, Маликам, борманг, ул маҳлуққа ем бўлғайсиз!» деб бақиради.

Султон мулозимлар йўртаётган адрга қараб пастлади. Юз қадамча юриб тўхтади. Қўҳак сувининг нариги бетида уч яшар буқадек келадиган қоп-қора айиқ турар, ҳадеб олдинги оёқларини ҳавога кўтариб ўкирарди. Султон яна илгарилади. Қўзи Ойтўғдига тушди. Маликани бир тўп жория аёллар қуршаб олган, ёнида қилич, сўйил кўтарган навкарлар. Малика бошяланг. У она айиқдан кўз узмай тикилиб турибди. Айиқ тўхтовсиз ўкиради, гўё интизор бўлиб бировни чорлайди. Нола қилади...

Бир замон у соҳил томон талпинди. Сувдан айиқ бола сузиб чиқди ва бир-икки силкиниб онаси томон отилди. Она айиқ лапанглаб келиб боласини қучоқлади, ерга думалатиб суйди, эркалатди, сўнг соҳил тарафга қараб чўзиб ўкирди-да, кўз қароғини олдига солганча тоғ ичкарисига кириб кетди. Малика овози титраб уларнинг ортидан мунгли дуо қилди: «Илоё, онангни топганинг рост бўлсин, айиқча! Уф... Эй тангрим, ҳеч ким бу дунёда жигарпорасидан айрилмасин, ҳеч ким волидасидан жудо бўлмасин экан... Ёлғиз ўзингга сиғиндим, ўзингдин ўзга суянчиғим йўқ...»

Маликанинг титроқ товуши султоннинг ғашини келтирди. У дарҳол изига қайтди. Кираверишда соқчилар ҳамон ҳуррак отиб ўтирарди. Султоннинг жаҳли чиқди. Икки соқчини тепиб ағдарди.

Ичкари кирди.

Султоннинг бедорлигидан хабар топдими, изн сўраб офтобачи кирди. У чодирнинг тўрт тарафидаги тилла шамдонларга ўт қўйди. Ой нурида нимяшил бўлиб товланиб турган ипак чодир афсонавий жило касб этди.

Офтобачи пойгакка бориб тиз чўкди, қўлларини қовуштириб фармон кутиб ўтирди. Султон оғиз очмади. У ўз хаёли ила банд, сийнаси жизиллаб тонготарда кўрган тушини ўйларди. Тушига қиблагоҳи кирибди. Раҳматли, фалажи бедавога йўлиқиб жон таслим қилган эди. Ҳамон тахтиравонда эмиш. Сўнук кўзларини Маҳмудхонга тикиб, базўр тилга келиб дермиш: «Ўғлим... маишат деб раиятни унутдинг... Ул нечук табибдурки, беморини сўроқламаса... Сен нечук султон бўлдингки, магар фуқаро ҳолидин хабар олмасанг. Эл кезмайсан, бозор ораламайдурсан... Жамоат бирла ибодат қилмоқни тарк этдинг, Қуръон тиловат этмайдирсан... Кўзингни оч, болам, борар боғингни ўйла...»

Султон бир сесканди. «Борар боғингни ўйла...» Отаси тонгла маҳшардин огоҳ қилаётган эди. Бу ишора уни арши аълодан заминга қўндиргандек бўлди. Дарвоқе, султон кейинги вақтларда кўнгил хоҳишига эрк бериб, атроф жавонибда не ҳодисалар содир бўлаётганини назардан қочирди. Омоч суриб дон сочаётган деҳқоннинг отизини кўрмаганига қанча бўлди? Қорахитойлар босқинидан кейин муаззам Самарқанд бозорига оёғи етдими? Қабристону қадамжоларни сўнгги бора зиёрат этгани қачон эди? Ҳатто Имом Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг марқабига бош урмаганига ҳам бир йилдан ошибди. Аслида, ул зоти шарифнинг ҳоки пойлари қўл чўзса етгудек ерда, қадим Суғдикентда сокин бўлмиш. «Инсофли кимсанинг юмуши эрмас бул ишим. Арвоҳлар сўзи тирикларга васият. Фарзу суннатни, вожибул илоҳийни фаромуш этибдурман. Биздин осийлик кечди, падари бузруквор, иншоолло, руҳингизни минбаъд безовта қилмагайман. Тавба-тазарру ичра ўртанадурман, қиблагоҳ.»

Султон пориллаб ёниб турган билакдай йўғон, ярим газлик заъфарон шамларга бир-бир разм солди, дилини ўртаётган надомат, афсус, тавба оташи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га уларда ўхшашлик топди. Ичида истиғфор айтиб, «Фотиҳа» сурасини ўқиди, кафтларини юзига суртди. Унга тақлидан офтобачи ҳам дуои фотиҳа қилди.

Шоҳи пардани ёриб, қора қуюндай бўлиб Қарчиғай баҳодир кирди. Унинг бўйи салкам уч газ келар, султон қароргоҳидаги посбонлар сардори эди. Қарчиғайнинг ранги-қути ўчиб кетган, қалмоқ башарасида қон йўқ, ола кўзлари бежо, гўёки ҳозиргина одам ўлдириб келган қотилдек ҳансирарди.

Қўрчи боши икки букилиб таъзим қилди. Гулдиракдай овози хириллаб, тилга кирди.

— Султоним, бир қошиқ қонимдин кечсинлар... Ул итдин тувғонлар ўхлаб қолибдир. Ҳозир иккаласининг-да кетига тепиб оғочга бойлатиб қўйдим. Амру фармонингизга мунтазирман. Бошларин кес, десангиз ўз илким бирла кесгайман, токи ўзгаларга ибрат бўлғай... Ҳай, ҳаромзодалар-е! Олампаноҳ амр этсалар...

Қарчиғайнинг бўғзидаги гапи оғзига етмади.

— Аларни тиряланғоч қилиб сувга пишинг, — деди султон хотиржам товушда, — андин сўнг сакбон этиб қўйинг.

Соқчилар сардори аввало қўриқчиларнинг, қолаверса ўзининг зилдай гуноҳини бўйнига олиб зир титраб турарди. Султоннинг нечун марҳамат қилганини англамади. Ҳозиргина Маҳмудхон қиблагоҳининг арвоҳи олдида тавба-тазарру келтириб, кўнгли шамдай эриб турганини у қайдин билсин?

Қарчиғай баҳодирнинг жони товонига тушган эди, қайта тиззасига кўтарилди. Ичида Ҳақ Таолога шукрона келтириб, таппа ерга юкинди.

— Умр бўйи содиқ қулингизман, ҳазратим...

Султоннинг овози қулоқларига ёқимли эшитилди:

— Боринг, аркони динни уйғотинг. Бомдод номозини қалъада, Жомеи кабирда ўқимоқни ният қилдик.

Қарчиғай ирғиб туриб тисарилди. Офтобачи ҳам оёққа қалқди.

— Мустаҳаб, — деди султон қисқагина. Офтобачи ёнбошлаб эшикка юзланди.

Сал фурсатдан сўнг сув бўйидан Қарчиғайнинг ўдағайлаб бақиргани қулоққа чалинди:

— Жонларингни тилаб олдим, валатизинолар, энди менинг оёғимни ўпсанглар ҳам оз! Юз дирҳамдан ақча чўзадиган бўлдинглар, андин сўнг истаганларни сакбон этиб ит боқдирурман, истамаганларнинг кетига тепиб-тепиб ҳайдайман, ў, энағарлар!!.

Хоннинг хос соқчисини сакбон — итбоқар этиб қўйиш мисли кўрилмаган ҳақорат эди. Аммо юз дарра еб майиб-мажруҳ бўлиб қолгандан кўра юз дирҳам товон тўлаб сакбон бўлган авлороқ эди. Соқчилар Қарчиғайни биринкетин дуога кўмиб, унинг шартига розилик билдирдилар.

Қўрчи бошининг риёкорлиги султоннинг ҳил-ҳил эриб турган иссиқ бағрига ях бўлиб тегди. «Иймони йўқ анинг, — уф тортди Маҳмудхон, — водариғ! Наҳот бу фоний дунёда ўзингдин ўзга бир маҳрами содиқ топилмаса?! Ул бетавфиқни не қилмоқ даркор? Ғофил соқчиларга қўшиб ани ҳам сакбон этаймму? Каззобдир ул, ал-каззоби ло-уммати[1], дебди қодир худойим. Асли бу дунёда дўст топмоқ душвор экан, эй парвардигори азим!..»

15. Заққум дарахтининг меваси

Қуёш ботса, ўкинма, эртага у тонгни бошлаб келади.

«Овеста»дан

Чархи кажрафторнинг ишлари қизиқ экан. Гоҳо худнамолик билан бошланган юмуш рўшнолик билан тугайди, ва билъакс, яхшилик, шодмонлик ваъда қиладиган кун маъсият, ғамгузорлик бирла итмомига етади.

Султон Маҳмудхон субҳи содиқда аркони дин ҳамда умарою фузалони

---

[1] Ал-каззоби ло-уммати — ёлғончи умматим эмас. (Қуръон).

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабатига олиб, оқ тулпорига минганда кўнгли сунбула сувидек тиниқ эди. Кечга бориб кўнгли вайрон бўлди, уззукун вужудини балқитиб турган хушнавозликдан асар ҳам қолмади.

...Маҳмуд тамғачхон асъасаю дабдаба ила йўлга тушди. Олдида муждачилар «Хон Ҳазратлари Самарқанди зебо» сари ташриф буюраётганини хабар қилиб, от чоптириб кетдилар. Сиёб соҳили энди уйқудан уйғонган. Икки тарафи ларзон шохли дарахтлар ила зийнатланган тор кўчаларда эшак аравалик, хачир аравалик деҳқонлар учрайди. Бу аравачалардаги мевасаватлар остида куз мевалари ялтирайди. Деҳқон бозорга ошиқади, тонг бўзармай тирбанд Самарқанд растасидан жой эгаллагани маркабини чучулайди.

Шаҳарга яқинлашган сари Султон Маҳмудхоннинг юраги тез-тез ура бошлади. Тағин ота арвоҳини хотирлади, дилида такбир айтди. Жомеи кабир олдида йиғилажак оломонни кўз олдига келтирди. «Орий рост, биздин беандишалик ўтибдир, шаҳристон аро кириб, жамоат бирла номоз адо этмаганимизга худ бир ой бўлибдир. Маъракадин йироқда қолғон мўъминга тақлид қилибмиз».

Султон Самарқанднинг сув сепиб супурилган ораста кўчаларига қадам босганда кошинкор, мусаллодек тик миноралар ичидан муаззин товуши эшитилди:

— ...Ашъаду ал-ла илоҳа-а, иллоло-оо-о!

Ашъаду ал-ла илоҳа иллоло-о-о!!.

Ёвуқдаги янгроқ сасларни олисдаги бўғиқ, ўктам даъват тасдиқлади:

— Ҳаййа ала-с-солаҳ! Ҳаййа ала-с-сола-аҳ!..

Султон саҳобалари жоме масжидига бурилдилар. Кўчаларда одам қалинлашган, «Пўшт, Пўшт!» деб йўл очиб бораётган қўрчибошининг ҳайбатидан чўчиб, фуқаро деворга қапишади, қўлларини қовуштириб, оқ бедов устида ҳар ёнга виқор ила боқиб келаётган Султон Маҳмудхонга таъзим бажо қилади. Султоннинг эгнида яшил мовути чакмон, бошида имоми Аъзам мазҳабидаги шайхлар дастури ила ўралган чақмоқдек салла. Дастор пешида Бадашхон лаъли порлайди. Султон ҳар сафар икки ёнига ўгирилиб фуқароларининг саломига алик олганида ёқут ялт-юлт ёнади, кишилар кўксида ҳавас, кин, киноя, фахр, адоват ва тағин нечукдир бетафсир туйғулар уйғотади.

Йўл бўйи қувраган оғочдек тизилиб турган эгни юпун, оёқяланг кимсаларни кўриб, Султоннинг кўнгли эриди. Садақа бермакни ихтиёр этди. Чап ёнбошига ўгирилиб кимгадир им қоқди. Отини ниқтаб хазинабон ёндошди.

— Аларга бизни номимиздин садақа беринг, — деди Султон, — ҳаққимизга дуо қилсинлар.

Хазинабон узангига оёқ тираб от устида юксалди.

— Эй мўмину мусулмонлар! Ҳазрати олампаноҳ шул қутлуғ субҳи содиқда жаннатмонанд Самарқанд сари қўйғон муборак қадамларини хайри эҳсон қилмоқдин бошладилар! — деб ҳайқирди, — Эшитмадим деманглар, Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноблари мурувват айлаб, фуқароларига хайри садақа тарқатадилар!!!

Хазинабон қўйнидан оғзи бурмали халтача олиб тугунини ечди ва атрофга сиқимлаб дирҳам соча бошлади. Қадди дуто халойиқ бир-бирини босиб-янчиб ерга ёпишди. Хазинабон масжидга етгунча тўрт халта кумуш ақчани улаштирди. Бешинчи халтачани Султондан яширириқча ўғри чўнтагига урди.

Самарқанднинг улуғвор, мунаққаш жоме масжидида бомдод намозини адо этиб, Султон Маҳмудхон тағин отга минди. Аркони давлат ва ҳукамолар қуршовида шаҳар оралади. Қушхоналарни, расталарни, устахонаю мадрасаларни кўрди. Қусам ибн Аббос шайх турбатини зиёрат қилди. Кун кўтарилганда чорбозор олдида отдан тушди. Отаси раҳматли бир гапни мудом такрорлагувчи эди». «Такаббур бўлсанг, мозор кез, болам, ғофил бўлсанг — бозор кез. Бозор кўзга ором, мозор кўнгилга таскин беради».

Бисмилло, деб қўша дарвозадан ичкари ўтди. Ўтдию «Мошооллоҳ!» деб беихтиёр тўхтаб қолди. Меҳржоннинг оёғи, ҳадемай Самарқанднинг қаҳратон қиши келгай. Илло бозор дошқозондек қайнайди. Ҳа, Самарқанд бозори мағрибу машриқда машҳур эди. Бу ерда Ўрусиядан келган мўйнафурушларни, қашқарлик заргарларни, Дашти қипчоқ от жаллобларини, Шому ироқдан оёғи етган тужжорларни учратиш мумкин. Самарқанд бозорини пиёда кезгувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

кишининг бир кунлик вақти кетар, даста-даста расталар, турфа хил «...фурушонлар» сони мингдан зиёд эди. От бозор, қўй бозор, баққоллик, баззозлик, қулбозор, атторлик, чилангарлик, қушбозлик, сабзаворлик, мевафурушлик, овчилик, дурадгорлик, аллофлик, терифурушлик, саҳҳоблик... Ғала-ғовур, урсур, ол-ол, бер-бер ила машғул оломон орасида олам яралгандан бери бировнинг ризқини қийиб ё бировга насиба улашиб юрган юзлаб, эҳтимол минглаб касбу ҳунар эгаларини учратиш мумкин эди. Косиблар, мерганлар, айғоқчилар, дуохонлар, қароқчилар, табиблар, девоналар, даллоллар, кароматчилар, бахшилар, ўғрилар, майхўрлар, майфурушлар, қизиқчилар, садр тушувчи маддоҳлар, тобуткашлар, сорбонлар, ўтинчилар, морбозлар, моховлар, баччалар, сатанг аёллар, қўшмачилар, хожасаролар... Бозорнинг тили ҳам анвои, бир лаҳза ўрталиқда тўхтаб қулоқ тутсанг, ҳар ким гўё ўз тилида чулдираётган қушларни эслатади: чигил ҳам шу ерда, тотор ҳам, сорт ҳам шу ерда, пирсиён ҳам, қорахоний турк ҳам, қорлуқ ҳам, ажаму аъробий, нўғой, яҳудий, қипчоғу қўнғирот, қийиқ кўзлик чин-мочинлар, кунгур телпакли қашқарлик, ширин забон мўлтони, бижилдоқ маззанг, шишакўз ўрис, қоғозни «когаз» дегувчи чучук тилли озарий...

Султон Маҳмуд сайрни сабзаворликдан бошлади. Димоғига гуп этиб намхуш, муаттар ис урилди. Омухта чечаклар, кўкатлар ичидан жамбил райҳон ҳиди алоҳида ажралиб турарди. «Самарқанд райҳонини искаган майит тирилур», деб ўйлади у растага разм солиб. Султонни таниб, аллақачон ўринларидан ҳадик ва умид аралаш ирғиб турган тармевачилар хонга толсаватда турфа кўкатлару ифор ҳидли гуллардан пешкаш қилдилар. Маҳмудхон растама-раста ўтиб, бозор ичкарисига кирган сайин кўнгли сармаст бўлиб, завқиёб ҳисларга тўлиб борар, шундоқ маъмур ва муаззам бир ўлканинг якка соҳиби эканлигидан ғурури кўк гумбазидек юксаларди. Беихтиёр султон хаёлига аъробий шоир Абулфатҳ Бустийнинг ажиб байти қанот қоқиб келди. Бустий демишки, «Ан-нос фи ажр аҳм жинна ва жинна ал-дунё Самарқанд» [1]. Султон илкидаги бир туп райҳонни искаб, ён-верига аланглаб боқди. «Алҳамдулиллоҳ, жаннатмонандсан, Самарим, Самарқандим! Илоё, сенга кўз тегмагай, сенинг ҳуснингга кўз олайтирганларнинг кўзига чўп тушсин, роҳатинг ҳам, заҳматинг ҳам ўз улусингга буюргай...»

Заргарлик билан атторлик дўконлари орасида султон ғаройиб манзарага дуч келди. Қабр тошидек улкан ҳарсангда жулдур чопон кийиб, белига зуннор боғлаган ҳабашдек қоп-қора, барзанги бир кимса ўтирарди. Сочлари патилапатила. Олдида тимқора кашкул, бўз дастурхон. Бу мажнунсифат ғайридин йигит зоҳиран ўзаро хилоф, бемаъни сўзларни айтиб бақирарди:

— Ассалом ҳам, алвидо ҳам инжост, шул ердадир! Туркни кулдирган нимарса ажамни йиғлатур, билъакс, ажам кулганда турк гирён айлар! Деҳқон экиб олти ой кутгай, менинг экканим олдимда униб чиқади! Шак келтирсанг, ўнгимга кел, ўнгимга!..

Султон чап ёнида титраб-қақшаб турган муҳтасибга юзланди:

— Бу ғайридин ким?

— Кашмирий мусофир, олампаноҳ, — деди муҳтасиб эгилиб, — ани кашмирий девона ҳам дерлар. Ром очиб, фол кўриб бир бурда нон илинжида...

Маҳмудхон индамай икки одим олға юрди, сўнг ромчининг сирли сўзи ёдига тушиб тўхтади. «Ассалом ҳам, алвидо ҳам инжост, деди. Нечук тирикликнинг ибтидоси бирла интиҳоси бул куффорнинг ўтрусида бўлғай?»

Султон кашмирийга чимирилиб қаради:

— Эй мусофир! Менга фол кўр, андин сўнг ассалом бирла алвидо таърифин сўйла!

Куффор хоннинг афтига узоқ тикилди. Ўзича нелардир деб пичирлади. Биқинидан кафтдек кўзгуча олиб қаради. Бир сиқим ялтироқ тошчаларни дастурхонга сочиб юборди.

— Сени бўл ерга отанг чорлади, — деди тошчаларга боқиб, — бугун кўкрагингда мана бундайин (у тагидаги харсангни шапатилаб қўйди) тош бор эди, ана энди ул тош эриди. Илло оқшом келиб ул тош қайта ичингга киргай.

---

[1] У дунёда одамлар учун жаннат бор, бу дунёнинг жаннати эса, Самарқанддир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзимдин қаҳрлансанг — каллам дорга етгай, шул алвидо менга! Башоратим ўнгидан келса — қайта кашмирийни соғиниб келурсан, шул ассалом менга!

Султон сесканди.

— Тош не бўлғай, мусофир, ани... ким эритур?

— Жоҳилиятдин қолғон ривоят бордирки, кун ботса, йиғлама, эй ғофил, ул тонгла оламни қайта мунаввар қилғай... Оқшом сенинг кўксингга қўноқ бўладирғон тошни сўз эритгай...

Кашмирий дастурхондаги тошчаларнию кўзгусини йиғиштирди.

Султон мутаасир бўлиб туриб қолди. Киссасига қўл уриб бир динор олдида, кашмирийнинг олдига ташлади. Ромчи тилла тангага менсимагандай кўз ташлади, сўнг уни айлантириб томоша қилди. Хунук илжайди.

— Ҳозиргина экканим кўз ўнгимда униб чиқди...

Шу пайт бир сават нон кўтариб нонвой ўтиб қолди. Ромчи саватдан икки нон олиб тилло пул чўзди. Новвойнинг кўзи чиқиб кетди.

— Ол, кашкул ҳаром бўлмасин, — деди кашмирий, — минг тиллодин бир бурда нон авло. Бу дунёнинг чиройи ҳам, чинори ҳам бир бурда нон деб юрибди.

Мусофир девонанинг гапи «чинор» султонга наштардек ботди. Аммо у дамини ичига ютиб умарою уламоларни эргаштирганча бозор этагига қараб кетди.

...Султон Кўҳакдаги қароргоҳига етиб келганида аср намози вақти бўлган эди. У сафарда юрган кимсадек енгилгина тўрт ракаат намозни адо этди-да, пар болишга ёнбошлади. Тўсатдан кайфияти бузилди. Кўнглига ёнбошидаги бахмал гулли лўла болишдек тош чўкди. Хаёлига лоп этиб кашмирийнинг гапи тушди: «Оқшом ичингга тош киргай... бул тошни сўз эритгай...» Бу сирли каромат маънисини ўйлаб анча ётди. Кутишдан ёмон нарса йўқ экан. Хавфу хатарнинг ўзидан кўра унинг ҳадиги ёмонроқ, деб алломалар бежиз айтмаган эканлар. «У нечук тош эканки, оқшом ичингга киргай?» Маҳмудхон хурофотчи эмас эди, динга ҳам мутассибларча қаттиқ кўнгил бериб, хуруж қилмас, ўзидан аркони динни бездирмаслик учун фарзу суннатни астойдил адо этган киши қиёфасида юрарди. Аммо... барибир, қаттол жанг олдидан қон исини туйган жанговор суворийдек дили потирлаб, кўксини тешиб юборадигандек ўйноқлайди. «Лафзи девонада, бир ҳовуч тошга боқиб оғзига келганини валдиради-қўйди», деб ўзини овутишга уринди. Бўлмади. «Ахир сени отанг чорлади», деб турибди. Каромат қилди. Кеча оқшом чўчиб уйғонганимни, туш кўрганимни не билди у кашмирий?» деган изтироб баттар юрагини бурғилади.

Ётган ерида қарс урди. Эшик оғаси кирди.

— Қимиз келтиринг. Маъжун бирла.

Эшикоғаси билан баковул икковлон тилла баркашда ғоз эти, пўлотий оби нон, бир чинни кўзачада қимиз, шунга лойиқ маъжун келтирдилар. Султон маъжундан мўлроқ қўшиб, бир чинни коса қимизни сипқорди. Юрагининг куйгани бир сония босилгандек бўлди. Этдан газак қилди. Сал ўтиб маъжун кучини кўрсатди. Бадани жўшди, вужудини қамраб олган хавотир чекилгандек туюлди, шуурига тағин ўктамлик, ёвқурлик, шаффофлик қайтди.

Иккинчи коса қимиз султонни тамом сархуш этди. У ёнбош уриб пинакка кетди.

Уйқудан дили сиёҳ бўлиб уйғонди. Номози дигар ўтибди. «Салотга ҳам турғизмабди лаънатилар!» деб мулозимларидан ўпкалади, сўнг маъжун ичганлигини эслаб, хижил бўлди. Юрагида ҳамон қора тош чўкиб ётарди.

Қўрқа-писа эшикоғаси мўралади. Султоннинг ўрнидан туриб ўтирганини кўриб оҳиста бўсаға хатлади.

— Ҳазратим, бир мусофир изн сўраб турибдир...

— Ким экан? — деди султон ҳамон ғафлат ичида.

— Яссидан эмиш. Хон жанобларига топширадирғон омонатим бор, дейдур.

«Ясси»ни эшитиб, Маҳмудхон хушёр тортди. Яссида лочин ўғли — Қутбиддин бор. «Наҳот ўғлидин бир мужда келтирган бўлса?»

— Кирсун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикоғаси тисарилиб чиқди. Сал фурсатдан кейин чувак юзли, мулланамо ориқ йигитни бошлаб кирди. Бу Мавлуд қори эди.

Қори дарҳол чўккалади. Султон ҳаққига дуо қилди. Сўнг қўйнига қўл солиб, хатчўпга бекитилган ўрама қоғоз олди. Қўш қўллаб султонга тутди.

— Не бул? — деди қовоқ солиб хон.

— Мактуб, шоҳим. Муни Соброн уламолари битмиш. Султонимизнинг ўз илкина топшир, деб амр этдилар.

— Ўзлари ким бўладилар?

Қорининг жавоби тайёр эмас эди, чайналди. Сўнг Ашрафхон қозининг пандини хотирлаб, бидирлади:

— Фақирингиз бир тужжорман. Туркистон диёридин Бухорои шариф сари тижорат ила йўлга чиқиб эрдим. Муҳтарам зотларимизнинг ўтинчларина йўқ дегани тилим бормади...

Султон хатни қабул қилиб қорининг афтига зимдан қараб қўйди. Мусофир йигитнинг довдираб турганини каззобликка йўймади, салобатим босди, деб ўйладими, «Сизга ижозат», деб рухсат берди. Мавлуд қори осон қутулганига суюниб, шарпадек дарҳол чиқиб кетди.

Султон хатчўпни беписандлик билан очди. Мактуб икки вараққина эди. Биринчиси йирик-йирик ҳарфда, ниҳоятда хунук хатда битилган. Маҳмудхон хат бошидаги урфий мадҳу санони ташлаб ўртароққа кўз югуртирди. «...баъдаз, Сиз жаноби олийларининг Соброн музофотида истиқомат қилгувчи мўмин фуқароларингиз Султонимизнинг шаён-шавкатларига соя тушмасин, деган қутлуғ ниятда мазкур номани битмакдамиз. Сиз пирим деб қўл берган шайхингиз салтанатингиз душмани бўлмиш Ҳоразмшоҳ Отсизнинг валиаҳди Абулфатҳга меҳр кўргузиб, ани дуои хайр ила масрур этиб турибдир. Кўзингизни оқу қароси шаҳзода Қутбиддин фарзандингиздин тирик жудо этгани камлик қилдиму? Шайхнинг бул йўсун муҳаббатномасини биз уламо аҳли аввало етти иқлим ияси Султон Санжари мозий, дуюм, сиздек олийҳиммат тақво соҳиби Султон Маҳмудхон хонадонига бўҳтон деб билгаймиз. Сўзимизнинг далили тариқасинда Қул хожа Аҳмад шайхнинг ўз дасти панжи ила битилган иншони қўшиб юбордик. Зора, Оллоҳ мададкор, Ҳақ Мустафо ёр бўлиб, Сиз жаноби олийлари пирингизнинг мунофиқона кори асроридин огоҳ бўлсангиз. Дуои жонингизни қилиб, тожу тахтингизга кушойиш ва давлатингизга баракот тилаб, Соброн қозию қуззотларидин деб билгайсиз. Вассалому биссавоб».

Аҳли уламонинг зикрича, иккинчи мактуб Шайхул-машойихники эди. Маҳмудхон бу хатни жиндак ажабсиниб ва дилида андак ғулув билан қўлига олди. Аввал майда, равон ёзувга тикилиб қолди. У Султони орифиннинг дастхатини илк дафъа кўриб туриши эди. Хатдан шайхнинг нафаси, руҳияти уфургандек бўлди. Негадир сесканди. Тўсатдан чиройли митти ҳарфларга жон кирди, улар бир-бирини қувиб ирғишлади. «Нун» — кумуш ҳалқачаларга айланди, «син» ўткир тишли аррага, «алиф» узун ирғай таёққа эврилди, зиғир уруғидек нозик нуқталар эса қора юлдузчалардек чодир ичра парвоз айлади...

Султон хаёлини йиғиштириб қоғозга тикилди. Шу пайт беихтиёр бармоқлари титраётганини сезиб қолди. Бадани қизиди. Калима келтирди. Сўнг ўзини зўрлаб номани ўқишга тушди. Мактуб мухтасар эди: «Муридимиз шаҳзода Абдулфатҳ баҳодирхонга. Дини ислом сарҳадларини кенгайтириш йўлида чеккан заҳматларингиз[1] ажру савобини бир куни яратганнинг ўзи буюргай. Вале, фаромуш этмангки, каломи шарифда, динда зўрлаш йўқдир, дейилмиш. Парвардигори олам, инсон зоти табиатан ўта золим ва ношукур бўлишини айтиб, сизу бизни зулмдин ҳазар қилмоққа чақирадир. Зероки, кимнингки сийнасига Оллоҳнинг шафоатли нури етган эрса; бас, ул ўз ихтиёри ила мўминликка муқтадо бўлғай. Илло қилич силтаб бош кесмакка ҳожат йўқдур. Қон иси келиб турган ерда ҳаёт чечаги кўкармас. Сиз Султони Санжар мозий одамларидин шиква-шикоятлар айлаб, ҳаққингизга дуои хайр тилабсиз. Санжарийларга-да, ҳоразмийларга-да бир ёмон гапимиз бор: сизлар кўп кулмакни ихтиёр этасизлар. Парвардигори олам, «ф-ал йазҳику қалилан»,[2] дебдур-

---

[1] Хоразмшоҳ Отсизнинг ўғли Абдулфатҳ исломни жорий этиш баҳонасида Сайхун этагидаги Жанд мавзеида кўчманчи ўғузлар билан жанг олиб борарди.

[2] «Бас, оз кулсинлар!» (оят)

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Бул муборак оятнинг мағзини обдон чақиб вужудингизга тафаккур айланг, ўғлим. Ўз юртини пора-пора қилиб талашиб ётган бир ватан фарзандларига васият-хатим шулдир.

Байт: Сени қўймас ажал ҳаргиз неча ҳукминг равон бўлса,
Ҳукумат бирла оламни агар зебу забар қилсанг.

Сизга лавҳу маҳфуз эгаси инсофу тавфиқ ато этсун. Шайх қул хожа Аҳмади Яссавий».

Султон мактуб сўнггидаги шайх муҳрини томоша қилди. Бўталоқнинг кўзидай бежирим, тимқора муҳр ўртасидаги доирада «Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий» деган битик ўйилган, гардишда эса Яссавийдан бурун ўтган ўнта улуғ Аҳмадларнинг исмлари дарж этилган эди. Султон Аҳмадларга ҳам паришон ҳолда кўз югуртирди, бироқ бир шайхнинг номидаги ғалатни пайқамади. У тасаввуф илмидан дуруст хабардор бўлганида ва зийраклик қилганида бу ғалатни сезар, оқибатда пушмон ўқларига гирифтор бўлмасди. Афсуски, Маҳмудхон аксар фотихлар сингари қилич-камон илмида моҳир, лекин исломий илму ҳолда нотавонроқ эди.

Маҳмудхон заранг косадан анор сувини симириб, бироз тин олди. Уламолар «Шайх Маккаи Мукаррама сари азимат қилди, яқин фурсатда қофиласи бирла Самарқандга етиб боргай», деб хабар берибди. Султоннинг кексайиб бораётган қалби бир туғён урди. «Магар Шайх биз тарафга ташриф буюрса, эҳтимолки, ўғли Қутбиддин ҳам қўшилиб келар. Ахир, мана учинчи йилдирки, валиаҳди Ҳазрати Султон даргоҳида муридлик мақомида юрибди. Гўёки, шаҳзода эмас, дарвиш, қаландар, жанда кийган таркидунёчи...»

Султоннинг кўз ўнгида илк зиёрати жонланди. Бундан икки йилу икки ой муқаддам, мезоннинг қоқ ўртасида Маҳмудхон Шайхул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий жанобларини тавоф этгани Самарқанддан Ясси сари отланди. Қабатида содиқ амирлари, хос надимлари, хешу ақраболари, Самарқанду Бухоро садрлари, уламою фузало, қозию қуззот... Хайр-эҳсондан ҳам мўл олди. Нияти — наинки мулки Туркистон, Шому Ироқ, Хуросону Румо, ҳатто оқ Эдил бўйларигача довруғи кетган авлиёлар сарвари, чилтонлар суҳбатдоши, ғайбу шаҳодат соҳиби Султони орифинни зиёрат қилиш, унга қўл бериб мурид бўлиш, дуосини олиб, доруссалтанатига равнақ ва баракот сўраш эди. Тоғаси, етти иқлим фотиҳи Султон Санжар Яссавий тариқатининг мухлиси эди. Ҳазрат билан мактубот алмашлаб турар, Шайхнинг насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглар эди. Маҳмудхон зиёрати туфайли тағойисини ҳам ризо қилмакни ўйлади ва саратон жазирамасини ўткариб йўлга чиқди. Суюкли малика Ойтуғдидан бўлган ёлғиз ўғли Қутбиддинни ҳам қаторига олди. Тахт вориси бўлмиш Қутбиддинга авлиё бобоси оқ фотиҳа берсин, деб умид қилди.

Бир ойга яқин йўл босиб, айни қовун пишиғида Яссига етиб бордилар. Маҳмудхон Ҳазрати Султонни илк даъфа кўриши эди. Шайхнинг этагини кўзига суртиб тавоф қилди, пирим деб қўл берди, хазинасини аямай совурди. Бир ҳафта хизматида турди. Ўғли Қутбиддинни Ҳазратнинг оёғига йиқди, бул навжувонга иршод беринг, умрига камол тиланг, илоё қорахонийлар салтанати то абад шавкатдан, музаффариятдан маҳрум бўлмағай деб ўтинди.

Хусусан Қутбиддин Ҳазратга қаттиқ боғланиб қолди. Султон Маҳмудхон тасарруфидаги вилояту туманларни кезиб, ҳокиму ҳукамо билан мулоқотда юраркан, Қутбиддин қалъадан бир одим чиқмас, муттасил Шайх ҳузуридаги самоъ мажлисларида иштирок этар, дарвишлар тўдаси ичра қолиб кетар, зикр томоша қилар, хуллас, хонақоҳ аҳлидан бир энлик айрилмасди.

Сафари қариб, Султон изига қайтаркан, Қутбиддиннинг Яссида яна бир муддат қолиш истаги борлигини англади. Аммо ҳали норасида, деб қолдирмади, ўзи билан бирга Самарқандга олиб кетди. Қиш ўтиб, бойчечак очилгач Қутбиддин тағин отасидан изн сўради: «Пир бобомни зиёрат қилсам...» Султон эрка ўғил кўнглига қараб ризо бўлди. Надоматлар бўлғайким, Қутбиддин Яссига борди-ю, ота-она даргоҳига қайтмади. Ёз ўтди, куз ўтди. Султоннинг қаҳри келди: «Туққан ано бирла қиблагоҳидин ҳам зиёда кимса бор эканму бу оламда?!» У ўғлининг феъли-хўйини билгани учун мулойимроқ оҳангда икки энлик хат битди: «Ўғлим, сиз бизни соғинмаган бўлсангиз, биз сизни соғин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диқ. Волидаи меҳрибонингизни кўзлари нигорон, биз ҳам асодек суянчиғимизни интизор бўлиб кутгаймиз. Элингизга, муборак хонадонингизга дарҳол қайтинг».

Илло Қутбиддин қайтмади. Энди Султон жаҳл отига миниб, ғазаб қамчисини сермади. Ўнта баҳодир навкарини қуроллантириб Яссига йўллади: «Ул қочоқ боланинг қўлиға кишан солиб зудлик бирла келтиринглар. Шаҳзода, тахт вориси, деб аяб ўтирмасинлар!»

Навкарлар озиб-тўзиб, қорайиб кетган Қутбиддинни бир ҳафтага қолдирмай банди қилиб Самарқандга етказиб келдилар. Аммо ул бетавфиқ отабезори, бемеҳр, ношукур бола уйда бир ой турмай яна Яссига қочиб кетди. «Сен биздин кечган эрсанг, биз ҳам сендек фарзанднинг баҳридин ўтдик», деди ўзича Султон Маҳмудхон ва қайтиб ўғлини таъқиб этмакни йиғиштирди. Мана, икки йилдан зиёдаки, Қутбиддин Шайх эшигида мисли хизматкор эмиш. Эшитишича, йиртиқ жанда, қинғир қалпоқ кийиб, чориқ судраб исқирт дарвишлар ҳалқасида «Ё, ҳу!» дея зикр тушиб юрганмиш...

Султон Шайх муҳрида парчинланган «Ҳазрати Султон» унвонига боқиб пичирлади: «Шу инсофданми, пирим? Биз не ёмонлиқ қилдиқ? Бир оғиз ширин сўзингизни раво кўрсангиз, рутбангиз камайиб қолурмиди? Кўзимнинг гавҳари, дили-жоним, ёлғиз ўғил дардида куйганим етмасмиду? Нечун сиз ҳам заққум дарахтининг заҳар-олуд мевасини ошатмоқчи бўласиз? Ҳиммат бирла вафонинг мукофоти шулмиди?»

Икки варақ ипак қоғозга термулиб Султон яна анча ўтирди. Кашмирий девонанинг совуқ башоратини эслади. Кўз олдига тағин қаландарсифат ўғли келди. Мудом қовоғини очмайдиган, такаббурнамо, мухтасар ва кесиб сўзловчи Ҳазрати Султон гавдаланди. Куффор Гўрхону ўз қавмлари қорлуқлар ила бўлган жангдан қолган қалб жароҳати энди битаёзган эди, мана бу нома туфайли яраси қайта янгиланди. Хўрлиги келди. Яна муздек анор сувидан шимирди.

Қоғозни йиғиштириб ўрнидан турди. Тилла камарини тортиброқ боғлади. Ўзини бардам, ўктам қиёфада тутиб ташқари чиқди. «Бил балои собир-айни» — бало келса сабр қил, дейдилар. Алҳамдулиллоҳким, балодан алҳазар, бало эмас, бир замонлар ихлос бирла қўл берган пирига қўшилиб суюкли ўғлим келмакда. Ҳазрат Санжарийлар хонадони шаънига номуносиб гап айтган бўлса, айтибди. Зеро султонлар ила шоири замонлар азалдин то қиёматга қадар ихтилофда эрурлар. Бунга куйиб жигарни кабоб этмаслик даркор. Кишанлаб келтиролмаган ўғлим ўз оёғи бирла келмакда. Алҳамдулиллоҳ, минбаъд қошимда қолғай. Бул хушхабарни айтиб, волидасини хушнуд этай. Сўнг Кўҳакни тарк этайлик. Шаҳзодани қасри олийда кутиб олғанимиз маъқулроқ».

Султон Ойтуғдидан суюнчи олгани аҳли аёли қўним топган қизил чодир томон кетди.

16. Осий фарзанд

То кишига дард тегмай
бўлмади баҳри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса,
дарди саримни кавлама.
Баҳри раҳматга кириб,
қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин бехабарсан,
дафтаримни кавлама.

МАШРАБ

Қутбиддин минг истиҳолА билан бўсаға ҳатладию, тўрда, сербар тахтда ўтирган отасига кўзи тушиб, юраги ўйноқлаб кетди. Шитоб билан олға интилди. Гулдор, юмшоқ ажамий гиламларни сассиз босиб, зумда падарининг истиқболига етди. Қулдай ер қўпди. Бошини гиламдан кўтариб қўл қовуштир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Аммо отасининг кўзига боқишга журъат этмади. Дардли, титроқ товушда истиғфор айтди:

— Осий фарзандингизнинг гуноҳидан ўтинг, қиблагоҳим...

Маҳмудхон ўғлининг дийдасига разм солди. Унинг кўзлари тўла жиққа ёш эди. Султоннинг ҳам кексалик биёбони сари юз бурган пажмурда қалби сел бўлди. Агар унинг гинаси ночор ва иззат-нафси заиф бўлганида, сабр этмас, беихтиёр тахтдан туриб кетарди. Фарзанд соғинчи уни тахтиравондан узиб олмоқчи бўлар, илло шаккок ўғил қилмишидан заҳм еган оталик кўнгли, подшолик кибру ҳавоси бунга йўл бермасди.

Қутбиддин ҳамон ердан кўз узмай калла осилтириб ўтирибди. Султон ўғлига бир дақиқа синчков тикилиб қолди. Саҳройилар киядиган жун чакмон, оёғида кўҳна чориқ, белида бир энлик қайиш камар, бошида қаландарий кулоҳ. Султон кулоҳ пешига тамғаланган яшил япроқ нусхасига қизиқиб тикилди. Кафтдек япроқ ўртасидан кўндалангига узун-узун оппоқ чизиқчалар тортилган, бу чизиқчалар тоғ бағрида эриётган қор парчаларини эслатарди. Султонга Қутбиддиннинг бўйнидаги бармоқдек қора тоши ҳам ғайритабиий туюлди. «Бу қаландарларнинг туморимикан, не бало ул ўзи?» деб ўйлади Султон ва қисқа йўталди. Ўғил отасининг ишорасини тушунарди. Аста бошини кўтарди. Султон юзига қаҳрли тус берди, қовоқ солганича бармоғини илмоқ қилиб сўзсиз чорлади. Қутбиддин тиззалаб олға интилди. Тахтиравон четига етиб, отасининг узун банорас тўнидан тутди, этагини кўзига суртди. У икки йилдан зиёдроқ дарбадар юриб, падарини обдон соғинган ҳозир ним ишора бўлса, ўкириб ўзини ота бағрига отишга тайёр эди. Аммо Султон Маҳмуд сукут сақларди. Сукунат чўзилди, у гўё абадий давом этадигандек эди.

Қутбиддин бош кўтариб, хўжасидан марҳамат, бир оғиз ширин сўз кутган вафодор итдек қиблагоҳининг буғриқиб турган қип-қизил бетига, оқ оралаган соқол-мўйлабига қаради.

— Шафқатингизга зорман, отажон, гуноҳимни кечиргайсиз...

Султон миқ этмади. Қўлини қиличдай сермаб, ўғлининг бетига тарсаки тортиб юборди. Қутбиддин буни кутмаганди, ўнг ёнбошига ётиб қолай деди. Султон афсус еди: «Қаттиқ тегди-ёв, жоҳиллик қурсин. Бу баттол ирғиб туриб чиқиб кетишдин тоймайдур, феъли чарс, аносиға тортқон».

Қутбиддиннинг юзидан олов чиқиб кетди. Бироқ ўрнидан қўзғолмади. Не ажабки, елкасини босиб турган зил-замбил юкнинг ярмидан қутулгандай бўлди, вужудида енгиллик сезди. Шукрона келтирди. «Демак, қиблагоҳ гуноҳимдин ўтибдир, ҳар нечук даргоҳидин ҳайдаб чиқормади, ҳануз кўнглидин ўчмабмиз, шукр...»

Ниҳоят, Султон тарафдан нидо келди:

— Ана энди сўллашамиз, саёқ мирзо!

Қутбиддин юрак ютиб отасининг юзига қараб синиқ илжайди. Султон ўғлининг эгни-бошига қайта разм солди, ичида қайнаб турган меҳрини сездиргиси келмай, панд берди:

— Уйдин чиқиб кетганингизда шаҳзода эдингиз, қаландар бўлиб қайтибсиз-да? Бизнинг девона ўғлимиз йўқ, мана бу тожу тахт эгаси бўлмиш валиаҳд бор эди, деб юрибмиз. Бул не турқи тароват? Боринг, сассиқ жандаларингизни айирбошланг, андин сўғин мусобаҳа қилғаймиз.

Қутбиддин бир қадар дадилланди:

— Таассуфким, фурсат ўтди, қиблагоҳ, — деди тавозе билан, — расули худо айтмишларки, ан-назофату мин ал-иймон, деб. Яъниким, тозалик иймондандур. Бул ҳадиси шариф буйруғи шулки, ҳар мўмин мусулмон барча нимарсаларини покиза тутмоғи лозимдур. Хусусан, аввало киятурғон либосларини. Сўфийлар либосин сассиқ демоқ ножоиздур ҳазратим.

Султоннинг аччиғи келди. Истеҳзоли кулди.

— Хулласи калом, бизнинг устимиздаги мана бу зарбофдин сизнинг жандангиз тозароқ экан-да, ўғлим?

— Асло. Иймони тоза бандасининг либоси ҳам тозаликда баробардур. Подшолар жумла ҳалойиқнинг маънавий отасидур, баски, аларнинг тақволарига шак келтирмак гуноҳи азимдур.

Султон тикка савол берди:

— Мундоқ разм солсам, ақлу ҳушингиз жойида кўринадур. Илло бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

мушкул сўроғ тинчлик бермайдур. Қутлуғ хонадонингиздин, волидаи меҳрибонингиздин, шаҳзодалик рутбасидин воз кечиб, топқанингиз не бўлди? Мана бу чиркин кулоҳми? Ана у мўйнингиздаги ёнғоқдек қора тошу эски чориқму? Не топдингиз?

— Мен ўзимни топдим, бузруквор. Зоҳир бузиб, ботин тузат, дейдилар пири комилим. Шайхимнинг бул дурри ҳикматларина энди ақлим етди. Кимки ички оламини саранжом этмас экан, ул кимса ҳақ жамолидин бебаҳрадур. Бул ҳақиқатни энди англадим. Надоматлар бўлғайким, басир кўзим юмуқ экан, ҳазратимнинг инояти туфайли сурат не, сийрат не, фарқига бордим. Илгари бу ғариб ўғлингиз суратимга маҳлиё эканман, зоҳиран ўзимга зеб бермакка ружу қўйибман, билъакс, шариатнинг пўсти надир, мағзи надир — ғофил қолибман. Бул ғафлатдин Сиз қиблагоҳим мени огоҳ этдингиз. Пиримнинг даргоҳина элтганингиз эвазига то қиёмат қадар дуои жонингизни қилғайман, бузруквор.

— Ҳазрат зиёратини ихтиёр этганимизда биз салтанатга равнақ ва баракат тиласин, деб ният қилиб эдик. Сиздек навжувон бир шаҳзодага фазлу камол дуосини умид қилиб эдик. Илло тахт ворисини Ҳазрат қулчиликка қабул этсинлар, деган муддаомиз йўқ эрди. Султонимга нечук мурид бўлиб, не хорликлар кўрганингизни ҳам эшитдук. Кимсан — Самарқанду Бухоро хонининг валиаҳди саҳройилар бирла ўтин териб, ҳайвон боқиб, кўча супуриб, ҳожатхона тозалаб юрганмиш! Ё жаббор! Шаҳзодани омий халқ бирла тенг тутиб анга кўча супуртирмак қайси мазҳабда бор?!

«Ҳаммасини билибди» деб ўйлади Қутбиддин. Дарҳақиқат, сўфийлар сулукига қўшилган ёш муридни синаш йўллари кўп эди. Масалан, унга қирқ кун от боқтиришар, қирқ кун чўлдин ўтин тердирар, яна қирқ кун ҳаммоллик қилдирар, ҳатто бозор-ўчарда тиланчилик қилишгача мажбур этардилар. Дарвишлик ихтиёр қилиб хонақоҳга бош уриб келгувчи мурид аслзодалар хонадонидан бўлса, синов қаттолроқ кўчарди. Қутбиддиннинг бошидан ҳам қорлиқировли, ҳақоратомуз дамлар хийла кечди. Тўғри, унинг хонзодаларга хос ғурурини синдириш учун Бобо Мочин эҳтимол ҳаддан зиёдроқ қийнагандир. Аммо Қутбиддин чеккан заҳматларига пушаймон эмас. Аксинча...

— Ҳазрати пиримга қилган қулчилигимдин шоён розидирман, — деди Қутбиддин, — мол боқдим, ер ковладим, лой тепиб карвиш ясадим, йиғоч кесдим, сув ташиб ариқ қаздим... Мана, қўлларимга қаранг, бузруквор, деҳқоннинг қадоқ қўлидин фарқи йўқ. Бир бурда нон топиш нечоғлиқ машаққат эканлигини бошимдин ўткардим. Офтоб дўзах ўтидек қиздиради, юлғунни тортабериб қўлларинг шилиниб кетади, оёқларингга чақир тиканаклар кириб товонингни тешади, кўз ёшларинг аччиқ терга қўшилиб томоғингни бўғади. Саҳродан то бозоршабга ўтин ортмоқлаб бораман деб... минг ўлиб, минг тириласан. Елканг яғир бўлиб кетади. Дунёга келганингга пушаймонлар ейсан. Аммо ўтинни сотиб, эвазига олиб еган нонинг бирам тотли, бирам мазали бўладики... Шул ёшқа кириб, шунча йил дастурхонингиздин туз-намак тотиб, бу қадар ширин нонни емаган эдим, отажон. Куфр сўзлаган эрсам, густоҳлик қилган эрсам, жоним қўлингизда. Ўз ҳалол меҳнатинг ила топиб еган ризқинг, етти олам мукофотию жаннатул сафо меваларидин ҳам аъло бўлар экан...

Султон ўйга чўмиб, ўғлининг қора чақмоқдек ёниб турган намли кўзларига, улуғ бир илҳомданми, ички бир шижоату қаноатданми порлаб турган қорамағиз, кўркам чеҳрасига тикилганча қолди.

— Шунча жабру жафодин сўнг ҳам... тавба қилмадингму? — деди ниҳоят Султон.

Қутбиддин бош чайқади.

— Билъакс, бузруквор, шукр қилдим. Роҳат ичра ғарқ бўлдим. Пиримни дуо қилдим. Ҳазратимга йўлиқтирганингиз учун сиз қиблагоҳимга ғойибона раҳматлар айтдим. Пирим, «Деҳқон эмас, кетмон чопиб нон емаса», деб ҳикмат айтадилар. Бул ҳикмат маънисига етгандек бўлдим. Ахир, аҳли жамоат биладики, Ҳазратимнинг ўзлари кунига бирор соат ёғоч қошиқ, белкурак ясаб, алар ҳисобига рўзғор тебратадилар. Меҳнатдин келган луқма ҳалол бўлғай, деб ўгит қиладилар.

Қутбиддиннинг ҳар гапида Шайхни эслатиши Султоннинг ғашини келтирди. Ёдига тунов куни чиллашир тужжор етказган хат тушди. Дийдор тафтидан эриб турган кўксига совуқ шабада югурди. «Кунига тўрт дона қошиқ ясаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимса қурсоғини тўйдира олармиди? Бул эл кўзида бир ниқоб бўлса ажаб эрмас».

— Шайхимнинг бул юмуши бизга ғалат кўринадур. Дунёнинг тўрт тарафидин тева-тева ҳайр-эҳсон келиб турғон бўлса... Алар камлик қилодирми, бозорға белкурак чиқориб соттирмасалар...

— Сиздек боҳиммат зотларнинг марҳаматлари ҳақ йўлиға кирган шокирлар бирла зокирлар харажатидан ортмас, ҳазратим. Пирим тева-тева ҳадяэҳсонларга кўз қирларини ҳам солмайдилар. Етим-есирга, ғарибу ғурабога бўлиб беринглар, дейдилар. Хонақоҳ эҳтиёжига сарф этишга буюрадилар. Аҳли тариқат ичинда бир «Ҳув» бирла кулбаи эҳзонин тарк этган, эл-жамоатни ҳақ Мустафо йўлиға чорлаб, туну кун тоат-ибодат ила машғул бандалар сон мингта, қиблагоҳ.

— Халқ лафзида бир мақол бордирки, эшак минган элда кўп, йўл топмаған йўлда кўп, демишлар. Сен айтган нотавон бечоралар йўлидан адашган гумроҳлардир, болам. Шукриллоҳким, мана тувғон элингни топиб келибсан, энди бу ёғини тангрим ўзи ёрлақасин.

Қутбиддин сергак тортди. Отаси уни тавба қилиб, қайта уйига бош уриб келди, деб хомхаёл қилаётган эди.

Султон аста туриб тахтдан пастга тушди. Ўғлини тирсагидан олиб, ёнига, атлас кўрпачага ўтқазди. Елкасидан қучган бўлди. Кулоҳини олиб қўйиб, тақибр бошини силади. «Кичик калит катта эшикни очибди. Ширин-ширин сўзлай, урсанг эти қотади, сўксанг бети қотади, дерлар. Зора мажнунлиқ феълини ташласа. Ҳали суяги қотиб-қотмаган. Не илож этиб бўлса-да, бу болани дарбадарлик биёбонидин оғдириб, қайта саройга қайтармоқ даркор».

— Биз волиданг бирла сени интизор бўлиб кутдик. Сенинг бул ерда ўлтирганингдин малика бехабар. Билса, фарёд солиб кириб келарди. Биз минбаъд борар боғимизни ўйламоғимиз вожибдур. Тунов куни жаннатмакон бобонг — илоё парвардигор унинг охиратини обод қилғай — тушимга кирибди. «Сен мевадин қолдинг, ўтқазған кўчатинг қани?» деб жигаримни хун қилди. Навниҳолим ўзинг, Қутбиддин. Шунча йил оч-наҳор, ялангоёқ, ночор, нолон, меҳрга зор, бир қултум шарбатга зор бўлиб бировлар эшигида саргардон юрганинг етар. Қўҳна китобларда ҳам битилганки, гоҳо шаҳзодалар бедаво дардга йўлиқиб, уйдан «ёҳу!» деб чиқиб кетармишлар. Ул китобларда ёзилғони ҳамоқат. Сенинг не дардинг, не кемтик еринг бор? Сенинг бул тутқон дастуринг аслзодаларга ярашмагай, гадолар, ота безорилар, аҳли аёлидин этак силтаган бераҳму лодонлар юмуши бу! Қиёмат куни пушти паноҳим ила волидаи меҳрибоним ризо бўлиб дуои бад қилмасинлар десанг, мана бу чирик либосларингдин воз кеч, шаҳзодаларга хос қиёфага киргин, қутлуғ хонадонингни тавоф қил. Ёнимда қол. Мен ҳукамою уламони чорлаб, салтанатга жар солдириб масжидларда номингни хутбага қўшитиб ўқитаман. Бугундан бошлаб валиаҳд Қутбиддин ибн Маҳмудхон ибн Асрлонхон Самарқанд подшолигини ўз дасти панжасига олди деб.

Султон гапираяптию қилич дастасидан дағал тортган қўли билан ўғлининг тақир бошини аста-аста сийпалаб ўтирибди. Лекин Қутбиддин бу қўлнинг тафтини сезмагандек эди. Гўёки боши узра пуштипаноҳининг қўли эмас, ўзига тамом бегона, ҳали кийилмаган либос оҳиста сирғалиб тургандек. Тахминан қирқ кунча илгари ҳам унинг бошини бир кафт силаган, у кафтнинг иссиғи жонжаҳонини яйратиб, вужудига қувват, илҳом, шуурига зиё бағишлаган эди. Чунки у қўл муборак эди, пири комили, туркий сулук сарҳалқаси бўлмиш улуғ авлиё Ҳазрати Султон орифиннинг табаррук панжалари эди!

Қутбиддиннинг ёдига ҳирқаи сўфий кийган куни пирининг алқаб айтган сўзлари тушди: «...бул соликнинг сидқига, салоҳиятига, ниятига, нуктадонлигига иймон келтирдик. Уни халифа ҳам асҳоб мартабасига лойиқ кўрдик. Илоё бул муридимиз ҳақ йўлинда чеккан заҳматларимизни оқлагай, жумла мўмин кўнглига Оллоҳ фарзини, Ҳақ Мустафо суннатини солғай, инсонларни яхшиликка, иймонға даъват этгай. Илоё, Оллоҳ таоло ёрлақаган исмингиз то явмул ҳашр йўлдошингиз бўлғай...» Қутбиддин отаси билан пирининг сўзларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

хаёлан солиштирди. Отаси нафси амморага[1], пири нафси мулҳамага чорлар, отаси мол-дунё ваъда қилса, пири — қаноат қўрғонини эгаллашга ундар, отаси ҳукмдорлик таклиф этар, пири эса, синиқ кўнгилларни овлашни маъқуллар, отаси зебу зийнатли, хайлу хашамли ҳаётни афзал билса, пири Расули оллоҳ каби қора меҳнат ила, фақирона, бир кунлик ризқ ғамию ҳусни мутлақ ишқи бирла ҳаёт кечирмакни аъло биларди. «Нафсни текпил, нафсни тепкил, эй бадкирдор!» деди ичида Қутбиддин ва бўйнидаги таслим тошни ушлаб қўйди. Тумор тошдан гўё акс садо қайтди: «Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема, биров молини ема — сирот узра тутаро!»

Ота ўғилдан жавоб кутарди.

— Хўш, не дейсан?

— Бузруквор, бул ғариб фарзандингиз саккиз нафснинг учтасини қўлга олдим. Иншоолло, бундин сўнг ан-нафс ар-раддийя орқали сафиййани ҳам жиловламак ниятимдур. Сиз айтган тадбир ибодат олдидан таҳорат олиб, тағин ани синдирмак ила баробардур. Мен Қуръони Каримни ўпиб, манглайимга босиб туриб аҳли жамоат олдида қасам ичдим. Қасамхўрлик қилиб ҳақ каломин сотгандин кўра ўлганим афзал эмасму?

— Тирик бўлиб тўрда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ, деган кимсага айланиб, қолмағингдан қўрқадирман, Қутбиддин.

— Сўфийлар тўр, деган тушунчани тан олмайдилар. Бу дунёда барчамиз беш кунлик меҳмонмиз. Гўёки ана бу эшикдан кириб, мана бу қопидан чиқиб кетамиз. Шу боис, биз ўткинчи нимарсаларга бефарқ қараб ўрганиб қолганмиз. Мол-дунё, шон-шафкат, мартаба, аҳли аёл, сийму зар, тожу тахт — барчаси абасдур, барчаси омонатдур. Ҳамонки малакул мавт[2] ҳақ хизматига чорлаб келганда фотиҳ Искандардек қўлимиз очиқ кетар экан, бу дунёнинг ғамин еб, уришиб-сўқишиб, ер талашиб, обрў-мартаба талашиб, бир коса оби ёвғон бирла тўладирғон қурсоғинг учун юз йиллик молу манол тўплаш не керак? Ахир алал-оқибат барчасин бу бебаҳо дунёга ташлаб кетар эканмиз-ку? Бас, қаноат, ҳамият, сабр, мурувват аълороқ эмасму? Мутакаббурлик қилиб, ояту ҳадис ҳикматин сотиб, иймонни ютиб, бир ғарибни зор-зор йиғлатиб, бегуноҳ кишининг қонин тўкиб, ўтар-кетар дунё роҳатига ишқ қўйиб, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормай, тақвою ибодатни унутиб... оқибат афсус чекиб тавба-тазарру қилмоқдин, кўз ёш тўкиб Оллоҳ таоло раҳматини тиламакдин не суд? Гуноҳ қилиб истиғфор айтишдин кўра маъсиятдин тийилиб бир сония, бир соат бурун бўлса-да ҳақ йўлинда азият чекмак аъло эмасму? Пири комилим бекорга, зоҳид бўлма, обид бўлма — ошиқ бўлғил, демаганлар. Яна ул зот айтадиларки:

Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб адо қилғай.
Ўлар вақтда иймонингдин жудо қилғай,
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор!

Маҳмудхон узун уф тортди. Ич-тошини қамраб бораётган ғазабини аранг босиб сўради:

— Ҳей дайди, сен ўзинг бул ерга не учун келдинг? Ҳикмат айтганими? Ёхуд мени тожу тахтдин воз кечинг, деб насиҳат айлаганими? Худога минг қатла шукрким, ҳали дастимда шамширни маҳкам тутқойман, икки дарё орасиндаги азим бир мамлакат оёғим остида ётибдир! Мен сенинг тариқатингни пучак пулга олмасмен!

Қутбиддин даҳанаки жанг узоқ ва беаёв давом этишини сезиб, сукут сақлади. Анчадан кейин хаста товушда сас берди:

— Отажон, мен сиздек бузруквор ила волидаи зоримни бир қур кўриб, дийдорларингизга тўйиб... хўшлашмакка келдим. Худо билади, энди қайтиб кўришамизми, йўқми... Мендин ризо бўлинг, осийман... Дастурхонингиздин

---

[1] Тасаввуф фалсафасига кўра, инсонда саккиз хил нафс бор. Улар: аммора (тийилмаган), комила (ўта мўл), Лаввома (жазога лойиқ), мардиййа (оллоҳга ёқадиган), мутмаина (жиловланган), мулҳама (худо ёрлақаган), раддийя (олийжаноб) ва сафиййа, яъни пок ҳамда нурафшон.

[2] Малакул мавт — ажал фариштаси, Азроил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

намак еб улғайдим, оқибат шаккоклик қилдим. Раҳматингиздан ноумид эмасман...

— Магар гуноҳингдин ўтмасам-чи? Ота рози — худо рози, дейдилар. Валинеъматингни норизо қилиб, энангни йиғлатиб, мажнунсифат бўлиб, бемакону беманзил сандирақлаб юрганингни Оллоҳ таоло хуш кўрармикан?

— Сиз рози бўлмай дуои бад қилсангиз, ёлғиз Оллога ёлбораман. Эй пок парвардигор, ўзинг мадад бер, — дейман. — Мен сенинг амру фармонингни фарз, ер юзига юборган пайғамбари мурсалинг айтмиш калималарни суннат деб билдим. Аларга то қиёмат қадар бўйинсунмоқ илинжида олдингда қуллуқ қиламан, хўжам, дейман. Ҳатто саҳродаги игнадек чўплар ҳам сенинг зикрингни айтиб чайқалар эмиш, бас, мен, мукаррам инсон деган унвон соҳиби бўла туриб, нечук сенга ибодат қилмай, нечук лавҳу маҳфузни унутай, нечун амру маъруфни адо этмай, нечун сенинг ишқингда ёниш ўрнига бу дунё роҳатларига кўнгил бўлай, дейман. Жоним отам, икки йил бадалига омонат жонидан бўлак жами нимарсаси ўзга олам шавқи, ўзга олам ғами бирла нафас олаётган ва бир вақтлар суюкли бўлғон ўғлингизни дуои бад қилманг! Энди мен учун тахт — бу сабру қаноат, султон бўлсам, маънавият мулкига султон бўлгим келур, фахр — бу ботиний бир зийнатдур, жаннат гарови — ибодатда деб онт ичдим, тирик кўнгил бирла ўлган нафсдин бўлак муқаддас нарса йўқдир, муттасил илми ҳол бирла, зикри қалбий бирла мудавомат этиб ёлғиз ўзига интиламан. Қиблагоҳ, шу ўғлимнинг иймони раҳмат дарёсидин баҳра олсин, бу бола ҳам фоний дунёда фарзи айнни адо этиб, тирик юрсин, десангиз, эркимга қўйинг. Ўтинаман, отажон...

— Эркингга қўймасдин, банди этсам-чи? Не қилғойсен?

— Сиздек оқилу дониш зотга бир қоп гўшт не даркор? Банди этсангиз — розиман. Жоним илкингизда, илло жаҳоним, кўнглим у ёқда бўлғай.

Бу сафар Султон хаёлга толди: «ширин гапириб кўрдим, кўнмади, дағдағаю пўписадин ҳайиқмади. Ё қудратингдан! Шайх пиримнинг сеҳру жодуси шу қадар ўткирмидики, суяги қотмаган бир шаҳзодани хонумонидин жудо қилиб, тузоққа илинган қушдек илкида тутиб турибдир. Не қилдим энди? Уламоларга маслаҳат солайми? Нафаси ўткир бир дуохонни чорлаб иссиқ-совуқ қилдирайми? Хотин олиб бераман, кадхудо бўлғайсан, деб кўрайми? Бадани ҳали иссиқ тўшак кўрмаган, бирон қиз боланинг исини туймаган, зора кўнгли эриса? Ёхуд Шайхимнинг ўзларидин ўтинайми? Бизни муридимиз десангиз, бу осийга насиҳат айланг, туққан мулкида қолсин, деб илтижо қилайми? Фурсат бор, шошилмай-чи, ҳали Самарқандда беш-ўн кун қўним турғайлар. Ҳозирча ёвош-ёвош гапириб жувобини берай».

— Бизнинг мухтасар сўзимиз шул, — деди Султон ниҳоят, — даргоҳимизда қолишни ўйланг, шаҳзода. Сизга муҳлат бердик, ётиб-туриб, танангизга бир мушоҳада қилинг. Кадхудо бўлиб, тувғон элда қолсангиз не топасиз, ва билъакс, ҳақ дўст ё олло, деб беватан шамолдек юртма-юрт тентираб юрсангиз не ютқайсиз?..

Қутбиддин қуллуқ бажо келтирди.

— Қиблагоҳ, Қуръони карим айтади, йўқотган нарсаларингизни ўйлаб ортиқча ўртанмангиз ва қўлга киритган нарсаларингизга зиёда суюнмангиз. Мен жаббор эгамнинг бул сўзларини тумор янглиғ дилимнинг қаърига муҳрлаб олғонман.

— Маъқул. Сизга ижозат, волидангизни тавоф айланг.

Қутбиддин таъзим қилиб ўрнидан турди ва юраги потирлаб онажонининг ҳузурига қараб кетди.

17. Ашрафхон қози безовта

Уйда кулдирган нарса мусофирчиликда йиғлатар эмиш.

Шарқ ҳикмати

Икки кундирки, Самарқанддаги Қурбат деб аталмиш хонақоҳга одам сиғмайди. Хонақоҳ улкан мусаллодек кенг эди. Унинг ички ҳовлиси юз қадамча келар, чор атрофга доира шаклида уч-тўрт кишилик мўъжаз ҳужралар

www.ziyouz.com kutubxonasi

солинган, ҳовли ўртасида сарҳовуз, сув бўйида шотутдан беҳи, бодомгача ўсиб ётади. Бу манзил қадимдан «Ё ҳабиб!» деб қўлларига асо тутган дарвишлар қўналғаси. Самарқанддан Бухорога ёхуд Марву Хуросондан Туркистонга қараб елдек кўчиб юрувчи дарбадар қаландар ва зокирлар учун Қурбат хонақоҳи ёзда салқин, қишда иссиқ бошпана эди. Бу масканда икки кундан бери ажиб бир руҳ ҳукмрон. Икки кундирки, бу ер аҳли раиятнинг тавофхонасига айланган. Султони орифин Шайх Аҳмад Яссавийнинг амри маъруфини эшитиб, дийдор сўрмоқ илинжида келган жамоат бомдоддан то номози шомгача остонадан нари кетмайди. Зиёратчилар орасида етмиш икки ҳунар соҳибларининг барчаси муҳайё эди: тужжорлар, аллофлар, мадраса толиблари, дуоталаб навжувонлар, тавба келтирмакка шай гумроҳлар, қарғиш олган оқпадарлар, уйбезори — аҳли аёлидан беруна бўлган ақли қосирлар, фарзанд талаб заифалар, Шайхга мурид бўлмоқ учун онт ичган зоҳидлар...

Шайх олис йўлдан ҳориб келган, ҳозирча халойиқ олдида ваъз айтгани илҳоми ҳам, мадори ҳам йўқ эди. Шу боис эл кўзига бир кўриндию тағин ҳужрасига кириб кетди. Ғала-ғовур кўтариб, гувраниб турган оломонга Ҳаким Сулаймон мурожаат қилди:

— Муҳтарам Самарқанд аҳли! Азиз мўмин мусулмонлар! Кўриб турибсиз, пири комил сафарда толиқиб қолганлар. Фақир сизлардин бир-икки кун сабр айламакни сўрайдирман. Худо хоҳласа, Ҳазрат ушбу жаннатмакон манзилда бирор ҳафта бўлғусидир. Султони орифин жаноблариниг сиз муслим ва муслималарга айтадирғон муборак амри маъруфлари бисёр. Иншоолло, биргалашиб эшитгаймиз. Илоҳа, яратганнинг ўзи ёрлақаб барчани муродиға етказсин, омин!

Юзлаб қўллар «омин»га очилди.

Одамлар аста-секин тарқала бошлади.

Шайхнинг ҳамроҳлари ҳам қўналғаларига қараб кетишди. Одатдагидек, Бобо Мочин билан Қутбиддин бир ҳужрани эгаллаган эди. Қутбиддин кеча отасининг ҳузуридан чиқдию онаизорининг хонасига отилди. Онасини суюнтириб бир йиғлатди ва «бугун мен пиримнинг қошида бўлмоғим вожиб, ул ҳазратнинг хос надимидурман», деб яна йиғлатди.

Ашрафхон қози ҳам ҳажга отланган юзлаб яссиликлар қатори мусофирхонага тушмай, хонақоҳни танлади. У ҳаминқадар Ҳазратга ёндошиб юрмакка тиришади. Аввало, ўша маҳфий хат Султон Маҳмуднинг қўлиға теккан бўлса, хон кайфияти қалай экан, деб билмакни истайди. Қолаверса қози ўзини Шайхга ҳамдард, суҳбатдош қилиб кўрсатмоқчи. Самарқандга етиб келганларига мана, икки кечаю икки кундуз бўлаётир, аммо анави чиллашир қоридан дарак йўқ. «Омонатни эгасига топширолмадимикан ё Бобо Мочиндек бир зангининг қўлиға тушиб оғзидаги нондан айрилдимикан? Нечук ярамаснинг қораси кўринмайди?»

Қози шу ўйлар ичида номози асргача бир мизғиб олмоқчи бўлиб ҳужра томон буриларкан, ёнидаги ҳамтабақаларидан бири, собронлик мулла Тожиддин деди:

— Шайхингга қара, ўзини азиз қилиб алифдек ғуддаяди-я! Такаббурки, гўё боши арши аълоға етган! Ё навзамбилло! Ҳой, ноинсоф, халқ сендин молдунё сўраётгани йўғу, бир оғиз суханингни эшитмоқчи холос. Тўрт калима қуръони каримани тиловот қилиб, сўғин изингга кетабермайсанми пайғамбар бўлсанг ҳам! Мана, каминага ваъз айт десалар то етти хуфтонгача наҳий мункардан чарчамай айтур эдик. Во дариғ, бировга иштаҳа берасан, бировга ош берасан, парвардигор!..

Эртасига бомдод номозидан сўнг қозикалонни дилтанг қилган яна бир воқеа содир бўлди.

Шайхнинг хонақоҳ тўридаги хос ҳужрасида ҳаж сафарининг кейинги босқичлари, ҳаж адоси, Расулиллоҳнинг охирги ҳижратлари хусусида гурунглашиб ўтирардилар. Мусоҳиблар — Султони орифин, Сулаймонхўжа, Бобо Мочин, Ашрафхон қози, Самарқанд уламоларидан ҳам уч-тўрт киши бор эди. Қутбиддин одатдагидек пойгакда, чўк тушганча устодлар гапига қулоқ соларди. Эшикдан хонақоҳ соҳиби кирди. Суҳбатни бўлолмай тик туриб қолди. Шайх унга ўгирилди:

— Не гап, Ҳожи Абулқосим?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пирим, хон ҳазратларининг хос вакили келибдур. Изн сўрайдир. Жанобларига мактуб бор эмиш.

Ашрафхон қози «Ҳайрият, бошланди, хон ғазаб отига минган кўринадир», деб ўтирган ўрнида қимирлаб қўйди.

— Кирсун, — деди Шайх. Лаҳза ўтиб, келбатли, зангори мовут чакмон кийган, одми салла ўраб, белини икки еридан боғлаган сузук кўзли баҳодир йигит кирди. Шайхга таъзим қилди, «Шаҳримизга хуш омадед, пирим, қадамларига ҳасанот!» қабилидаги қутловдан кейин икки қўллаб зарҳал хатчўпга солинган мактуб чўзди. Шайх мактубни олиб котибул Султон вазифасини ҳам ўтовчи Сулаймонхўжанинг олдига қўйди.

— Ўқисинлар, Ҳакимхўжа.

Хон элчиси этагини йиғиштириб ўтирди, юзига фотиҳа тортди. Сулаймон хатчўп муҳрини авайлаб бузиб, бир варақ ипак қоғоз олди ва паст товушда ўқиди:

— Маккаи мукаррама азимати боисиндин қутлуғ шаҳристонимизга ташриф буюрганингиздан бошимиз осмон қадар юксалди. Оллоҳ Таоло савоби йўлинда ҳижрат қилғон мўминларнинг дуосини тилаб, бир-икки пора насиба юбордик. Марҳамат назари бирла қабул қилғайлар. Суҳбатлариға аржуманд бўлмоқ умиди ила дуои жонингизни қилиб турадирмиз. Тамғачхон Маҳмудхон ибн Арслонхон муридингиз деб билгайсиз. Жумодил охирнинг 14 куни, чаҳоршанба».

Хатни эшитдию Ашрафхон қозининг бетига қизил тепди. Ичида бўралаб Мавлуд қорини сўкди. «Падарлаънати номамизни хонга етказмабдида. Етказганда бу тахлит мадҳу сано келмасди. Қайси гўрда юрган экан ул хотинак супурги?!»

Қозикалон қовуғи оғриётганини баҳона қилди ва пишиллаб чиқиб кетди. У ўзининг маҳрамлари орқали ернинг остидан бўлса-да Мавлуд қорини топтирмоқчи, нома етган-етмаганлигини таҳқиқ қилмоқчи эди. Чунки қозининг бундан кейинги номаи аъмоли Мавлуд қорининг бир оғиз «Ҳа» ёки «Йўқ» деган жавобига қараб қолган эди.

Элчи ортига ўгирилиб кимгадир имо қилди. Хизматкор йигит оғзи бурмалик халтача олиб келиб, икки қўллаб элчига тутқазди. Элчи ўз навбатида халтани Шайхнинг олдига қўйди.

Ҳазрат хон ҳақига дуо қилди. Элчига ижозат берди.

— Олло насиб этса, эртага пешиндан сўнг Султон жаноб олийларининг хизматларига тайёрмиз.

Бу жавобдан элчи бир нима англамади. Ҳазрати Султоннинг чарчоқ босган мунгли кўзларига боқиб, талмовсиради. «Авлиё бобо не демакчи? Эртан саройга ташриф буюраман демакчими ёинки хонинг менинг олдимга келсин, деб турибдими?» Элчи хонақоҳга махсус нома бирла минг тилло олиб келаётганида негадир, Шайхул машойихни хон кўшкига таклиф этиб келдим, деб ўйлаган эди.

Шайх уламоларнинг ҳам мажҳул, паришон бўлиб қолганликларини кўриб, фикрини очиқ баён қилди:

— Бизнинг эшигимиз хон ҳазратлари учун ҳамиша очиқ, марҳамат қилсинлар, — деди юзига фотиҳа тортиб. Элчи ҳайрат ичра қўзғолди. Уламолар бир-бири билан кўз уриштириб олишди.

Элчи қуллуқ қилиб чиқди. Шайх Қутбиддинни чорлади.

— Мана бу нонпорани Абулқосимга элтиб беринг, — деди халтачага ишора қилиб, — хонақоҳ харажатига сарфласин.

Қутбиддин тилло тўла халтани қўлига олди. У эшикка етганда Шайх эскартди:

— Сўнг қўлингизни ювиб ташланг.

Қутбиддин бўш қўлини кўксига босди:

— Хўп бўлади, пирим.

...Султони орифиннинг бир хислати бор. Қайси шаҳарга қадам қўйсалар, аввало бу маконда ўтган қуддуси сира деб аталмиш азиз авлиёлар турбатини зиёрат қилади. Чоршанбаи муродбахш тонгида ҳам масжиди жомеда бомдод номозини адо этди. Сўнг аҳли жамоага мухтасар ваъз айтди, қорахитойлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан кечган жангда шаҳиди аъло бўлган марҳумлар ҳаққига дуо қилди, юртга омонлик, подшоларга тавфиқ ва инсоф тилаб, йўлга равона бўлди. Ҳазратни муҳаддислар сардори Имом Бухорийнинг арвоҳи чорларди.

Машҳурки, ислом дунёсида сахих, яъни тўғри ва мўътабар саналган олтита ҳадис мажмуаси бор. Бу ҳадисларни тўплаб ҳукми шаръийга келтирган муҳаддисларнинг аксарияти мана шу қадим Туркистон тупроғида таваллуд топган. Аркони дин дастида дастурамал бўлмиш ҳадиси шарифлар Исо-ат Термизий, Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий каби туркий қавм вакиллари ислом билан боғлиқ. Имом Бухорий эса ана шу муҳаддислар сардори. Бирон масалада ихтилоф пайдо бўлса, уламою муфтилар, фақиҳлар, «Имом Бухорий ҳазратлари не деган эканлар?» деб аввало «Ал-жоме ал-сахих»ни варақлайдилар.

Имом Бухорийнинг марқаблари Самарқанд яқинида, Хартанг қишлоғида эди. Шайх билан унинг ҳамроҳлари кентларда тўхтаб, раият ҳолин сўроқлаб етиб боргунча чарақлаб турган офтоб юзини қора булут қоплади. Ҳазрат мўъжаз мақбарани кўриб, бир чақиримча берида отдан тушди. Жиловни Қутбиддинга тутқазди-да, халойиқ олдига ўтиб йўл бошлади. То имомнинг хоки пойига етгунча шаррос ёмғир қуйди. «Бухоро амири тўкмаган кўзёшни фалак тўкаётир», ўйланди Шайх. Хаёлига Амир Холид ибн Аҳмад Зуҳалийнинг гумроҳлиги тушди. Бир куни амир Имом ҳузурига элчи юборди. «Абу Абдуллога айтинглар, тарих китобларини олиб келиб менинг олдимда ўқиб берсин». Элчи амир фармонини Имомга етказди. Абу Абдулло гапни қисқа қилди: «Қушга дон керак бўлса, мўйин чўзадир, илм истаган кимса менинг ҳузуримга келсин. Мен илмимни хор қилиб эшикма-эшик мўралаб юрмакни иснод деб билурман». Амирга бу гап калтак бўлди. Аммо у тафаккурини тўлдиришдан кўра Бухорои шарифни ҳувиллатишни афзал билди. Анфоси қуддусия — муқаддас нафас соҳиби деб шуҳрат қозонган Абу Абдуллоҳ Бухородан қувғин қилинди. У пайғамбар ёшига ҳам етолмай чекка бир қишлоқда Оллоҳ раҳматига борди.

Имом Бухорий тасниф берган ўнлаб ҳадисларни ичида оятдек такрорлар экан, Шайхнинг кўнгли бир ёришиб, бир хира тортарди. Бул муборак зотнинг исломий дунё ичра тортган донгидан фахр этса, ғариблик ва муҳтожликда кечган сўнгги кунларини эслаб, дили изтиробга тўларди. «Юз етмиш йилдирки, аҳли дин «Ё сахих Бухорий!» деб бул зоти шарифга талпинадур. Хартанг кенти ҳижратга қудрати етмаган бечораларнинг кичик маккасига айланибдир. Ажаб дунё экан, тиригингда гавҳар сўзингни писта пўчоққа олмаслар, ўлганингдин сўнг водариғ, деб кўзёш тўкарлар, пирим, деб, валинеъматим, деб сиғингайлар. Яратган парвардигор ер юзига расулини юбордики, бандаларимга тўғри йўлни кўрсат, яхшиликка даъват эт, ёмонликдин қайтар, деб. Умматлари қулоқ осмади. Ҳақ Мустафо васиятларини сахобаларига айтди, илло сахобалар ваъзи ҳам бу осий халққа кор қилмади. Андин сўнг тоибинлар, сўнг фозилу дониш аҳли Одам ато фарзандларига амри маъруф қилди. Таассуфким, алар ҳам қадр топмадилар. Шоҳлар молига мағрур, уч юз олтмиш томирларинда ҳарислик, кибру ҳаво, ҳайвоний нафс жўш урадi. Тақво аҳли шоҳлар дастурхонига кўз тикади, раият бўлса, қорин ғамида. Илм хор эди, то ҳануз хор. Наҳот то рўзи маҳшаргача толиби илмнинг манглайига ёзилгани шул бўлса? Ирфон — мисоли қоронғу йўлни ёритгувчи шамчироқ. Бу халқ қачон чироқнинг қадрига етади. Қачон йўлига чироқ тутган кимсанинг этагини тутади? Имом Бухорий жанобларининг авлодлари нечук бўлар экан, наҳот алар ҳам Холид ибн Аҳмадга ўхшаб, бу дунё алломасини бир ғалвир бўғдойга сотиб олғайман, деб хаёл қилса? Илмсиз мамлакат ўзгаларга ем бўлиб, келгинди кофирлар оёғи остида ётмайдиму? Ё олло, Абу Абдулло Муҳаммад Исмоил Бухорий Ҳазратларининг юз йил, минг йилдин сўнг дунёга келадирғон авлодларини ўзинг ёрлақа, уларга имомнинг қутлуғ нафасларини буюр, зора аларнинг қурсоғи тўлиб, кўнгиллари равшан, фикрлари учқур, тафаккурлари зиёда бўлса. Тилагим шул сендин, биру борим, мададкорим...»

Шайх изига қайтди. Ёмғир тўхтаб, пора-пора булутлар орасидан қавс қуёши илжайиб боқди.

Самарқандга қайтганларида катта-кичик мезаналардан пешин номозига чорлаётган муаззинлар товуши эшитиларди. Шайх намоздин сўнг мухлису

www.ziyouz.com kutubxonasi

муридларига рухсат берди, энг яқин маҳрамлари Бобо Мочин, Сулаймон, Қутбиддинни эргаштириб шаҳардаги бир жин кўчага қараб йўл солди. Ҳазратнинг тавоф қиладиган тағин бир манзили бор, бу манзил қадамжоликда эҳтимол, Имом Бухорий марқабидан қолишмас эди.

Шаҳристоннинг кунчиқаридаги қўҳна бир иморат олдига бориб тўхтади. Таъмирланмай унниқиб кетган шўрхок деворлар қарғиш теккан кимсанинг қўлларини эслатади. Бўғотлар чириб осилиб ётибди. Ёриғига бармоқ сиғадиган қўштабақали ўймакори дарвоза, ўша-ўша кумуш ҳалқачалар, ейилиб ерга қапишган бўсаға...

Аччиқ-чучукни, иссиқ-совуқни, ўлим-йитимни кўравериб Шайхнинг дийдаси қотиб кетган бўлса-да, хароба дарвозадан ҳатлаганда юраги ўйнади. Ахир бу ерга қадам босмаганига салкам ўттиз йил бўлибди; Йигирма ёшларида Яссидан Бухорои шарифга, садри аъзам Бурҳониддин хонадонига келиб олий таҳсилга киришган эди. Уч-тўрт йил алломаи замонлардан илми қол, шарҳия, илми назар, сарфу наҳв, мантиқ ва фиқхдан таълим олди. Сўнг тақдир шамоли уни бу ёққа, Самарқанддан мана шу Ғотифар мадрасасига элтиб ташлади. Бу қутлуғ даргоҳни устоди соний, сўфийлик тариқатининг қутби Хожа Юсуф Ҳамадоний Ҳазратларининг муқаддас нафаслари обод қилиб турар эди. Ўшанда ҳам ёш Аҳмад камоли эҳтиром, дилда ҳаяжон, таҳлика ва умид аралаш остона ҳатлаган эди.

...Шайх мадраса ҳовлисига бир-бир босиб кирди. Алангладн. Ичкари — ташқи ҳовлидан ҳам афтодаҳол эди. Бефайз, ҳужралар жимжит, дарахтлар қувраган, ҳовуз қақраб ётибди, ўрта ҳовли супуриқсиз, оёқ ости тўла барги хазонлар...

Ҳазрат тўғрига юрди. Устунлари чўкиб кетган қадрдон айвонга чиқиб қўҳна бўйрага чордона қурди. Энгашиб ер сийпалади, мадраса тупроғини кўзига суртди. Ниҳоят, онг-тонг бўлиб аланглаб турган Қутбиддинга ўгирилди ва шунча фурсат бадалига бир оғиз гап қилди:

— Бу даргоҳда биз тариқат илмини ўрганиб эдик. Қуддуси сира хожамиз — ани ўзи охиратда ёрлақаган бўлсин — тўртовимизнинг бошимизни силаган эдилар.

Бобо Мочин билан Қутбиддин бу ер улуғ мутасаввуф Юсуф Ҳамадоний таҳсил берган мадраса эканлигини энди фаҳмладилар.

Сулаймоннинг овози ширадор, кучли эди, кўзларини юмиб «Ёсин»ни ўқиди.

Дуодан сўнг уч мурид бир тарафда қолди. Шайх одатига кўра бир оғиз гапирмади, хаёл уммонига ғарқ бўлиб, мўъжаз ҳужраларни айланиб кетди.

Йигитлик мавсуми бамисли мармарга битилган ёднома экан, то ўлгунча хотирангдан ўчмас экан. Шайхнинг бутун вужудини, тафаккурини ўттиз йиллик хотиротлар лашкари чулғаб олди. У аста-аста юриб жондин азиз, ғариб ҳужраларни топди. Ҳужра бўм-бўш, ичкари қоронғи эди. Эшикда бир зум туриб қолди. «Бисмилло» деб пастак қопидан бош суқди. Рутубатли бўйга чидамай изига қайтди. Бу зах ҳужра бир замонлар обод эди, унда қиёматлик дўстлари, Абдулла Барқий, Ҳасан Андоқий, Абдулхолиқ Ғиждувоний билан бир нонни тўртга бўлиб ер эдилар. Тушгача қол илмини, оқшомдан то бомдодгача ҳол илмини ўрганардилар.

Шайх кўзларини юмди. Рўпарасида Хизрдек бўлиб Юсуф Ҳамадоний гавдаланди. Ана, у ерга қараб яп-янги нақшин дарвозадан кириб келаётир. Узун қўнғир соқоли вазмин селкиллайди, эгнида ҳамишалик либоси — одми жун тўн. Оёғида чориқ, бошида новвотранг салла. Шайхнинг хаёлидан устозининг сифатлари бир-бир ўтаверди: пири гапирганда юзингизга кулиб туриб гапирар, ҳалим табиатли эди. Тиб илмидан чуқур хабардор, беморларга нусха ёзиб бериб кун кўрар, пойабзал тикиб нон топарди... Новчалигидан ор қилгандай доим букчайиб юрар; ҳар дамда ниманидир пичирлаб қўярди. Бош оғриғи — шақиқаси бор эди. Бозорга боришни ёмон кўрарди. Шоҳлар, ҳокимлар, беклар дастурхонидан бош тортарди. Оз ер, оз сўзларди... Жаннат яроғини тиригида ҳозирлаб қўйганди. Ўттиз олти карра пойи пиёда Маккага борди, Қуръони каримни минг бора хатм қилди, саккиз минг бутпарастни исломга киритди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зикрда пири комил эдилар. Хусусан зикри хуфий — унсиз, қалбда туғён қиладиган зикрда беназир эди. Кучли зикр чоғи қийналиб терлаб кетарди. Зикри қалбийни Султон Боязид Ҳарақонийдин ўргандим, дердилар.

Абдулла Барқийни, Ҳасан Андоқийни, Абдулхолиқ бирла фақир Аҳмадни фарзанди аъло деб меҳр кўргузарди. Зикри ҳуфий чоғи тўртталасини икки ёнига ўтқазиб олар, узун бармоқлари билан бошларини силаб ўтирар, гўёки фазлу камол тилар эдилар. Чилтонлар бирла ҳамсуҳбат, ишорати ғайбдан бохабар эдилар. Эсида, адашмаса кўклам чоғи эди. Мадраса томидаги қизғалдоқлар сўлиб битган. Бир куни устод тўрт халифасини олдига чақирди. «Биз минг тўққиз ой ер юзини чангитиб юрибмиз — деди кулимсираб—, ана энди омонатини сўроқлаб ҳукми олло келибдир. Хизматига борайлиқ. Биздин рози бўлиб, шу қумрон соқоллик қариянинг мушкили кушод бўлсин деб тиланглар.» Устод васиятини айтди: «Абдулла ювсин, Абдухолиқ суясин, гўримни Андоқий ковласин, Аҳмад мозоримда «Ван-назиат»ни ўқиб турсин», Халифалар устод васиятини адо этмакка ҳозирландилар. Илло, пирнинг умри узун экан, ўлимни бўйнига олгани учунми, олло марҳамат қилди. Тағин саккиз йил умргузаронлик қилиб Марвда, туққан элига яқин ерда олло раҳматига борди. Разияллоҳу анҳу!

Шайх беихтиёр пичирлаб ўттиз уч йил илгаригидек «Ван-назиат» сурасини тиловат қилди. Томоғи бўғилди, кўкси ачишди. Шу пайт мўъжиза рўй берди: тор, қоронғу ҳужрадан «Ваалейкум ассалом вараҳматуллоҳ!» дея оқ албиса кийган пири комилнинг сиймоси кўринди. Устоз одатдагидек сирли кулимсираб турарди. Шайх сурани хатм қилиб тугатган заҳоти Юсуф Ҳамадоний тағин шабистон қаърига сингиб кетди...

Устознинг арвоҳи билан дийдорлашгани, хусусан, пирининг алқагани Шайхнинг кўнглига ёруғлик солди: «Пир суҳбат хизматларимиздан розимикан, деган иштибоҳда эрдик, шукри оллоҳким, ризо бўлибдур».

Шайх шериклари ёнига қайтди. Тўртовлон харобот обидасига эврилган мадрасага сўнгги бор кўз ташлаб ташқари чиқдилар. Шайх ҳамон хаёл ошуғида, буни сезиб, Сулаймон билан Қутбиддин аста-аста Ҳазрат изидан бораяпти. Бобо Мочиннинг тили югурик, у Шайхга ёндошиб дарҳол сўради:

— Шайхим, пири комилингиз қуддуси сира Юсуф Ҳамадоний жаноблари тажарруд қилғон эдиларму? Каминага менгзаб аҳли аёлдин воз кечган эканлар-да?

— Етмиш беш ёшларига қадар қатъи тааллуқ[1] қилиб эдилар, сўнг рўзғор юкин мўйниға олдилар.

— Қариғанда бир тан маҳрам керак бўлғон-да.

Шайх Бобо Мочинга қарамади, ўзига-ўзи гапираётгандек, ўйчанлик ила деди:

— Ҳар бир мўмин мусулмонга бир тан маҳрам керак. Ёш бўлса ҳам, қарт бўлса ҳам. Бу Ҳақ Мустафонинг суннатлари.

Ҳазратнинг гапи Сулаймонга маъқул тушди, Қутбиддинга эса ёқмади. Сулаймоннинг ёши қирқдан ўтди, у Ҳазратнинг ёнидан бир энлик жилмай, иссиқ-совуқни бирга тотиб юрибди, туни-куни Оллоҳнинг зикри билан банд, тоат-ибодат, Қуръон тиловоти, сўфийлик маслаги унга Байтул-ҳарамдек муқаддас. Бироқ олис кечаларда хаёли қочади: токайгача бундоқ ит ётиш, мирза туриш... Жигарлари хун бўлади... Йигитлик гулшанини тарк этиб, қарилик саҳросига юз тутаётган вужуди бир мулойим, бир маъсума ва иймонли тан маҳрам истайди. Новвотдек ширинзабон, қалдирғоч боласидек чуғур-чуғур қиладиган чўжуқлар бошини силагиси келади, гўдак исини соғинади. Фақат, бу бола ўзиники бўлса, болам, деса, бўталоғим, деса, эркаласа, суйса...

Сулаймоннинг дарди янгиланди. Аммо Ҳазратнинг Ўтрор йўлидаги таъна аралаш ваъдасини эслаб, тавба қилди. Маккаи мукаррамадан эсон-омон қайтиб келгач, юрак ёришни ўйлаб, умид қилди.

Қутбиддин аллақачон мужаррад бўлиб дунёдан тоқ ўтмакка онт ичган эди. У «Мутасаввуф бўлиб ҳақ йўлини орзу қилибман, сўфиёна бир турмушни танлаб, тариқат уммонига кирибманми, ё буткул чўкиб кетаман ё бул уммонда сузиб ҳусни мутлаққа еткайман», деб қарор берган эди.

---

[1] Қатъи тааллуқ — уйланмай, дунёдан тоқ ўтиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайх икки муридининг фикрини басират кўзи ила уқиб олди. Уларга устоз Юсуф Ҳамадоний ҳаётидан бир ибратли воқеани айтиб берди.

— Ҳазратнинг халифаи аввали Ҳасан Андоқий Бухоронинг Андоқ кентидан эди. Рўзғори, фарзандлари бор эди. Бир куни қўрғонига бориб келиб кўнглини ёрди. Мен қайтиб энди аҳли аёлимни кўрмайдирмен, деди. Боисин айтмади. Бу гапдин пир хабар топдилар. Ҳужрамизга кириб келдилар. Ҳасанни тиз чўкдириб насиҳат қилдилар: «Шариат ва ақл юзасидин қараганда Сиз фарзандларингизга ҳам, рафиқангизга ҳам якин бўлишингиз даркор», дедилар. Андоқий чарс табиатли кимса эди. «Не бўлганин бир ўзим билурмен, бир Оллоҳ билур. Мен сўфийлик хирқасин кийдим, аҳли аёлдин воз кечдим, ўзга важим йўқ», деди. Хожамиз бул сўздан озор чекдилар. Ўшал куни ғайб оламидин бир довуш келибди: «Эй, Юсуф, биз сенга басорат кўзи бирла кўрмакни насиб этдик, Ҳасан Андоқийга эрса, ҳам басорат, ҳам басират[1] нигоҳини бердик». Пир ҳазрат бомдод ҳужрамизга келиб Ҳасандан узр сўрадилар. Андоқий йиғлаб пирнинг қўлини ўпди. Қиссадин ҳиссани ўзларингиз чиқариб олинглар.

Ҳасан Андоқий билан бўлган воқеа уч муридга уч хил таъсир этди: Қутбиддин қатъи тааллуқ фикрида қолди, Сулаймон Юсуф Ҳамадонийни қувватлади, Бобо Мочинга эса икки дунё бир қадам эди, унинг вужуди тан маҳрам ишқида эмас, зикри оллоҳ ва йўл танобини тортиб, учиб-қўниб юриш шавқи ила ўртанарди.

— Бобоқул, сиз жадаллаб хонақоҳга боринг, — деди Шайх, Бобо Мочиннинг аста юриб қийналаётганини кўриб, — хон ҳазратлари ташриф буюрмоқчи эдилар. Маҳтал бўлиб қолмасин.

Бобо Мочин тўрт ҳатлаб муюлишда ғойиб бўлди. Шайх ҳамроҳлари билан шоҳкўчага чиққанларида Бобо Мочин бир ёғоч йўл босиб, хонақоҳ дарвозасига етиб борган эди.

Қурбат хонақоҳнинг ичи-ташида одам қалин, сарбоздан гадойгача, шайхур-раисдан ромчигача, тужжордан арзигўйгача топилар, барча интизор, биров ўз дардини айтиб, нажот сўрагани Султон Маҳмудхонни кутса, биров Шайхул машойих Хожа Аҳмад Яссавийнинг дийдорига муштоқ эди.

18. Бир «Аҳмад» панд берди

Одамларнинг ёмони — улар ичидаги уламоларнинг ёмонидур.

Ҳадис.

Ҳаркимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Мирзо Бобур.

Султон Маҳмудхон хонақоҳ олдида отдан тушди. Аркони дин ва давлат қуршовида «Бисмилло!» деб ҳовлига кирди. Атрофга алангладн. У «Шайх жилла қурса истиқболимга чиқар», деб умид қилган эди. Ҳазрат кўринмади. Султонни қўл қовуштириб, Самарқанд шайхур-раиси, шаҳар ҳокими, муҳтасиблар, мударрислар, Шайх билан Хонаи муборакка кетаётган толиби савоблар, бою боёнлар, аҳли раият кутиб турарди. Маҳмудхон йўрғалаб йўл бошлаётган шаҳар ҳокими изидан тўрдаги хосхонага қараб юрди. Султон шарафига хонақоҳдаги ягона мажлисхона махсус жиҳозланган, унга қирқэллик чоғлик одам сиғарди.

Мажлисхона эшигида Султон ортига ўгирилди. «Нома!» деб хос мулозимига қўл чўзди. Мулозим шошиб қўйнига қўл тиқдию зархал хатчўп олиб тавозе ила узатди. Маҳмудхон хатчўпни ички киссасига жойлаб остона ҳатла-

---

[1] Басорат — ақл кўзи, тафаккур.
Басират — қалб кўзи, яъни илоҳий нигоҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Мажлисхона анча равшан, бурчак-бурчакда бир газлик йўғон шамдонлар пориллаб ёниб турар, ичкарида уч-тўрттагина қария давра қурган эди.

Султоннинг салласига қўндирилган бош бармоқдек ёқутни кўриб, Шайх оҳиста қўзғолди. Хонга пешвоз юрди. Султон одимини тезлатди. Мажлисхона ўртасида юзма-юз бўлдилар.

— Ассалому алайкум, пирим! — деди Султон, Шайхнинг буғдойранг, сафар шамолида қорайган чеҳрасига боқиб. Ҳазрат биринчи бўлиб қўл узатди. Юзида мулойим бир ифода балқиди.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Хуш кўрдик. Султон энгашиб Шайхнинг қўлларини ўпди.

— Минг қатла шукурким, олло таоло дийдорингизни насиб этди. Қадамларига ҳасанот, пирим!

Тўрга ўтдилар. Шайх Султонни ўнг тарафига таклиф этди. Улардан сўнг ҳар ким рутбасига қараб жойлашди. Ашрафхон қози юқорироқда турган эди, азиз меҳмонларга мулозимат қиламан, деб беихтиёр ўзи пойгакка яқинлашиб қолди.

Шайх дуога қўл очди:

— Омин! Илоё, парвардигори олам умрингизни узун қилғон бўлсин, қўл остингиздаги ғарибу ғураболар дуосидин бенасиб этмасин, минбаъд Самарқанди азимда шаҳидлар қони тўкилмасин, дини ислом йўлида бир қатла азият чексангиз, Оллоҳ тарафидин минг қатла шафоат ёғилгай, қутлуғ манзилингиз обод бўлиб, мудом ўзининг эгаларига буюрсин, Оллоҳу акбар!

Ашрафхон қози кафтларини бетига суркадию, бир лаҳза Шайх билан Султоннинг ўзаро марҳаматларини кўриб, ичида кулди: «Ҳозирча бир-бирларингизни ялаб турингглар-чи, нома ошкор бўлсин, андин сўнг кўрамиз муомалани». Қозикалон кеча зир югуриб Мавлуд қорини топтирган, ундан «Номани хон ҳазратларининг ўз қўлларига топширдим» деган қасамёдни эшитиб, таскин топган эди.

Одми бўз дастурхонга баковуллар чинни идишларда муаттар шарбатлар, тансиқ таомлар келтира бошладилар. Шайх қорахитойлар билан бўлган жангда Самарқанд аҳлининг бошига тушган кулфатларни эслатиб, Султондан кўнгил сўради:

— Тонг билан Имом Бухорий ҳазратларининг марқабларини зиёрат этмакка муяссар бўлдик. Йўл усти Қатавон мавзеига ўтиб, ўшал бегуноҳ шаҳидлар хокига дуо ўқимоқ ниятимиз бор эди. Имон тортадир, вале оёқ юрмайдир. Борсак, гўёки, «Не ёзуғимиз бор эди бизнинг?» деб ўттиз минг шаҳид кафанларин судраб чиқиб келадир. Изимизга қайтдик. Мусулмон фарзанди қиладирғон юмуш бўлмапти, водариғ!

Шайхнинг гапи Султоннинг ўмганидан ўтиб кетди. Бир оғиз «Водариғ!» Султоннинг битаёзган ярасини янгилагандек бўлди. Қатавон... Бу сўзни эсласа, Султоннинг етмиш икки бўғинига оғриқ киради, тунда уйқуси қочади, кундуз кулкиси. Қатавон... Гўрхон... Қорлуқлар... Тағин ўша қирғин-барот, шармандаларча мағлубият, хўрликлар кўз ўнгидан ўтди.

Бундан беш йилча бурун Қулон, Марки атрофларида, Сайхун бўйида яшовчи қорлуқлар Маҳмудхонга қарши бош кўтарди. Маҳмудхон уларнинг исёнини аёвсиз бостирди. Аммо бетавфиқ қорлуқлар тинчимади. Хуфёна кўмак сўраб Хоразм шоҳи Алоиддин Отсизга одам юбордилар. Отсиз ваъда берди, Султон Санжарнинг тузлиғига тупуриб, орага қорахитой хони Гўрхонни солди. Лаънати Гўрхон, ўзига енг бўлолмаган ўша куффор, ўзгага бўй бўламан, деб Маҳмудхоннинг ҳам тағойиси, ҳам язнаси Санжарга мактуб йўллади. Қорлуқлар ёнини олди. «Сен кофирнинг биз мўъминлар бирла не ишинг бор? — деди жавоб хатида Санжар, — элинг бошқа, дининг бошқа, ўз ҳўкизингни ҳайдаб юрабер! Менга ҳамдам бўлмакни истасанг, исломни қабул қил, андин сўнг сен бирла муроса қилғайман. Таклифимга кўнмасанг қиличимнинг дамини тотиб кўргайсан, куффор!» Гўрхон, Отсизнинг ҳарбий ёрдамига, қорлуқларнинг мададига суяндими, Самарқанд сари бостириб кела бошлади. Ҳануз Маҳмудхоннинг ёдида. Сунбула ўтиб, мезон кирган эди. Хўжанд билан Самарқанд орасида, Қатавон даштида икки лашкар тўқнашди. Гўрхоннинг лашкари бисёр бўлмаса-да, Маҳмудхондан норози авом халқ эвазига лак-лак эди. Санжар юборган аскар билан қўшилиб, Маҳмудхоннинг қўшини ҳам юз

www.ziyouz.com kutubxonasi

мингга етарди. Уруш-уруш бўлиб, бундай қаттол мухораба бўлмас. Тирикдан ўлик, ўликдан тирик кўпайиб кетди. Ичингдаги ёв ёмон деганлари рост экан. Қорлуқлар ваҳший ҳайвондек қутуриб жанг қилдилар. Улар яроғлари қолмаса, қўллари, тишлари, оёқларини ишга солар, жон таслим қилаётиб ҳам отларни чилвир билан чирмаб йиқитар, марҳум санжарийларнинг қорнини ёриб, қузғунбоп қилиб кетишарди.

Ўша жангда улуғ Султон Санжар лашкари қирқ йил бадалида илк бора мағлубиятга учради. Агар қочмаганда Султоннинг ўзи ҳам асирга тушиб тириклай ўлиши муқаррар эди. Оллоҳнинг ҳимоятига шукрким, бахт соқчиси Амир Абулфазл бор экан. У шоҳнинг хос чодирига кириб гўёки Султон Санжар бўлиб ўтирди. Ўзини Гўрхон қўлига топшириб амирул муслимун жонини омон асраб қолди...

Маҳмудхон асиралик азобини тортган опаси — Султон Санжарнинг хотини Туркон хотинни эслади. Куффор Гўрхон шартини адо этиб, опасини беш юз минг динор эвазига қайтариб олдилар. Аммо не-не амирлари, баҳодирлари шаҳид кетди. Ҳозир ўша жанг майдони улуғ қабристон. Одамлар кофиру мусулмон устига тупроқ тортиб, тош ташиб текис дашт ўрнида баланд тепалик барпо этганлар. Негадир авом халқ бу мозористонни «Кофиристон» дейди, ёнидан эл-улус юрак ҳовучлаб ўтади. Фотиҳага очилган қўллар титрайди...

...Бир неча дақиқа хонага зилдай сукунат чўкди. Гўёки барча калла осилтириб ўша Кофиристонда ётган шаҳидлар руҳини ёд қилаётгандек эди.

Ниҳоят, Султон Маҳмудхон дастурхондан бош кўтарди.

— Мусибатда қолдик, пирим, — деди узун уҳ тортиб, — гуноҳ барчадин ўтди. Илло, ўз юртига тўймай, ўзга элга кўз олайтирган куффор Гўрхон бўлмаганда...

— Ер остиға ҳайдалган марҳумлар бирла ер устида фарёд қилиб қолғон етим-есирда не ёзуқ?! — деди Шайх кескин товушда, — гуноҳ аввало, сизда, жаноб Маҳмудхон, баъдаз Амирул муслиминда. Сиз қорлуқларнинг додига қулоқ осганингизда, алар имдод истаб қорахитойнинг олдига бормасди. Бу не шумликки, фарзанд ўз отасидин меҳр тиласаю вале шафқат топмай етти ётнинг оёғина бош уриб борса?! Ақлу идрок ечадирган бир юмушни зўрлик бирла битириш Сиздек кимсага зийнат эрмас эди. Сиз бамисли бир табиб, фуқароингиз — бемор. Ул фуқаро, дардим бор ҳозиқ-табибим, эшит, дебди. Сиз бўлсангиз, дамингни чиқарма, нотавон, деб бемор кишининг устига черик тортибсиз. Мардлик — мардлар юмуши, хатони мўйинлаб тавбага келмак лозимдур. Хўш, энди шоҳижаҳон Султон Санжар жанобларининг тадбирини кўринг. Сир эмаски, мана шу азим хонақоҳдек хирмонни ўтга бермак учун мисвокдек бир чўп кифоя қилур. Султоннинг бир оғиз такаббур сўзи бамисоли кўгурт бўлиб уруш оловини ёқди. Бизнинг сўзимиз ғалат бўлса, айтинг, Хон ҳазратлари...

Маҳмудхон Султон Санжарнинг ёнини олди:

— Тағойимиз... амирул муслимин куффор Гўрхонга «Сан бизнинг рўзғоримизга бурнингни тиқма», деган мазмунда нома юбордилар. Илло, Гўрхон бирла анов бетавфиқ хоразмлик Отсиз хиёнат қилдилар...

— Номанинг қуйруғи хуржунда қолди, — деди Шайх енгил истеҳзо ила, — мабодо сиз истиҳола қилаётган эрсангиз, ўзимиз айтиб берайлик. Султон Санжар Гўрхонга «Исломни қабул эт, йўқса мендин шафқат тилама!» қабилида шарт қўйди. Султоннинг хатоси шул. Матал борким, ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, демишлар. Каломи шарифда айтилур, динда зўрлаш йўқдир, жоҳил ва бетақво кимсаларни иймонга келтирмоқчи бўлсанг, мулойим сўз ва ақлу идрок бирла тарғиб қил, дейилур. Бу не бедодликки, ўз дини, ўз мазҳабида собит бир бандани қилич кучига иноний ҳақ йўлига мажбуран киритмак истарсан? Бу оламнинг балоси тарсо, жуҳуд, хитой, насроний, бутпараст, деб ирқ ажратишда, дину миллат ажратишда. Расулиллоҳ васият қилдиларки, ўмматларим бир куни тангрининг балосига йўлиққайлар, деб. «Бало не?» деб сўрадилар. Ҳақ Мустафо жавоб бердилар: «Бало, бу — кибру ҳаво, мутакаббурлик, одамлар аро рақобат, мол-дунё талашув, низо ва ҳасаддур. Бу иллатлар боис, аввало халойиқнинг феъли бузилгай, андин сўнг дунёда талотўп қўпар». Султон Санжари мозий улуғ зотдир, илло ул зот мутакаббурлиги важҳидин Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлди. Шаҳид кетган бегуноҳлар арвоҳи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон жанобларини у дунё-бу дунё безовта қилиб турмоғи шубҳасиздур. Негаким, иймони саломат киши ўз қилмишига пушмон бўлур. Умид шулким, Султон Санжарнинг диёнати ҳали ҳозир дарз кетмаган кўринадур. Иншооллоҳ.

Ўқнинг қудрати ёлғиз камон — ёйнинг зарбасига эмас, ўқ отувчига ҳам боғлиқ. Худди шунингдек, мақтов ё олқиш кимнинг лафзидан айтилганига қараб таъсир қилар экан. Шайхнинг гап аввалида тоға-жиян султонларни маломатга кўмиб, гап охирида Султон Санжар шаънини у қадар ерга урмагани таранглашиб бораётган вазиятни бироз юмшатди. Шайхнинг гина-кудуратларидан Маҳмудхоннинг зардаси қайнади. У бир-икки бор қўлини бағрига босди. Ич-этини куйдириб турган ўша хатни олиб Ҳазратнинг олдига қўймоқчи, «Пирим, биз сизга қўл бериб мурид бўлдик, сиз эрсангиз харифимизнинг бошини силаб анга мундоқ мактублар йўллабсиз, шул инсофданми?» деб миннатини тўкиб солмоқчи эди. Аммо Шайхнинг аччиқ дашноми охирда тағойисининг фойдасига ўгирилганини кўриб, шаштидан қайтди. Шайх кўз қири билан Султон пинжида бир нима борлигини аллақачон пайқаган эди, билинар-билинмас ияк қоқди.

— Омонатингизни топшириб, даъвойингизни сўйланг, хон жаноблари, дард ботин қолмасин. Сиз-да, биз-да кўнгилни тозартириб олайлик.

Султон жамоатга аланглади. У Шайх билан яккама-якка, ҳеч қурса тор доирада суҳбатлашмоқ илинжида эди.

— Бул жамоатдин нени яширасиз, Султон? Ёртиси сиздин, ёртиси-биздин. Худодин яширмаган нарсани бандасидин изламоқ номуносиб бир юмушдир.

Хонада ўн чоғлиқ киши бор эди. Султон уларга хушламай назар солди-да, қўйнидан хатчўп олиб Ҳазратнинг олдига қўйди.

— Бул мактубни олғондин сўнг ором не, роҳат не — билмайдирмен. Наҳот, биз пирим деб қўл берган авлиёмиз, валинеъматимиз биздек содиқ муридларини бадном қилмоқни раво кўрдилар, ёзуғимиз не эрди, ихлосимизми, ёлғиз фарзандимизни хизматларига ташлаб қўйғонимизми, дуои хайримизми, деб гумону изтироб ичра ўртанадурмен...

Султоннинг гапи Ашрафхон қозига нашъа қилди: «Аввал сен оромингни йўқотган эрсанг, бул хат ҳозир ўқилғоч, пиринг роҳатидин айрилгай. Хўб ажаб бўлди-да».

— Қани, ўқийлик-чи, ул не хат эканки, Сизни бу қадар азиятга солмиш, — деди Шайх ва хатчўпни Сулаймонга чўзди, — қозикалонга узатинг, қироатлари дуруст.

Ашрафхон қози буни кутмаган эди, довдираб қолди.

— Шайхим, бизнинг кўзимиз ожизроқ, маъзур тутгайлар...

— Сизнинг зеҳнингиз ўткир, — деди Шайх қовоқ солиб, — сакта ерини-да тузатиб кетасиз, ўқинг!

Шайхнинг гапидаги нимкосани Бобо Мочин билан Сулаймондан бўлак кимса англамади.

Қозикалон ноилож қолди, негаки, хатчўп қўлига етган эди. Чўккалаб ўқишга киришди. Бир бетдан зиёдроқ иншони ҳижжалаб ўқиб бўлдию элдан бурун хитоб қилди:

— Бўҳтон бу! Шайхимизнинг беҳад улуғ рутбасини кўролмайдиганлар битган буни! Ўшал хатни келтирган малъунни дарҳол топтирмоқ лозимдур!

— Бу ёққа беринг! — деди Шайх зарда билан. Хат қўлига тегди. Ҳазрат уни дастурхонга ёйиб қўйди. Бир сония кўз ташлади-да, ғамгин кулимсиради.

— Бул иншода фақирнинг сўзлари ҳам бор. Аммо дастхат бизники эмас. Муҳр ҳам қалбаки, нодон, ношуд устага ясатибдилар.

Хонани енгил ғовур босди. Султон Маҳмудхон оппоқ шойи қоғозга босилган катта доира муҳрга тикилиб қолди. Сулаймон хатга бўй чўзди, Самарқанд уламолари бир-бирига маъноли боқди. Ашрафхон қози типирчилади, ранги бўзариб дам Шайхга, дам Султонга аланг-жаланг қарай берди. Бобо Мочин Ашрафхон қозининг гуппидек бетидан кўз узмай тикилиб қолди.

Султон куппа-кундуз, эл ичида бир бегуноҳга туҳмат қилиб қўлга тушган бадкирдордек лов қизарди. Чўчиброқ оғиз очди:

—Пирим, мана бу муҳр ўзлариники шекилли. Ё дунёда Ҳазрати Султон хожа Аҳмади Яссавийнинг бўлак муҳрлари ҳам борму?

Шайх Султон Маҳмудхонга таънаомуз боқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизнинг тўнингизни кийиб, бошига жиға қўндириб, белига тилло камар, кумуш шамшир боғлаб олган кимса сизга ўхшамайдими? Ўхшайди. Илло ул имонсиз ҳеч қачон Султон Маҳмудхон бўлолмас. Султон — сиз. Сийрат бошқа, сурат бошқадир. Асл билан нусхани фарқламак учун кўп ақл керак эмас, андак фаросат, фасоҳат бўлса бас. Қани, муҳрдаги битикни тағин бир ўқисинлар-чи.

Султони орифиннинг хос муҳрини Маҳмудхон икки-уч маротаба кўрган эди, холос. Пичирлаб ўқиди:

— Бисмиллоҳи хайрул-асмо... Бисмиллоҳир раббил арзи-самои...

У муҳр атрофидаги битикни бехато хатм қилди.

— Балли! Ана энди ўртадаги гардишни ўқисинлар.

Яссавий муҳри доира шаклида бўлиб, учта гардишдан иборат, энг четки гардишда оятлар битилган, кичик гардишда Шайхнинг унвони дарж этилган эди. Ўрта гардишда эса, Хожа Аҳмад Яссавийдан илгари ўтган ўнта улуғ зот — ўнта Аҳмаднинг исми шарифи келтирилган. Улар Аҳмади мурсал саллоллоҳи алайҳи вассалам, (Муҳаммад пайғамбар), Шайх Аҳмад Ханбал, Шайх Аҳмад Хайрун Нассож, Шайх Аҳмад Арқам, Шайх Аҳмад Ҳазравия, Шайх Аҳмад Равия, Шайх Аҳмад Мухтор, Шайх Аҳмад Хомий, Шайх Аҳмад Кабир, Шайх Аҳмад Соғирия. Иншода дастлабки тўртта Шайх Аҳмад тўғри ёзилган, бешинчи Аҳмад Ҳазравияни наққош нодонлик қилибми, шошибми, «Ҳазрия» деб ёзган эди. Султон Маҳмудхон ҳам наққошнинг хатосини айнан такрорлади — қандоқ битилган бўлса, шундоқ ўқиди.

— Тўхтанг! — деб Ҳазрат қўл кўтарди ва жамоатга ўгирилди, — бу ерда Самарқанд уламолари жам бўлмишлар. Қани, тақсирлар, айтсинлар, бу оламда Ҳазрия деган муборак зот ўтганидан хабарлари борми?

Ғала-ғовур бошланди. Самарқанд шайхур-раиси ҳожа Абдураззоқ товуш берди:

— Исломия оламида биз Ҳазрия деган кимсани билмасмиз. Шайх Аҳмади Ҳазравияни биладурмиз. Бу зоти шариф Қусам ибн Аббос рази-аллоҳу анҳу — жанобларининг устоди бўладилар.

Маҳмудхон мулзам бўлди. Қоратўри бети бўғриқиб кетди. Қўлидаги муҳрни айлантириб томоша қилди. Гўё шу баҳонада уламоларнинг дашномидан фориғ бўлмоқчи эди. Ичида ўзини койиди: «Наҳотки Расули алайҳиссаломнинг тувғонлари Қусам ибн Аббосга пири муршидлиқ қилғон Шайх Ҳазравияни билмасам? Билмабпиз-да... Водариғ, бир «вов»нинг қурбони бўлдинг, Султон!»

Сукунат чўзилди. Самарқанд уламолари ер чизиб қолишди. Улар кимсан — аъло ҳазратнинг муҳрни ғалат ўқиганлигидан музтар эдилар. Ашрафхон қози «Ажаб бўлди, хўб бўлди» дегандек уламолар тарафга ички бир қаноат билан кулимсираб боқди. Сўнг кўзи Шайхул машойих кўзига тушдию типирчилади. Султони орифин қозига ўткир нигоҳини қадаб, «Отларнинг ўлими итларнинг байрами экан-да, жаноб қозикалон?» дегандек итоб қилиб турарди. Қози ён-верини йиғиштирди, сўнг қаерда, кимнинг ҳузурида ўтиргани ёдидан кўтарилдими, аста қўзғолди. У жон борида жуфтакни ростламоққа ният қилган эди. «Худо кўрсатмасин, гап чувалашиб сир очилса, бу такаббур хон ила ул Шайхи золим анави чиллашир қорини-да топтириб келгай. Унда саққолга алвидо айтиб... эшакка тескари миниб, бозор айланмакка ҳозир бўлмоқ даркор...»

Қози пойгакда ўлтириб эди, оҳиста туриб кетмоқчи бўлди. Аммо унинг шум ниятини зимдан пайқаб ўтирган Шайх амр қилди:

— Қози, жойингизга ўтиринг!

Барча ялт этиб эшик тарафга қаради. Халойиққа орқа ўгириб, сурранг жун қопдек бўлиб турган қозикалон гуп этиб ағдарилди. Дарров кирпидек ғужанак бўлиб олди. Шайх Сулаймонга қаради.

— Ҳакимхўжа, хон жанобларига бизнинг муҳрни беринг.

Сулаймон қўйнидан арча қутига яширинган хос муҳрни чиқарди, қўшқўллаб Маҳмудхоннинг олдига келтириб қўйди. Хон ҳамон хижолат ва маломат юкидан халос бўлолмай тиш қайраб ўтирган эрса-да, бесабрлик ила Шайх муҳрига кўз югуртирди. «Шайх Аҳмад Ҳазравия» унвонини уч карра ҳижжалаб ўқиди. Пешонасини ишқалади... Ух тортди ва... андак жим қолди. Шайх унга «Энди фарқига боргандирсиз, тақсир?» дегандек беписанд назар солди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Падарлаънатилар! — Хоннинг овози гулдуракдек янгради. Бу ғазабнок наърадан Ашрафхон қози тугул, уламолар ҳам бир сесканиб тушдилар.

Хон чап ёнбошига, Шайх тарафга ўгирилиб қўлини кўксига босди.

— Биздин осийлик ўтди, пирим, афв этсинлар...

Шайх индамади.

Ашрафхон қозининг беҳол-бемажол бўғинларига қайтадан жон ингандек бўлди: «Хайрият, худо бир фалокатдан асради, саққол-мўйлов фойдага қолди, шукр-е...»

Шу пайт Самарқанд шайхур раиси Хожа Абдураззоқ изн сўраб гапга аралашди:

— Аъло ҳазрат, ҳадиси шарифда айтилмишки, мардумларнинг энг ёмони — алар орасиндаги уламои жоҳиллардир. Эл-улус кўриб тавба қилсун деб ўғрининг дасти панжин кесурлар. Риё бежазо қолса, ул риёкорлик бардавом эткусидур. Фақир қулингизни бир ўтинчим бордир. Ул бетавфиқ бадкирдорни топтириб жазоға мустаҳиқ этмак даркор, токи мўмин-мусулмонлар бошиға минбаъд туҳмат тошлари ёғилмагай.

Маҳмудхон «маъқул» дегандек бош силкиди. Ашрафхон қози пойгакдан чийиллаб қувватлади:

— Жаноби шайхур раис орий рост гапни гапурдилар. Ул нечук беиймон раҳнамоки, қўлида тасбеҳ тутиб шавкатли хонимиз бирла пири бузрукворга туҳмат қилғай! Биз Соброн уламои киром номидин талаб қиламиз, ул каззоб бўҳтончини топтириб шаръий ҳукм бирла жазо берилсун!

Қози шундоқ деб бақирдию ичида тантана қилди: «Мактубот келтирган Мавлуд қорини топиб бўпсанлар, ул ҳозир Бухоро қайдасан, деб эшагини ниқтаб кетиб бораётқон бўлса ажабмас».

Ашрафхон қози кеча хуфтонда Мавлуд қорини хуфя жойга чорлаб, «Кўздин нари тур энди, ўқ нишонга тегди, қорангни кўрсатма», деб шаҳардан чиқиб кетмакни амр қилган эди. Қозининг ўзича суюниши шу боисдан эди. Илло инсон боласининг минг бир қусурларидан бири шулки, у ўзининг қусуридан кўра бегона кимсанинг қусурини санашни афзал кўради. Нописандлик эса, аксар шармандалик билан хотима топажак.

Бу сафар қози ана шу нописандлик қурбони бўлди.

Маҳмудхон бир чокарига им қоқди:

— Анови тужжорни чорланг.

Чокар шипиллаб чиқиб кетди. Сал фурсатдан сўнг ранги-қути ўчган Мавлуд қори кирди. У эшикдан ҳатладию мук тушиб хонга таъзим қилди. Мажлис аҳли кўсанамо, одми кийинган ориқ йигитни томоша қилиб, ўзаро кўз уриштираётганда Ашрафхон қози фурсатдан фойдаланди. У думалаб-сумалаб навкарлар оёғидан ўтдию ҳовлига отилди. Аммо жонини қутқаролмади. Бобо Мочин бир лаҳза ҳам қозидан кўз узмай ўтирган эди, ирғиб турди. Сарҳовуз бўйида қозини тирсагидан тутди. Масхаромуз кулди:

— Тақсир, йўл бўлсин? Пиримнинг даргоҳидин берухсат чиққонингиз адабсизлик бўлди-ёв, лаббай?

— А? Э, сенмисан, бўтам? Шу, биласиз, мулла Бобоқул, қувуғим бўшроқ... таҳорат ушатай деб...

— Ҳожатхона бу ёқда, тақсир. Сиз дарвозахонага қараб кетмакдасиз. Ё бирор девор-мевор тагида, а?

— Даф бўл-е, оғзингга куйдирги! Бор, пиримни олдига кир, ман ҳозир...

Бобо Мочин унинг изидан қолмади.

— Тақсир, биз сизни еру кўкка ишонмаймиз. Ўзим ўша ерга элтиб, бўшатадиганингизни бўшатиб келгайман...

Қози чинқириб юборди:

— Қо-оч, бетавфиқ!! Ҳой, мусулмонлар, мана бу алвастининг зулмидан халос қилинглар, ҳозир иймонимни куйдиргай бу!

— Ўзи йўқ нимарсанинг неси куйгай, тақсир? Қани, бу ёққа юрадиларми?

Қози иштонбоғини чангаллаганча ҳовли этагидаги ҳожатхона тарафга қараб йўрғалади. Бобо Мочин, гарчи беандишалик бўлса-да, қозининг изидан бир неча қадам босиб, сал берида кузатиб турди.

Ниҳоят, қози чиқди. Тақдирга тан бериб, Бобо Мочиннинг олдига тушдию мажлисхонага равона бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўсағада Мавлуд қори тикка туриб гувоҳлик берарди. У бандидан узилай-узилай деб турган заъфарон япроқдек титрар, тили калимага келмай ғўлдирарди.

Қози остона ҳатлаб ўтаркан, Мавлуд қорининг биқинига қаттиқ тўртиб қўйди. «Бу оғзингга эҳтиёт бўл, сир очсанг, ёмон қиламан», дегани эди. Қорининг ориятн келди.

— Нечун туртасиз, тақсир? — деди ўзини бардамроқ сезиб, — ургандан туртган ёмон эрмиш. Туртсангиз-да, уриб ўлдирсангиз-да, гапнинг индоллосини айтаман энди. Мана шу мактубни Самарқандга элтиб хонимизнинг қўлларига топширсанг, ҳажга олиб кетаман, деган ким эди? Сиз! Шайхул машойих ўта такаббур, ул, хонимизни писанд этмайдур, деган ким эди? Сиз, тақсир! Шаҳобиддин ҳожи орқали ёлғон муҳр ясаттириб... туҳмат хатни сўнақай қўлда бировга ёздириб... Хоразмшоҳ ўғлига битилган мактубни йўлда очтириб ўқиғон ким эди? Ўзлари! Хайф, сизга дастору илм, хайф сизга Қуръони карим! — Мавлуд қори йиғлаб юборди, — сиз менинг... охиратимни куйдирдингиз, тонгла маҳшар икки қўлим ёқангизда бўлғай, ийманисиз... Ий-й...

Қозикалон қайғу-ҳасрат ичида қолди. Ҳозир ўрнидан даст туриб, «Ёлғон, бул мактубни мен ёздирмадим!» деса, анови такаббур Шайх қўлига мусҳаф тутқазиши мумкин. Қуръон ушлаб қасам ичишга қўрқади. Унда қозининг бошига ҳам Шаҳобиддиннинг куни тушмоғи муқаррар. Бильакс, айбини мўйинласачи? Қозининг эти увишди. Хаёлидан липиллаб муаззам Самарқанд бозори, яғир эшак, соч-соқолини қиргани устара яланғочлаб турган сартарош ўтди. Қавмдошлари, косибу тужжорлар, собронлик муридлари кўз ўнгида сазойи бўлғонидин ўлгани аъло эмасму? Ўйлаб-ўйлаб, иккинчи йўлни танлади. «Ҳай, бир умр оғзи-бурнинг қийшайиб, мажруҳ бўлиб қолғондин кўра бир кун сазойи бўлғон афзал, то ҳануз созойиликдин ҳеч кимсанинг ажали етмаган. Бул бегона юрт, Соброн эрмас, беш-олти ой орасинда саққол ҳам патак бўлиб ўз ҳолина қайтгай. Таваккули Оллоҳ...»

Ашрафхон инқиллаб ўрнидан турди. Уч-тўрт қадам босдию хон тарафга гурсиллаб йиқилди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, аъло ҳазрат... Итлик қилибмен. Мани шайтони лаъин йўлдин урди. Ўшал Соброн мударриси Муҳаммадрасулнинг гапина учиб, густоҳлик қилдим. Илло мактубни мен битмадим. Биз Шайхимизнинг рутбасини хўб билурмиз. Бул зотнинг Сиз зоти олийларина хайрихоҳлигини-да ғоят қадрлагаймиз. Онҳазратим ижозат берсалар...

Қозининг бўғзидаги оғзида қолди.

— Мана бу тужжор қиёфасиндаги қорибаччага эллик таёқ урилсин! — деди хон авзои бузилиб, — иймонин сотқон қозикалон сазойи қилинсун!

Ашрафхон қози эмаклаб хонанинг ўртароғига борди.

— Садағангиз бўлай, хоним, эллик эмас, юз таёққа ҳам розиман. Худойим хайрингизни берсин, рўсиёи олам этмасинлар. Қарт ёшимда сазойи бўлғондин маргим аълороқ.

Хоннинг ғазаби келди:

— Қотилда бир қатла гуноҳ бўлса, анинг қўлига ханжар тутқазган кимсанинг гуноҳи икки қатладур. Муҳтасиб, қозига-да эллик таёқ уриб Самарқанддин бадарға этинг! Эшакка тескари миндиринг бу иймонсизни!

Муҳтасиб навкарларига им қоқди. Ҳаш-паш дегунча Ашрафхон қози билан Мавлуд қорини узун-қисқа қилиб ҳайдаб чиқдилар.

Султони орифиннинг фотиҳасидан сўнг жамоат дув қўзғолди. Хонада хоннинг хос одамларию Шайхнинг маҳрамлари қолди. Маҳмудхон Шайхга такаллуф ила боқди:

— Пиримизга икки оғиз арзимиз бор эрди.

Шайх Сулаймон билан Бобо Мочинга юзланиб бош қимирлатди. Пир ишорасини англаб улар оҳиста қўзғолдилар.

— Сизларга-да жувоб, — деди хон Шайхур раис бошлиқ уламо аҳлига.

Танобий хонада Маҳмудхон билан Султони орифин бақамти қолдилар. Сўфийлар шартига кўра бўз дастурхон ёзилди, Самарқанднинг пўлотий нони билан тармевалар тортилди. Хон олдига шарбат тўла сопол мўнди

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилди. Ҳазрати Султон доғ сув ичарди, унинг олдида шокоса тўла хушбўй сув пайдо бўлди.

Ҳали замон бўлиб ўтган маломатли можарони эслаб, Маҳмудхоннинг кўнгли хира бўлди. Аммо қалб ярасини қайта тирнашни истамади. Дарҳол арзи дилини айтди.

— Пирим, икки йилдирки, кўзимизнинг оқу қароси шаҳзода Қутбиддин жаноблари нинг даргоҳида хизматка қойим. Биз шаҳзода ила сўллашдик. Сиздек зоти покнинг исми шарифларини тилидин туширмас бўлибдир. Ончинун, кўб тарбиятлар олиб, фазлу камол касб этибдилар эркан. Лафзидин, сиёқидин маълум бўлди. Илло... бул беш кунлик дунё барчамизга омонатдур. Йигитлик гулшани адоғини кўрсатиб, умр карвони қарилик биёбони томон елиб борур. Бас, салтанатни кўзи тийрак, заковати ўткир, дасти панжаси қувватли шаҳзодага топширмоқ умиди кўнглимизга ёруғлик соладир. Валекин, мусоҳаба чоғи равшан бўлдиким, шаҳзода бизни бу муродимизни фаҳм этмайдир ва ёхуд тожу тахт ҳавасидин йироқдур. Пиримдин ўтинчу умидимиз шулким, шаҳзодага ижозати олий берсалар, токи ул ўғил саройга қайтиб валиаҳдлик хизматин адо этса.

Шайх англадики, ота-бола ўртасида мушкул мунозара воқе бўлган. Қутбиддин сўфийлик хирқасин ечиб, шаҳзодалик либосин киймакка рози бўлмаган кўринадир. Ҳазрат ичида шукрона келтирди: «Ота бирла ано дийдори фирдавсул аълодин ортиқ, демишлар. Тувғон кимсалар жамолиға хирқа бирла таслим тошни айирбошламаған эрса, Қутбиддиндин кўнглимиз тўқ. Раббано, икки йиллик заҳматларимиз зое кетмабди, ўзинг мағфират қилғайсан. Биз ўтгандин сўнг тариқат чироғини ёқиб ўтиргувчи муридларимиздин бири шул бола бўлса не ажаб».

Султони орифин косадан ширин сув ҳўплаб аста деди:

— Мантиқ талабига кўра Қутбиддин падари бузруквор ила волидаи меҳрибон қошида таслим бўлмоғи лозим эди, хон жаноблари.

— Таассуфки, ул хонақоҳ сари интиладур. Орий рост айттилар, тақсир, тувғон эл тупроғидин, хешу ақрабо меҳридин хонақоҳ улуғми, пирим? Ахир қушлар-да, дон еб, сувлаб ўрганган маконига интилур, бул не ҳолдир, ақлим ҳайрон.

Шайх хон тарафга таъна аралаш қараб қўйди.

— Хон жаноблари, Сиз нафси руҳоний ила нафси ҳайвоний фарқини назардан қочирдингиз, Мана бул дастурхондаги неъматлар биздаги нафси ҳайвонийни қондирмоқ учун етарликдир. Илло, эгамнинг яратган махлуқоти ёлғиз қурсоқ ғамида бўлмас. Аларга нафси руҳоний учун ҳам озуқа лозимдур. Магарчи инсон махлуқотлар ичра энг мукаррам зот эркан, анга нафси ҳайвонийдин аввал руҳий эҳтиёж фарз бўлғай. Бандасининг кўзи тўқ, кўнгли тўқ бўлсин экан. Қорни тўқ, валекин кўнгли оч кимса иймонингизга заҳмат етказгай. Ол, энди Қутбиддин масъаласинда... Ул йигитнинг маърифатдин тариқат; тариқатдин ҳақиқат сари интилиши Сиз айтганча қуш нафсидин фарқ қилур. Қушнинг дарди донда, сувда. Қутбиддиннинг ғами — сийратини буткул саранжом айлаб, вужудини жамики ҳайвоний нафслардин тамом озод этмакдир. Солиҳ фарзанд ота бирла анонинг кўнгил қувончи, фахри эмасму?

— Фахри, пирим. Илло, ўшал фарзанд падарим бирла модарим ҳузурида юриб, аларни шод этай, дуосини олай деб ўйламоғи ҳам фарз эмасму? Ота рози — худо рози, демишлар.

— Тўғри. Оллоҳнинг иродаси отанинг меҳридин улуғроқдир. Яратган эгам Қутбиддиннинг кўксига нури тажаллийдин бир қатим ато этибдур. Бул нур шаҳзодалик ҳою ҳавасидин, бу дунё ишратларию молу манол йиғнаш суруридин устун келган бўлса, не чора қилғайсиз? Иброҳим Адҳамни эсланг. Ҳукми Оллоҳга буйсунмакдин ўзга иложингиз борму, айтинг, хоним? Сиздин лозими — дуои хайр ила Қутбиддинни эркига қўймоқдир. Фақир устоз бўлиб бул навжувонни тариқатдин қайтарсак, сиз падари бузруквор бўлиб ани руҳан банди этсангиз, ўғилга зулм қилғон бўлмайдирмизму? Кўнгил иши нозик, кўнгилга бир эгамдин ўзгаси таадди қилиб йўлдин тойдирмоғи даргумондир...

Хоннинг ҳафсаласи пир бўлди. У иккиланиб бўлса-да, Шайхдан бир имдод кутган, жилла қурса, ҳай, биз Қутбиддинга бир оғиз насиҳатимизни айтиб кўрайлик, деган ваъдасига интиқ эди. Ўғилни эркига қўйинг, дейди. Ўн саккиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшар, асов, кучга тўлган, қони гупуриб турган йигитни ўз эркига ташлаб қўймоқ... ундан тириклай айрилмоқ эмасму? Йўқ, Маҳмудхон ҳали ул осий ўғил бирла яккама-якка сўйлашади, туққан онаизорини рўпарасига ўтқазиб қўйиб, насиҳат қилади. Ёлворади, аврайди, лозим бўлса, пўписага ўтади. Не чора қилиб бўлса-да Қутбиддинни Самарқандда олиб қолади!

Хон узоқ сукут сақлади. Сўнг суҳбатга нуқта қўймоқ қасдида сас берди:

— Не илож, пирим, зурриётимизга эгалик қилмоқлик орзусида эрдик. Тақдирнинг ёзмиши бундоқ экан, Оллоҳ ҳукмига бўйинсунмакдин бўлак не чора бор...

— Барчамизга эгалик қилувчи ёлғиз жаббор, лавҳу маҳфуз соҳибидур, хон ҳазратлари, — деди Шайх ҳам мусоҳаба тамом деган алфозда.

Аср намози яқинлашиб келар, олис-ёвуқ миноралларда азон товуши янграй бошлаган эди. Шайх дастурхонга фотиҳа ўқиди ва илкис ўрнидан турди. Маҳмудхон унга тақлид қилди.

Маҳмудхон Шайх изидан ҳовлига чиқдию қўлида кумуш қумғон ила пирини кутиб турган Қутбиддинга кўзи тушиб, бир нафас тўхтаб қолди. Қутбиддин четланиб икки Султонга йўл берди. Маҳмудхон ўғлига синовчан бир назар ташлаб, тош тўшалган йўлкани тарақлатиб дарвозахонага қараб юрди. Қутбиддин ҳам отасининг ортидан маъюс бир ҳолда телмуриб қолди.

Биринчи китоб битди.

1991—1992 йиллар.

Ғафур Ғулом Лев Пеньковский, Садриддин Айний, Эминжон Аббос ва Комил Яшин билан Ўзбекистон ёзувчиларининг II қурултойи раёсат ҳайъатида.

(1939 йил апрель.)

www.ziyouz.com kutubxonasi



Зубайда Усмонова

ДИЙДОР ОСМОНИГА ЮЛДУЗЛАР ЧИҚДИ

* * *

Осмон — улкан дарё, унда ой сузар,
Сукунат таъқиқин шамоллар бузар.
Мен нажот истайман, нажот излайман,
Энг улкан душманим бермоқда озор.

Ғафлат дўстларимни қаттиқ ухлатар,
Хабар етказолмас ҳеч қандай чопар.
Билмадим, мен омон қоламанми, йўқ,
Энг улкан душманим бермоқда озор.

Олис бир қишлоқда мушфиқ онам бор,
Бу тушкун ҳолимдан у ҳам бехабар.
Унга бу ҳолатим ким ҳам етказар,
Энг улкан душманим бермоқда озор.

Ҳали мен дунёдан кутганим бисёр
Ва лекин ҳозирча қандай нажот бор?!
Муз қўл билан бўғаётир ёлғизлик —
Энг улкан душманим бермоқда озор.

* * *

Ёмғирим, қорга айлан,
Қорачўимга жойлан.
Бойчечак бўл, баҳор бўл,
Банди-бандимга бойлан.
Кўзимнинг осмонига
Қирқ кун қуёш чиқмади.
Аммо дил уммонига
Бир соҳир тош чўкмади.
Бир соҳир тош чўкмади
Ёққан ёмғир селида.
Бинолар чўкиб бўлган
Ишқнинг вайрон элида.
Ишқнинг вайрон элида
Учиб кетган оққушлар.
Яна недан даракчи
Кеча мен кўрган тушлар?!

Кеча мен кўрган тушлар
Эртакдагидай соҳир.
Ўша тушга мен яна
Ишонгим келаётир.
Мўъжизасиз яшашга
Кўникмадим, кўнмадим.
Балки шундан умримга
Ёққан ёмғир тинмади.
Теграм илоҳий бўшлиқ,
Ҳижрон, армон жобажо.
Кўнглумда ҳазин қўшиқ,
Кўзим тўла илтижо:
Ёмғирим қорга айлан,
Майли, жонимга жойлан.
Бойчечак бўл, баҳор бўл,
Банди-бандимга бойлан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Руҳим бир қаноти синган қуш бугун,
Аршга чорламагин, уча олмайман.
Гарчанд истасам ҳам, истамасам ҳам,
Бу шундай шаробки, ича олмайман.

Эскирган ярадан қайта қон сизди —
Ўқидим армоннинг алфавитини.
Бир лаҳза, бир кунга, бутун умрга —
Унутдим фасллар тафовутини.

Сенинг умрингда ҳам шу тонг, шу саҳар,
Сира сўлмас бўлиб ғам гулладими?
Муҳаббат, кўзининг ёшлари томиб,
Менга бу мактубни сен йўлладингми?

Лаънатлаб йиғладим ростни, рўёни,
Кўз ёшинг устига кўз ёшлар томди.
Минг оҳким, бу ғариб, мискин дунёнинг
Бизларга аталган қувончи камдир.

Бизларга аталган қайғуси бисёр,
Мангулик йўлдошдир шу ғам, шу сукун.
Эҳ, уча олмайман, уча олмайман,
Руҳим бир қаноти синган қуш бугун.

* * *

Бу на-да ибодат, бу на-да тоат,
Тун бўйи тангримга илтижо қилдим?!
На ерга, на кўкка сиғмади жоним,
Хазон гулбаргидай маъюс тўкилдим.

Бу не дунёдирким, йўқдир бир ҳабиб,
Бу не рўёдирким, бирон ҳариф йўқ?!
Кўрмадим, наҳотки, ўзимдан бошқа
Ғурбатли очунда бирон ғариб йўқ?!

Наҳот мусофирман, наҳот ёлғизман,
Наҳотки ҳеч кимса йўқлаб келмайди?!
Қанчалар бахтсизман, гунгман, тилсизман,
Ҳаттоки шамоллар сирим билмайди!

Нега эслаяпман?!. Нега эладим,
Бешикка осилган кўз мунчоғини?!
Тебратиб-тебратиб мудраб кетаман,
Покиза туйғулар беланчагини?..

На ерга, на кўкка сиғмайди жоним,
Дилимда мингта дард, минг битта яра!
Мен билан суҳбатлар қуради ҳижрон,
Ёлғизлик ўлтирар кўзимга қараб!

Бу на-да ибодат, бу на-да тоат!..

Пастдарғом

ЕТТИ ГУЛНИНГ ЕТТИ ИФОРИ

Ўтган йилнинг сўлим куз кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шинам залида шеъриятга эндигина қадам қўйиб келаётган шоираларнинг ижодий мусобақасини ўтказган эдик. Унга республикамизнинг таниқли шоиралари ҳакамлик қилгандилар. Бир-биридан ҳаяжонли шеърлар ўқилганди. Соҳибаларига гуллар, мукофотлар тақдим қилинганди.

Ажабо, ўшанда мушоира иштирокчилари еттита эди. Фақат биригина минбарга чиқмай, ўзини танитмай, камтаргина бўлиб тингловчилар қаторида ўтирганди.

Аслида улар кўпчилик эди. Бир тўлқин бўлиб, адабиётга ҳаяжон ила кириб келаётганларига, мен, «Нодиранинг қизлари» номли тўпламни тайёрлай туриб шоҳид бўлгандим. Йигирмага яқин ёш истеъдодлар билан танишиб қувонгандим.

Мана ўшалардан бир туркуми. Гўзал чамандан бир гулдаста. Тасодифни қарангки, улар бу гал ҳам еттита. Сингилларимнинг қалб тебранишларига ошно бўла туриб, етти сайёрани, етти қават осмонни, етти иқлимни, етти кунлик ҳафтани, ҳазрат Навоийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал»)ини эладим. Тасодифмикин бу!?

Бир дарёнинг етти ирмоғи... Бир дарахтнинг етти япроғи... Ҳаяжоннинг етти боғи... Улар билан қисқача бўлса-да, бирма-бир таништирсам.

«Маърифат» газетасининг ходимаси Зубайда Усмонованинг ҳазин куйлари майин, оҳорли. Ўқий туриб, топилма сатрларидан тўлқинланасиз, майин оҳангидан сеҳрланасиз, дардлари дардингизни аритишидан ҳайратланасиз. Бунинг боиси шуки, Зубайданинг ўз ибораси билан айтганда, унинг «ечишга қасд қилган саволлари» бор. Шунинг учун ҳам сатрлари юракка яқин.

Қувалик муаллима Зуҳро Алиева шеърларини ўқиб эса, сиз, бедорликка ошно тутинасиз, қалб куйгунчаклиги, покизалигидан қувонасиз, дардкашлигидан энтикасиз...

Учинчи наво — Ойгул Убайдулла қизи. У илк шеърлариданоқ, ўз йўли, ўз мавзуига эга. «Соғинч» деб номлагим келади унинг мавзуини. Сапсариқ йўллар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зуҳро Алиева

Моҳларойим

Ойнинг ғамгин ёғдулари қирга тушди,
Юлдузларнинг кўз ёшлари ерга тушди,
Қонли юрак минг бир бўлак шеърга тушди,
Вужудимни ёқар ўтли оҳлар, ойим,
Бугун сизни кўргим келар, Моҳларойим!

Навосиз дил бир меҳрга муштоқмиди,
Муҳаббатнинг чароғбони ул шоҳмиди,
Ҳур қўшиқлар айтганингиз гуноҳмиди,
Сиз-ла суҳбат кургим келар, Моҳларойим,
Сизни жуда кўргим келар, Моҳларойим!

Бу очунда нокаслар кўп, жоҳиллар кўп,
Маърифатни дорга осган қотиллар кўп,
Рўзи маҳшар жаҳаннамга дохиллар кўп,
Хижолатдан чўкар тоғлар, Моҳларойим,
Қисматингиз бағрим доғлар, Моҳларойим!

Қошингизга эр либосли ғаним келди,
Жаҳолатнинг тулпорида, яниб келди,
Сиздай зотни танимай ё таниб келди,
О, ғурури осмон бўлган, Моҳларойим,
Гулдай умри хазон бўлган, Моҳларойим!

Қатлингиздан жаллод обрў тополмади,
Ой нурини этак билан ёполмади,
Ўтда ёнмас шеъриятни ёқолмади,
Дилга нурни тўлдирдингиз, Моҳларойим,
Ўлимларни ўлдирдингиз, Моҳларойим.

Изларингиз тупроғимда, тошимдадир,
Ой юзингиз хаёлимда, қошимдадир,
Қон сачраган рўмолингиз бошимдадир,
Топинганим — шеърият бу, Моҳларойим,
Соғинганим — шеърият бу, Моҳларойим!

сариқ ғамлар, сарғайган тоқатлар сизга соғинч суратини чизиб беради.

Илк шеър, илк сатриданоқ «Мен шеър учун туғилганман» деб турган шоира синглим — Моҳигул Ўктам қизи. Назаримда, у шеър изламайди, аксинча, шеър Моҳигулни излайди. Назаримда, Моҳигул ёзмайди, балки сатрлар ўз-ўзидан шоира қоғозига тўкилади. Пишиқ-пухта бўлиб...

Шеър ўқиса, Ҳамро Бону ўқисин. Эриб-эриб ўқийди. Эритиб-эритиб ўқийди. Зумда сеҳрлайди-қўяди. Шеърлари маҳзун, оловли, айни пайтда, бемор дилларга малҳамли.

Ҳамро Бону ҳозирда илк тўпламини тайёрламоқда. Уни шеърият сўқмоқларидан меҳр билан олиб ўтаётган устози — Рауф Парпи. Ёзувчилар уюшмасининг тарғибот маркази юмушларида суяги қотган Ҳамро Бону ҳозирда «Спорт» газетида ишламоқда. Шеър унинг севимли суянчи.

«Ҳафт пайкар»нинг яна бир пайкари — Муҳтарама Туркой. Унинг ҳам меҳрибон устози — Рауф Парпи. У ҳам тарғибот марказининг кашфи, меҳнаткаш ходимаси. «Туронгул» деб аталган илк тўплами ҳозир босмахонада.

Муҳтарамага устози «Туркой» деб тахаллус танлаб бергани бежиз эмас. Муҳтарама қадимий Турон заминни, турк элини жон-жонидан севади.

Туркой — зукко, билимдон, топқир шоира. Шеърлари республиканинг деярли барча матбуотида чиққан. Талабчан шеърхонга улар яхши таниш.

Еттинчи пайкар — Ирода Саидова. У ТошДД толибаси. Шеърлари қисқа, фикрлари лўнда. Руҳи анъанавий шеърият билан ғарбий услублар қўшилмасига кўпроқ мойил.

Азиз ойнома муштарийлари! «Ҳафт пайкар»нинг шеърларидан намуналар эътиборингизга ҳавола қилинаётир. (Моҳигулнинг шеърлари ойноманинг ўтган сонида чиққани учун қайтаришга эҳтиёж сезмадик. Таҳририят.) Етти қалб наволари, етти гўзаллик маъволарию етти иқлим саболарига сизни ошно этса, не ажаб?!

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир армон

Бу кўчада ёлғиз тераклар ўсар,
Шамолларга тутиб япроқларини.
Бу уйда фақат бир пушаймон яшар,
Силкитиб кокилли балдоқларини.

Япроқлар шивирлар ўз шевасида:
«Шу йўлда юрмасин хиёнат, — ёлғон», —
Зоғлар булбул бўлиб ўқир қасида.
Кўчага термулиб ўтирар армон...

Сўзлама

Масканинг тупроқ эрур, дўстим, самодин сўзлама,
Ошуфтаҳоллар қошида зинҳор сафодин сўзлама.
Бул чаман гулбоғлари сўнг чоғда ҳар кимдин қолур,
Мақтаниб ҳар гўшада умри бақодин сўзлама.
Омадинг келганлигин, ҳам толеинг кулганлигин,
Бир боқишда ҳозир ўлган тўтиёдин сўзлама.
Мен, дебон кўксингга урма, кимлигинг элга аён,
Бир кўнгулни обод этмай, сен худодин сўзлама.
Бир сўзинг тиғ, бир сўзинг малҳамлигин билсанг агар,
Дардли бемор қаршисида интиҳодин сўзлама.
Кимга не сўз айтмоғингни ўйлагил, оқил эсанг,
Қайғу билмас давраларда можародин сўзлама.
Шунча бисёр сўзладинг, Зуҳро каломинг қисқа қил,
Дўстга сен меҳрингдин ўзга муддаодин сўзлама.

Билдим

Бу олам ишлари ҳар дам ажаб савдолигин билдим,
Қуёш кетган маҳал кўкда қамар пайдолигин билдим.
Тубанлар ҳийласига учрагувчи баъзи ёрларни —
Кўруб, эй воҳ, бу оламда кўнгул танҳолигин билдим.
Кишининг сиратимас, суратига эҳтиром айлаб,
Бировни сийлабон, бирни йиқар дунёлигин билдим.
Меҳр излаб, вафо излаб, бўлибман зору дилхаста,
Сўроқлаб юрганим дунёда йўқ анқолигин билдим.
Кезиб дашту биёбонлар, борар-да сўнги манзилга,
Ўзимга меҳрибон, дилкаш ҳабиб — Зуҳролигин билдим.

● ● ●

Ҳамро Бону

* * *

Негадир сиз ёқда сукунат,
Чиннигуллар йиғлайди бунда!
Бойчечагим сўлиб бормоқда,
Ингроқ куйлар келмоқда тундан.

Раҳмингиз келмасин, ачинманг сира,
Жонига қасд этган телба чечакка,
Осмони соф унинг, ўзи бокира,
Номин битиб кетар ишқий эртакка.

Ачинманг, ачинманг, ачинманг асло,
Куйиб ўртанса-да, ўша масъум дил.
Аламнинг қошига тиланиб борсин
Мулкини ўғрига олдирган кўнгул.

* * *

Қўй, мени овутма, синди дил,
Тоабад меники бу гуноҳ.
Юпанчга зор эмас хор кўнгул,
Тинч қўй мени қайғули нигоҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бор кет, менинг ёлғиз умримга,
Шу гуноҳнинг доғи етади.
Сен ёлғизмас, юпанчларинг мўл,
Мени ғамлар олиб кетади.

Қўй, мени овутма, барибир,
Бу гуноҳ меники!..

* * *

Мен телба, дунёда алам бўлдимми,
Кўзи ўт, абрўси қалам бўлдимми,
Заминни титратиб, осмонни ўртаб,
Ўн саккиз минг ғамга санам бўлдимми?
Меҳмонинг девона, чида, дунёжон,
Элнинг дарди анинг бўйнига маржон,
Кўз очиб кўргани ҳасрат эдими,
Шунданми, нигоҳи қора лахта қон?
Қара, қолаётир оқ чаман — оқ из,
Бу чаман — тиканзор, райҳон — сўлғин қиз,
Дунё, вужудимни на қилсанг, қилгин
Руҳимдан сокинлик тилама ҳаргиз!
Мен, телба дунёга олам бўлгайман,
Кўзи ўт, абрўси қалам бўлгайман,
Юртнинг дардларини бўйнимга олиб,
Ўн саккиз минг ғамга санам бўлгайман!

* * *

Ўшал кун ҳасратлар тўкилди,
Айтдим: «Ишққа тушмади йўлим».
Сўнг насиҳат қилдингиз менга:
— Одам зотин севмагин, синглим!

. . . . . .

Бир кун келдим бошимни эгиб,
Кўҳна ишққа асира дилим.
Маъюс боқиб шивирладингиз:
— Севган бўлсанг, алвидо, синглим!

Чортоқ

● ● ●

Ойгул Убайдулла қизи

Энамга мактуб

Фироқ осмонида дайдиса шамол,
Дарахтлар бошидан тўкилса хаёл,
Руҳимда йиғласа гуноҳкор аёл,
Бағрингга бош қўйиб йиғлагим келар.

Шамол деразамдан пойлаган маҳал,
Кунлар эртагидан йиқилган ҳамал,
Ойдин ҳисларимни қилганда қамал,
Бағрингга бош қўйиб йиғлагим келар.

Ишонч даласида кезганда каззоб,
Қалбим мозорига йиқилганда хоб,
Туннинг шаробидан маст бўлса азоб,
Бағрингга бош қўйиб йиғлагим келар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Толиққан руҳимга келмаса мадад,
Кунларнинг қарғиши мени қилса ёд,
Қисматнинг белида букчайса омад,
Бағрингга бош қўйиб йиғлагим келар.

Боғларнинг қўйнига санчилганда куз,
Қалбим мозорини таъқиб этса кўз,
Дарднинг саҳросида сарғайганда юз,
Бағрингга бош қўйиб йиғлагим келар.

* * *

Ғийбатлар ёмғири ёғади,
Дўстларим нодўстга оғади,
Азоблар ҳар куни туғади,
Шафқатсиз шаҳарда нетамиз,
Юрақол, соғинчим, кетамиз!

Эгасиз муҳаббат йиғлайди,
Туйғулар кўнглумни тиғлайди,
Сабрлар ўлимга чоғлайди,
Шафқатсиз шаҳарда нетамиз,
Юрақол, жон дилим, кетамиз!

Маккора рўёлар санқийди,
Гуноҳлар уфори анқийди,
Таскин ҳам бошини танғийди,
Шафқатсиз шаҳарда нетамиз,
Юрақол, армоним, кетамиз!

Бардош ҳам чокидан сўкилар,
Кет деса кучук ҳам ўкинар,
Кўзимдан дардларим тўкилар,
Шафқатсиз шаҳарда нетамиз,
Бўлақол, юрагим, кетамиз!

Ёт аёл қарғишин отади,
Сиримни севгилим сотади,
Қўйнимда илонлар ётади,
Шафқатсиз шаҳарда нетамиз,
Юрақол, ўланим, кетамиз!

Беморликда

Беморлик кезади вужудда,
Сабрнинг кўйлагин кияман.
Бир қўшиқ туғилар руҳимда,
Исённинг тилини тияман.

Чорлайди ўлимнинг овози,
Келақол, келақол, кутганим!
Кунларим сарғайган тоқатни
Ўғирлар азобга сотгани.

Мозедан келади хотира,
Хотира кўзида дўнаман.
Дардларим ўрлаган кунлари
Аёвсиз оғриққа кўнаман.

Аламлар бўғзимда туғилар,
Армоннинг тўнини бичаман,
Соғинчим кетганда Нарпайга,
Бевафо дўстлардан кечаман.

Бир кун

Кеч куз. Дилдираган кимсасиз боғда
Япроқлар рақсга тушиб юрибди.
Қатор дарахтларга осилиб ўйнаб,
Ишончлар йўлингни пойлаб турибди.

Сариқ изларингда, хазонрез боғда
Шубҳалар ҳолингга чапак чалади.
Севги ўртамизда йиғлаган чоғда
Жавобсиз саволлар бўзлаб қолади.

Сен келаётирсан, маъсума сабо
Силаб сочларингни ўйнар паришон.
Меҳр адолатдан ишқни сўроқлаб,
Ёқасин чок этди сени кўрган он.

Ўтиб кетдинг. Кетдинг бир боқиб менга,
Бир кун баҳорларга аён боришинг.
Илинж, соғинчимни бир-бир босиб сен,
Билмай қолдим, ҳозир қаён боришинг?!

Хаёлчан қиёфа, сал эгилган бош,
Қўлларинг жой олган чўнтакларингдан.
Оташ нигоҳларга беролмай бардош,
Гуноҳ тушиб қолди тилакларингдан.

Вужудингни эзган гумонлар оғир,
Ажинлар йилларга чўпчак айтади.
Сап-сариқ сўқмоқдан охири бир кун,
Йиғлаб қадамларинг ортга қайтади.

Нарпай

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳтарама Туркой

* * *

Ниҳоят, вақт қайғу дарахтин йиқди,
Ниҳоят, қариди сафарингиз ҳам.
Дийдор осмонига юлдузлар чиқди,
Ҳаяжоннинг инди кипригига нам.

Дил ҳижрон рўмолин кўк дорга осди,
Суякларим чатнаб. Қучдим сиз — бахтни.
Кўксимга янада маҳкамроқ босдим
Кўйлаги ўт олган соф муҳаббатни.

* * *

Мудом сиз сафарга отланган онлар
Туронгул қад ростлар, қалбда хавотир.
Айрилиқ фурсати содиқ посбонлар,—
Туйғуларим титрай бошлайди дир-дир.

Қоронғу ўрмонда адашган бола —
Юрак юм-юм йиғлар юпатмас ҳеч ким.
Кўксимни куйдирар бир узун нола,
Жон-да ортингиздан эргашади жим.

Мен-ла қолар бунда, сояси йўқ тан,
Жони йўқ тан ва бир тилсиз илтижо.
Йўлларга йиқилар нигоҳим дардчан,
Оҳиста инграр дил — очиққан гадо.

Йиллардек чўзилган соғинчли тунлар,
Армоннинг қошига ўсмалар тортар.
Безиё, бешукуҳ, беҳиммат кунлар
Бу нозик елкамга ғам юкин ортар.

Қулоқларим санчар, сўзингиз қўмсаб,
Дунёга сиғмайман, шеърим ғужала.
Кўзларим ёшланар кўзингиз қўмсаб,
Ҳар нега қўл урсам, барчаси чала.

Наъра тортар ичим, тимдалаб зўр шер,
Кўксимда сезаман беомон оғриқ.
Асрий дарвеш каби хаёлим изғир,
Уйнинг тўрт буржида айланар борлиқ.

* * *

Келинг. Оқа-оқа тинди кўзим ирмоғи,
Йўлларга сочилди сабрим хокисор.
Тилка-пора айлаб ҳижрон сиртмоғин,
Келинг. Ғаддор қайғу бўлсин шармисор.

Борлиғимни йиртган оч соғинч тўйсин,
Чанқоқ нигоҳингиз ютсин, ёр, мени.
Келинг. Ёвларингиз юрагин ўйсин,
Қирқ қулочли қилич —севгим бор менинг.

Пойингизга жоним этгум пойандоз,
Изтироб дарахтин суғуринг дилдан.
Келинг. Сўзларимда ухлаётган роз
Меҳримга ўраниб, тўкилсин тилдан.

Илоҳи, оёғи куйсин ҳасаднинг,
Илоҳи, ғийбатнинг қадди бўлсин дол.
Кўзлари кўр бўлсин фисқу-фасоднинг,
Келинг. Қирқ кун чилла ўтирсин висол.

Мен ичдим ютоқиб Кумушдан қолган
Биллур косадаги ишқни-оғуни.
Келинг... Келинг... Менинг чорловим толган,
Тори узулмасин жаранг чолғумнинг!

Хатирчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ирода Саидова

Охири...

Дардларга айланар соғинчлар
Толиқиб висолни кутишдан.
Мунгларга кўнади севинчлар,
Розидир бош олиб кетишга.

Ва...
Хотиржам боқади хиёнат,
Ишончни шубҳага едириб.
Қайгадир йўл олар муҳаббат.
Бешинчи томонни қидириб.

* * *

Тақдир! Зарбаларинг аямагин-эй,
Аламни, андуҳни йўлла мен томон.
Муҳаббатим каби суямагин-эй,
Азобларинг мени қилсин имтиҳон.

Уқубатга айтгин, қалбимга кириб,
Юрагимга оғриқ уруғин эксин.
Айрилиғинг бўлсин ҳамиша ғолиб,
Севгим хиёнатни кўрсин, кўниксин.

Йўлларимга қўйган тўсиқлар — улкан,
Ғамларга ўргансин озурда дилим.
Фироқлар қўлимга санчишсин тикан,
Армон чангалига бошласин йўлим.
Тақдир! Аямагин зарбаларингни!..

Савол

Рўпарамда мен ёқтирмаган одам.
У сохта яралган.
Унинг барча ҳаракатлари сохта:
Гапириши, кулиши, юриши,
Ҳатто сукути ҳам...
Мени бир савол ўйлантиради:
Унинг ўлими табиий бўлармикан?!

Илтижо

Туйғуларим кўйлагини бер, онажон,
Улар қайғу кўзларини қамаштирсин.
Қувончларим ўйларини бер, онажон,
Юрагимнинг кипригига шодлик инсин.

Муҳаббатим тиллақошин бер, онажон,
Қаро тўнли фироқларнинг бағри куйсин.
Бардошларим севинч ёшин бер, онажон,
Кўнгулларни интиқ қилган висол кўрсин.

Умидларим қанотини бер, онажон,
Улар мағрур армонларнинг бошин эгсин.
Ҳисларимга саботини бер, онажон,
Қалбга бахтдан зиё олган ниҳол эксин.

Бошин эгган гул ибосин бер, онажон,
Туҳфанг менинг оразимда жилва қилсин.
Хаёлимдай оқ либосим бер, онажон,
Ул ҳам сенга доим-доим бахт келтирсин.

Тошкент

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асқад Мухтор

«ИНСОНГА ҚУЛЛИҚ ҚИЛАДУРМЕН...»

Ҳикоя

Севимли муаллимим Иброҳим МЎМИНОВ хотирасига

«Дилларни ёқ сўзинг билан, пайғамбар!»
А. Пушкин

Қуёш субҳ ёқасини чок этиб, кўк майдонида жилва кўргузгач, Соҳибқирон Қуръони каримни лавҳ устига қўйдилар. Кун саратон буржида эди, шиддати беадад. Ўрда саҳнида давлатпаноҳнинг оқ чодирлари шукуҳу асъаса ила чарақлаб кунга юз тутди.

Шу маҳал хиргоҳнинг кўринишхона йўлагида соч-соқоли ўсиқ, дарвишона хирқа устидан кумуш фўта боғлаб, унга эса туғро безаги таққан бир кимса пайдо бўлиб, мунгли кўзларини ердан олмай, шоҳона остонага қараб ўтаверди. Чодирнинг давлатхона қанотида Соҳибқиронга кўриниш бермоқ учун мунтазир ўлтирган казо-казо салтанант устунлари, фузалою уламо, сипоҳсолору нўёнлар, хосу раъиядан келган калонтару кадхудолар — бири ҳайратда, бири ғазабда, ноилож қараб қолдилар. Белидаги дархону туғро нишонлари бунинг

Бу ҳикоя анча илгари, олтмишинчи йилларда битилган. Унинг ёзилиш тарихи хусусида ва нима учун қадрдон домламиз хотирасига бағишлаганим тўғрисида икки оғиз гапирай.

Ҳурматли домламиз Иброҳим Мўминов (охиратлари обод бўлғай) Самарқанд дорилфунунида талабаларнинг энг севимли муаллими эдилар. Чуқур билимли, хушмуомала, ҳаммамизнинг меҳримизни қозонган бу самимий инсоннинг дарсларига ёпирилиб кирардик. У кишининг нутқлари равон ва мароқли, каттакон аудиторияда ўзбек ва рус группаларини қўшиб, минбар ёнида оёқларини кенг қўйиб, ҳеч қандай қоғоз-китобсиз, баланд овоз билан дадил дарс ўтишлари ҳамон кўз ўнгимда.

У вақтларда талабаларни амалий-ижодий машғулотлар билан банд қилиш усуллари кўп бўлиб, Абрамов хиёбонининг сўлим гўшаларида қизлар билан сайр қилишга ҳам вақтимиз етишмас эди. Мисол учун айтсам, дарсдан ташқари машғулотлардан «курс иши» ёзиш одати бўларди. Бу бизнинг мустақил фикрлаш, ижодий қобиятларимизни очиш имконини берарди.

Бир куни Иброҳим ака ўрта аср тарихидан курс иши ёзиш учун мавзулар таклиф қилдилар. Мен «Темур даври» деган мавзуни танладим.

Вазифа бажарилганидан кейин домла «Сенинг ишинг маъқул», деб, мени дорилфунун кутубхонасининг «Кичик қироат зали»га бошлаб кирдилар. Бу ерда бизнинг адабий тўгарак машғулотларимиз ўтарди. Тўгарак юқори курс талабаси Шароф Рашидов таҳаббуси билан ташкил этилган бўлиб, машғулотларни домла Садриддин Айний, профессор Абдураҳмон Саъдий ўтказганликлари учун у анча эътибор қозонган эди. Дорилфунунда бир қур лекциялар ўқиш учун Тошкентдан келган Мақсуд Шайхзода ҳам тўгарагимизда бир неча машғулотлар ўтказган, «унинг номи Навоий тўгараги бўлсин», деб таклиф қилган эдилар.

— Навоий тўгарагидансан-а?— деб сўрадилар Иброҳим ака «Кичик зал»га кириб ўтирганимиздан кейин. У киши менинг «иш»имда баъзи бадиий бўёқларни пайқаган эканлар чоғи, ижоддан гап очдилар. Ва Амир Темур билан Айри Берди афсонасини ҳикоя қилиб бердилар, афсонанинг тарихий заминлари борлигини тушунтириб, баъзи адабиётларни — тавсия этдилар. Хуллас, шу ҳақда ҳикоями, қиссами ёзиш мумкинлигига шама қилиб, далда учун мен ҳақимда бир неча оғиз яхши сўз айтдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун ҳуқуқ берадирким, ул зот нақшинкор эшикни беижозат очиб, ичкарига юз тутди.

— Шул нопок девона била маҳрами асрор бўлибдурлар, давлатпаноҳ,— деб надомат қилди кимдир.

Яна биров маҳзал ила кулди:

— Бир маҳрамлари кал Иноқ, бир маҳрамлари бул рўдапоким, боши кесилиб кетмаганидан ҳоло мамнун эмас...

«Девона» кирганида Соҳибқирон жиғали саллани бошларидан олиб, меҳмонга ёнларидан жой кўрсатдилар. У ўлтиргач:

— Ниятларимиз, илоҳо, мустажоб бўлғай,— деб Оллоҳга такбир айтдилар. Соҳибқирон чорпоядаги нардни ҳам четга суриб, мубоҳасага кирмоқ учун шаймиз дегандек эътимод билдирдилар.

Ул зот ҳамон кўзини ердан олмай тааммулда қолгани учун, Соҳибқирон унинг ёдига солдилар:

— Мубоҳаса Исо алайҳиссалом хусусида эрди...

— Бале... Алҳол Биби Марям вазъ тўлғоқида афтода эрди,— фасоҳат билан бошлади «девона», товуши ажаб оҳангдор, тиниқ эди,— қулоқлариға ваҳий келдиким, аё умминисо, буқун сандин бир ўғлон таваллуд ўлғайким, бу оламда шоҳу гадо ва жамъи маликус-салотин анга тиз чўкиб тоат қилғай ва абадул-абад атбоъ бўлурлар. Дарҳақ, ул собит манглайида шуълаи гардиш ила келдиким, то жониби Қуддуси шариф тамом мунаввар ўлди. Бу хабари арожиф исроил қавмининг Ирод отлиғ шаҳаншоҳига етиб, зулму фазиҳатда машҳур эрди, анинг ошуби ҳаддин ошди. Таҳликада қолган ул ғаддор амиру умаросиға, миршабу шабдонлариға, ҳатто жамъи яҳуда дояхонларигача амри дарғазаб қилдиким, ул кароматсаро сабийни топсинлар ва маҳв этсунлар. Илло гўдакни топмадилар. Алҳол, ул иблис алайҳул-лаъна: «Жами шаҳру кентни, тамоми исроил мулкини жустижў қилиб, «шу кеча таваллуд топган ўғлонки бор, барини қатли ом қилинг», дея...

— Бас қил, муғанний...— дедилар Соҳибқирон.— Фаҳмладикким, бизнинг гўдаклигимиз афсоналариға шама қилурсен.

— Оре,— деди тинглагувчининг эътимодидан қулфи дили очилган сўзамол суҳбатдош.— Оре, сенинг чироғингни тангри ёндирибдур. Искандари Зулқарнайн туғилган мағорада Арасту ҳакимнинг лавҳаи номаси топилмиш, ани эшитиб билурсен. Ҳукамои Рум лавҳани ўқидилар: Мовароуннаҳрда бир

Қисқаси, ҳикоянинг сюжетини менга домла туҳфа этганлар. Аммо уни мен ўша вақтда ёзолмадим, кўп ўйладим, кўп тараддуд қилдим, бир неча бор бошладим ҳам, аммо ёзолмадим, ҳозир ўйлашимча, ёзолмас эканман. Даъвоси катта, думбул бир талаба эдик-да у вақтда.

Кейин уруш бошланиб, мени ҳарбий ўқув юртига олдилар, сўнгра дорилфунунимиз Ўрта Осиё дорилфунунига қўшилиб, Тошкентга кўчиб келди.

Аммо домланинг рағбати сўнмади. 1967 йил эди шекилли, Карл Маркс кўчасининг хиёбонга туташган жойида Иброҳим ака билан дучлашиб, ўша «Темур даври»ни ва афсона сюжетини эслашдик.

— Ёзганман, домла!— дедим мен.

Иброҳим ака ёзган нарсамга қизиқиб, учрашиш жойини тайинладилар. Сал нарида Олий Партия мактаби жойлашган эди, «Шунда дарсим бор, индинга шу ерга кел, директор хонасига», дедилар.

Индинига келдим. Директор хонани бўшатиб, чой қуйиб берди. Ўқидик.

Домла узоқ сукутда қолдилар. Анчадан кейин, «Маъқул, маъқул...» деб такрорладилар-у, бош кўтармадилар.

— Лекин...— дедилар яна ўйлаб туриб,— сен буни ҳозир бирон жойга бермай қўяқол. Менинг куним сенинг ҳам бошингга тушиб ўтирмасин...

Ҳанг-манг бўлиб уйга қайтдиму қўлёзмани ташлаб қўйдим. Домланинг бошига нима иш тушганини кейинроқ билдик.

Яқинда архивларимни Қўлёзмалар институти учун олгани келганларида, эски қўлёзмалар орасидан ана шу ҳикоя чиқиб қолди. Мен уни севимли домламиз хотирасига бағишлаб нашр этишга қарор қилдим.

Албатта, анча жойларини қайта кўришга, қалам тегизишга тўғри келди. Ёшликда меъёрини ололмай, тилни жимжимадор қилиб юборган жойларимиз ҳам анчагина экан, уларга кўп ҳам тегинмадим. Ижоднинг тадрижий жараёни ўзича қолақолсин...

Муаллиф

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғлон таваллуд топғайким, етти иқлим салотинин забун этгай, исми Искандари Соний аталур ва рубъи маскун анинг тасарруфида бўлур, деб. Алҳол, ваҳимага тушган етти салотиннинг жосуслари улус аро елиб-югуриб...

— Тўхта. Дарҳақ, биз кўп жангу заҳмат ила ул етти салтанатга музаффару мансур бўлиб, алҳамдулиллоҳ, Мовароуннаҳрда барини яксар этдик...

— Тамоми мулки Туронзамин, Ҳўқанду Хўжанд, Андижону Марғилон, Кошғару Туркистон жатта зулмидин омон топдилар. Мовароуннаҳрни итини инсон гўшти билан боқадирғон жатталардан мосуво қилиб, парчину қирпичоқ бўлган Чиғатой улусини давлати қавий айладинг...

— Илло сабийлиқдаги сеҳру асрори каромат — бири фасонадур. Арасту уламои юнон турур. Аларда асотиру фасона бисёр бўлур. Сен ҳам фасонагўй эркансен, Айри. Ҳамд-сано Оллоҳга бўлсин, лоф бандасиға нолойиқ. Ғиёсиддин Али Яздийким, жангномасида шаънимизга лофни кўп айтибдур, бадиасини рад этдик. Юнонистонда даги Ҳомер отлиғ асотиргўй ўтган. Ул-ку батамом сўқир эрмиш. Сен эса бизни аён кўриб турибсен.

— Бари бир, эл, Амир Темур Оллоҳ таолонинг баргузидасидур, дерлар. Зеро, Зуҳал ила Муштарий буржида таваллуд топибсенким, Оллоҳи таборак еру кўкни шул соатда яратмишдир. Нужумотнинг бу ҳолати ҳар саккиз юзликда бир келурким, аларнинг чеҳрасида нури илоҳий зуҳур ўлғай. Аввало Искандари Зулқарнайн, андин сўнгра Муҳаммад алайҳиссалоту васаллам ва даги сен, қиблагоҳ...

Соҳибқирон, одатларича, лат еган чап елкаларига сал энгашганча силкиниб кулдилар:

— Абас бу, нағмасоз! Ҳисобда ғалат кетдинг. Аввало Искандари соҳибқирон калимаи шаҳодатдин бехабар мушрикдур, бизнинг қаторимиздан эмас. Сен Исо алайҳиссаломдан бошлаб эдинг, анинг таваллуди...— дея яна ўринларида тебраниб кулдилар,— Йўқ, бу бари тўқима, сен эса хизматимиздасан, номуносибдур.

— Йўқ, мен сўз хизматидамен, деб айтдим. Сўз эса ҳақ хизматидадур.

— Бале, шеъру шоир илоҳдин. Демишларким, отамиз Тароғай баҳодирнинг туфанг ўқидин ўлмаган рақиблари Қозоғон нўён ҳазрат Сайфиддин шайхул-аъламнинг бир рубоийларидан телба бўлмиш. Сен ҳам бизни абётгўйлик ила телба қилмағай эрдинг,— деб яна кулдилар, аммо кўрдиларким, ҳамсуҳбатлари юзида табассум йўқ. Шунинг учун жиддий давом этдилар:

— Гўдак чеҳрамизда нури илоҳий зоҳир ўлғони лофдур, илло уламолар машварати жорий юзликда исломға ривож берган шу зот, дея бизга фатво берганлари рост.

— Ҳа... Олам сеҳрлидур, Соҳибқирон. Унинг тарихи сенинг жангу жадалларингдангина иборат эмас. Анда руҳият, фусункор афсонаю илоҳий ҳикматлар...

— Сенинг тунги наволаринг...

— Оре, бари омухтадурким...

Ҳурматли китобхон, ижозатингиз билан, биз мубоҳасани шу ўринда бўлиб, диққатингизни ўзга бир нимарсага жалб этамиз.

Кимдир бул тап тортмас шаддод?

Дунёда ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам сенламаган жаҳонгир ҳукмдорни сенлаб, у билан муроқаба қилур? Наҳот ўзига унинг жони ширин бўлмаса?!

Воқеа бундай бўлган эди.

Мовароуннаҳр ҳукмдори Хуросону Сейистонни ўғилларига суюрғол қилиб, Шому Ажам орзулари билан форс ҳудудларида қароргоҳ тортиб турганларида Мозандарон доруғасидан шикоят етди. Шероз улуси музаффарийларнинг зулму мусаллатидан додини кимга айтишни билмай, қон йиғлаб, Соҳибқирондан имдод кутар эмиш. Бу паёмдан саркарданинг ташвишлари чандон ортдики, тоқату ҳаловатлари йўқ эди. Ёраб, бу мумсик волию ҳокимлар сўқирмики, на Худо қаҳрини, на раъият касрини кўрадир! Шерозга лашкар тортиш сардори муаллонинг мўлжалларида йўқ эди, хаёллари бесари-пой бўлиб, оромлари қочди.

Маломат икки келур, нақлидан бўлиб, устига устак, шу кеча ватандан ялавоч чопар етиб, яна бир шумхабар айтди. Ялавоч аққиб отидан бемажол

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиқилиб, ўлар ҳолатда шивир бердиким, Дашти қипчоқдан Тўхтамишхон етовида келган жатта сипоҳлари Мовароуннаҳрни яғмо ғорат қилиб, Соҳибқироннинг она бешиги Занжирсаройни оташзада, Бухорои шарифни эса қамал қилибдурлар. Бухорода толиби илму аҳли фузалонинг қатлиға жазм этмишлар...

Давлатпаноҳ юзларига қон қалқиб, у ён-бу ён юргач, қўлларидаги жўжи чўқморини уриб синдириб, жаҳл отидан тушган бўлиб тошга ўтирдилар.

— Эй фосиди фузуҳ!— дедилар Тўхтамишни эслаб.— Ўзимиз тенги, нури айн деган эдик муртадни. Хожа Шамс мозорида Қуръони мажидни дастига олиб, «Сизга, наузанбиллоҳ, жиҳод қилмагаймен», дея онт ичган эди, қасамхўр! Ғаддор!

Соҳибқирон шу кеча биринчи мартаба ҳорғин қариядек оромга ётдилар. Қасри Орифонда безовта тунадилар. Тушларида Баҳовуддин Нақшбандийни кўрдиларким, қаландарсифат эмиш, айтдилар: «Аё ўғлон, жамъи кавкаб ҳут буржига келибдур, қирон бўлур. Нуҳ тўфонида ҳам ушмундоқ эрди, жатта ҳукамолари буни билмас. Бухорои шарифга лашкар тортгил», деб.

Эртасига давлатпаноҳ машварати умарога аён этдиларким, «Мовароуннаҳрга дарҳол қайтурмиз, юртимиз мусулмонлари биздан нажот кутадир».

Тасарруфларига олган яқин-ёвуқ шаҳру кентга волийлар тайинлаб, руҳи Расулуллоҳ алайҳиссаломга тиловат бағишлагач, эртасига бўз от миниб қарқарони дубулғага ўрнатдилар-да, найза-қалқон қўлларида, заррин фўта белларида, яроқ таққан минг тўфангчи даврасида, яшил туғ остида саф бойлаган икки туман лашкарни шимол томонга силжитдилар.

Бундай пайтда Соҳибқирон марқаби кажавада эмас, узоқ йўлга от минар эдиларким, аққим отнинг ёбон йўлларида елиши дилларидаги ғазаб чўғини андак совитар деган умидда. Илло, йўқ, билъакс, ҳориб-толганларида ҳам осойиш тополмай, яна Тўхтамишни эслаб кетдилар.

Ул нобакор бир неча йил муқаддам Ўрусхоннинг қасди қатлидан қочиб, Соҳибқиронни қиблагоҳ дея паноҳларига сиғиниб келган эди. Самарқандда уни илтифот ва сийлов билан кутдилар. Давлатпаноҳ унга Ўтрору Саброн улусларини пешкаш қилдилар. Дағи бир туман лашкар бошига қўйиб. «Бор, ёғийингни дафъ эт», дея фотиҳа бердилар. Меҳр кўргузиб, насиҳат айтдиларким, «нури айним, зафарга кўзинг етса, ёғийга омон бергил, боғ-бўстонни вайрон қилма, бача-бағилни асир олма, аврот қўлга келса, асокирга айт — фасад қилмағайлар», деб. Ул нонкўр эса, барининг аксини қилиб, Дашти қипчоқдан бефатҳу зафар, мулзам қайтиб келди.

Соҳибқирон бу ношукрни отасининг қотили Ўрусхондан пана қилиб, унинг хунхор ўғиллари Қутлуғ Бўға ва Тўхтақия қасдидан уч тобқир қутқаздилар. Тўртинчи бор ҳам неча туман лашкар бериб, Мамайхонни маҳв этишига, Олтин Ўрда тахтига ўлтиришига, Жўчи улусининг нуфузи ортишига ҳамият қилдилар. Энди эса ул густоҳнинг кўзларини фазиҳат пардаси босиб...

Қирқ кун деганда Жайхуннинг Хоразм соҳилларида Амир Темур лашкарларининг тўзон булутлари ва «сурон» садолари осмонни тутди. Кокил қўйган Темур сипоҳийларининг муборизлик важоҳатини кўргач, келгинди жатта сафларига ғулув тушиб, пароканда қоча бошладилар. Соҳибқироннинг Худодод Ҳусайн, Шайх Али отлиқ туманбегилари Тўхтамишни Сариғсув ва Зарнуқ ёқаларигача қувиб бориб, Анбар тепалигида тамом мусаҳҳал этдилар...

Бу жанглар тинганда ҳамал кирган эди. Соҳибқирон қароргоҳ кўтарган Хўжанд суйининг Акар туманида наврўзи ажам, хушбўй субҳи сабода қизғалдоқлар тебранар, тундаёқ кўприк қуришга чиққан пулсоз сипоҳий тўдаларнинг тарақ-туруқи олисдан эшитилар эди.

Соҳибқирон аслаҳасиз, енгил хилъатда хос чодирларидан чиқиб, тонг нафасини олмоқ учун дарё сариға йўл тутдилар. Изларида, русумга кўра, содиқ қутволлари Иноқ борар эдиким, мулозиматларида сидқидил, ўлимдан тап тортмайдиган қавий жўша ва далер мубориз эди, икков соҳил устига дохил бўлдилар. Кўрдиларки, қуйида бир тўда жулдуру нотавон жўчи асирлар юзбоши амир Қатағон посбонлиғида ўтиб борадир. Соҳибқирон кўзларида аломати савол зуҳур этди.

— Маҳкум ёғийлар, Соҳибқирон, қатли ом этилур,— деди Иноқ.

Давлатпаноҳ андак тааммулга толдилар ва сафдан бирини кўрсатдиларки:

— Ани ҳузуримизга чорлағил,— деб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иноқ ул асирни олдига солиб олиб келди. Соч-соқоли ўсиқ, дарвешсифат бу зот, белбоғида кадусимон қўбузки, кўҳналигидан сайқалланиб кетмиш эди, кўзини ердан олмади.

Ўтган кечаси Соҳибқирон дарё жонибидан шул қўбузнинг дардли нағмасини эшитиб, уйқу ва оромлари қочиб, ҳушлари пароканда бўлиб эди.

— Насабу насабингни айт,— дедилар Соҳибқирон.

— Маҳкум бандамен,— деди асир беҳадик.

— Биз сени ўлимдан холис қилдик.

— Йўқ, мен алар билан ўлимга борурмен,— деди ул зот. Жавоби дағал эшитилди. Соҳибқиронга «йўқ» дегувчи бўлмасди. «Бир девона экан», деган андишага бордилар.

— Ихтиёр ила ўлмоқ бандасига гуноҳ.

— Ўз улусингни қатли ом этмоқ ундан ортиқ гуноҳдур,— деди дарвешсифат асир.

— Булар, хусусан сен ҳам, беҳаё ғанимлар, босқинчи жатталарсиз!— дедилар Соҳибқирон ғазаб хуружини босиб.

— Йўқ, мен турк фарзандимен, булар ҳам зоти-буди билан турку тожик!

— Нечук?

— Тўхтамишхоннинг одати борки, жанг сафарида ўзи қўнган манзил атрофиға туронзамин фарзандларидан, қари-қури фуқарони тизиб қўйиб ишрат қиладур. Булар ўшал бегуноҳ шўрликлардан. Амир Қатағон асир олиб ҳайдаб келди.

Соҳибқирон ҳанг-манг бўлдилар, қонлари чеҳраларига тошди. Илло бу «девона» ўзига ярашмаган бир фасоҳат билан гапирадирки, айтганлари талбис ё макрга ўхшамасди. Уни хиргоҳга бошладилар. Иноққа амр қилдиларким. «Бу можаро тафтиш қилинсин, агарчанди гап ҳақ бўлса, «асирлар» эмас, амир Қатағон қатл этилгай.

«Дарвеш» Мовароуннаҳр ҳоқонининг тоқи-равоқига ҳар куни кириб юрган одамдек, на маснаду мақомига, на ҳашаму аслоҳига ҳайрат кўргузди. Ўлтур, десалар — ўтирди, гапур, десалар — гапирди.

— Тунда абёт айтиб нағма қилған сенми эдинг?

— Мен.

— Отинг нимадур?

— Айри Қўбуз дерлар.

Соҳибқирон, ҳазил қилур дея, жилмайдилар.

— Нечун «Айри»?

— Термиз сайидлари етакида мурид эканмен, йўқликдан айрига сим тортиб чертар эдим.. асли исмим Муҳаммад.

— Бор. Либос ёпурлар, хизматимизда бўлурсен.

— ...Мен сўз хизматидамен,— деди Айри Қўбуз тап тортмай,— сўз эса ҳақиқат хизматидадур. Соҳибимни сенга ҳам алмашмасмен.

Соҳибқирон лол қолдилар. Бу нағмакаш сўзида олампаноҳни бирон марта улуғламади, энди эса бетга чопиб... Соҳибқирон ғазабданми, ҳайратданми вужудларида андак титроқ сездилар. Ҳозир бу қулбаччани дарҳол чопиб ташласалар ҳақлари ҳам, ҳадлари ҳам бор эди. Аммо бу девонаи бенавонинг кўзими, сўзими — нимасидир бундай саъйдан тийди, қулоқларида унинг тунги сирли навоси янграб кетгандай бўлди.

— Бу ҳаётда улуғ пийримиз ва қайнотамиз раҳматли Убайдуллоҳ Садр аш-шариатдин ўзга ҳеч кимса бизни сенлаб айтмаган. Сен иккиламчисисен,— дедилар қайгадир, чет бир нуқтага тикилиб.

— Жасорат эгасига қўл кўтармаслигингни билурмен. Соҳибқироннинг мардлигини яна бир бор имтиҳон қилишга жазм этдим. Зотан, менинг учун бунинг эвази баланд эмас, умримнинг бу ёғи текинга қолди, шоҳидсен.

— Унда жасур эмас, таваккалчи тентак экансен.

— Эшитган эдимки, Соҳибқиронга табъи маҳзул бир сўзамол созанда манзур бўлмиш, машшоқлар ичра даврада кўнгул очар эрди. Ўзи эса сўқир экан. Бир куни Давлатпаноҳ андин: «Отинг нимадур?», дея сўрадинг. «Отим Давлат», деди созанда. «Давлатнинг кўзи кўр бўлурму?», дединг. Созанда айтди: «Давлат кўр бўлмаса, оқсоқнинг қошиға келурму?!»

Соҳибқирон беихтиёр кулиб, нохуш совиган вужудлари яйради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ривоятдур...— дедилар.

— Менинг Искандари сонийни сенлаб гапиришим ҳам бир кун келиб афсона бўлур...— деди Айри Қўбуз.

Шундан сўнг бу тунги муғанний Соҳибқирон кўзларига гўё бошқа бир қиёфада намоён бўла бошлади. Ногоҳ унинг кеча тунда куйлаган навои ноласи бутунича ёдларига келди. У сўзлар гўё мусиқа бирла эсфир мавжларида сайрона эди:

Барги сабз ёз бўйи кун нурин эмди.
Куч йиғиб, деди: «Бас, кун — ўзим энди».
Ҳасаддин сарғариб, чирт узилдию
Пилдираб-шилдираб қаброға инди.
Кузнинг қаро туни, момақалдироқ,
Йиғоч теграсинда тентирар япроқ.
Барқ қилич сермаб, ёқар гулханлар,
Саросар тутанқиб биқсир гулшанлар.
Ўшал гумроҳ баргдин туташиб олов,
Ул дуркун йиғоч ҳам ўртанур лов-лов...
Барг енгил, енгилтак мулҳиди зардушт,
Она мулкин ёқиб бўлур модаркуш.
Макруҳдир ким кечса уҳувватидин,
Алҳазар ёмоннинг мазамматидин...

Тунда дарё соҳилидан етган бу оҳанглар Соҳибқироннинг оромларини олган эди, энди эса бор маънои фикрасти била уқувларига келди. Соҳибқирон бу навода аввал гўё тамоми ўз умрларини, кейин сарбасар ўт туташган дунёни, Мовароуннаҳрни кўрдилар. Агар гумроҳ япроқ Тўхтамиш тимсоли бўлса, бу бандаи бенавонинг сеҳрли қўлбузи бизнинг саъй-қўшишимизга ишорат қилмасму?

— Айри Қўбуз... кўнглимизга келурким, навои абётинг ила эртанги жангу зафаримизни башорат қилурсен. Айт, қувиб борсак, нобакор Тўхтамишни маҳв этурмизму?

— Асрори ғойибни билмам, Соҳибқирон, фолу таъбир ҳам очмам, қуръа ҳам солмам. Вале, Оллоҳ дилимга солса, чертиб куйлагаймен...

Бу жавоб мужмал бўлса ҳамки, Тўхтамиш дафъ этилмаса хонадонда ёнғин ўчмагай, деган фикр Соҳибқироннинг дилларидан кетмай қолди. Кечалари Айри Қўбуз абётидан ҳикмату каромат излаб тонг отдирар, шаддод қўбузчини жулусларига чорлаб, яна муроқаба қурар эдилар. Бу мубоҳасалар одат бўлиб қолди. Шоирнинг сирли, мавҳум суҳбатлари манзур бўлар, фаросату басиратига ботинан таҳсин айтар эдилар. Шуйла, Айри Қўбуз, чапдаст Иноқ қатори, Соҳибқироннинг ўзгалар учун ҳайратомуз, расамад мантиқидан ғайри бир маҳрамлари бўлиб қолди. Бахши ўзини ортиқ эркин тутиши билан гоҳо Соҳибқироннинг ғазабларини оширар, аммо ул зот бу шаддодга, негадир, «Бор, озодсен!», дея айтолмас эдилар.

Энди, азиз китобхон, тушундингизки, ҳикоямизнинг ибтидосида улар ўртасида тўсатдан бошланган мубоҳаса ҳам шул жумладан эди. Соҳибқирон бу ғалати шоир билан гоҳи хаёлан ҳам олишар, аслида эса ёлғизликда ўзлари билан ўзлари зиддиятга кирар эдилар. Баъзан эса унда ўзларини кўрар эдилар. Шиддатли воқеалар асири бўлиб, ўлимдан тап тортмай, бетўхтов қонли жангларда минглаб асирларни кўриб дийдалари қотган Соҳибқирон ўзларини гоҳи шу одамга, ёки дилларини босим чирмаётган бир мавҳум руҳиятга асирдек сезар эдилар.

Дашти Қипчоққа қочиб дараксиз кетган Тўхтамиш ҳаловатларини ўғирлади. Ул қаёнда, тинчиб кетдими? Ё қувиб бориш лозимми? Оқ Ўрдага лашкар тортиш хусусида машварати ҳарб чорлашга ҳам иккиланиб, безовта бир қийноқда юрганларида ул доғулидан элчи келиб, нома тутдиким, мазмуни ва услуби чунон дабдабаликдир:

«Нома етиб Соҳибқирон қиблагоҳимга маълум бўлғайким, аввал ҳамду сано Тангри таборакка-ким, кўкни муаллақ, ерни мутаббақ яратибдир, дуои дуруд Муҳаммад саллоллоҳи ва алайҳиссаломгаким, Оллоҳ таоло анинг туфайлидин ўн саккиз минг оламни вужудга келтирибдур, шариат андин жорий

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, залолат чўлида қолғонларни ҳидоят йўлиға солибдур. Алқисса, бизнинг ҳам шу йўлға киришимиз вожиб, орамиздағи беҳуда низоъу муҳорабада кўп аҳлоллоҳи бегуноҳ забун бўлди. Мусулмонни мусулмонға мухолиф этмай, шариат тақозоси била жанобимдин сулҳи хайр умид қилурмен. Қиёматнинг андешасини қилайлик, деб муҳр босдим. Нома тамом — вассалом».

Буни ўқигач, Соҳибқирон руҳларида енгиллик сезиб, Худога шукрона айтдилар: «Иншооллоҳ, энди даштни бежангу жадал, бехуну ажал мусаҳҳар этурмиз», деб. Хушхабар суюнчиси учун уламои фузалоға иққи қалқон зар инъом бердиларким, Тўхтамиш табоҳ қилган Самарқанд мадрасаси таъмириға мусарриф этилғай.

Кўнгиллари тинчиб, кўп тунлар сирасида илк бор жону тан роҳатида уйқу олур эдилар, аммо субҳидамда ёбондаги қўй қўраларидан бир нағмаи ажиб оғоз этди. Бешак, Айри Қўбузнинг навозиши эрди, эътимодларини тортди:

Тонг кавкабин уйғотган сабо,
Дала-тузда мавжлан, марҳабо.
Қўйчибоннинг нафаси, ёки
Най навоси, сўлим, дилрабо...

Ўтарингни тундан қўриқла,
Оғилларни, чўпон, қулфла:
Ёю ҳадангингни унутма.

Совимасин гулханнинг қўри,
Ҳид олади ўқ еган бўри.
Қон ҳидидан масту маккор у,
Қайтиб келса чўпоннинг шўри.

Қуйруқини қисиб келадур,
Тулки янглиғ писиб келадур.
Тун фирибгар сокин ғафлатки,
Шарпасини тўсиб келадур...

Буни эшитгач, Соҳибқироннинг кўз ўнгида Қипчоқ даштида яраланган бўридай тентираб юрган Тўхтамиш гавдаланди. Сапчиб, шабгоҳ ҳижобини йириб, оёққа турдилар. Ул қасамхўрнинг баландпарвоз номасига лаққа тушаёзган ва ҳозир тун ўртасида оёқяланг қалтираб турган бу бегона зотга нафратлари тошди. У номанинг тазвир эканлиги аён эди-ку! Қани у зобити музаффар?! Соҳибқирон гоҳида ўзларига бир дам четдан назар солиб, илло бағирларини кўп олуда қила билмай, бу ҳолатдан тезда чиқар эдилар. Асфарий саллани бошга олгач, хулла қабо устидан шоҳона фўта боғлаб., исфаҳоний қилични саланглатиб давлатхонага чиқдилар. Соҳибқирон ҳолатидан ҳамиша воқиф Иноқ зумда пайдо бўлиб, амирларни машварати ҳарбга чорлади. Шаҳзодалар тасарруфидаги улуслардан қўшин талаб қилиб ёрлиғлар юборилди, барлос, арғин, жалойир, дўлдой, тўғай, арлот каби қирқ аймоққа чопарлар, элатларга товачилар кетдиким, борича лашкар юборсинлар.

Икки ҳафта ўтмай, салкам бир лак лашкар Қўрғон остида Соҳибқироннинг кўрикларига дохил бўлди. Раҳти роҳ бут бўлиб, тиловати Қуръондан кейин табал деган довул ноғоранинг садоси фалакни тутди. Чор тарафдан элу улус келиб, навозишлар айтиб, қиблагоҳнинг мулозиматларида бўлдилар, дуои фотиҳа билан фатҳу зафар тилаб қолдилар. Аламбардорлар ичида Соҳибқироннинг олтин зирҳли дубулғалари йилтиллаганда «Сурон» нидолари эшитилиб, қоровул тўдаси кетидан ҳировул ва чоповул қисмлари силжиди. Чап ва ўнг қанотлар эса Сиғноқнинг яйдоқ ялангликларига чиққандагина бемалол ёйилиб ўз ўринларини олдилар. Туман-туман отлиғ-пиёда лашкар ларзасидан осмон гувлар, найзаю қалқон чақмоқдай чақнар, бийдек Қипчоқ даштларида сийрак юлғун тебранар эди.

Кун оққанда уфқда ғубор кўринди. Кўп ўтмай қоровул тўдасидан хабар етдиким, жатта лашкари етти байроқ била келадир, човурткадан зиёда, деб.

Ҳақиқат Соҳибқироннинг бошларига найзадек келиб урилди: «Ана, Айри Қўбузнинг ярадор бўри макри ҳақидаги тунги қўшиғи айни каромат экан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сулҳи хайр дея нома битиб, ўзича бизни ғафлатга қўйиб, орқасиданоқ лашкар солибдур, ғаддор! Майли, ул бизни бу ерларда кутмас, қанотларни ёйиб «қучоқимизга» олурмиз!..»

Ёғийга икки фарсанг қолганида Соҳибқирон тизгин тортдилар. Жувонғор ва баронғор тўдаларни икки қанотга кенг ёйиш учун дашт кенгликлари қўл келди. Алҳол, қоровулдан чопар етдиким, қипчоқлар ҳар отга икки боғ ўтни сургатиб, сиёсат бирла тўзон тўзғитиб келурлар. Соҳибқирон мўғул жангариларининг бу кўҳнаю жўн дастурини фаҳмлаб жилмайдилар ва тўсатдан босқин қилғувчи чоповул тўдасини «шабихун»га, яъни тунги ҳужумга йўлладилар.

Шабихун мудҳиш чопқин билан бошланди. Фириби фош бўлганини пайқаган ғаним орқага юз тутди ва қанот тўдалари ичра аросатда қолиб, қолган-қутганлари пароканда ҳолатда қочдилар. Соҳибқирон лашкарлари дашт тунининг жаҳаннамидан чиқиб, ёғийни тонгдин шомгача, сўнгра яна бир тонгдан яна бир шомгача қувиб бордилар.

Энди фақат ҳировул тўдалари олдинда, жанговар ҳолатда эди. Қолган черик аслаҳаю ризқи озуқ заҳираси билан, ҳар бир аскар тўрт хил яроғи, дўрдиғу қозони билан орқада борар, оддий сафар тирикчилиги давом этар, капалакдай қўниб учадиган чодирлар орасида гулхан яллуғланар, қумғон қайнар, мол сўйилиб, чангакларда гўшт қоқланар эди.

Икки ҳафта ўтиб, раббиул-аввал кирганида ҳировул тўдалари бир кичик кент қўрғонининг мустаҳкам истеҳкомларига йўлиқдилар. Жосуснинг хабарича, истеҳкомлар доира-доира бўлиб, уларнинг неча қатлам эканлиги номаълум. Ҳар истеҳком забт этилганда ёғий ҳимоятининг бари жонини фидо қилар, асло қайтмас эди. Кўп қон тўкилди, Соҳибқироннинг чопқинчи тўдалари ҳам гоҳ жанглардан совути ушалиб, ўпчину қалқонлари қилич зарбидан пора бўлиб, талафот ила қайтар эдилар. Соҳибқиронни бу талофотлардан ҳам кўра ул қўрғон элатининг жонфидолиғи, беҳад қурбонлари, қонли талотўплар чарчатди. Бу тош ёнғоқни айланиб ўтиб, садқаи сар, дея сафарни давом эттиришни маслаҳат кўрувчилар ҳам бўлди. Аммо Соҳибқироннинг босган изига ўз маъмури волийларини тайинламай, орқада забт этилмаган ёғий алботисини қолдириш одатлари йўқ эди.

Етти истеҳкомни қон билан олгач, тўхтадилар. Бу қўрғонни янчиб ўтиш асли ҳеч гап эмас эди. Илло, тинмай қирилаётган бу фидойи элатнинг не асрори бор? Ё Оллоҳ, бу не ҳикматким, бу хил қону қирондин кўра соғу омон таслим бўлмоқ кичик қўрғон учун минг аъло эмасму? Бу гилқўрғоннинг нимасини асрайдур?

«Ҳой, шабихун қилиб беталафот олурмиз», дея, Соҳибқирон шомда бу азобли ўйлар билан беҳаловат, хобгоҳларига кирдилар. Сафар чарчоғида қароргоҳ ҳам тез тинди. Бедору дилхун сокинликда жанг суронидан қутулган ёбонлар бир маромдаги мунглиғ чирилдоқ садоларига тўлди. Бунинг устига, қайдадир Айри Қўбуз нохун чертиб нола қилар эди. Уйқуни бой берган Соҳибқиронни ёлғизлик, чексизлик, айрилиқ ва дарбадарлик оҳанглари чулғади. Бахшининг эса бундан узоқ ўз дунёси, ўз эртаклари...

Пири комил рахт юклаб хариға,
Юрар эрди мулки Ажам сариға.
Йўлтўсарлар чиқиб анинг йўлидин,
Хуржунини юлқиб олди қўлидин.
Сўрдилар: «Не хуржунингда, эй, бобо?»
Деди: «Бунда бордур дурри бебаҳо».
Шундай йиртиб матосини отдилар.
Дуржи бекунж — йиғоч кути топдилар.
Йиғочини болта билан чопдилар,
Андин даги харсанг кути топдилар.
Харсангини янчиб-туйиб отдилар,
Андин битта қумалоқ мум топдилар...
Йўлтўсарлар дур қидирар эдилар,
Бул мум экан, ўтга ташла, дедилар.
Пири комил тиз чўкди шундаёқ:
«Ёлғон дедим, мен гуноҳкор, мени ёқ!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мум тўфон мавжларида ушибдур,
Нуҳнинг нажот кемасидин тушибдур.
Анда пинҳон эрди буғдой донаси,
Ки ҳаботот — набототнинг онаси.
Алқисса, пир ўтга бериб жонини,
Асраб қолди бани башар нонини...

Ҳорғин Соҳибқирон муғаннийнинг нимасидир ҳикматомуз бўлса ҳам бундай узоқ ва беғам ривоятига мийиқда жилмайиб пинакка кетдилар.

Ярим тунда шабихунга сурон тортилиб, Гилқўрғон забт этилди. Қон кўп тўкилиб, муҳофизадаги элатдан кам киши омон қолди. Тонгда қўрғон ўртасидан бир қур қариялар Соҳибқиронга пешвоз чиқдиларки, уларнинг қуршовида бир юсуфжамол ўсмир бор эди.

— Бу норасида кимдур?— дедилар Соҳибқирон.

— Бу бизнинг Оллоҳ мурувватн ва шаҳодати билан, бўлғуси шоиримиз,—дедилар мўйсафидлар,— шу ёшидан илоҳий сўзлар ва гўзал ашъор айтадур. Шояд истиқболда элатимиздин авлиё чиқар, деган умиддан ўзга ҳеч нарсамиз қолмади. Хонумонимиз куйди, фақат умиднинг жони қаттиқ, барчадан кейин ўладир. Бу сабийни ҳимоя қилиб, кўп фидокор фарзандларимизнинг қони-жонини қурбон қилдик. Уни сиз Соҳибқиронга ҳам бермагаймиз.

— Биз... биз...— деб Соҳибқирон ҳайратда анчагача сўз тополмай, бу вайрона ичидаги нуроний қарияларга қараб узоқ турдилар,— ул сизнингдур, биз олмаймиз... Илло, бизга ашъоридин айтсин.

— Айтмайдур,— дейишди чоллар,— Қўрғонимиз атрофида ер қучиб нигун бўлган ярим элатимиз ҳурмати, ҳозир Оллоҳ анинг дилига ҳикмат каломини солмағай...

Соҳибқирон, балки умрларида биринчи мартадир, сўзни суҳбатдошида қолдириб, мусаллам орқага қайтдилар.

Хиргоҳ дарборига етмай Айри бахшининг тунги нолиши хотираларига тушиб, жунжикиб кетдилар. Нағмани бира тўла эслаб, манглайларига муштлаб афсус тортдилар: «Ўшанда шабихунни тўхтатиб, эсни йиғиб олиш айни муддао эди-ку, қартайдикму, нима бало!? Оллоҳ бахшининг дилига соладур, нечук бизнинг дилимизга солмайдур?»

Узоқ ўлтириб, ич-этларини еб, яна надомат чекдилар.

Шу маҳал Айри Қўбуз, бамисоли руҳ, одатича беижозат пайдо бўлди.

— Норасидани кўрдингму?— дедилар Соҳибқирон бош кўтармай.

— Ўзимни кўрдим...

— ...

— Элнинг орзу-умидини кўрдим, Соҳибқирон.

— «Бани башарнинг ризқи...», «Ҳаботтодин набототтодин...»!— дея нағма байтларини эсладилар Соҳибқирон, товушларида андак қаҳр ила.

— Абётни эшитибму эрдинг? Бу ривоят, дарҳақиқат, элнинг эртанги маоний ва руҳоний ризқи хусусида. Эл ани жон баробар билиб, ўзини ўтга ташлаб, асраб қолибдур...

— Қирғин ҳисобиға... Имо-ишоратни қўйиб, бизга келиб ошкора айтсанг бўлмасму эди?

— Устозим шайх Саййид Вакқос айтур эдиларким, «Ўқилган чала бўлур, уқилган бўла бўлур», деб.

— Ишорат башорат эмас.

— Ундай даъвом йўқлигини айтиб эдим қиблагоҳга. Мен Худонинг осий бандаси, дилимга солгонидин ўзгани билмасмен.

— Биз...

— Сен сипоҳларингсиз соҳибқирон эмассен. Сипоҳларинг эса — давлатнинг бандалари.

— Алар Худонинг бандалари.

— Алар дунё ишлари ила тамом банд. Мен аларга илоҳий сеҳрият борлигини эслатиб, дилларини тиканак сим янглиғ чирмаган дунё ишларидин сал чалғитишга урунамен.

— Сен ўтган гал ҳам: «Олам сеҳрлидур, тарих жаҳонгирнинг жангу жа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

далларидангина иборат эмас, ул афсунгар афсонаю илоҳий ҳикматлар ила ҳам бутун бўлур», дединг, бу хотиримизда.

— Сирру асрор, кўнгил давлати, илоҳий сўз, эл умиди, норасиданинг абёти каломи...

— Бас... сенга не керак?!— Соҳибқирон бу сўзларининг ўринсиз эканини билар, жаҳлларини босишга уринар, аммо бу шаддодни қувиб чиқаролмас эдилар. Сезар эдиларки, ундан ғайри янада афтодаҳол бўлғайлар.

— Мана, сен жанг олдидан Қуръони мажиддин варақ очиб, оят ўқурсен,— деб давом этди Айри Қўбуз,— менинг абётим сени тааммулга солур. Қариялар сўзидин бу ҳолга тушдинг. Инчунун, бағри тош эрмассен. Менга шу керак...

Бир умр жони ҳузур-ҳаловат кўрмай, жангу жадал, қонли қиронларда дийдаю бағри тош қотган бу инсоннинг кўнглини сал бўлса ҳам юмшатиш ният эди бу девонага.

— Жаҳонгирларга бош эгмадим, инсонга қуллиқ қиладурмен,— деди шоир.

Умрида илк бор эшитаётган бундай шаддод сўзлардан вужудлари қизиб, узоқ бош солиб ўтирган Соҳибқирон аста дедилар:

— Дайрда кўп савобу гуноҳ ишларни қилдик, ҳар неки бўлса, Оллоҳнинг мадади, бандасининг тадбири бирладур. Тадбиримиз тақдирга мос тушиб, фатҳу зафар ила шу кунга келдик. Илло биз Тўхтамишдек ғаниму фазиҳга бераҳм бўлдик.

Шоирга Соҳибқироннинг сокин товушлари хуш келди.

— Тасбеҳ дея қўйнингга солганинг илон чиқибдур, ани янчмоқ вожиб,— деди Айри Қўбуз...

Биёбонда тонг оқариб, шабнам ҳовурида кўтарилган қўға, юлғун ҳидлари ҳавода кулу дуд билан қоришиқ эди. Соҳибқирон аркони ақрабони чорлаб амр этдиларким, таслим бўлган улусга шоҳона марҳамат кўргузилғай. Баковуллар югуриб-елиб элга офият бердилар, улус амирларига совға-соврун улашиб, икки кун навозиш қилдилар. Улуснинг барча элатларида шикваю шикоят тингланиб, барига хирож, жузя, қўналға, бож, шилон солиқларидан холислик эълон қилинди. Соҳибқирон кечаги қарияларга малуқона хилъатлар пешкаш қилиб, бирини улусга волий тайин этгач, тиловати Қуръондан сўнг яна юришга табал қоқтирдилар. Амир ноиблари чортуғу бурғилар билан чиқишди, мағлублар ҳам эл тутиниб, улардан кўп ўқчилар, чопқичилар, найзадорлар Амир лашкарига келиб қўшилди.

Тўхтамишхон тўдалари Хўжанд суйидан кечганидан сўнг неча кун қочиб. Гилқўрғон улусидек бегуноҳ элатлар панасида, поёнсиз қипчоқ ёбонларида пусган эди. Қоровуллар ғаним сафлари рафторини олиб келгач, икки қанот тўдалари ёғийни ғафлатда босиб, яна чопқин қилдилар, жатта яна ортига юз тутди. Соҳибқирон амирлари ҳировул тўдасини пистирмага жойлаб, чоповул билан от солиб, яна қувдилар. От дупуридан биёбон тебранар эди, лак-лак лашкар ғубор ичида мағрибга силжир экан, кунми-тунми ўтгани билинмас, фақат сабоқнинг намчил салқинларида ароба ғирчию қўйчибон қуррейлари, той кишнашию туя пишқириқлари қулоққа чалинар эди. Темур лашкарларининг маҳобатли юриш ҳақидаги овозаси ўзидан уч кун олдинда юрар, ёғийни йўлда боғ-роғни ёқиб, тирик жонни чирқиратиб, хонумонини совуриб, далатузни човурткадай қийратиб, яйловларни тап-тақир қиртишлаб, жонҳолатда қочишга мажбур этар эди.

Қувишнинг ўн еттинчи куни отлар ўла бошлади. Бу ўлат эмас, қўним керак эди, қўнимга эса гиёҳ йўқ, бутун оғирлик тевалар ўркачига тушадиган бўлди. Қаёнга қочаётир, қаёнга бошлаб кетаётир бу чиябўри?! Қайтсанг босиб келади, қувсанг қочади, тикка жангга хуши йўқ номарднинг. Иноқнинг хабарига қараганда, бир гуруҳ амиру нўён саросимада гап қилишибдур: «Тўхтамиш биёбонлар ичкарисига атай бошлаб, борса келмас манзилларда очлик ва ўлатдан тамом толиқтириб, тиз чўктирмоқчи эмиш. Чап қанот канбулида терс муноқашалар сезилар эмиш». Лашкар тўдаларида бу саросимани Соҳибқироннинг салобатигина босиб турарди.

Кўп ўтмай заҳираларнинг таги кўринди, ўқдонлар бўшади. Юришнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи ойида сипоҳлар дала паррандаларининг юмуртқаси билан кун кўриб, кейинроқ бошбалмоқ ўти ва турли илдизларни тановул қиладиган бўлдилар.

Итил суйига етмиш фарсанг қолганда Соҳибқирон тизгин тортиб, бир қиялиқда қароргоҳ ёйдилар. Сафи бузуқ лашкар ҳорғин ва оч эди. Тунда жабдуғу тер ҳиди анқиган жолиси ҳарб суронли бўлди: ҳалиги бир гуруҳ амиру нўёнлар найзаю қиличларини қумга санчиб «Ул юҳо домига тортиб фириб берадур, бизни забун этадур, тобора ичкарига бошлаб, очу ҳорғинликдан йиқилганимизда келиб чопқин қиладур. Илло Соҳибқирон амр этсалар, биз ўлимга борурмиз!», деб шовқин солдилар. Иноқ бошлиқ амирлар ва Соҳибқироннинг фарзандлари эса чиғатой дастурига кўра давлатпаноҳ олдиларида тиз чўкиб, «Йўқ, ул иблисни тирик қўйиб бўлмас, қувиб етиш зарур, токи байроғини тубан қилсун, улусни талонга ташлаб қочаётган номард билан якка-талош қилайлик, илонни янчмасак яна бош кўтарадур, ҳужумга амр этинг!» дедилар.

Соҳибқирон чорпояда ўтириб оғирлик билан тингладилар; юзларидан у ёнга ё бу ёнга оққанлари билинмади.

Кейин хос чодирларида ёлғиз тўлғаниб, ҳорғинликдан икки ракаат намозга ҳам ҳоли келмай ёбонга қапишиб қолган қароргоҳнинг гўристондагидек сукунатига қулоқ осдилар. Азобли ўйлардан юзлари тош қотган, қарашлари қўрғошиндай зил: мижжа қоқмас эдилар.

Соҳибқирон ҳарбий сафарда ҳали бундай беқарор бўлганлари йўқ эди, ёбонда сочилиб ётган лак-лак лашкаргина эмас, гўё бутун дунё буюк ҳукмдорнинг тонгги ҳукмини кутар, аммо у зотнинг хаёлларида зидлик тарозусининг шайини муаллақ эди...

Оғир хаёллар қийноғида кўзи кетиб қолган экан, тонгда ҳарир бир эпкиндан уйғониб, тиниқ идрок оғушида роҳат топдилар: узоқда юлғунзор кенгликларга қўбуз навоси таралар эди. Соҳибқироннинг қулоқларига етди:

Ортда ёбону кенглик,
Елканг узра офтоб.
От сол тонгги эпкиндек
Омадингни топ, топ!
Ёғий бўлмай юз тубан,
Кўзи қонга тўлмиш-ов.
Юҳо макрин тутибон
Ғорга дохил бўлмиш-ов.
Ғор совуғи қаҳрли,
Ўз қаърига тортадир.
Ул мўлтони соҳирни
Босиш хавфи ортадир.
Ёғийга ҳам ёғий бор,
Йўлининг одоғи бор,
Истиқболида зулмат,
Ваҳму рихлат доғи бор.
Ўзи топган моғора
Лаҳад бўлур ўзига.
Ўпирилиб, тоғ аро
Тупроқ тўлур кўзига.
Гул очилсин йўлингда,
Елканг узра офтоб.
Байзо қилич қўлингда
Ёвуз бошин чоп, чоп!

Иноқ ҳам бедор экан, эшик очиб қуллуғ қилди. Сабоҳга пешвоз чиқдилар. Ёйилиб ётган қароргоҳ уйғоқ эди. Амиру амирзодалар, туманбеги, юзбоши, сипоҳсолор баҳодирлар, яна яқин-ёвуқдан озиқ-овқат, совға-соврун билан тунда етиб келган кент саййидлари, улус амирлари ва амалдорлар давлатпаноҳнинг даргоҳборида интизор эдилар: «Буюринг, Соҳибқирон, нима қилайлик?» Риъоят вакиллари тиз чўкдилар: «талонга ташлаб кетманг, қиблагоҳ!»

Ҳукмфармо Соҳибқироннинг бесабр жўшиб туришларидан ниятлари аён эди. Кўзлари билан оломонда Айри Қўбузни излаб, тополмагандан кейин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиловдорга имо қилдилар. «Ё ҳазрати Баҳовуддин!», деб узангига оёқ қўйиб, кумуш қошли эгарга отланганларида қанотлар саф тортган эди. От йўртиб, қанот канбуллари, манглай қисм лашкарларига бир-бир сер солиб, сафлар салоҳиятини кўрувдан ўтказиб келгач, маркаб мешидан узоқ-узоқ совуқ сув ичдилар. Бу соҳибифармоннинг барқарор хотиржамликлари белгиси эди, демак, қароргоҳда жанговар кайфият шай. Уламо фатво бериб «Ёғийнинг юзи қаро бўлсин!», дея ғаним томонга бир сиқим тупроқ сочдилар, кейин сипоҳу риоятдан розилик бўлгач, довул ноғоранинг садоси келдию ҳар бир навкарни ғайратга киргизувчи машҳур «Сурон!» хитоблари икки қитъа даштларини туташтириб узоқ янгради. Аламбардорлар қўлида ҳилпираган яшил байроқ ўртасидаги учта тўлин ой мушкул сафарнинг янги кунига пешвоз чиққандай, тонг нурида нуқрадек йилтиллаб юксакларда сузар эди. Амирзодалар бошлиқ қоровул илғорлари сарин ҳавони ёриб, тоғдан тушган баҳор тошқинларидай олға юрадилар. Ортда — ҳар қаноти уч туман лашкар қавжироқ саҳро ёнғинларидан кўкка ўрлаган тутундай, неча юз фарсанг масофани қоплаб, уфқдан уфққача ғубор кўтарди. Ўртада, заҳира қўшинлар, далер баҳодирлар қуршовида бош қўмондон қароргоҳи уммондаги буюк бир оролдай силжиб боради. Шотиру жиловдорлар Соҳибқироннинг ипакдай майин қадами билан қарийб ярим куррани босиб ўтган севимли оқёл тулпорларини боладай эркалаб, сал терласа ювиб-тараб алмаштириб турар эдилар. Иноқ эса бу отлар ҳақида бундай дер эди: «Соҳибқироннинг қўнғир тулпорлари ўлимнинг йўқлиғига кафил бўла оладур!»

Ҳафта ўтмай ғажарчилар хабар еткиздиким, ёғий ёйиқнинг Туратур деган кечувида пистирма қурмиш. Пистирмаларни қора тунда босиш амир Шайх Нуриддиннинг ҳунари эди. Чап қанотда ғанимнинг Қозончи етовидаги чериги Кайсув бўйида қўним топмиш эдиким, шу кеча сафлари бузилиб тор-мор этилди. Уммони Қулзум соҳилида мўғулий қайтағаларнинг кўп жангари тўдалари жойлашган эди, хунрезлик кўп бўлди, катта талафот Соҳибқироннинг қонларини чеҳраларига топширди. Бир кечаси сара қўшин олдига чоҳ қазитиб, бу ёнини аробалар билан тўсиб, гулханларни сўндиришни буюрди, заҳира кучлар олдида ғул билан ўзлари от сурдилар. Соҳибқироннинг салобатлари ёғийнинг Бек Ёрлиқ ўғлон, Худодод Оқтов, Кунчи ўғлон каби машҳур муборизи баҳодирларини қочишга маҳкум этди. Шундан кейин зобит лашкар икки қанотини ростлаб яна юрдию Итил бўйидаги Увак деган жойда қаттиқ савашдан кейин Тўхтамишнинг байроғи тубан бўлди. Хоннинг ўзи эса ўғлонлари, амиру нўёнлари билан саваш майдонини тарк этиб. Булғор чакалакзорларида жон сақлаш учун кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин у ўзини ўнглаёлмай, хонлик мартабасини тамом бой берди.

Энди шимолий даштлар соҳиби йўқ эди.

Олтин Ўрда улусларида Соҳибқироннинг номлари хутбага қўшиб ўқилди, у зотнинг исми шарифлари битилган тилла тангалар зарб этилди.

Соҳибқирон ўз жасур баҳодирларини тархон унвонлари, кумуш камарлар, силовсин мўйналари билан, яна юз минг кепакий динор укулка ҳамда яхши отлар билан рағбатладилар, навкарларга саховат билан улуфа улашдилар. Дарбанд, Сарой ва Ҳожитархон қалъаларини қайта тикламоққа фармон бердилар.

Иброҳим Дарбандий қасрида сайёди хоснинг ов гўштидан зиёфат егач, Мовароуннаҳр султонининг музаффар лашкарлари «сайқали замин» сариға асъасаю нусрат ила йўл олдилар...

Соҳибқирон билан Айри Қўбузнинг сўнгги мусоҳабалари шундан кўп йиллар ўтиб, Шому Рум фатҳидан кейин Кешда бўлган эди. Бу пайтга келиб иккалалари ҳам қадди дол пири сафед, бир-бирларидан нечун ажралолмасликлари хусусида, дайру охират, гуноҳу савоб хусусида кўп ўйлайдиган, Соҳибқирон эса, айниқса, ҳорғин ва кўп асабий бўлиб қолган эдилар...

Оппоқ сочи елкасига, оқ соқоли кўксига тушган бахши «Султони рубъи маскун!» дея таъзим билан остонада пайдо бўлганида Соҳибқирон одатларича маснад мақомларидан тушиб, ўнг қўлларидан жой кўрсатдилар.

— Бандалик ниятларимиз мустажоб бўлғай, — дея соқол силаб омин тутгач, жим бўлиб қолдилар. Ўлтириб Оллоҳга такбир айтиш ҳамиша андак

www.ziyouz.com kutubxonasi

сукут тақозо этади, аммо Соҳибқироннинг ўйчанликлари нечукдир тўзимсизроқ туюлар эди.

— Бу кеч мазраб чертмадинг, Қўбуз?

— Қаридим, давлатпаноҳ.

— Сендин даҳи сўрмоқчи эдик: нечун абётингни тунлари таълиф этурсен?

— Тунлари осмони фалак яқин, давлатпаноҳ.

Соҳибқирон ҳорғин жилмайдилар.

— Шеърни Оллоҳ дилингга соладур... айтган эдинг. Илло, қўй бу мавҳумотни, Қўбуз. Ани сабийларга де. Маълумким, фақат Қуръони карим Оллоҳдин нозил бўлмишдур.

— Қуръони карим ҳам назмий каломдур, двлатпаноҳ. Калом — Оллоҳнинг иродаси. Лавҳи Оллоҳ, ақли кулл ва ақли аввалдур. Илло, аз вақтеки, шоир жонини асраб қолдинг, мен каломни қиличга зид қўймадим.

— Худо олдида шоҳу гадо баробар, қолаверса, сен бизнинг виждонимиз бўлдинг.

— Шоирнинг виждони эса сўз. Алҳол, сўз — ҳақиқатдур, деб айтган эдим.

— Кимнинг ҳақиқати, Қўбуз? — деб кескин сўрадилар Соҳибқирон.

— Ҳақиқатни бўлишдан уруш чиқодур.

Соҳибқироннинг қошлари чимирилиб, қоралғон кенг яноқларига ажин йиғилди. Афтидан, қалқиб, келган жаҳлни тийиб, айтар сўзларини айтмадилар. Бахши буни пайқади, ўйчан узоқ, тикилишиб ўтирдилар. Кейин совиб, «Ҳа, қариб қолдик...», дегандай, бошларини оҳиста сарак-сарак қилдилар.

— Аё, Айри Қўбуз... — дедилар Соҳибқирон бош эгиб ўтирганларича. — Фаросату башоратингга таҳсин кўп айтдик, эмди... бизнинг қазоимизни башорат қилаолурмусен?

— ...Навзанбиллоҳ... — деб сапчиб тушган кекса бахши нурсиз кўзларини катта очиб, серрайиб қолди.

— Рубъи маскунга фотиҳи музаффар бўлиб, салтанат қуриб, исмимиз Искандари Соний, жамъи маликул-мулкни илкимизга олдик. Кимсаки, бизга юрак бермайдур, бир ўлимдин ғайри. Ер юзида бизга бош эгмаган шу қолди. Андин бизга омон бўлурму, қачон бизга дуч келғай, айт.

Соҳибқироннинг қора булутдек босиб келган бу хунук кайфиятидан астойдил чўчиган бахши бу даргоҳда илк бор ўзини йўқотди.

— Бандаси меҳмон... — деди овози қалтираб. — Қазои қадар ваҳдати вужуднинг лавҳи маҳфузида, яъни дафтари аъмолида қайд этилмишдирким, андин қутулиб бўлмас, Соҳибқирон.

— Йўқ, айт, қачон дуч келгай? Биз билишимиз керак. Етти иқлимнинг ошуби гарданимизда, улгуришимиз керак.

— Фақир авлиё эмасмен, башорат қилмам, агарчандким, маликул-мавт юз кўргузса айтиб йиғлагаймен.

— Йўқ, чалғитма, айт, қачон?!

Ё раб! «Кулли явмин батар...» Соҳибқироннинг чеҳралари қорайиб, кўзлари ёнди. Наҳотки, моуманлик азиятидан вос-вос бўлиб, нафси лаввомадин пушаймонлик етиб, ваҳимада қолғон бўлсалар? Алҳол, юзларига сўз айтмоқ ҳам хавфли эди. Аммо Айри «йўқ»қа яна «йўқ» деди. Соҳибқирон вужудларини ўт олгандай, ўринларидан турдилар.

— «Калом» дерсен, «меҳмон» дерсен, даҳи «ваҳдати вужуд...» Саройимизда исқирт жандангни тарк этмай, неча йил юрдинг, индамадик, сўфий! Устозинг Шоҳ Мансурнинг терисини шилган эдилар, ё сени ҳам...

Айрининг шу жандадан бўлак йўқотадиган тайъи йўқ, сўз эса унинг соҳиби эди, айтди:

— Бу хирқани муршидим елкамга ёпганлар, ул зотнинг рамзи ҳолларидурким, ечилмағай. Сўфийларнинг шайхул машойихи Хожа Аҳмадга эса Яссида муҳташам иншо этган сен эдинг, давлатпаноҳ. Мен сўфий эмасмен, илмим ғариб.

— Бас! Ҳар икки сўз аро бизни мот қилмоқ дилингда иддаодур... Кўланканг кўринса ўлим ёдимга тушар, нега айтмайдур, нега айтмайдур, деб шивирлайдур шайтони лаъин. Тунлари нағманг ҳаловатимизни оладур, илло... айтмайдур, айтмайдур... Сен шоир эмас, шумқадамсен!

Айри Қўбуз англадиким, асаб таранглиги тобига етди, энди гап қайтариш

www.ziyouz.com kutubxonasi

у ёнда турсин, тасалли сўзи ҳам кор қилмас. У сўзсиз, таъзимкорона бош эгароқ, орқаси билан юриб, остона томон чекинди. Эшикка етай деганда ҳалиги таранг асаб узилди чоғи, гапни бўлиб берухсат чиқиб кетаётган хирқапўшни кўрган Соҳибқироннинг жаҳл хуружига кучлари етмай, «Мирғазаб!» деб юборганлари эшитилди. Бўлар иш бўлган эди. Мардуд шоир шу совуқ товушдан сурингандек, шартта орқа ўгириб саройдан чиқиб кетди.

Сўнгги пайтлар Соҳибқиронда бундай ногаҳоний ҳолатлар бўлиб турарди. Совуқ тер босган манглайларини ушлаб, эгилиб қолдилар. Нима бўлди? Нима қилиб қўйдик? Бу даргоҳга беижозат кириб, беижозат чиқиб кетадирган биттаю битта девонаи диловар шу эди...

Беихтиёр эшикка қайрилиб қарадилар. Остонада қизил гарданпўш ёпинган, юзи мурдадай оқ, лекин соқоли қоп-қора мирғазаб қўлини кўксига қовуштирганча икки букилиб турарди.

— Йўқол! — деб қаттиқ товуш билан жеркидилар Соҳибқирон титраб. Шарпасиз кириб келган жаллод худди шундай — шарпасиз ғойиб бўлди.

Соҳибқирон беадад изтиробда тўлғанар эдилар. Хонадан-хонага шаҳд билан юриб дару даричаларни ланг очтирдилар, гўё ҳаво етишмас, дунё тор эди. Бундай пайтда жонларига ора кирадиган, таскин сўзини, ё ҳақиқат сўзини топиб айтадиган, гоҳ беозор, гоҳ дилозор маҳрамлари қани?! Бормиди у, ёки тушларига индими?

Йўқ, у ҳали, мумкинки, кириб келади. Ижозатсиз, айни маврудида кириб келади... Худо хоҳласа!

...Аммо Айри Қўбуз қайтиб келмади.

Унинг ўрнига шундай хабар етдиким, шоири девона тун ухламай, шу тонг олдидан рихлат топибдур... Худо раҳмат қилғай.

Қандоқ?

Шундоқ. Тинч ва беозор. Ўз ҳужрасида чўзилиб ётиб, гап-сўзсиз жон таслим қилибдир, тонгда кирсалар, оқ соқоли энгагида тарашадай тиккайиб турганмиш. Такя баковулининг айтишича, марҳум туни билан ухламай, ювиниб-покланиб, сари-пой оқ кийибди. Ва айтибди эмишким,- «Иншоллоҳ, текинга қолган бу жон ҳам асқотди: ул буюк зотни бир гуноҳдин асраб қолишга яради», деб...

Бу хабар Соҳибқироннинг ичларини лахча чўғдай ўртаб ўтди, оғир яралардан сиқтамаган, ёлғизликда ноиложи ингграб юбордилар. Совуқ эди, баданлари совуқ, арк совуқ, олам совуқ...

Ҳутнинг аввалида Чин-Мочиндан ялавоч чопар келиб, яна бир совуқ хабар етказди. Қошғарга қалмиқ қайтағалари оралаб, мусулмонларни қақшатиб талон қилаётган эмиш. Жаттанинг бу элати ёвқур бўлади, нима қилмоқ керак?

Бундай савол туғилганда Соҳибқирон ҳамиша толиси ҳарб чорлаб, мусолаҳат қилар эдилар. Бу гал аркони ашрафу умаро Шаҳрисабзда машварат қурди: юриш керакми-йўқми?

Соҳибқирон турли фикрларни, гоҳ жўшқин, гоҳ сўлғин нутқларни узоқ тингладилар-у, аммо зоҳиран нечукдир лоқайд қолдилар. Кейин, Конигил тепалигида чодир қуриб, Хитой элчисини қабул қилганларида, унинг чинний совғаларини олиб роъияга улашганларида ҳам, зиёфат бериб амирзодаларга малуқона хилъат ёпганларида ҳам юриш хусусида маълум қарори қатъиятлари билинмади. Ниманидир йўқотгандай, бўшанг, ҳамон лоқайд ва паришон эдилар. У зотнинг беқарор иккиланишлари, амиру сипоҳлар кўнглини ҳам иккига бўлди. Иноқ баҳодир Чин-Мочинга юришнинг қизғин тарафдори эдиким, унинг атрофида бир сипоҳий гуруҳ жолис қилар, «Ёвнинг яғмосини кутмасдан, сафларини бузиб ғорат қилурмиз!», деб эди Иноқ баҳодир. Қошғардан келган чопар кўп сергап экан, зиёфатда кайфи ошиб, лоф урдиким, тушкун кайфиятдаги сипоҳларнинг қулоғи унинг оғзида эди:

— ...Уч фил устида темир дарахтидин бир ҳужра, — дер эди чопар ҳовлиқиб, — андин сиёсат била овоз чиқадирким: «Эй турк, бу филлар ҳар бири неча шаҳру кентни вайрон қилғон беш юз ёшар жангарилардур, ким муқобил бўлса рахтини елкага олур, тахти-бахтини барбод урур,» деб.

Қароргоҳда ғовур тинмади, олампаноҳ эса сукутда эдилар...

Ахийри, Соҳибқирон лашкару аркони давлат билан Ўтрор мавзеига кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чишга амр-фармон бердилар. Ул мавзеда юриш олдидан лашкарларнинг уч ойлик кўриги бўлиши лозим эди. Аммо бу сафарга бари бир Соҳибқироннинг оёқлари тортмас, шаштлари паст, тунлари дилларида зафар умидини порлатгувчи Айри Қўбуз абёти ҳам янграмас эди! У зот бундай сўнук паллаларда лашкар тортиб ўрганмаганлар.

Сарём шаҳри яқинидан Арас суйи оқиб ўтар эди. Бу ернинг осмони сокин, қишнинг аёз тунлари узун ва беҳаловат. Бедор кечаларда Соҳибқироннинг қулоқларига қўбуз оҳанглари келиб урилар, сайр соатлари гўё Айрининг арвоҳи таъқиб этар эди: «Гуноҳимиздан кеч, эй шоири девона, зафаримизни каромат қилғил...»

Шундай беҳаловат аёз тунларнинг бирида Соҳибқирон ўрда равоқидан ҳорғин юриб чиқиб, соҳилдаги сой тошига келиб ўлтирдилар.

Тўқсон эди. Узоқ ва маъюс ўй сурдилар, хотиралар оғушида қолдилар. Бу вақт улуғ зотнинг ўғиллари Шоҳруҳ Ҳиротда ҳоким, Мироншоҳ тўра Бағдодда султон, набиралари Султон Муҳаммад Қандаҳорда валиаҳд — барини ёдладилар. Машриқдан Мағрибгача ҳукмлари юрар, етти юз мўътабар бекзодалар хизматларида қойим, барини ёд этдилар. Хирқапўш нағмакашнинг сўзларини хотирладилар: «Жаҳонгирларга бўйин эгмадим, инсонга қуллиқ қиладурмен...» Йўқ, Айри, афсус, жаҳонгирдан ҳайиқар эдинг. Шунинг учун ниманидур айтмадинг, ниманидир яшириб олиб кетдинг. Нега?..

Узоқ ва маъюс ўй сурдилар Соҳибқирон. Шунда тонгги соҳилнинг бир боди бади мухолиф келиб, туслари тағайюр тепиб... фалакнинг юзи қоралди...

1963

Ғафур Ғулом Собит Муқонов ва унинг рафиқаси Марямхоним ҳамда Абдулла Тўқайнинг 80 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этган бошқа меҳмонлар билан шоирнинг қишлоғида.
(1966 йил, июнь ойининг охирлари.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зокир Худойшукур

СЕВГИ ТУФРОҒИНИ СУЙГАЛИ КЕЛДИМ

* * *

Оташда кўз очдим,
Улғайдим, ундим...
«Севаман!» — титранди қўлим,
Ишонма...
Ҳижроннинг шаробини ичолмадим,
Кўндим,
Тушларимда кучдим, гулим,
Ишонма...

Титраб сўлаяпман баҳор фаслида,
Излаб бораяпман тилсиз,
Ишонма...
Минг йиллар севгандим сени аслида,
Минг йил ҳам қайтгандим йўлсиз,
Ишонма...

Бу гал остонангга етолдим, етдим,
Васлингга етмаган ўтман,
Ишонма...
Пешонамга сенинг остонанг битдим,
Ҳайдама,
Содиқман,
Итман,
Ишонма...

Фироқ ўчоғида ёндим, ўчолдим,
Ғунчайдим,
Қўлингда сўлдим,
Ишонма...
Шукурки, остонанг бир бор кучолдим,
Сени деб яшадим, ўлдим,
Ишонма...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Севги туфроғини суйгали келдим...
Суйдим,
Кўзларимда гуллади осмон,
Суйдим,
Нур уланди тийра кўнглима.
Суйдим.
Висолига етайин омон,
Пешвоз чиққаймикан ёрим йўлима?!

...Кўзимда гулларнинг ўзгарди туси,
Ёрнинг ошёнида бўлдим бекадр.
Кетайми, кетмайми,
Бекор бариси,
Ортимда қоврилиб ётар бир адир!

Севги саҳросида куйгали келдим...

Саҳро ўчоғида ўртандим,
Ёндим,
Ташналик лабидан сўрадим висол.
Манқуртдай севгимдан кечолдим,
Тондим,
Жонимми, қонимми,
Керак бўлса ол!

Гадоман,
Гадодек кетавераман,
Ўзимга бўйсунмам,
Бебошман,
Бебош.
Йўлингда ҳар куни кутавераман,
Токи мозорингга қўйгунимча тош.

Севги ёдига тош қўйгали келдим...
Хотир қўли ила бир сурат ўйдим,
«Дошқозон ичра бир юрак қайнайди».
Кўзёшим қурбонлик,
Севгидан тўйдим,
Бу сурат қўймайди,
Нега қийнайди?!

Киприкдан ёшларим тушар талашиб,
Севгимас,
Ҳижроннинг қўлин тутганман.
Шу тошим қолади,
Минг йиллар ошиб:
«Сени деб ёнганман,
Куйиб кетганман!»

* * *

Оёғим сочингга боғланиб қолди,
Ҳижроннинг чўлида гулим сочилган.
Само ошиғига айланиб қолдим,
Қўйвор, қучоқларим кўкка очилган.

Қўйвор, осмонларим бўлмасин ғариб,
Мен суймадим, сени сўрмадим.
Бир кун бўшатарсан сочларинг қариб,
Шунда ёлғон айтгум: «Сени кўрмадим!»

Қўйвор, ёлвораман, эй дарди сара,
Иккита дунём ҳам бўлмасин ҳижрон.
Қолиб кетмайин-да аросат аро,
Осмон билан ернинг ўртаси армон!

* * *

Кетди...
Бир остона қолди қўл чўзиб,
Вассалар бошини тупроққа урар.
Шамоллар кулади бағрини эзиб:
«Қара ўзга билан даврона сурар!»

Эшиклар ғижирлаб аламдан сўзлар:
«Улар вафо билмас, қилмайди вафо!»
Гадо қўлин чўзиб неларга бўзлар,
У менинг олдимда бўлолмас гадо.

Ахир, бор эгнида жулдур жандаси,
Елкада тўрваси, ярим нони бор.
Менинг-чи устимда довул хандаси,
Бағримни нуратган ёмғир қони бор.

Кетди...
Нима бўпти кетса, бўзлама,
Ахир, азал сенга ғамлар парвона.
Босган изларини ўпиб сизлама,
Сеники эмас у, энди бегона,

Бегона у...
Менга келгач бирпасда,
Тескари айланди бу чархи даввор.
Емрилиб боради андуҳдан аста,
Соҳибаси ташлаб кетган чол девор.

* * *

Мунглиғ дуторимни кимлар тутгуси,
Сотарман, дуторим кимларим олар.
Баҳорлар келади, баҳор ўтгуси,
Чалгин дуторимни, чалганинг қолар.

Ёғил эй фалакнинг малойиклари,
Бозорларим ичра куяр дуторим.
Хор этди заминнинг халойиқлари,
Вафо қилмаяпти умр ўтарим.

Сен вафо қил энди, жоним, фариштам,
Бир ўлим ҳаққига бергум олиб қол.
Ўйнаб юрар қилич дамида риштам,
Токи узилганча чалгин, чалиб қол!

www.ziyouz.com kutubxonasi



ДАВР ШИДДАТЛИ, БЕШАФҚАТ

Саид Аҳмад билан Тоир Юнус суҳбати

Қисқача маълумот:

Саид Аҳмад. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 1920 йил 10 июнда Тошкентда туғилган. Биринчи ҳикоялар тўплами 1940 йилда нашр қилинган. «Уфқ» трилогияси, «Жимжитлик» романининг муаллифи. «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари олтмишдан ортиқ театрда ўйналган. Хорижий мамлакатлар театрларида муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Юзлаб ҳажвий асарлар муаллифи. 1978 йилда «Уфқ» трилогияси учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган.

● Ҳажвияни ҳадик билан ёзардик...

● Менинг бутун фожиам уйланган кунимдан бошланган...

● Жазо лагерида гуноҳсиз одам кўп эди...

● Ўйин-кулгини, хурсандчиликни яхши кўраман...

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, сўраганнинг айби йўқ, суҳбат чоғида сизга домла деб мурожаат қилайми ё Саид Аҳмад ака дейми?

С. Аҳмад. Энди ҳеч кимни домла деб бўлмайди. Чунки бизнинг ўқиганларимиз, олган билимимиз узуқ-юлуқ гаплар экан. Биз ўқиган аниқ фанлардан ташқари ҳаммаси улуғ оғамизнинг соясида қолган тарих экан. Етмиш йил социалистик реализм деб қулоғимизга қуйишди. Унинг нима деган нарсалигини биронта тушунган одам бўлмади. Буюк Темур бобомизни, қаҳрамон Темур Маликни бир чеккага ташлаб қўйиб, Петр биринчини, Дзержинскийни буюк саркарда, буюк давлат арбоби деб ўқитишди. Қачон ва қайси олийгоҳда Форобийни, Фарғонийни, Берунийни, Хоразмийни, Улуғбекни ўқитишяпти. Бу буюк зотларни жаҳон билади, аммо биз билмаймиз. Мабодо билиб қолса кўзи очилиб, оқ қорани таниб қолади, деб бизни чалғитишганди.

Ўз тарихини билмаган, буюк зотларни танимаган кишини домла деб бўладими? Яхшиси ака, деб мурожаат қилаверинг.

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, сизни шу суҳбатга розилигингизни олиш учун ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг воситачи бўлиши шартмиди?

С. Аҳмад. Биринчидан, мен бирон одам воситачи бўлсин, деб сўрамаганман. Иккинчидан, Ўткир Ҳошим ўртага тушган бўлса, жуда яхши бўпти. У истеъдодли, ўз ўқувчисини топган ёзувчи. Мана шундай одам воситачи бўлганидан хурсандман.

Т. Юнус. Ўзингизга баҳо беришда жуда камтарлик қилиб юбордингиз. Сизни ўзбек халқи носир, драматург, киносценарийчи сифатида, кейин бутун бир бошли ҳажвиётимизга улкан ҳисса қўшган ёзувчи сифатида билади. Кунда бўлмасаям, кун ора ўзимиздаям, чет эллардаям келинларингиз қўзғолон қилиб туради.

Шундайку-я, лекин ҳаётингиз ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Бугун ана шу имкондан фойдаланса-да, қачон, қаерда, қандай оилада таваллуд топгансиз? Ана шулар ҳақида гапириб берсангиз.

С. Аҳмад. Мен яшаган оила, мен дунёга келган хонадон умуман адабиётга, маданиятга яқин оила эди. Масалан, бобом Дадахўжабой Тошкентда 2 та рус-тузем мактабини очганлар. Бу даргоҳда жуда пухта билим бериларди шекилли, кейинроқ 20—30-йилларда масъул лавозимларда ишлаган кишиларнинг ҳаммаси шу мактабни битиргандилар. Дадам Ҳусанхўжа ҳам шу мактабда таҳсил олганлар. Улар рус тилини ниҳоятда мукаммал билганлар. Ўрисча ёзган хатларида бирорта хато бўлмасди.

Бобом Дадахўжабой Чорсудан то Самарқанд дарбозагача тахминан 8 километр йўлга ўз ҳисобларидан тош тердирганлар. Чирчиқдан келтирилган тошни арава билан ташиб, бир қанча рус, арман усталари билан кўчага тердирганлар. Яна бир бобом, онамнинг отаси Ғуломхон қози Тахтапул даҳасининг қозиси эдилар. Раҳматли жуда саводхон эдилар. Бундан ташқари у кишининг матбааси бўлган. Тошбосма. Бу ерда Қуръон босилган. Менда 1334 ҳижрий (1914 мелодий) йилда босилган шу Қуръондан биттаси бор. Унга «Ғулом Расул Хўжа Халафий» деб Қози бувамнинг муҳрлари босилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобомнинг уйларига Муқимий, Фурқат, Эшон бобохон, Хислат, Таваллолар жуда кўп келишган. Токчаларга китоблар терилган катта хонани «Котибхона» дейишарди. Ўша даврнинг атоқли котиблари шу хонада тошбосма учун китоб кўчиришарди. Демак, она томонимдан ҳам адабиётга яқин бир муҳитда дунёни таниганман. Самарқанд дарвоза маҳалласидаги ҳовлимизнинг ташқарисида Элбек деган шоир турарди. Асли у кишининг исми Мирмашриқ Юнусов бўлиб, Бўстонлиқ тарафдан кўчиб келган, дейишарди. Шу киши баҳонасида бу уйга Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Ғулом Зафарий, Ойбек, Санжар Сиддиқ, Комил Алиев, рассом Искандар Икром, композитор Зиёдулла Мақсудийлар келиб туришарди. Биз болалар уларга чой ташиб хизмат қилардик. Ана ўша пайтларда қулоғимга адабиётга алоқадор гаплар кириб қолган бўлса ажаб эмас.

Т. Юнус. Нимадир юққан экан-да?

С. Аҳмад. Шундай бўлса керак, деб ўйлайман. Адабиётга қизиқишимга Ғафур Ғулом ҳикоялари сабаб бўлган, десам тўғри бўлар. Унинг кулги ҳикояларини ташналик билан ўқирдим. Кейинчалик ўзим ҳам машқ қила бошладим. Ундан кейин, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари мени ўзига тортиб қўйди. Орадан кўп ўтмай Абдулла Қаҳҳор таржимасида Чехов асарларини ўқий бошладим. Гоголь асарларини мутолаа қилдим. Унинг беқиёс, асло такрорланмас даҳо асарларидан кўп ҳузур қилдим. Мана шу ёзувчилар мени ҳажв остонасигача етаклаб келди. Уларга тақлид қилиб, ҳар хил машқлар қила бошладим. Йигирма ёшимда (1940 йилда) биринчи тўпламим босилиб чиқди. (Бу китоб тўғрисида Абдулла Қаҳҳорнинг айтган аччиқ гаплари ҳалигача қулоғимдан кетмайди.)

Тўпламни нашриётга 1939 йилда топширган эдим. Ўша йили жуда кўп талантли ёзувчилар қамалган, қамалмаганлари бадном қилинган эди. Дўконлардан, кутубхоналардан асарлари йиғиб олинган, яшириб ўқиганлар ҳам қамалган. Нашриётларнинг папкалари бўшаб қолган. Ўшанда нашриёт тирикчилик учун менга ўхшаган ҳали кўзини очмаган ғўр ёзувчиларнинг асарларини чиқаришга мажбур бўлган эди.

Уруш арафасида ҳам ёзувчилардан катта бир гуруҳини қамашди. Адабиётимиз ғариблашиб қолди. Уруш йиллари ёзувчиларнинг аҳволи яна оғирлашди. Нашриётлар камдан-кам китоб чиқарар, чиқаришга имконияти ҳам йўқ эди. Ана шундай пайтда Ўзбекистон радиоси ижодкорларни ўз бағрига олди. Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Шуҳрат каби ўша пайтда энди данаги қотган ижодкорлар радиода деярли ҳар куни шеър, ҳикоя ва очерклар ўқирдик. Радио бизни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб турганини ҳалигача миннатдорлик билан эслаймиз.

Т. Юнус. Кечирасиз, суҳбатингизни бўламан. Боя 40-йилда ҳажвий ҳикоялар тўпламим чиқдим, дедингиз. Қандай қилиб, шундай қалтис даврда ҳажвияларингиз эълон қилинди? Масалан, биласиз, Аркадий Аверченко, Остап Вишня, Михаил Зошченколар худди шу даврда ҳажвиялари учун балога қолгандилар. Сиз қўрқмай ёзавердингизми?

С. Аҳмад. Йўқ, матбуотда ишлаган одам жуда эҳтиёткор бўлиб қолади. Ҳар кунги газетани жиддий кўришади. Ҳукуматнинг кўзидан нима ўтадию нима ўтмайди, жуда яхши билардик. Шунинг учун бировга тегиб кетмайдими, деган ҳадик билан ёзардик. Агар эсласангиз, Тошкент телевидениясида миниатюраларни асосан мен ёзардим. Шундай аҳволга солишдики... масалан, миниатюра қаҳрамони Аҳмедов... Дарров раис уришади: Э, министрнинг отини қўйибди. Жабборов деб қўйсак, у обком секретари бўлиб чиқади. Шунинг учун порахўр ҳам, пиёниста ҳам Эргаш, Ҳасан ё Садир бўлади! Кўрдингизми, шунчалик адабиётни, санъатни бўғиб қўйишганди. Ҳатто фамилияни ҳам айтолмасдик. Мана, сиз агар 70-йилларда ёзилган миниатюраларни ўқисангиз, бирорта одамнинг фамилияси йўқ. Ҳаммаси Эргаш, ҳаммаси Садир, ҳаммаси Ҳасан.

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, бир суҳбатингизда менинг фожиаларим уйланган кунимдан бошланган, дедингиз. Лекин барибир, назаримда, ҳали ўқувчилар билмайдиган кўргиликлар кўнглингиз тубида бордир. Чамаси ўн йил муқаддам шуларни сезиб, кўрган-кечирганларингизни гапириб беришингизни сўраганимизда, қўй, болам, вақтимас, дегандингиз...

С. Аҳмад. Энди... ҳақиқатан ҳам бутун фожиаларим уйланган кунимдан бошланган. Биринчиси, бизнинг тўйимиз куни Саидахоннинг 17 яшар укаси Андижонда вафот этган. Тўйга келган онаси кечаси поездга чиқиб, эрталаб марҳумнинг кўмиш маросимига етиб борган. Буни Саидахонга сездирмаганмиз. Ўша куни Сабохон аянинг бир боласига никоҳ, бир боласига жаноза ўқилди. Бундан ортиқ фожиа бўлиши мумкинми? Иккинчиси, тўйимиз ўтгач, 5 ойдан кейин мени «халқ душмани» деб қамоққа олишди. Саидахон 5 ойлик келин қолди. Энди бу ёқдаги фожиаларни эшитсангиз. Мен-ку, Московнинг қарори билан судсиз лагерларда юрибман. Лекин Саидахоннинг бу ерда кўрган азоблари-чи? Университетни битирган. Андижон пединститутини битирган. Иккита дипломли одам иш тополмайди. Қаерга борса, иш йўқ. Ёзувчилар уюшмасида уни муҳокама қилиб, эрингдан кечсанг, асларинг босилади, Союз аъзолигида қоласан, кечмасанг ҳаммасидан маҳрум бўласан, дейишади. У айтадики, йўқ, мен ҳамма айтганларингни қилишим мумкин, лекин эримни кўрсатинглар. У мен шунақа одам эдим, сени алдаб уйлангандим, душман эдим, деб айтса, ундан кечаман, дейди. Албатта, улар бу ишни қилишолмасди. Ана шундан кейин унинг китоблари босилмади, ишгаям олишмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Охири Марказқўмнинг аёллар билан ишлаш бўлимининг мудираси Муҳиддинова деган аёл олдига иккита дипломини, партбилетини ташлайди. Партия аёлларни паранжидан чиқариб жамоат ишларига жалб қилаётган пайтда икки дипломли коммунист шоирани сен паранжига киришга мажбур қиляпсан, ол дипломларингни, ол партбилетингни, мен паранжи ёпингани кетдим, деб Марказқўмдан чиқиб кетади.

Саидахон жуда жасур аёл эди. У ҳақиқат олдида ўлимдан ҳам қўрқмасди. Уни ҳам қамаб қўйишлари ҳеч гап эмасди... Шундан кейин, у ҳамма нарсадан кўнгли совиб, тақинчоқларини сотиб, бир эски машинка сотиб олади. Нашриётдаги таниш машинистка-лар ўзлари ёзишни мўлжаллаган қўлёзмаларни Саидахонга ёздириб, пулини унга бериб туришади. Энди, мана буни қаранг... Уйда ўтиргандик, бир шоир дўстимиз (номини айтмай қўя қолай) телефон қилди. Саидахон, эртага 6 март куни «Санъат саройи»да сизга бағишлаган шеъримни ўқийман, келинг, деди. Бормайман, десаям қўймади. Борди. Кейин уйга кулиб кириб келди. Сабабини сўрасам, одамларни қаранг, дейди. Ўша шоирга сўз беришибди. Шоир бошқа бир шоирага кўзи тушибдию «ушбу шеъримни сизга бағишлайман, опа» дебди. Саидахон ҳайрон бўлиб ўтираверибди! Келаси йили 6 март куни Марказқўмдан телефон қилиб байрамга бағишланган кечада сиз шеър ўқийсиз, дейишди. Саидахон рад қилди, мен дежурний шоира эмасман, деди. У шунақа қайсар эди. Саидахоннинг достонини ленинградлик шоира — Майя Борисова таржима қилди. У қўлёзмани юборди. Саидахонга таржима ёқмади, брак қилди. Менинг асарим рус тилида чиқмаса, чиқмасин, деб қайтариб юборди. Умуман, унинг шеърларини таржима қилиш қийин эди. Ундаги ўхшатишларни, ундаги нозикликни таржимонлар беролмасди. Масалан, Миртемир аканинг, Ғафур Ғуломнинг шеърларини таржима қилиб бўлмайди. Бошқа шоирларимиз шу, рус тилида чиқишини мўлжаллаб ёзишади. Бу — шеърга хиёнат. Ҳақиқий шеърни таржима қилиб бўлмайди.

Хуллас, у бўлди-бу бўлди, Саидахоннинг асарлари босила бошланди. Лекин бари-бир, тез-тез йўлга тўсиқлар тушиб қоларди. Ҳатто Марказқўмга мурожаат қилган пайтларимиз ҳам бўлди. Икковимизнинг китобларимиз баравар тўхтатилди. Радио, телевидение ҳам бермай, тирикчилигимиз оғир аҳволга тушиб қолди. Шунда биринчи котибнинг олдига кириб гаплашганимизда, у кишиям тузуккина рўйхуш бермади. Чунки бизни Марказқўмга Абдулла Қаҳҳорнинг думи, шогирди деб етказишган...

Саидахон дунёга келиб, роҳат кўрмай кетди. Биттагина фарзандимизнинг мактабни, университетни битирганини кўрмади. Мана, неваралари бор, уларни ҳам кўрмади. Ўзи бир пайтда, мен дунёга азоб чекиш учун келганман, деб айтган эди. Шундоқ бўлди.

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, Саида опанинг чеккан азоблари Тошкентда бўлган эди. Уёкда сизнинг жафоларингиз бор. Туғилган юртдан олисда, аллақаёқларда, бегона одамлар орасида, бутунлай бошқа бир шароитда... Буларни эслаш оғир, лекин ёдингизга солишга мажбурман.

С. Аҳмад. Жазо лагерида мутлақо гуноҳсиз одамлар кўп эди. Очиқда юрган одам хўрланса, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Атрофида ғамсиз, ташвишсиз одамлар. Бахтли одамлар орасида бахтсиз бўлиб яшаш, албатта, оғир! Лекин мен муддат ўтаётган жойда ҳамма мен қатори эртанги куни йўқ, тақдири белгисиз одамлар. Мен ҳам шуларнинг биттасиман-да, деб ўзингни юпатасан. У ердаги муомалалар, таҳқирлашлар, оғир меҳнат маҳбусларни соядек қилиб қўйганди.

Қашқадарёлик бир йигитнинг озодликка чиқишига ўн саккиз кун қолганди. У тиканли сим орасида очилган лолани узаман деб қўл чўзганда минорадаги солдат отиб ташлаганди. Қаранг, тўққиз йилу ўн бир ярим ой тутқунликда яшаб энди эркинликка чиқаман деб турганда уни ўлдиришди.

Буларни эслаш жуда оғир. Лагерда қазо қилганларнинг жасадини аравада олиб чиқиб келаётганларида қорнига икки-уч милтиқ штигини санчиб кўрадилар. Шуларни эсласам, этларим жимирлаб кетади.

Т. Юнус. Дунёдаги энг инсонпарвар давлатда бўлаётган ишлар...

С. Аҳмад. Шуниси алам қилади-да. Адолатли давлат бўлсанг, судинг қани, прокуроринг қани, гувоҳларинг қани? Йўқ... Ғойибдан келгандек Москванинг бир варақ қоғози билан сарсон-саргардон бўлиб юраверасан. Одам боласини шунчалик хўрлаш қайси мамлакатда бор?

Т. Юнус. Ўн йилнинг бошидан охиригача ўтирдингизми?

С. Аҳмад. 1950 йилда қамалган эдим. 53-йилда ўлмай тўнғиз қўпгир Сталин ўлди. 54-йилда Берия отилди. Комиссия ишимни қайта кўриб, ўша ернинг ўзидан озод қилди. Беш йил ўтирдим. Хрушчёв бўлмаганида бу кунлар қаёқда эди.

Т. Юнус. У ўз даврининг реформатори бўлган-да.

С. Аҳмад. Шундай бўлган. Хрушчёвнинг бошқа ишларини билмайман, мен политбюро мажлисларида бўлмаганман. Нималар деганини билмайман. Фақат бир нарсани биламан, у жасур одам бўлган. Совет ҳокимияти барпо бўлгандан буён биринчи марта ЧК, ГПУ, КГБ эшикларини очган одам шу Хрушчёв эди. Мен шу буюк одамга таъзим қиламан.

Биласизми, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзига яраша йилт этган нурли жойлари бўлади. Масалан, бизни тутқунликда сақлашаётган Қарағанда вилоятининг Жезқозғон

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳридаги лагерда энди балоғат ёшига етган гўдаклар ҳам бор эди. Улар ҳали нораста пайтида немислар оккупациясида қолган, бир дона шоколад учун немис варақаларини деворларга ёпиштирган. Номардликни қаранг, шу болаларнинг балоғатга етишини кутиб ўтиришган, 16 ёшга етганда «халқ душмани» деб қамашган. Шу болалар қамоқхонада дунёни таниди. Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча» деган шеърини ўқиганмисиз? Сассиқ ҳовузга ташланган тилла балиқча ачиган хазонлар ичида яшайди ва дунё ана шундоқ сассиқ ҳовуз деб тушунади. Ўша қамалган гўдаклар ҳам дунё атрофи тиканли сим билан ўралган лагер бўлса керак, деб ўйлашарди. Барибир инсон инсон-да, уларда қандайдир гўзалликка интилиш, ишқий туйғуларга берилиш кайфияти намоён бўла бошлаган пайт.

Бир нарсани айтиб қўяй. Менда рассомлик ҳунаридан ҳам жиндек бор эди. Шу ҳунаримни сезиб, менга маҳбусларнинг кийимларига рақам ёзадиган рассомлик вазифаси юклатилган эди. Немис конслагерларида асирларнинг бўйнига рақам ёзилган тахтача осиб қўйишаркан. Бизда эса маҳбусларнинг кийимларига — кўкрагига, курагига, тиззасига, бош кийимига ўчмайдиган Кузбаслак деган бўёқ билан ёзиларди. Ювилаверганидан кейин, рақамларнинг ранги ҳам ўчиб кетарди. Эрталаб ишга жўнатилаётганда соқчилар маҳбусларнинг рақамларини текшириб кўришар, ранги ўчганларини қайтадан ёзиш учун менга юборишарди. Кузбаслак қиш совуғида мумдек қотиб қолар, уни тошкўмир чўғида эритиш керак бўларди. Чўғ солинган консерва банкасини олдимга қўйиб чўп билан рақам ёзардим. Гўдак маҳбуслар мендан рақамларни чиройли қилиб ёзишни илтимос қилишарди. Қаранг, бўйнига осилган тавқи лаънатнинг «чиройли» бўлишини исташяпти.

Бир мисол айтай. Сиз бизнинг маҳалламизни биласиз. Кичкинагина бир тор кўчадаги ҳамма эркак «халқ душмани» деб қамалган. Худо кўрсатмасин, агар эллигинчи йилларда уруш бўлиб қолганда ҳеч ким урушга бормасди. Отаси отилган, акаси қамалган, тоғаси бадарға қилинган йигитлар кимга қарши курашади? Кимни кимдан ҳимоя қилади?

Т. Юнус. Сиз шунча жабрларни, шунча азобларни тортиб, даҳшатли воқеаларни ўз кўзингиз билан кўриб ҳам маънавий, ҳам жисмоний эзилиб қайтдингиз. Бир нарсага ҳайронман, жонингиз каттиқ, иродангиз мустаҳкам экан, ҳаммасини унутиб, бадиий ижодга жиддий киришдингиз. 50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошида жуда кўп ҳикоялар ёздингиз. Танқидчилар ҳалигача ўша ҳикояларни мамнуният билан эслайдилар.

С. Аҳмад. Ижодкор гинахон бўлмаслиги керак. Бир марта тортган азобингга умрбод аза тутмаслик керак. Бадиий асар ҳукумат учун ёзилмайди. Халқ учун ёзилади. Халққа зарда қилиб бўладими? Қамоқда юрган пайтларимда очиқда қолган дўстларим катта ижодий йўлни босиб қўйишди. Мен эса бу жараёндан узилиб қолганман. Энди уларга етиб олишим керак. Биласизми, дуторчи машқ чалмаган пайтларда ҳам хаёлан йўқ пардаларни босиб, ўнг қўлининг бармоқларини силкитиб юради. Лекин мен юрган жойларда хаёлан бўлса ҳам машқ қилишнинг сира иложи йўқ эди. Бир кун қайтарман, ижод билан яна шуғулланарман, деб ўйламасдим. Негаки, ўттизинчи йилларда «халқ душмани» бўлиб қамалиб кетганларнинг биронтаси қайтиб келганини кўрмаганман. Ана шунинг учун ҳам озодликка чиқишдан бутунлай умидимни узиб қўйгандим. У ерда Совет ҳукумати тузилган биринчи йилларда қамалган, ҳалигача соядек судралиб юрган маҳбуслар бор эди.

Т. Юнус. Шунча азоб-уқубатлардан кейин ҳажвчилик кўнглингизга сиққанини...

С. Аҳмад. Ҳажвчилик қонимда бор экан. Ўша лагерларда юрган кезлардаям баъзан қизиқ-қизиқ гаплар хаёлимга келарди. Лекин ёзиш имконияти йўқ эди. Қайтиб келганимдан кейин бахтимга телевидениеда миниатюралар театри ташкил қилинди. Мен ўзимни шунга бағишладим ва назаримда, муваффақиятли ишлар қилдим. Кейин «Муштум» журнали, газеталар...

Ҳажв деганда албатта «Келинлар қўзғолони» билан «Куёв» тўғрисида сўрайсиз. Шунинг учун ўзим айтиб қўяқолай.

Мен қайнона-келинлар ҳақида кўп ҳикоялар, ҳажвиялар ёзганман. Бу можарони ёзиб тугатиб бўлмас экан. Охири бир нуқта қўяйки, шу мавзуга қайта қўл урмай, деб, «Келинлар қўзғолони»ни ёздим.

Т. Юнус. «Келинлар қўзғолони» кичик бир ҳажвия эди.

С. Аҳмад. Ҳа, кичик бир ҳажвия эди. Радиога бир нусхасини берганимда улар инсценировка қилиб эшиттиришипти. Асли пьеса ёзилишининг тарихи бундай бўлган.

Ҳамза театрининг директори марҳум Олим Хўжаев бир куни Саидахон билан икковимизни театрга таклиф қилди. Ўша куни «Мен Чилига ишонаман» деган спектакль экан. Одамлар кетиб қолмасин, деб танаффусда эшикларни беркитиб қўйишди. Спектакль тамом бўлгандан кейин, мана аҳволни кўрдингларми, бир нарса ёзиб беришингиз керак, деди. Томошабинлар қочиб кетмасин, деб эшикларни қулфлаб ўтирибмиз, деди. Мен хўп, менда бир нарса бор, шуни Баҳодирга берай, ўқиб чиқсин, дедим. Кейин ҳикояни Баҳодирга бердим. Ҳикоя унга маъқул бўлди. Уйга бориб тонггача бир парда ёзиб олиб бордим. Уям маъқул бўлди. Иккинчи пардасини ёздим. Буям маъқул бўлди. Кейин учинчи пардасини ҳеч ёзолмадим. Уч ой қочиб юрдим. Баҳодир мени уч ой

www.ziyouz.com kutubxonasi

қидирди. Охири топиб, бир бало қилмасангиз бўлмайди, деб туриб олди. Ёздим... Шу... ёқиб-ёқмай қабул қилди. Репетициялар ўтди. Спектакль тайёр бўлди. Аммо учинчи пардаси ҳеч ўхшамайди-да! Бадиий кенгашга ҳам ёқмади. Ҳамма тарқагач, Баҳодирга: «Эртага эрталаб бир гап айтаман, репетицияни тайин қилгин, — дедим. — Иккинчи пардани яна қайтарсак, қандай бўларкин?!» «Қандай қилиб?» Мана қара, дедим. Бола ўз онасини судга беролмайди. Кўчага чиқиб онаси устидан арз қилолмайди. Онани уриб бўлмайди, сўкиб бўлмайди. Бадном қилиб бўлмайди. Бирдан-бир чора ўзини ўзига кўрсатиш... Баҳодир жуда зийрак-да, ниятимни дарров илғаб олди-да, иккинчи пардада роль ўйнаган эркакларга аёллар кийимини кийдирди. Репетиция бошланиши биланоқ театрнинг қоровулидан тортиб фаррошларигача залга кириб олишди. Қийқириқ бўлиб кетди. Ўша куни кечқурун комиссияга кўрсатдик. Афсуски, яна жанжал чиқди. «Юқори»дан келган ўртоқлар кўришди. Эски шаҳарда иккита цирк бўлиб қолибди, бу ғирт масхарабозлик-ку, — деб эътироз билдирди Фрунзе Жўраев.

Т. Юнус. Театршунос...

С. Аҳмад. Беш кунгача жанжал бўлди. Бешинчи куни раҳматли Зайнаб опа бошидан рўмолини олди-да, залга отиб юборди. Мен санъатни тушунмайдиган одамга комедия ўйнамайман, дедию гримини ҳам артмасдан уйига кетди-қолди. Эртасига улар келмади. Шунда Иззат Султон, сиз буларга қарши ҳеч гап қилманг, асарингизнинг ўзи ўзи учун курашади, деди. Охири Иззат ака айтгани бўлиб чиқди. Бу орада Москвадан Малий театрнинг режиссёри Ҳамза театрининг Москвага ижодий сафар қилиши масаласида келиб қолди. Унга бошқа спектаклларни кўрсатишди. Аммо ҳеч бирини маъқул кўрмади. Сўнг «Келинлар қўзғолони»ни намойиш қилишди. Ўрислар учун бу нарса ғалати-да! Москвага шу асарни олиб борасизлар, деб туриб олди. Ниҳоят, Москва томошабинлари ҳам спектаклни жуда яхши томоша қилишди. Спектакль асли икки марта қўйилиши керак эди, аммо политбюро аъзоси, СССР Маданият министри буйруғи билан яна бир марта намойиш қилинди.

Ўша кезларда Саидахон вафот этган, эндигина 20 сини ўтказиб, Москвага кетгандим. Руҳан жуда азобда қолган пайтларим эди. Спектаклнинг Москвада катта шовшувга сабаб бўлиши, муҳокамада яхши баҳо олиши кўнглимни кўтарди.

Орадан бирон ҳафта ўтиб, эрталаб Одил Ёқубов телефон қилиб, «Бугунги «Правда»ни олиб ўқинг», деди. Ҳақиқатан ҳам ўша куни «Правда»да профессор Рудницкийнинг «Талантлар ҳамоҳанглиги» сарлавҳали жуда катта мақоласи босилган экан. У «Келинлар қўзғолони»га юқори баҳо берган. Яна ҳар хил гаплар ғимирлаб қолди. «Спектаклни мақтаган, пьесани эмас» деб гап тарқатишди. Ўзлари муҳокамаларда ёмон пьесадан яхши спектакль яратиб бўлмайди, дейишарди-ку.

Бу орада пьеса Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг барча академик театрларида қўйилди. Ҳаммасини бориб кўрдим. Аста-секин чет элларда, Кавказ республикаларида қўйилди.

Т. Юнус. Сиз бу суҳбатга олдиндан тайёрланиб келгандек тўхтамай айтиб беряпсиз. Сиздан ўзбек адабиётида катта воқеа бўлган «Уфқ» трилогияси тўғрисида сўрамоқчиман. Роман ёзиш нияти қачон пайдо бўлган. Қандай ёзгансиз?

С. Аҳмад. Сабабсиз ҳеч нарса бўлмайди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг йўлламаси билан Ёзёвонга борганимда, асли Тошлоқлик бўлган Ориф Каримов деган колхозчи билан учрашганман. Шу одам тўғрисида «Одамнинг изи» деган очерк ёздим. У Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришга биринчи бўлиб келганлардан экан. Урушга борган, яраланиб қайтиб келгандан кейин чўлга чиқиб кетган. Шу одамнинг саргузаштлари, қиёфаси, тақдири анча вақтгача кўз олдимдан кетмади. Гўё у мени бирон китобга ёзсанг-чи, деяётгандек бўлаверди. Кейинги Ёзёвонга боришларимда чўл ҳаёти, у қачондан ўзлаштирила бошлаганларини суриштирдим. Шунда ҳам Ориф Каримов кўз олдимда тураверди. Охири уни роман қаҳрамонига айлантириш ва уни янги-янги сифатлар билан бойитишга қарор қилдим. Чўлга бир боришимда дўстим, марҳум ёзувчи Адҳам Ҳамдам қора от минган, ўзи ҳам қоп-қора кишини кўрсатиб, уни «Чўл бўриси» деб атайдилар, деди. Унинг ташқи кўринишини бўлғувчи қаҳрамоним қиёфасига қўшимча қилдим. Аста-секин воқеалар ҳам миямда етила бошлади. Менга кескин тўқнашувлар керак эди. Икромжон сиймосида жафокаш, замон зарбаларига учраган, аччиқ тақдирли киши намоён бўла бошлади. Кўрган, эшитган одамлар тақдирларидан Икромжон таржимаи ҳоли пайдо бўла бошлади. Хуллас, роман воқеаларини хаёл ипига битта-битта териб чиқдим. Ана шундан кейин ёзишга киришдим.

Мен, асосан, кечаси ёзаман. Биласизми, одам бирон нарсани тасаввур қилмоқчи бўлса кўзларини юмиб олади. Кечаси гўё табиатнинг ҳам кўзлари юмилган. Ҳаммаёқ жимжит. Фикр қилиш осон, ҳеч нарса халақит бермайди. «Уфқ» бошдан-оёқ кечаси ёзилган. Эрталабгача ишлаб, ётиш олдидан: «Саидахон, ёзганимни беркитиб қўйдим, қидирмай қўяқолинг, таҳрир қилиб, кейин сизга кўрсатаман» деган мазмунда хат ёзиб эшикка қистириб қўяман. Мен тургунимча, Саидахон ёзганларимни топиб ўқиб қўяркан. Хотин кишидан ҳеч нарсани беркитиб бўлмас экан, деб кулиб қўяман.

Ўқувчилар романнинг биринчи китобини нега энг охирида ёзгансиз, деб сўрашади. Катта Фарғона канали тўғрисида ёзиш жуда мушкул иш эди. Унда романбоп воқеалар бўлмаган. Порахўрсиз, ошиқ-мошиқсиз, қочди-қувдисиз, фожиасиз роман роман бўла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дими! Кетмон чопди, тупроқ ташиди, план бажарди, деган кўтаринки гаплар билан роман ёзиб бўлмайди. Роман инсон тақдирини, унинг бахтли онлари-ю, фожиаларини акс эттириши керак.

Кўп ўйладим. То Азизхон образини яратмагунимча нима қилишимни билмай гангиб юрдим. Мен тўлиб-тошиб қирғоқларни бузиб оқадиган асов Норин дарёси билан куч синашадиган, ғайрат, кучи танасига сиғмаган бўз бола Азизхонни кўз олдимга келтирдим. Ва уни Норин билан беллаштирмоқчи бўлдим. Ана шундан кейин роман воқеалари секин-секин ривожланиб кескинлаша бошлади.

Шу романни ёзиш учун Норин билан Қорадарё оралиғига бир бошпана қуриб, ўша ерда яшадим. Ўша сира унутиб бўлмас воқеаларнинг гувоҳлари, иштирокчилари даврасида ўтириб ёза бошладим. Мен ёзиб ўтирган жойимдан юз метрча нарида ўн икки дарвозалик тўғондан сув гувиллаб қуйилади. Ишлаб чарчаган пайтларимда канал бўйлаб бошим оққанча кетаман. Шовуллаган тераклар тагида сон-саноқсиз чумчуқларнинг чирқиллашига қулоқ тутаман. Мироблар канал қирғоғи яқинидаги полизлардан ҳандалакми, бодрингми узиб, белбоғларига тугиб олиб келишади. Қумғонда дамланган аччиқ кўк чойни ичиб гаплашиб ўтирамиз. Улар ўша ҳеч қачон қайтариб бўлмас воқеаларни гапириб беришади. Кўз олдимда минг-минглаб қурувчилар, чанг-тўзонлар пайдо бўлади, одамларнинг шовқин-суронлари эшитилиб тургандек бўлади.

Канал қурилганига ўттиз йил бўлган. У жаҳон ирригация иншоотлари қурилишида алоҳида ўрин тутади. Лекин бирон бадиий асарда бу оламшумул воқеа ўз аксини топмаганди. Мен архив ҳужжатларини титкиламадим. Атрофимда жонли «архив»лар бор эди. Бирон нима етишмай қолса, қурувчи қадрдонларим олдига бораман, фалон-фалон иш қандоқ бўлган, деб сўрайман.

Ўрисларда «С натуры» деган гап бор. Яъни буюмга ёки одамларга қараб туриб ишланган сурат, деган гап бу. Мен ҳам каналга, шу канални қурган одамларга қараб ўтириб ёздим.

Унга «Қирқ беш кун» деб ном қўйдим. Ниҳоят, ўн беш йилдан ортиқ қилган меҳнатимга нуқта қўйдим.

Т. Юнус. Трилогиядан кейин жуда кўп ҳажвий асарлар ёздингиз. Ўзбекистон телевидениясида «Телеминиатюралар» театрига асос солдингиз. Ҳатто қатор комик артистлар авлоди етишиб чиқишига сабаб бўлдингиз. Кейинчалик «Жимжитлик» романи устида ишлаяпман, деб узоқ вақт матбуотда кўринмай кетдингиз. Асарни жуда узоқ вақт ёздингиз. Нима, ёзиш қийин бўлдими?

С. Аҳмад. Биласизми, яшаб турган замонанг тўғрисида бадиий, айниқса йирик асар ёзиш жуда қийин. Сиёсатимиз ниҳоятда ўзгарувчан сиёсат эди. Бугун айтган гапи эртага тўғри келмасди. Бизга Шчедринлар, Гоголлар керак, деб камчиликларни аёвсиз фош қилишга чақирарди. Унинг гапларига амал қилган ёзувчилар йўқ бўлиб кетарди. Партия чорвадорлар, чўлқуварлар, илғор сут соғувчилар тўғрисида романлар ёзишга даъват қиларди. Мана шу даъватга лаббай деб жавоб берган ёзувчиларнинг романлари ўн йиллаб китоб дўконларида ҳар йили нархи туширилиб охири макулатурага топширилларди. Баъзи ёзувчи ўртоқларимизнинг ҳамма романи бекор бўлди. Қалбга қувонч сололмайдиган, юракларни ўртамайдиган, ҳароратсиз ёзилган романларнинг муаллифлари ҳозир лолу ҳайрон бўлиб, гаранг бир аҳволда ўтиришипти.

Умрим қишлоқда ўтди. Йилнинг тўққиз ойида қишлоқдаман. Ҳамма тоифадаги одамларни ўргандим. Масалан, чўнтагини пулга тўлдириш учун келган райкомларни... ҳаммасини кўрдим. Ёзиб бўлмасди. Райком котиби бу ерга битта «Волга»да юк олиб келганди, кетишида олтита юк машинасида кетди, дейишарди. Кўряпсизми, бу райком котибининг иши! Прокурори-чи? Судьясининг кетишини бир томоша қилинг! Қишлоқ таланди, раислар қутуриб кетди.

Мен бир раис билан гаплашганман. Унинг ойлиги 2 минг сўм экан. Пахта планини тўлдирса, яна олти ойлик маош қўшиб бераркан. Бу пулларни нимага сарф қиласиз, деган саволимга кийим-бошга сарф қилишини айтди. Раисга нима керак? Битта кирза этик, битта янги костюм, туфли. Униям қурултойларга борганда кияди. Рўзғорга ҳеч нарса кетмайди. Колхозда ҳар куни икки-уч жойда овқатга мол сўйилади. Албатта, раиснинг уйига гўшт келади. Колхоз шоли экади, фалон қоп шоли раиснинг уйига тушади. Ун ҳам шунақа. Мева-чева, картошка колхозда. Ҳатто нон ҳам ёпмаймиз, дейди. Эрталаб шофер иссиқ нон ташлаб кетади. Чорвамиз бор, тоғда. Колхознинг 2 мингта қўйи бўлса, мен унга элликта қўй қўшиб қўйганман. Колхозники битта туғса туғади, меники иккита туғиши шарт. Ҳар йили чўпон менга юзта қўйнинг пулини олиб келиб беради. Пулимиз тураверади, дейди.

Кўряпсизми, яна орденлар олишади. Қўшиб ёзиш ҳақида ҳозир бутунлай бошқа гаплар айтиляпти. Булар бўлган ишлар. Пахта пунктига битта пахта неча марталаб сотилган. Чунки заводда қабул қилинаётгандаёқ 3 фоизини нам дейди, 2 фоизини ифлосланганга чиқазади. Хуллас, 1 тоннани 800 кило деб қабул қилади. Пахта топшириш авжига чиққанда бир кунда заводда 70—80 тонналаб пахта «ортиқча» бўлиб қолади. Уни планни тўлдиролмаётган колхозга жуда арзон баҳога сотади ва унга қабул қилиб олинганлиги ҳақида ҳужжат бериб, пулини олади. Энди раис ошнамга пахтанинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

килосига 10 тийиндан тўлабсиз, колхозга зарар-ку, дедим. Икки минг тонна оламан, дейди у. Мен тўққиз тийиндан олганман, колхозга ўн тийиндан ўтказаман, бир тийиндан бир йилда 50 минг фойда кўраман... Шундай ишлар, кўзбўяшлар, пахтани бозорга солиш, давлатга икки марталаб сотиш, бундан заводдагиларнинг фойдаланиши, сирдан воқиф бўлган прокурорга бериш, халқ контролига бериш... Бунақа воқеалар кўп бўлган. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин «ўзбек иши» деганлари, албатта, ортиқча бўлди. Ҳар бир қилинган жиноятнинг ўзига яраша жазоси бўлади. Бир шапалоқ ейдиган айбдорнинг бошига болта билан урилмайди. Мана шу нарсаларни кузатиб юрган эдим. Бу жуда узоқ давом этди. Фактлар йиғилиб «Жимжитлик» романимнинг ичига кирди. Биламан, ҳали бу романга «ҳужумлар» бўлади. Ҳозир жим туришибди. Мен шуни кутяпман.

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, мана кейинги пайтларда сиз рўзномалар, ойномалар буюртмаси билан кўп ҳажвиялар яратяпсиз. Шунингдек, кўп адибларимиз ҳақида хотиралар ёзяпсиз. Саида опанинг кўрган-кечирганларини ҳам йирик бир асарда акс эттирсангиз бўлмайдими?

С. Аҳмад. Шундай ниятим бор. Даврнинг оғир кунларида ўзини йўқотмаган бир сўзли, ҳақиқатдан тоймаган аёл тўғрисида асар битишни мўлжаллаб юрибман. Бу 50-йилларда бизнинг оиламиз бошига тушган қора кунлар доирасида бўлади. Ёзишдан олдин жуда узоқ ўйлайман. Ёзишим тез бўлади. Лекин узоқ ўйлайман. Ўтирдимми, битказмасдан турмайман. Саидахон, албатта, бирор адабий асарга қаҳрамон бўлишга арзигулик аёл эди. Ўзининг хотинини кўз-кўз қиляпти, деб ўйлашмасмикин, дейман. Шу андиша ҳам баъзан қўлимни ушлаб қолади. Саидахоннинг қабр тошига «... Саид Аҳмад ва қизингиз Нодирадан» деб ёзгандим. Шуни ҳам гап қилишди.

Т. Юнус. Бунга сиз маданиятсизликнинг оддий бир белгиси деб қарашингиз керак.

С. Аҳмад. Энди қандай қиламиз? Шунақалар бор-да!

Т. Юнус. Саид Аҳмад ака, хабаримиз бор, сиз кейинги пайтларда «Бадбахтдала тутқунлари» деган янги роман устида иш бошлагансиз.

С. Аҳмад. Ҳозиргина шу роман ҳақида гаплашдик. Худди шу асар ўша 50-йилларда оиламиз бошига тушган бахтсизлик ҳақида. Романга «Бадбахтдала тутқунлари» деб сарлавҳа қўйдим.

Ўша Жезқозғоннинг далаларини «Петпақдала», дейди қозоқлар. Бу бизнинг Мирзачўлнинг этаги. У ерда ҳеч нарса битмайди. Агар баҳор пайтида борсангиз, ер кўм-кўк бўлади. Лекин у гиёҳмас. Миснинг занги. У ерда яшаган одам албатта сил бўлади. Чунки ўпкага миснинг чанги ўтиради ва чиритади.

Т. Юнус. Шу асарни 70—80-йилларда ёзишингиз мумкинмиди?

С. Аҳмад. Ёзиш мумкин эди-ю, бошқача бўларди. Давр, ўтказилаётган сиёсат асарга таъсир қилмай иложи йўқ эди. Лекин мен бундай қилолмасдим. Мана бугун кўп нарса аён бўлди. Нафақат КГБ, балки Политбюро ҳам бундай жиноятларга «ташаббус» кўрсатган экан. Қаранг, давр ўтиши билан биз билмаган нарсалар кўриниб қолди. Ана шу ҳақиқатлар юзага чиқмай, шошма-шошарлик билан романни тугатиб қўйсам, бўлмасди.

Т. Юнус. Навбатдаги саволим ўринли бўлармикан... Сиз ижтимоий ҳаётга жуда кам муносабат билдирасиз. Публицистика билан шуғулланмайсиз. Бу ўша 50-йиллар сиёсатининг асоратими ё ўзингизнинг аниқ бир хулосага келмаганингизнинг оқибатими?

С. Аҳмад. Йўқ! Мен бу жанрда ижод қилмайман. Публицист эмасман. Мен публицистикани унча хуш кўрмайман. Бир-икки мажлисда шу гапни айтиб балогаям қолганман. Публицистика оммабоп дегани. У мустақил жанр сифатида жуда зарур гапларни чиройли қилиб айтиши мумкин. Яна қайтариб айтаман, публицистика журналистиканинг оташин қуроли. Ҳар бир жанр ўз ишини қилиши керак. У адабий асарга аралашдими, асарнинг қон босимини тушириб юборади.

Адабиёт кўрсатади, публицистика тушунтиради.

Манави парчага эътибор беринг. «Тонг ёришиб келяпти, қушлар чуғури бошланди. Эрталабки аёзда карахт бўлган пашшалар офтоб тегиши билан жонлана бошладилар. Далага яхоб суви бериш учун чиққан деҳқон бобо кетмон сопига кўксини тираб, олис-олисларга қарайди. Оппоқ қор кўрпасини ёпинган дала қуёшнинг илк нурлари тегиб кўзни қамаштиради. Бобонинг оғзидан чиқаётган ҳовур худди папирос тутунидек секин-аста таралади...» Муаллиф буёғига гап тополмай қолади. Буёғини давом эттиришга таланти етишмайди. Энди унга публицистика керак. Бошланган бадиий очеркини мана бундай давом этдиради. «...Бу оппоқ далаларга у озмунча тер тўкдими? Етмиш баҳорни кўрган бу табаррук отахон ўз меҳнати билан социализм ғалабасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаолганидан чексиз ғурурланади. Кўкси Ватан ишқи билан тепган, Улуғ Октябрь инқилоби туфайли рўшнолик кўрган, қалби пок, коммунистик ғояларга дил-дилидан содиқ бу бахтиёр инсон шу оппоқ далаларда ўзининг оқ тақдирини кўраётгандек...»

Кўряпсизми, очеркнинг боши адабиёт эди. Ёзувчи воқеани давом эттиришга ожизлик қилиб қолди. Публицистикани ҳасса қилиб таяндию судралиб бўлса ҳам очеркни юмалоқ-ястиқ қилиб тугатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боя айтганимдек, адабиёт кўрсатади, публистика тушунтиради. Публицистика аралашган кўп роману қиссаларни кўрганмиз. Ўқувчини чалғитиш учун бирига «сиёсий роман», бирига «роман хроника», яна бирига «монолог роман» деб ном бердилар. Барибир бу асарлар ўқувчи кўнглига йўл тополмади. Чунки бу адабий лўттибозликдан бошқа гап эмасди. Ҳатто Леонид Леоновдек қанчалаб гўзал романлар муаллифи «Рус ўрмони» романида китобхон кўнглини ололмади. Бу романда қанчадан-қанча қимматли материаллар бўлишига қарамай, қанчадан-қанча тарихий ҳужжатлар бўлишига қарамай, рус ўрмонининг жаҳоншумул аҳамиятини исбот қилишига қарамай, яхши ўқилмади. Чунки бу асарда адабиёт билан публицистика қоришиб кетган эди. Ким билсин, балки бу роман рус ўқувчисини ҳаяжонга солгандир. Лекин бошқа халқ китобхонларининг кўнглини тополмади.

Албатта романдами, қиссадами публицистикани меъёрида ишлатса (агар шу зарур бўлса) фойдалидир. Бу ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ.

Т. Юнус. Кўп ёзувчиларнинг ижодларини кузатиб борасиз. Бугунги кун насрига қандай қарайсиз?

С. Аҳмад. Бу жуда узоқ жавоб талаб қиладиган савол. Лекин қисқа жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳозир ўзбек насрининг бориши ёмонмас. Жуда кўп талантли носирлар вояга етиб, ниҳоятда тиниқ, сербўёқ, ўқувчи кўнглига йўл топадиган асарлар яратишяпти. Мен ўз тенгдошларим тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Ҳаммамиз қаридик, иззатталаб бўлиб қолдик. Жиндек туртсангиз, жон-жонимиздан ўтиб кетади. Ҳали ҳам бўлса ёшлар тузук. Гапингни олади. Ҳозир Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Хайриддин Султонов, Неъмат Аминов, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод ва уларга тенгдош носирлар бугунги кун насрини белгилайдиган ижодкорлардир. Бугуннинг, эртанинг яхши ёзувчилари шулар. Уларда куч-ғайрат, билим, талант етарли. Ҳали улар гўзал асарлари билан бизни кўп қувонтиришларига ишонаман.

Биз адабиётга кириб келган пайтларда ибрат оладиган ёзувчиларимиз йўқ эди. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, «Меҳробдан чаён»и, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»и тақиқланган эди. Дунё адабиётидан ўрганай десак тилини билмасдик. Ҳозирги ёшлар ибрат олса, ўрганса бўладиган асарлар кўп. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги бир қанча тилни билишади. Инглиз, француз, форс, араб тилларидан бемалол таржима қиладиган бўлиб қолишган. Ҳозирги мен айтган ва номини айтмаган носирларимиз ижодда мўъжизалар кўрсатишига ишонаман. Носирларимиздан Неъмат Аминовга, Худойберди Тўхтабоевга, Ўткир Ҳошимовга, Ўлмас Умарбековга Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган фахрий унвон берилди. Бу улар ижодига берилган юксак баҳо. Унвон ҳам вақтида керак, қариб мункайиб қолганда берилган унвон ёзувчини ҳеч нарсага рағбатлантирмайди. Чунки у қиладиганини қилиб, ёзадиганини ёзиб бўлган. Ёшлар эса унвондан руҳланиб янада ишонч билан, халқ тан олганидан қувониб масъулият билан ижод қилади, деб ўйлайман.

Т. Юнус. Сиз жуда кўп атоқли кишилар билан учрашгансиз. Даврнинг чиғириқларидан ўтган одамсиз. Ёруғ кунларни ҳам, қора кунларни ҳам кўргансиз. Қилган меҳнатингиз муносиб тақдирланган. Бутун суҳбатимиз давомида, дурустгина иш қилолмадим, маъносида камтарлик қиляпсиз. Ваҳоланки, жумҳуриятимизда, ҳатто хорижда ҳам сизни танимаган ўзбек хонадони йўқ. Бу ёзувчи учун жуда катта мукофот. Айтинг-чи, ёшликда қилган ниятларингизга етдингизми?

С. Аҳмад. Ёшликда бир умр амалга ошмайдиган орзулар кўп бўлади. Отам, онам, ёр-биродарларим ўлмасин, деб ният қилардим. Албатта бу ушалмайдиган орзу. Табиат ўз ҳукмини юргизаверади. Бахтли бўлай, дердим. Бахт орқасидан бахтсизлик соядек эргашиб юришини билмасдим. Ниятларимнинг бирига етдим, бирига етолмадим. Аммо қариганда хор бўлмай, деб қилган ниятимга етдим. Қаерга борсам танишади, дастурхоннинг тўрига ўтқазишади. Баъзан ёшларнинг давраларига кирганимда малол келмадимикин, деб андиша қиламан. Бундай давраларда беобрў бўлишдан худо асрасин. Обрў билан, одамларнинг иззати-ҳурмати билан қариш жуда катта бахт.

Т. Юнус. Андижоннинг Бўз районидаги муаллимлар билим юртига Саида опанинг номлари берилган. Бўз Фарғона областининг Ёзёвон райони чегараси. Шу райондаги 14-мактабга сизнинг номингиз берилган. Тирик пайтида номи қўйилган одамлардан бирисиз. Шунга ўзингиз қандай қарайсиз?

С. Аҳмад. Бунда қандайдир рамзий маъно борга ўхшайди. Саидахон билан узоқ йиллар жудоликда яшадик. У дунёнинг жамолига тўймай оламдан ўтиб кетди. Саидахон номидаги билим юрти чегаранинг уёғида, менинг номимдаги мактаб чегаранинг буёғида. Энди бир умр учрашолмаслигимизга рамзий ишорага ўхшайди. Албатта, бу гапларим шоирона ҳисларга берилиш кайфиятининг маҳсули.

Т. Юнус. Ўзингизга эътирозларингиз борми?

С. Аҳмад. Дангасароқман. Бугунги ишни эртага қолдиришни яхши кўраман, жиндек масъулиятсизроқман. Бу менга қўндоқда теккан дард. Ўйин-кулгини, хурсандчиликни яхши кўраман. Ёш ёзувчилар давраларида кўп бўламан. Уларга ҳавасим келади. Ҳаммаси билимдон, серғайрат, талантли. Мен уларнинг шу ёшида бунақа эмасдим. Уларнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтириб, ёшлигимда кўп нарсаларни бой берганимни сезаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди иложи йўқ. Оқар сув оқиб кетди, қайтариб бўлмайди. Бугунги кунда атоқли ёзувчи бўлиб етишган кўп ёшларни қўллаб-қувватлаганман. Қўлёзмаларини ўқиб маслаҳатлар берганман. Қўлларидан етаклаб нашриётларга, редакцияларга олиб борганман. Оқ йўл тилаб, асарлари нашр қилинишига ёрдам берганман. Устозликка даъво қилмайман. Раҳнамолик қилганман, десам тўғри бўлар.

Т. Юнус. Бўш вақтларингизда нима қиласиз?

С. Аҳмад. Ёзувчининг бўш вақти, умуман, бўлмайди. Кўринишдан бекорчи туюлган ёзувчининг калласи соат механизмидек чиқиллаб ишлаб туради. Бошқа касб кишилари саккиз соат ишласалар, ёзувчи 24 соат муттасил ишлайди. Ётиб ухлаганда ҳам тушига қаҳрамонлари киради, улар билан гаплашади. Албатта унча-мунча бўш пайтлар ҳам бўлади. Шундай пайтларда мусиқа эшитаман, магнитафон қўйиб, Таваккал, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимахсумов ва Орифхон Ҳатамовларнинг қўшиқларини эшитаман. Бу менга ҳузур бағишлайди. Қўшиқни тинглаб туриб, ёзаётган асаримга қандайдир заряд олаётгандек бўламан. Қозоқларнинг «Сари орқа» куйини ҳаддан ташқари берилиб тинглайман. Худди қозоқ чўлларида юргандек, бўронлар товушини, отлар кишнашини, қўй-қўзиларнинг маърашларини эшитаётгандек бўламан.

Т. Юнус. Ўқувчиларингизга қандай тилакларингиз бор?

С. Аҳмад. Аввал бир нарсани айтай. Давр шундай шиддатли, шундай бешафқат, шундай жиддийки, умрнинг ўтаётганини билмай қоласан. Одамлар дам олишни унутиб қўйишяпти. Телевизорга қарасангиз, Тожикистон, Қорабоғ, Босния, Абхазия тўполонлари; қон, олов, мурдалар, зилзила, тошқин, довул... Буларни кўрган одам кечаси билан алаҳсираб чиқади. Эртасига гаранг, карахт аҳволда ишга боради. Бир ёқда бозор иқтисодиёти, бир ёқда қимматчилик. Одамлар тажанг.

Ана шундай пайтларда жиндеккина ҳажв уларнинг таранг асабларини ёзармикин, дейман. Уруш йилларида ҳам, Тошкент зилзиласи кунларида ҳам кўп ҳажвлар ёзганман. Ўша оғир кунларда пичагина кулдириб, бир дақиқагина бўлса ҳам ғамларини унутишга сабаб бўлганимдан хурсандман. Энди бугунги кунда ҳам ҳажв жуда-жуда зарур эканини сезяпман. Шундай кунларда уларнинг корига ярамаган ёзувчи ёзувчи эмас. Кисловодскка уч марта бориб ваннасида чўмилган одамнинг томири бир йилда уч марта кам уриб, юраги дам оларкан. Шу уч марта кам урган томир одамнинг умрига умр қўшаркан. Ҳозир Кисловодскка бориш имкони қийинлашиб қолди. Унинг ўрнига комедия кўриб, ҳажвий асарлар ўқиб, асабларга дам бериш мумкин эмасми? Ҳажв димиқиб қолган ўпкага тоза, соф ҳаво олиб киради.

Энди ўқувчиларга истакларим. Агар дунё тинч бўлса, юртимизда осойишталик бўлса, қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса, адабиёт кўнгилга сиғади. Биласизми, машҳур механизатор Турсуной Охунова Францияга борганда уни машҳур механизатор, оғир тракторларни маҳорат билан бошқаради, деб таништиришган. Бу гапдан француз аёллари ҳайрон бўлиб қолишган. Улар бола туғиб бошқа хотинга эмизадиган, биров билан қўлқоп кийиб кўришадиган аёллар. Умрида ҳарчанд ҳурмат-эътибор кўрмасин, барибир маълум маънода даврнинг, сиёсатнинг «қурбони» бўлган Турсуной уларга «машина» бўлиб туюлган. «Темир хотин» пьесасининг нима учун ёзилганини энди билгандирсиз.

Мен аёлларимиз аёллик ибосини йўқотмасликларини, ҳамиша гўзал, ҳамиша иффатли, назокатли, ҳамиша эркак зотини кўксига ўт ташлайдиган табиатнинг мўъжизаси бўлиб қолишларини истайман. Инсон қадриятлари тикланяпти. Ишни аёл қадриятини тиклашдан бошласак, дейман.

Т. Юнус. Биз ҳам кўп сонли китобхонларингиз номидан сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi



Муқимжон Қодиров

ДЎСТ ИЗЛАСАНГ, МЕН БОРМАН...

Муқимжон Қодировнинг падари бузруквори Ваҳобжон ака Қодиров менинг илк устозим эди. Тўртинчи синфда ўқиган пайтларимда, дастлабки шеърий машқларимни «пешлаб» деворий газетага чиқартирар, «камчиликлар»ни қандай қилиб бартараф этишимни маслаҳат берарди.

Йиллар ўтди. Раҳматли Ваҳобжон аканинг фарзанди Муқимжон ҳам ўқиб, ўрганиб, шеърнинг машқини олди. Илк шеърий китобларини чоп эттирди. У яхшигина муаллим бўлганлиги боис, болаликнинг ички оламини, нозик ҳиссиётларию эҳтиросларини чуқур тушунади. Кейинги йилларда яратган шеърларини ўқиб, ижод сўқмоғидан изчил бораётганини кўриб, миллий болалар адабиётида яна бир истеъдодли шоир пайдо бўлаётганига ишонгим келади.

Тўлан НИЗОМ

Ўрмонда футбол

Ажаб, дўстлар, ўрмонда
Қайдан бу шовқин-сурон?!
«Антиқа учрашувга!» —
Деб қичқирар Зағизғон.
Майдонга кириб келар
Икки команда шитоб.
Ўйинчилар шаънига
Ёғилар олқиш-хитоб.
Ҳакам рухсати билан
Учрашув ҳам бошланди.
Ғалаба илинжида
Ҳамма тўпга ташланди.
Ҳужумчи Қуён қаттиқ
Чинқириб, шовқин солди.
Тўпни қайтараман, деб
От уни босиб олди.
Белгиланар жарима,
Айиқ тепар «ўн бир»дан.
Дарвоза томон учган
Тўп ғойиб бўлар бирдан.
Тўхтатмоққа ўйинни
Фил чўзиб ҳуштак чалар.
Кенгуру халтасидан
Йўқолган тўпни олар.
Ўйин сира қовушмас,
Қоида кўп бузилди.
Қоплоннинг тепкисидан
Тулки ерга чўзилди.
Лапашанг, деб Маймунни
Уришади Жирафа.
Бир-бир тарқала бошлар
Ишқибозлар кўп хафа.
Учрашув сўнгигача
Бирор марта бўлмай гол,
Ғолиб аниқланмади,
Ҳисоб қолди нолу ноль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мавсумига қарамай

— Қуёш пуркаб турганда олов,
Қалпоқ кийиб олибсан Тилов.
Янглишмасам, қалпоқни асли
Кийиш керак фақат қиш фасли.

— Қимматбаҳо, мўйна қалпоқ бу,
Мунақасин кўрасан тушда.
Ҳозир киймай, қачон кияман,
Акам Нордан ортмаса қишда?!

Кўргулик

Балчиққа ағанашга
Мажбур бўлди Шер, Тимсоҳ.
Шўрлик жониворларга
Чўчқа бўлганда подшоҳ.
Ҳар каллада ҳар хаёл
Фил завқланар:
— Булбулжон,
Овозинг
Ширин бирам.
Бўри дер:
— Оҳ, эҳтимол,
Мазалидир
Гўштинг ҳам!..

Сабаби аён

Анвардан юргин узоқ,
Наби тажанг, уришқоқ.
Ашурали бетайин,
Вали қўрқоқ,
Нор хоин.
Мақтанчоқ Соли қуруқ,
Писмиқ Бекмирза сариқ.
Сўзимга ишон, шошма,
Улар билан дўстлашма.
Дўст изласанг, мен борман,
Қалби соф, беозорман.
Бўлмаса-да чатоғим,
Йўқ сирдошим — ўртоғим.

ИЗОҲ СИЗДАН...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Заки Валиди Туғон

ХОТИРАЛАР

Шерали ТУРДИЕВ таржимаси

ОИЛАМИЗНИНГ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ

Бухоро — хивалик муллалар. Оиламизга энг кўп келадиганлар асосан муллалар эди. Улардан энг аввало Старлетамақда яшовчи Нўғой ўғиллари Шарафутдин ва Камол, Ҳайрон овулидан Абдусалом ва унинг ўғли Бекбўлат мулла, Жумахўжа овулидан Султонғарай, Старлебошдан Неъматулло ва Зайнулло... Троицкдан Зайнулло эшон номли машҳур шайх эсга тушадилар. Бу кишиларнинг ҳаммаси арабча, форсчани яхши билган, диний билимлари комил, ўзлари нақшбандий тариқати таъсири остида тарбия топган, мадраса, китоб кўрган зотлар эдилар... Бухорода ўқиган Абдулла булар орасида диний илмда энг обрўли, ўзи арабча ва форсча шеърлар ёзган бир устоз эди. У Нақшбандининг Ҳиндистондаги «Мужаддиди ҳолиди» мазҳаби таъсири доирасида фикрлар эди...

Қозон мактабининг таъсири. Онам томонидан туғишган, ўтаклик мадрасадор Абдухалил Ўтағул ўғли (1859 йилда вафот этган) Хивадаги янги Урганч шаҳрида ўқиган. Бобом Ҳафиз Оталиқ ўғли (1900 йилда вафот этган) Бухоро ҳам Хивада таълим олганди. Икковлари ҳам форсчани жуда яхши мутолаа қилишган. Овулимизга аввалдан кириб келган форсий маданият онамнинг таъсирида менга ҳам юқа бошлади. Отам менга арабча, онам бўлса форсча ўргата бошладилар. Бобомнинг қўшниси Ҳабибназар оталиқ ўғли... ўн беш ёшга тўлганимда мени ўз мадрасасига ўқишга олди. Қозондан ўсиб чиққан Маржоний биз томонларда Шиҳоб ҳазрат номи билан машҳур эди...

Бироз онам тўғрисида. 1918 йил Оренбургда Советлар ва 1944 йилда Туркияда Исмат пошшо тарафидан қамоққа олинганимда ҳар доим онамдан ўрганган шеърларни ва Яссавий муножотини ўқир эдим. Ўша дамларда онамнинг таъсири қанчалик муҳим бўлганини тушуниб етганман. Унинг менга ўргатган форсча ва туркча шеърлари фақат ахлоқий назм бўлиб қолмай, улар орасида адабий ва эстетик шеърлар ҳам мавжуд эди. Кейинроқ Навоийнинг жамики асарларини бошдан охир ўқиб чиққач, онам менга ёдлатган «ғазаллар» шу шоирнинг асарларидан олинган айрим парчалар эканини англадим. Уларни онамга ким ўргатганини билмайман. Чунки «Девон»да учрайдиган парчаларга оид китоблар бизда йўқ эди. Менга ёшлигимда ўргатилган ахлоқ-одобга доир шеър ва ҳикоялар ҳам қандайдир хрестоматияда ёки антология шаклидаги бирор китобда тўпланган асарлар бўлса керак. Онам уларнинг кўпчилигини хотирасида сақлаган. Улар, аслида, Аттор, Румий, Навоий, Яссавий, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг сатрлари эди. 1957 йил бошларида, Покистондаги Лаҳор университетида форс адабиёти профессори бўлиб ишлаган дўстим Муҳаммад Боқирнинг уйида меҳмон бўлдим. У XIX асрда Ҳайдарободда аскар бошлиқларидан бири бўлиб хизмат қилган Бухоро ўзбегининг ўғли эди. Менга онам ўқитган китоблар ва ёдлатган шеърларни Муҳаммад Боқир ҳам билишини кўриб, бу асарлар XIX асрда туркий халқлар орасида қанчалик кенг тарқалганидан ҳайратда қолдим... Форсий тилни онамдан мукаммал ўрганганим яхши бўлганини кейинчалик сездим. Эрон давлатининг ҳукмдори Муҳаммад Ризо шоҳ билан икки марта учрашиб, суҳбатлашганимизда, у киши «форсчани қаердан ўргандингиз?» деб сўради. «Онамдан», деб жавоб бердим. «Онангиз эрон қизими?» деб ҳайрон бўлди

www.ziyouz.com kutubxonasi

у. Чунки, шоҳаншоҳ менинг форс тилидаги талаффузимни Бухоро тожикларининг талаффузидан фарқланишига эътибор қилган экан... Мен Ўрта ва Яқин Шарқнинг турмушини пухта ўрганишим, у ерларда кўплаб самимий дўстлар орттиришимга имконият яратган, форсий тилни ўрганишимга ихлос уйғотган онамдан умр бўйи миннатдорман...

Четга кетиб ўқиш ўйлари. Бобомнинг менга махсус тарбия бериши туфайли 18 ёшга қадар кўп нарсаларни ўрганолмадим. 1907-1908 йил қишида отамнинг мадрасасида «Халқ кутубхонаси» деган кутубхонача очдим. Унга китоб олиш учун пул йиғдим. Баъзи газеталарга хабарлар ёзиб юборишим туфайли текин келиб турарди. Масалан, Петербургдан «Улфат» ҳамда арабча «Ат-Талмиз», Қозондан «Баёнулҳақ» ва «Юлдуз», Оренбургдан «Вакт», Астрахандан «Эдил», Бокудан «Иршод» газетаси билан «Фаюзот» журналини кузатиб борардим. Бундан ташқари, русча «Биржевие ведомости» газетаси ва «Нива» журнали ҳам келарди.

Кутубхонамизни бойитиш учун Орскдаги «Шарқ» ва Тошкентдаги «Средняя Азия» номидаги китоб дўконлари билан алоқа ўрнатдим. Халқ кутубхонасига келтирилган китоблар орасида Хива хони Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» номли китобининг Петербургда чиккан босма нусхаси ҳам бор эди. Ҳайрон имоми Бекбўлат билан отамнинг ёрдамчиси Кошиф ҳазрат бот-бот Абдураҳмонхоннинг хотираларини ўқир эдилар. Муроти Рамзий ва Кенесари бизнинг онгимизга рус зулмидан қутулиш фикрларини сингдиргани сингари Орифбой ва Афғонистон амири Абдураҳмон ҳам кишилик дунёси масалалари ичида бизнинг миллий масалаларимиз ҳам бўлишини англатарди. Амир Абдураҳмонхон замонамизнинг кўзга кўринган кишиси бўлди. Баъзи сўзлари кўнглимизга мойдай ёқиб, дардимизни кучайтирар эди. Инглизлар Афғонистоннинг ички ишларига аралаша бошлаган, бу хон Эрон орқали Хивага келади, Хива хони ва беклари халқи Абдураҳмонхонда яхши таассурот қолдиради. У Бухорога боради. Абдураҳмонхонга амир ҳам, унинг халқи ҳам ёқмайди. Самаркандни босиб олган руслар билан

Шу кунга қадар Аҳмад Заки Валиди Туғон деган инсонни юртимизда саноқли одам биларди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, яккамафкурачилик замони корчалонлари тарихдан унинг номини ўчиришолмадилар. Дунёни туркка, туркни дунёга танитишда беқиёс ишлар олиб борган бу зот жаҳон туркшунослик фани тарихида ўчмас из қолдириб, уларни якдиликка даъват этиб, ҳур фикрли одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Шунданми, ҳуррият эпкини эсиши ҳамоно атоқли ёзувчимиз Асқад Мухтор ўзининг «Изчил руҳ» деган мақоласида бу номни ўзбекларга бирмунча танитди ва Заки Валиди хусусида қуйидаги сўзларни айтганида минг бора ҳақдир: «Ҳолбуки, у жаҳон тилларида [араб, турк, немис, венгер, француз, инглиз] тўрт юздан ортиқ асар эълон қилган, агар шу руйхатнинг ўзинигина кўздан кечирсак ҳам бу зот олдида қанчалик карздор эканлигимизни сеза оламиз... Дунё тилларида чиққан бу асарлар халқимизнинг маданий меросини жаҳон миқёсида тарғиб қилишда қандай мавқе тутганини ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг... Заки Валиди ҳаёти — туркий халқлар миллий маданияти учун катта қадрият эканлиги исботга муҳтож эмас. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутмоқчи экан, бу катта истиқболга у бақувват иқтисодиёти билангина эмас, бутун маънавияти, бутун маданий мероси ва миллий қадриятлари билан чиқиши керак. Бу йўлда бизда мана шундай руҳий изчиллик намуналари мавжуд».

Катта қарздорлик ҳисси бизнинг Заки Валиди таржимаи ҳолига тўхтаб ўтишимизни тақоза этаётир. У 1890 йилнинг 10 декабрида Бошқирдистонда, зиёли оилада таваллуд топган. Ўтоқдаги мусулмон диний мактабини тамомлаб, Қозондаги Қосимия диний педагогика илмгоҳига ўқишга киради. 1910—13 йиллар ичида мазкур илмгоҳда туркий халқлар тарихи ва араб адабиёти фанидан талабаларга сабоқ беради. Шунинг баробарида Қозон университетида сиртдан ўқий бошлайди. «Турк ва татар тарихи» [1912 й.] деган илк китобиёқ унга шуҳрат келтирди, замонасининг машҳур олимлари эътиборига тушди. 1913 йили уни Қозон университети тарих ва археология жамияти шарқ қўлёзмалари ва осори-атиқаларини ўрганиш учун Фарғона водийсига илмий сафарга жўнатади. Худди шу мақсадларда у 1914 йили Россия Фанлар Академияси ҳамда Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни тадқиқ этиш халқаро жамияти йўлланмаси билан Бухоро амирлигида бўлади. Волгабўйи ва Марказий Осиёда яшаётган туркий халқлар тарихи, турмуши ва маданияти ҳам зукко олим диққатидан четда қолмайди.

Заки Валиди обрўси мусулмон халқлари ўртасида тобора ошиб боради. Илмий сафарлари чоғида бир вақтлар дунё тараққиётини белгилаб берган туркий қавмларнинг чоризм истилоси туфайли ночор яшаётгани, мазкур миллатлар тарихи унутилаётганини чин юракдан сезади, ачинади, пировардида сиёсат билан шуғулланишга мажбур бўлади.

1916 йили уни бошқирдлар Санкт-Петербург Думасига вакил қилиб сайлашади. Шу йилларда ўтган мусулмонларнинг турли-туман конгрессларига бош-қош бўлади, катта ташкилотчилик қобилиятини намоён этади. 1917 йили туркистонликлар Заки Валидини Москвада бўлиб ўтган Русия мусулмонлари конгрессига ўз вакили этиб жўнатадилар.

1917—19 йилларда у Бошқирдистон ҳукумати бошлиғи ва ҳарбий нозири вазифасида ишлаб, киндик қони тўкилган тупроқни босқинчилар зулмидан халос этишда жонбозлик кўрсатади. Ленин, Сталин, Троцкий, Рудзутак каби сўзи бошқа, иши бошқа Совет ҳукумати раҳбарлари билан учрашиб, миллий масала, миллий дахлсизлик борасида қизғин баҳслашади. Миллий масалани адолатли ҳал этиш хусусида берган бот-бот таклифлари инобатсиз қолдирилади, аксинча большевикларнинг зулм ва зўравонлиги ваҳшиёна тус олаётганини кўради ва уларга қарши очиқча курашга ўтади. Бошқирдистон мустақиллиги учун қилган курашлари кутилган натижани бермагач, бошқа туркий халқлар билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга умид боғлайди. Шу ниятда у Шарқ халқлари Конгрессида қатнашиш учун яширин суратда Бокуга келади. Унинг ишида бевосита қатнашмаса-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

инглизларга қарши бирлашиш мақсадида Самарқандга ўтади. Дастлаб руслар уни жуда яхши кутиб оладилар, аммо Туркистоннинг қутулишини ёқлаган қозоқ султони Сиддиқ Тўра ва ўзбек халқининг кенагас уруғи беги Давронбек сингариларга нисбатан бошкача муносабатини сезишлари биланоқ Абдурахмонхонни дарҳол музокара олиб бориш учун Тошкентга олиб келадилар. У руслардан фойда келмаслигини сезгач, ёлғиз иш кўриш мақсадида ўз мамлакатига қайтишга қарор қилади... Қатағон ва бошқа ўзбек уруғлари ёрдами билан Балх, кейинроқ Кобулни инглизлардан қутқариб, Афғонистонни янгидан оёққа турғазади. Чуқур фикрли ҳам ҳар томонлама комил, ҳалол инсон бўлганидан мамлакатида баъзи фабрикалар ва матбуот ишчиларини тарбиялаб етиштиради. Европа типидаги аскарий форма тузади. Чет эллар билан сиёсий муносабатини тинч ва осойишта олиб боради. У аввал инглиз душмани сифатида Россия тарафларга келса-да, бу ердан ватанига Россия душмани бўлиб қайтади. У Россиянинг Осиё миллатларини ютиб, кучайиш йўлига киришини тушунади ва Осиё халқлари эртами-кечми бу нарсаларнинг ҳаммасини англаяжагига қаттиқ ишонади...

1908—1916 ЙИЛЛАР

Оренбургга, ундан Қозонга кетишим. 18—26 ёшларимда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Ўқиб, муллалик қилиб, илмий текшириш ишлари билан шуғулланиб, дастлаб ватаним — бошқирд эли билан Қозон, кейинроқ Фарғона, Бухоро ва Петербург орасига саёҳат қилиб, илмий текшириш ишлари билан шуғулландим, бир кенг муҳитни қадамба-қадам қиёсий ўргана бордим. Бу муҳитга мен 1908 йилнинг 29 июнида қишлоғимдан чиқиб кетган кундан аста-секин кириша бошладим.

Ризоуддин Фахриддин. Ўша йили Оренбургда буюк олим Ризоуддин Фахриддин бошчилигида «Шўро» номли адабий журнал нашр қилина бошлади. Бу зот ўша йилиёқ мен ниҳоятда ҳурмат қиладиган Абу-ал-Муаррийнинг ҳаёти ва фалсафасига бағишлан-

---

тўлиқ ахборотга эга бўлади, халқ орасида нуфузи баланд раҳбарлар билан учрашади. Конгресс тамом бўлиши ҳамоно Хивага келади. Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкентда бўлиб, туркистонликларнинг қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўлидан келганча мадад беради, майда ички низоларни бир четга суриб қўйиб, Советлар деб аталмиш ёвга қарши биогаликда кураш олиб боришга тарғиб-ташвиқ қилади. 1923 йилда Заки Валиди Туркистон озодлиги халқаро аҳамиятга молик масала экани, унга жаҳон жамоатчилиги диққат бериши лозимлигини уқдириш учун дўстлари таклифига кўра чет элга қочиб кетади. Хорижда туриб, туркий халқларнинг барибир озодликка эришажагига ишониб яшайди, чинакам мустақилликни қўлга киритиши учун бор имкониятини ишга солади.

Заки Валиди 1923 йилда Машҳадга, сўнг Кобулга боради. Ҳиндистонда бўлганида ҳам миллий озодлик ҳаракатини тўғри йўлга солиш чораларини излайди. Лекин Буюк Британия ҳукумати унинг сиёсат билан шуғулланишига тўсқинлик қилади. Шундан сўнг у Саудия Арабистонига бориб, мусулмонликнинг бешинчи фарзини ҳам тўкис бажариб, Европага йўл олади.

1924 йилда Заки Валиди Париж ва Берлинда туркистонлик муҳожирларнинг жамоатчилик ташкилотини тузишга саъй-ҳаракат қилгани, бу тўғрида Миллатлар Лигасига ҳам бир неча марта мурожаат этгани хорижий манбаларда рақамланган. 1925 йилда у Туркия мамлакати раҳбарлари таклифига биноан бу ерга келади ва Истамбул университетида талабаларга турк тарихи бўйича сабоқ беради. 1932 йили Анқарада бўлиб ўтган тарихчилар Конгрессида у турк тарихини ўрганиш бўйича маҳаллий тарихчилар билан баҳслашиб қолади. Пировардида у яна Европага кетиб, аввалига Вена, кейинчалик Хеттинхен университетида шарқшуносликка оид илмий-текшириш ишларини давом эттиради. Европадаги бир қатор илмий жамиятларга аъзоликка сайланади, йирик туркшунос сифатида дунёга танилади. У 1939 йилда яна Туркияга қайтиб келиб, Истамбул университетининг умумий турк тарихи кафедраси профессори вазифасида илмий фаолиятини давом эттиради. Заки Валиди 1970 йилнинг 26 июлида боқий оламга юз ўгирган.

Бу зотнинг таржимаи ҳоли мана шундан иборат. Аммо сермазмун. Ҳаёт йўлининг шарҳи катта бир китобга жо қилинган — у «Хотиралар» деб номланиб, 1969 йили Истамбулда нашр этилган. Китобни варақлаганингизда унинг умри изтироб ва умид билан ўтганига гувоҳ бўласиз. Турк й халқлар мустақиллиги, ҳурриятини Заки Валидисиз тасаввур этиш мумкин эмаслигини англайсиз. Мустақиллик учун кураш, уни муҳофаза қилиш, туркий халқлар қудрати, бойлиги, маданиятини дунё аҳлига танитиш учун киши қандай кўламда ишлар олиб бориш кераклиги борасида катта сабоқ оласиз. Йирик олим ва йирик сиёсатчи Заки Валиди ўз китобида туркистонликларнинг миллий истиқлол йўлидаги курашлари, мағлубиятга учраши сабабларини, Туркистон демократияси ва федерацияси, парламентар давлат тузишда жадидлар, кадетлар ва федералистларнинг қарашлари, уларга бўлган муносабатини рўй-рост ёритган, большевикларнинг, Совет давлати раҳбарларининг риёкорлик сиёсатини фош қилган. Маккорона сиёсат замирида бутун бошли халқларни руслаштириш ётгани, унинг олди олинмаса шовинистик кайфият Осиёнинг ич-ичига кириб бориши, ҳатто олис Африкага ҳам тарқалишини башорат қилади. Йиллар ўтиши билан бу закий инсоннинг башоратлари тўғри чиққанига амин бўлдик. Хуллас, «Хотиралар» ҳар бир кишига миллат учун қандай хизмат қилиш кераклиғини уқдирувчи бир китобдир, васиятдир. Биз журнал имкониятларидан келиб чиқиб, мазкур асарнинг фақат юртимизга тегишли ўринларинигина таржима этиб, чоп қилаётирмиз. Ва бундан кейин катта-катта кўчалар, қатор маданий-маърифий масканлар Аҳмад Заки Валиди Туғон номи билан муҳрланишига умид қилиб қоламиз. Зеро, бу биз учун ҳам фарз ҳам қарздир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган жуда яхши бир асарни нашр этди. Мен бу китобни қишлоқда ўқиб чиққан эдим. Отамнинг жуда яқин дўсти бўлган Ризоуддин ҳазратнинг олдига бордим. Мени ҳазрат худди катта ёшдаги одамдай қабул қилди. У журнал ношири бўлган Рамиевларнинг бир қаватли алоҳида уйида яшарди. У билан тарих, адабиёт ҳақида, айниқса ал-Муаррий тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Ўқиш ниятимни айтдим. У менга баъзи русча тарих китоблари, жумладан, Соловьевнинг тарихини кўрсатди. Мен «Шўро» журналининг ношири шоир Зокир Рамиев билан ҳам уйига бориб кўришдим. Шеърлари жуда гўзал, чиғатой адабиётини яхши билар эди. Оренбургга келган йилимда «Шўро» журналининг муқовасида Алишер Навоийнинг «Тангри, мен ошиқ бўлганликдан севимли элимизнинг куйларини ҳам унинг ўзига ўхшатиб яратдим» маъносидаги икки мисра (бу XIV аср Олтин Ўрда шоири Хоразмийнинг шеъри бўлса керак)си чиройли бир шаклда босилди. Мен Зокирбекка бу иш жуда яхши бўлганини айтдим ва Навоийнинг эсимда қолган баъзи шеърларини ёддан айтиб бердим. У бу шеърларни дарҳол дафтарчасига ёзиб олди. Айтгандай, шоирнинг «ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш, олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш» шеъри тақдиримга ғоят мос эди. Зокир Рамиев шеър менинг ҳолимни акс эттиришини айтиб Навоий асарларини қаерда ўқиганлигимни сўради. Мен унга «Девон» отамда борлигини, «Хамса» эса Бекбўлат ҳазратда бўлиши мумкинлигини айтдим. Демак, Зокирбек ҳам у вақтларда Навоийнинг «Хамса»си билан «Девон»ини кўрмай, фақат «Муҳокаматуллуғатайн»ни ўқиган экан.

Қозонда муаллимлигим ва рус муҳити. Бу ўқув йили (1909—1910 йилларнинг қиши) мени «Қосимия» мадрасасига турк тарихи ва араб адабиёти тарихидан муаллим қилиб тайинладилар...

Мен дарслик сифатида «Турк тарихи» асарини ёза бошладим. Тарихни текшириш ва ёзиш усулини профессор Кареев[1]нинг ўша вақтдаги асаридан ўрганган эдим... Петербургда яшаган машҳур шарқшунос, профессор Бартольднинг Ўрта Осиё тарихига оид тошбосмада босилиб чиққан қўлёзмаларини ўқидим. Карамзин ва Соловьев каби йирик рус тарихчиларининг миллий тарихимиз ҳақида маълумотлар учрайдиган асарларини бошқа муҳим рус манбаларини ўрганиш билан бирга, француз олими Леон Каэннинг ва инглиз олими Герни Говорттнинг турк ва мўғул тарихига оид асарларини русча мутолаа этдим... Говортт асарининг Чингизхонга бағишланган қисми Тошкентда «Ўрта Осиё» журналида русча нашр этилди. Бу асарлар билан танишиб, мен ўша йилда турк қавмлари тарихини ўрганиш бўйича бутунлай тўғри йўлга тушдим. Профессор Катанов ёрдамида ғарбдан, Лондон ва Лейдендан, иккинчи ёқдан Тошкентдан ва Бокудан тарихга бағишланган босма манбаларни олиб келиш ишини бошладим. Катанов ёрдамида Лондондаги китобчи Лузакдан Мирхонд ва Хондамирнинг форсча тарихларини ва Бобур мирзо хотиралари («Бобурнома»)нинг кўчирмасини қўлга киритдим. «Қосимия» мадрасасида менга қадар турк тарихи ва араб адабиёти алоҳида дарс сифатида ўқитилмаган экан. Мен бошлаб юборган янгиликка ҳамма рози бўлди. Шогирдларимдан бири ўзи туғилиб ўсган қишлоғидан менга бир китоб келтириб ҳадя қилди. Темур ўғиллари замонида Самарқандда яшаган Туркманбек Давлатшоҳ асарининг топилиши билан менда Ўрта Осиё маданияти тарихи ҳақидаги манбаларни излаш истаги уйғонди. Шундан кейин, бу ишга катта бир ихлос билан киришдим. Бу йўлда менга немис тилини ўргатган Риклитский арабчадан, форсчадан ёки туркийдан немисчага таржима этилган асарларни, ҳикояларни чоғиштириш йўли билан ўрганиш жуда фойдали бўлади, деди... Профессор Катанов ҳам менга бу усулнинг фойдаси ҳақида гапирди. Туркшунос Радлов «Туркий қабилаларнинг халқ адабиёти намуналари» ва «Қутадғу билиг» китобини яхшилаб ўрганишга маслаҳат берди. Бу менда тўғридан-тўғри туркий қабилаларнинг достонлари билан шуғулланиш истагини туғдирди. Шу вақтда профессор Позднеевнинг[2] «Мўғул қабилалари халқ адабиёти намуналари»ни ҳам ўқидим. Бу эса, кейинчалик фақат турк эмас, мўғул қавмларининг тарихини ҳам қўшиб ўрганишга сабаб бўлди. Ўша тиришқоқлигим туфайли «Турк қавмларида тўрт йўлли халқ шеърлари» деган асарим майдонга келди. Профессор Катанов менинг бу ишимдан жуда мамнун бўлди.

Ислом миллатлари ва туркларнинг тарихда орқада қолишлари сабабларини ўрганишим. 1910—1911 йил қишида профессор Кримскийнинг[3] Русия мусулмонларининг келажагини жуда қоронғи қилиб тасвирлаган асарини ўқий бошладим... Голландиялик профессор Доузизнинг туркчага таржима қилинган «Исломият тарихи» номли асари менда катта шубҳа уйғотди. Мен «Қосимия»да тарихни ўргана бошлагач, икки саволга аниқ жавоб топишни ўзимга вазифа қилиб қўйдим:

---

[1] Н. И. Кареев (1850—1931) — таниқли рус тарихчиси, кейинчалик СССР Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси.

[2] А. М. Позднеев (1851—1920) — мўғул тарихини ўрганган йирик олим.

[3] А. Е. Кримский (1871—1941) таниқли шарқшунос олим, Украина Фанлар Академиясининг академиги, араб ва турк тарихи, адабиёти бўйича бир қатор асарлар ёзган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Мусулмонларнинг, айниқса, туркларнинг орқада қолишларининг асосий сабаблари нимада?

2. Бунинг туб сабаби — ислом дини, деган фикр тўғрими?

Мен ислом тарихига оид фалсафий фикрларни Маржонийнинг «Муқаддиматулвафиятул-аслаф» деган асари орқали ибн Халдун фикрларига эргашиброқ, бироз ўргандим. Маржонийнинг XIX аср тарихи воқеаларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш лозимлиги, теократизм (мамлакатни руҳоний одам бошқариши)нинг зарурлиги, миллат принципининг тарихдаги аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан асосан келишсам-да, бошқа айрим фикрларининг ҳаётда ва бугунги фанда қўллаб бўлмас даражада эскирганлигини тушундим. Менга энг ёққан асарлар Дрейпернинг «Европада фикр ўсиши» ва Милюковнинг «Рус маданияти тарихи» номли асарлари эди. Бу китобларни ўқигандан кейин, капитан Мишкинга раҳмат айтиб, хат ёздим. Ҳатто Дрейпернинг китобидан «Шарқда имон даврининг орқага кетиши» қисмини русчадан таржима қилдим. Чунки, мусулмонларнинг орқада қолишларининг сабабларини тушунтирган фикрлари менга янгилик бўлиб кўринди. Аммо математика ва физика муаллими Арбаков менга социал-демократ Плехановнинг асарлари билан («Тарихни материалистик тушуниш», «Тарихда шахснинг роли») таништиргандан кейин мен тарихни иқтисодий ривожланиш қонунлари асосида ўрганиш энг маъқул усул эканлигини англадим... Русларнинг буюк фикр эгаларидан бири Овсяников-Куликовскийнинг «Рус зиёлилари тарихи» асарини ёз ойларининг бирида ўргандим. Адабиётни асос қилиб олган бу зотнинг Плеханов (Бельтов) таълимотини танқид қилиши жуда асосли деб баҳоладим. Менинг умумий фикрий ривожимда, айниқса, Европа билан Шарқ орасидаги дунёқарашларнинг фарқларини ўрганишимда, Овсяников-Куликовский менга кучли таъсир қилди. Плеханов билан Овсяников-Куликовский Шарқ масалаларини махсус ўрганмаганлар ва уни Дрейпер сингари яхши билишмасди. Бу хусусда Шарқни ўрганувчи рус олимлари билан бир қаторда Европа шарқшуносларининг асарлари менга фойдали бўлди... Шарқни ўрганувчилар орасида мени ўша вақтда икки либерал олим — барон Виктор фон Розен [1] билан профессор В. Бартольднинг илмий текшириш усуллари қаноатлантирар эди. Чунки, улар тарих фани билан ўша вақтдаги ижтимоий ва иқтисодий таълимотларни яхши билиш асосида шуғулландилар. Ҳар икки олимнинг Шарққа бағишланган асарлари жуда аҳамиятли бўлганлигидан улар «Рус археология жамиятининг шарқ бўлими қайдлари»да тўла босилди. Мен бу журналларнинг шу вақтгача чиққан 19 тасини сотиб олдим. Бартольд, Леон Каэн, Гром Грижимайло, Аристов [2] каби муаллифларнинг турк тарихи бўйича ёзган асарларининг хулосалари жуда муҳим эди. Уларнинг фикрига қараганда, ислом миллатларининг орқада қолиш сабаблари дин қонунларида эмас, XVI асрдан бошлаб денгиз йўлларининг очилиши натижасида қадимги карвон савдо йўлларининг қаровсиз қолиши ва шу сабабли Европа халқларининг жаҳонда иқтисодий устунликка эга бўлиши билан боғлиқ экан. Мен ҳам «Турк тарихи» китобимда Плеханов билан Бартольднинг иқтисодий қарашларини асос қилиб олдим. Шунинг учун 1940 йили Мисрда босилиб чиққан Туркистон тарихига бағишланган «Умумий турк тарихига кириш» номли китобимда, 1946 ва 1950 йилларда Истамбулда нашр этилган «Тарихий усул» номли китобимда ҳам тарихий ривожланишда иқтисодий қарашга собит қолдим.

Биринчи тарих китобини қандай ёздим! 1910—1911 ўқув йилида имтиҳонга тайёрланишда давом этдим. Дастлаб, немис ва лотин тиллари билан шуғулланиш зарур бўлди. Профессор Катановнинг маслаҳати бўйича, Қозон университетининг филология факультетига тингловчи сифатида дарсга қатнай бошладим. Шарқшуносликдан Катанов, умумий ва рус филологиясидан профессор Богородицкий, [3] умумий тарихдан профессор Хвостов [4] ва Харламовичнинг [5] дарсларини тингладим. Турк тарихи дарсларини китоб қилиб ёзишда давом этдим. Катанов эса менга Сибирь туркларининг сўзлашувини ўргатар, шеър тузилишини тушунтирар, турк тарихи бўйича ўз кутубхонасидаги китобларидан ўқишга бериб турарди. Шу туфайли тарих китобларини ёзишни тезлаштиришга қулайлик туғилди. Икки қисмдан иборат бўлган асаримнинг биринчи қисми XVI асрга қадар, иккинчи қисми эса ундан кейинги даврни ўз ичига оларди. Қиш бўйи ёздим. Ўша йили турк ҳам мўғ[illegible] қавмларининг халқ адабиёти ва этнографияси ҳақида асарлар ўқиди. Олим Н. Аристовнинг турк қавмлари этнографиясига бағишланган

---

[1] Розен (1849—1892) — арабшунос, академик. Петербург университетида шарқ тиллари факультети профессори. В. В. Бартольд, И. Г. Крачковский каби олимларнинг устози.

[2] Аристов (1834—1882) — рус тарихчиси, Қозон, Варшава, Харьков университетларида дарс берган: этнография, археология бўйича кўплаб асарлар муаллифи.

[3] В. А. Богородицкий (1857—1941) — таниқли тилшунос, жаҳонда биринчи бўлиб экспериментал фонетика лабораториясини очган. Татар тили бўйича бир неча асарлар муаллифи. Инқилобдан сўнг СССР Фанлар Академиясига мухбир аъзо бўлди.

[4] М. М. Хвостов (1872—1920) — қадимги греклар тарихи бўйича билимдон мутахассис. Биринчи бўлиб Мисрнинг эллинизм давридаги иқтисодий тарихини ўрганган.

[5] К. В. Харламович (1870—1932) — рус черков тарихини, кейинги йилларда Украинада яшовчи грекларни ўрганади. Қозон университетида черков тарихидан сабоқ берган.

[6] Г. Н. Потанин (1835—1920) — таниқли рус саёҳатчилари ва олимларидан бири, географ, этнограф. Шарқ халқлари тарихининг шу жумладан туркий халқларнинг 300дан ортиқ эпосини тўплаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарлари билан шуғулландим. Радлов ва Потаниннинг[6] туркий қавмлар этнографияси бўйича асарларини алоҳида эътибор билан ўргана бошладим. Ўша вақтда устозим, профессор Богородицкий билан экспериментал фонетика борасидаги ҳамкорлигимиз натижаси ўлароқ «Бошқирд ва татар сўзлашувларида оҳанг ва товуш тебранишлари» номли лавҳамиз яратилди. Риклитский деган ўқитувчим украин эди. Унинг ёрдами билан Радловнинг «Олтой туркларида шеър тузилиши» асарини немисчадан туркийга таржима этдим. Мен шеър тузилиши масалалари тўғрисида Радловга хат ёзиб, унинг билан алоқа боғладим, у менга бир неча асарларини совға қилиб юборди.

Рус шарқшунослари билан танишишим. 1911—1912 ўқув йилларида ҳам Қозон университетида дарслар тинглашда давом этдим... Аввал Европа шарқшуносларининг араб, форс ва турк адабиётлари ҳақидаги асарлари билан шуғулландим. Петербург шарқ факультети доценти Игнат Крачковский билан хат орқали танишдим. У менга узун-узун хатлар ёзиб, китоблар юборар эди. Унинг Дамашқий номли араб шоири ҳақида катта бир асари чиқди. Бу зотнинг ҳозирги араб маданий ҳаёти тўғрисида ёзган мақолаларини завқ билан ўқидим. Европа кутубхоналарида сақланган қўлёзмаларнинг каталоглари билан ҳам шуғулландим. Аввал французча, кейинроқ немисча ўргана бошладим, бу ўша тилларда нашр этилган асарлар билан бироз танишиш имконини берди. Профессор Катанов ёрдамида К. Брокельдманднинг[1] араб адабиёти тарихи тўғрисидаги асарини, «Эрон филологияси асоси» китобини, немисча нашр этилган «Ислом энциклопедияси»нинг ўша вақтгача чоп этилган жилдларини олиб келтирдим. Биринчи тарих китобимнинг яхши қарши олиниши турк ва ислом тарихи билан шуғулланишга киришиш ниятимни мустаҳкамлади. Профессор Катанов ҳам бу ниятимга хайрихоҳ бўлиб қаради. У менга университетни тамомлаб, илм йўлига кирадиган киши, деб қарарди. 1912 йилда профессор 50 ёшга тўлди. Қутлов кечасига чақирган юртдош дўстлари орасида мен ҳам қатнашдим. Ноз-неъмат ва ичимликлар сероб бўлди. Профессорнинг ўзи жуда кўп ичди. Кечқурун меҳмонлар тарқагач, сен кетмай тур, деди. Ҳамма кетиб бўлгандан кейин икковимиз кутубхонасида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Профессоримиз рус ўртоқлари томонидан четлаштирилган бўлса керак, кўп йиллар Қозон университетининг тарих ва археология жамиятига раис бўлиб, ўша йили уни бу вазифадан бўшатган эдилар. У шундай деди: «Шарқ турки ва мўғуллар тарихи бўйича уч киши — Доржи Банзаров, Чўқан Валихонов ва мен ишлай бошладим, ҳаммамиз ҳам рус маданиятига бутун борлиғимизни бағишладик, мен шамонийликдан айрилиб, христиан бўлдим, уларга хизмат қилдим. Доржи билан Чўқан 35 ёшга етмасданоқ ароқдан ўлдилар. Чунки, рус ўртоқларим бизга ароқ ичишдан бошқа нарсани ўргатмади. Энди сен тўртинчиси бўларсан, бу доирадан ўзингни сақла. Менинг муҳитим ислом ия сингари қудратли бир маданиятга эга эмас... рус муҳитида ҳиссиётлар таъсирида қолдик, сени қудратли бир маданий муҳит вакили эканлигинг аҳамиятини тушуниб етган одам, деб ўйлайман...» Ҳарҳолда, унинг рус ўртоқлари билан муносабатларида мен билмаган бошқа қийинчиликлар ҳам борга ўхшарди. Катановнинг сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди, кўп ичмаганда, балки у бу сўзларни сўзламас ҳам эди...

Турк тарихи китобимга баҳо. Турк тарихига бағишланган асарим мени бир неча ой ичида ҳеч кутилмаганда, чин маънода машҳур қилди. Асаримни Туркияда Юсуф Оқчўра «Турк юрти» мажмуасида, Қримда Исмоил Ғаспирали «Таржумон» газетасида, Қозонда профессор Катанов билан шарқшунос Емильянов рус илмий журналларида яхши баҳолаб ёздилар. Немис шарқшуноси Мартин Хартман[2], Венгриядан профессор Вамбери, Оренбургда чиқиб турган «Вақт» газетаси идораси таҳририяти асарга илиқ фикрлар билдириб, мени қувонтирувчи хатлар ёздилар. Асаримга баҳо тарзида «Қозон университетининг археология ва тарих жамияти» мени ўзига аъзо қилиб, тантанали равишда диплом топширди. Бу тантанада университет профессори Харламович менга қарата мақтов сўзлари айтди. Асарни ибрат сифатида қабул қилиб, Истамбулда Ризвон Нафиз, Қўқонда Юсуфхон ҳожи Оғалиқ ўғли турк тарихи бўйича асарлар ёзди. Озарбайжонда Ҳусайинзода Алибек, Оренбургда Ризоуддин Фахриддин, Истамбулда Куприлизода Фуадбек мени «турк тарихчиси» деб атади... Симбирияда яшаган Иброҳим Акчурин, чингизий қозоқ Алихон Бўкайхон, Уфада яшовчи Салимғарай Султон Жонтурин мени уйларига меҳмонга чақирдилар. Самарқандлик муҳаррир Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Уфадаги «Усмония» мадрасасининг мудири мени ўз мадрасаларига турк тарихини ўқитиш учун катта меҳнат ҳақи тўлашни ваъда қилишиб, муаллимликка таклиф қилдилар... Асарни фанний нуқтаи назардан баҳолаб, мен билан самимий алоқа боғлаган одам, профессор Бартольд «Ислом илми» номли бир тўплам нашр этиш ниятида шу йилнинг (1912) ёзида Русия мусулмонлари орасига илмий саёҳатга чиқди. Мен шу муносабат туфайли Оренбургда нашр этилган «Вақт» газетасида (№ 25) унинг илмий асарлари ва ютуқлари билан таништирувчи катта мақола бостирдим. Буни ўқиган

---

[1] К. Брокельдманд (1868—1956) — таниқли немис шарқшуноси, урушдан сўнг Галле шаҳрида яшаб, вафот этган.

[2] Хартман Мартин (1851—1918) — араб тили ва ислом тарихини ўрганиш билан шуғулланган таниқли немис олими.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бартольд Барнаулдаги мусулмонлар жамиятида менинг тўғримда... ижобий баҳо берган... Асарнинг дунё юзини кўришида энг катта ёрдам кўрсатганлар профессор Катанов билан Ашмарин бўлди, уларнинг бу ҳаракатларини илмий томондан ҳам, келиб чиқишлари туркийлардан бўлишларидан ҳам тушуниш мумкин. Ҳар иккови ҳам цензор бўла туриб, асарда русларга тегиб ўтилган жойларни чизиб ташламай, китоб қандай тарзда ёзилган бўлса, шу тарзда чиқариб юбордилар. Катанов Қозон университетининг археология ва тарих жамияти йиғилишида сўзга чиққанида мени турк тарихи ва этнографияси бўйича қидиришлар олиб бориш, қўлёзмаларни излаш учун Фарғонага юборишга тавсия этди. Шарқшунос олимларнинг юқори баҳолари турк тарихи билан шуғулланишим керак, деган қароримни яна ҳам қатъийлаштирди. Асаримнинг миллатимиз томонидан юқори баҳоланишининг энг тўла кўриниши шу бўлдики, Туркистонда тарихимиз билан шуғулланган Ашурали Зоҳирий билан Юнусбой Оғалиев деган икки одам, китобимни ўқиганларидан кейин қишлоғимизга келганлар. Улар Қўқон шаҳридан эканлар. Ашурали у ерда муаллим, Юнусбой ҳожи эса Қўқон хонлиги оғалик вазифасини бажарган бир оила наслидан бўлган бой киши экан. Юнусбойга ота-боболаридан жуда кўп ёзма тарихий асарлар қолган. Кейинчалик унинг ўзи ҳам талай тарихий асарлар сотиб олган ва қимматли хазина тўплаган. Ҳар иккаласи ҳам Фарғона хонларининг тарихини ёзмоқчи экан. Бироқ қандай ва нимадан бошлашни, рус тарихий манбаларидан фойдаланиш мушкулликларини, шунингдек, Фарғонанинг турк ва Туркистон тарихидаги ўрнини аниқлашда қийналаётган эканлар. Менинг турк тарихида бўлиб ўтган воқеаларни кетма-кет, муайян бир тартиб билан тасвирлашим уларни асосий қийинчиликдан қутқарган. Улар Оренбург, Қозон ва Уфа томонларга саёҳатга чиққанлар. Уфада менинг адресимни олиб, хат ёзганлар, шу шаҳарга яқин Дим бўйида бироз вақт қимиз ичганларидан сўнг от ёллаб, бизнинг уйга келганлар. Туркистондан келган бу азиз меҳмонлар учун июль ойи салқин туюлди. Бизникида ўн-ўн беш кун меҳмон бўлиб, асарим Туркистон халқига гўзал таъсир этганини сўзлаб, мени ҳам, отам билан бобомни ҳам хурсанд қилдилар. Улар асарнинг иккинчи қисмида Туркистон тарихига кенг ўрин ажратиш зарурлигини ва бу соҳада улар менга ёрдам қилишга тайёр эканликларини айтдилар, мени Фарғонага боринг, деб таклиф ҳам қилдилар. Бу икки зот, умрининг сўнгги дамларига қадар менинг энг яқин ўртоқларим ва дўстларим бўлиб қолдилар. Шу аснода қозоқ султонларидан номи аввал тилга олинган Алихон Букайхоновдан ҳам таклиф қоғози олдим. Меҳмонларимизни от билан уйимиздан юз йигирма чақирим узоқда бўлган Давлекат темирйўл бекатига олиб келдим. Меҳмонларимиз Фарғонага кетдилар. Мен эса Алихон Бўкайхонов ва унинг меҳмони Аҳмад Бойтурсун олдида бир неча кун бўлиб, турк тарихи асаримга қозоқ хонларининг тарихини ҳам қўшиш тўғрисида суҳбатлашдим...

Истамбулга бориш орзуси. Истамбул тўғрисида мен университетда ўқиган дўстим Аҳмадхон Амирхондан суриштириб билган эдим.

...Отам ҳажга кетаётганда, Ҳижоз, Сурия, Истамбул кутубхоналаридаги қўлёзма асарлар ҳақида, баъзи қидириб топишим керак бўлган китоблар ҳақида маълумот олиб қайтишини илтимос қилдим. Энг аввало, хоразмлик олим ал-Берунийнинг асарлари менга маълум бўлса-да, ҳали фанда чуқур ўрганилмаган асарларини қидиришим керак эди. Отам ал-Берунийнинг асарларидан ҳам, жўғрофия бўйича олимнинг ўз қўли билан ёзилган ва Фотиҳ кутубхонасида қўлёзма ҳолида сақланаётган бир қисмидан кўчирма ҳам олиб келди... Улар менга миллий тарихимизнинг энг қимматли манбалари Истамбулда эканлигини кўрсатди. Ниҳоят, 1925 йилда биринчи марта Истамбулга келгач, маънавий ишим ҳисоблаб Фотиҳ кутубхонасига бордим...

1912—1913 йил қишида аввалги асарларим устидаги ишни давом этдирдим. Аммо энг кўп вақтни туркистонлик ва қозоқ дўстларимнинг истакларига мувофиқ равишда Мовароуннаҳр, Қашқар, қозоқ хонлари, нўғай тарихи, яъни «Турк тарихи» китобимнинг иккинчи қисми учун материал тўплаш, уларни тартибга солиш билан ўтказдим. «Қосимия»да турк тарихини, араб адабиётини ўқитишда аввалгидай давом этдим.

ТУРКИСТОНГА ИЛМИЙ САЁҲАТИМ

Туркистонга биринчи илмий саёҳатим. Қозонга келишим биланоқ Катанов менга... тарих, археология ва этнография кузатишлари олиб боришга Туркистонга, Фарғона вилоятига юбориш учун йўлланма ҳақларини тўлаш хабарини айтди. «Қосимия»да муаллимликдан ва имтиҳонларга тайёрланишдан озод қилиб, саёҳат этиш имкониятини берганлигини хурсандчилик билан қабул қилдим. Тошкентга келиб тушган кунимоқ ишим ўнгидан кела бошлади...

1914 йилнинг мартига қадар давом этган бу саёҳат вақтида мен Фарғона, Самар-

---

[1] Вақф — мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахс тарафидан дин манфаатларига ажратилган, топширилган ёки васият қилинган мулк.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанд ва Бухоро вилоятларида қўлёзма асарлар, шахсий кишилар қўлларида бўлган манбаларни изладим. Мамлакат хўжалиги, тарихи, географиясига оид бир талай муҳим вақф[1] қоғозларини ҳам, бошқа баъзи бир диний гуруҳларнинг киримлари ёзилган ҳужжатларни, мол ҳақларининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотларни ҳам йиғдим. Фарғонада кўчманчи ўзбеклар тўғрисида этнографик маълумотлар тўпладим. Бу саёҳатим тўғрисида «Бир турк олимига нисбатан кўрсатилган ҳурмат белгиси» деган сарлавҳа остида Туркия матбуотида («Турк юрти») ҳикоям босилди. Март ойида Тошкентга келгач, «Туркистон археология жамияти» уюштирган бир йиғилишда саёҳат давомидаги ишларим ҳақида маъруза қилдим. Унда Туркистон губернатори генерал Сухомлинов менга илиқ сўзлар айтиб: «Бу бизнинг мусулмонлар орасида маърифатни ўстириш йўлидаги ишларимизнинг хайрли кўринишн», деди. «Туркестанские ведомости» расмий газетасининг мудир ўринбосари Александр Александрович Семёнов мени Тошкентда олиб қолишини айтди. Мен ўқишни давом эттирмоқчиман, деб рози бўлмадим. У менинг саёҳатим натижалари ҳақида Петербургга хабар қилган. Шу орқали Россия Фанлар Академияси билан Ўрта Осиёни ўрганиш халқаро жамияти номидан бундан кейин ҳам илмий текшириш олиб бориш учун мени жалб қилишлари тўғрисида хат олдим. Буни Фанлар Академиясининг аъзолари, профессор Бартольд, Радлов, К. Залеман[1] уюштирган эдилар.

Мен бу саёҳатим давомида Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода жуда кўп дўстлар орттирдим. Уларнинг аксарияти... Туркистон маданияти, кейинроқ сиёсий ҳаётимдаги фаолиятимда асқотди ва улар билан бўлган бу дўстлигим қалбимда жуда кўп унутилмас хотиралар қолдирди. Шулардан бири, чор офицери, полковник, келиб чиқиши жиҳатидан бошқирд бўлган Абубакир Диваев қозоқ, қирғиз халқлари этнографияси бўйича кўп фойдали асарлар нашр қилди. У мени Тошкентда подшо аскарлигида хизматчи бошқирд офицерларидан Кочаков ва татарлардан генерал Еникеев, Самарқандда қирғизлардан генерал Колчанов ва Мирбадалов, бошқирд Акимбатов билан таништирди. Қаерга борсам ҳам ўша ерда Абубакир аканинг мени таништирувчи ва йўлловчи хатларини кўрдим. Қозоқлардан ўша вақтларда гимназия талабаси, кейинроқ коммунист Назир Тўрақул (Тўрақулов), Тошкентдан Петербург университети ҳуқуқ бўлими талабаси Мустафо Чўқаев, ўзбеклардан кейинроқ шоир бўлган Абдулҳамид Сулаймон, яна Тошкентдан, келиб чиқиши нўғайлардан бўлган тарихчи Пўлат Соли, ўзбеклардан Мунаввар қори ва Убайдулла Хўжа, Самарқанддан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Бухородан Аҳмаджон Махдум, яна, қирғизлардан бошланғич мактаб ўқитувчиси Еназақ ўғли Иброҳим ҳам шулар жумласидандир.

Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақул билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар. Назирнинг отаси Тўрақул Фарғона губернаторининг таржимони эди. У баъзи қимматли қўлёзма асарлар тўплаган. Қўлига тушган китобни ўқир, ҳар ўқиган муаллифнинг таъсирига берилар эди. Мен эса унга инсон ўзининг қисқа бир умрида китобларни муайян бир мақсадда ўқиш кераклигини, одам шу вақтдагина ютуққа эришажагини айтдим. Менинг бу фикримни у 15 ёшлик ўсмир бўлган шоир Чўлпон онгига сингдиришга ҳаракат қилган, ўзи эса катта мансабдор ва кайфи ўзгариб турадиган одам бўлганлигидан, бу одатга ўрганолмаслигини, тартибга кўникиши қийинлигини айтди. Назир ўша вақтда ватанпарвар туркчи эди. Истамбулда чиқадиган «Турк юрти»ни ўқирди. Кейинроқ коммунист бўлди. Жиддада рус элчихонасида ишлади. Турк тили масалалари тўғрисида мақолалар бостирди, миллий маданиятга содиқ қолди, шунинг учун ҳам Советлар тарафидан ҳукм этилган кишилар қатори йўқ қилинди.

Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф қилди. Мен Назир Тўрақул билан уйларига келгач, бой-бадавлат бўлган унинг отаси Сулаймон баззоз маслаҳат қилмай уйига меҳмон чақирган ўғлидан норозидай бизни бироз совуқ қаршилади. Абдулҳамиднинг уйда йўқлиги ҳам хунукроқ бўлди. Абдулҳамид отасига бизни таклиф қилганини айтмаган экан. Шунда мен отага қуйидаги маънодаги бир форсча шеър айтдим: «Булбулигўё деган бир қуш бўлар экан, у сайраганда бошқа қушлар ҳам эриб кетар экан». Зеҳнли Сулаймон акага шеър таъсир қилди шекилли, бизни аввал анча совуқ қаршилаганига қарамай кайфиятини дарров ўзгартириб: «Сизлар энди ўғлимнинг меҳмони эмас, менинг меҳмонимсизлар», деб меҳмонхонага қайтиб кетишимизга йўл бермади. Буюк турк шоири Чўлпоннинг отаси форсий адабиётни ниҳоятда ҳурмат қиларкан. Ўзимни таништирдим, йўлланма қоғозимни кўрсатдим... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик. Назир Тўрақул туркчани билишдан ташқари, форсий адабиётни ҳам тушунар ва ҳурмат қилар

---

[1] К. Г. Залеман (1849—1916) — таниқли рус шарқшуноси, Петербург университети профессори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...

Петербургда мен Академиянинг Осиё музейида Европа кутубхоналарининг каталогларини текшириб, 1845 йилда Фрейнд нашр қилган қадимги ислом асарлари каталогларига ёзилган изоҳлар билан машғул бўлдим. Шу вақтлардаёқ бошқирд ва нўғайларнинг тарихи тўғрисида материал тўплаш учун Фанлар Академиясининг архивида ишладим. Биринчи Туркистон саёҳатим ҳақидаги ҳисоботим Россия археология жамиятининг Шарқ бўлими нашр этган «Қайдлар»да босилиб чиқди. Бартольд менга, гимназияни битириш имтиҳонларини топширолмасам, иккинчи йўлни тавсия этмоқчи бўлди. Петербург университетининг шарқ факультетига жойлаб ўқитишни, ўз ишхонасида ташкил бўлган «Ўрта Осиёни ўрганиш халқаро жамияти»га ишлашга жалб қилишни ва исломий асарларни ўрганиш учун Ғарбий Европа мамлакатларига юборишга ваъда берди. Унинг фикри бўйича мен 1914—1917 йилларда Германия, Австрия, Париж ва Лондонда шуғулланиш керак эди. Уруш бошланиши билан амалга ошмаган режалар менга келажак тўғрисида орзуланиш завқини берган бир идеал бўлди. Яъни, турк қавмлари, ислом маданияти тарихини ўрганувчи бир шарқшунос олим бўлажакман. Нега мен Говорттнинг тарихимиз ҳақидаги инглизча китобини, шарқшунос Фрейнднинг лотинча асарларини ўқишлик даражасида инглизча ва лотинча ўрганмайман энди, деб ўйладим. 1914 йилнинг ёзида бу тилларни ўрганиш тўғрисида қатъий қарорга келдим.

Туркистонга иккинчи илмий саёҳатим. Россия Фанлар Академиясининг мени Туркистонга илмий текширишлар олиб бориш учун юбориш хабарини эшитган дўстларим орасида энг кўп суюнгани Иброҳим Акчурин бўлди. Менга омад тилаб, станциягача кузатиб қўйди. Бухорога келгандан кейин бош вакил Насрулло Қушбегини кўрдим. Қарши шаҳрига келганимда мени подшонинг Петербургдан юборилган бир юқори мартабадаги амалдори деб ўйлаб, чет эл ишлари вазирлигининг элчихона биносига жойлаштирдилар. Жуда катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар. Олд меҳмонларни қабул этувчи мезбонни ҳам тайинладилар. Шаҳрисабзга келганимдан кейин бу вилоят валийси (беги) турк ва мусулмон бўлганлигимни била туриб, менга айтган сўзларини таржимон орқали русча англатмоқчи бўлди. Бу ортиқча машаққатни кераги йўқлиги ва русча сўзлашмаслигимни айтганимдан кейин анча қаноатланди. Май ойида Қарши шаҳри бозорида ашқол-дашқол сотиб турувчи бир одамни кузатдим. У ҳар хил доридармонларни ўраб беришга эски туркча китоб варақларини ишлатар эди. «Бу қоғозларнинг бошқа бетлари қаерда?» деб сўрадим. У эски китобдан йиртиб олган экан. Қуръоннинг туркча қилинган таржимасининг айрим саҳифалари бўлган бу қоғозларни Бухоро пули билан 20 тийинга сотиб олдим. Бу асар туркий тилнинг ислом давридаги энг қадимгиси бўлиб чиқди. Шарқшунослардан Бартольд ва Залеман ҳам бу ҳақда мақолалар ёздилар. Сўнг бу асарнинг қолган қисмлари — Эронда илҳонийлар ва Олтин Ўрдада Жўчи ўғиллари даврида ёзилган нусхалари Истамбулда топилди. Қуръоннинг энг бурунги таржималари ҳақида мен инглиз тилида бир асар нашр қилдим. Бухоро хонлигидаги илмий текшириш ишларини тамомлаб, Тошкентга келгач, губернатор ёрдамчиси А. А. Семёнов ўша Қуръон саҳифаларини жуда қимматбаҳо пулга сотиб олишини айтди. Мен унга: «Фанлар Академияси учун олдим, ўша ерга топширамман», дедим. А. А. Семёновнинг бу ниятимни мақтаб, Бартольдга хат ёзганлигини кейинчалик билдим... Профессор Семёнов Тожикистон Фанлар Академиясида ишлади ва Туркистонда қадимдан яшаётган эронийлар тарихига оид кўп муҳим асарлар бостириб чиқарди. Руслардан фан билан шуғулланган ва ўша вақтлардаёқ юқори даражадаги давлат вазифаларида ишлаган инженер Кастальский билан Вяткин [1] ҳам шу даврда Самарқандда яшарди. Улар ҳам жуда кўп қимматли асарлар тўплашган. Қаршида сотиб олган бир асар Маҳмуд Восифий номли муаллифга тегишли бўлиб, унда ўн олтинчи аср бошида Темур авлодлари даврида, Ҳиротнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти тасвирланган экан. У замондаги жамият ҳаётини, айниқса, шоир Алишер Навоий ва унга яқин бўлган даврининг турмушини тасвирловчи бу асар жамият ва маданият тарихини ўрганувчи олимлар учун ниҳоятда қимматбаҳо бир манба бўлиб хизмат қилажак. Ичида кўп беҳаё ҳикоялари ҳам бўлган бу китобни Россия Фанлар Академияси чиқарди. Шаҳрисабзга келгач, бу ердаги Темур авлодлари даврида қурилган биноларга нақшинланган ёзувларнинг нусхаларини олдим. Уларга тўла изоҳлар ёздим. Руслар Бухорони босиб олганидан кейин 50 йил ўтса ҳам, Туркистоннинг энг буюк қурилиш обидалари бўлган бу бинолардаги ёзувларнинг фотосуратлари босилиб чиқмаган...

Шарқий Бухорога саёҳатим. Июнь бошида Ғузорга келгач, амирнинг амакиси бўлган Саид Акрам тўра, вали бўлишига қарамай мени жуда ҳурмат билан кутиб олди. Ҳукмдорлик қилган амакиваччаси Амир Олимхондан бу одам қаноатланмас эди... Саид Акрам тўра менга ўз саройида қолиб, ўғилларига муаллимлик қилишни, русча ўргатишни таклиф қилди... Инглиз офицерлари Кономи билан Студартни ўлдиртирган кекса Амир Насруллонинг (1928—1860) руслар тарафидан ишланган бир расми борлигини

---

[1] В. Л. Вяткин (1869—1932) — таниқли археолог, Самарқанд музейининг асосчиси, Улуғбек расадхонасини топган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билиб қолгач, шуни топиб юборишимни илтимос қилди. Кейинчалик ўша расм туширилган Ханиковнинг китобини топиб, юбордим. У киши русларни ёмон кўрар эди. Ундан кейин Сариосиёга келдик. Бизнинг достонларимизда Етели Бойсун номи билан машҳур бўлган ҳам достон қаҳрамони Алп Банзи Буйранинг (Алпомишнинг) туғилган ери, буйрак ва қўнғирот кўчма қабилаларининг асл ватанлари ҳисобланган Бойсуннинг беги билан танишдим. У менга бир кунда олти хил овқат қилиб едирди... Зиёли бир йигит бўлган Сариосиё беги Исҳоқбек менга қадимги турк суфийларининг ва Аҳмад Яссавийнинг асарларидан ташкил топган, мен шу кунга қадар билмаган эски, лекин тўла бўлган бир тўплам берди, уни ўзимга совға қилиб бергани учун Фанлар Академиясига топширмадим. Кейинчалик йўқолди. Топширсам йўқолмас эди.

Саёҳатимнинг натижалари. 14 июлда (1914 йил) Қаршига келгач, Россия-Германия уруши эълон қилинганини эшитдим, мен ҳарбий сафарбарликка илинатурғон бўлсам ҳам Петербургдан расмий хизматчи сифатида жўнатилганим учун қайтишга шошилмадим. Бухорода текшириш ишларини давом эттирдим. Мен ҳам бошқаларга ўхшаб бу урушда Туркиянинг Германия томонида бўлишини хоҳлар эдим. Бу тўғрида бухороликлар билан кўп сўзлашардик. Насрулло Қушбеги мени амирнинг саройига олиб келиб баъзи китобларни кўрсатди. Лекин бу ҳақда ҳеч ерда ёзманг ва бировга гапирманг, деб тайинлади. Бухорода учратган муҳим асарлардан бири XVII асрда Қозонда нашр этилган, Маҳмуд Вали тарафидан жуда пухта ёзилган жуғрофия китоби эди... Бундан бошқа яна Бухоро ва Хуросоннинг ўн еттинчи асрдан кейинги тарихига оид бир неча муҳим асар топдим. Шуларнинг бири, XVII асрда бухорода ўзбек шоири Имомий томонидан ёзилган «Хонлар тарихи» ёки «Хоннома» деган бурунги турк достонлари мажмуаси эди. Ўша асарнинг 1948 йили Истамбулда топилган форсча нусхаси ҳақида немисча ахборот ёзиб, 1954 йилда Кембриждаги шарқшунослар конгрессида маъруза қилдим ва Голландияда нашр эттирдим. Бу саёҳатим ҳам, аввалги Фарғонага бўлган саёҳатим каби фойдали, лекин уруш бошланиб қолганлиги туфайли қисқа бўлди.

Уфага келиб, бир неча кун қимиз ичиб, яйловдан қишлоққа қайтдим, у ерда ҳам кўп турмай Петербургга йўл олдим. Саёҳатим ҳақидаги ҳисоботимни Фанлар Академиясига ва Ўрта Осиёни ўрганиш халқаро жамиятига топширдим.

Петербургда шарқшунослар орасида ишлашим. Ҳисоботим натижалари Россия археология жамиятининг шарқ бўлими «Қайдлар»ида босилди. Бартольд билан Радлов бу саёҳатдан жуда рози бўлди... Бартольд «Темурнинг Ҳиндистонга сафари»ни бостириб чиқараётганида, корректурасига қарашдим. Улуғбекнинг ҳаёт йўлига бағишланган асари ёзилиши ва баъзи манбаларнинг ўқилишига ёрдам қилдим. Темурнинг Сурия, Шом, Анатолий (Рум) тарафларига сафарлари тўғрисида ёзилган асарни (муаллифи Шаҳобиддин Мунший) Фарғонада, хусусий хазинада кўриб, бир неча соат ичида танишган эдим. Китобнинг эгаси асарни Россияга жўнатишга рози бўлмади, кўп ҳаракат қилганим билан китобни қўлга кирита олмадим. Бу йил Бартольд билан бирга бўлганим мен учун жуда фойдали бўлди.

1916—1918 ЙИЛЛАР. СИЁСИЙ ҲАЁТ

1913—1916 йиллар ичидаги сиёсий алоқалар. 1915 йили Уфада муаллимлик қилиб юрган вақтларимда, китобимнинг («Турк-татар тарихи») қисқартирилган қисмини тиклаб, бошқа бўлимларини эса бироз ихчамлаштириб, расмлар билан «Туркистон археология жамияти ёзмалари»да нашр қилдирдим. Унга Фарғона хонларининг XVIII асрдаги тарихи деган янги қисмини ҳам қўшдим. Уни қўлимга тушган янги ҳужжатлар асосида ёзган эдим. Қозоқ султонларидан Салимғарай Жонтўриннинг Уфада уйи бор эди. У ўзи қишда Петербургда яшарди. Қиш ойларида унинг Уфадаги уйида баъзи сиёсий суҳбатлар бўларди. Унинг Туркистондаги сиёсий ҳаракатлар билан бироз алоқаси бор эди... Венгер олими Вамберининг Ўрта Осиё мамлакатлари ҳақидаги асарлари, айниқса, унинг 1905 йил инқилоби вақтида Россия мусулмонлари орасида бўлган сиёсий ҳаракатлар ҳақидаги рисоласининг русча таржималари менга кучли таъсир қилди.

1913 йилда вафот этганига қадар мен олимнинг ҳаёти йўли ва асарлари ҳақида катта бир мақола ёздим, у Қозондаги «Мактаб» ва Туркиядаги «Турк юрти» журналларида босилиб чиқди. Алихон Бўкайхон воситаси билан Фарғона валиси Наливкин билан танишдим. Бу зот туркча ва форсчани жуда яхши биларди, асосий манбаларни ўқиб ўрганган тарихчи эди. Қўқон хонлиги тарихига оид асари французчада ҳам нашр бўлди. 1908 йилда «Ерли халқларнинг қадимги ва бугунги куни» номли жуда яхши бир асари босилди. Унда муаллифнинг туркий халқларга бўлган самимий муносабати очиқ сезилади. Шу кунларда «Маҳаллий (ўзбек) аёлларининг турмуши» номли жуда муҳим бир рисола ҳам нашр эттирди. 1913 йилда у билан кўришганимизда мусулмонлар орасида ташкилотчилик ишлари олиб бориш тўғрисида сўзлашгандик. Ўша йили Фарғонага борган вақтимда у ердаги социал-инқилобчилардан Вадим Чайкин билан кўп марталаб кўришдим, шу заҳотиёқ мусулмонларни уюштириш тўғрисида сўзлашдик, русча ва туркча «Туркистон овози» («Голос Туркестана») деган ном билан бир газета чиқаришга қарор қилдик. Бу газетанинг туркчаси ҳақида Тошкентда адвокат Убайдулла Хўжаев,

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаллимлардан Мунаввар қори ва Қўқондан Ашурали Зоҳирий билан гаплашиб, уларни Вадим Чайкин билан яқиндан таништирдим. Газета чиқариладиган шаҳар, унинг ғояси қандай бўлишини қуйидаги уч бандда белгиладим, бу ўртоқларим ва Вадим Чайкинга ҳам маъқул тушди: 1. Сибирь темирйўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва аҳвол соҳасида тенгликни вужудга келтириш. 2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонлар ўртоқлашгуҳга, қишлоқ ва шаҳарлар учун жойлар бўлиб берилгунга қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик. 3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Бу программани қабул этган социалист Чайкин газетасини Андижонда, Убайдулла Хўжаев эса Тошкентда чиқара бошладилар. Мен ҳар икки газетада, тахаллус остида, Туркистонда муниципалитет (ўз ўзини бошқариш идораси) ва губерна идоралари (земство) тузиш ҳақида мақолалар бостирдим. Алқисса, 1913 йил охирларида Қўқонда миллий ва сиёсий мақсадга асосланган «Ғайрат кутубхонаси»ни ташкил қилишда иштирок этдим. Кўп вақт қишлоқда яшаган Ашурали номли бир кишининг манти пишириб сотадиган ҳовлисининг ички томонидаги уйи менга тураржой вазифасини ўтади. Сиёсий суҳбатлар ҳам шу ерда ўтар эди.

Фарғонага саёҳатим вақтида маҳаллий зиёлилар билан алоқаларимга руслар диққат қилган бўлсалар керак. Шарқшунос Жибуа олдида бўлиб, тарихга оид қўлёзма асарлар тўплаб ўрганган вақтларимда сиёсий суҳбатларда қатнашган-қатншамаганлигим тўғрисида Фарғона валиси ўзимдан дўстона оҳангда суриштирди. Шу туфайли ҳам мен балки, кузатиш остига олингандирман, деган хаёлга келдим...

Петербургда сиёсий ишлар. 1915 йил охирларида Петербургга келгач, Таврическая кўчасида жойлашган уч хонали уй ёнида бир социал-демократ грузин оиласидан бошпана топдим. У ҳар йили қиш ойларини Петербургда ўтказадиган Салимғарай Жонтуриннинг Шпалерная проспектидаги ҳовлисига яқин эди. Мен ҳуқуқли бўлмасам-да, Думада мусулмон фракциячилари томонидан ишлаб чиқилган бир неча декларацияларни тайёрлашда фаол қатнашдим ва Мустафо Чўқаев икковимиз ўша вақтда, Туркистонда фронт орқасига мардикорликка олинган мусулмонлар масаласи билан шуғулланиб, бу хусусда кўпинча депутат Керенский билан бирга ишладик. Отаси Тошкентда маориф инспектори эди, Керенский ҳам ўша ерда ўсганлигидан ва социал-инқилобчи, нотиқ сифатида мавжуд ҳукуматни кўп вақт танқид қилиб юрганидан туркистонликлар уни яхши кўриб қолган эдилар. Мустафо Чўқаев у билан жуда яқин алоқада бўлди. Мустафо Чўқаев ва мен Керенский ёрдамида ишчиларнинг аҳволи билан танишиш учун бир-икки марта фронтга ҳам бориб келдик.

1917 йилги инқилоб. Уй хўжайини грузин 16 февраль куни кечқурун «Эртага эрталабданоқ қўзғолон бошланиши мумкин», деб қолди. Эртасига жуда эрта уйғондим. Бироз ўтиб дарвозадан қуролли аскарий тўдаларнинг тартибсиз аҳволда ўтишларини кўрдим. Бу эса аскарларнинг қўзғала бошлаши бўлган. Шунда: «Ё, раббим, шу билан менинг ҳам, менинг миллатимнинг ҳам бирор қутилиш йўлини очгин», дея худога ёлбориб йиғладим. Ўзим ишлаган фракция томонга кетдим... Фракцияга бориб, у бинода яшаётган дўстим Чўқай ўғли ва Шоаҳметов билан бирга кўчага чиқдик.

Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ Қозон, Крим, Кавказ ва Қозоғистондан мусулмон сиёсий вакиллари кела бошладилар. Ҳар бир фракциядан Россия мусулмонларининг бир умум конгрессини ташкил қилишни сўрарди. Лекин бу конгерссни қандай асосда чақириш керак, маслаҳат режаси қандай бўлиши зарур, булар тўғрисида одамларда ҳар хил фикрлар юрарди. Фракция бюросининг дастлабки йиғилишларида энг фаол аъзолардан ва раис бўлган Аҳмад Солиҳов, Ахтамов, Исмоил Милонов ва Чўқай ўғли Россиянинг демократик бир жумҳурият бўлиши керак, деган фикрини ёқладилар. Сайитғарай Жонтурин билан мен Россиянинг Жумҳуриятлар федерацияси бўлиши керак, деган фикрни олға сурдик. Мен вилоятлардан вакиллар келгунга қадар бўлғуси конгресс ишларини уюштириш бўйича фикрларимни ёзиб тайёрлаш учун Финляндиянинг маркази бўлган Гельсингфорсга жўнадим. Петербургга қайтсам, Озарбайжондан Алимардон Тўпчибоши, Қозондан Садри Мақсудий, Сайитғарай Алкин, Қозоғистондан Алихон Бўкайхон келган эканлар. Улар русларнинг кадет (конституцион демократ) партиясига аъзо бўлиб, энди Тўпчибоши билан Бўкайхон ундан чиқиш ниятида эди...

Россия мусулмонларининг умум конгрессига тайёргарлик.

Фракция бюроси 27 мартда Екатерина черкови ёнидаги кўчада жойлашган «Петербург мусулмонларининг эзгулик жамияти» биносида Москвада бўлиб ўтадиган конгрессга қанча аъзо ва кишиларни чақириш, режа тузиш тўғрисида фикр олишув учун катта йиғилиш ўтказди. Унга Солиҳов раислик қилди. Мен бутун мусулмон қавмлари ва гуруҳлари ҳисобидан чиқиб, вакиллар йиғиш учун олти юзга яқин аъзо чақиришни тавсия этдим. Русия мусулмонлари сони, этнографияси бўйича маълумотлар бердим. Хельсинкида тайёрлаб келган тавсияларимни ўқидим. Аммо Солиҳов, Аёз Исҳоқий ва бошқалар Федерация фикрини маъқуллаб, «вакилларни кўпроқ Қозондан чақирайлик, ярмидан кўпроғи улар бўлсин», дедилар. Менга сўз бермасликка ҳаракат қилдилар. Аммо мен иш бу томонга қараб кетадиган бўлса, бутун ислом доираларига хатлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиб, аҳволни билдиришимни айтдим. Кун бўйи ва кечаси ҳам тўхтовсиз хат ёзиб, тарқатдим. Бокуга, Муҳаммад Амин Расулзодага ёздим, Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон мухтор жумҳуриятларини тузиш режаларини жўнатиш ҳамда Москва, Тошкент конгрессларига Озарбайжон федералистларидан вакиллар юборишни илтимос қилдим. Бошқирдларни, қозоқ ва ўзбекларни даъват этиш учун 28 мартда Тошкентга жўнадим...

Йўл давомида Оренбургдаги бошқирд зиёлиларидан Сафарғали Изелбаевни кўриб, унинг офицер ва университет талабаси бўлган ўғилларига турли ёққа жўнатадиган хатлар ёздирдим. Шу орада Тўрғай вилоятига губернатор қилиб тайинланган Алихон Бўкайхонов ва бошқа қозоқ зиёлиларини кўриб, уларни ҳам Москвага тегишли ҳолдаги аъзолар юборишни таъминладим... Тўртинчи апрелда Тошкентга келдим... Биз учун энг муҳими 9—16 апрелда йиғилган «Умум Туркистон бошқарма комитетларининг ўлка конгресси» эди. Мен Фракция бюроси аъзоси сифатида бу ишларда мандат комиссияси аъзоси бўлдим. Умум Туркистон конгрессида ҳам, тўпланажак мусулмон конгрессида ҳам федерация фикрини ўтказиш бўйича чоралар кўрдим. Бир неча кундан сўнг Петербургдан Мустафо Чўқай ўғли билан адвокат Шоаҳметов ҳам келди. Чўқаев кадетларга, Шоаҳметов социал-демократларга алоқадор бўлганликларидан федерация фикрига тамомила қўшилиб кетмадилар, лекин мени камситадиган сўз ҳам айтмадилар. Тошкентдаги рус газетлари бу икки кишидан федерацияга қарши мақола олишга ҳаракат қилсалар-да, улар ёзмадилар ва Чўқай ўғли конгрессларда халқ фикри Мухторият томонга оғгач, очиқ биз билан бирга бўлди.

Тошкентда йиғилган икки конгрессдаги кураш. Ҳозир бунда музокара мавзуи бўлган «Бошқарма комитетларининг ўлка конгресси»да олинажак қарорнинг «Ўлка мусулмонлар конгресси»га ва Туркистон конгрессларининг федерацияга қарши қарорлари пировардида Москвадаги Бутун Россия мусулмонлари конгрессига таъсир этишини биз яхши тушунардик. Шунинг учун қаттиқ кураш бошладик. Ҳозир бизга қарши чиққан дўстларимизни ҳам аяб бўлмасди. Тошкентнинг собиқ муниципалитет раиси ва кадет партияси раҳбарларидан бири бўлган профессор Маллицкийга қарши кескин кураш олиб боришга тўғри келди. Бу курашда мени самарқанлик муҳаррир, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий, эсерлар бошлиғи, эски дўстларим — Вадим Чайкин ва шарқшунос Зимин ҳимоя қилдилар. Қишлоқлардан келган онгли ўзбек, қозоқ ва туркманлар кадетларга нисбатан тўғри мавқе тутдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаммасини очиқ-ойдин тушунтириб бериши ҳам уларга таъсир этди. Шундай қилиб, қишлоқлардан келган мусулмон вакилларининг ҳаммасини федерация тарафдорларига айлантира олдик... яъни, унитаризм енгилди.

Аммо бу конгрессда, энг муҳими, Туркистонда вилоят ва шаҳар идораси, ўлка парламенти ва шаҳар вакилотининг (земство) тузилиши масаласи эди. Рус зиёлиларининг кўпчилиги кадет партияси тарафдори бўлди. Унинг раиси Маллицкий эди. Жуда ҳийлакор ва ерли зиёлиларга доимо шубҳа билан қарайдиган, рус империалист миллатчиси бўлган бу одам ўлка конгрессига ҳам раис қилиб тайинланди. Кадетларнинг ўлка идораси тузиш режалари ёзилиб, тарқатиш учун кўпайтириб қўйилган эди. Улар шаҳар идорасининг рус қисмини бир ёққа, маҳаллий халқ қисмини иккинчи ёққа ажратиб, муниципалитет тузиб, бутун идорани рус муниципалитетига ўтказмоққа йиғилдилар. Туркистоннинг умум вакилот мажлисига, асосан рус муниципалитет вакилларини сайлаш, жойларнинг сонини камайтириш, хотин-қизларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш фикрида эдилар. 13 апрель йиғилишида бу масала Маллицкий тарафидан катта маъруза ҳолида тушунтирилиб, олдиндан тайёрланган қарор ҳам ўқилгач, мен ўзим тайёрлаб келган режа ва қарорларни тавсия этдим. Уларни аввал туркийча, сўнгра русча тушунтирдим. Бу рус кадетлари учун кутилмаган иш бўлди. Чунки, мен русларнинг Туркистонда муниципалитет ва земство тузиш бўйича бир неча йил аввал бошланган нашрларини синчиклаб ўрганган эдим. Улар инглизларнинг Ҳиндистонда қўллаган идора тартиботини, яъни кам сонли босқинчиларнинг кўпчилик устидан ҳокимлигини таъмин этиш қонунлари ва усулларини русчага таржима этиб, бир неча бор нашр қилдилар. Мен 14 апрелдаги йиғилишга бу китобларни ҳам олиб келдим. «Бутун Россияда вакиллар ва бошқарма идора масалалари қандай мезондан келиб чиқиб ҳал этилса, Туркистонда ҳам шундай бўлажак. Туркистонликларнинг кўпчиликни ташкил қилишидан қўрқиш ярамайди. Сайловда ерли аёллар ҳам рус аёллари каби қатнашди, бу ерда ҳеч қандай чеклаш ва ҳадиксираш бўлиши керак эмас», дедим. Таржима этилган ва тайёрланган режаларнинг, инглизларнинг Ҳиндистон учун ишлаб чиқилган қонунларининг Туркистон учун яроқсизлигини мисоллар орқали исботладим. Аммо Маллицкий ва социал-демократ Доррер маҳаллий зиёлилардан бирдан-бир ўзбек ҳуқуқшуноси Тошпўлатбек Норбўтабековни ва қозоқ Мустафо Чўқаевни чалғита олдилар. Улар минбарга чиқиб, менга қарши тўғридан-тўғри гапирмаган бўсалалар-да... «Ўлка вакиллари мажлисида ишлайдиган, кўзга кўринган кишиларимиз ҳозирча йўқ, табиий, биз идорада озчиликни ташкил қиламиз, русча ўқиганлар кўпайса, ўлка идорасида ҳам ўрнимиз кўпайиб боради», деганнамо фикрларни айтдилар. Лекин Маҳмудхўжа Беҳбудий билан мен Туркистон парламентида фақат русча сўзлаш тўғри эмас, туркий ва рус тилларининг ҳуқуқла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри тенг бўлиши керак, деб чиқдик. Мен шу туфайли эски дўстим Мустафо Чўқаев билан баҳслашишга мажбур бўлганимдан жуда афсусландим...

Уларга «инглизларнинг Ҳиндистондаги босқинчилик усулларини Туркистонда қўллаш мақсадида, бу ҳақдаги қалин китобларни инглизчадан русчага таржима этгансиз, унинг ўрнига мустамлака ўлкаларга ҳукмронлик қилувчи миллат билан босиб олинган миллатга бир хил сайлов ҳуқуқи бериб, уларнинг келажакда тенг яшашларини тушунтирувчи асарларни рус ва туркий тилларга таржима қилиб, бостириб чиқарсангиз яхшироқ бўлар эди», дедим. Мунозара бошланди. Эсерлардан Вадим Чайкин ва шарқшунос Зимин мени ҳимоя қилиб чиққач, Маллицкийнинг гапини эшитувчи топилмади, лекин раислик вазифасини бажарувчи киши бундан фойдаланиб, ўша куни масалани ҳал этмасдан қолдирди. Маллицкий ўз фикрларини қатъийлаштириб, «Туркестанские ведомости» газетасида бир неча мақола бостирди, менинг, Беҳбудийнинг фикрлари эса бу газетанинг 16 ва 23 апрелда чиққан сонларида қисқартириб босилди. Маҳмудхўжа Беҳбудий билан бирга 16 апрелда тўпланган «Туркистон мусулмонларининг умум конгресси» президиумига келиб, аҳволни тушунтирдик...

Туркистон миллий шўроси ва Туркистон мухторияти. Мен бу кунларда Тошкентда эсерлар фирқасига ёзилдим. Бу курашда унинг ҳам фойдаси тегди. Мустафо Чўқай ўғли кадетлар ёрдамида Сирдарё вилояти идорасининг қишлоқ хўжалиги бўлимида вазифа эгаллади, чунки улар билан алоқада эди. Қозоқ Санжар Асфандиёров социал-демократлар, адвокат Шерали Лапин монархистлар уюшмасида эди. Шундай бўлса-да, бирлашманинг аҳамиятидан келиб чиқиб, мусулмонлар конгрессида «Туркистон миллий шўроси» идеяси билан чиқиш қилмоқчи бўлдик, 16 апрелда «Туркистон мусулмонлари умум конгресси» бошланиши керак, йўналиши бўлса ҳали тайёрланмаган эди. Мен унинг дастурини 15 апрель куни кечаси билан ёзиб, «Туркистанские ведомости» газетасига бердим. 16 апрель куни эълон бўлган бу дастур асосан маъқулланди. Шу кунларда кадет Львов ҳукумати тарафидан ташкил қилинган «Туркистон муваққат идора комитети» аъзолари келишди. Комитетда мусулмонлардан генерал Абдулазиз, Садри Мақсудий, қозоқ Муҳаммаджон Тинишбоев бор эди. Садри Мақсудий мусулмонларнинг мадраса ва вақф ишларига қарарди. Комитетнинг раиси кадет Шчепкин эди. Бу зот мусулмон конгрессини табриклади. Иш давомида президиум аъзолари навбатма-навбат раислик қилдик. Давлат идораси ва идорани ташкил қилиш масалалари бўйича маърузачи мен бўлдим, федерация ғоясини ҳар томонлама ёқлаб, тарихий далиллар билан исбот этдим. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва қозоқ муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам бу ғояни ёқлади. Ундан кейин Садри Мақсудий сўз олиб, федерацияга қарши гапирди. Бу ерга эсерлардан меҳмон тариқасида чақирилган Вадим Чайкин ҳам федерация ғоясини ҳимоя қилиб чиқди. Ниҳоят, бу фикр асосан қабул этилди. Ерли зиёлиларга кадетларнинг таъсири кучли бўлди. Шу жиҳатдан федерация ва Туркистонда бир парламент, бир земство фикрини қабул этмасликка ҳаракат қилдилар. Конгрессга келган вакилларнинг 100 дан 90 ни русча билмас эдилар. Садри Мақсудийбек ва татарлар номидан гапирган Кабир Бакир, Қарқалидан бир мишар савдогари ва қандайдир бошқа бир кишилар федерацияга қарши чиқиб, «фақат демократик Россия жумҳурияти» фикрини қатъий олға сурдилар. Бу орада Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев каби зиёлилар аввал федерация фикрига қўшилмадилар, буни хаёл бўлса керак, деб ўйладилар. Бу масала ўша дамда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва қўқонлик Обиджон Маҳмудовнинг иккиланмасдан мен томонида бўлишлари туфайли ҳал этилди. «Туркистон марказий шўро регламенти»да бир овоздан менинг лойиҳам қабул қилинди. Уни текшириб чиққан Обиджон Маҳмудов (Чатоқ) эртасига матбуотда бостирди... Беҳбудий ҳам мен томонда бўлди. Шунингдек, қўқонлик Ашурали Зоҳирий менинг тарафимни олган обрўли дўстларимдан бири эди...

Федератив тартибот ва мусулмон вакилларининг идора органларига чиқиши... Туркистонда идора шакли ҳақидаги қарорлар ўша вақтда кўпчиликни ташкил этган ўзбек ва қозоқ делегатлари Беҳбудий, Обиджон Чатоқ, Абдураҳмон Ўразаев каби кишилар таъсири остида қабул қилинди. «Туркистон муваққат комитети» аъзоларидан қозоқ муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам, дўстлари Давлетшин ва Мақсудийдан фарқли равишда, федерация фикрини ёқлади ва қабул этилган қарорлар билан конгрессни табриклади. Федерацияга қатъий равишда қарши чиққанларнинг халқ олдида обрўлари кетган эди. Ўз вақтида Думада мусулмонларнинг вакили бўлган Садри Мақсудийнинг «Биржевие ведомости» газетасида, Мусулмон Конгресси очилган куни (16 апрелда) босилиб чиққан декларациясидаги «сартлар учун мухторият фойдасиз» деганнамо сўзлари унинг ўзига қарши салбий муносабат уйғотди. Бир ҳафтага яқин давом этган «Туркистон мусулмонлари умум конгресси» кўп кишилар (айниқса кадетлар) учун кутилмаган юқори савияда, уюшқоқлик ва тайёргарлик билан ўтди. Конгресс Москвада, май ойида очиладиган «Бутун Россия мусулмонлари конгресси»да қатнашиш учун 12 кишилик комитет ва Туркистон мусулмонларининг талабларини ҳимоя қилиш, сайловларга тайёргарлик кўриш учун Туркистон мусулмонлари марказий шўросига Мустафо Чўқаев раис, мен саркотиб, Мунаввар қори, Обиджон Маҳмуд, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар аъзо бўлиб сайландилар. Тош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кент комитети ҳам тузилди, унинг раислигига Мунаввар қори билан Садриддинхон сайланди... Марказий Шўронинг органи сифатида «Кенгаш» номли газета чиқара бошладик. Бу газетадаги имзосиз чиққан бош мақолаларни мен ва Мунаввар қори ёздик. Кадетларнинг Шчепкин бошчилигидаги «Муваққат Туркистон комитети» бу ерда узоқ қолмай, Москвага кетди. Унинг мусулмон аъзолари Давлетшин билан Мақсудий бундан олдинроқ кетишган эди. Керенский ҳукумати томонидан янгидан тузиб юборилган «Муваққат Туркистон идора комитети»га аъзо қозоқ муҳандиси Муҳаммаджон Тинишбоев биз билан ҳамма соҳада фикрлашиб олди...

Тошкентда унитаризм ва реакцияга қарши кураш. Июннинг йигирманчисида Бошқирдистон қурултойи очилгунга қадар ярим ой Тошкентда ишладим. Бошқирд Марказий Шўроси ўлкани бошқариш ишини менга юклади. Аммо Туркистонда мухторият ҳаракати кучаймай туриб, на Бошқирдистон, на Қозоғистонда кенг ёйила олди. Бунда қозоқларнинг кадет фирқасидан бўлган Алихон Бўкайхон билан Мустафо Чўқаев иккиланишди. Ўзбеклардан самарқандлик муҳаррир Маҳмудхўжа Беҳбудий, қўқонлик Ашурали билан Обид Маҳмуд бу ғояларни ҳаётда амалга оширишга умидвор бўлган кишилар эди. Мен ва Беҳбудий, ёш ўзбек шоири Чўлпон, нўғайқўрғонлик татарлардан Тоҳир, Самарқанддан Ҳакимзода билан бир қанча шаҳарларга бориб, йиғилишлар ўтказдик, турли-туман жойларда бўлиб, Туркистон Марказий Шўросига одамлар жалб қилдик. Натижада мухторият фикрининг асл душмани саналган кадет партиясининг Тошкентдаги бошқармаси ўз таъсирини йўқота бошлади. Июнь ойи бошидан бошланган кураш натижасида мухторият ғояси таъсири ҳамма ерда кучая борди. Бу эса бизнинг Россия ташкилотчилар мажлиси (Учредительное собрание)га вакиллар сайлашда бирдан бир миллий дастур атрофида тўпланиб боришимизни кўрсатди. Туркистон Марказий Шўросини уюштириш масалаларини ҳам менга юкладилар, бунинг устига шўро органи бўлган «Кенгаш» газетасига ҳам бош муҳаррир эдим. Қозоқлар Мустафо Чўқай билан Султонбек Хўжаев раҳбарлигида нашр этила бошланган «Бирлик байроғи» газетаси атрофида йиғилдилар. Нашриётни ташкил этиш осон бўлмади. Унга ёрдам қилувчи Мунаввар қори томонидан тайёрланган ва туркча билган зиёлилар ҳали ёш эдилар... Қозонлик муҳаррир Абдулла Баттол мухторият фикрини ёқлади. У Тошкентга келиб, бироз вақт марказий шўрода ишлади. Оренбургдаги «Вақт» газетаси муҳаррири Кабир Бакир апрелда, Туркистон конгресси ўтаётган пайтда келиб, мухториятга қарши курашди, аммо кейинчалик фикрини ўзгартириб, мухторият томонда бўлди ва Туркистонда қолди. Бизнинг илтимосимиз бўйича Озарбойжондаги муссовет фирқаси бир-икки киши юборган эди. Улар анча фойдали иш қилдилар. Санжар Асфандиёр, Назир Тўрақул каби менга таниш ёшлар большевикларга яқинлашди, иккинчи тарафдан кучли бир уламо (фанатик дин аҳиллари) фирқаси майдонга келди... ва русларнинг аввалги Самарқанд губернатори Ликошин бошчилигидаги монархистлар доирасига яқинлашди. Мунаввар қори, Беҳбудий ва Бухоро жадидлари рус кадетларига ҳам, социалистларга ҳам қарши бўлдилар.

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi



Конфуций

ҲИКМАТЛАР

«Мунозара ва мулоҳазалар» китобидан

1.1 Устод айтибдир:
Муттасил ўқиб, камолга интилмоқ шавқига
Нима етсин?
Олисдан сўраб келган дўст юзига тушмиш
кўз завқига
Нима етсин?
Бировга машҳур бўлмаганидан
мажҳул бўлмаган эр
Ҳиммат эгаси эмасми?
1.3 Устоднинг сўзиким:
Бежама сўз, чиройли юздан
Ҳиммат кўнглини узган.
1.16 Устод айтибдир:
Одамлар сени билмаслигини қўй,
Ўзинг бировни билмаслигингдан куй.
2.7 Цзинь сўрабдики:
— Ҳозирда фарзандлик фарзи бу —
Туққанингни тўйғизмоқ тарзи...
Аммо, от ҳам, ит ҳам қўлдан ейди;
Фарзандлик фарзининг фарқи нимаки,
Ҳиммат қилиб, ҳурмат қилмаса?!
2.11 Устод таъбирича:
Эскини эъзозлаб, янгига етган, —
Илмда муаллим ўрнига ўтган.
2.15 Устод айтибдирки:
Мушоҳадасиз мутолаа — пуч!
Мутолаасиз мушоҳада — ёвуз куч!

Чин-Мочинда Буюк хитой деворидан ҳам мустаҳкамроқ бир қўрғон борки, бу Конфуций таълимотидир. Ўзаро иззат-ҳурмат асосига қурилган бу таълимот, якин икки ярим минг йилдан буён барҳаётдир!

Конфуций — лотинча Конфуциуснинг ўрисча кўриниши бўлиб, хитойча Кун Фу-Цзи (ўқитувчи Кун)дан олинган. У эрадан олдинги 551—479 йилларга яқин даврда яшаган. Юзлаб ўқувчи-шогирдлари билан суҳбат асосида юзага келган ҳикматлари комил инсон, адолатли давлат, маърифатли миллат яратишга қаратилган таълимотдир. Конфуцийдан бизгача етиб келган ягона ҳикмат китоби «Лунь Юй» («Мунозара ва мулоҳазалар») кейинчалик бутун Шарқ халқларининг ахлоқ-одоб қоидалари обидасидан бирига айланган. Ҳаттоки, тасаввуф таълимоти томирлари ҳам Конфуций чашмасидан сув ичишини кўриб, ҳайратга тушмаслик мумкин эмас. Нафс ва ҳавасни тийишдан тортиб, ҳиммат ва муҳаббат сифатлари ҳам дастлаб Конфуций ҳикматларида акс этган.

Оқил ошиқни на билсин?
Ошиқ восилни на билсин?!

Дарҳакиқат, диққат қилинса, ҳар кандай донишманд, оқил ҳам, ишқ ўтида ўзи ўртанмаї туриб, ошиқ ҳолатидан далолат беролмаганидек, куйиб кул бўлган ошиқ ҳам, ёр васлига етиб, мурод ҳосил қилган — восилнинг масту мустағриклиги изоҳидан узоқдир.

Муштарийларни ана шундай, кадимдан маълум ва ҳозиргача бизга номаълум дунёга даъват этамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2.17 Устод дебдир:
Ю!
Сенга билим ўргатайми? Кел,
Ниманики билсанг, биламан, деб бил,
Билмаган нарсангни билмайман, дегил;
Билим — айни тилдан олинган ҳосил!
2.19 Ойгун ҳокими сўрабдир:
— Элни итоатда сақлаш сирини айтсанг?
Устод жавоб айлабдир:
— Тўғрини кўтариб, ўғрини сурсанг,
Эл бўйсунади;
Йўғ-а,
Ўғрини кўтариб, тўғрини сурсанг,
Элдан исён унади!..
2.23 Цзичжан сўрабдир:
— Яна ўн пушт ўтгач, замоннинг нима кечишини
билиб бўлармикин?
Устод шундай жавоб айлабдир:
— Инь сулоласи Ся сулоласи расмига суянди,
Нимани чиқариб, нимани қўшганлиги ўзингга равшан.
Чжоу сулоласи Инь сулоласи расмига суянди,
Нимани чиқариб, нимани қўшганлиги ўзингга равшан.
Чжоу сулоласидан кейин келажак
Юзлаб насллар фаслини ҳам билса бўлади.
3.15
Устод, улуғ бир ибодатхонага кириб, кўзи тушган
нарсани суриштираверди.
Кимдир киноя қилди:
— Цзоуликнинг ўғли удумни билади, деган
бекор айтибди.
У ибодатхонада ҳар бир икир-чикирни
суриштирди.
Бу гап қулоғига етган Устод айтибдир:
— Удум ушбудир!
3.20 Устод шарҳлабдирким:
«Келин кутиш» қўшиғи
Шўх бўлиб, шодлик улашмайди;
Қайғули-ю,
кўнгилга мунг илашмайди.
4.10 Устод айтибдир:
Ота-онангни тирик куйдириб, бедарак кетма;
Кетсанг...
Манзил тут, муқим тур,
назардан йитма!

5.5 Биров айтибдики:
— Юн ҳиммати баланд одам,
Ажабки гапга уста эмас.
Устод дебдир:
— Бежама гапдан нима наф?!
Кишидан тулкитиллиликни тилаш —
Кўнгил уйида ғайирлик уйғотишдир.
Ҳиммати баландни билмадим, аммо,
Тили ёғлидан дилим доғли!
6.20 Устод айтибдир:
Оқил ошиқни на билсин?
Ошиқ восилни на билсин?!
6.22 Фань Чи, билим нима, деб сўради.
Устод шундай жавоб берди:
— Халқ йўлида ҳақни тиклаш,
Инсу жинснинг ҳурматини қилиб,
хизматига кирмаслик, —
Билимдан муддао шул!
Фань Чи яна, ҳиммат нима, деб сўради.
Устод шундай жавоб берди:
— Ҳимматнинг қиймати — заҳматдир,
Раҳмат ёғиши — оқибат;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳимматдан мақсад шул!
6.24 Цзай Во сўради:
— Ҳимматлига, кудуққа одам тушди, деса, кетидан тушсинми?
Устод шундай жавоб берди:
— Нега тушсин? Қудуқ бошига борса кифоя.
Ҳимматли адашади,
Аммо, уни алдашолмайди!
7.1 Устод айтибдир:
Мен яратувчи эмас, давомчиман,
Ўтмишни астойдил суяман.
Лаопинга[1] тенглашишдан ўзимни қандай тияман?!
7.2 Устоднинг сўзиким:
Сўнгсиз ўйга ботиб, ёддан тоймаслик,
Ўқиб тўймаслик,
Бошқаларни йўлга бошқаришни қўймаслик, —
Э воҳ, бу хислатдан узлатдаман, эгам!...
7.3 Устод дебдир:
Яхшилар дўст бўлмаса,
Ўқишни хушламаса, бурч йўлин ушламаса,
Қусурни рустламаса, —
Анга азадор бошим!..
7.7 Устод аҳдда айтибдир:
Таълимимдан биров олим бўлди деб, айтмайман.
Аммо, ҳалим бўлсин деб,
Бир парча гўштни келтиришса ҳам
Таълим беришдан қайтмайман!
7.8 Устод сўзидирким:
Куймаганнинг кўзини очма,
Ҳайратсизга ўқиш ҳайф!
Битта буржни ўлчаб,
Қолган учтасидан мужда топмаганга
Бўлишма!..
7.20 Устод дебдир:
Билимни она қорнидан олиб тушмаганман;
Ўтмиш қонимда-ю, ўқишдан тўхтамасман!

7.22 Устод айтибдир:
Ҳар уч ўткинчидан бири менга пирдир
Тўғридан қўл оламан.
Букридан букилмасликни ўрганаман.
Эгридан уяламан.
7.26 Устод айтибдир:
Одамнинг авлиёсини учратмадим;
Бир ҳиммат эгасини кўрганда ҳам
Мунча куймасдим...
Қулфатни улфат билиб,
Атайин
Йўқни бор, борни йўқ қилсак, —
Тайин қолмаслиги тайин!
8.9 Устод айтибдир:
Элни куч билан итоатга кўндирсанг ҳам,
Куч билан илм отига миндиролмайсан!
8.10 Устод айтибдир:
Қашшоқ ўктам келса,
Қулга ўт теккани шул!
Элдан ҳиммат кетса,
Юртга ўт кетгани шул!
8.17 Устод дебдир:
Йўлга киролмаслигинг,
Жилов тутолмаслигингни билсанг,—
Жонингга ўқиш ора киради!
9.9 Устод дебдир:
Кўкдан узилса кўнгил,
Сувдан кутмасам кўклик, —
Ўлганим ўшал кундир!

[1] Афсонавий коҳин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9.14 Устод ёввойилар орасига бориб яшашни ихтиёр этди.
Биров айтдики:
— Бунга йўл қўймаймиз! Улар ёмон одамлар!
Устод шундай дебдир:
— Бу қандай гап?
Ўзинг яхши бўлсанг, ёмон нима қилсин?
9.29 Устоднинг айтишича:
Билган иккиланмас,
Ҳимматли ўпкаламас,
Ўктам ўмганламас!
10.1 Она қишлоғига йўли тушса Конфуций...
Анқову соқов бўлар эди!
11.12 Цзи Лу руҳу арвоҳни рози қилишдан сўз оҷди.
Устод айтдики:
— Одамга ёрдам қилмаган,
Арвоҳга нима қиласан?
Анда сўради:
— Ўлимни билсак бўладими?
Устод айтди:
— Тирикни билмаган,
Ўликни нима биласан?!
11.16 Цзигун сўради:
— Ши оқилми, Шан?
Устод айтди:
— Ши четлаб ўтади, Шан етмай қолади.
Цзигун яна сўради:
— Унда, Ши яхши экан-да?
Устод айтди:
— Четлаган, етмагандан яқин эмишми?!
11.20 Цзичжан, яхшининг йўли қандай, деб сўради.
Устод жавоб қилди:
— Юрган йўлдан юрмайди,
Оромгоҳни кўрмайди!
12.3 Сима Ню[1] одилликдан сўради. Устод айтди:
— Одилнинг тили оғир айланади.
Шогирд қайтариб сўради:
— Қийналиб гапирган одилга ўтадими?
Устод айтди:
— Қийин ишда ўйин кетмайди!
12.7 Цзигун давлатнинг давомийлигидан сўради.
Устод айтди:
— Ошинг оша-тоша,
Лашкар мўл бўлиб,
Элинг эътиқод қўйса, —
Ҳукминг муқимдир.
Цзигун сўради:
— Зарурат талаб қилса,
Буларнинг қай биридан кечай?
— Аскардан кеч! — деди Устод.
Цзигун яна сўради:
— Боз зарурат талаби билан,
Қолганлардан қай бирининг баҳридан ўтай?
Устод жавоб берди:
— Томоқнинг баҳридин ўт!
Ўлим-ку, бор гап!
Аммо,
Элнинг назаридан қолсанг,
Давлатинг барбод!..
12.17 Цзи Канцзи[2] давлат юритишдан сўради.
Устод айтдики:
Давлатни юритиш —
Иллатни қуритишдир.
Ўзингки, тозасан,
Ўзгани қутқазасан!

---

[1] Конфуцийнинг шогирдларидан.
[2] Подшоҳ Лу аъёнларидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

12.18 Ўғрилар жонидан тўйдирган Цзи Канцзи Конфуцийдан маслаҳат сўради. Устод айтдики:
— Ўзинг туғдирмасанг,
Ўғрилик гўрда туғсинми?!
12.19 Цзи Канцзи Конфуцийдан давлат идорасини мустаҳкам тутишнинг йўлини сўради:
— Йўлни қўлдан қўймаймиз десак,
Йўлдан озганни оссак бўлмасми?
Устод айтди:
— Ҳукмдор бўлсанг,
Давлатни дорсиз идора қил; химматга интил,
иярганни эл бил;
Ҳукмдор ҳиммати — эпкин; элники майса,
Майса эпкинга эгилади!
12.21 Фань Чи Устод ҳамроҳлигида Ёмғир меҳробини тавоф этаётиб, айтдики:
— Изн берсанг, баланд ҳиммат, иллатдан покланиш,
Адашганни аниқлашдан сўрасам?
Устод жавоб берди:
— Яхши сўрадинг.
Хирмонни ўйламай,
Меҳнатдан тинмаган
Ҳиммати баланд эмасми?!
Бошқага лат бермай,
Ичингдаги иллатга ўт очмоқ
Айни покланиш эмасми?!
Оний бир асабдан ғазабинг забтига олса,
Адашмоқ шу эмасми?!
12.22 Фань Чи ҳимматдан сўради. Устод айтдики:
— Бу ўзни қўйиб, ўзгани суймоқдир!
Фань Чи яна билимдан сўради. Устод айтдики:
— Ўзингни ҳам ўзгани ҳам билмоқдир. (...)
13.9 Вэй хонлигидан ўтаётганларида, фойтун жилови Жань Ю қўлида эди. Устод одамнинг кўплигидан ҳайратга келди:
— Ўҳ-ў, бу халқнинг кўплигини!
Жань Ю сўради:
— Кўпайган экан, халқнинг ҳақига нима қилиш керак?
— Бойитиш керак! — деди Устод.
— Бойиди ҳам дейлик, яна нима қолади?
— Ўқитиш керак! — деди Устод.
13.12 Устод айтибдир:
Ҳокими ҳақ топилса,
Бир пушт ўтмай, мутлоқ поклар туғилади!
13.27 Устод сўзидирким:
Қатъиятли,
Ҳамиятли,
Камгап билан
Ҳамгап бўлсанг,
Ҳамдард топдим, деявер!
14.29 Цзигун одамга баҳо беришни хуш кўради.
Устод айтдиким:
— Бу иш ақлдан эмас!
Ҳар ким ўрнида азиз,
Биров-бировдан кам эмас!
14.30 Устоз айтибдир:
Биров билмаганига эмас,
Қўлимдан келмаганига куяман!..
14.34 Биров сўрабдир:
— Ёмонликка яхшилик қайтарса,
Қандай бўларкин?
Устод айтибдир:
— Унда, яхшиликнинг ҳақи нима?
Ёмонга ғайирлик қилма,
Хайрнинг ҳақи хайрдир!
14.41 Устод сўзидирким:
Удумни билган, улусни билади!
14.42 Цзигун комиллик йўлини сўради. Устод айтди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳимматли бўл, ҳурмат қил!
Цзигун таажжуб-ла сўради:
— Шу халосми?
Устод айтди:
— Илмга интил, эргаштир!
Цзигун яна сўради:
— Кифоями?
Устод айтди:
— Ранж торт, элни тинчлантир!..
15.3 Устод сўради:
— Си! Мени кўп ўқийди, кўп билади, дейсан-да?
Си айтди:
— Эса-чи?
Устод деди:
— Ҳолбуки, мен фақат бир нарсани —
Ҳақни биламан!
15.13 Устод айтибдир:
Ҳимматни сумбатдан
Қиммат билганни топмадим.
Тамом! Бор умидим пучга чиқди!..
Хўш энди, ҳаётим?!.
15.22 Устод айтибдир:
Ҳамиятли эр, қатъиятли келади.
Бировнинг юзини юлмайди,
Номард билан ош-қатиқ ҳам бўлмайди!..
15.27 Устод дебдирким:
Гапни кўп қалаштирма,
Донишмандни шоширолмайсан.
Икир-чикирни аралаштирмай,
Катта ишни амалга оширолмайсан!
15.32 Устод айтибдир:
Йўлни тўғри тутсанг, тўқ тутади;
Ейишнинг пайига тушсанг,
Йўқ этади...
16.1 Устод айтибдир:
...Бойлик тўғри тақсимланса,
Камбағал қайдан бўлсин?!
Боши қовушган эл нега кам бўлсин?!
Юқори-қуйи табақа ҳамоқат бўлса,
Тахтни ким тўнтарсин?!
16.8 Устод сўзидирким:
Комил киши уч нарсадан ташвиш тортади:
Худонинг хоҳиши,
Авлиёнинг қойиши,
Улуғларнинг тойишидан!..
16.10 Устод сўзича, ҳиммат эгаси тўққиз сифатни
орзу қилади:
Кўзи ўткир, қумқулоқ бўлса, юзи кулиб турса,
ҳаракатида баракат, иши пишиқ, лафзи тоза бўлса,
иккиланганда сўрашдан ийманмаса, қаҳри қўзиганда
оқибатини ўйласа, кўнглида адолат офтоби бўлса,
пайтида фойдани билса...

17.12 Устод айтибдир:
Келбати бўлиб,
Журъати бўлмаган киши —
Ўргимчак уя қўйган
Деворнинг тирқиши!

17.14 Устод айтибдир:
Кўча гапига куч берганнинг
Мияси пуч келади!..

17.21 Устод дебдирким:
Битта қорин ғами билан
Қунни кеч қилмоқ оғир.
Ҳамманинг кўнгли шу бўлса,
Дунё охир бўпти, охир!
17.24 Устоднинг айтишича:
Хотин-халаж билан ишлаш қийин —
Яқинлашсанг,
қулоқ осмай қўяди;
Узоқ турсанг, одамовига йўяди...
20.3 Устод айтибдир:
Одамнинг сўзини билмай,
Ўзини билолмайсан.
Русумини билмай,
Эл орасига киролмайсан!

Ўрис тилидан **Саъдулла АҲМАД ўгирмаси**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Комил Яшин

БИЗНИНГ ҒАФУР

Ернинг ҳар бурчида одамлар гоҳо
Менга ўз тилимда сўйлар, гумон йўқ.
Ўзбек кўп бутун Ер юзида, аммо
Оламда ҳеч бошқа Ўзбекистон йўқ[1].

1928 йилда йўлим тушиб Андижондан Тошкентга келдим-да, ўша пайтларда округ газетаси сифатида чиқиб турган «Шарқ ҳақиқати» редакциясига кирдим. Мақсадим анча-мунча танилиб қолган шоирлардан бўлган Ғафур Ғуломни кўриш ва яқинроқдан танишиш эди.

Ғафур Ғуломни матбуотдаги асарлари орқали билсам ҳам олисда яшаганидан у билан шахсан таниш эмасдим. Ўша пайтларда Андижонда яшардим, икки ярим йил Ленинградда ўқиб ҳам келган эдим. Ғафур эса Тошкентда турарди. У билан учрашолмай юрганимнинг ҳам сабаби шу эди.

Ғафур Ғулом ўша пайтларда «Шарқ ҳақиқати»да масъул котиб лавозимида ишларди. Мени у жуда ҳам самимий, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ўзимни таништирганимдан кейин: «Биламиз, биламиз, Яшин бўласизу танимаймизми!», деб ҳазиллашган ҳам бўлди.

Менга ўшанда аввало Ғафурнинг дилкашлиги, самимийлиги, нимаси биландир одамни ўзига қарата олиши, аниқроғи, истараси иссиқлиги ҳам ёқиб қолди. Икковимиз қадрдон ошналардек чақчақлаша кетдик.

Ғафур билан дўстлигимиз ўшандан бошланган. Чамалаб қарасам, бунга ҳам олтмиш беш йил бўлибди.

Мен Ғафурни 1923 йилда ёзган «Гўзаллик нимада?» деган биринчи шеъридан бери биламан. У адабиёт оламига жўшқин, ҳозиржавоб, даврнинг ўтли нафасини ва шиддатини чуқур ҳис қиладиган хассос шоир сифатида кириб келди.

Унинг жарангдор овози айниқса халқимиз бошига оғир синов ва ташвишлар тушган Улуғ Ватан уруши йилларида баралла янгради. Жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини эзгулик душмани бўлган фашизмга қарши узил-кесил курашга, уни буткул тор-мор келтиришга, томомила янчиб ташлашга қаратди, олчоқ ёвлардан, мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирган, тинч аҳолини ваҳшийларча қираётган, шаҳар ва қишлоқларимизни ёндираётган одамхўр ваҳшийлардан ўч олишга чақирди. Яқин келажакда эрксевар кучлар, азамат халқимиз одам сиёқли маҳлуқларни табаррук тупроғимиздан қувиб чиқаришини, зафар қозонишимиз муқаррарлигини, тинчлик ва осойишталик бутун жаҳонда қарор топажагини комил ишонч билан изҳор этди. Шоирнинг нигоҳи олис-олисларни кўзлар, келгусида рўй беражак воқеаларни қалб кўзи билан кўрар, вужуди билан ҳис этар эди.

Ғафур Ғуломнинг уруш йилларидаги публицистик лирикаси ўзбек адабиётининг доврўғини янада оширди. «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман», «Соғиниш» сингари ажойиб шеърлари мамлакатимизнинг А. Сурков, К. Симонов, А. Твардовский, А. Прокофьев сингари забардаст шоирлари асарлари қаторида бутун мамлакат бўйлаб янгради, халқ фарзандларини қаттол душманга қарши курашга чорлаб, ёвларни даҳшатга солди. Ғафурнинг шеърлари ҳам «Правда» газетасида босилар, самолётлардан варақа сифатида ташланар, шу тариқа ҳамма томонларга етиб борар эди. Моҳир совет ёзувчиси, оташин публицист, уруш йилларида А. Фадеев, М. Шолохов, Б. Полевой сингари фронтнинг олдинги сарҳадларида бўлиб, ўз қалами билан душманни қийратган Илья Эренбург Ғафур Ғуломнинг оташин шеърлари ҳам ғалабага муносиб ҳисса қўшганлигини мамнуният билан алоҳида таъкидлаганди. Илья Эренбург бу фикрни 1943 йилнинг қишида Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунларида Марказий Адабиётчилар уйида бўлган учрашувда ҳам, пойтахт корхоналарида меҳнаткашлар билан бўлган учрашувларда ҳам айтган эди.

---

[1] Шоир Мирза Кенжабекнинг «Ўзбекистон» шеърида бу сўзлар Ғафур Ғулом тилидан айтилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғафур Ғулом асарларининг аҳамияти, эстетик қиммати, улардаги теран ва ҳаётий фалсафа, салмоқ ва бадиият борасида давримизнинг буюк санъаткорларидан Алексей Толстой, Николай Тихонов, Абулқосим Лоҳутий, Берди Кербобоев, Якуб Колас, Константин Симонов ва бошқалар ҳам ажойиб гаплар айтганликлари барчага маълум.

Ғафур, қўлни кўксимизга қўйиб айтадиган бўлсак, ҳақиқий, чинакам, халқ севадиган ва ардоқлайдиган шоир эди. Унинг шеърларининг мазмуни уйдирма, ясама, сохта, ғайритабиий эмас, аксинча халқнинг дилидаги, унга хуш келадиган, завқ-шавқини оширадиган, руҳини кўтарадиган, ақл ва заковат билан йўғрилган фикрлардан иборат бўларди. Шеърларини ўқиган одамнинг тўлқинланиб кетиб, дилида илиқ ҳислар уйғониши, ҳаёт кўзига янада гўзалроқ кўриниши, инсоний қадр-қимматини ва ифтихорини чуқурроқ сезиб олишига ҳам сабаб шунда деб ўйлайман. Инсонийлик, ватанпарварлик, байналмилалчилик, садоқат туйғулари шоир асарларининг ҳужайра ва тўқималарига сингиб кетган. Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин ҳаёт фалсафаси нуқтаи назаридан фикр юритади, воқеликка давримизнинг илғор инсонпарвар, тараққийпарвар вакили кўзи билан боқади ва мушоҳада қилади. Мана унинг китобхонлар оммасига ёд бўлиб кетган «Вақт» шеъридаги даврнинг буюк ҳақиқатини тасдиқловчи қуйма сатрлар:

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик.
Баъзида бир нафас олғулик муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқаолур янгидан жаҳон.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашга отилган советнинг ўқи
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Мен шуни дадил ва чуқур ишонч билан айтаоламанки, Ғафур Ғуломнинг бадиий юксак ва чуқур фалсафий асарлари жаҳон адабиётининг энг яхши ва бебаҳо дурдоналари қаторида туради ва ҳар қанча қадрланишга ҳақлидир.

Ғафур Ғулом устоз санъаткорлардан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Муҳаммадшариф Сўфизодалардан кейин «Халқ шоири» деган юксак ва фахрли унвонга сазовор бўлди. Бундай шарафга у ўзидан илгари ўтган қаламкашларнинг ижодларини яхшилаб, қунт билан ўрганганлиги, уларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирганлиги, новаторларча иш кўриб, ҳаётни, халқни, ватанни чуқур севганлиги, эл-юрт манфаати йўлида жонбозлик ва фидокорлик билан меҳнат қилганлиги туфайли мушарраф бўлди.

Ғафурнинг ёшларга устозлигини ўйласам хаёлимга бир қанча ижодкорларнинг номлари келаверади. Ҳозирги адабиётимизнинг иккинчи бўғинига мансуб бўлган талай ёзувчилар ҳам, уларнинг изларидан дадил келаётган ёшлар ҳам ўзларини ҳақли равишда Ғафурнинг шогирдлари деб санайдилар, бу билан фахрланадилар. Ғафур уларнинг кўпчилигига оқ йўл тилаган, китобларига сўзбошилар ёзган, ҳатто ном қўйишда ҳам кўмаклашган. У шогирдларнинг ёзганларини синчиклаб кузатиб борар, учрашиб қолганларида фикрлари билан ўртоқлашар, мақтовни ҳам, танқидни ҳам жуда жўяли қилиб айтар, ҳеч кимнинг дили оғримас, аксинча, янгидан-янги ишларга, катта мақсадларга руҳлантириб юборар эди.

Шоир икки бор яшайди. Биринчиси ўзининг ҳаёти бўлса, иккинчи умри асарларида, шогирдларининг оқибатларида давом этади. Ғафурнинг талай шогирдлари оқибатни унутмаган ҳолда устоз ҳурматини жойига қўйиб келмоқдалар. Дўстим орамиздан кетганига чорак аср бўлса ҳам биз унинг овозини ҳар куни, кунора эшитиб турибмиз, асарлари кундалик матбуотда, журналларда, тўпламларда чиқиб турибди, кўп жилдли мажмуаларида ҳам китобхонларга пешма-пеш етказилаётибди. Мен шу ўринда Ғафурнинг содиқ шогирдларидан бўлган ёзувчи ва таржимон Ваҳоб Рўзиматовнинг текстолог, тадқиқотчи, муҳаррир ва тўпловчи сифатидаги беназир меҳнатини тилга олиб ўтишни истардим. Ваҳобжон Ғафурнинг бевосита қўли остида ўсган ижодкорлардан. У устозининг охирги нафасигача ёнида бўлди. Кекса тадқиқотчи Порсохон Шамсиев билан бир қаторда Ғафурнинг асарларига тартиб берди, тўплади, нашрга тайёрлади, муҳаррирлик қилди. 1966 йилдан бери Ғафур қолдирган бой ва кўп қиррали адабий меросни тўплаш, ўрганиш ва нашрга ҳозирлаш билан шуғулланиб келмоқда. Ғафурнинг айрим шахслар қўлида бўлган, ўз вақтида босилмаган талай асарларини топди, вариантлари мавжудлигини аниқлади ва шоирнинг кўп томлигига киритди. Биз Ғафур Ғуломнинг шу вақтгача китобхонларга тақдим этилган ўн томлиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси нашр этган 12 томлигида бу заҳматкаш ижодкорнинг жуда катта ҳиссаси борлигидан кўз юмолмаймиз. Бу улкан ва хайрли, ҳам илмий, ҳам ижодий иш албатта тақдирланишга лойиқ ва сазовордир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғафур кўнгли тоза, покиза, дўстларнинг шодлигидан қувонадиган инсон эди. У жуда кўп одамларга яхшилик қилган, тўғри йўл кўрсатган, мадад берган. Ўзимга қилган яхшиликларини ҳам умрбод унутмайман. У суҳбатлашиб қолган пайтларимизда асарларим ҳақида омади гапни айтарди, ё мақтарди, ё койирди. Шунинг учун ҳам ғамхўр ва жонкуяр дўстимни ҳар сафар зўр ҳурмат ва мамнуният билан ёдга оламан.

Юқорида қисман тўхталганим 1943 йилнинг қишида Москвада ўтаётган Ўзбек адабиёти ва санъати кунларида бир воқеа бўлган эди. Борганимиздан икки-уч кун ўтгач, бир масалада келишиб олгани Ғафурни қидириб қолдим. Ҳаммамиз Ҳамид Олимжон бошчилигида «Москва» меҳмонхонасига тушган эдик. Ғафурнинг хонаси иккинчи қаватда эди. Мен эшигини охиста тақиллатдим. Ғафур мени ичкарига бошлаб, генерал формасидаги қорачадан келган бўйдор бир ҳарбий билан таништирди. У биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов эди. Генерал Москвага командирларнинг Бош штабдаги қисқа муддатли курсларида ўқишга келган, уни битириб энди фронтга жўнамоқчи бўлиб турган экан.

Мен генералнн биринчи марта 1929 йилда кўрган бўлсам ҳам у билан яхши таниш эмасдим. Ўшанда «Икки коммунист» деган биринчи йирик саҳна асаримни Самарқандда бўлган Ўзбек драма театри режиссёри Маннон Уйғур саҳналаштираётган эди. Етакчи саҳна усталаридан Аброр Ҳидоятов ўшанда Самарқанддаги отлиқ аскарлар полкида ажойиб бир командир борлигини, Бокуда ўқиб келганлигини айтган ва у билан албатта танишиб олишни маслаҳат берган эди.

Ўша пайтларда ҳарбий хизматга чақирилган Абдуҳаким акам Самарқанддаги отлиқ аскарлар полкида хизмат қиларди. Акамни кўргани полкка борганимда ажойиб командир Собир Раҳимовни олисдан кўргандим, аммо яқинроқ танишиб ололмаган эдим. Мана энди замонанинг зайли билан ўша командир билан бир хонада дастурхон атрофида ўтирардик.

Собир Раҳимов, Ғафур ва мен ўшанда кечаси билан мижжа қоқмай, то Москва тонги бўзариб отгунича гурунглашиб чиқдик. Генерал бизга фронтдаги воқеалардан ҳикоя қилди, биз республикамиздаги янгиликлардан сўзладик.

Ўшанда генералнн кузатаётганимизда Ғафур менга, бу ажойиб инсон ҳақида каттароқ бир асар ёзиш кераклигини, бу ишни мен қилишим зарурлигини таъкидлаган эди. Мен дўстимни гапини икки қилмай ўшандан бошлаб генерал ҳақида материаллар йиға бошладим. Ҳалқимиз орасидан етишиб чиққан бу ажойиб саркардага бағишланган «Генерал Раҳимов» пьесаси шу тариқа вужудга келди. Кейинчалик шу номдаги бадиий фильм ҳам томошабинларга тақдим этилди.

Тошкентда шоир Ғафур Ғуломга ҳайкал ўрнатиш, хотирасини абадийлаштириш йўлида қўшимча ишлар қилишга вақт аллақачон етган-ку. Нимага қараб турибмиз?

Биз унинг ҳар қанча ҳурматини жойига қўйсак, ардоқласак ва эъзозласак арзийди.

● ● ●

Урфон Отажон

ЎҚИНЧ ВА ЎТИНЧ

Сиз э,озода дўстлар, бу кўнгилни эҳтиром айланг,
Мабодо ваҳшликда шуҳрати, оҳиста ром айланг.

Ҳамиша масту бепарво, лобар, танти бошимдан
Риё базмида аммо бериё андуҳу жом айланг.

Кесиб томирларимни дилдаги зарбим билан пайваст,
Мақоми келди, денгу базмингизда шашмақом айланг.

Эсиз жонимга жонингиз сабабдан етгани озор,
Мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг.

Қаро дилларни равшан қилғали найзам қалам бўлди,
Кўзингиз ҳуққасидандир сиёҳим, интиқом айланг.

Агар виждон аро бир партави тушса бу сатримдан,
Бу эски қулни тутдик, денгу Ғафурни Ғулом айланг.

Ғафур Ғуломнинг ижод хазинасида бир неча ажойиб ғазал ва мухаммаслари бор. У дўстлари билан бўлган ғазалиёт мушоираларида ҳамиша ҳозиржавоб бўлган.

«Айланг» радифли ушбу ғазалнн ҳар сафар ўқиганимда ўзимча янгидан-янги маънолар топаман, «шоир балки шундай демоқчидир» деб фараз қиламан. Кўз ўнгимга гоҳ мағрур, гоҳ маъюс, ғамгин, гоҳ қувноқ, мулойим кулиб турган шоир сиймоси келади. Мазкур ғазалда қарама-қарши туйғулар мужассам: дард-алам ҳам, ним табассум-ла

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўғрилган ғурур ҳам бор. Шеър бир вақтда замондош дўстларига, шунингдек, келажакдаги мухлислар, мунаққидларга ҳам мурожаат билан ёзилгандек туюлади, балки шундайдир.

Ғафур Ғуломдек оқил, билимдон, кенг фикрли аллома шоир, албатта, ўз ижодига бўлган турлича муносабатларни яхши билар ва ҳис этарди. Ўзининг ё тазйиқ, ё «юксак илтимос» ва ёки ғоявий алданишига кўра мадҳия асарлар ёзаётганидан балки изтироб чеккан бўлса ажаб эмас. Бунинг устига у жуда оғир, таҳликали инқилобий ўч олиш йилларини, ижод аҳли, илм-маърифат аҳли қатли ом қилинганини ўз кўзи билан кўрган эди. Ҳатто баъзилар ўз бошига тушган савдоларда ҳақ ёки ноҳақ равишда дўстларимнинг қўли бор, деб гумон қилишларини тушунарди ва бир кун эмас бир кун бу воқеалар чуқур ўрганилишига ишонарди. Бу шеър ана шу мунаққидларга ҳам бир жавобдек кўринади.

Ғазални байтма-байт диққат билан ўқиб, мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Сиз э, озода дўстлар, бу кўнгилни эҳтиром айланг,
Мабодо ваҳшликда шуҳрати, оҳиста ром айланг.

Ажиб бир байт. Шоир «озода дўстларга» мурожаат этиб, ўз кўнглини эҳтиром этишни, ҳурмат қилишларини ўтинади. Бу байтда бир неча нозик нуқталар мавжуд. Шоир озода дўстларига мурожаат этмоқда, ҳаммага эмас. Озода бўлмаган нопокларнинг ҳурмат қилишларига ҳожат йўқ. Бу мисрада ниҳоятда пардаланган, сезилиши қийин бўлган киноя ҳам бор. Яъни, ўзингизни озода, нопок йўлга юрмаган, деб ҳисобловчи дўстлар, аслида сиз ўзингиз шундай озодамисиз, дейилган пичинг... Ва агар «бу кўнгул» ваҳшликда шуҳратли бўлса — яхши тарбия олмаган, «ваҳший» сифат бўлса, сиз уни алдаб, оҳиста ўзингизга ром айланг, тарбияланг. «Ром айланг» иборасида чегараланг, рамкага солинг, токи у сизга зарар етказа кўрмасин, деган бир маъно ҳам яширидир? «Ваҳш» — эътиқодсиз одамга айтса бўладиган сўз. Шуни эътиборга олган шоир уни бир юксак, улуғ эътиқод билан ром этишга чақиради.

Ҳамиша масту бепарво, лобар, танти бошимдан
Риё базмида аммо бериё андуҳу жом айланг.

Шоир бу байтда энди фикрини одоб пардасига ўрамай, очиқ ва равшан айтади. Биринчи мисрада ўзининг зоҳирий кўринишини (қалбидаги пинҳон изтироб тўлқинларини эмас) тасвирини бериб, ўзи ҳақида бўладиган турли-туман «Ғафур Ғулом ундай эди, ундай қилган, бундай ёзган» деб айтилувчи гап-сўзларнинг олдини олади ва суҳбатлар, мажлислар, зиёфатлардаги мушоҳадалар «бериё» бўлишини, ўз шахсияти ва ижодига тўғри баҳо берилишини илтимос қилаётгандек кўринади. Биринчи мисрада «масту бепарво», «лобар», «танти», деб тасвирланган, таърифланган шоирнинг боши, иккинчи мисрада «андуҳ жомига» айланади. Андуҳ — ғам, алам, чуқур изтироб. Демак, шоир фақат ташқи кўринишдагина «қувноқ», «бахтиёр», аслида у бир андуҳ жоми, паймонаси ғам шароби ила тўлган. Бу байтда шоир мураккаб фалсафий талабни қўяди: риё базмида, бериё... Базм ўзи риёкорлар базми, риё базми бўлса, бериёлик қандай бўлиши мумкин? Шунинг учун аввал ўзингизни поклаб, кўнгилда ётган риё илонини ўлдириб, ундан сўнг мушоҳада этинг дейилмоқчидир?

Кейинги шоҳ байтга шоир бор эҳтиросини, дилидиги зарбини, алами, ғурури, завқи ва дардини сингдирган. Бу байт сознинг эҳтирос ва ноладан иборат икки торига ўхшайди:

Кесиб томирларимни дилдаги зарбим билан пайваст,
Мақоми келди, денгу базмингизда шашмақом айланг.

Мусиқа асбобларини нозик дид ва маҳорат билан яратувчи моҳир усталарнинг фикрича асбоб учун ишлатиладиган, танланган ашё тоза, асл бўлмоғи керак. Бунинг учун эса у маълум муддат ва қайта ишловдан ўтган бўлиши зарур. Шунда унинг садоси кўнгилдагидек бўлади. Бундай чолғу асбоби куй моҳиятини, чолғучи руҳиятини, улардаги дард, завқ туйғуларини мукаммал ифодалаши мумкин. Шоир ўз қалбини англатиш учун «томири»ни дилдаги зарби билан пайваст кесиб олиб, уларни мусиқа асбобига тортиб, шамақом куйларини ижро этишни илтимос қилмоқда. Нега шашмақомни эсламоқда? Ёки фақат қофия учунгинами? Ғафур Ғулом шундай бой билими, бир неча тилларни, айниқса туркий тилларни жуда яхши билгани туфайли қофияга сўз топишдан асло ва асло қийналмасди. Бу ҳақда ҳатто гап юритиш кулгили, шунинг учун у беқиёс кўп маънолар мужассам этилган «шашмақомни» танлаган. Бу ўринда бир воқеий ҳикояни эслатиб ўтиш ўринлидир. Андижонлик адабиёт мухлиси марҳум Аҳмадрафиқ Қамбаров ўзлари тўплаган адиблар ҳақидаги воқеий ҳикоялардан бирида шундай лавҳани ҳам ёзиб қолдирган. Аҳмадрафиқ ака ёзишларича, бир куни олим ва шоир Анисийнинг уйидаги суҳбатлардан бирида Ғафур Ғулом, Анисий (Абдулаҳад Азизов) ва Аҳмадрафиқ ака учалалари хонада ёлғиз қолганларида Ғафур Ғулом Анисийга: «Абдулаҳад, «Ғиёс»ни олинг («Ғиёсул-луғат» — дейилмоқчи), сиз уни варақлаб хоҳлаган сўзларингизни ўқийсиз, мен изоҳини айтаман, қанчалик билар эканман», дебди. Анисий луғатни варақлаб истаган еридан очиб ўқий бошлабди, Ғафур Ғулом

www.ziyouz.com kutubxonasi

изоҳ берибди. Ўндан ортиқ ўқилган сўзга тўғри изоҳ берибди. Шундан кейин Ғафур Ғуломнинг ушбу луғатни жуда яхши билиши маълум бўлибди. Бу воқеа Аҳмадрафиқ Қамбаров қўлёзмасида ширали, рангин ва батафсил баён қилинган. (Қўлёзма Аҳмадрафиқ Қамбаровнинг фарзандларида сақланади.)

Маълумки, шашмақом куйларига кейинги асрларда дард, андуҳ ниҳоятда сингиб кетган. Шоир ана шу ҳазин нола оҳангларига ишора қилмоқда. Яъни унинг томирларини дилдаги зарби билан кесиб олиб куй чалинса, шашмақом бағридагидек фиғон янграйди. Бу куй шашмақомдай улуғвор ва ҳузурбахш, фикр, туйғу, ранг уммон тўлқинидай жўш уриб туради. Ғафур Ғулом дардини бир оғиз сўз билан айтиб, шарҳлаб бўлмайди. У шашмақомдек узоқ, соатлаб давом этади, айтган билан тугамайди. Бу дардни ҳатто сўз билан ифодалаш, баён қилиш мушкул, балки мумкин ҳам эмас. Уни шашмақом нолаларидек мунгли куйгина изҳор эта олади. Шунда ҳам агар шоирнинг дилдаги зарби: дард ва қувонч, ғурур ва хокисорлик, зиддиятли туйғулар, умид ва умидсизлик, ишонч ва ишончсизлик билан пайваста томирларини кесиб олиб, машқ этилсагина буни уддасидан чиқади. Бу қандай дард ўзи? Уни шоирнинг энг яқинлари билишлари мумкин. Агар уларга шоир қалбини очган бўлса, акс ҳолда, у билан мангуликка кетган. Биз эса «риё базмида бериё андуҳи жом этиб, шашмақом» айлашимиз мумкин, холос.

Шашмақом куйлари дастлабки, яратилиш даврларида тантанавор, жанговар, музаффарона руҳда бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Буни Ғафур Ғулом албатта билган. Шунинг учун «шашмақом айланг» деганида шу тантанавор руҳга ишора этган бўлиши ҳам мумкин. Бу фикр назарда тутилса, ушбу байт қанчалик мураккаб туйғуларни ўзига жо этгани маълум бўлади.

Ғафур Ғулом бу дард устига тортилган пардани кейинги байтнинг биринчи мисрасида сал очгандай бўлади-ю, дарҳол иккинчи мавҳум мисра билан беркитади. Гўёки унинг шунчалик намоён бўлишидан ўзи ҳам даҳшатга келгандай:

Эсиз жонимга жонингиз сабабдан етгани озор,
Мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг.

Шоирнинг жонига озор етган. Унинг сабаби дўстлар жони. «Жонингиз сабабдан» сўзларига эътибор берайлик. Шоир жонига озор берган нарса — бирор иғво, вафосизлик, сотқинлик ёки камситиш эмас, балки «жонлар» («жонингиз»)дир.

Шоир «эсиз жонимга» деб гўё «беҳуда» ўтган умрни айтмоқчидай. Унинг оддийгина жонига эмас, эсиз жонига озор етган. Энди, «жонингиз» сўзи билан шоир нимани назарда тутганини мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ул «жонлар» ҳам оддий жонлар бўлганларида шоир жонига озор етмасди. «Жонингиз» — бу қийноқ, азоблар даҳшатини кўрган, балки «жон таслим» этган жонлардир. Бу — азоб, шубҳа, туҳмат ўтида ёнган дўстлар жонидир. Шу сабабдан шоирнинг эсиз жонига озор етган. Лекин бу байтнинг сал бошқачароқ, тўғридан-тўғри ўқиладиган аниқ, очиқ маъноси ҳам бор, яъни шоир жонига озор етказишлар давом этишини қайта-қайта такрорлайди. «Мудом айланг, мудом айланг...» Бу сўзлар чексиз давом этадиган, тинмай бошга томиб турган азоб томчисига ўхшайди: мудом айланг...

Биз Ғафур Ғуломни давлат, ҳукумат, расмий доиралар, компартия томонидан ардоқланган шоир сифатида биламиз. «Кибрит» сўзидан кўра спичкамиз яқинроқ», деб ёзганини ўқиб истеҳзоли куламиз. Ажиб шоҳ байтлари, фалсафий қуйма сатрларидан ҳайратланамиз. Лекин биз дард чеккан, изтироб ўтида ёнган Ғафур Ғуломни билмаймиз.

Шоир ушбу ғазалда дил дардини мағрур баён этмоқда.

Кейинги байтни ўқийлик:

Қаро дилларни равшан қилгали найзам қалам бўлди,
Кўзингиз ҳуққасидандир сиёҳим, интиқом айланг.

«Интиқом» — ўч олиш маъносида. Бу сатрларда салгина бўлса-да, инқилоб иси келиб туради, шоир «найзам қалам бўлди» демоқда. Аммо биринчи мутолаадагина шундай кўринади. Аслида шоир найзани «найза» сифатида ишлатмай, «қаро дилларни равшан қилгали» қалам ва кўз ҳуққасидан сиёҳ қилади. Иккинчи мисра ўқувчини ташвишлантирадиган, қўрқитадиган даражада мудҳиш ҳиссиётни тасвирлайди. Шоир, кўзлар ҳуққасига қаламга айланган найзани тиқиб сиёҳ олади ва бунинг учун интиқом айланг, ўч олинг дейди. Бу мисраларда таскин берадиган нарса «қаро дилларни равшан қилгали»дир. Шоир балки бунга чин кўнгилдан ишонгандир? Ундай бўлса нега «интиқом айланг» — ўч олинг, дейди? Демак, инқилоб даҳолари кўрсатган бундай ваҳшиёна усулда қаро дилни равшан этишга унинг ўзи ҳам қарши экан-да! Қарши бўлмаса ўч олинг, деб хитоб қилармиди? Бул байтдаги асл маъно ҳарҳолда бизга қоронғу.

Ғазалнинг мақтаи ҳам мураккаб, чигал маънолар тугунидан иборат:

Агар виждон аро бир партави тушса бу сатримдан,
Бу эски қулни тутдик, денгу Ғафурни Ғулом айланг.

Биринчи мисрада «виждон аро» деганида шоир кимнинг виждонини назарда тутмоқда — хитоб қилувчининг виждонимими ёки хитоб қилинувчинимими? Мисра шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзилганки, иккисини ҳам тахмин этиш мумкин. Демак, виждонингизга (виждонимга) ушбу оловдек сатрлар партави — нури тушса, «бу эски қулни... Ғулом айланг». Кейинги сатрда нозик сўз ўйини ишлатилган, «қулни — Ғулом айланг». Ғуломнинг луғавий маъноси ҳам — қул.

Иккинчи мисрани ўқиб мушоҳада этилса, янгидан-янги маъно қирралари топилади, лекин улардан қайси бири етакчи, асосий эканлиги фақат аллома шоирнинг ўзига маълум бўлса керак. Биз ўзимизча топган қирраларини қисқагина айтиб ўтамиз, холос.

1. Бу эски қулни... — аслида шоир ўзини ҳеч қачон эркин, озод ҳис этмаган, — у эски бир қул. «Эски»да — қари қул маъносига ҳам ишора бор, фақат ишора.

2. Бу эски қулни... — аслида фақат Оллоҳнинг қули бўлган бу шоир.

3. Бу эски қулни... — тарихий маънода кўпдан бери қулликда бўлган ўлкага ишора.

4. Ғафур — луғавий маъноси, кечирувчи демакдир. У ҳолда бу мисрани биринчи мисра билан бирга бундай тушунса бўлади: виждонингизга (виждонимга) бу сатрларим нури тушиб, мен сизни кечирганим сабабли мени (энди Ғафур — исм маъносида) меҳрингиз билан Ғулом айланг, қул қилинг.

Бу мумтоз ғазални агар Ғафур Ғуломни шахсан билган, ул зот билан узоқ йиллар мулоқотда бўлган адабиёт билимдонлари ёхуд адиб ва шоирлар шарҳласалар шоир ҳаёти билан боғлиқ воқеалар тафсилоти асосида шеър моҳияти янада равшанроқ очилса ажаб эмас.

Паҳлавон Маҳмуд бир рубоийсида бундай ёзади:

Чашм аз ситами замона гирён дидам,
Ҳар ранжу балоки мумкин аст, он дидам.
Нуҳеки ҳазор соли як тўфон дид,
Ман Нуҳ найам, ҳазор тўфон дидам.

Ҳар сатридан дард, алам, андуҳнинг ҳазин куйи келиб турган бу рубоийни ўзи ҳам кўп ранжу балони кўрган адиб, олим Тўхтасин Жалолов таржима қилган:

Давронда кўп кўзни мен гирён кўрдим,
Неки бало бўлса, беамон кўрдим.
Нуҳ-ку минг йил яшаб кўрди бир тўфон,
Мен Нуҳ бўлмасам ҳам минг тўфон кўрдим.

Ғафур Ғулом ҳам ана шундай давр тўфонларини кўрди, йиллаб ранжу бало чеккан яқинлари, дўстлари бор эди. Ўзи ҳам шу бало аждаҳосининг домига неча бор дучор бўлган ва унинг ўтли нафасини ҳис этганди. Шунинг учун ҳам унинг бу ғазали йиллар давомида қалбида тўпланиб, бирдан вулқондай портлаб чиққан аламли нидосини эслатади. Ушбу ғазал мағрур ва танти инсоннинг, буюк истеъдод соҳибининг ўкинч ва ўтинчига ўхшайди.

● ● ●

Азиз Қаюмов

Зўр карвон йўлида

Устоз Ғафур Ғулом билан илк бор болалик йилларимда Қўқон шаҳрида учрашганман. Бу воқеа 1938 йилда содир бўлган. Шаҳарда 3-ўрта мактабда ўқирдим. Шундай ёнимизда болалар кутубхонаси бор эди. Катта танаффус вақтида кўпинча ўша ерга келиб китоб олиб кетар эдик.

Шу кунларда Ғафур Ғуломнинг «Эгалари эгаллаганда» достонини олиб, ўқиб чиққандим. Китобни топширмоқчи бўлиб келаётганимда кутубхона яқинидаги икки кишига кўзим тушди. Яқинлашганимда салом бериб, тўхтадим. Улар ҳам саломимга алик қайтаришиб тўхташди. Баланд бўйли, очиқ чеҳра, кўзига кўзойнак таққани мендан сўрадилар:

— Қўлингдаги қандай китоб, қани кўрсат-чи?

Китобни узатдим.

— Эҳе, менинг китобим-ку, ўқигани олдингми?

Ўқиб бўлганимни ва кутубхонага қайтиб топшириш учун кетаётганимни айтдим.

— Менинг китобларимдан экан, — дедилар у киши ва яна сўрадилар: — Сенга ёқдими?

Болалик тасаввури билан бу кишининг уйидаги шахсий кутубхонасида ҳам мана шу китоб бор экан, деб ўйладим.

— Ёқди, — деб жавоб бердим. У киши мамнун бўлиб китобни менга қайтардилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва хайрлашдилар. Сўнг ёнларидаги киши билан секин-аста йўлда давом этдилар. Уларнинг йўли бизнинг мактаб сари борар эди.

Китобчани қайтариб олгач, муқовасига қарадим. Муқовада кўзига кўзойнак тақ-қан Ғафур Ғуломнинг сурати бор. Бу сурат ҳозиргина мен билан суҳбатлашган кишининг худди ўзгинаси эди. Шундагина «менинг китобларимдан экан» деган гап маъносини пайқадим. Ғафур Ғуломни кўрганим ва у билан суҳбатлашганимни билмай қолибман. «Кўкан батрак»ни, бошқа эл оғзига тушиб кетган асарларни яратган машҳур шоирни ана шу тарзда учратган эдим.

Ҳаяжондан титраб кетдим. Ҳар икки суҳбатдош секин мактаб сари бормоқда эдилар. Кўчанинг бошқа тарафидан ғириллаб мактабимизга қараб чопдим (ялангоёқ бўлганим учун оёғим илдам эди). Мактаб эшигидан ўтиб тўғри синфимизга кирдим. Нафасим тиқилганича болаларга:

— Мен ҳозир Ғафур Ғуломни кўрдим, у киши бизнинг мактабга келмоқда-лар, — дедим.

Болалар гув этиб қўзғалишди. Ҳаммамиз югуриб кўча эшик олдидаги майдонча-га чиқдик. Бирпасда бу овоза ўқитувчилар хонасига ҳам етган экан. Адабиёт ўқитув-чиси Ҳамзахон Аббосов орамиздан ўтиб, мактабга яқинлашиб қолган ҳалиги икки кишининг истиқболига чиқдилар. Улар қизғин саломлашишди. Биз майдончада туриб бу машҳур одамнинг ўқитувчимиз билан кўришишини кузатар, муаллимимиз учун фахримиз ортар, ғурур ҳисси билан тўлиб-тошган эдик.

Шоир билан иккинчи учрашув ҳам шу даргоҳда бўлди. 1940 йил. 9-синф ўқувчи-си эдим. Ҳар бир ўспирин каби мен ҳам унча-мунча шеър машқ қилиб юрардим. Бир куни адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзахон Аббосов шоир Ғафур Ғулом Қўқонга келга-ни, бугун мактабимизга ташриф буюражагини айтдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, мени ўқитувчилар хонасига чақиришди. Ҳаяжонда кириб бордим. Диванда устоз Ға-фур Ғулом ўтирар эдилар. Ёнларида домламиз Ҳамзахон Аббосов. Салом бердим. Улар алик қайтариб, ўтиришга таклиф қилишди. Ўтирдим. Шундан сўнг ўқитувчимиз мени бир оз таъриф этиб, Ғафур Ғуломга таништирдилар. У киши бирор шеъримни эшитмоқчи бўлдилар. Курсида ўтирган жойимда Алишер Навоийга бағишлаб ёзган бир машқ шеъримни ўқий бошладим. Шоир мени ўқишдан тўхтатиб дедилар:

— Шеърнинг ҳурмати учун уни тик туриб ўқимоқ даркор.

Дарров ўрнимдан туриб, сал тортинган ҳолда, ўша машқни ўқиб бердим. Муҳта-рам шоир бир неча маслаҳатлар айтдилар. Сўзларни ўз маъносида ишлатмоқ керак-лигини уқтирдилар. Қофия сўзларни кўп ўрганмоқ, излаб топиб, ҳатто ёдлаб олмоқ зарурлигини таъкидладилар. Шундан кейин бироз тантанали оҳангда дедилар:

— Кеча шу ерда бир шеър ёзганман. Ҳозир шуни сизларга ўқиб бераман.

Ғафур Ғулом ўринларидан туриб хонанинг ўртасига ўтдилар ва сал ҳаяжонли ва улуғвор жаранг билан ўша шеърни ўқий бошладилар:

Билиб қўйки, сени Ватан кутади...

Бу шеър эртаси куни Қўқон шаҳрида чиқадиган «Янги Фарғона» рўзномасида эълон қилинди.

1944 йили Тошкентга ўқишга келдим. Ўша йили Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат Дорилфунунининг Шарқ факультети очилган эди. Шу ерда ўқий бошладим. Бу йил-ларда Ғафур Ғулом бутун дунё танийдиган шоирга айланди. Устознинг шеърлари жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган, «Сен етим эмассан», «Мен яҳу-дийман», «Йигитлар», «Интизор», «Вақт» каби асарлари замон қомусига айланиб кетган эди.

1947 йили Шарқшунослик факультети талабалари билан академик Ғафур Ғулом-нинг учрашуви ўтказилди. Шу куни кўп яхши гаплар айтилди. Шеърхонлик бўлди. 3-курс толиби Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг бир шеърини ўқиб берди. Шеър сарлав-ҳаси «Келажак, мен жавоб кутаман, сендан» деб аталар эди. Шеърда уруш вақти ма-шаққатларини бошдан кечирган ёш авлоднинг келажакка умиди, айни замонда ҳаяжон-ли муносабати таъсирли мисраларда баён қилинган. У Ғафур Ғуломга қаттиқ таъсир кўрсатди. Улуғ шоир ёш ҳаваскорнинг шеърини тинглаб, унга деди:

— Ўғлим, сен келажакдан жавоб кутмагин, келажак сендан жавоб кутади. Чунки келажакни сизлар яратасизлар!

Доно мутаффакирнинг бу башоратли фикрлари тўла амалга ошди. Ҳозир ўша учрашувда иштирок этган талабаларнинг кўплари бугунги кунда пешқадам арбоблар бўлиб етишдилар. Абдуқодир Ҳайитметов — филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, икки мартаба Беруний мукофоти лауреа-ти, Навоий ижодий меросининг истеъдодли тадқиқотчиси; Убайдулла Каримов Ўз-ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби; Раҳима Аминова — ЎзФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, машҳур тарихшунос олима; Расулхон Ҳодизода — Тожикистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида бўлим мудири, филология фанлари доктори, ёзувчи; Пиримқул Қодиров — Ўзбекистон халқ ёзувчиси... Бу рўйхатни кўп давом эттириш мумкин.

Буларнинг ҳаммасига устоз Ғафур Ғуломнинг назарлари тушган эди. Булар ҳам ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнатсеварлиги, ўз халқи учун хизмат қилиш иштиёқи туфайли катта авлоднинг умид ва ишончини оқладилар.

1958 йилдан то 1961 йилгача мен Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг директори лавозимида ишладим. Бу пайтда академик Ғафур Ғулом шу институтда катта илмий ходим бўлиб хизмат қилар эдилар. Институтимизда ўзбек филологиясининг кўзга кўринган арбоблари жам бўлган. Ғафур Ғулом билан бирга академик Ойбек ҳам шу институтда ишлар эди. Ойбек домла институт нашр этаётган «Ўзбек тили ва адабиёти» журналига муҳаррирлик қиларди. Академик Воҳид Зоҳидов ўзбек адабиёти тарихи бўлими мудири эди. СССР ФА мухбир аъзоси А. К. Боровков турк тилларининг қиёсий грамматикаси бўлимини, Ҳоди Зариф халқ оғзаки ижоди бўлимини бошқарар эдилар. Ўзбек фанининг бундай пешқадам арбоблари менга ва тенгқурларимга институт ишларини уюштиришда, илмий тадқиқотларни яратишда ҳамиша катта кўмак кўрсатар эдилар.

Ўша йиллари Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, ёш олим Эргаш Рустамов «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилинган мақоласида XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган машҳур шоирнинг тахаллуси «Атоий» эмас, балки «Отойи»дир, деб ёзди. Унга бир мўътабар тилшунос олим эътироз билан матбуотда чиқди. Бу икки олим ўртасидаги баҳс эди. Фанда бундай ҳоллар кўп учрайди.

Бир куни мен ўз хонамда одатдаги хизмат юмушлари билан банд эдим, тўсатдан Ғафур Ғулом домла кириб келдилар. Дарҳол ўрнимдан туриб саломлашдим, ўтиришга таклиф қилдим. Домланинг авзои бузуқ эди. Саломлашиб, ўтиргач:

— Эргашни чақир! — деб буюрдилар.

Котибадан Эргаш Рустамовни чақиришни сўрадим. Сал ўтмай у хонага кириб келди. Ғафур Ғулом:

— Мен бир мақола ёздим, шуни ўқиб берайин, тингланглар, — дедилар:

У киши ўринларидан турдилар ва мақолани ўқий бошладилар.

Мақола сарлавҳаси «Атоий эмас, Отойи!» эди. У шундай кескин ифодаларда ёзилган эдики, тинглаб ҳайрон бўлдим. Масала унча муҳим эмас, шу баҳсга академик Ғафур Ғуломнинг иштирокига нима боис бўлди экан? Шу савол фикримда туғилди. Мақолани ўқиб бергандан сўнг домла қўлларидаги нусхани Эргаш Рустамовга топшириб:

— Буни таҳририятга етказ, — дедилар.

Эргаш Рустамов, ҳали ҳаяжони босилмаган, домладан мақолани олиб хонадан чиқди.

Устознинг авзои сал юмшаган эди. У киши тикка турган ҳолда менга тушунтирдилар:

— Баъзи одамлар Тил ва адабиёт институтига уч-тўртта ёш болалар келиб қолган, улар ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлайдилар. Шу ёшлар кимнинг ҳимояси остида эканини ўшалар билиб қўйсинлар деб ёздим, бу мақолани!

1958 йил ўзбек демократ шоири Фурқатнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда катта тадбирлар ўтказилди. Ўша йили шоирнинг ватани Қўқон шаҳрида Муқимий уй-музейи (ҳужра) қайтадан жиҳозланди. Шаҳарда яхши бир адабиёт музейи яратиш кўпчиликнинг орзуси эди. Тил ва адабиёт институтининг бу масалада шаҳар раҳбариятига мурожаати натижа бермади. Мен ўйлаб-ўйлаб, академик шоир Ғафур Ғуломга маслаҳат солдим. Қўқонда кўп шоирлар ўтган, адабий ҳаёт ҳамиша жонли бўлган. Ҳозирги ўзбек адабиёти арбобларининг ҳам маълум қисми шу шаҳардан чиққан. Битта Муқимийнинг уй ҳужраси бу катта адабий марказнинг узоқ асрли ҳолатини намойиш этолмайди. Шаҳардаги энг яхши иморатлардан бири адабиёт музейига берилса яхши бўлар эди. Шундай иморат шаҳар марказида мавжуд. У ерда коммунал банк жойлашган эди. Ҳозир молия бўлими бор. Уни бошқа ёққа кўчириб, шу жойга ўлка Адабиёт музейи жойлансаю, Муқимий уй-музейи (ҳужра) унинг филиалига айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо бизнинг ўлка Адабиёт музейи тузмоқ тўғрисидаги фикримиз шаҳар раҳбарияти томонидан қувватланмагани ҳақида батафсил сўзлаб бердим.

— Бўпти, — дедилар Ғафур Ғулом, — буюр, менга командировка ёзсин. Шу бугуноқ Қўқонга жўнайман. Пешиндан кейин Мустафо билан йўлга чиқамиз (Мустафо шоирнинг ўз шофери).

Дарҳол расмий қоғозлар тайёрланди. Ғафур Ғулом мен билан хайрлашиб хонадан чиқиб кетдилар.

Эртасига эрталаб одатдагидек институтга ишга вақтли келдим. Кундуз соат 12 лар бўлганда бирдан телефон жиринглаб қолди.

— Салом, Ғафур акангман, — шоирнинг вазмин овози эшитилди. — Қўқондан телефон қиляпман. Адабиёт музейига бино ажратиш масаласи ҳал бўлди. Банк иморатини бўшатиб беришади. Дарров одам юбор, бинони қабул қилиб олишсин.

— Раҳмат, домла, жуда олижаноб иш бўпти, миннатдормиз.

Эртаси куни Солиҳ Қосимов бошчилигида уч киши Қўқонга жўнади. Улар иморат билан танишиб, уни қабул қилиб олишга оид ишларни бажариши ва бўлажак Музей жиҳозлари бўйича таклифлар тайёрлаши керак эди.

Шундан кейин мен докторлик диссертациясининг охирги бобларини ёзиб тугаллаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан банд бўлдим. Институтнинг кундалик ишларини директор ўринбосари муҳтарам Ҳоди Зариф домла олиб бориб турдилар. Бир куни уйда ишлаб ўтирганимда, Ҳоди ака телефон қилдилар:

— Бир келиб кетмасангиз бўлмайди. Қўқон Адабиёт музейининг иморати тўғрисида бошқа бир таклиф чиқиб қолган эмиш.

Дарҳол институтга етиб келдим. Ҳоди Зариф домланинг айтишларига кўра, Қўқондаги банк мутасаддилари Тошкентга мурожаат этганлар. Пойтахтдаги масъул шахслар ЎзФАнинг ўша вақтдаги раҳбарларидан айримлари билан гаплашишган (ЎзФА президенти Ҳ. М. Абдуллаев бу вақтда оғир бетоб бўлиб, касалхонада ётган эдилар. ЎзФАнинг кундалик ишларини бошқа ўртоқлар бошқариб туришарди). Молия идоралари Қўқонда янги иморат қурмоқдалар. У битгандан кейин Адабиёт музейига бериш мумкин бўлар. Ҳозирги иморат эса ўз эгаларининг қўлида қолаберса. ЎзФА Президиумида бу таклифни қабул қилмоққа мойиллик бор. Ҳоди Зариф домла бу гапни айтиб бергач, Адабиёт музейи тўғрисидаги масала туя гўшти егандек чўзилиб кетиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Яна устоз Ғафур Ғуломга мурожаат этишга тўғри келди. Илтимосимизга кўра у киши дарҳол институтга етиб келдилар. Бор гапнинг ҳаммасини айтдик.

— Мен битириб келган ишни буза оладиган одам ким экан? — дедилар Ғафур Ғулом аччиқ изтироб ила. — Сизлар ўз ишингиз билан банд бўла берингиз, бу ишни ўзим охирига етказаман.

Мен устознинг қаерга бориб учрагани, кимга нималар деганини билмайман. Лекин Қўқонда Адабиёт музейи яратиш ишига астойдил киришгани шундоқ сезилиб турар эди. Биз ЎзФА Президиумига бу масала бўйича норозилигимизни билдирдик. Орадан бир ҳафтача вақт ўтди. Бирдан республика рўзномаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг қарори эълон қилинди. Унда ўзбек адабиётининг машҳур арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилганига 70 йил тўлишини кенг нишонлаш тадбирлари белгиланган эди. Булар ичида Қўқон шаҳрида Адабиёт музейини очиш ҳам кўзда тутилганди. Шу билан Қўқон Адабиёт музейини яратиш ва уни қайси иморатга жойлаштириш масаласи юқори даражада ҳал этилди. Бу музей ҳозир ҳам ўша собиқ банк иморатида иш олиб бормоқда. У Ўзбекистондаги катта маданий даргоҳлардан бирига айланиб кетган.

Қўқон Адабиёт музейига оид ишлар муваффақият билан якунлангач, бир куни суҳбат асносида мен Ғафур Ғулом домлага дедим:

— Биз ҳаммамиз сизга узоқ умр тилаймиз. Ҳали узоқ яшаб, кўп-кўп янги асарлар билан халқимизни мамнун этишингизга имонимиз комил. Аммо бир кун келиб шу адабиёт музейига Сизнинг номингиз қўйилажаги аниқ.

Ғафур Ғулом бу гапга ҳазил билан жавоб бердилар:

— Агар ҳимматингиз шунчалик баланд бўлса, музейга тириклик пайтимизда номимизни қўйиб беринг.

Минг афсуски, орадан кўп ўтмай — 1966 йили устоз Ғафур Ғуломдан ажралиб қолдик. Шоир хотирасини абадийлаштиришга оид тадбирлар орасида Қўқон Адабиёт музейига Ғафур Ғулом номини бериш тўғрисидаги таклиф ҳам бор эди. У ҳукумат томонидан маъқулланди. Қўқондаги бу эътиборли маданият маскани ҳамон устоз Ғафур Ғулом номини шараф билан оқлаб келмоқда.

● ● ●

Эркин Носиров

Олам каби қадим

Бу учрашув 1962 йилнинг кузагида Туркманистонда ўтаётган ўзбек адабиёти ҳафталигининг охирги кунлари Тошовузда бўлган эди.

Мен телефонда «Ўзбекистон маданияти» газетасига навбатдаги ҳисоботни етказиб, Ғафур акага чой дамлаб кирган ҳам эдимки, эшик тақиллаб қолди:

— Ассалому алайкум, ёшулли! Кирсак мумкинми?

— Бемалол, бемалол. Хуш келибсизлар, — деди Ғафур ака. Хонага кўринишларидан муаллимсифат уч киши кириб келди. Ғафур ака улар билан қуюқ сўрашиб, ўтиришга таклиф қилди.

Меҳмонлар областдаги Ўқитувчилар малакасини ошириш институтидан экан.

— Бир ҳафтадан бери бутун диққатимиз сизларда, ёшулли,— деди меҳмонлардан бири. — Газета-журналлардан ўқиб, радиодан эшитиб турибмиз. Областимизга хуш келибсиз, ёшулли!

— Раҳмат, хушвақт бўлинглар, — деди Ғафур ака.

Иккинчи меҳмон муддаога кўчиб қўяқолди:

— Энди, ёшулли, бостириб келаверганимизга бизни бағишлайсиз-да. Сизни кўриб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

суҳбатлашсак, иложи бўлса коллективимиз билан бир учрашув ўтказсак, деган ниятимиз бор эди. Борсангиз жуда хурсанд бўлардик.

Ғафур ака андак сукут қилиб, жавоб берди:

— Мен қарши эмасман, бироқ ихтиёримиз бизларда эмас, сизларда. Тахта районига, ундан Кўҳна Урганчга борар эканмиз. Берди оға ё Беки билан гаплашиб кўринглар. Оралиқда имкон бўлса сизлар билан учрашганимиз бўлсин.

Меҳмонларга жон киргандай бўлди. Иккинчи меҳмон Ғафур акадан узр сўраб, Берди оға ё Беки Сейтоқов билан маслаҳатлашгани чиқиб кетди. Шериклари қолишди.

Ҳаммалари ҳам тил-адабиётдан дарс беришар экан. Бошлиқлари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, институтнинг проректори экан.

Проректор ҳаялламай қайтиб келди, хомушлигидан жўялироқ жавоб ололмаган кўринарди. Ғафур ака ундан илдамлик қилди:

— Ҳаммасининг фурсати келади, иним. Бугун бўлмаса эртага вақт топилар. Бизни йўқлаб келибсизлар, катта раҳмат. Мана шу ўтиришимизнинг ўзи ҳам бир учрашув-да.

Проректорнинг ҳам, ҳамроҳларининг ҳам юзлари сал-пал ёришди. Бир-икки пиёла чой ичилгандан кейин суҳбат ҳам қовуша бошлади. Меҳмонлар Ғафур акадан ўзларини қизиқтирган нарсаларни сўрай бошладилар.

— Сизни, ёшулли, аввало яқинлашиб келаётган олтмиш ёшингиз билан табрик этамиз, — деди сочини қийшиқ тараган меҳмон. — Бизга бўлажак юбилейингизга қандай китоблар тайёрлаётганингизни айтиб берсангиз.

Ғафур ака бу гапни кутмаган бўлса керак, ўзини сал ўнғайсиз сезди.

— Табригингиз учун раҳмат, иним. Омонлик бўлса, беш-олти ойдан кейин олтмишга кирарканман, бироқ юбилей бўлиш-бўлмаслиги менга боғлиқ эмас. Юбилей бир кунлик гап, ўтади кетади, китоб эса қолади. Мен ҳам эл қатори китобхонларимга унча-мунча совға тайёрлаётибман. Шеърлар, ҳикоялар, очерклар — китобларим чиқади. «Шум бола» қиссамни қайта ишлаб, давомини ёздим. Юмористик ҳикоялар ёзиш ниятим бор. Насриддин Афанди ҳам ҳикояларимга қаҳрамон бўлиши турган гап. Афанди менга ҳеч тинчлик бермайди, ҳатто тушларимга ҳам кириб чиқади...

Меҳмонларнинг яна бири ийманибгина оғиз очди:

— Ёшулли, сиздан Абдулла Қодирий тўғрисида сўрамоқчи эдим.

— Бемалол.

— У киши билан учрашган бўлсангиз керак. Шундан гапириб берсангиз.

— Абдулла Қодирий ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйганлардан бири. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» деган асарларини яхши биласизлар. Энди, у киши билан учрашувларимга келсак, биринчи марта Абдулла акани, адашмасам, «Муштум» редакциясида кўрганман. Ростини айтсам, салобатлари зўрлигидан яқинларига бориб бўлмасди. Ўша йилларнинг манаман деган қаламкашлари орасида Абдулла ака алоҳида ажралиб турарди. Буни сизларнинг Хидир Деряев деган ёзувчиларингиз ҳам эсдаликларида айтган, «Қисмат» романини ёзишда Абдулла акадан кучли таъсирланганини уқдирган. Абдулла Қодирийнинг ёшларга таъсири чиндан ҳам кучли эди. У қаттиққўл ва меҳрибон инсон эди. Ўзи сўзни ғоят маҳорат билан, тежаб ишлатар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. У кишининг «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак» деган мақоласи бор. Шахсан ўзим ҳажвиётчиликда, салбий образлар яратишда у кишидан кўп нарса ўрганганман. Асар тилининг жилвагар бўлиши, ҳар бир сўз бамисоли анор донасидай жойига тушиши кераклигини қайта-қайта тайинлардилар. Ўқимишлиликлари, билимдонликларини айтмайсизми! Мен ҳам, бошқа тенгқурларим ҳам у кишидан унутилмас сабоқ олганмиз. Бу бир умр ёдимиздан чиқмайди. Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам уни устоз қаторида кўришади.

— Абдулла Қодирий ўз ижодини шоир сифатида бошлаган эканлар. Бунга сиз қандай қарайсиз!

— Жуда яхши қарайман-да. Абдулла аканинг 1914 йилда матбуотда «Миллатимга» деган шеъри босилган. У киши вақтли матбуот саҳифаларида фаол қатнашган. Ана ўша асарларни йиғиш ва нашрга ҳозирлаш олимларимизнинг муҳим вазифаси. Бу анчамунча вақт, қунт ва чидам талаб қиладиган иш. Шоирликларига келсак, бу ишни насрга ўтмай давом эттирган тақдирларида ҳам зўр маҳорат кўрсатишлари аниқ эди. Шундай ҳам у кишини шоир демасликка ҳаққимиз йўқ. Насрий асарларини ўқисангиз, шоирликлари яққол сезилиб туради.

Суҳбат тобора қизирди. Бошқаларга сездирмай соатимга қараб қўяман.

— Ғафур ота, — деди сарсавол чиқиб қолган меҳмон, — ростини айтсам, ўзим чала ўзбек, чала туркманман. Биздақаларни «қўшмоқ» дейдилар. Отам ўзбек, онам туркман. Иккала халққа ҳам бирдайман ҳисоб. Шунданмиканми, дейман, мени ҳарҳолда халқларимизнинг ва адабиётларимизнинг ўзаро алоқалари тарихи кўпдан қизиқтириб келади. Бу ҳозирча кам ўрганилган, тўғрироғи деярли қўл урилмаган мавзулардан. Шундан бўлса керак, эълон қилинмаган айрим мақолаларда турлича чалкашликлар учраб туради. Бир мақолада, туркман-ўзбек адабий алоқалари Махтумқули давридан бошлаб кучая бошлади, илгари тасодифий характерда эди, деган фикр айтилибди. Мен,

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабий алоқаларимиз тарихи бундан ҳам қадимроқ, деган фикрдаман. Сиз бу масалага қандай қарайсиз? Шу ҳақдаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдим, отахон.

Ғафур ака пиёладаги совунқираб қолган чойдан ҳўплаб, гап бошладилар:

— Ростини айтсам, отнинг белини узадиган савол бердингиз, укам. Гапингиз тўғри: туркман-ўзбек адабий алоқалари ҳозиргача деярли ишланмаган, тўғрироғи, теша тегмаган соҳа. Материаллар бўлса бир олам. Саволингизга икки оғиз гап билан жавоб бериш мушкул. Бироқ қисқасини айтадиган бўлсак, ўзбек билан туркман эсини танибдики, Қорақумдай улкан дастурхон атрофида бир-бирини сийлаб келади, шодлиги ҳам, қайғуси ҳам бир бўлган. Кўҳна тарих бу икки биродарнинг бир-бирига мушт дўлайтганини билмайди, оғир кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаганига истаганича далиллар бор. Улар ҳорижий истилочиларга қарши курашган, золимларга қарши биргаликда қўзғолон кўтарганлар. Бунга туркманнинг Қорақуми ҳам, ўзбекнинг Қизилқуми ҳам гувоҳ. Асқад Мухтор деган шоиримизнинг шу топда битта шеъри эсимга тушиб кетди. У дўстим Қора Сейтлиевга бағишлаган бир шеърида Қорақумни таърифлаб, уни олтин узукнинг гардишига, Кўпетдоғ этагидаги тунов куни ўзимиз бўлган соя-салқин Ферузани унинг кўзига ўхшатади, ўша ғаройиб образлар баҳонасида аҳиллигимиз азалийлигини таъкидлайди. Бу шеърдаги самимийлик туйғулари менга жуда ёқади. Бундай дейишимдан муддао халқларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар сингари адабий алоқаларимиз ҳам қадимийдир, азалийдир. Бинобарин, адабий алоқаларимиз фалон даврдан бошланган, деган одам адашади. Нима, ундан олдин ўртамизда Хитой девори бўлган эканми? Илмда ҳам гоҳо ўйламай айтилган хом гаплар учраб туради. Шунақа гап айтадиган чала муллаларга кунимиз қолмаса бўлгани. Туркманистон билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар, ҳамкорликлар эрамиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Халқларимиз араб, эрон истилочиларига қарши курашганлар. Чингизхон қўшинларига ҳам биргаликда қаршилик кўрсатганлар. Буни ҳамма билади, қолаверса, қадимги ёзма ёдгорликлар ҳамкорлигимизнинг аён далили. Сўз санъатининг бошланғичи бўлган фольклор асарлари ҳам халқларимиз бошларидан кечирган турли-туман воқеаларнинг ўзига хос йилномасидир. Бундай асарлар шу қадар кўпки, уларнинг бир бошдан тадқиқига, бир-бирлари билан солиштириб, қиёсан ўрганишга бир-иккита олимнинг умри етмайди, бунда тадқиқотчиларнинг бутун бир бригадаси ишлашига тўғри келади. Қирқдан ортиқ «Гўрўғли» достонлари туркуми ўзи бутун бир дунё. Қаҳрамони Гўрўғли ва ундан тарқалган кишилар бўлган достонлар ўзбек ва туркманлардан ташқари озарбайжонлар орасида ҳам машҳур. Мана, сизга адабий алоқаларнинг чарақлаб турган қирраларидан бири. «Тоҳир ва Зуҳра» деган ишқий достон-чи? Бизда ҳам бор, сизда ҳам бор. Дўстим Собир Абдулланинг анча-мунча театрларда ҳамон қўйилиб келаётган драмаси, бутун дунёни айланиб чиққан фильм умум хазинамизга қўшилган бойлик-ку. Туркманларнинг ҳам «Зуҳра ва Тоҳир» деган достонлари бор. «Шоҳсанам ва Ғариб», «Сайёд ва Ҳамро» сингари талай достонлар, беҳисоб қўшиқлар, ривоятлар ва афсоналар... Эҳ-ҳе, халқларимизнинг бадиий хазиналарида чуқур текширилишга молик қанчадан-қанча асарлар бор. Халқ уларни кўз қорачиғидай ҳамон асраб келади, ҳаммасида кечмиш асрларнинг нафаси сезилади. Бизларда ёзма адабиёт вужудга келгунига қадар бундай бебаҳо дурдоналар оғиздан-оғизга ўтиб, номаълум ижодкорлар ва ижрочилардан сайқал топиб, келгуси авлодларга етиб келган. Уларни қиёсан ўрганиш адабий алоқаларимиз тарихи китобини янгидан-янги саҳифалар билан тўлдириши шубҳасиз. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» асари туркий халқлар ёзма адабиётининг илк намунаси. У ҳам адабий алоқаларимизнинг бақувват гувоҳларидан саналади. Ундаги мақолаларни бир эсланг. Муаллифнинг ўзи асарда бу китобни ёзиш учун ўзбеклар ва туркманлар яшаган ерларни йиллаб кезганини айтади. Азалий яқинлигимизни тасдиқловчи далилларни айтаверсам тонг отади. Ҳамкорлигимиз йиллар ўтиши билан кучайса кучайдики, асло сусаймади. Бунда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Солиҳ сингари сиймоларнинг муносиб хизматлари бор. Уларни туркманлар ҳам яхши биладилар. Адабиётимизнинг бобокалони Алишер Навоийни-ку, туркманлар «ўзимизнинг Мирали», дейишади. Навоий ҳақида туркманлар орасида юрган афсона ва ривоятларнинг ўзи яхшигина китоб бўлади. Навоийнинг ўзи ҳам туркманларга яқинлигини, асарлари улар назарига тушганини яширимайди. Мана эшитинг-а:

Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
На ёлғиз турк, балким туркмон ҳам, —

дейди буюк бобомиз ўзининг жаҳон бўйлаб ардоқланадиган «Хамса»сида. Ҳозир тилимга келган далилларнигина айтдим. Улар бир дунё. Фақат туркманлар эмас, ўзбеклар ҳам бошларига кўтарадиган ажойиб шоир Махтумқули Фироғий масаласига келсак, у ҳам Навоий сингари адабиётдаги чўққилардан бири. Ўн еттинчи аср адабиётини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳам устози Навоий сингари адабиётда ўзига хос давр, мактаб яратган сиймодир.

Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовнинг репертуарларида Махтумқулининг жуда кўп шеърлари бор. Бошқа хонандаларимиз ҳам Махтумқули, Мулла Нафас, Анда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, Залилий, Камина сингари шоирларнинг асарларини кўп замонлардан бери куйлаб келадилар. Бу устозларнинг шеърлари халқимиз орасида жозибаю жилосини сақлаган ҳолда яшаб келади. Чунки халқимиз зар қадрига етадиган талабчан заргардир. Шу ўринда битта қизиқарли фактни келтириб ўтмоқчиман. «Сайдинг қўявер, сайёд» деган ашулани ким эшитмаган. Худди ана шу номда икки шеър бор, бирини Фурқат, иккинчисини Андалиб ёзган. Иккала шеър ҳам мустақил равишда яшаб келаётибди... Туркманистонда ҳам бўлиб, кўп яхши ишлар қилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бу мусаддасга куй басталаб, 1927 йилда эндигина саҳнага кириб келган ёш хонанда Ҳалима Носировага айттирган. Бу қўшиқ ҳозирда шу қадар оммалашиб кетганки, ҳар бир хонанда уни ижро қилишни ўзига шараф деб билади. Хўш, ўзбек ва туркман шоирларининг бир-бирларидан таъсирланганларига бундан бошқа мисоллар камми? Тунов куни Ашхободдаги йиғилишда СССР халқ артистлари Омон Қулмамедов, Сўна Муродова, Олти Қорлиев, Навоий, Озодий, Махтумқули, Фузулий шеърларини хассослик билан тўлқинланиб ўқиганларини эшитганимда теримга сиғмай кетдим. Ўшанда Ҳамзанинг оташин қўшиқлари ҳам янгради, йигитлар ва қизлар ўзбекча ва туркманча рақслар ижро этдилар. Тўй кайфиятидан яйраб кетдим. Шунинг учун биз бундан буён ҳам қўлни қўлга бериб астойдил ишлашимиз керак. Чунки буни кунларимиз шиддати талаб қилаётибди. Хулласа, қиламиз десак иш кўп, укаларим. Сизларга ҳам енгил эмас. Ёш авлодни замонабоп, даврга муносиб одамлар қилиб етиштириш сизларнинг ҳам зиммангизда. Бу йўлда сира толманглар, муаллим иниларим.

— Раҳмат, раҳмат! — дейишди меҳмонлар ҳам. — Ижодингиз бундан ҳам гуркирайверсин, ёшулли! Умрингиз узоқ бўлсин!

— Бирга-бирга!

Эшик аста чертилгандек бўлди. Делегациямиз аъзоларидан Турсун Собиров бизни чақиргани келган экан.

Ҳангомалашиб ўтириб вақт қандай ўтганини ҳам сезмабмиз.

Шундан кейин ҳаммамиз мезбонлар бошчилигида Тахта районига жўнадик.

● ● ●

Тўлқин Ғози Юнус ўғли

Меҳр ва кўз ёшлари

Қамчиндек ихчам, кўринишимиз, бўйларимиз ҳар хил бўлишига қарамай, фикрзикримиз бир хил йигитлар бир тўпда қовун сайлига отландик.

Қорасарой кўчасида инқилобдан аввал ва НЭП даврида Каримберди бойвачча деб ном чиқарган одамнинг ўғли Раҳимбердининг таклифи билан йўлга чиқдик. Кўчанинг чангини чиқариб, йўл-йўлакай боғ деворларидан кўча томонга эгилиб тушган шохлардаги ғарқ пишган мевалардан еб, шоду хуррамлик билан манзилга етиб бордик. Каримберди ака қовун полиздаги супага бошладилар. Супа устидаги хонтахта хилма-хил мевалар билан безатилган, атрофида беқасам кўрпачалар солинган эди. Ош еб, чойни ичиб дастурхондаги мевалардан бир оз тановул қилгач, қовун полизни ораладик. Ширинак ўйнаш учун олиб чиқилган қовунларни супа устига қўйиб, ҳар ким ўзи олиб чиққан қовуннинг ранги тозалиги, тўри гўзаллиги, ниҳоятда ширинлиги билан бошқаларникидан устун чиқишлигини маъқуллаб турган бир вақтда:

— Ассалому алайкум, жўжа-хўрозлар, ўзи нима гап!— деган товушни эшитдик. Дўппини чаккага қўйган Ғафур ака кулимсираб ҳамма билан қўл бериб кўриша туриб:

— Ҳа, Ғози аканинг ўғли, Раҳимберди билан таниш экансан-да, а?— деб қўйдилар.

Ғафур Ғуломни кўп йиллардан бери танир эдим. Унинг ёзган асарларини севиб ўқир эдим. Кўчада у билан учрашиб қолишса, дадам чап қўлларини хитоб қилиб:

— ГПУ, ГПУ большевойнинг қўли бу,—деб Ғафур Ғуломнинг «Турксиб» шеъридан парча ўқиб ҳазиллашардилар.

Ғафур ака эса:

— Ғози ака эшак миниб, сулухи билан сув ичиб, келопти,—деб тегишардилар.

Шу зайлда улар орасида аския бошланар эди.

— Жўжа-хўрозлар, олдин қовунларни сўйиб, бир тилим-бир тилимдан енглар, кейин қайси бири ширин, қайси бири бемазалигини аниқлаб, кимники пирра эканлигига келишинглар,—деб пичоқни олдиларда, қовунларни тилимлаб ҳаммамизга улашдилар.

Қовунларни еб бўлгунимизча қанча гаплар гапирилиб, ўпка узиладиган даражада кулишдик. Қарабсизки, Ғафур Ғулом биздан катта ёшда, ўша вақтнинг машҳур одамларидан бўлишларига қарамасдан бизлар билан баробардек улфат бўлдилар-қўйдилар. Ширинаки тамом бўлгандан сўнг Ғафур ака бизларга қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Театрга тушиб турасизларми, қайси томоша сизларга ёқади?—деб сўрадилар.

— «Ҳамлет»,—деб жавоб бердик ҳаммамиз.

— Бўлмаса сизларга бир янгилик айтаман: ўша сизлар билган Шекспирнинг шоҳ асарларидан бўлган «Отелло» асарини ўзбек тилига таржима қилиб бўлдим. Ҳозир уйдан олиб чиқиб, сизларга биринчи ўлароқ ўқиб бераман,—дедилар-да қулаб тушган девордан бир ҳатлаб кўздан ғойиб бўлдилар. Бизлар ажабланиб Раҳимбердига қарадик.

— Ғафур ака бизларга боғ қўшни бўладилар,—деб изоҳ берди у.

Узоқ вақт ўтмасдан, қўлда бир даста қоғоз билан қайтдилар. Шуҳратга (ҳозир Халқ ёзувчиси) қараб:

— Сен жуда чиройли ўқийсан, ўқи,—деб қоғозларни узатдилар. Шуҳрат қоғозларни қўлига олди-ю:

— Ғафур ака, мен арабчани яхши ўқий олмайман,—деди.

— Ёмон даллол ёнидан. Майли, ўзим ўқийман. Яхшилаб тушунишга ҳаракат қилинглар. Ўқиб бўлганимдан кейин ҳар бирингиз ўз фикрингизни алоҳида-алоҳида айтиб берасизлар,—деб ўқишни бошладилар.

Ғафур ака бир вақт қўлёзмаларни хонтахта устига қўйиб, ўрниларидан туриб:

— Қани, шоввозлар, сизлар ҳам турингглар, бир пас айланиб келамиз, мен чарчадим. Осмонда ҳулкар ҳам тиккайиб қолибди,—деб супадан пастга тушдилар. Биз жўжалардек Ғафур акага эргашдик. Боғ атрофини бир неча бор айланиб, яна супага қайтиб қарасакки, хонтахта устидаги қўлёзмадан бирор варақ ҳам йўқ. Ғафур ака икки қўлларини бошларига қўйиб, уҳ тортиб, бўлар иш бўлди, дайди шамол шамоллигини қилибди. Энди ҳеч ким эрталабгача қовун полизга тушмасин. Кун ёришганда ўзим чиқаман, териб оламиз,—дедилар-да, супадаги 2—3 варақларни олиб, ўз боғлари томон кетдилар.

Тонг ёришиши билан ўриндан туриб, ишга киришдик. Қўлёзмаларни йиғиб олиб супа устидаги кўрпача остига қўйдик. Ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нонлар билан бирга сопол товоқларда қаймоқ, косаларда ширчой дастурхонга тортилди. Мезбоннинг «олдин дастурхондаги ноз-неъматларни енглар, кейин қовун ейсизлар» дейишига қарамай қовунларни сўйиб мақтай-мақтай ея кетдик. Ғафур ака келиб ҳаммамиз билан саломлашгач, қўлёзмани олиб Раҳимбердига узатдилар-да, «келинойингга олиб бориб бер», дедилар.

Нонуштадан сўнг йўлга чиқдик. Ғафур аканинг шаҳарда ишлари бор экан, бизга ҳамроҳ бўлдилар. Шаҳарга яқинлаша бошлаганимиз сари қорни оғриётган қовунхўрларнинг сони борган сари кўпая бошлади.

— Эй шоввозлар, саҳарда оч қоринга қовун еб бўлмайди, аввал бирон нарса тановул қилиш керак эди. Энди ҳар нарса бўлса ҳам Қумлоққа боришингиз керак, дориси ўша ерда,—дедилар-да, ўзлари тез-тез юриб кетдилар. Бизни бу зайлда ташлаб кетганларига ажабланиб йўлда давом этдик. Олдинма-кетин қоринларимизни ушлаб, Қумлоқ чойхонасига етиб борсак, Ғафур ака бир шиша мусалласни очиб бизларни кутиб ўтирган

* * *

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун,
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

«Вақт».

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканлар. Икки-уч қултумдан қуйиб, ҳар биттамизга узата бошладилар. Кўпчилик ҳали бундай нарсани истеъмол қилмаганликлари учун рад этишди. Ғафур ака уларга қараб:

— Бу сизларга ҳозир кайф қилиш учун эмас, дори сифатида ичишларинг керак,— дедилар. Галма-галдан ича бошладигу «тавба!» деб ёқа ушлашдан бошқа иложимиз қолмади. Чунки, ичилган нарса ошқозонга бориб етар-етмас қорин оғриғи таққа тўхтар эди. Ҳаммамиз бир пасда қорин оғриғидан қутулиб, Ғафур акага тикилиб қолдик.

— Қалай, шоввозлар,—дедилар у киши кулимсираб.

Бу воқеадан сўнг кўча-кўйда кўп учрашдик, анча-мунча катта-кичик латифалардан баҳраманд бўлдик. Ғафур ака камтарин, унинг учун катта-кичик баробар эди. Баъзи-баъзида учрашиб қолсак, қўймасдан «американка»ларга олиб кириб пиво билан меҳмон қилар, дадам, Чўлпон ака, Абдулла Қодирийларни эслаб, чин юракдан ачиниб ҳам қўяр эдилар. Шу орқали бизларнинг меҳримиз Ғафур акага ошар эди.

Шундан озгина вақт ўтра-ўтмас Финляндия билан уруш бошланиб, оғир мусибатли кунлар халқнинг бошига тушди. Мен 1940 йил 4 январида урушга кетганимча 1945 йил 19 ноябрда Тошкентга қайтдим. Менинг соғ-саломат қайтганлигимни йўқлаб Раҳимберди билан Ғафур ака келишди. Ўзлари харажат қилиб келган масаллиқларидан таом тайёрлаб еб-ичиб кетишди. Уруш вақтида ёзилган асарларини ўқиб чиқдим. Шулар ичида мени ҳўнг-ҳўнг йиғлатган асар «Сен етим эмассан» бўлди.

Кўргилик экан, Ғафур аканинг бошига кетма-кет оғир мусибат тушди. Тўсатдан бўйи ўз тенгдошларидан баланд, кўринишидан кўркам, 15—16 ёшдаги ўғли Ўзар вафот этди. Бу оғир мусибатни ота жуда мардонаворлик билан ўтказди. Бизлар дафн маросимида қатнашдик. Орадан 30—35 кун ўтар-ўтмас менинг уйимга Раҳимберди келиб, «эшитдингми, Ғафур аканинг яна бир ўғли—Башар оламдан ўтибди», деб йиғлаб юборди.

Бизлар Ғафур аканинг уйига борганимизда жамоа жам бўлиб, кўчада одамлар тўда-тўда бўлиб туришар эди. Ҳовлига кирдик, қавму қариндош, узоқ-яқиндан келганлар, қўни-қўшни аёллар билан ҳовли тўла эди. Уй йўлаги эшиги олдида кўз ёшларини бошига ташлаган катта рўмолининг учи билан артаётган Муҳаррамхон келинойи турар эдилар. Раҳимбердига кўзлари тушишлари билан эшик йўлагига имо қилиб, акангизни нима қилиб бўлса ҳам одамлар орасига олиб чиқинг, жуда ёмон аҳволдалар, дедилар. Ўз бошига шундай оғир мусибат тушганда ҳам ўзига энг яқин одамни назардан қочирмайдиган аёллар жуда кам бўлса керак, деган фикр хаёлимга келди. Йўлакка кириб эшик бурчагига пешонасини тираб, икки қўлини орқага қилиб турган Ғафур акага кўзимиз тушди. Ёнларига борганимизда Раҳимберди Ғафур аканинг елкасига жуда эҳтиётлик билан қўлини қўйди.

— Ғафур ака, юринг, кўчада сизни тумонат одам кутиб турибди,—деб иккинчи қўлини унинг ўнг елкасига қўйди. Ғафур ака ўнг қўлини Раҳимбердининг елкасига, чап қўлини менинг бўйнимга ташладилар. Эшик томон чиқа бошладик. Бўйнимдаги қўл шу даражада оғир бўлиб, мени ерга эгаётгандек туюлар эди. Ғафур аканинг бутун вужуди, чекаётган азоб ва изтиробда қалтираётганини сездим ва бу нарса менга ҳам ўта бошлади шекилли, вужудимда майин титраш бошланди. Ғафур ака аста бошини кўтариб, ҳовлидагиларга назар солганида кўзидан бир томчи ҳам ёш оқаётгани йўқ, фақат кўзини қандайдир суюқлик пардаси ўраб олганга ўхшар эди. Тўпланганларнинг аксари йиғлар эди.

Ажабо, бу кўз ёшларига нима сабаб? Эҳтимолдан йироқ эмаски, Ғафур аканинг ўғли Башарни ҳаётлигида кўрмаган бўлишим мумкин. Ҳозир ҳўнг-ҳўнг йиғлаб турибман. Атрофимиздаги одамларнинг кўпчилигининг кўзида ёш. Бу ёшлар одам болаларининг бир-бирларига бўлган туғма меҳр ва оқибатлари эмасми? Амин бўлдимки, «Сен етим эмассан» Ғафур аканинг болаларга бўлган буюк меҳр ва муҳаббатини ўзида мужассам этгани учун ҳам йиллар оша яшаётган экан.

● ● ●

Михаил Янчевецкий

Отамнинг ўчмас хотиралари[1]

В. Ян Тошкентда кечган уч йиллик ҳаёти мобайнида кўплаб ўзбек, туркман, тожик ёзувчилари, драматурглари, шоирлари, режиссёрлари, композиторлари ва Ўрта Осиё халқлари маданиятининг бошқа арбоблари билан учрашган эди.

В. Ян Ўрта Осиёнинг Ойбек, Ашрафий, Айний, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Дурди, Берди Кербобоев, Муҳаммаджон Раҳимий, Уйғур, Яшин каби атоқли адабиёт ва санъат арбоблари, шунингдек, Тошкентда яшаб турган машҳур москвалик украин ҳам-

[1] М. В. Янчевецкийнинг «Тарихчи адиб В. Ян» китобидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

да белорус адиблари, санъаткорлари, олимлари билан учрашган, суҳбатлашган эди.

1942 йилнинг августида ўзбек ёзувчилари билан бўлган учрашув кечасида у, жумладан, шундай деган эди: «Мен Ўрта Осиёга илк бор бундан қарийб эллик йил муқаддам келган эдим... Ўшанда ўзбек адабиёти ғоятда машаққатли шароитларда қайта тикланди...

Бугунги кунда ўзбек адабиёти, драмаси, санъатининг бошқа турлари Ҳамза Ҳакимзода, Ҳалима Носирова, Уйғур, Ҳидоятов, Тамарахоним, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Исмоил Акрам ва бошқа ёш муаллифларнинг жонли номларини ўз ичига оладики, мен уларни кўз ўнгимда яққол кўриб чексиз қувонаман.» Уруш йилларида Ўрта Осиёда яшаган отам ўз қайдларида кўпгина самимий сўзлар ва мушоҳадалар ёзиб қолдирган, хушкўнгил меҳмоннавозликлари учун ўзбекларга миннатдорлик изҳор қилган.

...Бир куни В. Ян Ёзувчилар союзига борганида ошхона жойлашган ҳовлига чиққан Ғафур Ғулом уни ўзининг ва Ойбекнинг болалари овқатланаётган столга бошлаб борибди.

— Сизлар Яннинг кимлигини биласизларми? — деб сўрабди Ғафур Ғулом болалардан.

— Биламиз,—деб жавоб беришибди болалар.—У «Чингизхон» билан «Ботухон»ни ёзган.

— Боту ким эди?

— Фашист—у русларнинг ерини босиб олмоқчи бўлган.

— Ватанини ким ҳимоя қилган?

— Князь Юрий, Евпатий Коловрат...

Ғафур Ғулом болаларга уқтирибди:

— Бир қанча йиллар ўтгандан кейин сизлар биз «Чингизхон»ни ёзган кимсан—Яннинг қўлини ушлаганмиз, дейишларингиз мумкин.

«Ғафур Ғуломнинг бу йўсиндаги сўзлари ғоятда таъсирли эди»,—деб қайд этган эди отам кундалигида.

«Қимматли ва муҳтарам ўртоқ Ойбек!—деб ёзган эди отам Тошкентга.—Сизни Янги йил билан тарбиклайман, назаримда, У халқ ҳаётининг ҳамма соҳаларига, айниқса санъат оламига юксак равнақ олиб келади...

Ғафур Ғулом учун хурсандман.[1] Табрик телеграммамга жавобан ундан дўстона салом хат олдим. Унга, шунингдек, бошқа барча ўзбек ёзувчиларига энг самимий туйғуларим изҳорини етказишингизни сўрайман».

* * *

Нилий гумбазлари кўк ичида кўк,
Ложувард осмонда чиний кабутар.
Самарқанд сайқали рўйи заминаст,
Шарқнинг кўрки бўлган тарихий шаҳар...

...Ватанга — жамоли жаҳон орони
Бергувчи фарзандлар бешиги бу ер.
Шарққа маърифатнинг аниқ юзини
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер.

«Самарқанд учун».

* * *

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак, бас.

«Вақт».

[1] Ғафур Ғулом 1946 йили «Шарқдан келаётирман» шеърлар китоби учун Сталин мукофоти билан тақдирланган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Устод ҳақида хотиралар

Шоирлик тарнов ясаш эмас

Худбинроқ бир шоир устод Ғафур Ғуломга ҳасрат қилиб қолибди.

— Дунё оғир...

— Елкасига олган бор эканми ёки сиз кўтариб кўрдингизми?—дебдилар устод Ғафур Ғулом.

— Кулгига бурманг-у,—дебди ҳалиги шоир,—дунёда инсофсизлик зўрайиб кетаётибди. Ёзиб олиб борсам, ҳурмат билан қабул қилиб, босиб чиқариш у ёкда қолиб: «У ери ундай, бу ери бундай», деб баҳона қилишади. Ёзмасанг—ёзмади дейишади, ёзсанг—рад қилишади...

— Редакциялар «Шиши бор—бўши бор, ҳали анча иши бор» десалар, яхшилаб пишитиб, тузатиб олиб боринг, қайтарсалар уқтиринг, гапингизни ўтказинг.

Шоир яна гапга тушиб кетибди. Тупроққа булғаланмаган биронта муҳаррир, адабий ходими қолмабди.

— Беш кунлик дунёда бунча инсофсизлик?

— Қўйинг-е, биродар,—дебди Ғафур Ғулом,—диққатимни оширманг. Биринчидан, сиз айтаётган ўша одамларда инсоф бўлмаса, бунда дунёнинг нима гуноҳи бор? Иккинчидан, «Севдирган ҳам, бездирган ҳам тил», дейдилар. Тилимизга эҳтиёт бўлайлик-да, нўхта боғини ўзига ташламайлик. Қолаверса, шоирлик тарнов эмаски, ундан ҳар қандай бўтана оқаверса!..

Тагида бўлмаса...

Шоирлар йиғилган даврада аввал катта ёшдаги шоирлар, кейин Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон ва бошқалар ўз асарларидан ўқидилар.

— Агар мен ҳам сизлардек шеър ўқиш санъатини эгаллаган бўлсам, менинг шеърларим ҳам таъсирли бўлиб чиқарди. Афсуски, мен шеърни ёзсам ҳам сизлар ўқиганларингдек ўқий олмайман,—деб қолди шунда тинглаб турган бир нотаниш шоир.

Ғафур Ғулом ўша нотаниш шоир йигитни олдиларига чақирдилар ва шеърларини қўлидан олдилар. Бир-икки бор ичларида ўқиб чиққанларидан кейин, шеърларни ҳамма эшитарли қилиб ифодали ўқиб бердилар. Аммо шунда ҳам улар таъсирсиз, зерикарли эшитилди. Шу билан гўё рентген аппаратига тутилгандек, шеърларнинг нуқсонлари аён кўриниб қолди.

Устод Ғафур Ғулом шеърларнинг камчиликлари, хатолари устида тўхталиб, шоир йигитга бундай дедилар:

— Укам, малол келса-келмаса гап шу, атр суви сепган билан саримсоқ хушбўй ҳид бермаганидек, ёмон ёзилган шеър яхши ўқиса ҳам ёмонлиги аён бўлиб туради. Ҳудабеҳудага ёзилаверган шеър қадр топмайди. Кўп изланиб оз ёзсангиз, оз ёзганда ҳам соз ёзсангиз, маҳоратингиз ошиб боради. Шеър—шовқин-сурон эмас, шеър—нозик ҳис-туйғу, оромбахш куй, оҳангдир,—деб устод йигитнинг қўлёзмаларини қайтариб бердилар.

Саволига яраша

Бир вақтлар шу жамият ва унинг ғалабасини мустаҳкамлаш учун ғоясизларга, либералларга, лапашангларга қарши курашувчиларнинг сафларида бўлган кишиларни бугун жуда орқада ёки курашувчилар қаторидан четда кўриш, кишида раҳмдиллик—шафқат эмас, унга нисбатан нафратни қўзғар экан. Ўшандайлар бугунги жамиятимизга ёт кишидек кўринар, назардан тушаркан.

Ёзувчиларнинг боғида катта ёзувчилар ёш қаламкашлардан бир арқон бўйи берироқда ўтирар эдилар. Ўзаро суҳбат, ҳазил-мутойиба авжида эди.

— Сенга бир саволим бор,—деди устод Ғафур Ғуломнинг тенгдошларидан бири.—Лекин тўғрисини айтасан!

— Бажонидил,—дедилар устод Ғафур Ғулом.—Кўнгил чиндан ўзгани демас, лекин ҳаммавақт чин гапиравериш ҳам ақл иши эмас.

— Ғафур, ҳазилингни қўй, мен сидқидилдан сўраяпман.

— Иккала қулоғим ҳам сенда, гапиравер.

— Саволим шуки, менда ёзувчилик истеъдоди борми ёки йўқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сенда аввалари ёзувчилик истеъдоди бўлар эди, ҳозир эса сенда йўқ.

— Ия, у нима деганинг?

— Бунинг энди иккинчи сўроқ,—дедилар устод Ғафур Ғулом,—сен менга «битта саволим бор» деган эдинг.

— Йўқ, бу саволимга ҳам жавоб берасан!—деб тихирлик қилавергач, охири устод Ғафур Ғулом иккинчи саволига ҳам жавоб қайтардилар:

— Сен, олдинлари бадиий пишиқ ҳикоялар ёзиб турардинг. Ҳозир эса, ўнг юзи чап юзига ўхшамаган одамдек, жамият сенга ош отса, сен тош отадиган бўлиб қолдинг. Масаланки, бўлар-бўлмас шикоятларнинг «ёзувчиси» бўлиб қолдинг. Юз-хотирни, андишани йиғиштириб қўйиб, шумлик отига яна ўзингникини эмас, бировнинг эгарини босиб, миниб олдинг.

— Ҳўш, нима маслаҳат бермоқчисан?

— «Маслаҳатни ақл тиши чиққунгача ўргат, кейин фойдаси бўлмайди», дейди халқимиз.

* *

Қора Сейтлиев,

Туркманистон халқ шоири

Одам ва тириклик

Ўғлининг бошига келар балони
Онаси сезармиш, дейдилар, илкис.
Ўз шоир ўғлига келар балони
Шу она тупроғи туйгандир балки,
Тошкентнинг юраги титради илкис.

Дейдилар: «Буюклик соддаликдадир»,
Шул соддалик учун суярдик сени.
Дейдилар: «Инсонлик соддаликдадир»,
Шул инсонлик учун суярдик сени.
Шул соддалик учун суярдик сени.

Инсон суяр шоир Ғафур Ғуломни,
Инсонлар ёдидан ололмас ўлим.
Дунё суяр шоир Ғафур Ғуломни,
Дунёмиздан уни ололмас ўлим.

Навоийни севиб сақлаган каби,
Сени ҳам юракда сақлар элларинг.
Боқий қўшиғи бор ёш наслларнинг,
Қўшиқлар боғида эккан гулларинг.
Сени ҳам юракда сақлар элларинг.

Ўғлининг бошига келар балони
Онаси сезармиш, дейдилар, илкис.
Ўз шоир ўғлига келган балони
Шул она тупроғинг сезгандир балки.
Тошкентнинг юраги титради илкис.

Маъруф ЖАЛИЛ таржимаси

* *

* * *

Алишер қаламга қилганда хитоб
Давоти ёдидан кўтарилдиму?
Сиёҳдон, азизим, қора кўзлигим,
Қора тунлар аро ёриган кўзгу.

Сендаги у сиёҳ — йўқ, сиёҳ эмас,
Қалбимда қайнаган қип-қизил қоним —
Донғимни оламга ўзинг ёйгансан,
Омон бўл, қолмади дилда армоним.

«Сиёҳдон».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Собит Муқонов

Заки Нурийга хат

Қадрдоним Заки!

10 июль куни Уфа ва Қўстанай орқали Олмаотага қайтиб келдим. Уйимда хотиржамгина ётдим, аммо эртасига эрталаб бу хотиржамлик барҳам топди: радио, Ғафур Ғулом вафот этди, деган хабар берди.

Бунга ишониш қийин эди. Бироқ аён ҳақиқат эди!..

Қирқ йиллик қадрдон дўстимдан жудо бўлишим нима эканлигини яхши тасаввур қилаолсанг керак! Сену биз бу одам билан куни кеча Қозонда кўпгина биродарона, ёқимли, самимий мулоқотларда бўлган эдик!

Бу ғуссали хабарни эшитишим биланоқ, ниҳоятда толиққан бўлишимга қарамай, бизнинг раҳбар идораларимизга телефон қилиб, Тошкентга бориб севикли Ғафурнинг дафн маросимига иштирок этмоқчи эканлигимни айтдим.

Шу ондаёқ етакчи газетамиз «Социалистик Қозоғистон» газетасига мен ва татар дўстларим Қозонда Ғафур Ғулом билан қандай мулоқотда бўлганимиз ҳақида мақола ёзиб бердим

Очиғини айтсам, унинг ўлими сизларнинг шаҳрингизда бошланган эди: хабаринг бордир, 27 июнь куни у Тошкентга телефон қилмоқчи бўлганида, алоқачилар: «Тошкент билан телефон алоқаси уч кунга узиб қўйилган», деб жавоб беришди. Сизлар йўқ эдинглар. Марям икковимиз кўриб турибмиз. Ғафур бу хабарни эшитаркан ранги қув ўчиб, беҳуш йиқилиб тушишига сал қолди. Кечаси билан Марям икковимиз унинг ёнидан жилмай пойлаб чиқдик. У ҳолсизланган, ўқтин-ўқтин йиғлай-йиғлай: «Наҳотки яна яқин-йироқларим ҳалок бўлган бўлса?!» дея алаҳлар эди.

Эртасига, сиз татар дўстларим, бизни аэропортга кузатиб чиқдинглар, Ғафурнинг ўзини тутолмай йиғлаганларини кўрдинглар. У Москвага учиб кетди, мен эса Уфага. Хайрлашаётганимизда у мени қучоқлаб, қулоғимга: «Яқин орада Тошкентга мени кўргани борсанг ажаб эмас», деб пичирлади.

Шоирнинг тусмоли бежиз эмас экан. Хуллас, мен 11 июль куни Тошкентга унинг дафн маросимига бордим!.. Қандай даҳшат!..

Одатда Тошкентдаги вайроналар ҳақида бор гапни очиқчасига ёзмайдилар. Бу даҳшатли манзара. Аммо мотам маросими иштирокчилари Ғафурнинг тобутини мозорга олиб кетаётганида битта қолмай кўчага ёпирилиб чиққан тошкентликларни кўриш ундан ҳам даҳшатлироқ эди. Мен Ғафур Ғуломни яхши билардим. Ана шунда мен уни юз карра ортиқроқ билдим, жонажон халқи қандай севишига гувоҳ бўлдим. Назаримда, унинг ўлими Тошкентда сўнгги икки ой мобайнида юз берган зилзилаларнинг ҳаммасига тенг бўлгудек таҳликали офат эди.

Мен сени, азизим Заки, бу хатим билан қайғуга солмоқчи эмасдим, аммо иложим йўқ. Замонамиз оташин шоирларидан бирининг руҳи икки оламда ҳам ёруғликда кечсин.

Мен ҳали астойдил ўзимга келганимча йўқ. Аммо ҳаёт шундайки, ҳамма нарса ўтиб кетади...

Барча татар дўстларимга қардошларча салом.

1966 йил 13 июль.

* * *

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.
Миср эҳромларидан
Тарихинг қарироқдир.

Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал;

Хоразмнинг ҳар ғиштида
Боболарнинг ижоди
Англо — саксонлардан
Анча юқорироқдир.

«Олий ирқ» даъвогари,
Черчиллнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукаммал.

«Шараф қўлёзмаси».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўрт улус тарихи

Мирзо Улуғбек

Соҳибқирони Аъзам Темучини муаззамнинг Макрит қавми подшоҳи Тўқтобеки билан қилган жанги зикри

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам Найманхон билан бўлган жангдан фориғ бўлиб, найман қабилалари ва қавмлари — Найманхонга тобе (халқ)ларни ўзига муте ва фармонбардор қилди. Ўша кезлар Макрит хони Тўқтобеки саркашлик ва гардантоблик кўрсатиб, мухолифлик изҳор этди. Шу сабабли соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам унинг диёри томон юрди ва бир ҳамла билан макрит подшоҳи Тўқтобеки лашкарини тор-мор келтирди...

Тўқтобеки Темучин жангидан дил олдириб қўйгач, қочиб, ўғлини олиб, Найманнинг биродари Буйруқхон ҳузурига келди. Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам ул ердан Танғут мамлакатлари сари йўналди. Ул мамлакатни Қошин ҳам дер эдилар.

Назм:
Чу аз кори макрит пардохт шоҳ,
Ба иқлими танғут кашидан сипоҳ.
Мазмуни:
Шоҳ макрит қавми ишидан фориғ бўлгач,
Танғут ўлкасига қўшин тортди.

Йўл асносида соҳибқирон аскарлари қалъада беркиниб ётган Тойир Осунни қўлга олиб, соҳибқирони аъзам ҳузурига келтирдилар. Қошинга етганда унинг қалъасини бўйсундириб, ер билан яксон қилдилар.

Назм:
Валоёти Қошин ҳама кард паст,
За ғорат басе молаш омад ба даст.
Мазмуни:

Қошин вилоятини босиб, ғорат қилди, кўплаб молу мулкни қўлга киритди.

Темучин қоон эл бўлган қавмларни лашкарига қўшиб олди. Қаттиқчилик ва заҳматдан уларни осонликка ва неъматга етказди. Саркашлик қилган ҳар бир кимсани қавми билан тиғдан ўтказди, токи шу йўл билан турку мўғул қавмлари ва улусини ўзига эл қилгай. Уларга эл олдида ёрлиғ ва пайза бериб, уларни нўён, ҳазора, сада, панжа унвонларига кўтарди. Ҳануз ўша ясақ барча муносиб дастури билан уларнинг авлоди ва зурриёди ўртасида боқийдир.

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззамнинг қурултой чақиргани ва Чингизхон лақабини олгани зикри

Муборак ражаб ойи санаи 602 ҳижрий, (милодий 1206 йил февраль — март ойлари) барс йилида Офтоб шарофатли ва ожизлар бошига ҳашамат байроғи ва азамат яловини кўтарган бир вақтда ва табиат султони мансуб қувватларини боғ-роғларга оройиш бериш учун фармон берганда.

Назм:

(Мазмуни) «Тоғу тошда баҳор хуррамлигидан гулу лола бўй ва ранг таратарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чашма лаби ва ўтлоқ юзи севгили ёр юзи ва лабидек бўлган эди. Тоғу даралар гулу лола билан қопланган эди. Гулу лола даҳани шудрингга тўлганди. Замин кўм-кўк, замон хуррам эди. Жаҳон соҳибқирони буюрди: оқ байроқ тикишсин сипоҳ. Тангри иқболидан зафарга майл кўргуздилар. Ҳар чеккадан қурултойга йиғилишсин. Коҳину улуғлар саройга келишсин. Совун[1] *келтириб, соврун ейишади. Суюрғол кўрурлар, ўрун олурлар».*

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам қурултойга тайёрлик кўришга фармон бергандан кейин, ҳар томонга, элу улусларга жарчиларни жўнатди. Аммо, мўғул луғатида улкан жамият ва азим тантанани қурултой дейилганидан, шундай қилинди. Соҳибқирон амри билан унинг барча фарзандлари, амиру нўёнлари ва жамики аркони давлати тўққиз пояли оқ туғни гардунга соя солиб турган пойтахти даргоҳига қададилар. Атроф-теваракнинг барча халқлари туман, ҳазора, сада, панжалар ҳар бири ўз рутбасига биноан совун келтирди ва соврунлар олишди. Соҳибқирони аъзам суюрғолларидан ўз мартабаларига яраша 12 қўрда ўринларига ўлтирдилар. Шу вақтда Хусрави гетигистон (жаҳонгир) ғоятда бахтиёр ва комронлигидан жаҳонбонлик тахтига ўлтириб, шаҳриёрлик тожини саодатли бошига қўйди. Хонлик сарири, хоқонлик тахтига ўрнашди. Мажлис ҳозирлари, мўғул элу улуси, оғаю ини, ота ва ўғул, кичигу улуғ мартабаларига мувофиқ тиз чўкиб, ўлжомиш ва тобуғ кўргуздилар. Барча тилини дуою санога очиб, таъзим қоидаси, иззат-икром йўриғини бажо келтирдилар...

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам хонлик тахтига ўлтиргач, даргоҳ халқи ва сарой аҳли 12 қўр ўринда саф боғладилар. Халойиқ издиҳом ғалаёнидан ўз ўринларига ўлтирдилар. Айтишларича, ўша кезларда ул ноҳияларда бир киши бўлган. Уни мўғуллар Тиб тангри деб атаганлар. Ўзбак улуси Яланғоч ота дейишади. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шу ондаёқ ижобат бўларди. Унинг ҳақида айтишадики, тоғу тош, дараларда яланғоч кезаркан ва совуқ шиддатидан ва иссиқ ҳароратидан асло ибо қилмас экан.

У ҳеч ким билан алоқа қилмасди. Турли лаҳжаларда сўзларди. Халққа тушунарли бўлган ҳар бир сўзи, албатта шу заҳотиёқ амалга ошарди. Шу бир лаҳзанинг ўзида ҳам йиғларди, ҳам куларди. Баногоҳ, ул ҳазрат наъра урганча ва йиғлаганча ва ўйинга тушганча ўша тўпланганларга яқинлашиб, ёнидан ўтган ҳар бир кишига қадимий одат бўйича ўзича нималарнидир деб, соҳибқироннинг дарбори эшигидан кириб, соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам тахтига яқинлашар, айтардики, ҳаққи субҳона ва таоло бу кеча менга хабар бердики: «Рўйи заминнинг аскарини Темучин ва унинг фарзандлари ва хешларига топширурмиз. Кўплаб азимуш-шаън подшоҳларни унинг поймоли ва забуни қилажакмиз. Барча улкан маликлар ва муаззам султонлар унга мутеъ ва қарам бўлғусидирлар. Энди унга Чингизхон деб ном қўюрмиз. Минбаъд сен ўзингни Темучин демасдан, мазлумлар додини золимлардан асрагайсан»...

Бу гапни эшитганлар эгилиб, ер ўпдилар. Ҳаққа илтижо қилиб, пешоналарини ерга теккиздилар. Мадҳ этишга бошладилар, ғулғула кўтардилар. Ҳамма уни шундай (Чингизхон) атай бошлади. Шу янги исм билан табрикладилар. «Гумон аҳлидек сўз ўғриси бўлма. Шуни бил соҳибқирон Темучин. Осмону замин тангриси ҳукми билан шу дамдан Чингизхонсен». Шу жиҳатданки, «Чингизхон»нинг маъноси туркийда шоҳлар шоҳи деганидир.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг найман подшоҳи Найманхоннинг биродари Буйруқхон устига лашкар тортиши зикри

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам қурултойдан фориғ бўлгач, дарҳол найман подшоҳи Найманхоннинг биродари Буйруқхон томон ҳаракат учун илғор бўлиб шошилди. Буйруқхон хос одамлари билан шикор қилувчиларни тамошо қилиш билан машғул, замона ҳодисаларидан ғофил бўлган бир пайтда соҳибқирони аъзамнинг лашкари ўша саҳрода унга яқинлашди. Шикордорларини ўраб олиб, камурға ташлаб, ажал домига асир қилдилар.

Буйруқхон қатл этилгач, барча хотину болалари, гала ва сурувлари ғоратга етди. Бу воқеадан хабар топгандан кейин Кўшлукхоннинг дили амакиси ғамига тўлиб, макрит қавми подшоҳи Тўхтобеки ҳузурига жўнади. Тўхтобеки соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга қарши урушишдан қочишга қарор қилган ва Буйруқхонга яқин жойларда истиқомат қиларди. Кушлуккон Тўхтобеки билан бирга қочдилар. Ўша кезларда тангут аҳли яна мухолифлик қила бошлади. Соҳибқирони аъзам бундан хабар топиб, улар диёри томон йўналди. Назм:

(Мазмуни) «Ҳамма адоват қиличини яланғочлади. Яна тангут (қавми) аҳилликка хилоф иш тутди. Тангутлар сенга қарши қўзғолибди деган гап соҳибқиронга етди. Соҳибқирон Чингизхон шу лаҳзадаёқ тангутларга қарши ҳисобсиз лашкар тортди. Қисқа вақт ичида уларнинг ишини саранжом қилди. Уни Валихон чорлаган эди, тангутлар

[1] Совун — сов — соф тилла.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлкаси бутунлай таслим бўлди. Ундаги барча чўпонлар, подалар унинг қўлига ўтди. У ердан қирғизлар устига юрди. Ғазаб билан хунрезлик қилди. Қирғиз номдорлари Чингизхонга бўйин эгиб, пешкашлар билан келдилар ва шоҳ итоатига шай турдилар. Шоҳ қирғизу тангут устига юришдан қайтгач, унинг сипоҳи саноғига етиб бўлмас даражада кўпайиб кетди».

Соҳибқирони аъзам Тангут мамлакати ишларини саранжом қилгандан сўнг қирғиз диёри сарҳади сари йўналди. Ул ерга етишгандан кейин қирғиз қабилалари бузурглари барчаси пешкаш ва соврунлар тортиб, тобелик қадамларини итоат чизиғига қўйдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг макрит қавми подшоҳи Тўхтобеки ва найман подшоҳи Найман хоннинг ўғли Қушлукхон устига юриши ва уйрот, қорлиқ ва уйғур қавмларининг бўйсундирилиши тўғрисида

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам тангут ва қирғиз ташвишларидан қайтди. Унинг сипоҳи сону саноқдан ташқари кўпайди. Қиш фаслида барча лашкарларини тўфондек Тўқтобеки ва Қушлук томон тортди. Назм:

(Мазмуни) «Макрит қавми шоҳи Тўхтобеки шердил киши эди. Ботирлар хунидан эди чоғари. Самур терисидан эди лашкарининг кийгани. Ўлкаларда фитна қўзғарди. Ҳийла қилиб жангдан қочарди. Бу борада Қушлукдек илдам эди. Ардиш сарҳадида хавфсираб кезарди. Шаҳаншоҳ жим, мўру малахдек сипоҳи ундан бехабар эди. У қўзғолиб, Тўхтобеки ортидан равона бўлди. Шу асносида ким олдин етиб келса, уни ўқдек яширарди. Бу юришда зафарли шоҳ уйрот қавмидан қўловуз[1] *танлаган эди.*

Урушлар билан тўла бу юришда йўл асносида баланд мартабали шоҳ сипоҳининг гарди уйрот қавми устига етишди. Уйрот қабилаларининг барча сардорлари итоат камарини белларига боғлаб, соҳибқирон қаҳри камонидан тўғри ўқдек қочиб, ўз нусрат фавжларига етишдилар. Соҳибқирон зафарасар лашкарига йўл кўрсатиб, макрит қавми подшоҳи Тўхтобеки ўрдуси сари етдилар. Лашкар дарёси жанггоҳ ва говсар (гурзи) мавжидан жўшга келди. Тиғ зарбининг суви мавжи ва найза тиғи талотуми шундай баҳодирлар томирин қирқардики, кўз ёши қонини ноком диловарлар мужгонидан оқизарди. Ўша мавзеда бир қазову қадар хона камонидан ўқ чиқиб, макрит подшоҳи Тухтобекига етди. Жисмидан руҳи қуши учди...»

Йилон йилига мувофиқ келувчи 605 йил (милодий 1208—1209) да Тўхтобеки эли ва аксари лашкари диловарлари ҳамроҳлигида қатл этилди. Макрит қавмининг қолган-қутгани соҳибқирони аъзам лашкари томонидан ўраб олинди. Найман қавми подшоҳи Найманхоннинг ўғли Қушлукхон ўз улуси бўлган Макрит қавми Тўхтобеки ва баъзи диловарлари билан бирга соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам муборизлари майдонидан адам диёрига юз қўйганларини кўриб ноиложу ночор қочишга қарор берди. Бешболиқ йўлига қорахитой подшоҳи Турхон ҳузурига жўнади. Чарчаган қавмлари эса тарқалиб кетдилар.

Найман подшоҳи Найманхоннинг ўғли Қушлукхон қорахитой диёрига етгандан кейин Гурхон кўринишига совға кўтариб борди. Гурхоннинг марҳаматли қўлидан эса суюрғол (ёрлиғини) олди. Гурхон Қушлукхонни эъзоз-икром билан ўз ўрдуси томон бошлади, хурсандчилик изҳор этиб, ўз қизини унга узатди. Қушлук Гурхоннинг куёвлигига мушарраф бўлди ва унинг давлати соясида бир неча кун осудаликда яшади.

Шу орада турк авлодининг азимушшаън хоқонларидан қорлиқ қавми подшоси Арслонхон ўз қавму қабиласи билан сонсиз лашкарга эга бўлиб, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳузурига келди. Бу улкан ғалабалар Чингизхонга муяссар бўлганидан сипоҳ сардорлари ва қавм бошлиқларининг ҳар бирига суюрғол бериб, ўринлар тайин қилди, олдиларига эътиборли соврилар қўйди. Уйғур қавмининг подшоси Идиқут эди. Уйғур халқи ўшанда уларга подшо бўлган кишини идиқут деб аташган.

Идиқутнинг маъноси турк-уйғур луғатида давлат соҳиби (худованди давлат)дир. Ўша вақтда Идиқут Гурхонга мол тўлаган. Гурхонга тобе ва қарам бўлган. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг қорахитой Гурхони билан мухолиф бўлгани овозасини эшитган Идиқут номи Шовугум бўлган Гурхон доруғасини Қорахожа мавзеида қатл этиб, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга келиб қўшилди. Назм:

(Мазмуни) «Идиқут шоҳ бўлса ҳам, Гурхон ундан хирож оларди. Ўртада турган доруғаси Шовугум деган киши эди. У уйғурлардан қўй сурувлари учун хирож йиғарди ва Гурхон ҳузурига элтарди. Идиқут ва унинг қавми чор-ночор Шовугумга бўйсунарди. Бошқа бирон илож қилолмасдилар, шу тарзда кун кечиришарди. Чингизхони соҳибқироннинг найман лашкари устидан ғалабасигача бу ҳол давом этди. Уйрот, макрит ва бошқа улуслар ўз подшолари билан ноғора чалганча, қарлуғ сипоҳи, туғлари дастасини ою қуёшгача кўтарганча келарди. Жомуқо, солжуют, чуют, орлот, барлос, тойжиют, дўрмон, баҳрин, қўнғирот, тотор, қўнғон, жожирот, дарёту, қопқин, юргин, жалойир, қўнғургин подшоҳлари ўз сипоҳлари билан соҳибқиронга келиб қўшилдилар. Иқболли

---

[1] Қуловуз — йўл бошловчи, кўрсатувчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу фатҳу зафардан давлат ноғорасининг овозаси янада баланд бўлди. Кўрка садолари ҳар ерга етарди. Уйғур Идиқут балорагини тортиб, Гурхонга ғазабидан, соҳибқиронга меҳридан жўшиб, дилидан интиқом сўзларини чиқарди. «Адоват қиличини ғилофидан суғуриб, Қорахожа ерларида қаҳри тиғидан Шовугум бошини олиб даҳор тупроғига ирғитди. Хитой одатига хилоф равишда ноғора-сурнай чалишни буюрди. Буғ ғуруллаши ва ноғора овозидан, ҳар бир жойнинг элу улуси қўзғалди. Чопишиб Идиқут дарвозасига келдилар. Бу иш Керавут хоҳиши билан бўлди. Сипоҳ бошлиқлари бирлашиб ёпирилиб кирдилар ва Идиқутдан шундай сўзларни эшитдилар: «Кимки Чингизхонга ёв экан, мендан омон қутула олмайди. Энди мен унинг йўлидан бораман, хизматини қилурман. Ким унга қарши экан, жанг куни мену қиличу жанг майдонини кўргуси. Саркашлар бошини тупроққа отгум, кўзларин ўйгум. Найзадек унинг хизматига бел боғлагайман. Душман жигарини тиламан. Мен Темучин қоон хайрихоҳи, уни Чингизхон дейишади». Идиқут Шовугум бошини олди, барча томонга хабар қилди. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб, дили ғам-ғуссадан фориғ бўлди».

Уйғур подшоҳи Идиқутнинг қорахитой Гурхони билан соҳибқирони аъзамга муҳаббати туфайли мухолифлиги ва гурхон доруғаси Шовугумни ўлдиргани овозаси Чингизхони муаззам қулоғига етгач, соҳибқирон элчилари тезда манзилу марҳалалар ўтиб Идиқутни олий даргоҳга келтиришларини амр қилди. Назм:

(Мазмуни) «Уйғур юртига бир кишини инъому эҳсонлар билан элчи қилиб жўнатди. У билан шундай хабар йўллади: «Эй саодатли, сени бахтли кўриш менинг ниятим. Биз томонга дўст сифатида қадам ранжида қилгин. Сени кўриш иштиёқидаман». Шоҳ фармони билан элчи жўнади. Дарҳол йўлга равона бўлди».

Элчи соҳибқирони аъзамдан рухсат олиб, уйғур юрти сари Идиқут ҳузурига елди. Йўл босиб, етгач, соҳибқирони аъзам иноятномасини Идиқутга етказди. Назм:

(Мазмуни) «Элчи Идиқутга номани бергач, уни ўпиб бошига қистирди. Номанинг ёзилишидан меҳр нақши гулини терди. Хатининг хуш бўйидан меҳру муҳаббат туйди. Номани очиб ўқиди. Суюрғол берилгани хабарини билиб, ҳамду сано ўқиди. Шоҳнинг йўқлаганидан Идиқут шод бўлди. Уйғур заминидан шоҳ ҳузурига жўнади. Шоҳга лойиқ кўрган хазинасидаги ганжларни олди. Заржома, ҳарир, гавҳар қадалган кулоҳ ва тожни, минг бош юк оти ва този от, саноқсиз ғулом ва канизак, шунқор, тайғур, лочин, қиммат-баҳо зеварлар ҳисобсиз, офтоб нуридаги зарралардек эди. Жубба, жавшан, кийим, қалқон ҳисобсиз ва зар билан безатилган эди. Денгизу кон қаъридагича жавоҳир. Яман омборидан ҳисобсиз синжоби, олтойи, қоқим, самурий жуббалар беш юз мингдан ортиқ. Туялар қатори 50 минг эди. Хитойи зебо матолар даста-даста. Хитой мушки ортилган карвон иккита эди. Ортилган лаъл оғирлигидан юк ҳайвонлари оёғи эгилар-ди. Ана шу нарсаларни у тортиқ қилди ва хондан илтифотлар кўрди. Соҳибқирон фармони билан Идиқутни тўқсабо ўрнига ўтқаздилар. У ўрунғордан жой олгани учун суюрғол улушига сазовор бўлди. Шоҳона инъомдан сарафроз бўлди ва узоқ йўл ранжидан ариди».

Соҳибқироннинг элчиси уйғур диёрига етгач, Идиқут билан кўришди ва соҳибқи-роннинг номасини Идиқутнинг қўлига топширди. Идиқут соҳибқирони аъзам Чингизхо-ни муаззамга бўлган ихлоҳ одоби ва мувофиқлик иззати шароитини бажо келтирди. Турли ҳадя ва туҳфалар кўтариб Соҳибқирони аъзам мулозаматига жўнади. Йўл юриб, олий ўрдуга етди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам кўринишига сазовор бўлиб, кўп пешкаш ва саноқсиз совринлар ўлжомиши кўргузди.

Соҳибқироний қўр ўрнига ўлтириб, ўз меросий улусини суюрғол тарзида олди. Иккинчи бор қабул қилинганда уйғур хони Идиқутдан соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам йўл ранжи ва ҳаёт машаққати ҳақида сўради. Яқин кишиларига подшоҳона инъому эҳсондан имтиёзлар бағишлади ва йиллик моли-даромадидан сўради. Гурхон билан мухолифлик ва соҳибқирон дўстлари билан мувофиқлик қилганига таҳсинлар ўқиди. Навозишлар қилди. Қимматли ташрифоту хисравона анъомларга лойиқ топди. Яхши подшоҳлар орасида хос хилъат билан эъзозлади.

Уйғур қавмининг подшоҳи Идиқут адабу ихлоси зиёдалигидан соҳибқирони аъзам назарида манзур бўлди. Иккинчи бор кўринишга келганда соҳибқирони аъзам Чингиз-хони муаззамга кўрагонлик, яъни куёвлик шарофатли хилъатига мушарраф бўлди ва яқинлари орасида имтиёз топди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Хитой подшоҳи Олтонхонни йўқотмоққа киришгани ва Хитой мамлакатини бўйсундиргани кайфиятининг баёни

Хитой подшоҳи Олтонхоннинг қисқача воқеаси шундан иборатки, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам давлатининг юлдузи зуҳуридан аввал аждодлари давлати даврида қудратли шаҳзодалардан Ҳамиқо ибн Сарқад ибн Ҳарқалингум ибн Қойдухон ибн Дутуминхон ва Угин тўрфоқ ибн Қайлхон ибн Туманахон ибн Бойсунғурхон ибн Қойдухон ибн Дутуминхонни авфу узрларига қарамай олиб келтирган эди. Ҳар бири ўз жойида ибо топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шул вақтда соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ишлари юришиб кетди, лашкари беҳад бўлди. Яхши қуролланган бир фавж сипоҳини ўзининг аъло мартабали ўрдусининг муҳофазаси учун тайин қилди. Чексиз лашкари шиддати билан Хитой мамлакати сари йўналди.

Соҳибқирони аъзам у ерга етгач, андак замонда етмиш тумандан ташкил топган Ҳурбахт вилоятини фатҳ этди. Мискин шаҳрини ҳам тасарруфига киритди. Ул мамлакатнинг муаззам шаҳарларидан бўлган Туйкайк шаҳрини вайрон қилди. Амирлари ва лашкарларини Хитой шаҳарларининг фатҳи учун ҳар тарафга жўнатди.

У ерда Хитой тахтгоҳи Чингду шаҳри томон қараб юрди. Зероки, Олтонхон хитойи ўша ерда эди. Олтонхон Чингизхон таважжуҳидан огоҳ бўлгач, ўз амирлари Кевкик, Баркек ва Туншоҳ ва вазири Жингшонг билан кенгаш қилди. Назм:

(Мазмуни) Чингизхон юртни хароб қилди, биз билан савашмоққа шитоб билан келмоқда. Биз не қилдик энди: сулҳ сўрайликми ё жанг қилайлик?

Олтонхонга Жингшонг деди:

«Энди жангдан кўра сулҳ афзал. Замона сирларини билиб бўлмайди. Бу дунё жанг кунида бизга душманлик қиладими, ё меҳр кўргазишини ким билади?

Биз бу борада сулҳ тузсак, савоб бўларди, бошқа фикрдан қайтмоғиз лозим».

Хитой подшоҳи Олтонхонга унинг бу раъйи мувофиқ келди. Сулҳ тузиш учун Чингизхон ҳузурига элчи жўнатди. Ўз қизи Ганжурни соҳибқирон Чингизхони муаззамга берди. Соҳибқирони аъзам Олтонхон хитойининг қизини (никоҳлаб) олди. У ердан қайтиб келди.

Олтонхон ўз мамлакатини нотинч ва паришон кўриб, ўз ўғлини Чангдугаки, мўғуллар уни Хонбалиқ дерлар, ҳисобсиз лашкар билан жўнатди. Ўзи отаси қурган Дўртмаккa кетди. Уни Интишойи ҳам дейдилар. Назм:

(Мазмуни) «Атрофини қирқ фарсангли (девор) билан ўраб, атрофига яна уч бору қурди. Дарё тарафдан асосини қурди. У ерда сермева дарахтлар кўп эди».

Ўша дарёни Чингхў дердилар. Кенглиги чандон эдики, тонгдан шомгача кема бор ҳаракати билан бу соҳилдан нарисига бир навбат бориб келарди. Ул шаҳарда мевалар, токзорлар бор.

Олтонхон Тимсакка жўнаганда, йўл асносида лашкарларидан баъзилари орқага қайтиб, Чингизга бориб қўшилдилар. Чингизхон Олтонхоннинг кетганидан хабар топиб, ўз туман амирларидан Мекон менгли ва Шомуқани улкан лашкар ва юлдуз сонли сипоҳ билан Хонбалиқни қўлга киритиш учун жўнатди, токи қамал қилгайлар. Бироз муддат ўтгач, уларнинг иши танг бўлди, уларда қувват қолмади. Назм:

(Мазмуни) «Чангду учун озуқа шу даражада камчил бўлдики, жон эвазига ҳам нон топиш амри маҳол эди. Олтонхон ғаму ғуссада заҳар ичиб ўлди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг амирлари ул шаҳарни забт этдилар».

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хонбалиқ фатҳи хабарини эшитгач, уч амири Қўнғур, Уйғур ва Хатоқиёни жўнатди, токи Олтонхоннинг молу хазиналарини кўчириб келтирсинлар. Ул ерга етганларида Олтонхоннинг хазинадори уларга жами молу заҳираларни таслим қилди. Уч тахта зарбофти чиний ҳарирни амирларга пешкаш қилди. Қўнғур олмади. Қолган икки амир олди. Ҳар учала амир хазинадор билан бирга моллар ва хазинани ортиб, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хизматига жўнадилар. Назм:

(Мазмуни) «Бор гапни шоҳга етказишгач, шаҳаншоҳ Қўнғурдан жавоб беришини сўради: «Додинг унга таъсир қилмадими, айтгил?» Хушмуомала амир шундай жавоб берди: «Нимани берса ҳам мен олмадим. Бир луқма ҳам овқатидан қабул қилмадим». Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам унинг олмагани сабабини сўради. Қўнғур деди: «Агар шаҳар жангсиз ва қамалсиз эгалланганда ва ундаги молу мулк Олтонхонга тааллуқ топганда, нима берса олган бўлардим». Назм:

(Мазмуни)

Лекин соҳибқирон фармони билан ул улуғлар пойтахтини қўлга киритдилар. Уни хунрезлик ва ўткир шамшир гирдобига ташлади. Ул ноҳиядан қиёмат қўпди. Бир дамда ҳамма асир бўлдилар. Ҳамма нарса сўзсиз шоҳники бўлгуси. Ким арпадек нарсани тасарруф қилгудек бўлса ёки бирор кишини бунга ундаса, ким олса, ким берса, шариат ҳукмида гуноҳдир. Чингизхон буни эшитиб, «жуда соз, ҳеч ким бу даражада дуруст гапирмаган», деди. Қўнғурга илтифот кўрсатди. Қилган хизматига икки карра ҳақ тўлади. Қолган икки амир гуноҳларини бўйинларига олиб, хатолари учун узр сўрадилар. Бир иксирзода эгилиб, соҳибқиронга пешкаш келтирди. Бадномлик билан танилганларни шоҳ бўшатиб юборди. У подшо даргоҳини тарк этди. Бахшиш малол келмаганларга ҳам шоҳ олтин ва мол бахш этди.

Чингизхон икки йил давомида Хитой шаҳарларини забт этди. Кейин ўз ўрдуси томон қайтди. Тўқтобекининг биродари Қудвай баҳодир Найман заминида яшаб турган макрит қавмининг ҳокими эди. Савоид баҳодирни шулар сари қўшин билан жўнатди. У ерга етиб, уруш бўлди. Қудвай бой, Тўхтобекининг уч ўғли ва макрит қавмининг кўпчилиги ўлдирилди. Ул қавмни ғорат қилдилар. У ерлардан қайтиб келиб, Савоид соҳибқирони аъзам ўрдусига қўшилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барғул нўённи тўмот қавми устига жўнатди. Барғул нўён ул ерга етгач, тўмот қавмини тиғ остига олди. Жанг охирида ўлдирилди.

Шундан кейин Яғли Кўёнг деган нўённи катта лашкар билан Хитой мамлакатининг муҳофазаси учун жўнатди...

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хотину фарзандларининг баёни зикри

Тарихларда битилганким, хони соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўрдуйи олийсида номдор хотинлар ва кўплаб нўёнлар бор эди. Назм:

(Мазмуни)

Хушнуд бўлиб ички ўрдуга кирди. Унда беш юздан ортиқ хотини ва канизаги бор эди. Барчаси хонлар жуфти, шоҳ қизлари, хўблиғда жаҳонга ном таратган эдилар.

Аммо беш нафари уларнинг саромади эди. Биринчиси қўнғирот подшоҳининг қизи Бўрта Кўчин, тўнғич ўғлининг онаси. Иккинчиси Олтонхон Хитойининг қизи Ганжур. Учинчиси найман подшоҳи Найманхоннинг қизи Гўтари Сузун. Тўртинчиси Човуктунинг қизи Бесулун. Бешинчиси Тойир усуннинг қизи Қулон.

Тожли ва саройли бу беш хотиндан мансабда Бўрта Кўчин ортиқ эди. Шоҳдан кўп фарзанд кўрди: беш қиздан ташқари яна тўрт ўғил.

Соҳибқирони аъзамнинг жумла ўғиллари: биринчиси — ҳаммасидан каттаси Жўчихон; иккинчиси Чиғатойхон, учинчиси Ўктойхон, тўртинчиси Тулихон. Шу тўрттов ўғилдан ҳар бирига бир баланд мартаба тайинланган ва бир ишга белгиланган эди. Жўчихон базму шикорни тартиб этишга, Чиғатой ясов ва бурғу чалмоқ, олмоқ ва лашкар иши насағига белгиланганди.

Юксак қобилият эгаси ва замон ягонаси бўлган Ўктойни мамлакат тадбирларига тайинлади. Болиғ нўён лақабли Тулини сарой аҳли ва амалдорларининг муҳофазасига белгилади. Бу тўрт фарзандидан ташқари яна беш ўғли бор эди. Улар бошқа хотинларидан эди.

Хитой мамлакати ва Шарқий Хитойни Мочин чегарасигача тасарруфи остига киритгач, барча ерларини барча мўғул қабила ва қавмлари, фарзандлари, набиралари Чорачор нўён ва бошқаларига, хешларига бўлиб берди.

Ҳар бир хешини махсус фарзанд қилди. Кейин ҳамкорлик биносини мустаҳкамлашга, ўғиллари ва хешлари ўртасида дўсту улфатлик қоидаларини ўрнатишга чорлади. Шунингдек, уларнинг сийналари экинзорига муҳаббат ва бир-бирига садоқат тухмини экди. Чунончи, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бир куни ўғиллари ва хешларини жамлади. Таркашидан бир ўқ чиқариб, уни синдирди. Яна икки ўқни олиб уни ҳам синдирди. Сўнг биттадан ўқни олавериб, бир қанчасини тўплади. Қанча уринмасин уларни синдиролмади. Уларни ҳозир бўлган кишиларга берди. Ҳеч ким уларни синдиролмади. Шу кундан бошлаб зўравонлар ожиз қолдилар. Кейин ўғиллари ва хешларига қараб шундай деди: «Бу ўқлар мисли сизларнинг ҳар бирингиз. Агар сизлар ҳам иттифоқ, бир-бирингизга суянчиқ бўлсангиз, ҳеч кимнинг қўли сизлардан устун кела олмайди ва сизларни енга олмайди. Яна сизлардан бирингизни подшоҳликка тайинламоқчиман. Унга ҳаммангиз якдиллик, бирсўзлик, якжиҳатлик билан фармонбардор ва тобелик кўрсатмоғингиз лозим, токи орангизда душманлик йўл топмагай; душманлар устингиздан зафар топа олмагай. Ким подшоҳингиз бўлиши масаласига келганда, ҳар бирингиз бўла оласиз. Ҳақиқат юзасидан барча фарзандлар ва хешлар бир-бирининг молу мулкига шерик бўлолмайди».

Мўғул қабилаларининг расм-русуми бунёди ва соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг элу улусга ясоси баёни ва зикри

Тангри таоло Чингизхонга дину дунёвий тадбирларда шундай ақлу фаросат берган эдики, турк сулоласининг бирор султонига насиб этмаган эди. Шу жиҳатдан у ясо бунёд этди. Бир неча қоидага асос солди. Ўз раъйидан келиб чиқиб, ҳар тадбирга қонун, ҳар бир гуноҳга жазо муайян қилди. Шу жумладан мусулмонни қатл этгани қасосига қирқ болиш зар тайин қилди. Бир хитойликни ўлдирса — бир қуён. Мўғул қавмларининг хати бўлмагани учун, «уларнинг фарзандлари уйғурлардан хат ўрганишсин» деди. Бу ясо ва қонунларни дафтарларга сабт этди. Унга шибошуб деб ном қўйдилар. Уни яна Ясономайи бузург дейдилар. Уни хазинага топширди. Улар уни азизу мўътабар тутдилар. Мазмунига тажовуз қилмадилар. Авваллари, қабилалар қавмлари у билан мунтазамлик топдилар, расму русум ва одатлари шул масаллик эди. Улар орасида мавжуд бўлган ўғирлик ва бошқалар мазкур қоидалар билан йўқотилди. Малик ва султонларга тааллуқли ёзилган ҳукмлар ва масалалар, чунончи, собиқ султонларнинг расму русуми таҳрир этила борди. Лашкарининг кўплиги ва унинг салтанати истеъдодидан ваҳм қилмади, балки иши саранжоми оқибати шундан иборат эдики, «агар бизга эл ва мойил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлсангиз жон билан омонлик топасизлар. Агар унга хилоф иш тутсангиз, худойи таоло ёзгани бўлади. Бу мутавакиллар сўзидир. Сўзсиз, нима топса шундан топади», деди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бирор дину миллатга ён босмаган. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан устунлиги ақидасидан парҳез қиларди. Балки, ҳар тоифанинг уламо ва зоҳидларини эъзоз этарди. Унга ўз ҳузурида иззат ва ҳурмат кўрсатишни лозим биларди. Унинг мамлакати майдони кенгайиб ва улғайиб кетганидан мушкилликлар ҳам нозил бўлди. Аҳволни очиқ айтишдан бошқа чора йўқ эди. Ёмлар тартиб этилди. Ҳар ёмнинг харажатини чорва, ходимлар, озуқа ва бошқалардан тартиб берилди. Уларни туманларга беркитилди ва ўша нарсалар шулардан олинди. Ҳар манзилда ём қурдилар, токи элчилар хабарни тез етказгайлар. Мўғуллар расм-русуми ва одатлари шундай эдики, уларга чиқарилган хон ясоғи ва фармонини ҳеч ким бўйин товламасдан адо этмоғи лозим, жони борича мутелик ва итоатда бўлардилар. Ҳар чоқ маншур ёки мактуб ёзсалар муболағали иборалар такаллуфи бўлмай, балки мақсад сўзини ёзиб қўя қоладилар. Ортиқча лақаблар ва ибораларни тан олмайдилар. Ов қилишни ёқтирадилар. Балки уни ҳаётнинг энг олий машғулоти деб биладилар. Қиш авваллари катта ов қиладилар. Аввал, сайёдни тафаҳҳус учун — шикорнинг кўп ёки озлигини билиб келиш учун жўнатадилар. Таҳқиқ этилгач, лашкарга фармон берадилар, токи теварак-атрофдан жангда қўлланадиган қонун бўйича маймана ва майсара, қалб ва жаноҳга бўлиниб тартиб тузадилар ва ҳар ким ўз атрофида айланиб юрадилар. Йигирма кунлик, бир ойлик ёки ундан зиёда кунлик саҳро ва тоғни айланиб ўртага оладилар. Уларнинг подшоҳи ўзининг тобелари, хотинлари ва турли озуқаси билан шикорга равона бўлади. Ов жониворларини аста-секин, тадрижий равишда ҳайдайдилар ва бир ерга тўплаб, муҳофаза қиладилар, токи, ўтлоқ, яйловдан чиқиб кетмагайлар. Агар ногоҳ бирор ов оралиқдан чиқиб қочса, унинг сабабларини миридан-сиригача суриштирадилар. Туман, ҳазора, сада, даҳча амири бирор камчиликка йўл қўйиб, ўтлоқда оҳуни ташқарига чиқариб юборгани аниқланса, уни калтаклайдилар. Кўпчилик бўлса, уни ясоққа етказадилар. Жаргоҳ деб аталувчи сафни агар тўғри сақламасалар, бирор қадам вобаста боссалар, уларни жазолаш муболағали тус олади. Бир-бирларига яқинлашганларида, бир-бирлари билан қўл ушлашадилар. Ундан ҳам яқинроқ келаверганларида елкама-елка, тиззама-тизза бўладилар ва шу ҳолда турадилар. Ҳалқа ўртасида турли-туман ёввойи ва ваҳший жониворлар ҳуружга келадилар. Биринчи бўлиб хон бир неча хос одамлари билан ўртага от солиб, бирор соат камон ўқи билан ов қилади. Шундан кейин шаҳзодалар ва амирлар билан ўртага тушадилар. Ҳар бири шикор қилади. Хон орқага қайтганда, овни лашкарга қолдирадилар. Бундай тартиб-интизомни қаттиқ тутишдан мақсад фақат овнинг ўзигина бўлмай, шуни назарда тутадики, ҳар бир лашкар ёки сипоҳ суворийлик ва ўқ отишни ўзига касб қилсин ва ҳақиқий жанг куни ўзларини эркин ва эҳтиёт қилгайлар, ғафлатда қолмагайлар, ҳушёр тургайлар. Бугунги кунгача мўғуллар орасида шу тариқа боқийдир.

Аммо лашкар тартиби шундай тузилганки, Одам ато замонидан бугунги кунгача бирор подшоҳнинг сипоҳи туркларникидек муяссар бўлмаган. Сабру бардош шиддатида ва маълум муддатгача шокирлик (шукр қилувчи, сабрлик)да яширин ва ошкора ўз ҳокимларига жону дилдан маҳкумлик ва мутелик қилурлар. Бу на унинг жоҳу мансаби, на унинг қўли узунлиги ва баландлигидан эди. Жанг пайтида каттадан кичигигача барчаси қиличбозлару ёйандоздир.

Ҳақиқатан ҳам улар тутган муайян йўлни мақсад қиладилар. Жангдан ёки сулҳдан қайтганда ва ҳар қандай бошқа тадбирга киришар эканлар, ўз ишлари бошини шу иш деб биладилар. Қурол-яроғ, ҳар бир майда-чуйдаки, душман қасдида жангга жўнар эканлар, ўша маслаҳатда зарурати бор бўлган ҳар бир нарсани, турли қурол ва асбоблардан тортиб то игна ва бигизгача ўзлари билан оладилар. Кўпинча шундай бўладики, агар санаб ўтилган нарсаларни бирортасидан топилмаса, агар бирон кишидан бир камчилик борлиги аниқланса, қаттиқ жазолайдилар... Бирор ташвиш юз берса улус тавочилари туман амирига бу ишни ҳавола қиладилар. Туман амирлари, ҳазора амирлари, сада амирлари, даҳа амирлари ул ишни ижро этадилар. Ҳар ким ўз ясоғи билан келади. Лашкарга эҳтиёж сезилса, шунча минг киши фалон вақтда, фалон жойда ҳозир бўлмоқлари лозим деб ҳукм қиладилар. Қилчалик ҳам бунга хилоф иш қилиш тақиқланади.

Лашкар билан хон ўртасида қасамга хилоф иш содир бўлса, жону дил билан фармонни ижро этишга ҳаракат қиладилар. Бирон киши бу борада камчиликка йўл қўйса ёки унутса, бир суворийни жўнатадилар, токи унга нисбатан чиқарилган фармон бўйича унга жазо берсин. Агар фармон бўлса, унинг бошини кесадилар. Яна шуни (таъкидлаш) лозимки, ҳеч ким ўз даҳаси, садаси, ҳазорасидан бошқа жойга кета олмагай ва бошқанинг паноҳига ўта олмагай. Ҳеч ким ўзини йўлдан уришларига йўл қўймаслиги лозим. Бунга хилоф иш тутганларни ҳалойиқ ҳузурида қатл этадилар, токи бошқаларга ибрат бўлгай. Қонунни бузган кишини билиб-билмасликка олиб юрган киши азобу уқубатга мустаҳиқ бўлур, токи бу уқубатдан қўрқиб, бирор киши бу йўлга кирмагай. Шу жиҳатдан ҳам бирор кимса ўзидан катталарга қўл кўтара олмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қорахитой подшоҳи Гурхон ва найман подшоҳи Қушлук Тойонгхон ўғли достони зикри

Улар ўртасида муносабатлар воқеаси муддатини турлича кўрсатадилар. Гурхон қарахитойлар султонларининг лақабидир. Улар ўз подшоҳларини гурхон деб атайдилар, яъни хонлар хони демакдир. Уларнинг асли хитойликлардандир. Хитойда улар машҳур ва мўътабар кишилар жумласидан бўлганлар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам туғилмасдан бир муддат олдин бир ҳодиса юз берган эди. Хитойдан аҳоли ва қабиланинг саксон нафари, бошқа бир ривоят бўйича катта бир гуруҳ кўчиб чиққан. Қирқиз ҳудудига етганларидан кейин улар билан у ернинг қавмлари ўртасида уруш ва жанжал юз берди: улар бир-бирларига ҳужум қилдилар. Сўнг у ердан ўтиб Эмилга кириб келдилар. Бу ерда бир шаҳар бино қилдилар. Ул ерга жуда кўплаб турклар ва бошқа қавмлар жам бўлдилар. Чунончи, қирқ минг хонадонга яқинлашдилар. Боласоғун шаҳридаки, мўғуллар уни Болиғхон, яъни яхши шаҳар деб атайдилар, Афросиёб наслидан бир хон бўлган. Унчалик қудратга эга эмасди. Турк қабилаларидан қорлиғ, қанғлилар қўли ундан бироз баланд келди. Улар унинг молу мулкига даҳл қила бошлади. Қорахитойлар ғалабаси ва шавкатидан хабар топгандан кейин Гурхонга элчи жўнатди: унинг олдида камтаринлик изҳор этиб, ўз пойтахти Боласоғунга таклиф қилди, токи ўз мамлакатини унинг қўлига топширгай, душманлари қорлиғ ва қанғли дастидан шу билан қутулмоқ истади. Гурхон унинг илтимосига кўра Эмилдан чиқиб Боласоғунга келди ва унинг ҳиммати билан хонлик тахтига ўлтирди. Хонлик номини Афросиёб набирасидан олди, ўзини эса туркларга ўхшаб атай бошлади. Гурхон Боласоғунда ҳукмрон бўлиб олгач, қанғли қавмини ўзига бўйсундирди; Кошғар ва Хўтанга лашкар жўнатди; у ерларни истило қилди. У билан мухолиф бўлган Бешболиғ ва Қирқизларни ҳам ўз тасарруфига киритди. Кейин Мовароуннаҳр ва Фарғонага лашкар тортди, уларни ҳам забт этди. Ўзига муте ва эл қилди. Або ва аждоди усмон султонларининг султони бўлиб келган Мовароуннаҳр султонлари унинг амри фармонига бош эгдилар.

Султон Санжар мозий билан 536 сана (милодий 1141 йил)да, ки ит йилига мувофиқдир, Самарқанд дарвозаси ёнида жанг қилди. Султон мағлуб бўлди. Султон Санжар шикаст топиб, Балхга кетди. Шу туфайлидан ҳикоятлар ва тарихлар айтилган. Кейин Туркистон ва Мовароуннаҳрда кўпчилик мамлакатлар истило этилди. Лашкарида Азбар деган одам бўлганидан уни лашкар билан Хоразм томон жангга жўнатди ва ул вилоятни ғорат ва қирғин қилди. Асирларни жўнатди. Итоат ва қуллик изҳорини қилди. Яна мол ва бойлик, минг динор келишув бўйича қабул қилиб олди. Йилма-йил шу миқдорда хирож жўнатиб туриш мажбуриятини олди. Азбар сулҳ тузиб қайтиб келди. Бироз муддатдан кейин Гурхон вафот этди. Хотини Карник эри ўрнига қойиммақом бўлди. Бир неча вақтдан кейин Гурхоннинг укаси уни ўртадан олиб ташлаб, ўзи ҳокимиятни қўлга олди. Гурхон лақабини қабул қилди. Шу аснода Хоразмшоҳ Эл-Арслон ибн Ашпар вафот топган эди. Унинг ўрнига Эл-Арслоннинг ўғли Султоншоҳ ўлтирди. Султоншоҳнинг биродари Такаш у билан мухолифлик қилди. Кейин қочиб, қорахитойларга бориб, илтижо қилди. Гурхон ёрдамида мамлакатни қўлга киритди. Султоншоҳ қочиб кетди. Такаш санаи 568, Луй йили саодатли 22 рабиус соний (милодий 1172 йил 12 декабрь) куни тахтга ўлтирди. Шоирлар унинг шаънига қасидалар ўқиди. Жумладан, Рашидиддин Ватвотнингки, унинг аждоди ҳузурида хизмат қилиб, ёши 80 дан ошган эди ва «Мухтасар»да келтиришларича бу рубоийни ўқиган.

Мазмуни: «Порсо бобонг (қўлини) зулмдан тортди. Тўлин ойинг аҳли шикастларни тузатди. Шоҳлик қабоси бўйига ярашган эй шоҳ, сенинг давлатинг навбати келди, нима қилсанг, сенинг давринг».

Найман подшоҳи Қушлук ибн Тойонгхон отасини қатл этгач, Гурхон паноҳига келган эди. Бироз муддат шу ерда яшагач, унга Машриқ томонда Гурхон амирлари оёқларини тобелик йўлидан тортганликларини маълум қилдилар. Шунингдек, Самарқанд ҳокими Султон Усмоннинг ҳам унга нисбатан ғанимлигини айтди. Назм:

(Мазмуни) «Бир куни у Гурхонга шундай деди: «Эй номдор, меҳрибон шоҳ, бугун шундай кун келдики, сенинг қавминг, менга на бегона, на ўзимники. Энди Бешболиғ меники, у Қоялиғ худуди ҳам меники. Чингизхондан барча юз ўгирди. Сардорсиз қолиб, саргаштадирлар. Ҳозир Чингизхон Хитойда эканлигида уларнинг масаласини ҳал қилмоқ лозим. Шоҳ бандасига фармон берса, тарқоқ лашкарни тўплашим мумкин. Гурхон келиб, хизмат камарини боғлагайман, отамга қилгандек. Лозим бўлса найман лашкарини олиб кетурман, бу юрт эмин бўлгуси. Соддадилликдан Гурхон, сенга айтаётирман. Эшитгину узоқлашишдан сақлан».

Гурхон унга хонлик лақабини бериб, қайтишга ижозат берди. Қушлук кетгандан кейин пароканда бўлиб кетган қавмини тўплади. Унинг овозаси ҳар томонга ёйилди. Қорахитой лашкари ўртасида унга тааллуқли бўлган бор гап унинг кўзи ўнгида рўй берди...

У қаболиқ эли ҳудудига етганда макрит (қабиласи) амири Тўқтоғон унга қўшилди. У ҳам Чингизхон савлати овозасидан қочиб юрган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қушлукнинг ишлари юришиб кетгач, «иннал инсона лайтаға ар раоҳустағна» мазмунига монанд исён йўлини тутди ва Гурхонга нисбатан мухолифлик қилди.

Отаси Такеш вафотидан кейин, 596 йил ҳижрий шаввол ойининг 25 (милодий 1200 йил 3 август) куни Хоразмга келиб тахтга ўлтирган Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг або ва аждоди Гурхонга хирож тўлаб турган. Уни кўпинча Қушлук етказарди. Ўша тартиб бўйича (хирож) талаб қилди. Унинг нафсига бу оғир ботди, буни ўзига ор билди: Хоразмшоҳ ким бўлдики, ундан Гурхон бож олса. У Қушлукхон ҳузурига одам юбориб, дедики: «Сен у тарафдан Гурхон устига лашкар торт, мен бу томондан ҳаракат қилурман».

Шу асосда аҳд боғлашдики, агар Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ улгурса, Гурхонни мағлуб қилади. Ўшанда Қошғардан Чингача уники бўлади. Агар Қушлук олдинроқ етиб келса-ю, Гурхонни енгса, Фанокас дарёси лабигача бўлган ерлар уники бўлади. Шу аҳду паймон бўйича қорахитойлар томон юрдилар. Қушлук олдинроқ етиб келди ва жанг бошлади.

Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг қорахитой подшоҳи Гурхон томон лашкар тортиши

Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад Хоразмнинг саноқсиз лашкари билан Гурхонга қарши жангга отланди. Хоразмдан Бухорога етиб келди. Бухоро аҳолиси бўйсундирилди. У ердан Самарқандга етишди. Самарқанд волийси Султон Усмон бўлиб, уни султонлар султони дейишарди. У Бўғраҳон ва Илигхон наслидан эди. Улар эса Мовароуннаҳр хонларидан эдилар. Уларнинг хуружи ва истилоси тақдирга тушган оллоҳ иродаси эди. У Гурхоннинг қизини сўраттирган эди, ижобатидан қайтди. Султон Муҳаммад истиқболига чиқди. Унинг номига хутба ўқитиб, танга зарб этди. Султон Муҳаммаднинг Хонсултон исмли қизи бор эди. Унга фотиҳа ўқитиб қўйди. Онасининг яқинларидан бўлган амир бор эди. Номи Турбатур эди. Уни Самарқанд шаҳналигига тайинлади. Султон Усмон билан бирга Гурхон томон жўнади. Гурхон уларнинг келаётганидан хабардор бўлгани учун лашкари сардори Тоянгу ҳузурига, унинг турар жойи Тарозга одам жўнатиб, жангга шай бўлиб туришини тайинлади. Султон Муҳаммад Сайхун дарёси устидан кўприк қурдириб ўтиб олди, сўнг кўприкни бузиб ташлашни буюрди, токи лашкар қочиш андешасига бормасин. Ишга футур етказмасин. Улар Илош сақросига етганларидан кейин Тоянгу саноқсиз лашкар билан ғурур ва кибр бошини кўтарганча қарши чиқди. Ва рабби-ул аввал ойининг 8-куни, санайи 607 ҳижрий (милодий 1210 йил 30 август)да ҳар икки лашкар бир-бирларига дуч келиб, қарама-қарши турдилар. Султон зафарли аскарларига қаттиқ туришни буюрди. Ислом хитобларини минбарлардан туриб эълон қилингиз, дуога қўл очингиз: «Оллохумма жуюш ал-муслимин ва сиррин ибохум». Шунда ҳар тарафдан ҳамла қилингиз, зеро, ислом хитобининг даъвати ва мусулмонларнинг ғайратига ҳазрати Ҳақ зафар бағишлайди». Фармонга кўра, буйруқни кутдилар. Намоз вақти яқинлашганда ислом сафларидан такбир садоси янгради. Теварак-атрофдан ҳужум бошладилар. Жанг бошланди. Байт:

(Мазмуни)

Ноғора хуруши, най бонги кўтарилди, замин осмондек жойидан қўзғолди.

Ул адашган фирқанинг аксари шамшир тиғи остида нобуд бўлди. Лашкар сардори Тоянгу яраланиб йиқилди. Уни Султон Муҳаммад ҳузурига элтишди. Фатҳ насими «Инно фатаҳно лака» («Дарҳақиқат сенга биз (йўл) очдик») даҳшатидан ислом яловига уфура бошлади. «Инно мин ал-мужримина мунтақимун» («Биз мужримлардан интиқом олажакмиз») мазмуни кофирлар ҳоли суратидан намоён бўлди. Валҳамду лиллаҳир — раббилоламин» Султон Тоянгуни фатҳнома билан Хоразмга жўнатди. Қорахитойлардан бўлган Бароқ ҳожибки, унинг зикри «Тарихи Ғозон»да муфассал сабт этилгандир, бирадари Ҳамид ибн Пур билан бирга бу жангда асир олинди. Уни Султон ҳузурига келтиришди. Аста-секин Ҳамид ибн Пур амирлик даражасига эришди. Бароқ Ҳожиб ҳожиблиги билан танилди ва Бароқ ҳожи номи билан шуҳрат топди. Шу зафардан кейин Султон Муҳаммадни Искандари Соний лақаби билан атай бошладилар. Султон Муҳаммад у ердан Ўтрорга жўнади. Унинг ҳокими у билан муқобил бўла олмаслигини билиб, ожизлик манзилидан жой олиб, омонлик тилади. Султон Муҳаммад унинг жони ва молига омонлик берди. Уни одамлари ва аҳли аёли билан кўчириб, Насога бориб яшашига рухсат берди. У ернинг ҳокимини Насога жўнатиб, Ўтрор воҳасини (аёлот) онаси қариндошларидан Инолчуққа топширди. У ердан музаффару мансур бўлиб, оти жиловини Самарқанд томон бурди ва Самарқанддан Хоразмга етди, айшу ишрат билан машғул бўлди. Тоянгуни қатл этишни буюрди. Уни ўлдириб, Жайхунга ташладилар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Жандум томон юриши ва у ердан Самарқандга бориши зикри

Жандум ҳудудида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ йўқлигида Қодирхон нақиб ва асҳобидан бир жамоа исён кўтарган эди. Шу сабабли Султон Муҳаммад Хоразмда ортиқ тура олмади. Уларни даф қилмоқ учун Жандум томон равона бўлди. Султон Усмон исённи тугатиш мақсадида Хоразмшоҳ қизини чақиртириб олди. Султон Хо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

размда туриб қолди. Султон Муҳаммад ул фитначи жамоанинг ҳолини танг қилгандан кейин, шу аснода қорахитой лашкари Самарқандни қамал қилгани хабари етди. Султон Жандумдан ўша томонга ҳаракат қилди. Мамлакатнинг ҳамма томонларига элчилар жўнатди. Атрофда бўлган барча лашкарларнининг жам бўлишини буюрди. Сўнг Самарқанд томон йўналди. Корахитой лашкари дарё атрофини бир неча муддат лашкаргоҳ қилиб турди. Ўн етти бор Самарқанд дарвозасига ҳужум қилиб, жанг бўлди. Бир навбатдан ташқари ғолиб келиб, Самарқанд лашкарини шаҳарга қамаб эдилар. Олтмиш тўққиз навбат қаҳру ғазабда жанг қилдилар. Ислом лашкари қорахитой лашкари устидан ғолиб келди. Чунки улар муҳорабадан ҳеч бир фойда йўқлигини кўрдилар. Шунда бир томондан Султоннинг келаётгани овозасини эшитдилар, иккинчи томондан Қушлукхон истилоси хабари етди. Шунинг учун шошилинч равишда орқага қайтишди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қорахитойлар билан жангга иккинчи бор лашкар тортиши

Султон Муҳаммад Самарқандга етганда, теварак-атрофдан лашкарлар жам бўлди. Кейин Самарқанддан йўлга равона бўлдилар.

Аксарияти мусулмон бўлган Сиғноқ шаҳрининг шоҳи нифоқ солиш майлида эди. Султон Муҳаммад ўзининг кўп сонли лашкаридан бир тўдани дарёнинг қаҳрли тўлқинидек жўнатди. Улар етиб келганда шу заҳотиёқ Сиғноқ ҳокимини қалъадан пастга олиб тушдилар. Бўйнига занжир солиб Султон Муҳаммад ҳузурига келтирдилар. Султон улардан Қушлукхоннинг енгилгани овозасини эшитиб, янада очкўзлиги қўзғаб, йўлга тушди. Бундан Гурхон хабар топиб, жангга ҳозир бўлиб турди. Икки лашкар бир-бирига дуч келганда Кобул Испаҳбуди ва Самарқанд шаҳнаси Бўртана бир-бири билан иттифоқ бўлиб, Султонга қарши тил бириктирдилар. Гурхон ҳузурига яширин равишда элчи жўнатиб, «биз тамоми лашкар билан жанг куни султондан юз ўгурурмиз», деб хабар бердилар. Гурхон ғолиб келадиган бўлса Хоразм Бўртанага, Хуросонни Испаҳбудга тааллуқ топадиган бўлди. Гурхон яна уларнинг яқинларига ҳам турли имтиёзлар беришга аҳд қилди. Сафлар тузилиб, бир-бирларига яқинлашганларида, узлуксиз ҳамлалар давом этди. Қорахитойлар майсараси Султон Муҳаммаднинг майсанаси устидан ғолиб келди. Султон лашкарининг майманаси мағлуб бўлиб, чекина бошлади. Ҳар иккала сипоҳ қалби бир-бирини қириб ташлади. Лашкардан бирон киши ғолиб ёки мағлуб бўлганини билмас эдилар. Ҳар икки томондан жангчилар талон-тарож ва ғорат қилиб қочишди. Султоннинг жанг кетаётган пайтда душман либосини кийиб ва қурол-яроғини тақиб олиш одати бор эди. Унинг хос одамлари ва яқинлари ҳам либосларини ўзгартириб, қорахитой лашкари орасига тушиб қолганларида султонни таниган эдилар. Кейин уни топа олмадилар. Султон бир неча кун ул қавм орасида бегона бўлиб юрди. Кейин қулай фурсат топиб, у ердан чиқиб қочди. Сайхун дарёсигача от чоптириб келди. Лашкар у етиб келиши билан беҳад янги руҳ ва нишот топди. Султон хабари теварак-атрофга келгани учун ҳар ким ҳар хаёлда эди. Баъзилар у бегона лашкар орасида қўлга тушган, баъзилар уни ўлдирилган, деб гумон қилиб юрган эдилар. Қисқаси, аниқ бир хабар топа олмай юрган эдилар. Шу сабабли мунширлар юбориб, теварак-атрофга хабар бердилар. Султон Муҳаммад Хоразмга келди. Қарахитой лашкари ҳам вилоятларни ғорат қилиб, қайтиб кетдилар. Боласоғунга етганларида у ернинг аҳолиси қорахитойлардан батанг бўлганидан султонга зафар ёр бўлишини умид қилиб, унинг шу ноҳияларни қорахитойлардан халос этишига ишониб, дарвозаларини беркитдилар ва Гурхонга йўл бермадилар ва уни қурол билан қарши олдилар. Ўн олти кун давомида жанг давом этди. Султоннинг орқа томондан ҳужум қилиш эҳтимолидан қўрқиб, оқибатда қорахитойлар лашкари ҳар тарафдан Гурхон ҳузурига тўпландилар. Султондан юз ўгирган элатлар билан бирга Боласоғун дарвозаларига ҳужум қилдилар. Теварак-атрофдан уларга қувват бердилар ва шаҳарга кирдилар. Уч кечаю уч кундуз қатли ом билан машғул бўлдилар.

Лашкар ҳозирлаш воситасида ва Гурхондан қолган хазиналарни ғорат қилиш натижасида Султон Муҳаммад ўз молини муҳофаза қилиш борасида Қорун даражасига етган эди. У «хазинани талашда лашкар қўлга киритган ғаниматлар алмаштирилиши лозим», деб фармон берди. Бу гапни шундайлигича (лашкарийларга) маълум қилганларидан кейин улар тарқалиб кетиб, туғён ва бўйсунмаслик йўлига тушиб олдилар. Ҳар ким ўз жойига жўнади. Қушлук бу воқеадан воқиф бўлиб, босқин уюштириб, бехабар Гурхонни қўлга туширди.

Бу пайтда Гурхон хазина, зару молларини жам қилмоқ билан машғул эди. Шунда Қушлук фурсатни ғанимат билиб, ўз тобелари билан бирга Гурхон устига ёпирилди. Бутун молу мулкини эгаллаб, жонига омонлик берди. Аммо ўзи унинг тахтига ўлтирди. Шу воқеадан кейин Гурхон яна икки йил яшади. Умри муддати 95 га етганда дунёдан ўтди...

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алишер Навоий

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

Аларнинг оти Муҳаммад ибни Муҳаммад Бухорийдур. Аларға қабул назари Хожа Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоқки, дер эрмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар[1] ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар. Андоқки, дер эрмишларки, мабодий аҳволда бир кеча ғалаботи ғазоботдин Бухоро мазоротидин уч мазорға етиштим. Ҳар мазорда бир чироғдон кўрдум, ёнадурған ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилаларға бирор ҳаракате бермак керак эрдики, яхши туташқай ва ёруғай. Сўнгги мутабаррак мазорда қиблаға мутаважжиҳ (юзланиб) ўлтирдим ва таважжиҳда ғайбате (ғойиблик) воқеъ бўлди. Мушоҳада қилдим. Қибла девори шақ (ёрилди, иккига ажралди) бўлди ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт олиға тортилғон ва теграсида жамоате ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайл (жамоа) ғойиблардиндурлар. Ораларидин биров манга айттики, тахти Хожа Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулафосидурлар (халифалари, ўринбосарлари) ва бирин-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобоға етганда, дедики, аларни худ (ҳақиқатан) ҳаётлари чоғида кўрибсен ва сенинг пирингдурлар ва санга бир бўрк берибдурлар ва каромат қилибдурларки, нозил бўлғон бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай. Андин сўнгра ул жамоат айттиларки, қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа ҳазратлари санга сўзлар айтғусидирларки ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли сулукида санга андин чора йўқтур.

Ул жамоатдин илтимос қилдимким, ҳазрати Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай. Пардани илайидин (юзидан) олдилар. Пире кўрдум нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларки, сулук мабдаида (бошида) ва васатида (ўртасида) ва охирида керакликтур, манга баён қилдилар ва дедиларки, ул чароғларки, ул кайфият била санга кўргуздилар ва ишорат ва башоратдур, санга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор (сирлар) зуҳур қилғай ва яна буюрдилар ва муболаға қилдиларки, барча аҳволға қадамни амру наҳй (буйруқ ва манъ этиш) жодасиға қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва Мустафо... аҳодисини (ҳадисларини) ўзунгга пешво қил ва расул... ва мутажассис (порлаб турувчи) бўл ва саҳобаи киром ва ахбор (хабарлари) ва осориға (белгиларига) мутафаққис (ўрганувчи бўл) ва бу сўзлардин сўнгра ул жамоат анга айттиларки, сенинг сидқ ҳолингнинг шоҳиди улдурки, тонгла эрта фалон ерга борғайсен ва фалон ишни қилғайсен ва мунинг тафсили ул ҳазратнинг мақоматида шарҳ била бор ва андин сўнгра дедиларки, Насафға мутаважжиҳ бўл, Амир Саййид Кулол хизматиға. Чун алар буйруғи била Насафға бордим ва Мир хизматиға еттим. Илтифотлар қилдилар ва нафй ва исбот тариқи била зикрға машғул қилдилар. Чун воқеада маъмур (итоаткор) эрдимки, амал азимат била қилғаймен, алонийа зикри (очиқ-ошкор зикр тушириш) била амал қилдим.

Биров алардин савол қилдиким, дарвешлик сизга маврусдур (меросдир) ё муктасаб (касб қилинган)? Алар дедилар: [Тенгри жазбасидин бир жазба инсон ва жин амали учун баробардур] ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдуқ.

Яна алардин сўрдиларки, сизнинг тариқингизда зикр жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? Дедиларки, бўлмас. Яна сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин ҳақ субҳонуҳу ва таоло била.

Байт:

Аз дарун шав ошнову ва-з берун бегонаваш,
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

(Шахслар борки, олди-сотди вақтида ҳам тангрини эслашдан фориғ бўлмайдилар).

Дерларки, аларға ҳаргиз қул ва дадак (чўри) бўлмас эрмиш. Алардан бу маъ-

[1] Ўтиб кетган бирор машҳур шайхни ўзига пир тутиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нида сўрубтурлар. Алар дебтурларки, қачон бу бандлиғ хожалиғ била рост келур. Биров алардин сўрдиким, сизнинг силсилангиз на ерга етар? Алар дедиларки, киши силсила била ҳеч ерга етмас ва дер эрмишларки, нафсларингизға туҳмат қилингки, ҳар ким тенгри иноятн била ўз нафсининг ямонлиғин ва кайд (ҳийла) ва макрин билган бўлса, агарчи анга саҳлдур (енгилдир), аммо бу йўл соликларидин кўп бор экандурларки, яна биров гуноҳин ўзларича тутуб, юкин тортибтурлар ва эрмишларки, ҳар турфатулайнда (кўз очиб юмгунчалик вақт) ўз вужуди нафъйин ва маъбуди ҳақиқий (оллоҳ таоло) исботин қилғай.

Жунайд[1] дебтурки, олтмиш йилдурки, имон келтурмакдадурмен ва лекин ул ихтиёр тарки ва қусури аъмол мушоҳадасидин ўзга нима ҳосил бўлмас ва дер эрмишларки, тааллуқи мосивоға (яъни ишқ йўлига тушганга) бу йўл соликинга улуғ ҳижобдур.

Байт:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосилй,
Зи пайвандҳо бигуслй-восилй.

Ва дер эрмишларки, бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳраттур ва шуҳратда офат, хайрият жамиятдур ва жамият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафй бўлунғай ва улча ул бузург буюрубтурки, агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракот. Умиддурки, анча мулозамат ва мудовамат (давом эттирса) имони ҳақиқийға мунтаҳий бўлғай (батамом эришгай). Ва дер эрмишки, бизнинг тариқимиз урваи вусқодурур (мустаҳкам эътимоддир). Ул илик пайғамбар мутобаатиға урмоқдур ва саҳобаи киром осориға иқтидо (тақлид) қилмоқ бу тариқда оз амал била кўп футуҳ (савоб ишга) етуштур. Аммо суннат мутобаати риояти улуғ иштурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз уюрса, анга дин қатаридур ва дер эрмишдур: солик вақтики, тенгри дўстларидин бири била суҳбат тутса, ўз ҳолидин воқиф бўлсун ва суҳбат замонини ўзга замон била мувозана қилсун... Ва дебтурларки, «лоилоҳа» табиат нафйидур ва «иллоллоҳ» маъбуди ҳақ исботидур ва «Муҳаммадун расулуллоҳ» ўзни «фатбауъни» мақомиға киюрмак, мақсуд зикридин таважжуҳ калимасининг ҳақиқатиға етмакдур ва калимаи ҳақиқий ўзга калима айтмоқдин бикуллий (тўла, комил) нафй бўлмоқдур. Кўп айтмоқ шарт эмас.

Дебтурларки, ҳазрати Хожа Азизон дер эрмишларки, ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур ва биз дербизки, тирнов юзичадур. Ҳеч нима булар кўзидан ғойиб эмас ва дебтурларки, тавҳид (худонинг ягоналиги) сирриға етса бўлур. Аммо маърифат сирриға етмак душвордур. Алар сафар азимати қилурда бузургзодалардин бирига зикр таълимин дегандурлар. Ул сафардин қайтғонда аларға дебтурларки, ул таълим олғон зикрга иштиғол (машғуллик) кўрсатмайдур ва тарк қилибтур. Улар андин сўрубтурларки, бизни ҳеч туш кўрдунг? Деди, ҳов кўрдум. Дедиларки, санга басдур. Мундин маълум бўлурки, ҳар кимгаки оз робитаи азизлар била бўлса, охир мулҳақ бўлур (қўшилур) ва ул нажот сабаби ва даражот рафъи (юксалиши) бўлур.

Алар ҳазратида биров дедики, фалон киши бемордур ва хотирингиз таважжуҳи дарюза (хоҳиш) қилурки, ул бозгашт хаста, баъдазон таважжуҳи дил шикаста. Алардин каромат талаби қилдилар. Алар дедиларки, бизинг кароматимиз зоҳирдур. Бовужуди бу навъ гуноҳ юки ер юзида бора олурбиз.

Алар дер эрмишларки, ҳазрати шайх Абу Саййид Абдулхайрдин[2] сўрубтурларки, сизинг жанозангиз илайида қайси оятни ўқусунлар? Дер эрмишки, оят ўқумоқ улуғ ишдур. Бу байтни ўқусунларки,

байт:

Чист аз ин хўбтар дар ҳамма офоқ кор,
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр.

Андин сўнгра алар дебтурларки, бизинг жанозамиз илайида бу байтни ўқусунларки,

байт:

Муфлисонам омада дар кўи ту,
Лавҳашаллоҳ, аз жамоли рўи ту.

Мавлоно Жалилиддин Холидий[3] ҳазратларидин сўрубтурларки, ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг ва тариқининг нисбати мутааххир (кейинги) машойихдин қайси бирнинг тариқиға муносабати бор? Ул дебтурки, сўз мутақаддамин (қадим) машойихдщн ва минг икки юз йилдин ортиқдурки, бу навъ осори валоят (валийлиги) зуҳурики, ҳазрати Хожада тенгри таоло иноятидин воқъе бўлубтур, тариқат машойихиға мутааххирлардин ҳеч кимга бўлмайдур.

Алар (Баҳоуддин Нақшбанд) етти юз тўқсон бирда (1388 йил) рабиул-аввал ойининг учида душанба кечаси оламдин ўтубтурлар.

---

[1] Жунайд Бағдодий — машҳур шайхлардан бўлиб, 910 йили вафот этган.
[2] Хуросонлик машҳур шайхлардан.
[3] XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда яшаб, форсча асарлар ёзган.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абдулла Хушнуд

ШЕЪРЛАР

Ўйлаганда

Кўзим тинар, бошим гаранг, хаёл сураман,
Қалбимда бир чуқур қайғу сезаман гўё.
Чидолмайман, ўтираман, гоҳо тураман,
Қафас каби туюлади мен учун дунё.

Гоҳ ҳаллослаб югураман, тўлқин ураман,
Ҳовлиқаман, шошиламан, ётаман ерга.
Бош кўтариб қуёш юзли ёрни кўраман,
Қилмишимдан қизариниб ботаман терга.

Гўё мени эркалатиб, юпатмоқ истаб,
Қўлларимдан тутар, қилиб юмшоқ табассум.
Юринг дейди, айланамиз, ҳовлиқиб, қистаб,
Менинг эса, телба янглиғ йўқолмиш эсим.

Сўз дейишга тилим келмас, гўёки бир лол —
Ёш гўдакдек мўлтирайди ҳар икки кўзим.
Сесканганча қаранаман, ёр йўқ, бўш хаёл,
Қийналаман, тушунолмай ўзимга-ўзим.

* *

Уруш йиллари Берлинда яшаб ижод қилган ўзбек шоири Абдулла Хушнуднинг айрим шеърлари билан сизни таништирамиз. Абдулла Хушнуднинг шеърлари Берлиндаги турли адабий журналларда чоп этилган. Унинг «Юрак тўлқинлари» номли шеърлар тўплами 1944 йилда чиққан. Шоирнинг бундан ярим аср илгари ёзилган шеърларини бугун қайта ўқир эканмиз, она юртидан йироқда, Оврўпа марказида Ватан ҳасрати билан ёнган бир юракнинг тўлқинланишини ҳис этамиз. Абдулла Хушнуд бу шеърларини ёзаётганда, унинг Ватани — Туркистон Сталиннинг даҳшатли сиёсати остида занжирбанд эди. Энди, собиқ Совет Иттифоқида катта ўзгаришлар юз бериб, жумҳуриятлар ўз мустақилликларига эга бўлдилар. Бироқ Абдулла Хушнуд каби шоирларнинг бундан ярим аср олдин айтган юрак сўзлари, самимий ҳасратлари ва фарёдларини ҳали унутмаслик керак...

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпчилик туркистонлик асирлар каби Абдулла Хушнуд ҳам Совет Иттифоқига қайтариб берилади. Узоқ йиллар қийналгандан кейингина у афу этилади ва бундан бир неча йил илгари Хоразмда вафот этади.

«Озодлик» радиосининг маълумотидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен телбами, мумкин эмас, мен соғлом ақл,
Аммо қилмиш бу ишларим телбанинг иши.
Йигитлик чоғ турмуш қурмай озод, мустақил,
Сарсон бўлса азобланар ҳар қайси киши.

Узоқ тунлар уйқусидан кечиб, аллалаб
Боққан онам, кекса отам, севгили ёрим
Қаерларда, борми омон? Мана шу сабаб
Хаёл суриб қийналаман, йўқ ихтиёрим.

Аё дўстлар, қасам ичдим берингиз қурол,
Мен ҳам борай эрки учун Туркистонимни.
Буйруқ қилинг бажараман, келмайди малол,
Миллат учун аямайман азиз жонимни.

Душманларни қилиб яксон, олиб қонга-қон,
Туркистонни озод этмоқ менинг тилагим.
Ота-она, опа-сингил, севган ёримни
Бориб кўриш учун шошар жўшқин юрагим.

Омон борсам хазон бўлмай йигитлик чоғим,
Пок қалбимда армон қолмай кулгуси юрак.
Насиб бўлса меҳнат тўкиб ўстирган боғим,
Шодликлардан тоғлар ясар бу хушнуд юрак.

Агар душман милтиғидан учган қўрғошин
Қизил гулдек ёшлигимни кетса парчалаб,
Севгилимга, ҳам онамга тўкмай кўз ёшин
Салом айтинг мендан, дўстлар, сизлардан талаб.

Майли, мени узоқ эслаб қора кийсинлар,
Қизил гулдек очилганда бевақт сўлди, деб.
Йўқ, айтинглар, мағрурланиб дуо қилсинлар,
Ватан учун ботирларча қурбон бўлди, деб.

Аммо, айтинг мозоримни қайси ўрмонда
Қолдирмасдан, бундан мени олиб кетсинлар.
Меҳрим сингган чаман ўлкам, гул Туркистонда
Жанозамни қайта ўқиб дафн этсинлар.

1943 йил. Берлин

Рухсат эт

Бир ўпай гулгун юзингдан,
гул гулистон, рухсат эт,
Айлайин дардимни изҳор,
эй қадрдон, рухсат эт.
Санда ўсдим ҳам етилдим,
сан мани туққан онам,
Ман борай қўйнингга қайтиб,
янги бир шон, рухсат эт.
Айланиб кўп ерни кўрдим,
кўрмадим боғ сен каби,
Сен гўзалсан, торт мани,
сурмакка даврон рухсат эт.
Куйласам ҳеч ким тушунмас,
ўзга элда ман нетай,
Сайрайин булбул бўлиб —
боғингда, бўстон, рухсат эт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ол, ўқит, ўргат яна,
илмим ошиб ўссин бўйим,
Ман ёзай шавкатларингдан
катта достон, рухсат эт.
Халқ мани номимни айтсин,
аҳли санъаткор санаб,
Янги бир Хушнуд этиб,
сан манга унвон рухсат эт.

1943 йил. Берлин

Тонг ели

Эй тонгларда эсган майин ел,
Ватанимга мендан салом айт.
Тоқатим йўқ, кўп кутдирмай кел,
Улардан ҳам салом олиб қайт.

Куйлаб берай сенга бир ғазал,
Совға қилиб мендан олиб кет.
Туркистоннинг боғлари гўзал,
Кириб жонон қизга тақдим эт.

Сўйла бунда, мени-да ҳолим,
Севгилимнинг бошини силаб.
Туркистон, деб курашиб, елиб
Юрибди де, умрингни тилаб.

Менинг учун гул юзидан ўп,
Эй тонгларда эсган майин ел.
Тоқатим йўқ, кутолмайман кўп,
Соғлиғини бориб билиб кел.

1943 йил. Берлин

Абдулла Хушнуд ҳақидаги маълумот ва унинг шеърларини Дадахон Ҳасан тайёрлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирза Абдулазим Сомий

МАНҒИТ СУЛТОНЛАРИ ТАРИХИ ЁКИ БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ИНҚИРОЗИ

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ ЖАЗОЛАШ ВА КЎЧМАНЧИ ҚАБИЛАЛАРНИ ҚИРИШ УЧУН ЛАШКАР БИЛАН УРУШГА ОТЛАНГАНИ

Бухоро ва Ўрусия давлатлари ўртасида сулҳ барқарор бўлиб, насронийлардан ҳамма тинчиб қолгач, жаноби олийлари Абдулмалик тўрани ҳамда Қарши ва Ғузордаги кўчманчи қабилаларга мансуб бебошларни тегишинча жазоламоқ ва ботиний душманликни бартараф этмоқни ҳам қарз, ҳам фарз деб билиб, қуролланган қўшини ила Бухородан чиқиб, Қарши томон йўл олдилар. Хожа-Муборакка етганларида (жаноби олийлари) Йўлдош-эшикоғабоши ва Тўғаймурод-эшикоғабоши ва баобрў Манғит амирлашкарларига тўрани қўлга туширишни буюрдилар. Қарши ҳокими Нуриддинхонтўрага эса хат битиб, фармойиш бердиларки, токи у Қарши лашкари ила Ғузор отланиб, исёнкор тўрани бепарволик уйқусидан уйғотиб, ҳатто асир олиб, узангиси ёнидаги ғалаёнчиларни жазога мустаҳиқ этсин. Тўқсон икки уруғ лашкарлари орасида довюраклиги ва жасурлиги ила танилмиш мазкур икки эшикоғабоши Қарши жўнадилар. Нуриддинхон ҳам ўз одамларига (амир фармойишини) етказиб, талай лашкарни ҳозирлаб, Абдумалик билан муҳораба қилиш учун Қаршидан чиқиб, Ғузор отланди.

Абдулмаликтўра ҳам узангиси ёнидаги лашкари ила уларга қаршима-қарши чиқиб, Ғузордан бир фарсах наридаги Фоний тепада муҳорабага ҳозирланиб турди. Кечагина тўранинг фармойиши иродасига итоат-тобеъликда бўлмиш Қарши лашкари ҳам эндиликда тўра билан жангу жадал қилиш учун бел боғлади. Ҳар иккала қўшин ўзаро яқинлашиб, рўбарў бўлиб, жанговор саф ҳосил қилингач, ҳар икки тарафда турган баҳодирлар майдони ҳарб томон отларини учириб кетдилар. Бир неча киши ўлиб, яна бир қанчаси шикаст еди. Ғузор навкарлари камчил эди, шу боис мағлуб бўлиб, отларининг бошини Ғузор сари бурдилар. Абдулмаликтўра ҳам чекиниб, Ғузорга қайтиб кирди. Қарши лашкари изидан қувиб-етиб, тўрани ўрамга олди.

Зиммасига тўрани қўлга олиш вазифаси топширилмиш Йўлдош-эшикоғабоши билан Тўғаймурод-эшикоғабошилар Ғузорнинг Дарёобод дарвозасига яқин йўлаб, Худоёр-эшикоғабошига (бу ҳақда) ахбор бериб, (уни) дарвозахонага чорлаб, узоқ мусоҳаба этдилар. Пировардида тўранинг ишини ҳал этдилар, яъни: икки-уч кун Шаҳрисабз тоғларига чиқиб, гўшанишин бўлиб турсин, бизлар эса амир жаноби олийлари қаҳру-ғазабини имкон қадар тинчлантиришга уриниб, тўранинг иши оғир, уни асир олмоқ мушкул, деб айтамиз. Улар шундай битишувга келиб, тўрани мол-мулки ва аҳли аёли билан тунда Ғузордан олиб чиқдилар ва у Шаҳрисабз жўнади, амирлашкарларию навкарлари ҳам пинҳон бир жойга яшириндилар, тўра билан бирга тўрт юз нафардан камроқ киши қолди. Кенагас ҳокимлари кўрсатмаси билан тўра ўз мулозиму тарафдорлари ила Яккабоғ (тумани)га қарашли мустаҳкам қалъа ва кучли қўрғон бўлмиш Тошқўрғон сари юрди.

Орадан кўп ўтмай Ғузор яна жаноби олийлари мулкига қўшилди. Қўнғиротлар Шероботдан қувғин қилган Шероботнинг (собиқ) ҳокими Каримқул-иноқ Ғузорга ҳоким этиб тайинланди. Жаноби олийлари тўрани қўлга туширишу учун кўп сонли қўшин ила Шаҳрисабз жўнади. Тезобкент

[1] Охири. Боши ўтган сонда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мавзеида у лашкаргоҳ қуриб, Шаҳрисабз ҳокими Бобобекбий билан Китоб ҳокими Жўрабекбийга мактуб йўллаб, улардан тўрани тутингиз, деб илтимоснома юборди. Мазкур ҳокимлар мактуб мундарижаси ила танишиб, ўзаро бамаслаҳат (амирга) шуларни баён этдилар: «Тўра — жаноби олийларининг фарзанди кибриёси ва жанобимизнинг ўғлонидур. У бу ишларнинг барини (амирнинг) айрим бадхоҳлари қутқуси ва ундови ила, дин байроғи ва аҳли мусулмон обрўйини ошириш, давлат камомади ва мағлубияти ўрнини тўлдириш ниятида, иш ўнгидан келса, эҳтимол, жаноби олийларининг шаён-шавкатини кўкларга кўтариш андешасида қилғондур. Бироқ айрим кўтоҳфаҳм кимсалар тўранинг бу аъмолини исён, диловарлигини эса ғалаён деб номлаб, ўзини (амирнинг) олижаноб атворлари ғазабиға дучор этиб, (унга нисбатан) адоват уйғотмишлар. Ва ноилож ночорлик туфайли иш шу даражаға бориб етмиш, (Тўра) омон қолиш нияти-ла узоқлашиб, ушбу мулкда ўзиға бир гўша топмиш. Инсонгарчилик ҳам ор-номус сақлашлик афзаллиги боисидан меҳмон қўлини боғламоқ ва (ани) нодўст қўлиға топшурмоқ — изидан зоҳирдадур, билъакс (анга) ҳомийлик этмоқ лозимдур. Умидимиз шулки, жаноби олийлари кенглик ва мурувват қилғайлар ва Бухорога эсон-омон қайтиб хон тахти узра мингғайлар, бизлар эрса анинг изидин тўрани тавба-тазарру ила жўнатғаймиз. Падари бузрукворона марҳамат кўргузуб, тўранинг айбини кечурғайсиз, бизларни-да айбимизни кечириш шарафига ноил қилиб, (ўз) давлатхоҳлари деб билғайсиз. Иншоолоҳ, шу кундан эътиборан бизлар иттифоқ ва итоат йўлидан асло чиқмағаймиз ҳамда (амирнинг) дилхоҳи нурафшонини олий деб билғаймиз. Салом ҳам эҳтиромлар».

Ушбу мактубга шаҳона назари тушгач, (амир) куйган соч толаси каби буралди-тўлғонди, зўр қаҳру ғазабдан ўрнидан даст туриб, қўшинга жанг фармони берди. Мард баҳодирлар ҳар икки тарафдан ҳарб майдони сари ошиқиб, муҳораба бошладилар. Ҳар иккала томондан бир кўп киши ўлиб, аллақанчаси яраланиб, қолган-қутгани қочиб қолди.

СИДДИҚТЎРА-ҚОЗОҚ ҲУЖУМИНИНГ ДЕБОЧАСИ. УНИНГ КАРМАНАНИ ФАТҲ ЭТГАНИ ҲАМДА ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ ШАҲРИСАБЗДАН ҚАЙТГАНИ

Шу нарса махфий бўлиб қолмасинким, Сиддиқтўра-қозоқ ўзини вориси Чингиз деб санарди. Унинг аждодлари Дашти Қипчоқда ўз қабиладошлари орасида хонлик қилган эдилар. Орадан замонлар ўтиб, уларнинг юртини ўрислар фатҳ этди, бир кўп қозоқ уруғлари ўзларини бу жаннатмонанд юрт (яъни Бухоро-тарж.) султонларининг ҳибзи-ҳимоясига топшириб, Дашти Ғиждувонни ўзларига макон этдилар. Мазкур уруғларга мансуб хонлардан Сиддиқтўра, Арслонтўра, Саданбий ва Абулҳайр-эшикоғабоши кабилар дарбори (амир) дастида бўлишни ва Бухоро давлатига хизмат қилишни афзал кўрдилар. Уларнинг ҳар бирига мавқеи-мансабига яраша давлати олий тарафидан «танҳо» ёрлиғи, моҳиёна тайинланган ва улар тўлиқ таъмин этилган эдилар.

Амир домонига душманлар чангали ёпишган ва чор атрофдан исёну ғалаён аломати зуҳур бўлган шундай бир пайтда жамият орасидаги бузғунчи ва олчоқ зотлар бозори қизиб қолди. Ҳокимиятни эгаллаш васвасаси Сиддиқтўранинг ҳам юрагига ғулғула солди ва у давлат (Бухоро)нинг (меҳмондўстлигига) яхшилик билан жавоб қайтаришни унутди. Ва жаноби олийлари бебошларнинг адабини бериш учун Шаҳрисабзда турган ҳамда вилоятлар қўшинсиз қолган бир вақтда Сиддиқтўра энди қулаш пайти келди, деб ўйлаб, Бухородан қочди ва қозоқлар орасида пайдо бўлди. (У ерда) қозоқлардан бир кўп сотқин ва бузғунчи одамларни тўплади (буларнинг зўр нияти элни талон-тарож этиш, ғайри қонуний ишлар қилиш эди) ва улар билан бирга Ғиждувон келиб, унинг ён-веридаги мавзеларни талаб, ўлжаи ҳарб сифатида беҳисоб молу йилқиларга эга чиқиб олиб, буларни дала-даштларга ҳайдаб кетди. Бу билан ҳам қаноатланмай, катта бир лашкар билан Карманага отланиб, мазкур вилоятни куч ишлатиббосиб олди.

У ўзини чингизий хон ва соҳиби салтанат деб билиб, фармонлар чиқариб, жамият орасидаги ҳар хил нодону олчоқларга катта-катта мансаб ва лавозимларни улашиб бера бошлади. Одамларни шу каби ҳийла-найранглар билан алдаб, шериклари сонини кўпайтиришга уринди. Мазкур ишлари туфайли атрофига тўда-тўда одамлар тўплади. У ҳар куни тала-тала ва қароқчилик қилиш учун бадбахт лашкаридаги одамларни Хатирчи билан Наҳрпойга юбориб турди ва аҳли мусулмон мол-мулкини она сутидан ҳам ҳалол деб билди.

Мазкур Сиддиқтўра ўз жиноятқор тўдалари билан бир неча кун ҳукмронлик қилди.

Бу ишларнинг даҳшатли хабари (амир) ҳумоюн қулоғига етиб бориб, уни кўзлаган мақсадига етолмай, ортга қайтишга мажбур этди. У тўранинг иши-ю кенагасларни қиришдан воз кечиб, Бухорои шарифдек пойтахт муҳофазасини энг муҳим иш деб билиб, қайтишга фармон берди.

Бухоро қўшини қайтишга қарор қилган заҳоти тўра узангиси ёнидаги навкарлари билан Тошқўрғон дарасининг тор оғзидан ўтиб, кенагас баҳодирлари ила Бухоро қўшини изидан йўлга чиқди. У бир манзил (масофа) нарида жаноби олийлари билан изма-из бораверди. Шу тобгача тўрадан ажралмаган ғузорлик навкарлари билан Ғузорни эгаллаб, Ҳуббухум-халифа мавзеида Абдулмўмин-тўқсабо манғитни у ернинг ҳокими Каримқулбий-иноқни қўлга олиш учун жўнатди. Ўзи эса (амир) ортидан бориб, жаноби олийларини Косонгача кузатиб, Қаршига кирди ва вилоятни фатҳ этди. Вилоятнинг барча акобирлари мамнуният ҳам иштиёқ ила яна тўрага бўйсунишди.

Жаноби олийлари жанг қилиб, тўранинг жазосини бериш учун фурсат йўқлиги боис (олға) ҳаракат қилиш тўғрисидаги фармонни бекор этмай, Бухорога отландилар.

У Чийтарикда тўхтаб, қўшинни Кармана жўнатдилар. Сиддиқтўра бас келолмай, жамоат орасидаги ярамас қозоқлари билан бирга Карманадан чиқиб қочди. Ҳаммалари (ўғирланган) молмулк ва ҳарбий ўлжа қилиб олмиш юкларни ортиб-тортиб боришаркан, орзулари ушалганидан мамнун эдилар. Сиддиқтўра Нурота даштида ўринлашиб, домони давлатдан чангалини узмай, (Абдулмалик) тўра билан хат битишиб турдики, бу (ҳол) яна мамлакатда ғулғула бошланиши ва жаноби олийларининг хафагарчилигига сабаб бўлди.

(Абдулмалик) тўра Қаршида яна мустақиллик байроғини кўтарди. Унинг атрофига аввалгидан ҳам кўра кўпроқ одам йиғилди. Барча мулклардан тўрага хат ва итоатномалар келиб турди. Жаноби олийлари лавозимга тайинлаган Абдуҳалилбийиноқ, Мирқосим-парвоначи, Абдулазизбий каби қўрғон ҳокимлари ва бошқа бир нечалар тўрага асир тушдилар. Бухоро амирлашкарлари ва жано-

www.ziyouz.com kutubxonasi

би олийларининг самимий давлатхоҳларидан ҳам тўра номига хатлар, совға-саломлар, туҳфалар олинди. Одамлар бир йўла тўрага итоат изҳор қилиб, тобе бўлардилар. Иш шу билан тугадики, жаноби олийларининг Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч кими қолмади, чунки барча жон-дили билан тўрани дерди. Масалан, (амирнинг) зўр давлатҳоҳи ва узоқ вақт дастида бўлмиш Баҳодур-парвоначи Баҳрайн Бухородан қочиб, тўранинг ҳузурига келиб, юкинди. Жаноби олийлари тўрани қўлга олиш ва исёнга барҳам беришни зиммасига юклагани Йўлдош-эшикоғабоши Манғитнинг ўзи ҳам энди тўранинг тарафига ўтди ва гала-гала ҳужумкор қўшини ила Чийтариққа етиб келиб, диловарлик кўрсатди...

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ ТЎРАНИНГ ҒАЛАЁНИНИ БОСТИРИШ УЧУН ГУБУРНОТУРДАН МАДАД СЎРАГАНИ; УНИНГ НАСАФГА ҚЎШИН ЮБОРГАНИ ВА ТЎРАНИНГ ҚОЧИШИ

Шу нарса махфий қолмасинким, тўранинг ҳукмфармолиғи ва лашкарларининг беандишалиги ҳаддидан ошиб, мамлакат фуқароси ботинан ва зоҳиран тўрага мойил бўлавергач, жаноби олийлари бу ночор аҳвол боис саросимада қолиб, давлатхоҳларидан вазир Шукурбий-иноқ ҳамда Ёқуб-қушбегини ўз ҳузурига чорлаб, улар фикрини сўради.

Мазкур «салтанат устунлари» бундай дейишдилар: «бу мунофиқлар ила тўрага қарши туришлик оқибатида давлат емирилиб, самараси шармисорлик бўлур. Тўра исёни ва қабилалар ғулғуласи зуҳур бўлғон ондан шул равшан эрдиким, бу жаъмики исёну ғалаёндин мақсад насронийлар ила муборизадур ва жаноби олийлариға адоватининг боиси ўрислар ила дўстона муносабатидур. Аслан (исёнкорлар) — губурнотур душманидир, алар нияти — насронийларни киришдур ва (ҳозир ҳам) уларни киришга интиладирлар ва алар ғалаёнини бостирмоқ бизлардан ҳам губурнотурнинг ўзига даркордур. Инчунун, губурнотурға мактуб битиб, ани исённи бостирмоққа даъват этмоқ зарур. Губурнотур ўз давлатини мустаҳкам этмоқ ҳам жаноби олийлари ила дўсту ёрлиқни оширмоқ ниятида бажонудил ризо бўлиб, аларға қарши ўт оташ замбараклари ила бир даста қўшинини йўллайдир ҳам мазкур исёнкорларни тарқатиб юборадурким, бунға шубҳа-гумонимиз йўқдур. Ҳар икки тараф кўрадурғон талофоту зиёну зарар эрса Давлати Олий фойдасиға бўлур». Улар шу таҳлит сўзлаб (амирни) ишонтирдилар.

Жаноби олийлари губурнотурга тўра ва Қарши қабилаларини жазолаш борасида хат йўллаб, унда шуларни ёзган эди: «Қабилалараро жаъмики ғулғула ҳам тўра билан бўлатурган можаролар ва аларнинг Давлати Олий (Бухоро)га ғазаб-нафрати — насронийларнинг келиши туфайлидир ва (шу боис) Бухоро давлати ҳам давлати насроний ўртасида дўстлик ва тинчлик ўрнатилғонидан кейин (ғалаёнлар) кучайдики, эмди можаро оловини ўткир қилич зарбисиз сўндирмоқдин бўлак илож йўқдур. Мисра: О, боди сабо, буларни сен келтирдинг. Ўзаро бирликни муҳофаза этишчун Сиз (ўз) қўшинингиз сафидан тўпу қуроллар ила бир даста сафарбар этмоғингиз даркордур, токи ул тўра ҳамда исёнкор қабилалар илдизига болта урғай».

Губурнотур ризолик бармоғини кўзига суртиб, ўша ондаёқ уруш кўрган-синалган ўн минг аскарини ўнта гулдураковоз ҳам яшинсочувчи замбаракларила ажратиб, буларни тўрага қарши отлантирди. Жаноби олийлари ҳам Тўхтамиш-иноқ, саркардалигида ўн минг Бухоро сарбозини ва Ёқуб-қушбеги билан бирга ўтпурковчи тўпларини (муҳораба учун) тайин этди. Икки қўшин икки томондан Қарши сари йўл олдилар.

Тўра билан уруғ беклари бунинг хабарини эшитиб, саросимага тушдилар, аммо шунга қарамай жиҳодга бел боғладилар. Улар даъвати умумияга кўра Чортоқда йиғилиб, дарёда истеҳкомлар барпо қилиб, жанг ва қаршилик кўрсатиш учун ҳозирлик кўрдилар.

Дашт тарафдан насроний қўшини кўриниб, Чортоқдан нарироқдаги Қўнғур тепалигига яқинлашиб, Косон тарафидан Бухоро қўшини ҳам келабошлагач, Қаршининг довюрак амирлашкарларидан (бири) Йўлдош-эшикоғабоши жанг қилиш учун икки минг мард жангчиси билан ўрисларга пешвоз чиқиб, ғайрат ва жасорат кўргазиб, отларининг бошини насронийлар сафига бурдилар. Мунтазам насоро қўшини (жангда) тўп куллалари-ю, милтиқ ўқларидан бошқа қуролни ишга солмагани, ўзбеклар эса майдони ҳарбда (юзма-юз) жанг қилиш ва мардонавор курашишга одатлангани ҳамда бундай ғирром уруш тўғрисида ҳеч бир тушунчаси йўқлиги сабабли буларнинг жасурлиги-ю мардлиги оқибатда ўлим ва шикастланишдан бўлак самара бермади ва улар чекиндилар.

Хулласкалом, насроний қўшини ғалаба қозониб, Чортоққа яқинлашди ва дарҳол милтиғу тўплардан ўт очиб, истеҳкомдагиларни ўққа тутди. Уларнинг милтиқ ўқлари-ю тўп куллалари Чортоқдан Қарши қўрғонигача етиб борарди. Бир кўп кишилар ўлиб, қолганларда қочишдан бўлак нажот воситаси қолмади. Улар қўрғон деворлари ортига ўтиб ва боғлар орасига кириб яширинишга мажбур бўлиб, истеҳкомларни тарк этдилар. Насроний қўшини ғолиб келиб, Чортоқни эгаллади. Тўранинг аёқ остидаги мустаҳкам замин титраб, у бир неча амирлашкарлари ила Чортоқдан Хонобод жўнади. Қаршидан бир фарсаҳ наридаги мазкур жойда тўхтаб, лашкаргоҳ қурди. Насроний қўшини (Қарши) қўрғонига кириб, арк дарбозахонаси узра байроқ тикиб, бозор растаси ҳамда уйҳовлиларни талон-тарож этди.

Шу аснода Қарши қўшини ва уруғ беклари тўра узангиси ёнида саноқли одам қолган эди. Ёқуб-қушбеги Қарши амирлашкарлари ва оқсоқолларига шуни маълум этди: «Сизларнинг нажот йўлингиз битта, у ҳам бўлса, тўрани қўлимизга топширишдур. Уни бир амаллаб қўлга олиш тадбирини кўрингиз ва ўзингизни жазо чангали ҳам интиқомдан халос этингиз». Шу боис хиёнаткор қаршиликлар тўрани қўлга олишга қарор қилдилар. Ўзаро келишиб, катта бир лашкар ила Хонободга келиб, тўрани қўлга туширишни мўлжаллаб, тўра қўшинига қўшилдилар. (Бироқ) Умарбек-бий-додҳо юз, Худоёр-эшикоғабоши манғит ва Олмосбий барча вилоятлардан тўра узангиси ёнига келиб қўшилган навкарлар (булар тўранинг ўз лашкари мақомида бўлиб, унга бениҳоя содиқ эдилар) билан бирга тўрани иҳота қилиб, муҳофаза этиш ва сақлаш ҳаракатида бўлдилар ҳамда Қарши қўшинини унга яқин йўлатмадилар.

Қарши ва ишнинг ютуғи борасида мутлақо умидсизлик зуҳур бўлгач, тўра Шаҳрисабз отланиб, Ёртитепа қўрғонига етди ва (шу ерда) тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу аснода Қарши лашкарбошилари ва қўшини ўз маҳфий мўлжалини намоён этиб, хиёнат ва ҳийла-найранг қилиб, тўрани куч билан қўлга киритишга бел боғладилар, буни амир наздида қўлдан бой берган ўз шаъни-шавкат ҳамда ҳурмат-эҳтиромларини тиклашнинг бир воситаси деб билиб, гуноҳи абадиянни ўз бўйниларига олдилар. Тўра узангиси ёнида турган баҳодирлар маркази шарафни (яъни тўрани) гир айлана иҳота этиб, анави пасткаш олчоқларнинг тўрага бирон-бир зиён-заҳмат етказишига йўл бермадилар.

Улар шу тахлит тўрани қўриқлаб, эсон-омон Қорабоғга етиб олдилар. Хиёнаткор Қарши баҳодирлари Қорабоғда (улардан) ажралиб, Қаршига қайтдилар. Тўра Қорабоғда бир кеч тунади.

Шу аснода Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари Бобобекбий-додҳо ва Жўрабекбий-додҳодан тўра номига қуйидаги мазмунда мактуб келди: «Оллоҳнинг иродаси ва тақдири азалга биноан иш шундай натижа ила якунланди. Оллоҳ нени хоҳласа, шуни қиладур. Тангрига бир нимани буюриб бўлмас. Иш ҳадди мувозанатдан чикди: насоро давлати каби зўр бир давлат ораға тушди ва белгидирким, шундан кейин ҳам губурнотур Бухоро давлатига нисбатан ўз ҳомийлиғини дариғ тутмас, жаноби олийлари эрса, кенагасларга қадим хусумати ва (улар билан) иккинчи бор можароси туфайли тинчлик бермас. Ҳар ҳолда амирнинг (насронийлар билган) дўстона муносабатидан маълум даражада кўз юмиб, бизлар ўз шаънимиз, обрў-эътиборимиз ҳам юрт тинчлигини муҳофаза этишимиз даркор. Умидимиз шулки, сиз Шаҳрисабз келиб, юртимизга бало селининг келиш йўлини очмайсиз, ҳам тақдир ўз қўли ила парда ортидан бирон нимани намоён этмағунга довур бир оз фурсат тоғлар орасинда ўринлашғайсиз».

Шаҳрисабз ҳокимларининг инсофсизларча битилмиш мактуби тўра қулоғига еткач, у ўзини муҳофаза этишларига умид қилмай қўйди ҳамда Тошқўрғон сари юз буришга мажбур бўлди. У қолган-қутган лашкар ва мол-мулки билан худонинг ўзи бунёд этмиш бу қўрғонда ўринлашди. Ўз одамларининг кўпгинасини ўз инон-ихтиёри бирлан қўйиб юборди, токи улар (бу ердан) кетиб, истаган ерларига бориб турсинлар. Исён сардори Худоёр-эшикоғабоши тўрадан ижозат олиб, Самарқанд жўнади ва у ерда ўша жойлик манғитлар орасида туриб қолди. Олмосбий Китобга, Жўрабекбий додҳо ҳузурига кетиб, Ёқуб-қушбеги ҳомийлиги туфайли яна Бухоро давлатига жўнагунига ҳамда амирга нонкўрлик қилганига қарамай, амирнинг ўзи туфайли парвоначи мансабига сазовор бўлиб, Коратегин вилоятини идора эта бошлагунига довур (ўша ерда) турди. Умрини ҳурмат-иззатда ва фароғатда ўтказди...

Бошқа кўп маълум ва машҳур одамлар ҳам бурчак-бурчакларга кириб-яшириндилар, тўра билан бирга эса Тошқўрғонда тўрт юз нафарга етар-етмас киши қолди...

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ ҚЎЛИҒА ТЎРАНИ ТОПШИРИШ БОРАСИДА ШАҲРИСАБЗ ҲОКИМЛАРИГА ЁЗГАН МАКТУБИ, (УЛАР ҲУЗУРИГА) УСМОНБЕК-ЭШИКОҒОБОШИНИ ЮБОРГАНИ ВА БУНИНГ ТЎРА ТОМОНИДАН ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ

Шу нарса махфий қолмасинким, насронийлар Қаршини фатҳ этиб, роса талаганларидан сўнг Насаф вилоятини Бухоро амирлашкарларига топшириб, (ўзлари) зўр ҳарбий ўлжалар ила Қаршидан чиқиб кетдилар.

Жаноби олийлари ҳам насроний қўмондони от-улов ва турфа неъматлар ила мукофотлаб ва мамнун қилиб, Шаҳрисабз ҳокимларига таҳдидли хат битди, улар зиммасига тўрани қўлга тушириш вазифасини юклаб, хатни Муҳаммад Шукурбий-иноқнинг биродари Усмонбек-эшикоғабошидан бериб юборди. Амир Ёқуб-қушбегини Қаршида турган қўшин билан бирга Чироқчига йўллади. Усмонбек-эшикоғабоши Чироқчига етар-етмас, унинг сафардан кўзда тутган мақсади Тошқўрғонда турган тўрага маълум бўлди ва у ўз ишлари тўғрисида бош қотира бошлади.

Тўра Қаршидан қочиб, у ерда ўрислар ҳукмронлиги ўрнатилгач, (тўранинг) аҳли-аёли учун қочиш имкони бўлмай, Қарши аркида қолган эди; улар жаноби олийларининг қўлига асир тушди.

Тўранинг тинч-хотиржам ором топадиган жойи қолмаган эди. У кўчманчи қабилалар мададига умид боғламай қўйди, Бухородан эса кўнглини узиб, узоқ элларга (жўнашга) қарор қилди. Узангиси ёнидаги йўлдошларининг икки йўлдан бирини танлаб олишни ўзларига қўйиб берди ва бундай деди: «Оллоҳнинг иродаси шундай. Унинг иродасидан ташқари инсон зотининг қўлидан ҳеч бир иш келмағай. Биз энди бу юртдан бош олиб чиқиб кетмоқчимиз, раҳбари тақдири азал инон-ихтиёримиз бошини бир бурда нон топиб ейдиган қайси подшолик сари бурса ҳам майлига. Кимки бизни ўз инон-ихтиёри ила кузатмоқ ниятида ватанни тарк этмоқни истаса — марҳамат. Кимки ватанга боғланиб қолгани боисидан буни хоҳламаса, майли, биз розимиз, у биз билан видолашсин».

У шундай деб, одамларга икки йўлдан бирини танлаш ҳукуқини берди. Икки юз якдил ғозий унинг домонига маҳкам ёпишиб, йўлдошлик битимини тузди. Бошқалар ҳар ёққа тарқалиб, хавфсиз жойларга яшириндилар. Тўра эса икки юз якдил азамат билан бирга юрти ва она ватанига муҳаббат ила видолашиб, бахтсизлик узангисига аёғини ва умидсизлик сийнасига бошини қўйиб, Тошқўрғондан Шаҳрисабз жўнади. (Шаҳрисабзнинг) қалъа девори бўйлаб ўтиб, Китобга яқинлашган дақиқада (у ерга) ўлим соати аллақачон яқинлашиб қолган Усмон-эшикоғабошибек жаноби олийларининг Шаҳрисабз ҳокимлари номига ёзган мактубини олиб келган эди. У тўра билан тўқнашиб қолиб, уни таниди, отдан тушиб қуллуқ қилди ва шунингдек жаноби олийларининг саломини топширди.

Тўра унинг қўлидан мазкур ҳокимлар номига йўлланган мактубларни олиб, уларни ўқиб, мазмунидан ўзига тегишли таҳдидлардан огоҳ бўлди. (Хатларни) йиртиб ташлаб, мазкур эшикоғабошини ўғли ва икки ғуломи билан бирга қатл этдириб, уларнинг отларини, қурол-яроғини; бошқа нарсаларини олиб, Каттақўрғонга жўнади.

Тўра Жомга етиб келиб, эшикоғабошининг ўлдирилгани тўғрисида ҳакимларга маълум қилди. Тўранинг қочиб кетганлиги ахбори Самарқанд ва Каттақўрғонга тарқалди. Ўрислар даҳшатга тушиб (қалъаларнинг) девору миноралари мустаҳкамлашга киришдилар. (Шаҳар) дарвозаларига қўшин қўйиб, ўзларини хатардан қутқармоққа уриндилар. Тўра Жомдан чиқиб, Каттақўрғондан ўтиб, Хатирчига етди. У ернинг ҳокими Раҳматчабий ва қалъа юзбошиси Ҳаким-тўқсабони қатл

www.ziyouz.com kutubxonasi

эттириб, улар молидан керагини олиб, Нуротани кесиб ўтди. Нурота ҳокими Абдулкаримбек-тўқсабо бўлиб, у Мирза Бурхонбийнинг ўғли эди. У кордон одам бўлганлигидан тўра учун тун ётоғи ва егулик ҳозирлаб, муносиб совғалар келтириб, тўрага бениҳоя илтифот кўргазиб, уни хурсанд қилмоққа тиришди. Тўра унинг ширин муомаласидан мамнун бўлиб, унга зарар етказмади, Хоразм йўлидаги дашту саҳролардан ўтиш учун зарур нарсаларни ҳозирлаб қўйишни буюрди. Тўқсабо одамлар учун егулик заҳира, отлар ва моллар учун ем-хашак тайёрлатиб, хуржунларни сувга тўлғаздириб, булар барини туяларга орттириб қўйди. (Тўра) тунни Нуротада ўтказиб, тонгда ўзи билан бирга Абдулкарим-тўқсабони ҳам олиб, тонг билан Нурдан чиқди ва дашт орқали Ғиждувонга қараб юрди.

Жаноби олийлари бу хабарни эшитиб, Раҳмонқулбий-парвоначи манғитни бошқа бир неча амирлашкар ҳамда катта қўшин билан тўрани тутишга сафарбар этдилар. Мазкур амирлашкарлар белгиланган қўшин билан бирга дашти Ғиждувонда тўрага етиб олдилар, аммо уни қўлга тушириш имконига эга бўлсалар-да, пала-партиш иш тутдилар, (тўранинг) ортидан кўриниш бериб, аммо олдинга дадил ўтиб бориш учун уларда шижоат етишмади. Тўра эса бемалол-хотиржам йўлда давом этиб, чорраҳага етиб олиб, Хоразм йўлига чиқди ва илдамлик ҳам бахтсизлик водийсидан елдек учиб, Бухоронинг гавжум ерларидан эсон-омон ўтиб олди. Мазкур мирлар тўрани Бухоро сарҳадидан ўтказиб қўйиб, ўзлари ортга қайтдилар. Жаноби олийлари уларга ғазаб қилиб, (молмулкларини) мусодара этиб, уларни жазолади.

Мамлакат тўра ҳамда кўчманчи қабилалар ғалаёнининг кулидан халос бўлгач, исёнчиларнинг ғалаён қозони қайнашдан тўхтади. Жаноби олийлари учун ниҳоят тинч давр бошланди. Нураб кетган сув яна подшолик сойлари бўйлаб оқа бошлади. (Жаноби олийлари) Бухорога кириб бориб, ҳукмфармолик тахтига ўлтириб, қаршилик кўрсатиш учун зарур қўшин ҳам қурол-яроғларни қайта тиклашга киришдилар. У насронийлар давлати ила ҳамжиҳатлик негизини мустаҳкамлаб, беғам-беташвиш умргузаронлик қила бошладилар. Бироқ исёнчилар, яъни Шеробод ва Ҳисор қўнғиротлари ҳали ғалаён майдони бўйлаб отда елдек учиб, токи тўра Хоразмдан қайтиб, Чоржўйдан ўтиб, Афғонистонга чиқиб кетмагунига қадар вилоятларни бесаранжом қилиб турдилар.

ШАҲРИСАБЗ ВА КИТОБ ВИЛОЯТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАСАРРУФГА ОЛИШ МЎЛЖАЛИ БИЛАН ҚИЛИНГАН ЮРИШ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯ

...жаноби олийлари (нима қилиб бўлса ҳам) ҳокимиятни тортиб олган ҳокимлару исёнчиларни қириб ташлаш ниятида губурнотурга хат ёзиб, ундан мадад сўради. Губурнотур розилик бармоғини кўзларига суртиб, 1290 (1873-74) йилда[34] ўз жиниролларидан бирининг қўмондонлиги остида Шаҳрисабз ва Китобга гулдурак тўплар ила қуролланган бир даста мард аскарларини юборди. (Губурнотур) жаноби олийларига хат ёзиб, (амир) мазкур вилоятларни идора этадиган одамларни тайинлаши лозимлигини билдирди. Жаноби олийлари Тўхтамишбий-иноқ ва бир неча амирлашкарларни навкарлар билан юборди, улар Чироқчига етиб, тўхтаб туришлари, ўрислар ғалаба қозонганидан кейин эса (губурнотур) тайин қилган жиниролнинг ижозати ва буйруғи билан мазкур вилоятга кириб бориб, уни эгаллашлари даркор эди.

Қўшини насоро даставал Китобга яқинлашиб, уч соатда уни қўлга киритди, (сўнг) Шаҳрисабзга ўтиб, озгина куч-ғайрат билан уни ҳам фатҳ этиб, талон-тарож қилди. (Ўрислар) ҳокимиятни тортиб олган ҳокимларни қочишга мажбур этиб, бу ҳақда Тўхтамиш-иноққа хабар бердилар, уни олиб келиб, мулкни қўлига топшириб, Самарқандга қайтдилар. Бобобекбий билан Жўрабекбий Худоёрхондан бошпана излаб Ҳўқандга қочдилар. Бироқ Худоёрхон уларни Ҳўқандга киритмади.

У ҳокимларга ҳамроҳ навкарларни алоҳида ажратиб олиб, Сариқсувдан (бу) икки бекни Тошкентга, губурнотур ҳузурига бир одам қўшиб жўнатиб юборди ва бу иши билан унга хизмат қилди.

Губурнотур ўз давлати манфаатлари йўлида узоқни кўзлаб иш тутди, бекларни хизматга олиб, моҳиёна ва муҳим ҳовли-жой тайин қилди. У ҳокимларга ушбу асар битилаётган ҳозирги пайтга қадар ҳомийлик қилиб келмоқда ва улар Тошкентда истиқомат этишмоқда. Орадан кўп ўтмай, Шаҳрисабз билан Китоб яна давлати Бухоро мулкига қўшилди, давлат мустаҳкамланиб, унга қарши мулкларга осойишта давр бошланди. Жаноби олийлари билан ўрислар ўртасида дўстона муносабат қарор топиб, ўзаро алоқа ва борди-келди йўли очилди.

ТАХТ ВОРИСИ АМИР АБДУЛАҲАД[35] ҲАҚИДА ЭСЛАТМА

Шу нарса махфий қолмасинким, 1302 (1884-85) йилда[36] ўрис подшоси Александр Николаевич вафот этди, унинг қазо қилгани ҳамда ўғли (Александр) Александрович тахтга ўлтиргани хабари (амирнинг) нурафшон қулоғига етди. Жаноби олийлари ўзини тож кийдириш байрамига таклиф қилиб қолишлари мумкин, деб ўйлаб, бунинг олдини олмоқчи бўлди ва масалани ҳал этиш учун сайид Мир Абдулаҳадни тахт вориси унвонига сазовор этди ва (Александр III ни) тахтга ўлтириш муносабати ила унга табрик хати ёзиб таъзия изҳор қилиб, (Абдулаҳадни) Москов жўнатди. Абдулаҳад (у ерга) бориб, тож кийиш тантаналарида қатнашиб, қайтиб келди. Шундан кейин сафар ойида амир Музаффар жаноби олийлари дорулфанодан дорулбақога сафар қилдилар, жаноби олийлари вориси отанинг ўрнига амирлик тахтида қарор топди.

Ўрусия давлати билан Бухорои шариф орасида бояги-боягидек дўстлик ва меҳрибончилик мавжуд эди, бу дўстлик ҳатто кун сайин ривож топиб-мустаҳкамланиб борарди. Ҳамжиҳатлик ва ҳамдўстлик риояда бўлди. Ўрусия қўл остидаги соғлом, ям-яшил, ҳушнудлик ва хушҳоллик ила вақт ўтказиш учун қулай бир гўша бўлмиш Ялтада (Абдулаҳад) жаноби олийлари ҳатто олиймақом чорбоғ харид этдилар. Бу ерда у Ҳаворпок ва Тоқи Хусравмонанд ажойиб иморатлар бино қилдирдилар. Ҳар йили канда қилмай, бемалол-бехатар ўн беш-йигирма нафар ғуломлари билан ўша ўлкага сафар қилиб ва жаннатасо боғда ҳаёту хушбахтлик нашъу намосини суриб, икки ойлаб турардилар. Хазинадан олинган каттагина маблағни (нафси нимани тиласа ва кўзига нима яхши кўринса, ўшанга) харж қилиб, қайтардилар. Шу аснода Бухорои шариф амирнинг жойи истиқомат бахайр бўлиш шарафидан мосуво бўлди, Кармана эса (амирнинг) қароргоҳига айланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу нарса доно воқеанигорлару одил зотлардан махфия пардаси остида яширин қолмасинким, бу мамлакатда давлат ва мусулмонлар жамоаси инқирозининг сабабияти, айрим ўткир-ақл ва кордон кишилар аниқлаганларидек, амир Насрулло тахтга чиққан давридаёқ зуҳур бўлгандур. Улар фикрича, бунинг энг бирламчи сабаби — амир ўрнатган тартибда, яъни разил-жирканч одамларга ҳомийлик муносиб-муҳтарам кишиларни оёқ ости қилмоқликдан иборат тартибдадур. Бироқ мазкур бадбахт тартиб-қонунлар кўчати марҳум амир Музаффарнинг суғориб-парвариш этиб туриши туфайли илдиз отиб, мева тугди. (Ҳозирги) олиймақом ҳукмдорнинг тинч-осойишта даврида эса ул дарахт мева бериб, сояси қуюқлашиб, (ушбу тартибот) одатий бир ҳолга айланмишдир.

Мазкур амир замонига келиб қудратли элдор амирлардан бирортаси қолмади, (лозим даражада) тарбия кўрган тақдирда падарининг ўрнини боса оладиган ворислари эса эътибордан қолиб, баъзилари ёлланма коргар бўлди, бошқалари ер ҳайдаб, шудгор этди, яна бирлари қишлоқма-қишлоқ кезиб юриб, тиланчилик қилди.

Жамият орасидаги зоти бетайин олчоқлару очкўз-бадахлоқ кимсалар эса аларга марҳамату мурувват ва ҳомийлик кўргазилганлиги туфайли бир кўп обрў-эътибору иноятy юқори мансаб-лавозимларга ва бундан ҳам олийроқ неъматларга эришдилар ва ҳозир ҳам шунга эришаётирлар, нимага қўл узатсалар, шунга эга чиқаётирлар. Айниқса, жирканч шиалар — илгариги замонларда бошқаларга тобе ва шу мамлакат фуқаролари хизматида бўлган кимсалар — эндиликда шундай бир ҳукмронлик-зўравонлик поясига чиқиб олдиларки, бундан олийроғини тасаввур этиб ҳам бўлмас.

Амир кучли душмани бўлмиш ўрисларга қарам бўлиб қолганидан сўнг шиаларнинг ҳокимлиги ва муштумзўрлиги ҳаддан ошди... Иш шунга бориб тақалдики, амир Бухорони эсига олмай қўйди ва оқибатда ҳокимият тизгинлари бегона кимсаларнинг кучли-қаттиқ қўлларига ўтиб кетди ва булар кўнгилларига нима келса, шуни қилдилар...

Қудратли амир 1303 (1885-86) йилда ўз шуҳратли отасининг ўрнига Бухоро амирлиги тахтига ўлтириб, аждодларига ўхшаб азаматлик ва ҳукмдорлик гиламида мана ўн йилга яқин, ҳукмронлик қилмоқда. У вақтининг кўп қисмини Бухорода, аркда, Ширбудин, Ҳери ва Ситораи Моҳи Хосса чорбоғларида ўтказади.

У баъзан халойиқ арзини текшириш учун Қарши ва Шаҳрисабзга сафар қилиб турарди. Навкарлар, (турфа хил) мансабдорлар Дарвоза ва Кўлобга қадар узоқ-узоқ мулкларнинг ҳокимлари олий узанги ёнига келиб, шоҳона мурувватларга сазовор бўлиб, ортларига қайтиб кетар эдилар. Орадан ўн йил ўтиб, (амир) дафъатан Бухорони тарк этиб, Карманани ўз пойтахтига айлантирди, (у ерда) ажойиб иморатлар қурдириб, Бухоро ва унинг фуқароларини ёдига олмай қўйди. (Бухорода) қолган беш-олти нафар навкар мушкул аҳволга тушиб, қисилди, тутқунлар каби кун кечириб, (амир ила) мулоқоти шарафия ҳамда ўтган кунлар (қайтиб келиши)ни орзу қилиб яшаб, ғамалам кўз ёшларини оқизиб, қазойи кадар сари бораётирлар. Мана шу уч-тўрт навкар ўлиб кетганидан кейин ва Чингиз ясоқларидан ва на темурий ўзбек қўшинидан асар қоладур.

(Ҳозирги пайтда) амирликнинг бутун ҳою ҳашами беш-олти сарбоз дастасидан иборат бўлиб, буларнинг аксарияти ўғри, ашаддий қиморбоз, пиёнистадур; бирлари далли ва телба бўлсалар, бошқалари ҳатто ўқ овозини сира эшитмаган оқсоқ ва басирлардур. Махсус кафкозча қўшиннинг тузилиши янги бир ихтиро бўлдики, унга «фоуж рикоби ва хосса» деб ном бердилар. Мазкур даста хотинчалиш эрлардан иборат қилиб тузилади ва қаерда бўлмасин, бирон-бир йигит жанжалу ур-сурда зўр чиқса, ўшани олиб келиб, қофқозликлар сафига қўшишади. Мазкур сарбозларга турфа хил ранго-ранг ҳарбийча кийим-кечак кийдириб қўйишади. Улар эса ҳар хил тусдаги отларни миниб, сурнаюнорга чалиб, амир бозорига жон киритишади. Ҳамма ерда, ҳар бир вилоятда, қаерда бўлмасин, биронбир ўғри-қароқчи қўлга тушиб қолса, ўшани дорга осиш ўрнига, қўлига милтиқ ва ярог бериб, мазкур қўшиннинг сарбозлари қаторига қўшишади, чунки қўшин талаталасиз бўлмайди. Сарбозларнинг амирлашкарлари қилиб шундай бир (кишилар)ни тайинлашадики, булар ҳақида бирнима ёзмоққа ҳатто қалам ҳам ор қиладур...

Форс-тожик тилидан
Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси

30. Бу хат чиндан ҳам Черняев номидан юборилган.
31. Урис қўшинларининг Жиззахга иккинчи бор юриши икки ойдан кейин эмас, балки бир ярим йилдан кейин генерал Романовсий қўмондонлиги остида уюштирилган.
32. 21-изоҳга қаранг.
33. Абдумаликтўра — Амир Музаффарнинг тўнғич ўғли (1848—1909)
34. Шаҳрисабз ва Китоб ўрислар томонидан 1870 йили босиб олинган.
35. Амир Абдулаҳад — ҳукмронлик йиллари — 1885—1910.
36. Александр II 1881 йилда вафот этган, ўрнига Александр III ўтирган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умрзоқ Ўлжабоев

БИЗГА БЕГОНА УРУШ

Умрзоқ Ўлжабоевнинг номи адабиёт мухлисларига яхши таниш. Йигирма йилдан бери мақолалари, мазмундор тадқиқотлари билан ойномамизда фаол қатнашиб келади.

Умрзоқ ўзбек адабиёти, қолаверса, «Шарқ юлдузи» ойномасининг толмас тарғиботчиси. Таниқли ёзувчиларимизнинг таваллуд саналари, адабиёт байрамларини Сирдарё вилоятида, ўзи ишлаётган қадрдон дорилфунунда нишонлаш учун елиб-югуришдан, заҳмат чекишдан чарчамайди. Унинг ташаббуси билан ана шу олий ўқув даргоҳида «Шарқ юлдузи» устахонаси» очилиб, талабаларнинг амалий машғулотлари йўлга қўйилди. Ойномамиз ижодкорлари навбати билан мазкур устахонага бориб, адабиётга меҳри тушган ҳаваскорларга бадиий ижод сирларини ўргатадилар.

Умрзоқ Ўлжабоев 50 ёшга тўлди. Биз навқирон адабиётшунос, камтарин дўстимизни ойнома мухлислари номидан самимий қутлаймиз ва унга янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Узоқ йиллар давомида адабиётда нотўғри бир фикр ҳукм сурди. Улуғ Ватан уруши ҳақида фақат унда иштирок этган кишиларгина ёзишлари керак эмиш. Бундай фикр тарафдорлари ҳарбий мавзуда ижод қилаётган, ўзлари ўша жангу жадалларда қатнашган адиблар эдилар. «Бинобарин, — деб ёзади атоқли ёзувчи К. Симонов, — урушни кўрмасдан у ҳақда ёзадиган кишини ўзгача бир қийин аҳволга солиб қўяди... Биз ўн марталаб вужудимизда синаб кўрганимиз — отишмалар, бомбардимон вақтидаги инсоннинг сезгиларини бирор марта ҳам ўлим хавфини бошидан кечирмаган одам қандай қилиб акс эттириши мумкин, ахир!» Шунга яқин фикрларни Ю. Бондарев, В. Биков, Г. Бакланов каби ёзувчилар ҳам билдиришган.

Лекин бугунги оғир кунларда урушни кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам ядровий қирғинбаротларга қарши курашда бирлашиши, баҳамжиҳат ҳаракат қилиши тарихий заруратга айланиб қолди. Кейинги пайтларда ўтган уруш воқеаларига оммавий равишда мурожаат қилиш замоннинг талабига айланганини, бу ишга фақат фронтчи, ўша даврни яхши биладиган ёзувчиларгина эмас, балки кейинги авлод вакилларининг ҳам маънавий ҳақлари бор эканлигини ҳарбий ёзувчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишга «мажбур» бўлдилар. Жумладан, К. Симоновнинг ўзи ўлими олдидан бир адабиётшунос билан бўлган суҳбатда, ҳарбий мавзунинг чеки-чегараси йўқлигини, ҳали бу ишда урушни шахсан ўз вужудида синаб кўрмаган кишилар ҳам иштирок этажагини айтган экан («Вопросы литературы», № 12, 1963 й., 18-бет).

Бу гаплардан қандай хулосага келиш мумкин? Модомики, замон ижодкорларни — ёшидан, тажрибасидан ва урушни кўрган-кўрмаганидан қатъи назар — битта тарихий заруратга рўпара қилаётган экан, демак, улар учун бу ҳам ўзига хос бир синов, маҳоратини намойиш этадиган мезон ҳисобланади. Бундай жиддий, масъулиятли вазифани тарихни бузиш, бўяб-безаб кўрсатиш қандай ёмон оқибатларга олиб келишини, қурбонлар хотираси учун қай даражада ҳурматсизлик эканини чуқур, бутун жавобгарлиги билан англаш ҳисобига адо этиш лозим бўлади. Ёзувчи уруш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг фожиавий томонлари ҳақида қанчалик ҳаққоний гапирса, душман устидан қозонилган ғалабада ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган халқ жасоратининг, қаҳрамонлигининг буюклигини шунчалик кўпроқ англаймиз. Демак, ҳозирги шароит бу мавзуга мурожаат қиладиган ёзувчининг истеъдод ва маҳоратини ҳам, ижодкорлик бурчи ва замон талабини тушуниш даражасини ҳам кафтда тургандек кўрсатадиган бир майдон бўлиб қоляпти.

Суннатилла Анорбоев ўтган урушда душман билан юзма-юз жанг қилган, фронт машаққатларини ўз вужудида синаб кўрган адибларимиздан. Тўғри, бу ёзувчининг ижодида ана шу кўрганбилганлари — уруш даври ҳаёти асосий ўрин эгаллайди, дейиш қийин. У, гарчи фронтчи-ёзувчи бўлса-да, кўпроқ тинч ҳаёт масалалари ҳақида ёзишни маъқул кўради. Албатта, бу ҳар бир ижодкорнинг шахсий ҳуқуқи, майли билан боғлиқ жиҳат. Ҳарҳолда, С. Анорбоев гоҳ-гоҳда бўлса-да, ўзи бир пайтлар кўрган, гувоҳ бўлган воқеалар — уруш даври ҳаётига мурожаат қилиб туради. У, даставвал, бу мавзуда айрим ҳикоялар ёзган эди. Кейинчалик «Сайли» романини шу даврдаги турмуш ташвишларига бағишлади. Сўнгги пайтларда у яна шу мавзуга қайтиб, «Яхшилик уруғи» тўпламида бир неча ҳикоялар эълон қилди. Тажрибали, уруш кўрган ёзувчимизнинг бу йўналишдаги асарлари кишида қатор мулоҳазалар уйғотади. Жумладан, «Яхшилик уруғи» ҳикоясида тасвир қаҳрамон тилидан олиб борилади. Бу персонаж, яъни Сайфиддин — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, омонсиз алангалардан тирик қайтган одам. Унинг укаси Тожиддин эса ҳаёт-мамот олишувларидан қайтмаган — Курск атрофидаги тўқнашувларда ҳалок бўлган. Акаси укасини хотирлаб, унинг қабрини зиёрат қилгани боради. Ҳикояда қаҳрамондаги ана шу ҳолат, яъни Сайфиддиннинг укаси қабри тепасидаги хаёлидан кечаётган ўйлари, хотиралари лирик чекиниш тарзида берилади. Албатта, воқеаларни қай йўсинда тасвирлаш ёзувчининг иши. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у меъёрни унутмаслиги, жанрнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиши зарур. «Яхшилик уруғи»да шу нуқтаи назардан камчиликлар кўзга ташланади. Унда Тожиддиннинг деярли бутун ҳаёти, ҳарбий хизматга чақирилганга қадар қилган барча ишлари, саргузаштлари кетма-кет ипга тизилаверади. Бу — ҳикоя табиатига зид келиб, персонажлар сонининг кўпайиб кетишига сабабчи бўлган. Тўғри, ҳар бир инсон ҳаётида кўплаб қизиқарли, эсда қоладиган воқеалар учраши мумкин. Лекин ёзувчи у ёки бу жанр талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни танлайди, саралайди ва уюштиради. Ижодкор маҳорати айни мана шу жараёнда яққол намоён бўлади.

Навбатдаги камчилик асардаги публицистик талқинга мойил нуқталар билан боғлиқ. Умуман, бу масала хусусида илмда турлича қарашлар мавжуд.

Публицистик руҳ, талқин муҳим бадиий восита сифатида иштирок этишини машҳур асарлар мисолида кўриш мумкин. Муҳими, асарда қўлланилаётган ўша публицистик талқин қандай вазифани бажаришида қолган. У яланғоч шаклда эмас, балки қаҳрамоннинг дардига, ҳолатига мос, ҳамоҳанг бўлиши зарур. «Яхшилик уруғи» ҳикоясида шу жиҳатдан эътирозга лойиқ талай ўринлар учрайди. Мана, Сафиддиннинг укаси қабри тепасидаги ўйлари: «Мана сен, сенинг қаторингда ётган дўстларинг, авлодларимизнинг бугунги фаровон ҳаёти учун, фашизмга қарши қонли курашда жон бердинглар. Сизларга чинакам мардона ўлим насиб этмиш. Шунинг учун ҳам номларингиз мармарга ўйиб битилган: номингиз дилларимизда, тилларимизда. Ҳеч қачон на бўрон ўзгартира олади, на асрлар сурони». Бу, укаси қабри тепасида туриб ўйлаётган одамнинг ўйларими ёки минбардан туриб нутқ сўзлаётган нотиқнинг гапларими — ажратиш қийин. Қаҳрамоннинг ўзи ҳақида укасига хаёлан айтган гапларига, ҳисоботига ҳам эътибор берайлик: «Ҳеч нарса ҳеч қачон бемашаққат, ўз-ўзидан юзага келмаган. Мен ҳам яхшилик уруғини сочай, деб эл қатори меҳнат қиляпман. Меҳнатимнинг самараси қачон бўлмасин бир кун юзага чиқар, ярқираб дўстларимнинг кўзини қувонтирар, дилларда эзгулик уйғотар, деган умид билан юрибман...» Ҳикоя мағзини ташкил этиши лозим бўлган бу мушоҳадалар шу тарзда берилади. Кўряпмизки, оҳангнинг баландпарвозлиги, жимжимадорлигида у олдингисидан қолишмайди. Минбарлардан айтилавериб жонга тегиб кетган бундай гапларни ўз жигари қабрини зиёрат қилиш учун узоқ жойлардан келган бир кишининг ўйларига, кечинмаларига кўчириш шунчалик зарурмиди, деб ўйлаб қоламиз. Уруш кўрган ёзувчиларимизки ўз асарига бундай чучмал гапларни киритиб ўтирса, бу мавзуга шундай масъулият билан қараса, бошқалар нима қилишар экан, деб хавотирга тушамиз.

Тўпламдаги «Арафа» ҳикояси эса илиқ таассурот қолдиради. Тўғри, унда ҳам газета тилига ўтиб кетиш, тасвирда «Бироқ факт фактлигича қолади» қабилидаги анча жўн жумлалар учрашидек ҳолларга дуч келамиз. Лекин, айни чоқда, муаллиф жанр имкониятларини ҳисобга олгани, асар табиатидан келиб чиқиб иш тутишга ҳаракат қилгани кўриниб туради. Ҳикояда уруш даврига хотиралар орқали мурожаат қилинади. Бош қаҳрамон Эшмат «уруш-уруш» ўйнаётган неварасининг «Сиз ҳам асир тушганмисиз?» деган саволи туфайли хаёлан ўша оғир кунларни эслаб кетади. Шу тариқа урушдаги кичик бир жанг лавҳаси, қаҳрамоннинг ҳаёт-мамот чизиғидаги ҳолати кўз олдимиздан ўтгандек бўлади. Жанг манзараси тасвирида муаллиф ўша давр ҳаётини билиши сезилиб туради. Уруш шароитидаги қаҳрамоннинг ҳолати, ҳаракатлари анча аниқ берилган. Ҳаёт ва ўлим таҳликаси остида икки фашист билан олишуви, кейинчалик ўша фашист билан аравада ёнма-ён ётганда хаёлидан кечган ўйлар ҳам табиий чизилган.

Ёзувчи қўллаган тасвир усули ҳам қулай имкониятлар яратган. Жумладан, муаллиф ўша оғир кунларни ҳозирги ҳаётимиз билан боғлайди. Ўйнаб юрган невараси ортидан қараб қолган Эшматнинг хаёлидан ўтаётган «Кошки эди армия фақат сайил, тантанали кўриклар учунгина сақланса, уруш-уруш фақат болаларнинг ўйинигагина айланиб қолса! Инсоният умрбод уруш балосидан халос бўлса!» каби гаплари вояга етаётган янги авлоднинг ташвишли ўйларига уланиб кетгандек бўлади.

Тажрибали ёзувчи Ҳамид Ғулом ҳам ҳарбий мавзуда талай асарлар ёзган. У, гарчи жангларда иштирок этмаган бўлса-да, ўша давр ҳаётини яхши билади. Адибнинг урушдан сўнгги йилларда ёзилган «Олмос қизи» қиссаси ҳамда 60-йилларда майдонга келган «Тошкентликлар» романи муносабати билан адабий танқидчиликда анча фикрлар билдирилган. У ўзига тенгдош, ўша синов йилларида мамлакат ичкарисида бўлган ёзувчилардан бир жиҳати билан ажралиб туради. Масалан, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин каби ёзувчилар, асосан, ўзларига яхши таниш бўлган, ўзлари бевосита ичида юрган ҳаёт — фронт ичкариси ҳақида ёзишади. Ҳ. Ғулом эса жанг майдонларида бўлган тўқнашувлар, жанговар воқеалар ҳақида ҳам бемалол ёзаверади. Ёзувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

урушнинг шу зайлдаги ифодасини «Бир миллион можароси» китобига кирган «Мангу олов» ҳикоясида ҳам давом эттиради. Ҳикояда урушнинг бошланиш босқичида катта талофатлар кўриб чекинаётган батальоннинг душмандан узоқлашиши, ўрмон ичида қолдирилган зенит батареяси ва пулемёт ячейкасининг тақдири орқали жангчиларимиз кўрсатган жасорат тасвирланади. Асардаги воқеаларнинг йўналиши анча равон, ҳамма қисм ва бўлаклари жой-жойига қўйилган. Сержант Саид Убайдуллаев, наводкачи Андрей Никифоров ва оддий солдат Мамед Шихлиевдан иборат зенит батареяси, шунингдек, тўрт пулемётчи ва икки пулемётдан ташкил топган даста ҳам ўз жанговар вазифаларини муносиб бажарадилар. Улар имкон даражасида душманни тўхтатиб, батальоннинг бехавотир масофагача бориб олишига шароит яратиб беришади. Тенгсиз жангда етти жангчидан олтитаси ҳалок бўлади. Тирик қолган жангчи — сержант Убайдуллаевни эса зенит тўпи яқинида портлаган авиабомба тўлқини зарби узоққа учириб юборади. Ҳушсиз, карахт бир аҳволда ётган жангчини сосновкалик Раиса Петровна ва қизи Оксана топиб олишиб, партизанлар ёрдамида ўз уйларига олиб келишади. У қишлоқда бир неча кун туриб, энди ўзига келай деганда фашистлар тинтув ўтказиб қолишади. Ўзи ётган жойга чиқиб келган фрицлардан талайини ўлдириб, сўнгра улар тўдаси турган жойга ташлаган гранатаси зарбидан сержантнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Умуман, ҳикоя номидан ва охирида хотима сифатида берилган парчадан англашилича, ёзувчи рамзий воқеаларни асарга асос қилиб олгани сезилади. Пойтахтимизнинг асосий майдонидаги «Мангу олов» ҳайкали пойига тез-тез келиб турадиган «сийрак сочи буткул оқарган, юз-манглайини ҳисобсиз майда ажин қоплаган, томирлари туртиб чиққан қўл бармоқлари қалтирайди»ган бўлиб қолган, «доим одми қора кўйлакда, қора бахмал камзулда, оддий маҳси-кавушда» юрувчи, «бошига ташлаган дока рўмол» «ўй-хаёлидай, фикр-орзуларидай оппоқ» бир нуроний онанинг ҳолатини, қиёфасини ойдинлаштириш ёзувчининг асосий муддаосига айланади. Очиғини айтиш керакки, бундай композицион усул ўзини у қадар оқламаган. Олдин урушнинг том маънодаги бир фожиавий воқеаси келтирилади, сўнгра рамзий-шартли тасвирга ўтилиб, «Мангу олов»га зиёрат учун келадиган она ҳақида «Агар биров менга: бу она — сержант Саид Убайдуллаевнинг онаси, деса албатта ишонаман» дейилиши, назаримда, асардан олинадиган таассуротни ўзгартириб юборгандек. Эҳтимол, бундай тахминий қиёслар бирор публицистик асарда ўзини оқлаши мумкиндир. Лекин ҳикоя ўз табиати билан ғоят аниқликни, тугалликни талаб қилади. Бу ўринда жанрнинг ана шу оддий талаби ҳисобга олинмаган.

Жангчилар ўз марраларида қандай фаолият кўрсатадилар? Афсуски, бу муҳим ҳолат ўта жўн, умумий бир тарзда берилган. Аввало, ёзувчи нимага асосий эътиборни қаратаётгани номаълум. Ҳикояда талай кишилар тилга олинади — капитан Зинченко, сержант Убайдуллаев, наводкачи Андрей Никифоров, оддий солдат Мамед Шихлиев, почтальон Зина Соколова, шунингдек, Богдан Иванович Петренко, Раиса Петровна, Оксана ва ҳоказо. Лекин шу иштирокчиларнинг қайси бири атрофида воқеалар уюшаётганини дабдурустдан ажратиш қийин. Ҳикоя сўнгидаги гаплар ҳамда бошқа жумлаларга қараганда ёзувчи Саид Убайдуллаевни асар марказига қўймоқчи бўлганлиги сезилиб туради. Лекин асарда шунга алоқадор на тайинли бир ҳаракат, на мазкур қаҳрамон билан ўқувчини боғлайдиган ҳодиса содир бўлади. Китобхонни ларзага солиши, урушнинг ҳақиқий даҳшатини очиб бериши лозим бўлган манзаралар инсоний мазмундан, жонли ҳиссиётдан маҳрум.

Ҳикоядаги воқеалар аниқ бир жойда, муайян бир шароитда содир бўляпти. Лекин тасвирдан буни англаш, ажратиб олиш қийин. Мана, эътибор берайлик: «...тонг ёриша бошлаши билан аввал гала-гала самолётлар ҳавони қалдиратиб, ғарбдан шарққа уча бошлайди, кейин фронт бўйлаб ўнлаб жабҳаларда тўплар гулдуроси янграйди: бу чексиз садо, тинимсиз варанглашлар, портлашлар, хуллас, даҳшатли қиёмат-қойим асабларни қақшатади, мияларни пармалайди, ўлим хавфини шундоққина бошингиз тепасига қора булутдай келтириб қўяди...» Бу ўта умумий гапларга изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бошқа мисолларга ҳам мурожаат қилайлик. Ўзларининг қандай ишга келаётганини англаган жангчиларда табиий кечиши лозим бўладиган руҳий ҳолатлар тасвирига мутлақо эътибор берилмайди. Улар почтачи қиз Соколова нима учун уйларига хат ёздириб олганини ҳам яхши тушуниб туришибди. Лекин ҳикояда шундай бир мураккаб драматик вазиятда қаҳрамонлар қалбида ялт этган туйғу, ҳолат тасвири йўқ. Улар жонли инсонлар эмас, балки қандайдир машиналар, роботларни эслатади. Охирги жанг олдидан на ўйлайдилар, на ҳаяжонланадилар. Мана, Саид ҳақидаги гап: «Саид онасига ёзган хатида соғ-саломатлигини, фронтда жанг қилаётганини, икки қуролдош дўсти билан бирга кеча фашистларнинг учта самолётини уриб туширганини ва жонажон Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сўнгги нафасига қадар адо этишга тайёр эканлигини маълум қилади». Тўғри, Саид онасига ўз хаёлидан ўтаётган нарсаларни ёзмаслиги мумкин. Лекин шундай қалтис вазиятда қолган одамдаги руҳий жараёнларни ёзувчи кўрсатиши, фожиавий ҳолатни ўқувчига юқтириши керак-ку! Бундан ташқари, зенитчиларимиз ҳам, пулемётчиларимиз ҳам жанг бошланганда ҳеч қийналмасдан «мессер»лардан биттасини уриб туширадилар, келаётган танклардан бирини тўхтатадилар, немис пиёда аскарлари эса «Йўл бўйидаги икки пулемётимизнинг оғзидан тинимсиз сочилиб турган оловга дуч келиб, тубидан арраланган дарахтлардай гурс-гурс қулай бошладилар».

Ҳикоя мантиқидан қанчалик даҳшатли тўқнашув бўлганини тасаввур қилиб турамиз, лекин ёзувчи бундай манзараларни аниқ ифодалай олмаганлиги оқибатида тасвир таъсирсиз сўзлар йиғиндисига айланиб қолган.

Ҳикоядa уруш даҳшатини кўрсатиш учун яна бир имконият бор эди. Бу — Богдан Иванович Петренко (партизанлар бригадасининг бошлиғи) томонидан жангчилардан хабардор бўлиб туриш учун қолдирилган хотини Раиса Петровна ва қизи Оксаналардир. Тўқнашувни улар нигоҳи орқали таъсирли кўрсатиш мумкин эди. Чунки улар жангни бошидан охиригача кузатишган, бу ҳаёт-мамот олишувига гувоҳ бўлишган. Лекин уларнинг таассуроти орқали берилган тасвир ҳам умумий гаплардан нарига ўтмайди. «Она билан қиз кун бўйи давом этган жанг шовқинларини: самолётлар гулдуроси, бомбалар портлаши, тўплар наъраси, танк занжирларининг ғижирлаши, пулемётлар тариллаши, автоматлар «сайраши»ни қарағайзорнинг йўлга яқин бир жойида, қалин дарахтлар орқасига яширинганча эшитиб ўтирдилар. Йўлда бомбаларнинг бот-бот портлаб туриши, тинимсиз ҳаракат, немисларнинг бақириқ-чақириқлари уларга бизнинг жангчиларимиз эгаллаб турган ер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга яқинлашишга имкон бермади». Еттита аскарнинг фашистларга қарши омонсиз жанги ҳақида фақат шу маълумотларгина берилади. Кейин бирдан атроф-теваракнинг жимиб қолгани, бу ғайритабиий сукунатдан «она билан қизнинг қалбларига ваҳима» тўлгани, бир-бирига «наҳотки ҳаммаси тугади?» деган савол билан қараши, «бир-бирига суянганча, дарахтлар орасидан кўриниб турган йўлга маъюс» тикилиши, сўнгра эса ғарбдан шарққа кетаётган душманнинг танкларию тўплари ва юк машиналарини санашга тушиб кетганлиги гапирилади. Тўғри, булар ҳам муҳим. Бу маълумотлар партизанлар учун ғоят аҳамиятли. Лекин, нима бўлганда ҳам, улар инсон, бинобарин, ҳаммага хос ҳиссиётлардан бегона эмас-ку? Сал нарида бутун кун давомида еттита ватандоши — еттита тирик вужуд ўлиб-тирилиб курашиб, ҳаёт билан видолашаётгани наҳотки уларга таъсир қилмаса? Ҳатто ҳалок бўлган жангчиларни четроқ жойга кўтариб олиб кетишаётганда ҳам уларнинг қалби қилт этмайди. Эътибор берайлик. «Она дамини ичига ютганча, қизининг чаққон ҳаракатларини кузатиб турди. Оксана ерга кўкрак бериб ётган биринчи йигитнинг қўлини ўз бўйнига солди ва белидан маҳкам ушлаганча судраб, дарахтзорга олиб кирди. Раиса Петровна дарҳол қизининг ёнига келиб, унга кўмаклашиб юборди: икковлари жангчини майсага ётқиздилар. Жангчи чап кўкраги, ўнг чаккаси ва яна бир неча еридан ўқ еган, юраги аллақачон тўхтаб, бадани совиб улгурган эди». Улар шу тарзда ишларини давом эттириб, бир ярим соат ичида яна икки зенитчи ва уч пулемётчининг жасадини ўрмон ичига олиб киришади. Сержант Саид Убайдуллаевни эса тирик, аммо карахт, ҳеч нарсани сезмайдиган бир ҳолатда топишиб, уни ҳам бехавотир жойга олиб келишади. Урушнинг даҳшатли фожиасини кўрган она ҳам, қиз ҳам сесканмайди, ҳаяжонланмайди. Ваҳоланки, улар урушнинг ҳақиқий даҳшатига илк бор дуч келишган эди. Умуман, инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонлигича — ранг-баранг туйғулари, ўй-фикри, ҳаяжони, хавотири ва ҳатто қўрқуви билан яшашини унутмаслик лозим.

Энди кейинги авлодга мансуб ёзувчи — Фарҳод Мусажоновнинг «Кўргулик» («Шарқ юлдузи», 1986 йил, 3-сон) ҳикоясини кўздан кечирайлик. Адиб ана шу оғир йилларда ёш гўдак бўлган. Шунга қарамай, у уруш мавзуида таъсирли асар ёза олган.

Ҳикоя марказида Саври холанинг мураккаб тақдир йўли туради. У ёши бир жойга бориб қолган кампир. Турмушда камчилиги йўқ. Фарзандлари уйли-жойли, бола-чақали, ҳаммаси ўзидан тиниб кетишган. Кампир қўлма-қўл — хоҳласа унисиникига боради, хоҳласа бунисиникига. Умри бино бўлиб оғир касал бўлмаган Саври хола янги йил арафасида ўзини ёмон ҳис қилади. Докторга учрашса, юрагининг мазаси йўқлигини айтишади. Бу гапдан кампир ўзини йўқотиб қўймайди-ю, лекин умрининг поёни кўриниб қолганини қандайдир ички сезги билан ҳис қилади. «Майли, кўргулик экан... ёшимни яшаб, ошимни ошадим, етмиш тўртга кириш ҳаммага насиб қилавермайди», деб кўнглидан ўтказади у. Фарзандларига касаллигини айтиб ўтирмайди. Лекин бир кори ҳол бўлиб қолса, улар «довдираб қолишмасин», деб қарияларга хос одат — нафақа пули жамғармасидан расм-русумлар учун зарур нарсаларни тайёрлаб қўяди. Аммо бундоқ ўйлаб қараса, қилиши шарт бўлган бошқа ишлар ҳали кўп экан. «Катта келини тўйга тайёргарлик кўряпти, иккита кўрпачасини қавиб бериши, ўртанча қизининг уйига телефон ўтказиб беришга ёрдамлашиши, уйига кенжа набирасини прописка қилиши, (ўзидан кейин уй ўшанга қолсин — бечоралар саккиз жон уч хонали секцияда туришади). Қумри опанинг ҳолидан хабар олиши керак. Хуллас, ишнинг охири кўринмас эди.

Энг асосийси, ўттиз йилча ишлаган қадрдон заводига бир бориб келади. «Ҳа, бу шарт!» Эҳтимол, шунинг учунми, — фарзандларидан ҳеч қайсисига бу янги йилни бирга кутишга «ваъда бермайди». «Сизни олиб кетаман», деб атайлаб келган набираси Ойсарани қайтариб юборади. Кампир бозор қилиб келади, кечгача уриниб ҳасип солиб, ўзича катта дастурхон тайёрлайди.

Саври хола кўнглига аён бўлган туйғулардан сўнг умрини бир сарҳисоб қилиш учун ўзи ўтган йил ишлаган, не-не ғам-кулфату шодлик-хурсандчиликларига гувоҳ, оғир кунларда жон сақлаб қолишига сабабчи бўлган қадрдон нон заводини йўқлаб келади. Шу тариқа ҳикояда уруш даври, Саври холанинг бу оғир синов йилларидаги қисматига оид лавҳалар чизилади.

«Кўргулик»да Саври хола хотиралари мисолида оғир дамларда одамларнинг бир-бирига суяниши, мадад бўлиши ҳаётий воқеалар орқали кўрсатиб берилади. Фронтдан дам-бадам машъум хабар — «қорахат» келиб тургани туфайли «Уша кезларда сабаб бўлса бўлди... одоб ва ҳижрон кемириб ётган юракларини йиғлаб бўшатиб» оладиган аёллар оғир дамларда бир-бирларига суянчиқ бўлиб яшайдилар.

Ҳикояда уруш даврининг одамлар тақдирида қолдирган оғир, изтиробли излари қатор лавҳаларда маҳорат билан чизилади. Мана, шулардан бирига эътибор берайлик. Саври эридан «қорахат» олган. У ўз сменасини ўтказиб, уйига қайтаяпти. Бирга ишлайдиган одамлар ўз улушидан унга бир буханка нон беришади. Саври ўзининг ҳолати, мусибати ҳақида ўйлаб, изтироб ва ғам юкидан эзилиб кетяпти. «Энг қийини болаларининг кўзига қараш эди, — деб ўйлайди. Уларга далда беришга қаёқдан куч олади?»

Бироқ куч топиш керак эди. Нафақат бугун, бундан буён ҳар куни, ҳар доим — бир умрга куч топиш керак. Чунки болалари энди фақат унга боқим, ёлғиз унинг қарамоғида. Аравани бирга тортадиган йўлдоши, суянадиган тоғи — эри энди йўқ. Ҳайҳот, энди у танҳо!

Бир умрга танҳо!! Шундай ўйлар гирдобида уйга келгач, Саври ўзини қўлга олишга ҳаракат қилади, чунки болаларига бу мусибатни билдирмаслик керак. «У оғзини очиб гапирса, ҳўнграб юборишини билиб индамади, қўлидаги нонни тўғричига узатди. Нонга маҳлиё бўлган Шерали олдинига онасининг авзойига эътибор бермади, нонни олиб ҳайрон бўлди:

— Ие, ойи, нон нега ҳўл?

— Ҳе, болапақир, шунақа ҳам савол берасанми? — Нон йўл-йўлакай тўккан кўз ёшларимдан ҳўл, деб айтолмайман-ку сенга! — Саври йиғлаб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади. Зийрак Шерали ҳаммасини дарров тушунди. Ва шу лаҳзада, ё алҳазар, болалиги тугаб, катта одамга айланди-қолди.

— Хафа бўлманг, ойи, мен борман, — деди у ўта жиддий овозда, — бир амаллаймиз.

Саври миннатдорчилик билан тўғричининг елкасига қўлини қўйди. Ҳали заиф ва нозик эди ўғлининг елкаси, лекин суянса бўларди». Шу ўринда ёзувчи уруш даври ҳаётига хос муҳим масалалардан бирига эътиборни жалб этади. Бу Шералининг бошларига тушган мусибатни сезиб, дарҳол

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳан катта одамга айланиб қолганлиги. Шунингдек, «Ҳали заиф ва нозик эди ўғлининг елкаси, лекин суянса бўларди» деган гапларда ҳам катта рамзий маъно мужассамлашган. Ана шундай «заиф ва нозик» елкаларга давр ўзининг оғир, жуда оғир юкларини ташлаганлиги, улар гўдакликнинг шавқ-завқларига тўймай туриб вояга етиб қолганлиги, катталар қаторидан ўрин олишга мажбур бўлганлиги — ўша синов йилларининг энг оддий ҳақиқати эди.

«Кўргулик» ҳикояси равон, енгил услубда ёзилган. Адиб ҳаётдаги жиддий воқеаларни тасвирлаганда гапни кўпайтириб, чувалаштириб ўтирмайди. Мураккаб ҳолатларни ихчам, лўнда тасвирлашга интилади ва бунга эришади.

Ижодий тажрибаси, ёзиш услуби бир-биридан фарқ қиладиган учта ёзувчининг ҳикоялари хусусида фикр юритдик. Уларни бирлаштириб турадиган бир жиҳат яққол сезилади. Бу — уруш давридаги ҳаёт билан ҳозирги кунларни бир-бирига муайян воситалар, қаҳрамонлар тақдири орқали туташтиришда, шундан келиб чиқиб замоннинг муҳим маънавий муаммоларига муносабат билдиришда кўзга ташланади. Албатта, бу ниятни ҳар бир ёзувчи ўз имконияти даражасида амалга оширган. С. Анорбоевнинг «Арафа», Ф. Мусажоновнинг «Кўргулик» ҳикояларида ҳозирги кунимиз билан уруш даври ҳаёти табиий тарзда боғланиб кетади. «Мангу олов» ҳикояси ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Сабаби юқорида кўрганимиздек, унда уруш майдонидаги воқеалар билан ҳозирги ҳаёт бир-бирига жуда зўраки боғланган, композицион яхлитлик йўқ. Шунинг учун у ўқувчини қаттиқ ҳаяжонга солмайди.

Шу кузатганларимиз асосида яна бир нарсани ҳам айтиш керакки, уруш мавзуи — ғоят мураккаб ва масъулиятлидир. Унга адабий эрмак, бошқа ёзадиган нарса тополмай қолган пайтларда хаёлга келганини тўқиб ташлайверадиган, китобхонни бемалол лақиллатиш мумкин бўлган материал сифатида қараш мумкин эмас. Ўтган урушнинг ҳеч унутилмайдиган маънавий сабоқлари ҳақида чинакам маҳорат ва истеъдод билан асарлар ёзилиши, умумбашарий ғоялар илгари сурилишига шубҳа йўқ. Шундай бўлгач, бу мавзуга енгил-елпи ёндашиш, эътиборсизлик билан қараш, чуқур масъулият ҳис этмаслик китобхоннинг ихлосини қайтариб қўйиши мумкин.

Ўқувчидан ажралиш эса ёзувчи учун энг оғир жазо ҳисобланади.

* * *

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски Шарқ —
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида балқиган чоғи,
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай,
Каттароқ очилди олам қучоғи.

«Алишер».

* * *

Кўзимнинг оқидек мунча тозасан,
Яхши шеъримдаги нуқтам қорачиқ.
Баъзида кичкина ғазал ёзаман,
Мазмуни беғубор бағрингдай очиқ.

Нинанинг учи-ла қудуқ қазиган
Азамат эрларнинг кенг майдонисан.
Садафдай кўксингга инжулар тизган
Ошиқ шоирларнинг жон, жононисан.

«Қоғоз».

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАРБ—ШАРҚҚА БОРАДИ

Инсоният тафаккурининг бешиги бўлмиш кўҳна Шарқ азал-азалдан Европа учун илм-маърифат чашмаси бўлиб келган. Машҳур немис адиби, «Ғарб шеъриятининг худоси» бўлмиш И. В. Гёте ўзининг «Ғарбу-Шарқ» девони»да бу ҳақда шундай деб ёзади: «Шарқда донишмандлар кўп. Улардан талай нарсаларни ўрганиш мумкин. Бироқ бунинг учун Шарқ бизга — Ғарбга келмайди, аксинча Ғарб Шарққа бориши керак».

Буюк Алишер Навоий ҳазратлари битган асарлар ҳам аллақачонлар жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин эгаллаган, дунёдаги маданий тилларнинг кўпига таржима қилинган. Навоий ўша даврда Шарқда, хусусан Туркистонда «жозибали ва нафис тил» деб келинган форс тили қандай қулайлик ва имкониятларга эга бўлса, туркий (Чиғатой) тили ҳам ундан қолишмаслигини амалда исботлади. Ўзи шу тилда ижод этди ва шу йўл билан она тилимизни ботқоқликдан шеърият осмонига кўтарди. Биргина шу хизматнинг ўзи нақадар улуғ иш!

Аллома асарларидаги одамийликка чақирувчи яхши хислатлар уни бутун Шарқда, аниқроғи, тарихчи Хондамир тили билан айтганда, «Ҳитодан Румогача» машҳур қилиб қўйди. Унинг асарларини ўша даврлардаёқ шоҳ ҳам, гадо ҳам, катта ҳам, кичик ҳам севиб ўқиган.

Шоир вафотидан сўнг эллик йиллар ўтгач, яъни 1557 йилда Венецияда Христофор Арман деган кишининг «Серендип шоҳи Жаъфар ўғилларининг саёҳатлари» номли саргузашт китоби чоп этилади. Муаллифнинг ёзишича, у бу асарни озарбайжон тилидан италян тилига ўгирган. Асар европалик китобхонларга манзур бўлгани учун тез орада қайта нашр этилади. Бир неча йилдан кейин эса у италянчадан немис тилига ўгирилади. Афсуски, асарнинг илк немисча таржима нусхаси сақланмаган, аниқроғи, биз уни топа олмадик. Асар 1583 йилда немис тилига қайта таржима қилиниб нашр этилади. Буни китоб унвонидаги ёзув ҳам тасдиқлайди. Унда: «Нозик дид билан баён этилган, чиройли тилда ёзилган ва мазмунга бой бўлган «Серендип шоҳи Жаъфар ўғилларининг саёҳатлари» номли қизиқарли саргузашт китоб италян тилидан олмон тилига Иоганн Ветцел томонидан қайтадан ўгирилди. 1583 йилда Базелда чоп этилди», — деб ёзилган. Бу эътироф мазкур асар немис тилида олдин ҳам нашр этилганлигини кўрсатади. Шундан сўнг, қисса олмон тилида қайта-қайта нашр этилади. 1719 йилда у италянчадан француз, 1766 йилда эса голланд тилига, кейинчалик европанинг бошқа тилларига таржима қилиниб чоп этилади.

Христофор Арманнинг «Серендип шоҳи Жаъфар ўғилларининг саёҳатлари» номли саргузашт китоби икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Серендип шоҳи ўз ўғилларини қандай қилиб ақлли, билимдон, зийрак қилиб тарбиялагани баён этилган. Шоҳ ўғиллари вояга етгач, уларни дунё кезиб, одамлар ва мамлакатлар билан танишиб, ҳаёт тажрибасига эга бўлсинлар, деб саёҳатга жўнатади. Ўғиллар саёҳат давомида турли воқеа — ҳодисаларга, хилма-хил саргузаштларга дуч келадилар, машаққат ва қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Оқибатда уларнинг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги аввалги фикр — қарашлари тубдан ўзгаради. Ана шу турли саргузаштлардан сўнг, шаҳзодалар Баҳромга йўлиқадилар.

Китобнинг иккинчи қисмида Баҳром ва Дилором ҳақидаги ҳикоя баён этилади. Шуниси қизиқки, Христофор Арман мазкур асарни озарбайжон тилидан таржима қилганини ёзадию, бироқ кимнинг асари эканлигини, қайси манбалардан олинганлигини кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам европаликлар учун асар муаллифи кўп вақтгача номаълум бўлиб қолаверди. Ниҳоят, бу сир рус шарқшунос олими, профессор Е. Э. Бертельс томонидан очилди. Унинг фикрича, Христофор ўз китобининг биринчи қисмига Амир Хуснав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат») достонини, иккинчи қисмига эса, Алишер Навоийнинг «Саъбаи сайёр»идаги «Баҳром ва Дилором» қиссасини асос қилиб олган. Профессор Бертельснинг ёзишича, бу сюжет Шарқдаги бошқа адибларда учрамайди.

Қисқаси, мазкур асар 1828 йилгача Европа тилларида 15 марта, жумладан, саккиз марта италян, уч марта немис, икки марта француз, бир марта голланд ва инглиз тилларида нашр этилади. Шундан сўнг, Европада Шарқ маданияти, адабиёти ва ҳаётига қизиқиш янада кучаяди. Европалик шарқшунос олимлар, адабиётшунослар Шарқ мутафаккирлари меросига катта аҳамият бера бошлайдилар. Жумладан, француз шарқшунос олими Эдгар Блоше Алишер Навоий ижодини ўрганишга киришади. У иш жараёнида Ҳусайн Бойқаро саройидаги бир ҳовуч фитначи форсигуй ва форсипарастлар улуғ адибга туҳмат қилиб, уни «кўчирмачи тақлидчи шоир» деб айтган фикрларга дуч келади.

Коса тагида ним коса борлигини сезмаган олим ижодида бу фикр маълум даражада из қолдиради.

Аслини олганда, Шарқ мутафаккирларининг асарларида бир-бирига ўхшаш воқеалар тасвирланса-да, улар бир-бирини айнан такрорламаган, балки замон ва давр, мавзу ва талаб жиҳатидан қайтадан ишланган, бошқача талқин этилган. Ҳар бир шоир уларни ўзича қабул қилиб, ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқининг руҳи билан суғорган, сайқал берган. Шу асосда янги асар майдонга келган. Туркий, форсий ва араб тилларида сўзловчи халқлар адабиётида бу ҳодиса «Назира» деб юритилади. Назира — кўр-кўрона эргашиш бўлмай, балки шоирларнинг бадиият соҳасидаги ўзаро мусобақаси, куч синаши, ўзига хос ижодий тортишувидир. У адабий алоқаларнинг бир тури бўлиб, ўрта асрларда Ўрта Осиё, Эрон ва олд Осиёда кенг тарқалган эди. Бу ердан хабарсиз француз шарқшуноси Эдгар Блоше А. Навоийни «кўчирмачи — тақлидчи шоир» деб ҳисоблайди. Шу фикр таъсирида шоир асарлари анча вақтгача европа тилларига таржима қилинмайди.

Ниҳоят, профессор Е. А. Бертельс 1828 йилда ёзган «Аттор ва Навоий» мақоласида ҳамда унинг шогирди М. Никитский Навоийга бағишланган магистрлик илмий ишида (1856) Эдгар Блоше ва Ғарбий европалик бошқа шарқшунос ва адабиётшунос олимларнинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини исботлаб берадилар. Шундан кейингина ғарб дунёсида Навоий ҳақидаги нотўғри қараш аста-секин йўқола борди. Шоир ҳақида жиддий мақолалар эълон қилина бошлади, асарлари немис, француз, инглиз тилларига ўгирилди.

Европада улуғ шоир ижодига муносиб баҳо берган олимлардан бири венгер сайёҳи Херманн Вамбери ҳисобланади. У ўтган асрда Туркистон бўйлаб саёҳат қилиб, бу ўлка тўғрисида бир қанча нодир китоблар ёзиб қолдирган. У феодал бошбошдоқлик айни авж олган бир шароитда махфий тарзда Ўрта Осиёнинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон каби катта ва қадимий шаҳарларига келиб, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти намуналарини тўплайди. Юртига қайтгач, уларни немис тилига таржима қилади ва асл нусхаси билан биргаликда нашр этади. У 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» китобининг кириш қисмида: «Мен биринчи бўлиб туркий тилни жорий этган, ўша тилни асослаб, асарларини шу тилда ёзган улуғ олим Мир Алишер Навоий юрти маданий бойликларини Европа аҳлига маълум қилмоқчиман... Ҳозирги вақтда Навоий тили Ўрта Осиёнинг адабий тилига айланган», — деб ёзади. У улуғ шоирнинг форс ва туркий тиллардаги ижоди ва айниқса, туркий тил ривожига қўшган беқиёс катта ҳиссаси, шу йўлдаги жонбозлик ва ҳаракатлари, шоирнинг бевосита раҳбарлиги ва раҳнамолигида яратилган илмий, адабий, тарихий асарлар хусусида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади.

Х. Вамбери 1868 йилда ёзилган «Ўрта Осиё очерклари» китобида Навоий ҳақида шундай дейди: «Ўрта Осиёда бир-бирини севиб қолган ошиқлар ҳам, қадди букилган қариялар ҳам, шунингдек жангчи ва чўпон, диндор ва ўқимишли кишилар ҳам — ҳамма бирдай шеърий ижодиётга қизиқади, уни севиб тинглайди, айниқса Мир Алишер Навоий асарларига таъзим қилади».

Х. Вамбери олмон китобхонларини ўзбек мутафаккир шоири Навоий билан яқиндан таништириш мақсадида, «Маҳбуб-ул қулуб» асарининг кириш қисмини, «Фарҳод ва Ширин» достонининг айрим бобларини, бошқа асарларидан эса парчалар таржима қилиб чоп эттиради. Олим Навоий номини «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китобида ҳам тез-тез тилга олади: «Навоий турли вақтларда ҳам вазир, ҳам саркарда, ҳам бир неча ўлкаларга ҳокимлик қилган камдан-кам учрайдиган истеъдод соҳиби, у ўзидан кейин шеъриятга, тарихга, ахлоқ ва мантиққа доир 32 та мустақил асар қолдирган сермаҳсул мутафаккирдир», — деб ёзади.

Бироқ Х. Вамбери ҳам ғарб шарқшунослари таъсиридан тўла қутила олмаган. У «Хамса»нинг оригиналлигига шубҳа билан қарайди, «айрим асарларига «Минг бир кеча»да учрайдиган ҳикояларни асос қилиб олган» дейди.

Олмонияда Навоий ижодига қизиқиш асримизнинг 30—40-йилларида жуда ҳам кучайиб кетади. Бу даврдаги мураккабликларга қарамай, тараққийпарвар немис ёзувчилари ўзбек шоири ижодий меросини ўрганиш, илмий мақолалар ёзиш, асарларидан парчалар ўгириб чоп этишга вақт ва имконият топадилар. Таниқли олмон адабиётшуноси, ёзувчи ва таржимон Алфред Курелла Навоий асарларини ўрганиш ва уни ўз халқига етказишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшганлардан саналади.

Адабиётшунос 1940 йилда Навоийга бағишлаб «Улуғ шоирнинг янги кашфиёти» номли катта илмий мақола ёзади ва уни «Интернационал адабиёт» (олмон тилида — С. С.) журналининг ўша йилги 7-сонида чоп этади. Алфред Курелла мақоланинг биринчи қисмида улуғ Навоий ҳақида айрим ғарб шарқшунос ва адабиётшунослари тарқатган фикрлар нотўғри эканлигини қайд этади. Адабиётшунос шарқ поэзиясининг ўзига хос хусусиятлари, мафтункорлиги ҳақида фикр юритиб, «уни фақат тушина билиш керак», дейди. «Бу мафтункор поэзия ҳатто улуғ Гётени ҳам қариган чоғида йўлдан уриб, «Ғарбу — Шарқ девони»ни тузишга, шарқона шеърлар битишга олиб келди. Гёте шу йўл билан ғарб назмини шарқ шеърияти ҳисобидан анча бойитди», — деб ёзади. Сўнгра адабий асарларни қиёслаб ўрганиш усули ва шу асосда улар ижодига бериладиган баҳо мезони ҳақида фикр юритиб, бундай баҳолаш ўринсиз эканлигини кўрсатади. А. Курелла бу фикрини исботлаш учун Гётега мурожаат этади. Улуғ шоир «Ғарбу — Шарқ девони»да шундай ёзган эди: «Биз шарқ шеъриятининг ўзига хос баҳосини биламиз, биз бу шеъриятнинг қандай устунликларга эга эканлигини тан оламиз, бироқ уларни қиёслаганда фақат ўзаро қиёслаш керак, ўқиганда ўз даврасида ўқиш керак... Ахир, биз олмонлар, ўзимизнинг ажойиб эпосимиз Нибелунгларни бошқа халқлар эпослари билан қиёслаб озмунча зарар келтирдикми? Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида олганда, одамга қанча қувонч бағишлайди. Киши уларга шўнғиб кетдими, қайтиб чиққиси келмайди... Биз шоирларни қиёслар эканмиз, уларни аввало ўз тилида ҳис қилишимиз, билишимиз, баҳолашимиз, уларни муайян бир давр ичида олишимиз ва ўша давр ахлоқи юзасидан ҳукм чиқаришимиз керак. Шундагина биз уларга ҳаққоний баҳо бераолган бўламиз».

«Бас, шундай экан, — деб ёзади А. Курелла, — Навоийни ўз халқидан, тилидан, даври — замонидан, сиёсатидан юлиб олиб қараш, табиийки, яхши натижага олиб келмайди». Шундан сўнг, олим Навоий жаҳон адабиёти ва маданияти тарихидан ўзига хос ўрин эгаллаши кераклиги, унинг номи Хомер ва Хораций, Данте ва Шекспир, Ли-Тай-Це ва Видианати, Ҳофиз ва Низомий билан тенг қўйилиши зарурлиги, Навоийнинг хизматлари уларникидан кам эмаслиги тўғрисида фикр юритади. «Навоий лоақал битта хизмати — тил кашф қилганлиги учун жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олиши керак»,— деган фикрни билдиради.

Гёте «Ғарбу Шарқ Девони»нинг «Иккиланиш», «Истибдод», «Уқдириш» бобларига шундай изоҳ ёзган: «Ажойиб шарқ шоирларининг ўзига хос ёмон бир томони бор, у ҳам бўлса, уларнинг ўз амалдорларига, амиру — султонларига мутелиги, тобелигидир. Бу нарса эса шеъриятни қул

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолатига келтиради. Ғарбдаги кишиларнинг шарқ шеъриятини ёмон ҳазм қилишлари, уни ўз ҳолида тушунмай, завқ ололмасликларининг сири ҳам шунда». Бу фикрга жавобан А. Курелла: «Бу нарса Навоийга тааллуқли эмас, балки ижодий меросини Гёте ўрганган бошқа шоирларга тегишлидир. Агар Гёте Навоийнинг ижодини ўрганганида, достон, рубоий ва эпиграммалари билан таниш бўлганида эди, Шарқда шеърият ва тилнинг қуллик ҳолатига қарши биринчи бўлиб курашган инсон Навоий эканлигини пайқаб олган ва бундан беҳад хурсанд бўлган бўларди», — дейди.

Навоий ижодига катта ихлос қўйган А. Курелла «Фарҳод ва Ширин» достонини олмон тилига ўгиришга киришади. Бунинг учун У. Л. Пеньковскийнинг илк русча таржима нусхасини асос қилиб олади. Таржима жараёнида А. Курелла анча қийинчиликларга дуч келади. У Навоий ижоди ва мазкур достонга доир маълумотларни сўраш, билиб олиш учун Тошкентга отланади. Академик шоир Ғафур Ғулом бу масалада унга ёрдам беради. «Фарҳод ва Ширин»ни таржима қилиш учун, — деб ёзади А. Курелла, достондаги ҳар бир сўзни кўп қаватли, болохонали қилиб, яъни ҳамма маъноларини билан ёзиб беришни илтимос қилдим. Агар иложи бўлсайди, Навоий асарларининг оҳангини ҳам туширган бўлардим. Мен ўзбек шоири Ғафур Ғулом олдига бордим. Ўзбек халқ музикасини, Навоий шеъриятининг оҳангини ҳис этишим учун у менга соатлаб Навоий шеърларидан ўқиди. Ниҳоят, Навоий даврини, маълум даражада шоирнинг сўз бойлигини ўргандим, асарларига ишланган расмларни, суратларни йиғдим (чунки менга асар мазмунини очишга имкон берди), яна бошқа қўшимча манбалардан фойдаландим ва шу йўл билангина асл нусхага чуқур кира олдим».

Таржимон шу тахлитда «Фарҳод ва Ширин» достонидаги бир неча бобни олмон тилига ўгирди. Унинг таржималари 1946—1949 йилларда «Эркин жаҳон», «Интернационал адабиёт», «Зовйет литература» каби ойномаларда босилди. Мазкур таржима хато ва камчиликлардан холи эмас, албатта. Чунки Л. Пеньковский ўзининг илк русча таржимасида анча чалкашликларга йўл қўйган. 1940 йилдан кейинги нашрларда эса у ўз хатоларини тузата борган. Бундан хабарсиз А. Курелла Л. Пеньковский таржимасидаги нуқсонларни такрорлаган. Бироқ, А. Курелланинг бу таржимаси олмон китобхонларини ўзбек шоири асарлари билан таништиришда муҳим босқич саналади.

Ана шу тарзда А. Курелла Ғарбдаги бақувват навоийшунослардан бири ҳамда ҳаҳматкаш таржимонга айланди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Олмонияда Навоий ижодига бағишлаб анчагина мақолалар эълон қилинди. Жумладан, 1966 йилда ГДРда «Жаҳон адабиёти қомуси» нашр этилди. Бу қомусга сайёрамизнинг машҳур санъаткорларидан 1600 адиб киритилган эди. Навоий ижоди учун ҳам ундан муносиб ўрин ажратилган ва алоҳида мақола бағишланган. Мақолада шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли, асарлари рўйхати, мавзуи ва шарҳи берилган. Айниқса, «Муҳокамат-ул луғатайн» асарига катта урғу берилади. «Бу китоб Навоийнинг тилшуносликка бағишланган иши бўлиб, унда форс ва чиғатой (туркий) тилларининг ўзига хос хусусиятлари бир-бирига қиёс этилади ва чиғатой тили ҳам чуқур фикрларни, нафис буёқларни, нозик маъноларни ифодалашда форс тилидан қолишмайди деган хулоса чиқаради», — деб кўрсатилади китобда.

«... Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» тазкираси ҳам ўз тузилишига кўра шарқдаги бошқа алломалар ишидан ажралиб туради. Навоий бу китобга на фақат ўтмишдошларини, балки ўзига замондош ва ёш шоирларни ҳам киритган. Унинг бу китоби далилларга бой қомусий асардир», — деб ёзади қомус тузувчилар.

Мазкур китобда Навоий ёшлигидаёқ ўз халқининг маънавий тараққиёти учун интилгани, мактаблар очгани, санъатга доир тўгараклар ташкил этгани, адабиётга доир йиғинлар ўтказгани, мачиту-мадрасалар қургани мароқ билан ҳикоя қилинади. Навоий лирикасига, айниқса, «Чор девон»га юксак баҳо берилади.

1967 йилда профессор Гарри Юнгер таҳрири ва раҳбарлигида «Совет халқлари адабиёти» мажмуаси нашр этилади. Бу тўплам мингга яқин мақолани ўз ичига олган бўлиб, ўзбек адабиётига доир бўлимни доктор Г. Дудек тайёрлаган. Муаллиф ўз мақоласида илк ёзув ёдгорликларимиздан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган адабиётимизнинг катта даврини ёритишга интилади. Мақолада ўзбек адабиёти тарихининг равнақи олим ва шоир Алишер Навоий номи билан боғлиқлиги, буюк ўзбек шоирининг шеър ва достонлари фақат ўзбек шеъриятини эмас, балки бутун Ўрта Осиё адабиётини юксакликка кўтарган асарлар эканлиги ишонарли талқин этилади. «Буюк мутафаккир ижодининг бош мавзуи — Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий поклик, шахс эркинлиги ва ҳақиқий инсоний севгидир. «Хамса» ўзининг ғояларга бойлиги билан, образларнинг тўлақонлиги билан жаҳон адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади», — дейди Г. Дудек.

1972 йилда нашр қилинган «Хорижий ёзувчилар қомуси» эса инсониятнинг уч минг йиллик тарихини ўз ичига олган бўлиб, тўпламга жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан 1800 га яқин адиб саралаб киритилган. Бу қомусда ҳам бошқа айрим ўзбек ёзувчилар қатори Навоий учун алоҳида ўрин ажратилган ва махсус мақола бағишланган. Мақолада қисқача таржимаи ҳолдан сўнг «Навоий ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси, улуғ шоир, машҳур олим. У ўзининг фалсафий қарашлари билан Ўрта аср жаҳолатига қарши курашган», дейилади. Унинг жаҳон адабиёти хазинасига кирган «Хамса»си инсонпарвар ғоялар, ахлоқий поклик, шахс эркинлиги каби масалаларни қамраб олган. Навоий ўта халқпарвар бўлган. У давлат ислоҳати ўтказиш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича шоҳ Ҳусайн Бойқаро билан келишолмай, ўзининг шоҳона, катта лавозимидан воз кечиб, меҳнаткашлар фуқаро томонига ўтиб кетади. Ўрта Осиё адабиётининг тараққиётига кучли таъсир кўрсатган Навоий, бугунги кунда ҳам ўз халқининг севимли шоири бўлиб қолмоқда», — деб юқори баҳо берилади шоирга.

Дарҳақиқат, бобокалон шоиримиз Навоий бугунги кунда Европа, жумладан, Олмония адабиётидан ўзига хос ўрин олган. Европада ҳеч бир шарқшунос, ҳеч бир адабиётшунос йўқки, у ўзбек адабиётини, унинг асосчисини четлаб ўтган, унга етарли баҳо бермаган ва уни маълум даражада ўрганмаган бўлсин. Бир халқ адабиётининг иккинчи бир халқ томонидан ўрганилиши натижасида одамлар орасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, адабиётлар орасида алоқалар вужудга келади. Ўзаро алоқада бўлган адабиётлар эса, бир-бирларини тўлдиради ва бойитади.

Сано САИДОВ,
профессор

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Ким ҳақиқий савдогар! Давра суҳбати . . . 3

НАЗМ

Маъруф Жалил. Соҳибқирон. Амир Темур қиссаси . . . 14
Дийдор осмонига юлдузлар чиқди . . . 89
Зокир Худойшукур. Севги туфроғини суйгали келдим . . . 112
Муқимжон Қодиров. Шеърлар . . . 123
Конфуций. Ҳикматлар . . . 139
Абдулла Хушнуд. Шеърлар . . . 175

НАСР

Саъдулла Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари. Роман . . . 45
Асқад Мухтор. «Инсонга қуллиқ қиладурмен». Ҳикоя . . . 97
Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи . . . 163

СУҲБАТ

Саид Аҳмад, Тоир Юнус. Давр шиддатли, бешафқат . . . 114

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Заки Валиди Туғон. Хотиралар . . . 125
Сано Саидов. Ғарб — шарққа боради . . . 189

ҒАФУР ҒУЛОМ 90 ЙИЛЛИГИГА

Комил Яшин. Бизнинг Ғафур . . . 145
Урфон Отажон. Ўкинч ва ўтинч . . . 147
Азиз Қаюмов. Зўр карвон йўлида . . . 150
Эркин Носиров. Олам каби қадим . . . 153
Тўлқин Ғози Юнус ўғли. Меҳр ва кўз ёшлари . . . 156
Михаил Янчевецкий. Отамнинг ўчмас хотиралари . . . 158
Чори Ҳамро. Устод ҳақида хотиралар . . . 160
Қора Сейтлиев. Одам ва тириклик . . . 161
Собит Муқонов. Заки Нурийга хат . . . 162

МЕРОС

Алишер Навоий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд . . . 173
Мирза Абдулазим Сомий. Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози . . . 178

ҚУТЛОВ

Умрзоқ Ўлжабоев. Бизга бегона уруш . . . 184

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 5—6
Журнал писателей Узбекистана

Ташкент — 1993

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Навбатчилар **М. Мансур, А. Ҳайдаров**

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, Буюк Турон кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 02.03.93 й. Босишга рухсат этилди 01.04.93 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 25.174 нусха. Буюртма № 1732. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi